INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ



PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF CORPORATE STRUCTURES AND ENTREPRENEURSHIP IN THE DIGITAL ECONOMY

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

23 December 2021

TASHKENT

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари

2021 йил 23 декабрь

ТОШКЕНТ – 2021

Рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив тузилмалар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболлари Халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари – Тошкент: Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, 2021.– 659 б.

Масъул муҳаррир: **Абдиназаров Б.К.** – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби директори

Таҳрир ҳайъати:

Суюнов Д.Х. – иқтис
Кенжабаев О.Т. – иқтис
Расулова Д.В. – иқтис
Бобоқулов Т.И. – иқтис
Садриддинов Б.Б. – кимё
Хошимов Э.А. – иқтис
Аликориев О.Ф. – иқтис

Масъул ходимлар: **Шодмонов А.Х.** – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби бош мутахассиси
Набиева Ш.М. – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби етакчи мутахассиси

Ушбу тезислар тўпламида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, корпоратив бошқарувнинг замонавий механизмлари, давлат бошқаруви органлари ва корпоратив тузилмаларда лойиҳа бошқаруви, замонавий тадбиркорлар синфини шакллантириш, камбағалликни қисқартиришнинг устувор йўналишлари, корпоратив ва лойиҳа бошқарувида рақамли технологияларни қўллаш масалалари бўйича янги фикр ва тажриба алмашиш, ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишлари ва ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида 2021 йил 23 декабр куни **“Рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив тузилмалар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболлари”** мавзусида ташкил қилинган халқаро илмий-амалий онлайн конференция маъруза тезислари жамланган.

Материалларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Мазкур тезислар тўплами 2021 йил 20 декабрдаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

© Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, 2021 йил.

Абдиназаров Б.К. *– Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби директори*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

IMPROVING THE PERSONNEL TRAINING SYSTEM FOR CORPORATE GOVERNANCE IN THE DIGITAL ECONOMY

Аввалambор, таъкидлаш лозимки, яқин истиқболда муваффақият айнан рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив тузилмалар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболларининг ривожига боғлиқ бўлиб қолмоқда, бу эса ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича кучли рақобат муҳити ҳукмронлигини кўрсатмоқда. Ўз навбатида, глобал Covid -19 пандемияси ҳам дунё миқёсида рақамлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириб юборди.

Сўнгги уч йилда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб ва унинг ҳуқуқий таъминотни яратиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли, 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли қарорлари қабул қилинди.

Юқоридаги қарорларга мувофиқ, 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган.

Айни пайтда, республикамизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сонли фармонининг қабул қилиниши республикамизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда янги босқични бошлаб беради десак муболаға бўлмайди.

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ, мамлакатимизда рақамли ривожланишнинг устувор йўналишлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

– рақамли инфратузилмани ривожлантириш;

– электрон ҳукуматни ривожлантириш;

– рақамли иқтисодиётни ривожлантириш;

– рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантириш;

– ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака ошириш.

Speedtest Global Index 2021 йил ноябрь ойи натижаларига кўра, интернет тезлиги бўйича рейтингда Ўзбекистон 97-ўриннни эгаллаган. Бунга симли интернет тезлигини ошириш ҳисобига эришган бўлсакда, бу соҳада амалга ошириладиган ишлар ҳали талайгина.

Таъкидлаш лозимки, шу билан бирга бундай вазифаларни бажариш иқтисодиётнинг барча тармоқларида шунингдек, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув амалиётига доир тажрибаларни илмий-амалий таҳлил қилиш асосида энг илғор ютуқларни кенг жорий қилиш, бошқарув органлари фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш билан бирга илғор хорижий ва миллий тажрибани умумлаштириш, менежмент фаолияти самарадорлигини оширишда рақамли техноглгиялардан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда, миллий иқтисодиётда корпоратив секторни муваффақиятли ривожлантириш учун бошқарувнинг замонавий механизмларини тезкор жорий этиш талаб этилмоқда. Корпоратив бошқарувга етарлича эътибор қаратмаслик акциядорлик жамиятларида инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва бизнесни стратегик жиҳатдан ривожлантириш масалаларида қатор қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Айнан шунинг учун сўнгги йилларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масаласи ҳам давлат, ҳам бозор иштирокчиларининг эътиборини тортмоқда.

Шу билан бирга, корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлиги нафақат компания бозор қийматини ошириши, балки ўз навбатида, молиявий бозорларда рақобатбардошликни таъминлайди, қарз маблағларини жалб қилиш қийматини пасайтиради ҳамда инвестицион жозибадорликни оширади.

Шунингдек, самарали корпоратив бошқарув тизими акциядорлик жамиятлар бошқаруви тизимида янги, замонавий ёндашувларни фаолроқ жорий қилиш имконини беради, жумладан:

акциядорларнинг умумий йиғилишларини, кузатув кенгашлари ва ижро органлари мажлисларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш ва бунда рақамли технологияларнинг жорий қилинишини ривожлантириш;

компаниялар фаолияти ва уларда йирик битимларининг шаффофлиги (ошкор қилиш тизимини такомиллаштириш) ва ички молиявий назорат ҳамда комплаенс – назорат тизимини жорий қилишни такомиллаштириш;

компанияни бошқаришда кузатув кенгашининг ролини кучайтириш (кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларнинг улушини 30 фоиздан ошириш, аъзолар таркибида хотин-қизларниниг улушини 15 фоизга етказиш, кузатув кенгашлари қошида тегишли қўмиталарни тузиш, кузаттув кенгаши аъзолигига номзодларни сайлашни танлов асосида ташкил қилиш);

Кузатув кенгашининг иш фаолияти самарадорлигини таъминлашда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва усулларини

қўллаганлик даражасига ва корпоратив бошқарувнинг сифат кўрсаткичларини оширганлигига қараб рағбатлантиришни жорий қилиш;

Кузатув кенгаши фаолиятини самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини (KPIs) ишлаб чиқиш, мустақил директорларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини шакллантириш. Олий ижро органларининг кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишларига ҳисобдорлигини, маълумотларнинг ошкоралиги ва шаффофлигини оширишни таъминлаш керак бўлди.

Шунга қарамай, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув стандартларини жорий қилишда қўйилаётган камчиликлар, корпоратив ҳуқуқни такомиллаштириш эҳтиёжи, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашдаги қийинчиликлар корпоратив бошқарув стандартларини тўла-қонли татбиқ қилиш имконини бермаяпти. Айниқса, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун илмий жиҳатдан мустаҳкам методологиянинг етишмаслиги корпоратив стандартларга риоя қилиш заруриятини акциядорлик жамиятлари томонидан тушунишни қийинлаштирмоқда.

Бундан ташқари, акциядорлар ва ижроия органлари ўртасидаги муносабатларнинг акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини оширишдаги муаммоси ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Бошқарувчиларнинг малака салоҳиятини юқори эмаслиги, бошқарувда назоратнинг сустлиги муаммоси, хорижий компанияларнинг интеграциялашуви, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ташқи бозорларга чиқишда тажриба етишмаслиги ва шу кабилар жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга шуни қайд этиш лозимки, корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган методологияни яратиш акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимига нисбатан тизимли ёндашувни шаклланишига замин ҳозирлайди. Ушбу ёндашув акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини мунтазам такомиллаштиришга оид тавсиялар мажмуаси ишлаб чиқиш, ҳар бир акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув амалиётини миллий қонунчилик меъёрлари, корпоратив бошқарув кодекси ва жаҳон амалиёт стандартлари бўйича қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, корпоратив бошқарув соҳасидаги компетенцияларга талаб кескин ўзгармоқда. Хусусан, Кузатув кенгаши ёки директорлар кенгаши таркибига ва компетенциясига талаб ортиб бормоқда. Корпоратив бошқарув соҳасида фаолият юритаётган кенгаш ва бошқарув аъзолари рақамли иқтисодиёт, стратегия ва етакчилик, ҳисоб ва аудит, комплаенс ва риск назорати бўйича билим ва тажрибалар, корпоратив бошқарув ва корпоратив ҳуқуқ бўйича кўникмаларга эга бўлиши давр тақозосига айланмоқда.

Шундай экан, корпоратив ва лойиҳа бошқаруви соҳасига сифатли кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш тизимини шакллантириш мазкур соҳа ривожидаги устувор йўналиш бўлиб қолаверади. Ўз навбатида, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби корпоратив ва лойиҳа

бошқаруви соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш маскани сифатида соҳа кадрлари билим ва кўникмаларига бўлган талабдан келиб чиқиб, ўқитиш тизимини такомиллаштиришда ҳамкорликка доимо тайёр эканлигини мамнуният ила қайд этмоқчиман.

Шуни таъкидлаш лозимки, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳузурида 08.00.16 -“рақамли иқтисодиёт ва халқаро рақамли интеграция” ихтисослиги бўйича Илмий кенгаш фаолият юритади ва у республикамизда рақамли иқтисодиёт соҳасида илмий кадрларни тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Asia Ammar Younas *– Tashkent State University of Law University of Chinese Academy of Sciences*

REGULATING NEW INNOVATION TECHNOLOGIES IN TRANSITIONAL DIGITAL ECONOMIES: A CASE OF CENTRAL

Policy Challenges for Digital Transformation in Central Asia

Citizen Oriented Challenges

- Inadequate Capacity Building
- Privacy on the Cost of Security Debate
- Right to Internet Institution Oriented Challenges
- Vulnerability of Data
- Cross Boarder Digital Security Compromisation
- Mismanagement of Funds and Resources

Does Uzbekistan really need International Experience?

Uzbekistan needs a contextualized approach in legal progression. We propose the concept of Central Asia Tech Law. https://centralasiatechlaw.com/

Central Asia Tech Law has following goals*:*

1: Facilitating the creation of a common techno- legal space between Central Asian states and increasing the understanding of technology regulations and ethics.

2: Promoting Tech Law as a reputable field of Legal Sciences in Central Asia

3: Promoting efficient digitization of state institutions and public administration services

4: Techno- Legal Capacity building of all the stakeholders

5: Central Asia Tech Law Journal

Digital Economic Development in Post-COVID-19 Era

-Make long-term investments in AI/Technology research.


-Develop effective methods for human-AI/Tech collaboration.

-Understand and address the ethical, legal, and societal implications of Technology.

-Measure and evaluate AI/Innovative technologies through standards and benchmarks.

-Better understand the national AI R&D workforce needs.

Alignment with State Priorities such as "AI Policy", "New Uzbekistan" Vision of 2030*:*



There are three big questions related to Digital Economy and new innovation technologies:


1. How can we use law/policy to incentivize new technologies?
2. How do we use law/policy to regulate the use of new technologies?
3. How can we use new technologies to improve the law and policy in Uzbekistan?

Prof. Tommaso Agasisti Politecnico di Milano –
School of Management tommaso.agasisti@polimi.it

ITALIAN AND EUROPEAN UNION TRAINING TRENDS FOR FUTURE COMPETITIVENESS

Prologue – a model for human capital investments

► Technological changes might generate more productivity
► Is the human capital ready for this change?
► Is my company cooperating with the most prepared partners?



Skills and competences for the future of work

The model proposed/identified by McKinsey - 4 groups of competences

►Cognitive

-Critical thinking, planning and ways of working, communication, mental flexibility

►Interpersonal

-Mobilizing systems, developing relationships, teamwork

►Self-leadership

-Self-awareness and self-management, entrepreneurship, goals achievement

►Digital

-Fluency and citizenship, software use and development, understanding systems

Trends and challenges for corporate education in Italy

►Insights from a research conducted by MIP Politecnico di Milano (2021) 14 Survey with >100 respondents + focus groups and interviews Six sections

1.Training strategy

2.Integration with corporate processes

3.Measuring training results

4.Training structure and trends


5. Technologies for training

6. COVID-19 impact

Trend in the proportion of workers trained

► Despite the Covid-19 health emergency, the proportion of people trained in 2020 did not fall. On the contrary, on average, there was a further increase in value between 2019 and 2020.

► In terms of future forecasts, 75% of companies confirm a growing trend in the next three years (bottom right)



Trend in the proportion of workers trained


►Despite the Covid-19 health emergency, the proportion of people trained in 2020 did not fall. On the contrary, on average, there was a further increase in value between 2019 and 2020.

►In terms of future forecasts, 75% of companies confirm a growing trend in the next three years (bottom right)

Who is being trained?

►Junior roles are associated with an intermediate level of training, but the number of hours of training performed is not too far from those for Specialists and People Managers


►The Executive role is the one least involved in corporate education initiatives, with a degree of training of 2.81 on a scale of 1 to 4



Who is providing training to corporations?

►main training providers are consulting firms and internal academies.

►The more academic world, on the other hand, holds a secondary place for companies, which in this area mainly make use of the services provided by business schools.



Changes due to COVID-19

►Strong acceleration in the degree of digitalisation of the training

►Significant change in training techniques

►Provision of courses on crisis management and also including issues which are not strictly professional, but related to the well-being of the person

►The emergency situation has not substantially changed the budget BUT new investments in technology

New training approaches

►Face-to-face training was mainly replaced by digital learning and online micro-learning activities.

►Adaptive learning is still little used, but it seems to have strong potential

►Almost all companies see the future of training as being dominated by blended forms of training

Concluding remarks

►Investments in human capital shape the competitiveness of companies in the changing business world

►Understanding objectives, dynamics and activities in this area is crucial for establishing long-standing business relationships

►The future of work requires a new and complex set of competences and skills

►Cognitive, interpersonal, self-leadership and digital

►The role of companies in upskilling and re-skilling

Гмыря В.П. *– к.э.н., доцент кафедры экономики, предпринимательства и маркетинга Черкасский государственный бизнес-колледж, Украина, г. Черкассы*

ЦИФРОВИЗАЦИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ АГРОБИЗНЕСА В УКРАИНЕ

Цифровизация определяется новым трендом мировой экономики. Глобальная идея общей цифровизации (диджитализации) и перехода к цифровой экономики возникло отнюдь не спонтанно.

Эволюция цифровизации имеет прочную теоретическую основу в виде цифрового языка математики, положившей начало применению точных наук и прикладных разработок в технике.

Считается, что зарождение информационно-цифровой эпохи было инициировано появлением электронно-вычислительных машин (ЭВМ), что обеспечили выполнение цифровых преобразований, обработку и передачу информации без роли человека.

Отечественная экономика в последние годы существенно продвинулась по многим направлениям цифровизации. Основным нормативно-правовым актом, который влиял на сдвиги этих процессов, можно считать «Стратегию развития сферы инновационной деятельности на период до 2030 года», где определено, что основным двигателем экономического роста в ближайшей перспективе должен выступать аграрный сектор как имеющий высокий потенциал к модернизации, внедрению новейших технологий и повышению уровня переработки собственной продукции, хотя его перспективы ограничены. Однако сегодня в Украине он обеспечивает около 10% валового внутреннего продукта, поэтому даже повышение уровня эффективности аграрного сектора вдвое будет создавать только 20% валового внутреннего продукта и не будет влиять существенно на развитие государства[1].

В то же время аграрный сектор уже видоизменяется под влиянием биотехнологии, благодаря которым происходит вывод новых сортов; применению трекинг техники и контроля за использованием топлива; электронным картам и журналам учета; спутниковому мониторингу полей и применению других методов аэрофотосъемки; технологиям управления поливом; системам параллельного вождения; автопилотирование и т.д.

Приоритетной целью цифровизационных процессов в экономике является трансформация производственного процесса в более гибкое и адаптированное к требованиям современных реалий понятие, способствующее росту конкурентоспособности национальной экономики в «цифровом мире» Именно цифровизация уже сегодня является инструментом получения желаемого социально-экономического эффекта, что становится платформой обеспечения потребностей социума и сверхприбылей собственниками отечественного бизнеса.

Владельцы бизнеса, стремящиеся включить принципы цифровизации в экономическое развитие, должны сосредоточиться на автоматизации производственных и управленческих процессов для повышения эффективности функционирования.

Сегодня отечественные аграрные предприятия получили столь необходимый им импульс к переходу на более высокий уровень экономического развития, где имплементация цифровых инноваций – это один из первых положительных результатов проведение политики импорт замещения аграрной продукции. Более того, информационные технологии крайне необходимы аграрному производству: от управления трактором с помощью спутниковых технологий до автоматизации крупных перерабатывающих компаний. Без ИТ и использования современных методов анализа информации выжить на конкурентном рынке невозможно.

Сегодня аграрий видит, что его конкурент, который применяет новые информационные технологии, добивается большего урожая, получает продукты высшего качества в том же регионе, снижает себестоимость производства и накапливает за счет этого определенные финансовые запасы, которые позволяют ему эффективнее реализовывать свой экономический потенциал. Например, лучших результатов в области производства сельскохозяйственных культур добивается сейчас тот, кто использует новые спутниковые технологии мониторинга урожайности, занимается повышением плодородия почв за счет точного исследование почвы и внесение удобрений, использует новые цифровые метеостанции и т.д.

Для аграрного сектора Украины, ориентированного на экспорт, использование технологий «точного земледелия» (Precision Agriculture) и Интернет вещей – это вопрос повышения производительности в условиях мирового дефицита качественной агропродукции.

К ключевым факторам перехода производителей аграрной продукции на «цифровое» земледелие принадлежат следующие.

1)Ресурсные и экономические причины. Согласно сводными данными точное земледелие уменьшает потребность в удобрениях и средствах защиты растений на 30-50%. В современных условиях, когда по уровню применение агрохимикатов Украина отвергнута на 30-40 лет, внедрение точного земледелия станет важной мерой интенсификации земледелия без значительных дополнительных затрат (только благодаря перераспределению и более точному внесению удобрений).

2)Экологические причины. Уменьшение уровня химизации земледелия при одновременном повышении эффективность хозяйствования означает более полное использование средств химизации и ограничение их миграции за пределы верхнего слоя почвы. Это отразится на уменьшении загрязнения почв, лето-, атмо-, гидро- и биосферы в целом.

3)Охранно-оздоровительные причины. Продукция становится чище химикатов, что влияет на состояние здоровья потребителей, вызывает так

называемый эффект естественного оздоровления (еда, которая имеет лечить, а не тихо «убивать»).

4)Социальные и публичные причины. Внедрение «цифровых» технологий будет способствовать повышению привлекательности труда в агросфере, постепенно превратит агронома в современного менеджера, повысит уровень экономической культуры и экологического сознания в сельском местности.

Список использованных источников:

1. Аграрные диалоги. Как инновации переворачивают образование вверх ногами. URL: http://agroportal.ua/publishing/agrarnye-dialogi/agrarnye-dialogi-kak-perevernut-obrazovanie-vverkh-nogami/# (дата обращения: 21.12.2021).
2. Стратегія розвитку сфери інноваційної діяльності на період до 2030 року. База даних «Законодавство України» / ВР України. URL : http://zakon.rada.gov.ua/laws/show/526-2019-%D1%80#Text (дата обращения: 21.12.2021).
3. CT Development Index (IDI) 2017 rank. URL : https://www.itu.int/net4/ITU-D/idi/2017/index.html (дата обращения: 21.12.2021).
4. New Vision for Agriculture. URL : https://www.weforum.org/projects/new-vision-for-agriculture (дата обращения: 21.12.2021).
5. Walter A., Finger R., Huber R., Buchmann N. Opinion: smart farming is key to developing sustainable agriculture. Proc Natl Acad Sci. 2017. Vol. 114(24). P. 6148-6150.
6. Белевцев А. Цифровизация – это фундаментальный тренд. Сибирская нефть. 2018. № 7 (154). С. 20–36.
7. Варламов К. Переход к цифровой экономике должен привести к улучшению качества жизни россиян во всех значимых сферах. Доклад ОНФ. 2017.URL:http://onf.ru/2017/05/12/varlamovperehodkcifrovoyekonomikedolzhen privestikuluchsheniy ukachestvazhizni (дата обращения: 21.12.2021)
8. Шабатура Т. С. Перспективи розвитку аграрного сектору України в контексті цифрових технологій. Приазовський економічний вісник. 2019. Випуск 3 (14). С. 123-128

Mohamed eid Aly Balbaa (Misr) –
Associate Professor of the TSUE

ACHIEVING THE SUSTAINABILITY OF SMES' IN DEVELOPING COUNTRIES THROUGH EXPORT-ORIENTED INDUSTRIALIZATION

The Sustainable Development Goals can only be realized with strong global partnerships and cooperation, as the world now is more interconnected than ever. So, improving access to technology and knowledge is an important way to share ideas and foster innovation. In reference to the 17th goal of the SDGs which aims to enhance partnerships and cooperation, promoting international trade, and helping

developing countries increase their exports is all part of achieving a universal rules-based and equitable trading system that is fair and open and benefits all. This study aims to build a strategy for enhancing the competitiveness of SMEs in developing countries, through studying their status; analyzing the export obstacles facing these enterprises; and recommending policies and strategies for enhancing the exports competitiveness of SMEs in developing countries.

Hugo Coré *–ТДИУ, катта ўқитувчи*

MY EXPERIENCE IN TOURISM AND WAYS OF IMPLEMENTATION OF IT TO UZBEKISTAN

There is a fundamental shift underway among consumers, emphasizing values and experiences that bring happiness and wellbeing over material goods. They are actively seeking authentic and inspirational experiences—and are prepared to pay more for it.

In fact, 66 % of the population was willing to pay more for sustainable brands. The social awareness is particularly on the rise among millennials, with 73 % willing to pay more for a sustainable brand.

CUSTOMERS ARE SHIFTING FROM A PRODUCT TO EXPERIENCE PARADIGM

•82 % of respondents value “making memories” more than they value making money.

•The desire of travelers to experience a unique, authentic, local, and immersive journey.

TREND 2020 : BEYOND THE ORDINARY

•Unspoiled Destinations • Multi stop Travel • Culinary Adventures • Green Tourism • In search of mindfulness (peace, calm, privacy) • Connect with local communities • Staycations as the new vacations • Mass personalization, one size no longer fit all.

“Tourism is ultimately about the creation, provision and consumption of experiences. Tourism studies seek to understand the nature of the tourist experience, its relation to motivations for travel, and the ways destinations can create memorable experiences that satisfy the complex desires of tourist.

IN THE LUXURY HOSPITALITY, IF YOU CREATE UNIQUE EXPERIENCE TO YOUR CLIENT (ADD VALUE) YOU CAN BE MORE EXPANSIVE THAN YOUR COMPETITION

“The experience economy will be a ‘massive business,’ according to Airbnb CEO Brian Chesky” Experiences, which offers users activities hosted by locals — like a photography workshop or a cooking class — is now doing a million and a half bookings on an annualized basis. It’s growing much faster than Homes did, according to Chesky, who shared the data point that three in four millennials said they’d rather buy an Experience than a physical good. In 2018, the number of seats booked on Airbnb Experiences increased nearly 7x, year over year. In 2016,

Experiences launched with roughly 500 experiences. Today, over 30,000 Experiences are available around the world.

An Economic Opportunity for UZBEKISTAN

The growth of Experiences also offers new ways for small entrepreneurs to market their time and experiences and talents. In the past, it was difficult for individuals to market and sell independent experiences to travelers. Airbnb has given entrepreneurs access to our global network and while the average person earned $2,500 per Experience listed in 2018, some of our top hosts are earning more than $300,000 in a year from hosting Experiences.

What really seems to matter to millennials is how good their trip will look on social media. 40 % of people under 33 are prioritizing travel destinations based on how "Instagrammable" it is. 52% of millennials list food experiences as the top reason to travel

Viral marketing generates interest in a brand or product (and therefore potential sales) through messages that spread quickly from person to person. The idea is that the users themselves choose to share the content. Due to their speed and the fact that they make sharing easy, social networks are the natural habitat of this kind of marketing. The most widespread example in recent times is the creation of emotional, surprising, funny or unique videos on YouTube, which are then shared on Facebook, Twitter, and other channels.

The tourism industry is changing rapidly from the way we decide the destination, to book an accommodation and the kind of holiday we desire. It's is essential to understand what guest want to experience, we can see in USA or Europe we have different definition of luxury but also the way we are spending our vacation. Tourism industry players should create unique, high quality content (especially video) and aiming to go viral.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ, кафедра мудири, и.ф.д., проф.*

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида очиқлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши, бошқарув жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланишни жадаллаштириш юртимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари, шунингдек тижорат банкларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирмоқда. Маълумки, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт қўшимча қиймат яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиёт тармоқларидаги амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида рақамли ахборотлар таъсири асосида кузатилаётган жараёнлар корпоратив бизнеснинг стратегик ривожланишида асосий ҳал қилувчи кучга эга бўлмоқда. Жаҳонда рақамли активлар бўйича глобал

иштирокчилар сифатида “North Plains Systems Corporation”, “Open Text Corporation”, “Widen”, “Net Xposure, Inc.”, “Media Beacon, Inc.”, “Hewlett-Packard Company”, “WebDAM” каби йирик халқаро корпорацияларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт (Digital Economy) деганда, рақамли коммуникациялар, IT ёрдамида олиб бориладиган иқтисодиёт тушунилади. Бунда, яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки биринчидан, барча операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги IT технологиялар қўлланилиши туфайли маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасайишига олиб келади[1]. Жаҳон банкининг “Рақамли дивидендлар” номли тадқиқоти хулосалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканлигини кўрсатади. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши мамлакат ЯИМ ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни ташкил этса, ривожланаётган мамлакатларда 1,38 фоизга тенг. Демак, интернет тезлиги 2 баробар ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми 13-14 фоиз ортишига эришиш мумкин[2].

Республикамизнинг акциядорлик тижорат банкларида корпоратив бошқарувини самарали ташкил этишда ҳам бир қатор вазифаларни ҳал қилишни талаб қилади. Уларнинг асосийси мулкдорлар манфаатлари учун бошқарувнинг шаффофлигини таъминлаш, барча акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, молиявий натижаларни олиш ва тақсимлаш билан боғлиқ акциядорлик жамиятлари фаолиятини бошқаришда илғор техника ва технологияларни қўллаш асосида банк хизматларини кўрсатишнинг сифатини таъминлаш, янги технологиялар ва рақамлаштирилган юқори унумдорликда ишловчи ускуналар тизими асосида хизмат кўрсатиш жараёнини барқарорлаштириш кабилар долзарб вазифа ҳисобланади.

Бугунги кунда акциядорлик тижорат банкларининг корпоратив бошқарувида амалга оширилган рақамли тизимларни, блокчейн технологиялар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Акциядорлик тижорат банклари молиявий бошқарувига блокчейн технологиясини жорий этиш учун блоклар реестри, алгоритмлар, операциялар ёки шартномалар ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат қилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарув, ҳал қилинадиган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тармоқ ичида корпоратив корхоналар фаолиятининг барқарорлиги ошишига асос бўлади.

Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумий корпоратив бошқарув концепциясини ишлаб чиқишда тармоқ корхоналарининг иқтисодий

[1] https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir
[2] https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir

натижаларини қуйидаги сценарийларни орқали ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

1-сценарий. Корпорация умумий мақсадларига эришиш ва корпоратив бошқарув моҳиятини ҳамда асосий назарий ёндашувларни ўзгартирмасдан муаммоларни ҳал қилиш учун рақамли воситалардан фойдаланиш. Ушбу сценарийни корпорация таркибидаги йирик корхоналар-лидерлар бизнес-жараёнларни бошқаришда амалга ошириши мумкин.

2-сценарий. Иккинчи сценарий рақамли технологиялар асосида корхоналарда корпоратив бошқарув тартибларини ўзгартириш орқали янги технологияларнинг мураккаблиги ёки етарли маълумот ололмаслиги сабабли муаммоларни ҳал қилишга имкон бериши билан устуворлик қилади.

3-сценарий. Корпоратив бошқарувни биринчи ва иккинчи сценарийлар асосида корпоратив корхоналарда молиявий жараён билан боғлиқ бўлган жараёнларни платформалаштириш ҳамда рақамли технологиялар корпорация учун самарали омил сифатида қабул қилиниши зарур ҳисобланади.

Блокчейн технологиядан фойдаланиш натижасида корхона билан конрагент алоқаларга киришаётган ҳар бир шахс тўғрисидаги маълумотларни идентификациялаш, ҳамкор тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиш ва бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни камайтириш мумкин бўлади. Корхона фаолиятига таълуқли бўлган маълумотлар базасини конфиденциаллигини кафолатлаш имкониятини мавжудлиги, бухгалтерия китобининг ички ва ташқи аудит ўтказиш учун қулайлиги, барча транзакцияларни назорат қилиш, транзакцион харажат турларини доимий равишда оптималлаштириш имконияти, “ақлли шартномалар” тизимини ишга тушириш имкониятининг мавжудлиги билан тавсифлаш мумкин. “Ақлли шартномалар”ни ишга тушириш орқали корхона келгусида ҳар бир шартномани индивидуал тарзда назорат қилиб бориш. Шартнома тури бўйича иқтисодий, ижтимоий, бюджет самарадорлигини аниқлаб мониторинг қилиб бориши мумкинлиги, корхона иқтисодий салоҳиятига ижобий ва салбий таъсир кўрсатаётган шартномалар ва контрагентларни аниқлаб бориши, шартнома шартларини ўз вақтида амалга ошириш ва амал қилиш жараёнини таҳлил қилиб бориши, контрагентлар таъсири доирасида корхонанинг банкрот бўлиш рискини камайтиришга, аниқланган молиявий ва иқтисодий рискларни диверсификациялаш ёки хеджирлаш амалиётини қўллашга имконият яратиши мумкин.

Бундай ёндашув билан корхона бюджетини ва фаолият натижаларини тасдиқлашда етарли дискрет қийматлар бўлмайди ва акциядорлар назорат жараёнини автоматлаштиришга имкон берувчи жараёнларни (бошқарув қарорларининг прогнозли блокини) тасдиқлаш учун алоҳида қийматдан ҳаракат қилишлари керак.

Шу билан бирга етакчи даражадаги корхоналар паст даражадаги корхоналарнинг бошқарув жараёнларига аралашиш учун акциядорнинг аралашувини чеклаш ва муаммоларни бартараф этиш учун кирувчи маълумотларни тўғри баҳолаш муҳим ҳисобланади. Шу муносабат билан

акциядорнинг операцион фаолиятга аралашиш ва корпоратив бошқарув ғоясини бузиш истагини олдини олиш мақсадида корпорациянинг умумий натижаларини муайян даражада шаффофлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Корхона бошқарувида қўлланиладиган бизнес жараёнларини автоматлаштириш технологияси маъмурий ишларни автоматлаштириш билан боғлиқ ва асосий классик бошқарув функциялари (режалаштириш, ташкил этиш, фаоллаштириш, мувофиқлаштириш ва назорат)ни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бундай тизимлардан фойдаланиш, қарорлар қабул қилишнинг юқори самарадорлигини таъминлаш, ахборот жараёнларини бирлаштириш, корхонанинг ҳужжат айланишини такомиллаштириш, функцияларнинг такрорланишини бартараф этиш, умуман олганда, иш самарадорлигини ошириш ва корхона фаолияти учун ахборотни қўллаб-қувватлаш харажатларини камайтиришга имкон беради.

Корпоратив бошқарув назариялари таҳлилидан келиб чиқиб, корхоналар фаолиятига таъсир этувчи ташқи муҳитнинг доимий ўзгарувчанлигинг инобатга олиб, мавжуд хатарларни камайтириш зарурати, катта ҳажмдаги ахборот маълумотлари, корпоратив бошқарув вақт омилини ҳисобга олган ҳолда етарли қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш салоҳиятининг ошишига асос бўлиши мумкин.

Корхоналарнинг рақобатдошлигини баҳолашда бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари муҳим роль касб этади. Бошқарув самарадорлиги корхонанинг йиллик соф фойдасини йиллик бошқарув харажатларига нисбати шаклида аниқлаш усули танланди.[1]

$$\text{БС} = \frac{\text{УСК}}{\text{БХ}} \qquad (4.1)$$

Бу ерда: БС – бошқарув самарадорлиги

УСК – умумий самарадорлик кўрсаткичлар;

БХ – бошқарув харажатлари.

Бошқарув самарадорлиги коэффициенти қанча юқори бўлса шунча яхши, бу коэффицент бошқа бахолаш кўрсаткичларига мос келади.

Хулоса қиладиган бўлсак, биринчидан, корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг концептуал модели ацкиядорлик тижорат банклари томонидан самарали ва рақобатбардош хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун етарли шароитларни яратишга, бошқарувнинг дастак ва усуллари ёрдамида иқтисодий самарадорликка етаклайдиган корпоратив бошқарувни амалга оширишга, шунингдек, корпоратив бошқарув жараёнидаги заиф бўғинларни аниқлаб, уларни бартараф этишга имкониятини беради. Иккинчидан, акциядорлик тижорат банклари корпоратив бошқаруви механизмини такомиллаштириш тадбирлари асосий йўналишлари мавдуд бўлиб, “ташкилий-иқтисодий” категориясининг моҳиятини очиб беришда унинг ижтимоий-иқтисодий, назарий-методологик, услубий, ташкилий, ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш лозим бўлади. Ушбу

[1] Иванова Е.А. Теория менеджмента. Учебное пособие. – М.: МИИТ, 2014. - 147 с.

жиҳатлар ўрганилиши натижалари асосида акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари аниқланади.

Учинчидан, рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарув концепциясини ишлаб чиқиш доирасида корпоратив бошқарувнинг асосий моделларига рақамли ютуқларни киритиш учун учта сеценарий таклиф қилинди. «Рақамли корпорация» тоифасига яқинлашиш даражаси бўйича 5 гуруҳдан иборат бўлган компаниялар таркиби шакллантирилди: рақамли раҳбарлар, компаниялар ташкилий жиҳатдан қабул қилувчи ва технологик жиҳатдан рақамли ҳамкорликка тайёр, компаниялар рақамли ўзгаришларга ташкилий жиҳатдан тайёр, ташкилий ўзгаришларни талаб қилувчи компаниялар, аутсайдер компаниялар.

Бешинчидан, блокчейн анъанавий корпоратив бошқарув тизими самарадорлиги билан боғлиқ муаммолар, хусусан, акциядорлар ва компания ўртасидаги муносабатлар учун “ақлли” ечимлар таклиф этадиган технологиядир. Мазкур технологияларни хўжалик жамиятлари корпоратив бошқарувида қўллаш қуйидаги қўшимча имкониятларни юзага келтиради: – акциядорлар умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш тизимини модернизация қилиш, хусусан, блокчейн технологиялари ёрдамида виртуал умумий йиғилишларда овоз бериш; – блокчейн муҳитида шаффофлик ва ишончни мустаҳкамлаш орқали агентлик муаммосини ҳал этиш учун янгича ечим бўлиб хизмат қилиши; – “ақлли шартномалар”ни кенг жорий этиш; – манфаатдор томонларнинг “ҳамкорлик”ка асосланган бошқарувдаги иштирокини кучайтириши аниқдир.

Хошимов Э.А. *– ОБМ бўлим бошлиғи, и.ф.н., доц.*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАРКАЗИЙ БАНК РАҚАМЛИ ВАЛЮТАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маълумки, Марказий банк рақамли валютаси (МБРВ) моҳиятан принципиал жиҳатдан янги пул шаклини яратиш билан боғлиқ бўлиб, унинг жорий этилиши нафақат пул ва тўлов тизими иштирокчилари учун, балки монетар орган учун ҳам қўшимча молиявий ва тизимли рискларни юзага келтириши мумкин. Айни пайтда, МБРВ пул-кредит ва тўлов тизими самарадорлигини оширишда янги имкониятларни тақдим этиши ҳам кутилмоқда. Ҳозирги кунда Марказий банк рақамли валюталарини эмиссия қилиш моделлари, унинг хусусиятлари борасида ягона тўхтамга келинмаган. Бу эса, Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакат учун ҳам мазкур рақамли валютанинг жорий этишнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш ва мувофиқ моделини танлашни долзаб масалага айлантиради.

Айни пайтда, Марказий банк рақамли валютаси тушунчасига нисбатан ягона, универсал таъриф мавжуд эмас. Шунга қарамай, айрим иқтисодчилар Марказий банк рақамли валютаси деганда чакана ва улгуржи трансакцияларда

тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида Марказий банклар томонидан чиқариладиган рақамли активни тушунадилар[1].

Бундан ташқари, МБРВга нисбатан “кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлган, электрон қурилмалар ёрдамида қайта ишланадиган Марказий банк пул шаклларидан бири”, “Марказий банк мажбурияти шаклидаги миллий ҳисоб бирлигида ифодаланган Марказий банк томонидан чиқарилган рақамли пул” каби ёндашувлар ҳам учрайди[2].

Янги молиявий дунёда тижорат банкларининг аҳамияти пасайиб бориши натижасида марказий банкларнинг баланси ҳам қисқариш тенденциясига эга бўлади. Натижада марказий банкнинг операцияларида бевосита иштирок этишга даъвогарлар сафини йирик брокер-дилерлар, клиринг институтлари билан тўлдириш мумкин. Бироқ, контрагентлар сонининг ортиши билан марказий банклар учун улар фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ қўшимча масъулият ҳам қўшилади[3].

Европа Марказий банкининг (ЕМБ) Бошқарув кенгаши (Governing Council of the European Central Bank) 2020 йилнинг январь ойида евро ҳудудда Марказий банк рақамли валютаси – рақамли евро борасида ишларни янада такомиллаштириш мақсадида махсус ишчи гуруҳ (a High-Level Task Force) ташкил этди. Евроҳудудда нақд пуллар ҳанузгача етакчи тўлов воситаси мақомини сақлаб турган бўлишига қарамай, айрим мамлакатларда улардан фойдаланиш даражаси пасайиш тенденциясига эга. Масалан, Нидерландияда нақд пулларнинг трансакциялардаги улуши 2017-2019 йиллар оралиғида 41 фоиздан 32 фоизга пасайган[4]. Айни пайтда COVID-19 пандемияси инқирози шароитида инсонларнинг тўлов маданиятида ҳам ўзгаришлар юз берди, алоқасиз тўловлар ва электрон тижорат ривожи учун ижобий вазият юзага келди.

ЕМБнинг рақамли евро тўғрисидаги ҳисоботида[5] рақамли еврони муомалага чиқариш шарт-шароитлари ва сценарийлари келтирилган. Хусусан, ҳисоботда рақамли евро муомалага чиқарилиши учун асос бўладиган 4 та сценария берилган:

- электрон тўловларга талабнинг ортиши;
- нақд пулларга талабнинг сезиларли даражада пасайиши;
- хусусий рақамли валюталарнинг муомалага чиқарилиши;
- бошқа марказий банклар томонидан миллий валюталар рақамли шаклларининг оммавий муомалага чиқарилиши.

[1] Retail CBDCs: The Next Payments Frontier. (2019) IBM Blockchain World Wire, Official Monetary and Financial Institutions Forum (OMFIF). P.2.

[2] Bindseil U. (2020) Tiered CBDC and the Financial System. European Central Bank, Working Paper Series, no. 2351. 42 p.; Board C., Wehrli A. (2021) Ready, Steady, Go? – Results of the Third BIS Survey on Central Bank Digital Currency. Bank for International Settlements, BIS Papers, January, no.114. 23p.

[3] Хошимов Э.А. Блокчейн ва рақамли валюталарнинг монетар сиёсатга таъсири. / “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали, 2020. -№6. 47-52.

[4] De Nederlandsche Bank маълумотлари.

[5] https://www.ecb.europa.eu/pub/pdf/other/Report_on_a_digital_euro~4d7268b458.en.pdf

Шунингдек, АҚШ Федерал захира тизими пандемияга қадар рақамли валютасини жорий этиш имкониятларини ўрганишни бошлаб юборган бўлиб, бу жараёнда турли блокчейн-платформаларини синаб кўриш кўзда тутилган. Кливленд Федерал захира банки Президенти ва бош ижрочи директори Л.Местер фикрича, бундан тадқиқотлардан мақсад рақамли долларнинг салоҳиятини, унинг устунлик ва камчиликларини аниқлашдир[1]. Бироқ, рақамли валюта борасидаги тадқиқотларнинг бошлаб юборилганлиги рақамли долларни жорий этиш бўйича қарор қабул қилинганлигини англатмайди.

АҚШ Молия вазири С.Мнучин 2019 йилнинг декабрь ойида АҚШнинг рақамли валютаси яқин 5 йил мобайнида муомалага чиқарилмаслигини маълум қилди. Шунингдек, у Facebook томонидан ўз тўлов тизимининг яратилиши уни ташвишга солмаслигини, бироқ Libra стейблкоини ёрдамида пулни ювиш ва терроризмни молиялаштириш имкониятига чек қўйилиши лозимлигини таъкидлаган. Худди шу сингари позицияга АҚШ ФЗТ раҳбари Дж.Пауэлл ҳам эга эканлигини билдирилган бўлиб, миллий криптовалютани яратишдан аввал киберҳужумлар, молиявий барқарорликка таҳдид каби операцион рискларнинг олдини олиш зарур.

Юқоридаги сабаб туфайли Европа Иттифоқи ҳам 2019 йилнинг 5 декабрида ўз ҳудудида Libra каби стейблкоинлардан фойдаланишни тақиқлаган. ЕИ кенгашида бундай криптовалюталар муомаласи барча турдаги ҳуқуқий ва назоратга оид рисклар бартараф этилгандан сўнг қонунийлаштирилиши маълум қилинган.

Фикримизча, криптовалюталарни тўлов воситаси сифатида тан олиш келажакка оид қарор бўлсада, блокчейнга асосланган молиявий инструментлар, хусусан, миллий валютадаги облигацияларни муомалага чиқариш блокчейн имкониятларини баҳолашда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунончи блокчейн технологиялари нафақат криптовалюталарни жорий этиш, балки облигация каби бошқа молиявий активлар учун ҳам имконият яратади. Масалан, Жаҳон банки ва Австралия Ҳамдўстлик банки (Commonwealth Bank of Australia) 2018 йилнинг август ойига келиб, “bond-i” номли блокчейндаги илк облигация (Blockchain Offered New Debt Instrument) эмиссияси бўйича келишувга эришди. “Bond-i” эфириум блокчейнидаги облигация бўлиб, Австралия долларида деноминацияланган ва шу сабабдан “Кенгуру” облигацияси деб ҳам аталади. Ушбу облгиациянинг муддати 2 йил бўлиб, муомалага чиқарилгач, 100 млн. Австралия доллари (73,16 млн. АҚШ доллари) миқдорида маблағ жалб қилиш имконини берди.

2019 йилнинг 16 август куни “Кенгуру” облигациясининг иккинчи транши орқали қўшимча 50 млн. Австралия доллари миқдорида маблағ жалб қилишга муваффақ бўлди[2].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, блокчейнда облигация чиқариш “ақлли” шартномалар ҳисобига автоматлашув даражасининг юқорилиги, шаффофлик,

[1] https://cointelegraph.com/news/federal-reserve-bank-reveals-details-of-digital-dollar-research
[2] https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2019/08/16/world-bank-issues-second-tranche-of-blockchain-bond-via-bond-i

хавфсизлик, рискни юмшатиш ва самарадорликнинг ортиши каби қўшимча афзалликларга эга.

Аввалambор, Марказий банк рақамли валютасини жорий этишдан кўзланган сиёсий мақсад аниқ белгиланиши керак. Масалан, Халқаро ҳисоб-китоблар банки МБРВнинг ижобий томонлари сифатида тўлов тизими ишончлилигини ошириш, тўловлар хилма-хиллигини ошириш, молиявий оммабопликни рағбатлантириш, трансчегаравий тўловларни ривожлантириш кабиларни ажратиб кўрсатади[1].

Шу билан бирга МБРВ кенг тоифадаги стейкхолдерлар томонидан қўллаб-қувватланиши керак. Давлат бошқарув органлари томонидан Марказий банк рақамли валютасини жорий қилишда Марказий банк ва кенг жамоатчилик ўртасидаги муносабатларнинг ўзгаришидан келиб чиқиб, шунингдек, рақамли валюталар билан боғлиқ муомалаларда солиққа тортиш, давлат харажатлари, ноқонуний пулларни легаллаштиришга қарши курашиш, киберхавфсизлик, инстеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муҳим қарорлар қабул қилиниши зарур.

Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг рақамли саводхонлиги, МБРВ воситасида смартфон ва бошқа воситалар орқали тўловларни амалга оширишнинг одат тусига кириши, МБРВнинг бизнес вакиллари ва якка тартибдаги шахслар учун бирдек қулай бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда, молиявий институтлар, хусусан, банкларнинг МБРВ масаласида қандай роль ўйнаши ҳам савол остида қолмоқда. Зеро, МБРВ тижорат банкларининг депозит, кредит операциялари кўламига, қолаверса, бутун молия тизимига сезиларли таъсир ўтказиши мумкин.

Шунингдек, кучли ҳуқуқий механизмсиз МБРВни самарали жорий этишни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ўринда Марказий банк учун МБРВни муомалага чиқариш ва тартибга солиш бўйича аниқ ваколатлар белгиланиши зарур. Бундан ташқари, МБРВга қонуний тўлов воситаси мақоми берилиши масаласига ҳам аниқлик киритилиши муҳимдир. Бироқ МБРВнинг тижорат мақсадларида кенг фойдаланилишини кафолатлаш ўзига хос мураккаблик касб этади. Чунончи, МБРВнинг тан олиниши унинг ишончлилигига ва ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамлигига бевосита боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки, рақамли валютанинг қулайлиги ва дизайни кўп жиҳатдан уни жорий этишда фойдаланиладиган технологияларга чамбарчас боғлиқ. Бу ерда гап блокчейн технологиялари, рақамли ҳамёнлар, оффлайн МБРВ учун йирик ҳажмдаги серверлар ҳақида кетмоқда. Марказий банк рақамли валюталарини жорий қилиш бўйича мавжуд лойиҳаларда блокчейн технологияларига асосий урғу берилмоқда. Илк МБРВ Тунисда 2010 йилнинг бошларига келиб, e-Dinar лойиҳаси сифатида виртуал ҳисобварақ тарзида жорий этилган бўлсада, ҳозирги кунга келиб, унинг ўрнини блокчейнга асосланган марказлаштирилган рақамли валюта эгаллаган.

[1] The Bank of Canada, European Central Bank, Bank of Japan, Sveriges Riksbank, Swiss National Bank, Bank of England, Board of Governors of the Federal Reserve and Bank for International Settlements (2020)

МБРВни жорий этиш даврини аниқлаш учун бозор тайёрлигини баҳолаш муҳим саналади. Бу мақсадда турли сўровномалар ўтказиш, фокус гуруҳлар тузиш, интервьюлар ташкил этиш мумкин.

Айни пайтда, халқаро амалиётдан келиб чиқиб, чакана МБРВ лойиҳаси борасида изланишларни ташкил этиш, унинг эмиссияси технологияси, сақлаш усуллари борасида бир тўхтамга келиш зарур. Шунингдек, улгуржи МБРВ (wholesale CBDC) лойиҳаси Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида валютавий ҳамкорликни самарали ташкил этишда аъзо мамлакатлар марказий банкларига ликвидлиликни бошқаришда муҳим монетар дастак вазифасини ўташи мумкин. Улгуржи МБРВ Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида фойдаланилиши мақсадга мувофиқ. Бинобарин, аъзо мамлакатлар марказий банклари ўзаро ликвидлиликни бошқаришда қулай инструментга эга бўлгани ҳолда, маҳаллий доирада ўз суверенитетини сақлаб қоладилар.

Пилот вариант сифатида рақамли сўм лойиҳаси ҳисоб-рақамларга асосланиши (e-krona Швеция тажрибаси асосида) мақсадга мувофиқ, бунда тўловлар тўловчи шахсини идентификация қилиш асосида амалга ошади ва бу, ўз навбатида, ноқонуний операциялар учун тўловларни амалга ошириш хавфини олдини олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳам чакана МБРВ шаклини муомалага чиқариш масаласи кўриб чиқилиши керак. Зеро, рақамли валюталарини эмиссия қилиш устида иш олиб бораётган марказий банкларнинг 70%и айнан чакана МБРВ шакли борасида бош қотирмоқда.

Синтетик ёки гибрид МБРВ концепцияси ХВФ экспертлари томонидан таклиф этилган бўлиб, электрон пуллар ёки тўлов хизматларини етказиб берувчи молиявий муассасаларга Марказий банкда захираларни сақлаш имкониятини тақдим этиш орқали ҳимоя чораларини ва мазкур ташкилотларни мониторинг қилишни кучайтириш, шунингдек, турли тўлов тизимлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш кўзда тутилган.

Рақамли сўм лойиҳаси бўйича ҳам жамоатчилик қизиқишини баҳолаб бориш зарур.

Марказий банк раҳбар ходимлари чиқишларида МБРВ атамасининг фойдаланилиши, интернет тармоғида МРВБ атамаси бўйича излаш натижалари динамикаси акс эттирилиш зарур.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз рақамли валютасини жорий этиш бўйича аниқ стратегияга эга бўлиши, шунингдек, турли сценарийлар асосида рақамли валютани жорий этиш шарт-шароитларини асослаши керак.

Хусусан, республикамизда МБРВни муомалага чиқаришнинг дастлабки шарт-шароитлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Биринчидан, блокчейн технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарур. Мазкур масала бўйича республикамизда махсус қонун қабул қилиш кўзда тутилган эди, бироқ ҳанузгача унинг ижроси таъминланмади. Шу боисдан, даставвал республикамизда тартибга солиш нуқтаи-назаридан криптовалюталарга нисбатан ёндашувни аниқлаштириш

зарур. Агар криптовалюталар инвестицион актив сифатида қаралса, хорижий валюта захираларини диверсификациялашда криптоактивлардан фойдаланиш масаласини кўриб чиқиш талаб этилади. Агар криптовалюталар тўлов воситаси сифатида қаралса, унда бундай активлар нархига таъсир этувчи омиллар, криптоактивлар қиймати, сўм ва криптовалюта алмашув курслари тартибга солиш объектига айланиши мумкин.

Иккинчидан, блокчейн технологияларини Марказий банк фаолиятига жорий қилиш, сунъий интеллект, улкан маълумотлар ва бошқа рақамли технологиялардан фойдаланиш йўналишлари белгиланиши лозим.

Фикримизча, блокчейн технологияларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятида, хусусан, пул-кредит ва валюта сиёсати соҳасида қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1.Блокчейнга асосланган қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва улар билан блокчейн ёрдамида савдоларни ташкил этиш.

2.Қимматли қоғозлар бўйича банкларараро ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш ва рискларни камайтириш.

3.Пулни легаллаштиришга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш.

4.Марказий банк фиат пулларига муқобил тарзда блокчейнга асосланган рақамли валютани муомалага чиқариш.

5.Тўлов тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида таҳдидлар ва хавфлардан, хусусан, техник ва тармоқдаги носозликлар, табиий офатлар, кибержиноятлардан ҳимояланиш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида DLTдан банкларараро тўловлар ва ҳисоб-китобларнинг асосий ёки захира тизими сифатида фойдаланиш.

Учинчидан, “рақамли сўм” эмиссияси модели ва технологияларини танлаш зарур. Ушбу йўналишда тайёрланадиган, айтайлик, “Рақамли сўм” лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва жамоатчилик олдига муҳокамага қўйилиши муҳим. Бу биринчидан, жамоатчиликнинг хабардорлигини оширади. Иккинчидан, аҳолининг ишончига таъсир қилади ва турли нотўғри талқинларга барҳам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Bindseil U. (2020) Tiered CBDC and the Financial System. European Central Bank, Working Paper Series, no. 2351. 42 p.

2.Board C., Wehrli A. (2021) Ready, Steady, Go? – Results of the Third BIS Survey on Central Bank Digital Currency. Bank for International Settlements, BIS Papers, January, no.114. 23p.

3.Retail CBDCs: The Next Payments Frontier. (2019) IBM Blockchain World Wire, Official Monetary and Financial Institutions Forum (OMFIF). P.2.

4.Хошимов Э.А. (2020). Блокчейн ва рақамли валюталарнинг монетар сиёсатга таъсири. / “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали, 2020. -№6. 47-52.

I-ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР, РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кенжабаев А.Т. *- и.ф.д. проф., ОБМ кафедра мудири*
Абдуллаев М.Х. *- Давлат геология қўмитаси, бўлими бошлиғи*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҲИСОБ-КИТОБ ВА ТЎЛОВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Замонавий тўлов хизматлари бозори жуда жадал ривожланмоқда. Янги маҳсулотлар, хизматлар ва хизматлар ҳисоб-китоб–ва тўлов операцияларини янада қулай қилиш, уларни тезлаштириш ва харажатларни камайтириш учун мўлжалланган. Ахборот технологиялари ва финтехнинг жадал ривожланиши ҳисоб-китоб–ва тўлов соҳасидаги янгиликлардан фойдаланишга олиб келади. Ахборот бозорга катта миқдорда киради, лекин турли сабабларга кўра бозор иштирокчилари ўртасида нотекис тақсимланади. Замонавий молия институтлари, замонавий ахборот технологиялари даҳолари, иқтисодчи ва файласуфларнинг саъй-ҳаракатлари ана шу сабабларни бартараф етишга қаратилган[1].

Тўлов тизимларида фаол амалга оширилаётган молиявий технологиялар индустрияси (финтех) нинг асосий ютуқларини кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1-жадвал.[2]

Инновацион восита	**Инновацион рақамли ечимлар қисқача тавсифи**
Булут тизимлари	Булутли тизимлар инновацион еластик технология, бу Internet орқали хизмат кўрсатиш учун ҳисоблаш тури Роботизация
Роботлаштириш	Ташкилотларга дастурий таъминотни (дастурий роботларни) фойдаланувчи интерфейси даражасида механик операцияларни бажаришга имкон берувчи технология) такрорланадиган вазифаларни бажариш ва жараёнларни автоматлаштириш учун дастурий таъминотдан фойдаланади
Визуализация	Башоратли моделлаштириш билим ҳисоблаш технологияси асосида молиявий фаолиятини яхшилаш учун бой график илғор таҳлилий усули билан интерактив материаллар билан таъминлаш орқали корхоналар ва бизнес платформалар интеллектуал ресурсларни тўлдиради
Кенгайтирилган таҳлил	Башоратли моделлаштириш асосида молиявий фаолиятини такомиллаштириш усули
Когнитив ҳисоблаш	машина таълим; нутқ аниқлаш; сунъий интеллект.

Рақамли иқтисодиётда тўлов тизимларини ривожлантиришнинг муҳим хусусияти-бу тўловларни қайта ишлаш операцияларини роботлаштириш механизмидан фойдаланишдир. Бу жараён ботга асосланган. Машина таълим технологиялари турли фойдаланиш (маъно тушуниш, контекстуал диалоглар,

[1] Онучак В.А. Миловидов В.Д. Рейтинговые оценки в международных финансах М., Анкил, 2016, С.4
[2] Составлено авторами на основе научной литературы.

билим графикалар, ақлли таҳлил, чуқур ўрганиш), мижозлар муаммоларини ҳал қилиш учун ўз қобилиятини яхшилаш имкониятини яратади.

Машинани ўрганиш қаттиқ ҳисоблаш кучини ва катта ҳажмдаги маълумотларни талаб қилади. Маълумотлар қанчалик бой бўлса ва алгоритмнинг итерациялари шунчалик яхши натижа беради. Таҳлилчилар турли ҳаракатларни эҳтимолий прогнозлаш моделларини яратадилар ва катта миқдордаги маълумотларга асосланган алгоритм дарҳол янада аниқроқ ечимларни ишлаб чиқаради. Ўз-ўзини ўрганиш алгоритмлари фақат технологик янгилик эмас: одамларни фаол алмаштириш орқали улар бизнеснинг моҳияти ҳақидаги мавжуд ғояни ўзгартиради.

Жаҳон молия бозори ривожланишининг ҳозирги тенденцияларидан бири **анъанавий ва янги тўлов тизимларининг юқори капиталлашув ставкаларидир.**

Компания капитализацияси ҳисоб-китоб хизматларини **кўрсатиш ижобий ўсиш динамикасини намойиш этади. Ушбу** кўрсаткичнинг ўсишининг асосий сабаби финтех ютуқларини тизимларнинг фаолиятига киритишдир. Инвесторларнинг компанияларга қизиқиши юқори ўсиш салоҳияти ва тўлов саноатини ривожлантириш истиқболларини исботлайди.

Ривожланаётган бозор мамлакатлари молиявий-технологик сегменти жадал ривожлаоқда, инновацион молиявий ечимлар ва воситаларни жорий етишда етакчиларга айланмоқда. Ernst&Young маълумотларига кўра, Хитой ва Ҳиндистон global финтех бозорида ҳукмронлик қилмоқда, бу мамлакатларда янги технологияларни қабул қилиш ва қабул қилиш даражаси 70% ва 52% га тенг. Бундан ташқари, бу мамлакатларда интернетдан фойдаланувчилар сони салмоқли (Хитойда 700 млн.киши ва Ҳиндистонда 600 млн. киши).

Хитой молиявий технология саноати ривожланиши даражасида билан дунё етакчиси ҳисобланади. Финтех саноатини ривожлантиришга қаратилган молиявий фаолиятнинг финтех– марказида Гонконгда тўпланган. 2015да FinTech бу ерда Groupбизнес, ҳукумат ва тадқиқот ташкилотлари вакилларини ўз ичига олган ва Гонконгни дунёдаги финтеч марказларидан бирига айлантириш бўйича таклиф ва ечимларни ишлаб чиқишга қаратилган махсус Финтеч рул гуруҳи ташкил этилди. Шанхайда қўшма ечимларни ишлаб чиқиш учун бизнес ва илм-фан вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминловчи махсус платформа ҳам яратилган.

Хитойда энг машҳур рақамли ечимлар–ижтимоий тармоқлар, тезкор мессенжерлар ва мобил ҳамёнларнинг ривожланиши туфайли кенг тарқалган онлайн тўловлардир. Онлайн кредитлаш сегментида фойдаланувчилар сони ва битимлар ҳажми бўйича сезиларли ўсиш кузатилмоқда. Ушбу рақамли ечимини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг ноёб механизми ҳисобланади. Хатарларни таҳлил қилиш ижтимоий тармоқлардан олинган маълумотларни машинага ишлов беришга асосланган.

Анъанавий Хитой банк тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Кредит муассасалари инновацион рақамли банк маҳсулотларини ишлаб

чиқадиган юқори технологияли компаниялар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Шунинг учун операцияларнинг муҳим қисми онлайн–муҳитда амалга оширилади.

Хитойда финтеч саноатининг жадал ривожланиши таъсири остида финтех иқтисодиётнинг институционал таркиби ўзгариб, анъанавий бизнес–моделлари ўзгариб бормоқда. "Baidu", "Alibaba" ва "Тенсент": юқори технологияли компаниялари, деб аталмиш "катта уч"лик пайдо бўлди. Ушбу компаниялар молиявий ва технологик ривожлантириш соҳасида жаҳон раҳбарлари эътироф этилади. Ушбу тузилмаларнинг иқтисодиётни рақамлаштириш сиёсати доирасидаги фаолияти Хитой Халқ Республикаси ҳукумати томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Тез иқтисодий ўсиш, зарур инфратузилма шароитлари, шунингдек, электр арзон нархлардаги блокчаин технология ўзи ва мамлакатимизда рақамли валюталар бериш учун қулай муҳит яратиш, ҳам модернизация қилиш учун шарт-шароит айланди.

Ўша пайтда Марказий банкнинг тўлов воситаларини рақамлаштиришда, яъни ўз рақамли валютаси масаласи ва уни тартибга солиш механизмларини излашда бевосита иштирок етиш ғояси катта машҳурликка эриша бошлади. Узоқ муддатда, бундай воқеалар бир қатор миллий валюта аллақачон замонавий пул тўлиқ функционал эга бўлган рақамли валюта бўлиши керак мамлакат валюта тизими, бир янгилаш томонидан таъқиб қилиниши керак. Марказий банк валютаси сифат жиҳатидан янги мақомга ега бўлган бу тушунчада мантиқий ечим бошқа тўлов воситаларидан фойдаланишдан воз кечишдир.

Хитой юзни аниқлаш технологияларидан фойдаланишда етакчилик қилмоқда. Мамлакатда сунъий ақл билан жиҳозланган миллий стартаплардан бири томонидан ишлаб чиқилган тизим мавжуд бўлиб, у муддати ўтган кредитлар бўйича тўловларни йиғишга ёрдам беради. Технология 600 коллекторлари ва 200 дан ортиқ кредиторлар, шу жумладан Alibaba ва Postal Хитойнинг почта жамғарма банки томонидан қўлланилади. Тизим қарз олувчилар ва уларнинг дўстлари ҳақида маълумот олиш учун Internet излайди, ва кейин robot telefon орқали қарздорлар чақиради. Суҳбатлар қайд етилади, ва алгоритм уларни таҳлил ва бир киши қарз қайтариб тўлаш қилиш учун энг муносиб бўлган иборалар белгилайди.

Марказий банкларнинг аксарияти бугунги кунда марказлаштирилган рақамли валюталардан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда. Кўпгина эмиссия марказлари концептуал баҳолашлардан тажриба босқичига ва синов “pilot” вариантларига ўтмоқда.

Ҳозирги босқичда аксарият Марказий банклар марказлаштирилган рақамли валюталарни ишга тушириш билан боғлиқ асосий қийинчиликларни аниқладилар, аммо бундай масаланинг фойдалари харажатлардан устун бўлишига ҳали ишонч ҳосил қилмайдилар. Ушбу жараёндан аниқ фойда кўрган Марказий банклар асосан ривожланаётган бозор юрисдикцияларида жамланган.

Тўлов усулларидаги ўзгаришлардан ташқари, ҳатто ишлатиладиган пул тури ҳам ўзгариши мумкин. Бутун дунёдаги Марказий банклар, Марказий банкнинг рақамли валюталари анъанавий пулни қандай алмаштириши мумкинлиги ҳақида ўйлашади.

Шундай қилиб, рақамли даврда ривожланаётган замонавий тўлов тизимлари–кўплаб иштирокчиларнинг экотизимидаги ишларини мувофиқлаштирувчи юқори технологияли платформаларга асосланган янги бизнес моделларини шакллантиради. Фаолият механизми мижозлар еҳтиёжларини аниқлаш ва қондириш учун маълумот алмашиш ва машинани ўрганиш, юзни аниқлаш ва сунъий ақл технологияларидан фойдаланишни таъминлайди.

Шундай қилиб, рақамлаштириш контекстида тўлов тизимлари қуйидаги тенденцияларни намойиш этади::

1.Дунёнинг барча мамлакатларида жисмоний шахсларнинг нақд пулсиз тўловларни амалга оширишдаги фаоллиги сезиларли даражада ошди;

2.Тўлов воситалари карточкалар ва контакциз технологиялар ёрдамида ҳисоб-китоблар устунлик қилади.

3.Мобил қурилмалар ва интернет орқали амалга оширилган тўловлар сони ортиб бормоқда.

4.Тўлов инфратузилмаси тез ўзгариб туради.

5.Тўлов хизматлари бозори истеъмолчиларнинг еҳтиёжларига мос равишда турли хил рақамли воситалар ва ечимларни таклиф қилувчи кенг диверсификация қилинмоқда.

Абдуллаев А.А. *– ОБМ тингловчиси.*

РАҚАМЛАШТИРИШ - ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугун мамлакатимиз илғор, ривожланган давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар эса халқимизга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш мақсадида қилинмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг шахдам одимлари дунё ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Давлат раҳбари Олий Мажлисга 2020 йилги Мурожаатномасида “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради”, - дея таъкидлаб, келаси беш йил ичида рақамли иқтисодиётга ўтиш вазифасини қатъий мақсад сифатида белгилаб берганди.

Рақамли иқтисодиёт, бу, нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари ишлаб чиқиш ҳамда уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир. Яъни

юқори даражада автоматлаштирилганлик; электрон ҳужжат алмашинуви; бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви; маълумотлар электрон базалари; CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги; корпоратив тармоқлар.

Рақамли иқтисодиёт туфайли тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ҳамда бошқа ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ҳамда тезроқ маълумот олинади, рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта, фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ҳамда хизматлар жадал такомиллаштирилади.

Халқаро амалиётга юзланадиган бўлсак, ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт электрон тижорат ва хизматлар соҳаси билан чекланиб қолмай, балки ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига, хусусан, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ҳамда сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернет-банкинг ва бошқа соҳаларга жадал кириб бормоқда ҳамда уларнинг ҳар бирида ўзининг юқори самараларини бермоқда.

Хусусан транспорт соҳасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирги кунда Ўзбекистон Транспорт Вазирлиги томонидан Электрон ҳукумат доирасида турли хил лойиҳалар амалга оширилмоқда. Буларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумлин.


- Тезкор хизматлар тизимлари билан интеграллашган онлайн режимида умумий фойдаланишдаги йўловчилар ташишларини амалга оширишни мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш;
- Тошкент шаҳри, Нукус ва вилоят марказларида умумий фойдаланишдаги йўловчилар ташиш транспортида йўл ҳақини ягона автоматлаштирилган тўлаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;
- Автовокзаллар ва автостанциялар ҳамда йўловчилар кўп йиғиладиган бекатларда автобус ҳаракати жадвалини масофадан кузатиш учун мўлжалланган электрон табло тизимларини жорий этиш;
- Автомобил транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялашни электрон шаклга ўтказиш;
- Шаҳар транспорти йўловчилари учун тегишли йўналишлардаги транспорт воситаларининг жойлашувини кузатиш ва оптимал йўналишни танлаш имкониятига эга функцияси мавжуд бўлган мобил дастурларни ишлаб чиқиш;
- Автомобил транспортида юкларни ташиш хизматини буюртма қилиш учун мобил иловаларни яратиш;
- Халқаро ва шаҳарлараро йўловчи ташувчи автотранспортларда йўл ҳақини тўлаш учун фойдаланиладиган ҳужжатларни буюртма ва брон қилиш электрон тизимларини жорий қилиш;
- Халқаро автомобил ташишлари учун хорижий давлатлар рухсатномалари бланкларини фойдаланиш ҳисоби ва назорати бўйича автоматлаштирилган тизимларни жорий қилиш;


- Транспорт хизматларининг ягона интерактив ахборот порталини шакллантириш;
- Йўловчи ташиш йўналишларини жойлаштириш бўйича очиқ тендерларни электрон тизим орқали амалга ошириш тизимини ишлаб чиқиш;
- Транспорт соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича масофавий ўқув курсларини ташскил этиш ва бошқа турли хизматлар;

Транспорт Вазирлиги томонидан ҳозирги кунда Транспорт соҳасида Рақамли технологияларни жорий этиш бўйича жадал ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон улкан транспорт салоҳиятига эга бўлиб, мавжуд йўналишларда транспортнинг барча турларида юклар ва йўловчиларни ташишда мамлакатнинг эҳтиёжларини қондириш учун имкониятларга эга. 2021- йил 1- октябрь ҳолатига кўра, транспорт соҳасида қарийб 18 723 та корхона ва ташкилотлар жалб қилинган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уларнинг сони 1 947 бирликка кўпайди, ўсиш 11,6 % ни ташкил этди.

Транспортнинг барча турларида юк ташиш бўйича автомобил транспорти (955,9 млн. тонна) устунлик қилади. Қувур транспорти орқали 47,6 млн. тонна газ қуйилган, темир йўл транспорти орқали 53,4 млн. тонна юк ташилди. Юк ташиш бўйича энг кичик кўрсаткич ҳаво транспортида 4,0 минг тонна қайд этилди. Умумий юк ташиш ҳажмида энг юқори улушни автомобил транспорти 90,4 % ни эгаллайди, бошқа транспорт турларида юк ташиш улуши 9,6 % га тўғри келди.





Юқорида келтирилган маълумотларга таянган холда шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда транспорт соҳаси жадал ривожланмоқда. Буни охирги йилларда ўсиб бораётган экспорт ва импорт юклар ҳажмидан ҳам

билиб олсак бўлади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, рақамли иқтисодиёт коррупция ва “яширин иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмасида янги йўналишлар очиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, №ПҚ-3832, 03.07.2018й. www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олий мажлис” га мурожаатномаси // Халқ сўзи 2020 йил 25 январдаги №19 сон.

3. Аюпов Р.Х. ва бошқалар. Электрон тижорат асослари. ipcenter.uz, 2020, Гувоҳнома №001896

4. Алимов Р.Х. Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик, - Т.: Шарқ, 2000.

5. https://mintrans.uz

6. https://stat.uz

7. https://gov.uz

Алимов Б.Б. *– ОБМ, доценти PhD*

ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида ривожланиб бораётган хар бир соҳани рақамлаштиришсиз кўриб бўлмайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПФ-6079-сонли ““Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори тасдиқланди ва амалиётда бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида “.....замонавий суғурта хизматлари йўлга қўйилади.....”,- дея эътироф этилди. Бу эса албатта Ўзбекистон суғурта тизимини янги,

замонавийлашган ва жаҳон стандарлари мос қилиб ривожлантиришни, янги инновацион суғурта маҳсулотларини жориш этишни талаб қилади.

“Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси 3 бобдан иборат бўлиб, иккинчи боби: Рақамли ривожланишнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари деб номланиб, унинг 2.3-қисми Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида “Суғурта тизимини рақамлаштириш учун давлат-хусусий шериклик асосида рақамли суғуртани амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармонининг 15-иловаси ““Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида 2020-2022 йилларда иқтисодий тараққиёт, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш соҳаларини рақамли трансформация қилиш дастури” ишлаб чиқилган бўлиб, унинг:

49-бандида “Мажбурий суғурта турлари портфелини шакллантирувчи ахборот тизимини “UzagrosOnline” ягона электрон ахборот тизимига интеграция қилиш.”;

50-бандида “QR-кодли пластик карталар орқали суғурта полисларини сотишни автоматлаштиришга мўлжалланган “Универсал полис”, ахборот тизими, мобиль илова ва веб-сайтни модернизация қилиш.”;

51-бандида “Бошқарув фаолиятини автоматлаштиришга мўлжалланган марказлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш.” вазифаси “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятига юклатилди;

52-бандида “Суғурта агентлари учун маълумотларни автоматлаштирилган тарзда Ягона ахборот тизимига киритиш ва полисларни шакллантириш учун мобиль илова ишлаб чиқиш.”;

53-бандида “Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали суғурта полисларни (ОСАГО, КАСКО ва бахтсиз ҳодисалардан) шакллантириш.” вазифаси “Ўзбекинвест” акциядорлик жамиятига юклатилди.[1]

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 49-бандида ҳаёт суғуртаси тармоғини ҳамда шахсий суғуртани аҳоли орасида оммалаштириш, уларни кенг миқёсда тарғиб қилиш ҳамда янги ҳаёт ва шахсий суғурта турларини ривожлантириш вазифа сифатида киритилган. Ушбу вазифани бажаришда лойиҳа сифатида қуйидагилар режалаштирилган:

- Ўзбекистон Республикасида ҳаёт суғуртаси тармоғини ҳамда шахсий суғуртани 2023 йилгача ривожлантириш чоралари;

1-жадвал

2020-2022 йилларда иқтисодий тараққиёт, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш соҳаларини рақамли трансформация қилиш дастурининг мақсадли кўрсаткичлари. [1]

№	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар миқдори		
			2020 йил	2021 йил	2022 йил
“Ўзагросуғурта” АЖ					
1.	Ресурсларни бошқариш тизими (ERP) орқали бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш улуши	фоиз	10	30	50
2.	Электрон тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда онлайн режимда суғурта хизматларини кўрсатиш бўйича тўловларнинг улуши	фоиз	2	5	10
3.	Онлайн режимда умумфойдаланишдаги очиқ маълумотларни автоматик равишда жойлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар портали билан интеграция қилинган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари улуши	фоиз	10	30	70
4.	Ахборот технологиялари соҳасида таълим олган ва малакасини оширган ходимлар сони	нафар	-	45	180
5.	Халқаро IT-сертификатларга эга бўлган ихтисослашган таркибий бўлинма ходимлари улуши	фоиз	-	2	4
“Ўзбекинвест” АЖ					
1.	Ресурсларни бошқариш тизими (ERP) орқали бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш улуши	фоиз	70	80	90
2.	Электрон тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда онлайн режимда суғурта хизматларини кўрсатиш бўйича тўловларнинг улуши	фоиз	2	3	7
3.	Ахборот технологиялари соҳасида таълим олган ва малакасини оширган ходимлар сони	нафар	50	70	120

- янги ва замонавий сотиш инструментларини жорий этиш йўли орқали суғурта маҳсулотларини сотиш каналларини кенгайтириш;
- муҳим суғурта маҳсулотларини энг қулай тўлов усулларида амалга ошириш;

• ҳаёт суғуртаси тармоғида фаолият юритаётган суғурта ташкилотларининг фойда солиқ юкини икки бараварга камайтиришни кўриб чиқиш назарда тутилган.

Юқоридаги дастурда кўрсатилган вазифани самарали бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Қарорда бир қатор вазифалар мақсад қилиб олинган бўлиб, улар:

• 2022 йил 1 июлдан бошлаб: суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда амалга оширишга рухсат берилади ҳамда барча суғурта турлари бўйича суғурта полислари Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси билан биргаликда юритадиган ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатга олинади;

• 2023 йил 1 январдан бошлаб мажбурий суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта полисларини қоғоз бланкаларда расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси:

• 2022 йил 1 апрелга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда суғурта сири тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда Ягона ахборот тизимини вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

• 2022 йил 1 майга қадар Ягона ахборот тизимининг манфаатдор вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базаси билан суғурта соҳасида ўзаро электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйсин.

Суғурта шартномаларини Ягона ахборот тизими орқали расмийлаштириш суғурта ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

Замонавий электрон-рақамли дунё суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорликка бевосита таъсир қилувчи рискларни имкон қадар аниқ ва тўғри баҳолаш мақсадида суғурталанувчиларни кенг қамровли маълумотлар билан таъминлаб, суғурта фаолияти учун кўплаб имкониятларни очиб бермоқда. Шу билан бирга, рискларни баҳолашнинг сифатли моделини шакллантиришга ва суғурта ҳодисаларининг юз бериш эҳтимолини прогноз қилишга бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Рақамли технологияларнинг оммалашуви ва такомиллашуви ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши, иқтисодиётнинг тузилмаси ва таълимга таъсир кўрсатади, коммуникациялар, ҳисоблаш қувватлари, ахборот тизимлари ва сервисларга янги талабларни белгилаб беради. Замонавий шароитда ривожланган платформаларсиз технологиялар, институционал ва

инфратузилмавий муҳитларсиз бозорлар ва фаолият соҳаларининг динамик ривожланиши амалга ошмаслиги муқаррар.

Рақамлаштириш суғурталовчиларнинг базавий инновациялардан манфаатдорлигини белгилаб беради. Улар суғурта жараёнлари ва механизмларини соддалаштириш мақсадида рақамли технологиялардан борган сари фаолроқ фойдаланади. Бундай технологияларга, хусусан, автоматлаштириш, чатботлар (chatbots), маълумотга булут ичида ишлов бериш (cloud computing), сунъий интеллект элементлари бўлган технологиялар (artificial intelligence) киради.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки Ўзбекистон суғурта бозори иштирокчилари бўлган суғурта компанияларнинг барчаси аҳолига сифатли ва самарали хизматлар кўрсатиш мақсадида барча суғурта маҳсулотларини электрон вариантини ишлаб чиқмоқдалар. Шу билан бирга ўзларининг ички фаолиятларини ҳам рақамлаштириш орқали самарали иш фаолиятини ташкил қилиш ва харажатларни оптималлаштирган ҳолда даромад ва фойдани ошириш асосий мақсад қилиб олинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси, 24.01.2020, http//www.uza.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПФ-6079-сонли ““Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

Кенжабаев А.Т.- *д.э.н. проф. ВШБ*
Абдуллаев М.Х. *- Начальник отдела Государственного комитета по геологии и минеральным ресурсам*

РОЛЬ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Согласно общераспространенному определению, изложенному в Wikipedia, «искусственный интеллект (ИИ; англ. Artificial Intelligence, AI) — (1) наука и технология создания интеллектуальных машин, особенно

интеллектуальных компьютерных программ; (2) свойство интеллектуальных систем выполнять творческие функции, которые традиционно считаются прерогативой человека». По прогнозам экспертов НИУ ВШЭ, объем рынка искусственного интеллекта (см. рис.) к 2025 возрастет в 150 раз по отношению к 2016 г. и достигнет значения в 59,7 млрд долл. США. Благодаря ИИ, к 2020 г. будет создано 2,3 млн рабочих мест; к 2022 г. 20% работников, занятых нерутинными задачами, будут полагаться на помощь ИИ; к 2025 г. 85% взаимодействий с клиентами будут управляться при помощи ИИ; к 2030 г. мировой ВВП вырастет на 15,7 трлн долл.

Переход к постиндустриальной фазе экономического развития и построение информационного общества в рамках цифровизации экономики связаны, прежде всего, с предоставлением услуг через цифровые экосистемы и платформы. Поэтому оценка перспектив применения прорывных технологий, в том числе искусственного интеллекта, в наши дни приобретает еще большую актуальность.

Основные эффекты от применения ИИ будут получены за счет оптимизации бизнес-процессов и расширения возможностей автоматизации и роботизации ручного труда; реструктуризации глобального рынка труда и трансформации образовательных процессов в пользу персонализации и развития концептуального мышления; исключения субъективности и иррациональности в принятии решений.

Широкое применение искусственного интеллекта к настоящему моменту времени наблюдается при реализации предпринимательской деятельности. Более широкие возможности ИИ по сравнению с традиционным программным обеспечением позволяют компаниям сохранить конкурентные рыночные преимущества. Программные комплексы систем искусственного интеллекта способны устранить большую долю участия человека, связанного с управлением ими, за счет использования больших данных, аналитики и алгоритмов.

Следует выделить основные преимущества применения алгоритмов ИИ, в частности в производственных технологических процессах:

- повышение уровня конкурентоспособности выпускаемой продукции за счет снижения издержек, связанных с сокращением аутсорсинговых операций;

- повышение производительности труда вследствие автоматизации процессов и процедур, а также сокращения объемов ручного труда;

- повышение доходности предпринимательской деятельности за счет сокращения времени простоя и снижения общего объема капитальных вложений.

Согласно проведенному консультационной компанией Capgemini исследованию, в 2019 г. 76% экономических агентов, связанных с различными технологическими процессами, осуществили внедрение элементов искусственного интеллекта или находятся в стадии их разработки.

В целях применения возможностей систем ИИ и новейших технологий блокчейна для повышения эффективности международного сотрудничества в сфере торговли в 2018 г. Международной торговой палатой и ЮНКТАД в рамках принятой инициативы «Интеллектуальные технологии и торговля» (Intelligent Tech and Trade Initiative – ITTI) на сессии по вопросам применения интеллектуальных технологий и инструментов торговли был подписан целый ряд соглашений. По мнению экспертов, компьютерное моделирование сценариев торговых переговоров с применением ИИ позволит ускорить заключение коммерческих сделок, качество проработки международных соглашений, а также функционирования глобальных производственно-сбытовых технологических цепочек поставок. Кроме того, сервисы ИИ повышают эффективность моделирования итогов многосторонних переговоров. В 2017 г. по результатам проведенного опроса представителей банковской сферы, а также ключевых игроков государственного и частного секторов экономики был сделан Доклад банковской комиссии Международной палаты (International Chamber of Commerce – ICC), в котором были обозначены основные цифровые приоритеты участия торговых банкиров и условия проведения экспортно-импортных операций. В докладе был сделан вывод о том, что 80% объемов международной торговли финансируется за счет источников, поиск которых осуществляется с помощью ИИ. Традиционное торговое финансирование, которое сейчас занимает порядка 10% всех сделок, в ближайшем будущем будет демонстрировать нулевой прирост. Ожидается увеличение темпов цифровизации финансирования цепочек поставок, преимущественно в виде факторинга. Ожидается практически полное исключение формирования документов на бумажном носителе, что позволит сократить время обработки каждой сделки не менее чем на 2 часа, что обеспечит сокращение расходов на процедуры соблюдения нормативных требований до 30%.

Принятие в рамках Всемирной торговой организации (ВТО) ряда соглашений об упрощении процедур международной торговли, цифровое подключение торговых банков и включение в действие облачных интерфейсов являются импульсом для цифровой трансформации таможенного оформления импортно-экспортных сделок.

Научные исследования и примеры внедрения ИИ показывают, как компании, которые используют новые возможности ИИ, совершают технологический прорыв, получают ощутимый результат и конкурентное преимущество. ИИ не просто позволяет существенно модернизировать многие технологические и социальные процессы, делая их эффективнее (повышая производительность труда и расширяя возможности человека), он меняет саму природу труда, кардинально перестраивая процессы управления и выдвигая новые требования к набору компетенций, меняя характер взаимодействия человека и машины.

По нашему мнению, наиболее перспективными направлениями применения систем ИИ в сфере международной торговли являются следующие:

1.Применение возможностей искусственного интеллекта в построении глобальных производственно-сбытовых комплексов, что, несомненно, позитивно скажется на процессе развития и управления глобальными товаропроводящими цепочками создания стоимости, а также позволит улучшить качество и достоверность прогнозов, оценку будущих тенденций изменения потребительского спроса и, как следствие, повысить эффективность риск-менеджмента.

2.Развитие международной торговли с применением цифровых экосистем и социальных платформ. К примеру, сегодня 97% малых предприятий США осуществляют экспорт своей продукции через цифровую платформу eBay. Кроме того, включение ИИ в функционирование таких платформ позволяет осуществлять услуги по машинному переводу рекламных текстов, что, бесспорно, является драйвером увеличения объемов международной торговли.

3.Ведение торговых переговоров и экономической дипломатии, в частности применение систем интеллектуальной и технической инициативы. К примеру, алгоритмы ИИ могут применяться в рамках анализа экономических требований партнеров в целях оценки различных условий и допущений, а также направлений наращивания объемов осуществления экспортных и импортных операций при различных изменениях конъюнктуры рынка.

Однако выявляя позитивные последствия применения в международном сотрудничестве возможностей системы искусственного интеллекта, необходимо отметить и ряд возникающих серьезных проблем и вызовов.

1.Проблема амбивалентности обеспечения конфиденциальности информации и повышения доступности баз данных.

Процесс поддержания внутригосударственных стандартов конфиденциальности является первостепенным фактором сокращения объемов трансграничной передачи персональных данных, что может негативным образом повлиять на развитие алгоритмов ИИ. К примеру, Генеральным регламентом Евросоюза о защите персональных данных (General Data Protection Regulation, GDPR) запрещена передача массивов данных в страны, признанные Европейской комиссией неблагонадежными в правовом аспекте. Кроме того, персональные данные могут быть использованы в сфере, исключительно для которой эти данные были собраны, и не могут быть применены в рамках процесса глубокого обучения нейросетей ИИ в целях повышения эффективности способов предоставления той или иной услуги.

Разработка строгих мер по защите конфиденциальности информации требует предоставления гигантского массива персональных данных для изучения и обучения программ искусственного интеллекта. И здесь ключевая

проблема состоит в выработке правил конфиденциальности, не создающих избыточную ограниченность доступа ИИ к большим данным.

Более широкое применение ИИ зависит от ряда таких факторов, как развитие цифровых технологий свободного трансграничного потока данных, достижения в сфере облачных вычислений, формирования и обработки big data, а также развития «Интернета вещей».

Baykalonov J.G'. *- OBM tinglovchisi*

RAQAMLI MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

Raqamli texnologiyalar hayotimizga shunchalik singib ketdiki, bugungi kunda nafaqat kundalik faoliyatimiz, balki ijtimoiy-iqtisodiy sohalar rivojini ham ularsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Tabiiyki, boshqa sohalarda bo'lgani singari kabi raqamli texnologiyalarni moliya sohasida joriy etish ham uning faoliyatini tubdan o'zgartirmoqda. Raqamli texnologiyalarni moliya sohasida tadbiq etish soliq, bank, sug'urta va boshqa moliyaviy sohalarni yanada rivojlanishiga olib keldi. Ushbu sohalarda texnologiyalarni joriy etish hamda tizimli amalga oshirish uchun davlatimiz rahbari tomonidan "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida" 2020 yil 28 apreldagi PQ-4699-son qarori qabul qilindi.

Moliya sohasida texnologiyalarni qo'llash asosan FinTech (Moliyaviy texnologiyala) deb ataladi. *Moliyaviy texnologiya (Fintech) - bu moliyaviy xizmatlarni etkazib berish va ulardan foydalanishni takomillashtirish va avtomatlashtirishga mo'ljallangan yangi texnologiyani tasvirlash uchun ishlatiladigan atama. Asosiysi, fintech kompaniyalar, biznes egalari va iste'molchilarga moliyaviy faoliyati, jarayonlari va hayotini yaxshiroq boshqarishga yordam beradi. Bu maxsus dasturlar va smartfonlarga tobora ko'proq o'rnatiladigan algoritmlar yordamida amalga mumkin. Fintech, so'zi, "moliyaviy texnologiya" ning kombinatsiyasi.*

Hozirgi kunda ko'plab xorijiy mamlakatlar "fintech" ni joriy etish bo'yichi katta tajribaga ega. 2021-yil noyabr holatiga ko'ra, AQSHda 10 755 ta fintech (moliyaviy texnologiya) startaplari mavjud bo'lib, bu uni global miqyosda eng ko'p fintech startaplariga ega mintaqaga aylantirdi. Taqqoslash uchun, Yevropa, Yaqin Sharq va Afrika malakatlarida 9 323 ta, Osiyo Tinch okeani mintaqasida 6 268 ta shunday startap loyihalar mavjud edi[1].

Moliya sohasiga "FinTech" ni joriy etish orqali qo'yidagi afzalliklari erishish mumkin:

- Moliyalashtirish yanada qulayroq bo'ladi;
- Samaradorlik kuchayadi;
- To'lovlar tezroq amalga oshiriladi;
- Davlat va fuqoralar mablag'lari tejaladi;

[1] https://www.statista.com/statistics/893954/number-fintech-startups-by-region/

- Risklarni boshqarish yaxshiroqdir;
- Moliyaviy operatsiyalar soddalashtiriladi;

Nazarimizda, shu bilan birgalikda, raqamli texnologiyalarning shiddat bilan rivojlanishi va sohaning malakali mutaxasislarga ehtiyojini oshishi oliy ta'lim muassasalarida FinTech (Moliyaviy texnologiyalar) bo'yicha alohida o'quv yo'nalishini tashkil etilishni taqozo etmoqda. Bu eng avvalo, tizimning salohiyatli kadrlar bilan ta'minlanishiga yanada keng yo'l ochadi.

Jahon tajribasi ko'rsatib turibdiki, moliyaviy texnologiyalari nainki moliya sohlarni jadalashtirishga, shu bilan birga, “elektron hukumat” faoliyati samaradorligining oshishini hamda mamlakatda “raqamli iqtisodiyot”ning rivojlanishiga va eng muhimi, yashirin iqtisodiyot ulushini qisqartirishga ham yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. https://www.statista.com/statistics/893954/number-fintech-startups-by-region/
2. "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida" 2020 yil 28 apreldagi PQ-4699-son qarori
3. Raqamli texnologiyalar imkoniyatlari https://yuz.uz/uz/news/raqamli-texnologiyalar-imkoniyatlari

Джанадилов Ш.Ў. *– Давлат статистика қўмитаси бошқармаси бошлиғи, и.ф.ф.д. (PhD)*

ТАНЛАНМА СТАТИСТИК КУЗАТУВЛАРНИ ЎТКАЗИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Рақамли технологиялар йилдан-йилга дунё иқтисодий ривожланишида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатларда рақамли технологиялар нафақат иқтисодиётнинг барча соҳаларида балки, ижтимоий муносабатларга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда кузатилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар нафақат статистик маълумотларнинг мазмунига, балки уни тўплаш шаклларига ҳам янги талабларни қўйди. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда инфляция жараёнларини ҳисоблаш учун нархлар қоғоз шаклдаги бланкалар ёрдамида ўрганилганлиги сабабли, кузатувларни ўтказиш жараёни узоқ муддат, кўп иш кучи ва қоғоз сарфи талаб этилар эди. Яъни кузатувчилар савдо нуқталарига бориб нархни ўрганиб маҳсус қоғозлардаги шаклларни тўлдирар ва кунлик йиғилган маълумотни компьютерга киритиб марказий аппаратга юборар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелда “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарорига асосан статистика амалиётига инновацион технологияларни жорий этиш доирасида хизмат кўрсатиш, транспорт соҳаси, бозор нархи кузатувлари, саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдо

соҳасида ўтказиладиган танланма статистик кузатувларга электрон қурилмалар яъни, мобил планшетлар жорий этилмоқда.

Лойиҳа доирасида кузатувларни планшет қурилмалар ёрдамида ўтказиш ҳамда маълумотларни онлайн режимда интернет орқали Давлат статистика қўмитаси марказий аппарат серверларига юбориш имконига эга ахборот тизими ва махсус дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Ушбу дастур орқали нархлар ва уй хўжаликлари танланма статистик кузатувларини 2019 йил апрель ойидан бошлаб республика миқиёсида тест режимида ишга туширилган бўлса, 2020 йилга келиб республиканинг барча ҳудудларида тўлиқ ишга туширилди. 2020 йилнинг IV чорагидан бошлаб хизматлар, транспорт, савдо ва қишлоқ хўжалиги танланма статистик кузатувларини босқичма-босқич ишга туширилмоқда.

Статистик кузатувларни ўтказиш жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш орқали уларнинг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш имконияти яратилди ҳамда кузатувларни ўтказишга сарфланадиган қоғоз сарфини 100 фоизга қисқартириш ҳисобига йилига ўртача 60 млн. сўм иқтисод қилинишига, кузатувлар маълумотларини тўплаш вақтини 2 баробарга ва маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш муддати 5-10 баробарга қисқаришига эришилди.

Бугунги кунда нархлар танланма кузатувига планшетларни жорий этилиши натижасида 14 мингдан ортиқ савдо нуқталарда товар ва хизмат нархлари планшетлар ёрдамида ўрганилмоқда. Бу эса юқори тезликда маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш имкониятини берди.

Планшет қурилмаларидаги GPS навигация тизими асосида автоматлаштирилган назорат тизими жорий қилинган бўлиб, рагистратор нархларни қайд қилиш учун савдо ёки хизмат кўрсатиш объектига борганда, планшетдаги геолокация функцияси ёқилиб, ахборот тизимига аввалдан киритилган географик жойлашув билан мослиги 2 босқичда автоматик равишда текширилади:

1-босқичда нархларни қайд қилишга киришишдан олдин геолокация текширилади ҳамда географик жойлашув мос келса нархларни қайд қилишга рухсат берилади.

2-босқичда савдо ёки хизмат кўрсатиш объектидаги барча тегишли нархлар планшетга киритиб бўлингач, геолокация яна бир бор текширилиб, географик жойлашув тасдиқланади.

Натижада, регистраторларнинг танлаб олинган савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига бормасдан туриб нархларни қайд этиш ҳолатига чек қўйилади.

Халқаро стандартларга асосан ҳар бир товар ва хизматларга муайян улуш белгиланади. Ушбу маълумотлар Республика бўйича уй хўжаликларининг танланма кузатуви натижасида ҳар йили олинадиган аҳоли истеъмол харажати маълумотлари асосида шакллантирилади.

Уй хўжаликларида танлама кузатув ўтказиш услубияти Жаҳон Банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий Комиссиясининг (БМТ ЕИК) тавсияларига асосланган.

Ижтимоий жараёнларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини ўрганиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган қўшимча чораларни ишлаб чиқишда уй хўжаликлари кузатуви натижалари асос бўлади. Шунингдек, кузатув натижалари аҳолининг кам таъминланганлик кўрсаткичларини, истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда, миллий ҳисоблар тизимида уй хўжаликлари сектори ҳисобларини тузишда ва бошқа иқтисодий-статистик ҳисоб-китобларда ишлатилади.

Жаҳон Банки экспертлари тавсияси ва кўмаги асосида уй хўжаликлари танлама кузатувларини ўтказиш жараёнига ҳам планшетларнинг жорий этилиши статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш жараёнларининг автоматлаштирилишида янги даврни бошлаб берди.

Уй хўжаликлари танланма кузатувларини ўтказиш дастурий таъминоти KoboToolbox платформаси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда республика миқиёсида 121 та интервьюерлар томонидан уй хўжаликларини планшетлар ёрдамида ўрганиш жараёнида фойдаланилмоқда. KoboToolbox ахборот тизимининг бошқарув панелида супервайзерлар учун тўпланган маълумотларни таҳлил қилишда қулайликлар яратиш мақсадида маълумотларни жадвал, диаграмма ва ҳудудлар кесимида харита шаклида кўриш имкониятлари ҳам яратилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар мамлакатнинг статистика салоҳиётини янада ошириш учун муҳим аҳамиётга эга бўлиб, бу жараёнда катта ҳажмдаги статистик маълумотларни тезкор тўплаш, сақлаш ва қайта ишлашга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бунга эса фақатгина соҳага замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқалигина эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори.
4. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Методологические аспекты влияния информационного общества на инновационное развитие экономики. Монография. Ташкент: Фан ва технологиялар. 2016. – 134 с.

5. Венделева М.А. Информационные технологии в управлении: Учебное пособие/ М.А. Венделева, Ю.В. Вертакова. - Люберцы: Юрайт, 2016. - 462 с.

Шакирова Ф.Б. *– ТДТУ, PhD., доц.*
Дониёрбеков Х. Ё. *-ТДТУ талабаси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Рақамли инқилоб иқтисодиётни ва жамиятни мисли кўрилмаган тезлик билан ўзгартирмоқдаки, бу ўз навбатида улкан имкониятлар ва қийинчиликларни ҳам келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологик ривожланиш шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини рақамли иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ўсишисиз тасаввур қилиш қийин.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиш жараёнида иқтисодий ва математик моделлаштириш, ижтимоий психология, ахборот ва телекоммуникация технологиялари каби фанлар ва технологиялар таъсир қилди. Яъни, маълумотлар олиш, узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун илғор технологиялар пайдо бўлишига ёрдам берди.

Ҳозирги кунда, “рақамли иқтисодиёт” тушунчасининг турли хилдаги талқинлари мавжуд. Россиялик олим, М. Л. Калужскийнинг фикрича, рақамли иқтисодиёт – бу интернетда иқтисодий фаолиятнинг алоқа муҳити, шунингдек, уни амалга ошириш шакллари, усуллари, воситалари ва натижаларидаир[1]. Америкалик футуролог К. Келли эса, қуйидагича аниқроқ таърифни келтиради: “Рақамли технологиялар ва коммуникациялар деганда коммуникация шунчаки иқтисодиёт соҳаси эмас, Алоқа-бу иқтисодиётнинг ўзи” [2].

Академик Саидаҳрор Ғуломов эса, рақамли иқтисодиёт–бу жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон ҳамда ахборот-коммуникатсион технологияларини кенг жорий этишни кўзда тутадиган инсоннинг хўжалик фаолиятини тадқиқ этувчи фандир деб таърифлайди.. Унинг фикрича, рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт–бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт–бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади [3].

Рақамли иқтисодиётда рақамли кўринишдаги маълумотлар барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади ва бундай иқтисодиёт тизимига босқичма-босқич ўтиш мамлакатимизнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлилиги фуқароларнинг ҳаёт сифатини янада оширади, янги иш жойларини яратади, жадал иқтисодий ўсишга имкон яратади ва миллий мустақилликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиёт дастурини ҳаётга татбиқ қилиш қуйидагиларга эришишга имкон беради [4]:

- янги технологиялар яратишга ҳалақит бераётган ҳуқуқий тўсиқларни янги норматив-ҳуқуқий база яратиш ёрдамида тўлиқ бартараф қилиш;
- рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш, шу жумладан, тармоқлар, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, техник ва дастурий таъминотнинг замон талабларига мос равишда ривожланишига;
- таълим тизимининг ҳар томонлама ривожланишини ва янгиланиши таъминланишига;
- мамлакатдаги турли-туман компанияларнинг, фирмаларнинг, давлат корхоналарининг ҳамда бизнеснинг ривожланишига пухта асос яратилишига;
- рақамли иқтисодиёт соҳасида кўплаб ташкилотлар вужудга келишига.

Қуйидаги жадвалда иқтисодиёти инновацион ривожланган мамлакатларнинг рақамлаштириш борасида қабул қилинган асосий стратегик ҳужжатлари келтирилган.Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш дастури қуйидаги мақсадларини амалга ошириш учун ҳизмат қилиши керак [5]:

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётнинг экотизимини яратишга;

- мамлакат рақамли иқтисодиёт тизимининг институтлари ва инфратузилмасини яратишга;
- республиканинг барча тармоқларини қамраб олувчи информацион жамият ташкил қилиш учун керакли бўлган барча чора-тадбирларни амалга оширишга;
- глобал миқёсда ва глобал бозорларда республикамизнинг рақобатбардошлилигини оширишга.

Умуман, бугунги кунда жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ўрни ортиб боряпти. Юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш учун муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, иқтисодий секторни рақамлаштириш товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ҳажми ва рақобатбардошликни кескин ошириш ҳамда вақтни тежаш каби имкониятларни яратади. Айни пайтда Ўзбекистонда рақамли технологиялар банк тизими, чакана савдо, транспорт, энергетика, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда кенг кўламда қўлланилмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги назарий хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тизими бўлиб, бунга аввалambор онлайн-хизматлар, масофавий таълим, электрон тўловлар, товар ва хизматларнинг интернет-савдоси мисол бўла олади.

2. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва маъмурий жараёнлар бошқаруви автоматлаштирилган тизимларини яратиш ва жорий этиш,

иқтисодиётни рақамлаштириш, АКТ-соҳасини ривожлантириш лозим. Бу жараён ўз навбатида яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида намоён бўлади. Чунки, биринчидан, ҳамма амалга оширилган операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан, ҳамма нарса шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги ИТ қўлланиши оқибатида маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасаяди ва рақобатбардошлик ошади. Иқтисодиётимиз рақобатбардош бўлмас экан, бозор қонунлари тўлиқ амал қилмас экан, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижаси ҳам сезиларли бўлмайди.

3. Аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида инсон иштирокини кескин камайтириш зарур. Бу ўз навбатида аҳоли турмуш сифати ва фаровонлигига ижобий таъсир этади, бюрократия, қоғозбозлик ҳамда коррупциянинг сезиларли даражада камайишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Калужский М. Л. Маркетинговые сети в электронной коммерции: институциональный подход /М.Л. Калужский. — М.: Берлин: Директ-Медиа. — 2014. — 402 с.

2. Kelly K. New Rules for the New Economy: 10 radical strategies for a connected world / K. Kelly. — New York: Viking, 1998. — 224 p.

3. С. *Гулямов, Р. Аюпов*. Рақамли иқтисодиёт ва унинг асосий ривожланиш йўналишлари. Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2019 йил, 2-сон.

4. О. В. Дьяченко, Е. А. Истомина. Теоретические основы цифровой экономики в документах стратегического планирования./ Вестник. Челябинского государственного университета. 2018.№8 (418). Экономические науки.Вып. 62.С.90-102.

5. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: Iqtisod Molia , 2019. 396 b.

Жиянов У.П. *– ЎзХИА, катта ўқитувчиси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ДОИР ХАЛҚАРО ЁНДОШУВЛАР

Сўнгги йилларда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ривожланишнинг янги тўлқини сифатида рақамли технологияларнинг янги авлодлари, яъни сунъий онг, робототехника, симсиз алоқа каби замонавий технологияларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши бугунги кунда кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида рақамли технологияларни татбиқ этишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки иқтисодиётни рақамлаштириш ишлаб чиқариш қобилиятини сезиларли ошишига хизмат қилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рақамли технологиялардан фойдаланиш натижасида иқтисодиётга боғлиқ бўлган соҳаларнинг ярмидан

ортиғи кескин ўзгаришга учрайди. Ҳозирги вақтда рақамли иқтисодиётнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 5,5% ини, иқтисодиёт ва жамиятнинг турли соҳаларида рақамли технологияларнинг улуши эса жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 22,5% ини ташкил қилмоқда. Шунингдек, Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, юқори тезликдаги интернет фойдаланувчиларининг 10% га кўпайиши йиллик ЯИМ ҳажмини 0,4% дан 1,4% гача ошириши мумкин экан [1].

Рақамли технологиялар инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларида қўлланилганлиги сабабли, рақамли иқтисодиётнинг бозор ҳажмини аниқлаш ва баҳолаш жуда қийин. Муаммо шундаки, ЯИМ ва иқтисодий фаолиятни баҳолашнинг мавжуд усуллари ўзгарувчан меҳнат шароитлари ва истеъмол тартибларига мос келмаслиги мумкин. Масалан, Интернет хизматлари янги хизматларни таклиф қилади ҳамда товар ва хизматларнинг кенг ассортименти харидорга янги логистика йўналишлари орқали етказиб берилади. Бундан ташқари, айрим хизматлар тўғридан тўғри ёки билвосита реклама орқали бепул амалга оширилади. Масалан, зарурий ахборот билан таъминлаш хизмати электрон почта ва ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилмоқда. Онлайн телевидения ҳам рақамли иқтисодиётнинг бошқа турлари каби фаол ривожланмоқда, уларнинг ҳар бири ЯИМнинг ўсиб бораётган улушини ўзгаришига таъсир қилади. Шу каби сабабларга кўра, бир қатор мамлакатларнинг жорий ЯИМ кўрсаткичлари камайиб бориши мумкин.

Бугунги кунда рақамли ва анъанавий хизматлар бозори ўсиб бормоқда, аммо ушбу бозор ҳажмини ўлчаш мунозарали муаммо бўлиб қолмоқда. OECD нинг 2017 йилдаги маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатлар АКТ бозорининг ҳажми ЯИМнинг 3% дан 6% гача қисмини ташкил этади: Швецияда – 6,8%, Буюк Британияда – 6,5%, Германияда – 5,2%. Бу тахминлар рақамли компаниялар ишчилари сони, товар айланмасининг улуши, шунингдек, анъанавий компанияларнинг рақамли бўлимларида АКТ билан боғлиқ иш ўринлари сонининг динамикасига асосланади.

Таҳлиллар рақамли тармоқлар бутун дунё иқтисодиётига қараганда кўпроқ иш ўринларини ўсишига хизмат қилаётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, 2013-2018 йиллар давомида Канадада ушбу соҳадаги ходимларнинг йиллик ўсиши умумий ўсишга (умумий ўсиш 1,4%) нисбатан юқори бўлган, яъни 2,8% ни ташкил этган. АҚШ, Буюк Британия ва Германия каби мамлакатларда рақамли иқтисодиёт бўйича ҳукуматнинг ташаббуслари ва таҳлиллари ушбу соҳада ўсиб бораётган талабни қондириш учун янги истеъдодлар зарурлигини таъкидламоқда.

Ҳозирда дунёда Интернет-коммуникациялари ривожланмаган мамлакатлар ва рақамлаштириш даражаси жуда юқори бўлган мамлакатлар ўртасида улкан фарқ мавжуд. Масалан, кам ривожланган мамлакатларда ҳар беш кишидан биттаси Интернетдан фойдаланади, ривожланган мамлакатларда ҳар беш кишидан тўрттаси Интернетга эга. Ушбу кўрсаткич бўйича минтақалар ичида Шимолий Америка олдинги ўринларда бўлиб, бу ерда Интернет фойдаланувчилари минтақа аҳолисининг 93,4% ни ташкил қилади.

Бошқа минтақаларда эса бу кўрсаткич қуйидагича: Европа – 88,2%, Австралия – 69,6%, Лотин Америкаси – 75,6%, Осиё – 63,8%, Ўрта Шарқ – 74,9% ва Африка – 43,2% ни ташкил этади [4].

Европанинг рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларидан бири бу Буюк Британиядир. Буюк Британия ҳукумати мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун стратегик аҳамиятга эга деб ҳисоблаган бир қатор энг истиқболли технологияларни аниқлаш ва ушбу соҳада етакчи бўлиш ниятида эканлигини, айниқса, 5G коммуникациялари ва блокчейнни ривожлантиришни таъкидлайди. Буюк Британия ҳукумати маълумотларига кўра, 2016 йилда рақамли иқтисодиётда 1,7 миллиондан ортиқ киши, 214 минг корхона ёки жами иқтисодий фаол аҳолининг 9,2% и банд бўлган ва рақамли иқтисодиёт ЯИМнинг 8% ини ташкил этган. 2016-2018 йилларда мамлакатда бир қатор махсус меърий ҳужжатлар ва рақамли ташаббуслар ишлаб чиқилди, бу эса келгусидаги кўрсаткичларни янада тезроқ ўсишига хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиётнинг яна бир етакчиси Германия. 2017 йилда Германияда АКТ соҳасининг қўшилган қиймати 102 миллиард еврони, сектор инвестициялари 15,5 миллиард еврони ташкил этди. Таҳлил қилинаётган йилда Интернет хизматлари ва товарларидан келадиган даромад аҳоли жон бошига 1,5 минг еврони ташкил этган. Германия рақамли иқтисодиётининг умумий айланмаси 110 миллиард евродан ошади. АКТдан ташқари етакчи тармоқларга молия ва суғурта, чакана савдо ва энергетика киради. Саноат ишлаб чиқариши рақамлаштиришнинг суст даражаси бўлган тармоқларга тегишли [2].

Дунёдаги 100 та энг йирик ТМКлар қаторига кирадиган технологик компаниялар сони ҳам ўсиб бормоқда. Агар 2012 йилда бундай компаниялар 13 та бўлса, 2018 йилда уларнинг сони 24 тани ташкил этди. Юқори технологияли ТМКларда ишчилар сонининг ўртача йиллик ўсиши – 5%, товар айланмаси - 5%, активлар – 11% ни ташкил этди. АҚШда бозор капитали бўйича энг йирик компаниялар Microsoft, Apple, Facebook, Amazon ва Alphabet каби технологик компаниялар ҳисобланади. Уларнинг умумий капиталлашуви 3 триллион доллардан ошади ёки АҚШ ялпи ички маҳсулотининг 15% дан ортиғини ташкил этади.

Бундан кейин глобал жараёнлар ва давлатларнинг рақобатбардошлик даражаси янги замонавий рақамли технологиялар пайдо бўлишига мослашувчанлиги ва тезкорлиги билан белгиланади. Янги технологиялар бозор иштирокчилари учун имкониятларни кенгайтиради, шунингдек, бир қатор тўсиқларни келтириб чиқаради. Рақамли иқтисодиётнинг рақобат муҳитига ва меҳнат бозорига таъсири энг катта эътиборни талаб қилади, чунки рақамли иқтисодиёт иш жараёнларини автоматлаштиришга олиб келади, бу эса юқори ва паст малакали иш жойларига талабнинг ошишига, ўртача малакага эга бўлган ишчилар сонининг камайишига олиб келади.

Дунё бўйлаб кўплаб давлатларнинг ҳукуматлари махсус Интернет вазирликларини ташкил этмоқда. Тартибга солувчи институтлар рақамли бизнес иштирокчилари учун ягона қоидаларга риоя қилишга қаратилган

ташаббусларни ишлаб чиқмоқда ва шу орқали рағбатлантириш ва тартибга солишни назарда тутмоқда. Бундай ташаббусларга соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой коммунал хизматларини рақамлаштириш, рақамли иқтисодиётнинг янги элементларини тартибга солувчи электрон ҳукуматни яратиш, қонунларни тайёрлаш кабиларни киритиш мумкин [3].

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ҳаракатлар бошланди. Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги Фармони ҳукумат томонидан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига ва ҳаётга татбиқ этилишига асос бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади. Бундан ташқари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа қатор давлат тузилмалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзига хос масъулият ва вазифаларга эга. Бугунги кунда Ўзбекистонда рақамли технологиялардан фойдаланиш, рақамли ахборот ва электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш, Интернет орқали интерактив давлат хизматларини кўрсатиш каби қатор ишлар самарали амалга оширилмоқда.

Маълумки, рақамли иқтисодиёт давлат бошқаруви тизимини ривожлантиришда кенг имкониятлар яратади. Замонавий технологиялар давлат бошқарувининг юқори технологияли рақамли платформаси муҳитини яратишга имкон беради, бу эса инсон омили ва унга алоқадор хато ва камчиликларни минималлаштиришини таъминлайди. Шунингдек, статистик, солиқ ҳисоботлари ва бошқа турдаги ҳужжатлар тақдим этилишини автоматлаштиради. Бу эса вазиятга объектив баҳо бериш асосида қарор қабул қилишни таъминлайди, мавжуд вазият бўйича тегишли чораларни кўриш учун замин яратади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Интернет ва АКТнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жаҳон иқтисодиётига шунчалик катта таъсир кўрсатдики, натижада янги концепция – рақамли иқтисодиётни пайдо бўлишига замин яратди. Аммо унинг кенг ёйилишига қарамай, анъанавий иқтисодиётнинг кўлами ҳали ҳам катта ва иқтисодиётдаги ҳал қилувчи ролни ўйнамоқда. Келгуси 15-20 йил ичида рақамли иқтисодиёт бозорнинг аксарият қисмини рақамли иқтисодиёт эгаллайди. Рақамли иқтисодиётнинг ижобий самарасини максимал даражага кўтариш ва энг янги технологиялар – ишсизлик, ижтимоий тенгсизлик ва бошқа салбий натижаларнинг тарқалиши билан боғлиқ хатарларни минималлаштирадиган универсал ёндошувни ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2030-йилгача рақамли трансформацияси стратегияси. – Тошкент, 2021. В. 5.
2. Анализ мирового опыта развития промышленности и подходов к цифровой трансформации промышленности государств - членов Европейского экономического союза // Информационно-аналитический отчет ЕЭК.01.2017. 116 с.
3. Каплунов П. Экосистема цифровой экономики. Электронный ресурс. URl: https://www.rostelecom.ru/press/news/d440752
4. World Internet Usage and Population Statistics. URL: https://www.internetworldstats.com/stats.htm

Kobilov A., Yusupova D. *- TSUE*

IMPACT OF THE DIGITAL ECONOMY ON THE LABOR MARKET

In recent years, our scientific vocabulary has become more and more rich in new international words, such as the Internet, electronic government, online, know-how, information and communication technologies, computer technologies. Today, new phrases are especially important for humanity - digital television, digital library, digital economy. In general, to put it as simply as possible, then digitalization is the process of introducing computer technologies and the Internet into all areas of our life. Digitalization is advancing towards the nearest development path for countries in the world.

If we talk about artificial intelligence or know-how, electronic money transfers or technological innovations, it is very modern and high quality. But there is something that worries scientists, economists. Innovation has taken root in our lives in a continuous stream, and these social consequences of the introduction of new technologies are sometimes severe. For example, before there was a new job for those who lost their jobs, now the situation is much more difficult.

First, new technologies are being introduced simultaneously and very quickly in many areas. For example, we are surrounded by robotic cash registers in many supermarkets; in developed countries, cars with autopilots are already driving on ordinary roads. This means that very soon millions of cashiers and drivers will be unemployed. Already today, accountants, lawyers, office workers are regularly fired in the largest banks of developed and developing countries, since robots may well work instead of them. Another example, former McDonald’s executive director Ed Ransey said in an interview with the American Fox TV channel: it is easier for a company to buy a robot for $ 35 thousand that will make hamburgers and fries than to hire a person, train him, and pay him $ 15 per hour. [1]

Secondly, the problem is that the disappearance of old jobs today is not accompanied by the appearance of new ones - a thousand jobs simply disappear. Information technology is very scalable.

Unfortunately, mass unemployment is inevitable here. And it can cover the society of developed countries much earlier than skeptics now suggest. Everyone knows how quickly mobile phones spread, they then quickly became overgrown with cameras and full Internet access. Experts believe that robotization will begin to destroy jobs on a massive scale in the coming years. And also, the speed of technological change is increasing so quickly that many of us do not have time to keep pace with the times. Today, smart machines compete with people, they win in the eyes of the employer.

Economists are worried: will artificial intelligence cause massive unemployment? Here it is necessary to assess the impact of the digital economy on the development of labor resources, not only at the level of specific regions or countries, but in general on the international market, taking into account migration processes. But it is worth noting that artificial intelligence does not affect the level of mass unemployment, but although in the coming years. In the table below, we can see this, it is worth noting "smart cities" in terms of unemployment rates are in the last rows.

According to our forecasts, very soon (2021-2025) a critical mass of specialists will accumulate who are not needed by the market, but who have diplomas from prestigious universities in specialties fashionable at the time of admission. At the same time, the number of qualified people who will not be able to independently adapt to changes will also grow. Changes in the labor market are a clear example of the impact of digital technology on our lives.

In our republic, before the introduction of the digital economy, there are some problems that must be solved. At the predominant initial stage of economic restructuring, the local level of the labor market prevails. This is due to the low territorial mobility of the population, the low standard of living of its main part, the high cost of transport costs, and the lack of a developed housing market. Under these conditions, it is extremely difficult to balance the demand and supply for labor within specific localities, which leads to rather sharp differences in the unemployment rate. The regional level of the labor market in Uzbekistan is represented, first of all, by the subjects of the regions. Such entities have not only a territorial economic character, a regional system of population resettlement, but also the appropriate management bodies for the implementation of their own regional policy in the labor market, including employment of the population. In comparison with other areas, this economic region, it is the most contrasting in specialization. And also in terms of the level of development of the economy, the features of its transformation, population resettlement, staffing [3].

References

1.Н.Дембинская. Вкалывают роботы: кто останется без работы через 5 лет // Риа Новости, 2017

2.Из доклада Д.Пескова по программе «Цифровая экономика», // 2017, июль

3.О.Ю.Сушкова. Рынок труда и занятости населения - Воронеж, 2008

4.Информационный бизнес портал Узбекистана. Тенденции рынка труда Узбекистана. 2017
5.О.В.Заяц. Занятость населения и её регулирование. –Владивосток, 2003
6.Занятость в Узбекистане: вызовы и перспективы. Центр экономических исследований. 2013-2015


Махаммадиев М.М. *– ТМИ, таянч докторант*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

“Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясида 2023- йилдан бошлаб стратегия эришилган натижалар ва мақсад кўрсаткичларидан келиб чиққан, шунингдек, тегишли давр учун рақамли технологияларни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида тасдиқланган икки йиллик дастурлар асосида амалга оширилиши кўрсатиб берилган [1]. Хусусан, бизнинг фикримизча, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бу натижалар меҳнат бозори самарадорлиги билан баҳоланиши мумкин, ўз навбатида, бундай самарадорлик рақамлаштириш даражаси нуқтаи назаридан тармоқ ва ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилиши зарур. Меҳнат бозори самарадорлиги (МБС) бир томондан ва эришилган натижалар ва рақамлаштириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар (ЭНРБМҚ) бошқа томондан, ва уларнинг ўзаро таъсири республикада рақамлаштиришни ривожлантириш бўйича кейинги икки йиллик дастурлар ишлаб чиқилишида зарур бўлган стратегик кўрсаткичлар сифатида қаралиши керак.

Шундай қилиб, МБС ва ЭНРБМКнинг ўзаро ҳамкорлиги мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичлари бўйича рақамлаштиришни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишнинг методологик асоси деб ҳисобланиши керак. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, РТРТ самарадорлиги - бу тармоқ ва ҳудудлар кесимида тегишли ходимларнинг функционал масалаларини амалга оширилишидан олинган жами даромад билан баҳоланадиган АКТ бўйича ходимларидан фойдаланишнинг натижавийлигидир. Бу талқин мазкур даромадларни баҳолашни амалга ошириш статистик таъминоти нуқтаи назаридан мураккаб тузилишга эга;


АКТ соҳаларини аниқ белгилашни, масалан, қурилиш ёки қишлоқ хўжалиги каби “тоза” тармоқлар, мавжуд эмаслигига боғлиқ ҳолда бу даромадларни методологик жиҳатдан алоҳида ҳисоблаб чиқиш мумкин емас. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, биз РККТни миқдорий баҳолаш бўйича қуйидаги услубий тузилмани таклиф қиламиз.



1-расмда. Ахборот ва алоқа соҳасида иш ҳақи ўсиш динамикаси



2- расмда. Дастурий маҳсулотлар ва хизматлар экспорти, компьютер ва дастурлаш хизматлари ҳажми (млрд.сўм, 2016-2019 йй.)



3-расмда. АКТ соҳасида (ижтимоий тармоқлардаги фаолият, дастурий таъминот, мобил иловалар ва веб сайтларни ишлаб чиқиш, матнни яратиш ва ишлов бериш) банд бўлганлар (нафар, 2016-2019 йй.) [2]

Келтирилган 1-расм, 2-расм ва 3-расмларда бундай маълумотлар таҳлили асосида шундай хулоса қилишимиз мумкинки, айни пайтдаги меҳнат бозори самарадорлиги АКТдаги ЎМС га бевосита боғлиқдир. Чунки, бизнинг фикримизча, АКТдаги ЎМС айнан рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозори кўрсаткичи бўлган “АКТ соҳасида банд бўлганлар сони” ҳамда “АКТ соҳасида иш ҳақининг ўртача қиймати” билан ўлчанади; бундан ташқари, республикамизда компьютер ва дастурлаш хизматлари ҳажми ҳамда дастурий маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажмлари биргаликдаги қийматларининг динамикаси билан баҳоланади [3]. Бу ерда шунга алоҳида эътибор қаратиш

лозимки, АКТдаги ЎМС аввалом бор, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ЯИМ да АКТ моҳаси улушининг ошириш прогнозилари ҳамда АКТ соҳасидаги банд бўлганлар сони ва уларнинг ўртача иш ҳақлари ёрдамида аниқланиши лозим [4].

Бошқача айтганда, ЯИМ да АКТ соҳаси улушини оширишнинг кўп вариантли прогноз кўрсаткичларини шу соҳада банд бўлганлар ҳамда уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорлари прогнозларига кўра аниқлашимиз керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги пф-6079-сон “рақамли ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони
2. Махаммадиев М., Рўзиев А. Methodological problems of labor market evaluation in the Digital economy International journal of psychosocial rehabilitation, vol. 24, Issue 05, 2020 Issn : 1475-7192
3. Махаммадиев М. Рўзиев А. О методологии создания информационной базы данных по оценке эффективности рынка труда в условиях цифровой экономики Монография Современные технологии В мировом научном пространстве: Методы, модели, Прогнозы г. Петрозаводск МЦНП “Новая наука”2021 ISBN 978-5-00174-257-9.DOI 10.46916/04062021-1-978-5-001
4. А.А., Соколовский, А.Н. Фалалеев . Гуманизация экономического роста и рынок труда как ее фактор / А.А. Соколовский und А.Н. Фалалеев. - М.: LAP Lambert Academic Publishing, 2014. - 160 с.

Мирзаев З.З. *– ОБМ, бўлим бошлиғи*

РАҚАМЛАШТИРИШ: МАЗМУНИ, ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг ҳозирги босқичи унга рақамлаштиришнинг сезиларли таъсири билан тавсифланади. Ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш ўрнини эгаллаган глобал ижтимоий ривожланишнинг янги тенденцияси сифатида қуйидагилар билан тавсифланади - бу мамлакат миқёсида иқтисодий самарадорликни ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келадиган маълумотларнинг рақамли ваколатига асосланади. Рақамлаштириш хусусиятларини иқтисодий ривожланишнинг замонавий тенденцияси сифатида ҳар томонлама очиб бериш рақамлаштиришнинг моҳиятини, ахборотни рақамли тақдим этиш хусусиятларини, мамлакат учун рақамлаштиришнинг шарт-шароитлари ва мумкин бўлган ижобий оқибатларини, рақамлаштириш ва рақамли иқтисодиёт тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини, муайян мамлакатни рақамлаштиришнинг мумкин бўлган салбий оқибатлари ва хатарларини, маълум бир мамлакатни рақамлаштириш даражасини ўлчаш усулларини,

шунингдек, миллий иқтисодиётни рақамлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва вазифалари тавсифини ўз ичига олади.

Ахборот-ахборот маҳсулотлари ва хизматлари шаклини оладиган махсус товар (иқтисодий манфаат). Рақамли иқтисодиётда қимматли манба сифатида ишлайдиган ахборот ахборот-коммуникация технологиялари орқали шаклланади, сақланади, узатилади ва қайта ишланади.

Рақамлаштриш жараёнида интеллектуал қайта ишлаш технологиялари асосида ҳужжатларнинг жорий тушумларини автоматик таснифлаш, таниб олиш ва киритишни ташкил этиш учун бизнес-жараёнларга ва буюртмачи томонидан фойдаланиладиган ҳужжатлар турларига мослаштирилган ихтисослаштирилган корпоратив дастурий ечимларни ишлаб чиқади.

Рақамлаштириш технологияларнинг бир неча асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Рақамлаштириш – объект, тасвир ёки аудио-видео сигналнинг (аналог шаклда) ушбу сигнал, яъни объектнинг дискрет рақамли ўлчовлари (намуналари) тўплами кўринишидаги тавсифи, у ёки бу ускунадан фойдаланган ҳолда, яъни уни айлантириш, электрон ташувчида ёзиб олиш учун мос рақамли шакл.

Рақамлаштириш учун объектдан намуна олинади (бир ёки бир нечта ўлчамларда, масалан, овоз учун бир ўлчовда, тасвир учун иккита) ва якуний даражаларни аналогдан рақамлига ўтказиш.

Рақамлаштириш натижасида олинган маълумотлар мажмуаси (“асл объектнинг рақамли кўриниши”) компьютер томонидан кейинги ишлов бериш, рақамли каналлар орқали узатиш ва рақамли ташувчида сақлаш учун ишлатилиши мумкин. Узатиш ёки сақлашдан олдин рақамли тасвир одатда фильтрланади ва унинг ҳажмини камайтириш учун кодланади.

Баъзида “рақамлаштириш” атамаси маълумотни аналогдан рақамлига ўтказишда тегишли атаманинг ўрнига (аниқлаш) мажозий маънода ишлатилади. Масалан, овозни рақамлаштириш.

Видеони рақамлаштириш – видео сигнални видеокассета билан ташқи манбадан рақамли қурилмага кейинчалик қайта ишлаш (сиқишни, транскодлаш) ва рақамли ташувчида (DVD-диск, флеш-медиа, ташқи қаттиқ диск) ёзиш билан узатиш, фильмни рақамлаштириш, расмни рақамлаштириш, китобларни рақамлаштириш – сканерлаш ва (кейинги ўринларда) таниб олиш, ҳудуднинг қоғоз хариталарини рақамлаштириш – сканерлаш ва қоида тариқасида, кейинги векторлаштириш (растр-вектор ўзгартириш, яъни вектор тавсиф форматига таржима қилиш).

Маълумотлар аналог сигнални олиш ва уни рақамли шаклга ўтказиш имконини берувчи махсус жиҳозлар ёрдамида рақамлаштирилади. Рақамлаштириш ихтисослаштирилган профессионал студиялар (телевидение ва овоз ёзиш) ва хусусий компаниялар томонидан амалга оширилади.

Намуна олиш. Вақтга ҳавола қилинган сигнални рақамлаштиришда намуна олиш одатда намуна олиш тезлиги – намуна олиш тезлиги билан тавсифланади.

Жисмоний объектлардан тасвирни сканерлашда намуна олиш ҳар бир ўлчов учун узунлик бирлиги учун олинган пикселлар сони билан тавсифланади (масалан, дьюймдаги нуқталар сони – дьюймдаги инглизча dot per inch, DPI).

Рақамли фотографияда намуна олиш фреймдаги пикселлар сони сифатида аниқланади.

Ахборот-ресурс марказлари. Электрон каталогларни яратиш ва АКАТга ахборот ресурсини юклаш. Каталогларни рақамлаштириш замонавий кутубхонани автоматлаштиришда муҳим қадам ҳисобланади. Электрон каталогни яратиш ва автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимини (АКАТ) тўлдириш фондларни ҳисобга олиш ва инвентаризация қилишни яхшилаш, шунингдек, китобхонларга хизмат кўрсатиш сифати ва кутубхона ходимлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун зарур.

Музей ашёларини рақамлаштириш ва фотофиксация қилиш. Турли коллекциялар – графика, археология, декоратив-амалий санъат объектлари, интерьерлар экспонатларини ҳар қандай рақамлаштириш ва фотосуратга олиш амалга оширилади. Рақамлаштириш ноёб сканерлаш технологияси ва турли хил ёритиш имкониятлари ва 1000 dpi дан юқори сифатга эга сканерлаш режимларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Архивлар. Ҳужжатларни рақамлаштириш. Хизмат кўрсатишни яхшилаш ва фойдаланувчиларнинг сўровларини кўриб чиқишни тезлаштириш, суғурта фондларини яратиш, бухгалтерия функцияларини оптималлаштириш ва илмий-маълумотнома аппаратларини тўлдириш учун шаҳар ва ҳудудий архивлар маблағларини электрон шаклга ўтказиш.

Микроформаларни рақамлаштириш. Қоғоз архив ҳужжатларига ўхшаб, видео ва аудио ҳужжатлар, негативлар ва микроформалар ахборотни сақлаш ва ундан фойдаланиш имкониятини яхшилаш учун рақамлаштирилади. Бундай материалларни рақамлаштириш учун дунёдаги энг илғор технологик ускуналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бунда юқори сифатли маълумотларни олиш ва қайта ишлаш бўйича ноёб технологияларга бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилади, бунинг натижасида давлат реестрини тўлдириш бўйича барча миллий ва комплекс лойиҳаларни амалга ошириш ишлари амалга оширилади, жумладан, қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- сифат кафолати маълумотлари ва маълумотларни олиш;
- ҳужжатларни конвейер орқали қайта ишлаш учун махсус технологиялардан фойдаланиш;
- таснифлаш ва индекслаш учун сунъий интеллект алгоритмларини қўллаш;
- маълумотлар ва уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш.

Сканерлаш ва индексация қилиш бўйича ишлар формати лойиҳанинг талаб қилинадиган вақт жадвали ва бюджети каби параметрлари асосида танланади.

Интеллектуал ишлов бериш. Бунда масъул ташкилотлар томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

• махсус алгоритмлар ҳужжатларни таҳлил қилади, барча муҳим калит сўзлар ва семантик объектларни топади ва чиқаради;

• барча олинган маълумотлар дастурий ва қўлда режимда текширилади ва меъёрлаштирилади (белгиланган ёзиш форматига келтирилади).

Технология ахборот тизимларида мавжуд электрон ҳужжатлар массивларини қайта ишлаш учун ҳам, оммавий сканерлаш натижасида олинган электрон тасвирлар массивлари учун ҳам қўлланилади.

Маълумотларни қидириб топиш технологиялари излаб топиш операторлари ходимларининг мавжудлиги билан биргаликда масъул ташкилотларга қуйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

• йирик инвестицион лойиҳаларни зудлик билан амалга ошириш

• ҳар қандай тузилмадаги босма ҳужжатлар ва матнларни қайта ишлаш;

• ҳужжатлар массивларини қўлда киритиш билан солиштирганда анча арзон нархда индекслаш.

Масъул ташкилотлар замонавий технологиялар ва шаффоф нархларга асосланган ҳолда сақлаш хизматларининг илғор форматини яратиши зарур бўлади:

- замонавий хавфсизлик тизимлари ва қулай транспорт воситаларига эга янги омборхоналар;

- ҳужжатларни ҳисобга олишнинг илғор функцияларига эга шахсий ҳисобларнинг бепул хизматлари, жумладан, ички инвентарларни шакллантириш, хизматларга буюртма бериш ва электрон ҳужжатларни сақлаш

- асл ҳужжатларни етказиб бериш нархига муқобил равишда ҳар қандай ҳужжатларни арзон оператив сканерлаш хизмати;

- йирик саноат объектларини қуриш учун ҳужжат таъминотини таъминловчи лойиҳа-қурилиш ҳужжатларининг маълумот электрон архивини яратиш ва тўлдириш.

IT компанияси сифатида масъул ташкилотлар жараёнларни тезлаштириш, харажатларни камайтириш ва хизматлар нархини пасайтириш учун маълумотлар хавфсизлиги ва ўзаро алоқаларни автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Проблемы и перспективы цифровой трансформации образования в России и Китае. II Российско-китайская конференция исследователей образования «Цифровая трансформация образования и искусственный интеллект». Москва, Россия, 26– 27 сентября 2019 г. [Текст] / А. Ю. Уваров, С. Ван, Ц. Кан и др. ; отв. ред. И. В. Дворецкая ; пер. с кит. Н. С. Кучмы ; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики».— М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2019. — 155, [1] с. — 150 экз. — ISBN 978-5-7598-2130-4 (в обл.). — ISBN 978-5-7598-2040-6 (e-book). URL: http://vcht.center/wpcontent/uploads/2019/06/Problemy-i-perspektivy-tsifrovoj-transfor..niya-vRossii-i-Kitae.pdf

2. Уваров А.Ю. Модель цифровой школы и цифровая трансформация образования. // Исследователь/Researcher. 2019. №1-2 (25-26). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/model-tsifrovoy-shkoly-i-tsifrovayatransformatsiya-obrazovaniya
3. Формирование цифровой грамотности обучающихся: Методические рекомендации для работников образования в рамках реализации Федерального проекта «Цифровая образовательная среда» / Авт.-сост. М.В. Кузьмина и др. – Киров: ИРО Кировской области, 2019. - 47 с. URL: https://www.kirovipk.ru/wp-content/uploads/2019/12/formirovanie-czifrovojgramotnosti-obuchayushhihsya-metodicheskie-rekomendaczii-dlya-rabotnikovobrazovaniya.pdf
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони. 2020 йил 5 октябрь.
5. Цифровая трансформация бизнеса: Изменение бизнес-модели для организации нового поколения / Питер Вайл, Стефани Ворнер ; Пер. с англ. — М. : Альпина Паблишер, 2019.
6. Хакимов З.А., Шарифхо’жаев У.У. Интерактив ва рақамли маркетинг. Ўқув қўлланма. -Т.: “Иқтисодиёт”, 2019
7. Акаев А.А., КенжабаевА.Т., Илхамова Ё.С., Жуманиёзова М.Ю. Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари. Дарслик.Т.-“Фан ва технология”. 2019.
8. Кенжабаев А.Т., Икрамов М.М., Алланазаров А.А.. Ахборот-коммуникация технологиялари. Ўқув-қўлланма.Т.-“O‘zbekitson faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti”. 2017.
9. Лапидус Л. Цифровая экономика. Управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. Учебник. М.: ИНФРА-М, 2019.
10. NPS = доля сторонников — д оля критиков. Сторонники — это лояльные энтузиасты, которые в дальнейшем будут покупать ваш продукт и рекомендовать ваш сайт другим.
11. Дополнительную информацию об ускоряющейся по спи-рали вовлеченности в клиентские мобильные приложения см. в P. Weill and S. L. Woerner, “Creating Great Mobile Apps for Customers: Effective Practice and iGaranti’s Story”, MIT CISR Briefi ng 15, no. 5 (May 2015).
12. Manyika et al., “Unlocking the Potential of the Internet of Things”, McKinsey Global Institute Report, June 2015.
13. Кейс компании Flex основан на наших беседах с несколькими ее топ-менеджерами компании и статье Jeannine Sargent, “2015 Investor and Analyst Day: Connecting the Dots”, New York, NY, May 2015, https://s21.q4cdn.com/490720384/fi les/ doc_events/2015/Jeannine_Sargeant.pdf; and fl ex.com (ранее Flextronics.com), материалы использованы с разрешения.
A. Lashinsky, “Why Flex Is Going Beyond Its Manufacturing Roots”, Forbes, October 22, 2015.

Интернет сайтлари:

14. www.oecd.org
15. www.icgn.org
16. www.worldbank.org
17. www.ecgi.org
18. www.nokc.org.ru
19. www.gkk.uz

Ниёзов М.Ш. *- ВШБ, докторант*
Мустафакулов У.У. *- Институт повышения квалификации и статистических исследований, докторант*

УЗБЕКИСТАН КАК НОВАЯ ЛОГИСТИЧЕСКАЯ ЦИФРОВАЯ ЭКОСИСТЕМА

Постановлением PQ-14, разработанным Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым 17 ноября 2021 года, рассмотрен вопрос производства и организации цифровых экосистем, и на этой основе разработана Дорожная карта.

На основе дорожной карты рассмотрен вопрос поэтапного развития цифровой экосистемы с 2022 г. На основании своего исследования хочу предложить развитие новой логистической цифровой экосистемы в Узбекистане.: В России это Озон, Беру.ру, WildBerries, Avito и другие, а в мире, конечно же, такие гиганты, как Amazon, Alibaba, Walmart, IndiaMart и ряд других.

В Узбекистане нет экосистемы с цифровой логистикой, которая имеет много преимуществ.Исходя из моего экономического анализа, могу сказать, что

«Почта Узбекистана не должна ограничиваться доставкой товаров и планирует предоставлять своим клиентам полный спектр услуг в сфере электронной коммерции», — сказал он.

Нам нужно целенаправленно работать над развитием заказных служб доставки для рынков и логистических услуг для рыночных продавцов, а также запускать недорогую почтовую цифровую логистику при сохранении природных ресурсов.

Наша задача сделать так, чтобы Почта Узбекистана работала универсальным логистическим оператором, оказывающим все виды услуг, нам необходимо развивать такую экосистему и достигать более необходимого уровня экономической выгоды.

«Узбекистон почтаси» должна стать поставщиком онлайн-услуг на своей цифровой логистической платформе для интернет-магазинов и организаций, отправляющих большие объемы посылок и писем. Он позволяет выгружать информацию о заказе из системы магазина, а также автоматически проверять выбор у адресов доставки и почтовых индексов, рассчитывать

стоимость доставки, устанавливать трек-номера и формировать необходимые документы и формы.

Кроме того, сервис обеспечивает интеграцию узбекских почтовых служб в бизнес-процессы отправителя с помощью интерфейса прикладного программирования (API). Например, вы можете интегрировать его в систему управления складом или документооборотом, добавить функцию отслеживания отправлений на свой сайт или в приложение клиента, где он может получить информацию обо всей истории отгрузок и наложенном платеже.

Чтобы воспользоваться услугой цифровой логистической почты, вам необходимо зарегистрироваться на портале «Почта Узбекистана», заполнить заявку на доступ к необходимым услугам, в несколько кликов подписать договор с «Почтой Узбекистана» и создать первую посылку Отправления со всеми трек номерами и документами будут присвоены им автоматически.

"Все максимально упрощается с помощью электронной регистрации. Заходите в сервис, нажимаете "подтвердить", пополняете баланс и начинаете отправку, а мы легко закажем вашу посылку.

Чтобы по-настоящему конкурировать, компании во всем мире сегодня вынуждены искать инновационные решения для своего бизнеса. В этом смысле цифровизация бизнес-процессов «Почты Узбекистана» позволила внедрить ряд высокотехнологичных решений для местного сектора электронной коммерции. В дальнейшем кардинальная перестройка бизнес-процессов продолжится. Почта Узбекистана уже должна была иметь большой опыт в таких сферах, как таможенные операции, логистические услуги и выполнение заказов.

В сегодняшнюю эпоху бурного развития ИТ развитие новой цифровой логистической экосистемы в Узбекистане является важным требованием сегодняшнего дня.

Использованная литература

1.Постановление Президента Республики Узбекистан о создании «Открытой цифровой экосистемы» 17.11.2021 г. - ПП-14
2.Цифровой транспорт и логистика-Семенов А.К. .11.02.2019
3.Преимущества цифровой экономики -Мустафакулов.У.У.09.02.2020

Rustamov A.B.- *Karshi branch of TUIT, Teacher*

STAGES OF TECHNOLOGICAL DEVELOPMENT OF THE NETWORK STRUCTURE OF INDUSTRIAL DIGITIZATION IN THE REGION

Digitalization of industry plays an important role in the technological development of regional structures, therefore, the production of high-tech products by industry based on innovative digital technologies is of key importance for the development of the region's economy. An essential factor stimulating digitalization in various sectors of the economy is the increased availability of modern digital and network technologies, new software, various digital devices and equipment, information and communication technologies based on the Internet and mobile communications.

Currently, the digitalization of industry is evidenced by the use of new types of equipment, which include: robotic devices, waste-free and unpopulated technologies, flexible processing complexes, automatic production machines, unmanned vehicles, automated technical and technological platforms of various stages of the production process, equipped with digital sensors, sensors, etc. Computer information systems, digital and network technologies, due to the high quality, speed and reliability of transmission, storage and processing of digital signals and other properties, ensure timely decisions aimed at increasing labor productivity, competitiveness, innovation development and their implementation in production processes[1].

Yu.V. Yakutin proposed an expanded interpretation of the digital economy by including a key factor in it - data processing in "digital", giving the following definition of this concept: "The digital economy is an economy in which the key factor of production is data in digital form, processing large volumes and using the results of analysis of which, compared with traditional forms of management, makes it possible to increase the efficiency of various types of production, technologies, equipment, storage, sale, delivery of goods and services"[2]

In the foreign and domestic scientific literature, the digitization of industry, which received the names “Industrial 4.0” and “the Fourth Industrial Revolution”, is closely related to the concept of industrial development. The beginning of the digitalization of industry within the framework of Industry 4.0 was initiated by three previous industrial revolutions:

– the first replaced physical force with the energy of steam and water engines, created machine tools, mechanical devices, transport and metallurgy;

– the second carried out the electrification and introduction of conveyor production, the development of the oil and chemical industries, rail transport and communications (telegraph and telephone);

– the third introduced automated technologies, ensured the development of electronics and robotics, the use of information and communication technologies (ICT) and software in production processes.

It is advisable to divide all the variety of digital technologies used in the industry into two main groups: universally end-to-end and specially functional technologies.

Universal digital technologies include				
Technologies for processing large amounts of data	Artificial intelligence technologies	Virtualization technologies	Information and networking technologies	Information integration technologies

1-table. This table lists universal digital technologies.

The group of specially functional technologies includes the following: communication technologies, information storage technologies, monitoring and scanning technologies, analytical model technologies, software modeling and forecasting technologies

It is desirable to use the following stages in the digitization of the region Industry Index.

Stages of digitalization of the network structure of regional industry

Stage name	Introduction of electronic computers into management and production business processes
1. Computerization of industries	Introduction of electronic computers into management and production business processes
2. Organization of online electronic information exchange	The use of specialized electronic and technical means for data exchange through global information networks, including the Internet
3. Application of innovative special software	Implementation of the transition to the creation of a new product through the introduction of digital technologies and software and hardware complexes
4. Production of digital devices, electronic components, information and telecommunication technologies	Formation of a large-scale market of electronic and optical equipment and components not produced in the region.
6. Industrial production of electronic robotics, sensors, sensors, etc.	The use of digital systems for the processes of transmission and distribution of information flows in digital form
5. Implementation of digital management models	Organization of planning and production processes according to the interactive model "market joint venture - production capacity - manufactured goods"
6. Formation of cyber-physical systems of industrial production	Tracking production processes and making independent production decisions using artificial intelligence using modern software

2- table. In Table 2, the network structure of the industrial sector of the region is presented.

In addition to the stages of digitalization of industries, it is also necessary to say about the use of information and communication technologies, which form the

technological basis for the digitalization of production processes and the formation of the innovation space of the region.

References:

1. Горелов Н.А., Кораблева О.Н. Развитие информационного общества: цифровая эконом ика. – М.: Юрайт, 2019. – 241 с.
2. Якутин Ю.В. Российская экономика: стратегия цифровой трансформации // Менеджмент и бизнес-администрирование. – 2017. – № 4. – С. 27–52.
3. http://digital-economy.ru/stati/organizatsionnye-imperativy-tsifrovoj-ekonomiki
4. АНО «Цифровая экономика». Официальный сайт. [Электронный ресурс]. URL: https://data-economy.com.

Султанходжаев Б.З. – *начальник отдела ГУП «Центр комплексной экспертизы проектов и импортных контрактов »*

ВНЕДРЕНИЕ И РАСШИРЕНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОТРАСЛЯХ ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Следует отметить, что в Узбекистане реализуются комплексные меры по активному развитию цифровой экономики, а также широкому внедрению современных информационно-коммуникационных технологий во все отрасли и сферы, прежде всего, в государственное управление, образование, медицину, агропромышленность, и особенно в сферы промышленного производства. Для этого Указом Президента Республики Узбекистан от 05.10.2020 г. № УП-6079 была утверждена Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» *(далее по тексту - Стратегия)*, а также меры по ее эффективной реализации. В данной статье будет проведен анализ этой Стратегии в части внедрения цифровизации химической, нефтехимической и нефтегазавой отраслях промышленности Узбекистана.

Стоит отметить, что задача внедрения цифровых технологий также предусмотрено «Целями устойчивого развития», принятого Генеральной Ассамблеей ООН («Задача 17.8. Обеспечить полномасштабное функционирование банка технологий и механизма развития науки, технологий и инноваций и расширить использование высокоэффективных технологий, в частности, информационно-коммуникационных технологий»).

Вместе с тем, следует отметить на имеющиеся отставания наших промышленных предприятий и отраслей в уровне внедрения «цифровизации» от не только развитых стран, но и ряда постсоветских стран. Например, перечислим следующие общие факты:

- На некоторых предприятиях располагается производственное оборудование, которого не имеется возможности интегрировать с автоматизированными системами технологических процессов (АСУ ТП) верхнего уровня по причине их морального старения;

- Полноценная система АСУ ТП с нижнего до верхнего уровня имеется только на новых предприятиях и на новых цехах существующих предприятиях, построенных в период Независимости. Также некоторых реконструированных производствах существующих предприятий (например, современными автоматизированными предприятиями в нефтегазохимическом секторе Узбекистана являются Устюртский и Шуртанский газохимические комплексы, Кандымский газоперерабатывающий комплекс и т.д.). При этом, для других предприятий ситуация с автоматизацией не на должном уровне, в некоторых предприятиях применяемые полевые КИПиА не связаны с центральным пультом управления, данные фиксируется визуально «на поле»;

- В газотранспортной системе и газодобывающих узлах (ГДУ) не имеется цифровых датчиков, а используемые аналоговые датчики делает их передачи информации зависимым от человеческого фактора. В этой связи единые диспетчерские центры не связаны в режиме реального времени непосредственно с производством и добычей (например, Газпром имеет единую диспетчерскую систему управления, охватывающую огромную территорию газотранспортную систему России, позволяющую в реальном времени управлять процессом добычи и транспортировки);

- Слабое внедрение передовых цифровых решений по системам планирования экономической и хозяйственной деятельности (ERP-системы);

- Все еще остаётся важными обмен бумажными документами, введение «безбумажных» технологий по обмену информацией на стадии внедрения.

При этом, необходимо оговориться, что в связи с тем, что подавляющее количество предприятий нефтехимической и газохимической отраслей работает в форме B2B, в данной сфере в нашей стране составной частью цифровизации является контроллинг технологической и хозяйственной процессов, вместе с тем цифровые технологии, взаимодействующие непосредственно с потребителями не являются такими определяющими как в сфере услуг.

На наш взгляд, обеспечение должного контроллинга для промышленной отрасли возможно путём повсеместного внедрения передовых решений АСУ ТП, в т.ч. для корпоративных организаций внедрение SCADA систем.

Исходя из технических и финансовых возможностей отраслей промышленности, согласно Стратегии, утверждена программа цифровой трансформации отраслей в 2020 — 2022 годах, где определены первоочередные меры для цифровизации химической, нефтехимической и нефтегазавой отраслях. В результате реализации данной Стратегии, по АО «Узбекнефтегаз» уровень автоматизации и оснащение измерительными приборами будет доведена до 95-90%, уровень автоматизации управления финансов, хозяйства и управленческо-контрольной системы также будет

доведен до 95%. Особенно примечательным является планы по созданию «концепции цифрового месторождения», что позволило бы построить наиболее полных цифровых моделей нефтегазовых месторождений (У компании Лукойл-Узбекистан имеются модели вверенных им месторождений, а по АО «Узбекнефтегаз» работы в данном направлении уже начаты).

По АО «Узтрансгаз», которое занимается транспортировкой природного газа, работы по цифровизации его деятельности уже начаты. Запланированы проекты по внедрению ERP систем, для учёта и контроля потоков газа системы SCADA, а также реализуется проект по внедрению автоматизированной системы коммерческого учета газа (АСКУГ). Предусмотрена внедрение системы Биллинга для цифровизации платежей с крупными потребителями газа. По результатам реализации Стратегии, по вышеуказанным показателям уровень составить 100%.

В химической отрасли АО «Узкимёсаноат» запланирован ряд проектов, предусматривающих внедрение АСУ ТП для цехов и производств существующих химических производств, которые до сих пор не автоматизированы. Запланирована реализация внедрения системы планирования ресурсами (ERP) в системе АО «Узкимёсаноат».

С учётом вышеизложенного, можно сделать вывод о своевременности и актуальности реализации Стратегии.

1) Указ Президента Республики Узбекистан от 05.10.2020 г. № УП-6079;

2) Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20.10.2018 г. № 841;

3) Под редакцией д.э.н., проф. А. В. Бабкин. «Цифровая трансформация экономики и промышленности: проблемы и перспективы». Санкт-Петербург Издательство Политехнического университета, 2017 г.

Суюнов Д.Х. *- ОБМ қафедра мудири, и.ф.д., проф.*
Тиллабаев Р.Т. *- ОБМ тингловчиси*

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА АХБОРОТ-ОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида ахборот-коммуникация технологияларининг шаклланиши XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Ҳозирги кунда бозор инфратузилмасининг ушбу тармоғи ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг асосий негизи бўлиб ҳисобланмоқда. Чунки глобал иқтисодиётни таркиб топтириш учун замонавий ахборот-коммуникациялар инфратузилмаси талаб этилмоқда. Ишбилармонлик фаолиятининг мақбул муҳитини шакллантиришда зарур бўлган турли ахборот, тахлилий материаллар ва уларни тезкор усулда олиш ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиб бораётганлиги

йирик маълумотлар базаси эвазига эришилмоқда. Барча мамлакатларда ахборот тармоқлари кенг тарқалаяпти. Айниқса «Интернет» ахборот тармоғининг салмоғи кундан-кунга ошиб бормоқда. Рақамли иқтисодиётнинг тарқалиш тезлиги қуйидаги рақамлар билан изоҳланиши ҳам мумкин[1]:

- бугунги кунда интернет тармоғидан 4 миллиарга яқин одам фойдаланади, улардан 53 фоиз «Mobil Internet»дан (мобил интернет) фойдаланади;

- Европа Иттифоқи мамлакатларида Интернет фойдаланувчилардан 16 ёшдан 24 ёшгача бўлганларнинг 97% ва қарияларнинг (55 ёшдан 74 ёшгача бўлганлар) 63% интернетдан фойдаланади;

- Жаҳон хўжалигида фаолият олиб борувчи ходимларнинг 5.5 фоизи АКТ бўйича мутахассислар хисобланади. Уларнинг 1.4 фоизи аёллар ташкил этади;

- ишблармонларнинг 90 фоизи интернет тармоғи билан боғланишади, фақатгина 20 фоизи ишлаб чиқаришда рақамли техналогиялардан фойдаланишади.

«Google» мутахассислари 2022 йилнинг охирига бориб, дунёда интернетдан фойдаланувчилар сони 5 миллиард кишидан ошишини башорат қилишган.

«Рақамли-иқтисодиёт» - бу интернетдаги иқтисодий фаолиятнинг алоқа мўҳитини, шунингдек, уни амалга оширишнинг шакллари, усуллари воситалари ва натижаларни англатади[2].

Шундай экан дунё бўйича глобал ахборот инфратузилмаси, унинг асосида эса ахборотлашган жамият шаклланаётгани қўйидагиларда намаён бўлмоқда:

-халқаро ахборот тармоқларига уланган шахсий компъютерлар ҳар бир хонадонга кириб бормоқда;

-ахборот тармоқларида янги хил фаолият турлари вужудга келаяпти, жумладан, тармоқда ишлаш, тармоқ мухитида дам олиш, ижод ва кўнгил очиш, тармоқда маориф ва тарбия;

-жамиятнинг ҳар бир аъзоси қаерда бўлишидан қатъий назар ахборот тармоқлари асосида хохлаган мамлакатидан турли хил мавзу ҳамда йўриқдаги ахборотларни тўлиқ ва тезкор суратда олиш имкониятига эга бўлмоқда;

-ахборот тармоқлари доирасида мамлакатлар ўртасидаги географик ва геосиёсий чегаралар йўқолиб бораяпти.

Ахборотларни ишлаб чиқараётган тармоқлар қўллаётган технология, ишлаб чиқаётган маҳсулот ва кўрсатаётган хизматлар шунчалик хилма-хилки, уларни битта ягона тармоққа бирлаштириш ўта мушкул. Аммо уларнинг барчаси ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлаш, сақлаш ва тарқатишга хизмат қилади. шунинг учун ҳам улар «ахборотлашган» деган ягона фаолиятда бирлашади, жахон амалиёти тахлили шуни кўрсатмоқдаки, ўз фуқароларини ахборотлашган мухитда фаолият кўрсатишга ўтган жамиятгина вақтдан ютади.

Бугунги кунда Германияда ахборот технологияларини ривожлантириш учун сарфланган харажатлар мамлакат ҳар бир фуқароси учун 600 доллардан тўғри келмоқда. Ривожланган мамлакатлар ўзларининг шахсий компьютер парклари ва «Интернет» халқаро ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони бўйича олдинги қаторларда бормоқда. XXI асрда 80 фоиздан ортиқ технологик ривожланиш аввалambор, ахборот-коммуникация технологияларининг такомиллашуви ва кенг кўламда қўлланилиши билан боғлиқ. Мутахассисларнинг фикрича, ахборотлашган жамиятда компьютерлаштириш жараёни кишиларга ишончли ахборотлар манбасига киришга кенг имконият яратади ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахборот маҳсулотларини қайта ишлашнинг юқори даражасини таъминлаш орқали уларни кўп меҳнат ва вақт талаб этувчи ишлардан озод этади.

Амалиёт кўрсатмоқдаки ривожланган мамлакатларда фан ва ахборот-коммуникация технологияларининг такомиллашиб бориши ахборотлашган жамиятни шакллантириб бутун жахон мамлакатлари ягона компьютерлаштирилган ва ахборотлаштирилган кишилар жамиятига айланиб боради. Илмий қарашлар ва бу йўналишдаги тадқиқотлар натижаси ахборотлашган жамиятга хос бўлган қуйидаги хусусиятларни белгилаб бермоқда:

-ахборот танқислиги муаммоси ҳал этилади, бошқа ресурсларга нисбатан ахборот ресурслари бирламчи ўринга чиқади;

-аҳборотлашган иқтисодиёт ривожланишнинг асосий шакли бўлиб хизмат қилади;

-жамият тараққиётининг негизи бўлиб ахборот-коммуникациялар бозори товарларини кенг қўллаш шартлари қўйилади;

-инсоният тараққиётининг ягона ахборот майдони шаклланади.

Коммуникация воситалари асосида маълумотлар базасига тезкор киришнинг амалга ошганлиги, интерактив хизматлар индустриясининг жадал ривожланишига ва ахборот истеъмолчиларига янги имкониятларни яратиб берди. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Японияда охирги ишларда «онлайн» (реал вақт бирлигида ишлаш) хизматлари индустрияси иқтисодиётнинг ахборотлар тармоғидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Оммавий фойдаланувчилар учун мўлжалланган «онлайн» таркибига кирадиган маълумотлар базаси 1979-1988-йиллар оралиғида 40 тадан 4000 тагача етди, ҳозирги кунда уларнинг сони 5000 дан ортиб кетган.

Маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва ахборотлар хизматлари сотишда АҚШ пешқадамлик қилиб келмоқда. Жамиятни кенг миқёсда компъютерлаштириш ҳамда коммуникация воситаларини такомиллаштириш йўлидаги сай-ҳаракатлар ахборот-коммуникация технологиялари асосида ушбу бозорни шакллантиришда иқтисодий ва техник жиҳатдан катта имконият туғдирди.

Жахон банки ҳисоб китобларига қараганда, XXI аср бошларида замонавий ахборот-коммуникациялар технологиялари керакли ахборотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган бутун жахон

ахборот инфратузилмасини барпо этишга ҳар йили 60 млрд. АҚШ доллари керак бўлади. Жахон амалиёти тахлили шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат ресурсларининг кундан-кунга ахборотлар тармоғига кўчиб ўтиш тенденцияси ортиб бормоқда. Ахборот махсулотлари ва хизматлари билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг жахон ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадидаги улуши 10 фоизини ташкил қилаётгани, шунинг 90 фоизи АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келаётгани бежиз эмас.

Ахборот асри иш жойларини замонавий хисоблаш воситалари билан жиҳозлаш ва тадбиркорлик мухитидаги истеъмолчиларга алоқа хизматларидан юқори даражада фойдаланишга қўйидаги имконият яратиб бериши лозим:

-ҳар бир инсон ер шарининг хохлаган нуқтасидан туриб ишдами, уй шароитида ёки транспортдан туриб бошқа киши билан уланиш имкониятига эга бўлиши;

-узатилаётган ахборот турининг қанақа бўлишидан қатъий назар «бир киши-бир киши билан» турдаги алоқанинг амалга ошиши;

-кенгаш аъзоларининг хохлаган шаҳар ёки мамлакатда бўлишидан қатъий назар конференция, иш юзасидан кенгашларини ўтказиш имконияти;

-ихтисослашган ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган автоматлаштирилган маълумотлар банкидаги турлича ахборотларга кириш имкониятининг туғилганлиги;

-уйдан туриб тиббий ёрдам кўрсатишнинг мумкинлиги ва электрон почта ва ахборотларни факсимил алоқа асосида узатиш имкониятлари яратилади.

Ундан кўриниб турибдики, ахборот-коммуникациялар бозорининг сегментлари, объект ва субъектлари ҳамда иштирокчилари бир бутун тизимни ташкил қилмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ахборот-коммуникациялар бозорини республикамизда шакллантириш ва ривожлантиришда давлатни тутган ўрни каттадир. Ахборот-коммуникациялар бизнеси ўз ичига қуйидаги таркибий қисмларни олади:

- ахборот ресурслари - маълумотлар базаси ва банклари, турли хилдаги архивлар, кутубхоналар, музейлар фонди ва ҳоказо;
- ахборот-коммуникациялар инфратузилмаси - ҳудудий хукумат компъютер тармоқлари, телекоммуникация тармоқлари ва махсус хизмат кўрсатувчи тизимлар, тармоқлар, маълумотларни узатиш каналлари ва ахборот оқимларини бошқариш;

-ахборот, компъютерлар ва телекоммуникация технологиялари;

-ахборотларга кириш ва уларни тарқатиш учун қўлланиладиган телекоммуникация, информатика ва хисоблаш техникаси воситаларини қўллайдиган илмий-ишлаб чиқариш соҳаси мутахассислари;

-миллий ахборот инфратузилмаси фаолиятини ташкил қилувчи ташкилий тузилмалар ва ходимлар;

- оммавий ахборот тизимлари;

-ахборот махсулотлари ва хизматлари, ахборотлаштириш, телекоммуникация, алоқа воситалари ва ахборот технологиялари бозори;

- ахборотлар ҳимоясини таъминловчи тизимлар;

-дунё очиқ ахборот тармоқлари билан Республикамиз ахборотлар бозорининг муносабати ва ахборотлаштириш қонунларининг тизими.

Бугунги кунда дунё ахборот-коммуникациялар бозорини қуйидаги секторларга ажратиш мумкин бўлади:

а) ишбилармонлик ахборотлари сектори:

- биржа ва молия ахборотлари ўз таркибига ихтисослашган биржа ва молия ахборотлари хизматлари тақдим этадиган қимматбахо коғозлар котировкаси, валюталар курси, ҳисоб ставкаси, капитал ва товарлар бозори, инвестициялар ва нархлар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади;

- иқтисодий ва статистик ахборотлар ўз ичига уларнинг тадқиқоти, ишлаб чиқилиши ва консалтинги билан шуғулланадиган компания ҳамда давлат ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган динамик қаторлар ва башорат моделлари кўринишидаги иқтисодий, демографик ва ижтимоий ахборотларни олади;

-ишбилармонлик ахборотлари ўз таркибига компания, фирма, корпорацияларнинг асосий фаолият йўналишлари бўйича ҳамда уларни ишлаб чиқарган маҳсулотлар, молиявий аҳволи, нархлари, алоқалари, битимлар ва раҳбарияти ҳақидаги маълумотларни қамраб олади;

-ихтисослашган ахборот хизматлари томонидан тақдим этиладиган иқтисодиёт ва бизнес соҳаларидаги ишбилармонлик ҳақидаги янгиликлар;

б) оммавий ва истеъмол ахборотлари сектори:

Айрим мамлакатларда молиявий ахборотлар бозорининг ривожланишига қимматбаҳо коғозлар таркиби таъсир қилмасдан қолмайди. Котировкаларнинг объективлик даражасини таъминлаши учун айрим биржалар ўзаро келишишади. Биржа ва молия ахборотларининг асосий истеъмолчилари - профессионал инвесторлар, улгуржи савдо қилувчилар ҳамда тахлил ва маслаҳат берувчи марказлардир.

Жахон ахборот-коммуникация технологиялари бозори таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ахборот маҳсулотларини тақдим этиш усулларини танлашга қуйидаги омиллар катта таъсир кўрсатади:

-ахборот тавсифи ва энг аввал унинг ўзгариб туриш даражаси;

-истеъмолчининг ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш характери;

-истеъмолчилардаги мавжуд техник воситалар ва ўша ҳудуддаги телекоммуникация воситаларининг аҳволи;

-фойдаланувчилар сони ва уларнинг маълумотлар базаси билан мулоқотда бўлиш тезлиги.

Хулоса қиладиган бўлсак, хозирги кунда ҳар бир давлатда барқарор тараққиётга эришиш, дунё миқёсида унинг рақобатдошлик даражасини юксалтириш, катта қулайликлар эшигини очиш, бошқаришни стратегик даражада ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларининг роли тобора ортиб бораяпти. Айни пайтда жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички

маҳсулотнинг тахминан 8,5 фоизи мазкур соҳага тўғри келаётган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 10-12 фоиздан ошиши кутилаётгани бунга бир мисолдир, шунингдек Корея Республикасида АКТнинг ЯИМдаги ҳиссаси 11,8 фоиздан зиёд, Швецияда 7 фоиз, Америка Қўшма Штатларида 6,8 фоизга тенг. Бинобарин, республикамизда ахборот-коммуникация технологияларини изчил ривожлантириш, унинг ҳуқуқий-ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, ушбу йўналишда илғор давлатлар, жумладан, Жанубий Корея тажрибасини ўрганиш, унинг ютуқларини самарали қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://ec.europa.eu/eurostat/ststics-explained/.

2.Калужский М. Л. Маркетинговые сети в электронной коммерции: институциональный подход, монография, 2020 год, 388 с.

3.Черновалов А.В. и другие. Цифровое будущее или экономика счастья? Издательско-торговая корпорация "Дашков и К.” 2018 г.

4.Negroponte N. Being Digital / N. Negroponte. - NY: Knopf, 1995. - 256 p.

5.Плуготаренко С.А. Развитие цифровой экономики может стать мощным драйверов для выхода страны из кризиса. https://tass.ru.

6. Кузнецов Н.И., Уколова Н.В., Монахов С.В., Шиханова Ю.А., Санникова М.О. Тенденции развития цифровой экономики современной россии. Статья в сборнике трудов конференции, 2018. - С: 137-139.

7. Mesenbourg Thomas Measuring the Digital Economy (UA Bureau of the Census), 2021.

Tulaganova M.Sh. *– TMI, tayanch doktorant*

RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH BOSQICHLARI

Bugungi kunda Internetning rivojlanishi butun dunyodagi insonlar va kompaniyalar uchun yangi imkoniyatlarni yaratmoqda. Shu munosabat bilan jahon amaliyoti va O‘zbekiston tarixida ilk bor mamlakatimiz bo‘ylab “xalq qabulxonalari” tashkil etildi, prezident, bosh vazir, vazirlik va idoralar rahbarlarining virtual qabulxonalari ish boshladi, korrupsiyaga qarshi real kurash boshlandi, valyuta liberallashuvi va soliq islohoti amalga oshirildi, xalq manfaatlari esa keng ko‘lamli islohotlarni amalga oshirishning asosiy ustuvor yo‘nalishi va asosi bo‘ldi. O‘tgan yillar davomida erishilgan va kelajak rejalarini tahlil qilgan holda, bu faqat O‘zbekistonda ijobiy o‘zgarishlarning boshlanishi, deb aytish mumkin.

Mamlakatimizda ro‘y bergan ko‘plab ijobiy o‘zgarishlar, shuningdek, raqamli texnologiyalarning rivojlanishi davrida mamlakatni rivojlantirish bo‘yicha bo‘lajak

rejalar haqida so‘z yuritilar ekan, 2020-2030-yillarda O‘zbekiston Respublikasini raqamli o‘zgartirish Strategiyasini tayyorlash, qabul qilish va amalga oshirish muhim qadamlardan biridir. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning

hokimiyatga kelishi bilan O‘zbekistonda ijtimoiy-iqtisodiy va ijtimoiy-siyosiy vaziyat sifat jihatidan o‘zgardi, tubdan o‘zgartirishlar va yangi O‘zbekistonni shakllantirish davri

boshlandi. Mamlakat “Xalq davlat idoralariga emas, balki davlat idoralari xalqqa xizmat qilishi kerak” shiori ostida o‘z taraqqiyotining yangi darajasiga ko‘tarildi. O‘zbekiston Prezidenti tomonidan amalga oshirilayotgan ichki va tashqi siyosatning ochiqligi yo‘lida turibdi. Rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda aniqlangan muammolarning tahlili asosida O‘zbekiston axborot texnologiyalari va kommunikatsiya infratuzilmasining hozirgi holatini hisobga olgan holda raqamli iqtisodiyotni shakllantirishning ustuvor yo‘nalishlari, raqamli iqtisodiyotning milliy institutlarini jadal rivojlantirish maqsadida zarur tashkiliy, infratuzilma va normativ-huquqiy o‘zgarishlar taklif etildi.

Raqamli iqtisodiyotning mahalliy institutlarini shakllantirishning hozirgi bosqichida tovarlar va xizmatlar ishlab chiqarishning mahalliy tarmoqlarini modernizatsiyalashda asossiz ma’muriy to‘siqlarni barpo etishni istisno qilish uchun ta’qiqlsiz tartiblarga rioya taklif etiladi.

O‘zbekistonning raqamli iqtisodiyotini rivojlantirish ushbu jarayonni amalga oshirishda davlat, biznes hamjamiyati va fuqarolik jamiyatining to‘laqonli ishtirokida milliy farovonlikni ta’minlash uchun yangi iqtisodiy tuzum salohiyatini royobga chiqarishni o‘z ichiga oladi. Davlat hayotining turli jihatlarini raqamlashtirishning hozirgi holati haqida so‘z yuritar ekanmiz, ta’kidlash joizki, keyingi yillarda O‘zbekiston Respublikasi davlat boshqaruvi va iqtisodiyotning turli tarmoqlarida axborot texnologiyalarini joriy etish va ulardan foydalanishda muhim taraqqiyotga erishdi, Keyingi yillarda respublikada raqamli texnologiyalar eksportini oshirish, raqamli texnologiyalar bilan bog‘liq biznes-modellarni rivojlantirishni rag‘batlantirish va sohaga investitsiyalarni ko‘paytirish maqsadida innovatsion raqamli ekotizimning bir qator elementlari ham yaratildi, startap-ekotizimi va startap-loyihalarni yaxshilash va ularni amalga oshirish bo‘yicha “IT PARK” innovatsion markaz tashkil etildi va faoliyat yuritmoqda, dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalari texnologik parki, yetakchi xorijiy sheriklar bilan birgalikda Webster universiteti (AQSh), Inha universitetlari (Koreya Respublikasi) va Amiti (Hindiston) raqamli texnologiyalar sohasida yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash uchun Ta’lim dasturlarini amalga oshirish markazi ochildi. “Yashnobod” va “Xorazm” innovatsion texnoparklari faoliyatini amalga oshirmoqda.

Raqamli iqtisodiyotning kelgusi davrida raqamli iqtisodiyotni (RI) rivojlantirish strategiyasi va dasturlari davlat rahbarlari va ilmiy jamoatchilik e’tiborida bo‘lmoqda.

So‘nggi yillarda raqamli iqtisodiyot jadal rivojlanmoqda. Shunday qilib, agar 1-iyun 2017-yil holatiga dunyoda 3,9 milliard Internet foydalanuvchisi mavjud

bo‘lsa, 31-mart 2021-yilda butun dunyo aholisi 7,875 milliard kishi bo‘lganligini hisobga olgan holda dunyodagi Internet foydalanuvchilari soni 5,168 milliard kishiga yetdi.

Elektron tijoratning butun dunyo bo‘ylab faol o‘sish sur’atlarini hisobga olgan holda, O‘zbekiston jahon bozorida elektron tijorat sohasida, xususan, xalqaro pochta va kuryer yuklarini yetkazib berish sohasida faoliyat yuritayotgan mahalliy kompaniyalar pozitsiyasini mustahkamlash uchun qo‘shimcha choralar ko‘rishi kerak. Mazkur sohani muvaffaqiyatli va barqaror rivojlantirish va uning vakillari faoliyatining asosiy omillaridan biri, tegishli professional mos muhit va infratuzilmani ta’minlashdan iborat. Ushbu infratuzilmani ijobiy natijalarga erishgan va iste’molchilar ishonchini qozongan, hamda uzoq vaqt davomida mamlakatda xalqaro pochta va kuryer junatmalarini etkazib beradigan manfaatdor, mas’uliyatli va tajribali tashkilotlar tashkil qilishi mumkin.

So‘nggi yillarda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha ko‘plab tadqiqotlar olib borilmoqda. Shunday qilib, Tafts universiteti (AQSh) qoshidagida Fletcher maktabi Mastercard bilan hamkorlikda “2017-yilda raqamli evolyutsiya indeksi” tadqiqotini taqdim etdi. Kompaniyalar mamlakatlar o‘zlarining raqamli iqtisodlarini rivojlantirish jarayonida erishgan yutuqlarini, shuningdek, yangi imkoniyatlarning odamlarning kundalik hayotiga integratsiya qilish darajasini tahlil qildilar. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha etakchilar Singapur, Buyuk Britaniya, Yangi Zelandiya, BAA, Estoniya, Gonkong, Yaponiya va Isroildir. Ushbu mamlakatlardagi raqamli evolyutsiya darajasi rivojlanish vektorini tanlash uchun boshqa mamlakatlarga namuna bo‘lib xizmat qiladi.

Rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning aniqlangan muammolari tahlili asosida O‘zbekiston axborot texnologiyalari va kommunikatsiya infratuzilmasining hozirgi holatini hisobga olgan holda raqamli iqtisodiyotni shakllantirishning ustuvor yo‘nalishlari, raqamli iqtisodiyotning milliy institutlarini jadal rivojlantirish maqsadida zarur tashkiliy, infratuzilma va normativ-huquqiy o‘zgarishlar taklif etildi.

Raqamli iqtisodiyotning yangi mahalliy institutlarini shakllantirishning hozirgi bosqichida mahalliy ishlab chiqarish tarmoqlari va xizmat ko‘rsatish tarmoqlarini modernizatsiya qilish uchun asossiz ma’muriy to‘siqlarni barpo etishni istisno qilish uchun ta’qiqsiz tartibga rioya qilish taklif etilmoqda

Zamonaviy texnologiyalar davlat boshqaruvining yuqori texnologiyali raqamli platformasi muhitini yaratishga imkon beradi, bu inson omili va unga aloqador korruptsiya va xatolarni minimallashtirishni ta’minlaydi, statistik, soliq va boshqa hisobotlarni to‘plashni avtomatlashtiradi, haqiqiy vaziyatni tahlil qilish asosida qaror qabul qilishni ta’minlaydi.

Davlat xizmatlarini ko‘rsatish yagona raqamli bulut platformasi asosida, o‘zaro hamkorlikning ochiq interfeyslari bilan quriladi va shu jumladan mustaqil

yetkazib beruvchilarga ushbu platforma asosida ishlaydigan o‘z ilovalarini yaratish orqali fuqarolarning davlat bilan o‘zaro hamkorligini kengaytirish imkonini beradi.

Natijada yangi avlod iqtisodiyoti samaradorligini quyidagilar yordamida oshirish mumkin:

• inson omilini minimallashtirish va kontaktsiz

muloqot sxemasini yaratish orqali korruptsion komponentni minimallashtirish;

• intellektual agentlarni soliqqa tortish, mas’uliyat, identifikatsiya qilish va boshqalar uchun sub’ektlar bilan ta’minlash.;

• soliq yukini individual hisoblash bilan “aqlli shartnomalar” tamoyili bo‘yicha ishlaydigan intellektual agentlardan foydalanish orqali soliqqa tortishni optimallashtirish;

• byudjet xarajatlarining avtomatlashtirilgan ustuvorligi adaptiv modelini joriy etish;

• tashabbus byudjeti modellaridan keng foydalanish, shu jumladan, siyosiy qarorlarga ta’sir qilish usuli sifatida;

• davlat xizmatlarini o‘zaro hamkor ochiq interfeyslarga ega bo‘lgan yagona raqamli platforma orqali taqdim etish.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun davlatxususiy sheriklik formatini yanada rivojlantirish, ilmiy-tadqiqot va innovatsion siyosatni innovatsiyalarning o‘zgaruvchan tabiatiga, shuningdek, ijtimoiy va global muammolarga ko‘proq moyil qilish, yangi bozorlarni rivojlantirish va hamkorlik va qo‘shma ishlab chiqarish orqali qiymat yaratish muhim ahamiyatga ega.

Davlat fuqarolik jamiyatiga shaxsiy salohiyatni ro‘yobga chiqarish va o‘z hayotini boshqarish uchun yangi imkoniyatlar taqdim etishi kerak. Buning uchun davlat boshqaruvi tizimini modernizatsiya qilishni ta’minlash, foydalanuvchilarga qulay elektron hukumat xizmatlarini ishlab chiqish, davlat organlari bilan oddiy va xavfsiz tarzda muloqot qilish imkoniyatini ta’minlash lozim.

Усманова С.С. *– ТГТУ, докторант*

ЦИФРОВИЗАЦИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

На сегодняшний день цифровая технология занимает ведущее место в развитии науки, техники и технологии в республике и в мире в целом. Основополагающей задачей обеспечения экономической безопасности в современных условиях является прогнозирование вызовов и угроз. Важнейшим вызовом является цифровизация.

Цифровизация — это процесс переноса в цифровую среду функции и деятельности бизнес-процессов, ранее выполнявшихся людьми или

организациями. Цифровые технологии в целом позволяют бизнесу анализировать продажи, запасы, состояние производственных мощностей и операционных процессов на новом уровне. Это, в свою очередь, приводит к качественно новым выводам в отношении продуктов компании, взаимодействия с поставщиками и клиентами, организации бизнес и технологических процессов.

Цифровизация промышленного предприятия — это создание единой системы, в которую интегрируется вся инфраструктура компании: производственное оборудование, системы безопасности и организации рабочих процессов, работа с документами и кадровый учет. Переход на цифровизацию возможен благодаря внедрению программно-аппаратных комплексов.

Цифровизация промышленности играет важную роль в технологическом развитии региональных пространственно-отраслевых структур, поэтому производство промышленностью высокотехнологичной продукции на базе инновационных цифровых технологий имеет ключевое значение для развития экономики региона [4]. В первые о цифровизации предприятий заговорил Николаса Негропонте еще в 1996 году в своей книге «Being Digital».

Основополагающей задачей обеспечения экономической безопасности в современных условиях является прогнозирование вызовов и угроз. Важнейшим вызовом является цифровизация.

Использование цифровизации с одной стороны дает толчок в развитию, с другой стороны создаёт дополнительные риски. За последние годы цифровые технологии (включая интернет) стали ключевым фактором развития и функционирования экономики во всех её секторах. А, следовательно, и цифровые угрозы стали более масштабней, что приводит к увеличению различных видов издержек.

Поэтому обеспечение безопасности цифровых технологий выходит на первое место для экономики страны и общества в целом и приравнивается к обеспечению национальной безопасности страны.

Приоритетными задачами для создания и организации эффективной системы информационной безопасности Республики Узбекистан являются:

1) обеспечение кибербезопасности путем:

- ✓ смягчение последствий кибератак,
- ✓ повышение уровня кибербезопасности в отраслях промышленности,
- ✓ обеспечение эффективной координации и реагирования на кибер угрозы.

2) разработка надежных продуктов и услуг для защиты государственных структур и субъектов экономической деятельности;

3) управление конфиденциальностью и безопасностью использования персональных данных;

4) Создание национальных программ по защите инфраструктур, основанных на внедрение новейших технологий;

е) Дальнейшая подготовка квалифицированных специалистов в области цифровых технологий.

Особое внимание к развитию цифровой экономики уделяется и в Республике Узбекистан. Президент Республики Узбекистан Мирзиёев Ш.М. 24 января 2020 года в ежегодном послании Парламенту страны отметил, что на настоящий год выделено три приоритетных направления – это наука, просвещение и цифровая экономика. «В развитии цифровой экономики намечен коренной поворот. В строительстве, энергетике, сельском и водном хозяйстве, транспорте, геологии, здравоохранении, образовании, кадастровом и архивном деле – полная цифровизация»[1].

Внедрения новых технологий в процесс производства обусловливается повышением эффективности и созданием условий для успешной работы предприятия.

Отправным шагом на пути формирования, внедрения и развития цифровизации экономики стало принятие Указа Президента Республики Узбекистан "О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», основным направлением которого является формирование инновационной модели развития экономики Узбекистана. Далее принято **постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёевым от 3 июля 2018 года № ПП–3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан», на стадии обсуждения постановление Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции национальной стратегии «Цифровой Узбекистан 2030»». По сути, эти документы представляет собой всестороннюю стратегию развития информационных технологий в стране на ближайшее десятилетие. В данных документах определены главные направления цифрового развития Узбекистана.**

Узбекистан за последнее десятилетие добился определенных результатов в данной сфере. «В республике создан ряд элементов инновационной цифровой экосистемы, в целях повышения экспорта цифровых технологий, стимулирования развития бизнес-моделей, связанных с цифровыми технологиями и повышения инвестиций в сферу, созданы и функционируют Инновационный центр по поддержке разработки и внедрения информационных технологий «Mirzo Ulugbek Innovation Center», Технологический парк программных продуктов и информационных технологий, совместно с ведущими зарубежными партнерами созданы Центр реализации образовательных программ Университета Вебстер (США), университеты Инха (Корея) и Амити (Индия) для подготовки высококвалифицированных специалистов в области цифровых технологий.

Список использованной литературы

1. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису 2020 год
2. Указа Президента Республики Узбекистан "О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»
3. Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёевым от 3 июля 2018 года № ПП–3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан», на стадии обсуждения постановление Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции национальной стратегии «Цифровой Узбекистан 2030»»
4. Митрушова М.Л., Усманова С.С. “Приоритетные направления развития цифровой экономики Республики Узбекистан” «Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар», Илмий-методологик ва илмий-услубий журнал №2, 2020.

Интернет-ресурсы

5. https://doczilla.pro/ru/blog/cifrovizaciya-promyshlennosti-kak-ehkonomit-za-schet-informacionnyh-tekhnologij/

Усмоналиев Б.У. *-Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиғи*

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчилик талаблари бўйича барча суғурта хизматлари, хусусан суғурта шартномаларини тузиш, суғурта полисини расмийлаштириш, суғурта ҳодисалари бўйича даъво аризаларини тақдим этиш, суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тўлиқ қоғоз шаклида амалга ошириб келинмоқда.

Бироқ, хозирги кунда дунёдаги ривожланган давлатлар томонидан рақамлаштиришнинг янги йўналишлари излаб топилаётган, республикамизда эса кўпгина соҳаларга рақамлаштириш жараёни шиддат билан кириб бораётган бир даврда суғурта хизматларининг ҳамон қоғоз шаклида ҳамда инсон омили иштирокида амалга оширилаётганлиги соҳанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши тайин.

Бу ҳолат айниқса аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ноқулайлик туғдиради. Суғурта бозори бўйича, жумладан мавжуд суғурта ташкилотлари, суғурта турлари, тарифлари, суғурта ҳимоясига олинадиган хавф-хатарлар, суғурта бозорида тузилаётган шартномалар, мажбуриятлари ва суғурта ҳодисалари юзасидан тўланаётган суғурта тўловлари бўйича маълумотларни оператив равишда олишнинг имконияти мавжуд эмас. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасида бир кунда ўртача 24 мингдан зиёд суғурта шартномалари имзоланмоқда ҳамда 3,7 млрд.сўмдан ортиқ суғурта тўловлари тўлаб

берилмоқда. Суғурта шартномаларининг таркибига назар ташлайдиган бўлсак, бир кунда ўртача тузилаётган суғурта шартномаларининг 12 мингтаси биргина транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртасига тўғри келади[1].

Бундай маълумотлар Ўзбекистон суғурта бозорини назорат қилувчи ва тартибга солувчи ваколатли давлат орган томонидан хар чорак якуни бўйича суғурта ташкилотларидан қоғоз шаклида олинадиган маълумотлар асосида шакллантирилади. Кўриниб турибдики, бу жараёнда ҳам амалга ошириладиган ишлар талайгина.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасида суғурта соҳасига рақамлаштиришни жорий этиш ишлари 2019 йилдан бошланди. Суғурта бозорида тузилаётган шартномаларнинг қарийиб 50 фоизини ташкил этадиган ҳамда халқ орасида оммалашган суғурта тури бўлган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни электрон кўринишга ўтказиш орқали суғурта соҳасига рақамлаштириш жараёнини тадбиқ этиш бошланди.

Дастлаб, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 222-сонли қарори[2] билан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармасида онлайн тартибда фаолият юритувчи тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базаси билан интеграциялашган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ягона ахборот тизими (ЯАТ) жорий этилди.

Бу тизим биринчи навбатда Ички ишлар вазирлиги Йўл харакати хавфсизлиги Бош бошқармасининг ҳамда Давлат персоналлаштириш марказининг, кейинчалик суғурта ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинди.

Шунингдек, электрон суғурта шартномасини тузиш, ўзгартириш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби, суғурта қилдирувчи ва суғурта ташкилоти ўртасида электрон ахборот алмашинуви, электрон суғурта шартномаси тузилганлиги тўғрисида хабарномани юбориш ва хабарноманинг мазмунига қўйиладиган талабларни назарда тутувчи Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Е-полисни сотиш, расмийлаштириш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш қоидалари ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, дастлабки қадам сифатида Е-полисни расмийлаштириш расман 2021 йил 1 июлдан бошлаб амалиётга киритилди. Бироқ, ҳозирги кунда

[1] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги маълумотлари асосида таҳлил қилинди. https://imda.uz/oz/

[2] Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 16 мартдаги 222-сон қарори// www.lex.uz

амалиётда Е-полис билан бирга қоғоз бланкадаги суғурта полислари бир хил кучга эга бўлиб турибди. Ўтган давр мобайнида, яъни 2021 йилнинг 1 декабрига қадар жами 15 905 та Е-полис расмийлаштирилган бўлиб, 1,2 млрд.сўм суғурта мукофоти йиғилган[1]. Ушбу жараён амалиётга жорий қилингандан сўнг, ягона ахборот тизимидаги барча камчиликлар текшириб олинди ҳамда бартараф этилди.

Қўшни давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, Қозоғистон Республикаси транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича электрон полислар 2019 йил 1 январдан бошлаб жорий қилинган[2]. Россия Федерациясида эса, бу амалиёт бироз эртароқ, яъни 2017 йил 1 январдан бошлаб жорий қилинган[3].

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан хорижий тажриба атрофлича ўрганилиб ҳамда Ўзбекистонда жорий этилган электрон полислар бўйича амалиётни суғурта бошқа турларига ҳам тадбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланиб, 2021 йилнинг 23 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5265-сонли қарори[4] қабул қилинди. Унга кўра, 2022 йил 1 июлдан бошлаб барча суғурта турларини электрон шаклда амалга оширишга рухсат берилади ҳамда барча суғурта полислари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда Тўловларини кафолатлаш жамғармаси билан биргаликда юритиладиган ягона ахборот тизимида рўйхатга олиниши белгиланди.

2023 йил 1 январдан бошлаб эса, барча мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта полислари қоғоз бланкаларда расмийлаштириш тўхтатилади ва тўлиқ электрон кўринишга ўтказилади.

Бу эса, мажбурий суғуртани амалга оширишдаги камчиликларни бартараф этган ҳолда, уни амалга ошириш жараёнини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратади. Шунингдек, мажбурий суғуртани амалга оширишда ошкоралик ва шаффофлик таъминланади.

Бу жараённи амалиётга жорий қилиш учун суғурта полисларини рўйхатга олувчи ва уларнинг айланмасини назорат қилувчи ягона ахборот тизимини яратиш лозим ва барча тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинган бўлиши ва бенуқсон ишлаши талаб этилади. Бу ахборот тизими ишга тушгандан сўнг, барча суғурта шартномаларини ушбу ягона ахборот тизими орқали расмийлаштириш барча суғурта ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

---

[1] Тўловларни кафолатлаш жамғармаси маълумотлари. https://tkj.uz/ru/p/pokazateli-e-polisa

[2] https://egov.kz/cms/ru/articles/07207onlineinsur

[3] https://autoins.ru/e-osago/poryadok-zaklyucheniya-dogovora-osago-v-vide-elektronnogo-dokumenta/

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5265-сонли қарори. www.lex.uz

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчилик талаблари бўйича барча суғурта шартномалари қоғоз шаклида амалга оширилиши белгиланганлиги сабабли, электрон полисларни жорий қилинишини қонунчилик нуқтаи-назаридан мустаҳкамлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди ҳамда 2022 йил 22 февралдан бошлаб кучга киради.

Мазкур қонуннинг кучга кириши билан суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича ҳам электрон полисларни расмийлаштириш мумкин бўлади ва бунинг натижасида суғурта хизматларининг халқ ичига тезроқ кириб боришига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 358-II-сон 5 апрель 2002 йил, https://lex.uz/docs/40253.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ-155-сон 21 апрель 2008 йил, https://lex.uz/ru/docs/1342474.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сонли қарори.// https://lex.uz/docs/4459802.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори//www.Lex.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5265-сонли қарори. https://lex.uz/ru/docs/5692504

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 780-сон қарори. https://lex.uz/ru/docs/5160821

8. Мирзаёев Ш.М. Олий Мажлисга мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил, https://president.uz/uz/lists/view/4057

9. Шеннаев Х.М. (2021) Ўзбекистонда Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари. Монография. - Т.: Иқтисод-молия, 2021.

Халмурадов Э.Д. *– ДБА, мустақил* изланувчиси

КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Жаҳон иқтисодиётининг глоабаллашуви ва COVID-19 пандемияси шароитида мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва бу соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизмини етук кадрлар билан таъминлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Аввало шуни айтиш керакки, рақамли иқтисодиёт ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларининг занжиридан иборат бўлиб, унинг ажралмас элементи занжирлараро (инсонлараро, машиналараро, булутлар орқали, дата марказлараро) рақамли технологиялар ёрдамида амалга ошириладиган маълумот алмашинишдир.

Бу борада малакатмизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда, шунингдек унинг хуқуқий асосларини яратишда муҳим қадамлар қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли қарорида “.....кейинги вақтда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Шу билан бирга, соҳадаги ишлар ҳақиқий аҳволининг таҳлили марказлашган маълумотлар тизимига интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформанинг мавжуд эмаслиги натижасида жорий этилаётган дастурий ҳужжатлар тарқоқ эканини кўрсатмоқда”[1]деб кўрсатилган.

Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани қўллаш мақсадида мамлакатмизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан, «блокчейн» технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган давлат муассасаси шаклидаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони[2] қабул қилинган бўлиб, ушбу фармон билан тасдиқланган стртатегиянинг 3 “Банк секторида давлат улушини камайтириш” бандининг кичик 3 “Замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш” бўлимида масофавий банк хизматлари, шу жумладан контактсиз тўловлар сони ва қамровини кенгайтириш, автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамли идентификациялаш ва кредит конвейеридан кенг фойдаланиш, банк

маълумотлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини кучайтириш, банк соҳасидаги янги концепция ва технологияларни жорий қилиш (финтех, маркетплейс, рақамли банк) вазифалари қўйилгандир. Бу эса ўз навбатида акциядорлик тижорат банкаларида инновацион жараёнлардан бири бўлган рақамла технолгиялардан фойдаланишни ва амалиётга жорий қилишни зарурат қилиб қўймоқда.

Рақамли иқтисодиётда рақамли кўринишдаги маълумотлар барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади ва бундай иқтисодиёт тизимига босқичма-босқич ўтиш компанияларнинг мамлакатмиз ва глобал миқёсдаги рақобатбардошлилигини ошириб, компания ходимларининг ҳаёт сифатини янада оширади, янги иш жойларини яратади, жадал иқтисодий ўсишга имкон яратади ва миллий мустақилликни ҳам таъминлаб беради.

Компанияларда рақамли технолгиялардан самарали фойдаланиш қуйидагиларга эришишга имкон беради:

- коммпаниянинг бошқаруви ва бошқа тармоқларида рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш, шу жумладан, тармоқлар, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, техник ва дастурий таъминотнинг замон талабларига мос равишда ривожланишига имкон беради;

- компаниянинг инновацион тизимини ҳар томонлама ривожланишини ва янгиланишини таъминлайди;

- мамлакатдаги турли-туман компанияларнинг, фирмаларнинг, давлат корхоналарининг ҳамда бизнеснинг муҳитнинг ривожланишига пухта асос яратади;

- компаниялар ва бошқа субъектлар учун хизмат кўрсатадиган рақамли иқтисодиёт соҳасида фаолият кўрсатадиган кўплаб ташкилотлар ҳосил бўлишига олиб келади.


Бундай вазифаларнинг ижросини таъминлашда глобал информацон тизим ва унда мавжуд бўлган очиқ маълумотлар ва адабиётлар ҳамда ривожланган мамлакатларнинг амалий тажрибаси мухимдир.

Бугунги кунда дунё бўйлаб бозор етакчиси Facebook 1 миллиард рўйхатдан ўтган аккаунтни ортда қолдирган биринчи ижтимоий тармоқ бўлиб, ҳозирда ҳар ойда 2,7 миллиарддан ортиқ фаол фойдаланувчида ишлайди. Айни пайтда компания тўртта энг йирик ижтимоий медиа платформаларига эгалик қилади, уларнинг ҳар бири 1 миллиарддан ортиқ фаол фойдаланувчиларга эгадир[3]. Бундан ташқари энг юқори даражадаги ижтимоий платформалар Қўшма Штатлар ва Хитойга тегишли 100 миллиондан ортиқ фойдаланувчиси бўлган энг юқори даражадаги ижтимоий тармоқлар пайдо бўлган, аммо VK, Япониянинг LINE платформаси ёки Хитойнинг WeChat, QQ ижтимоий тармоқлари ёки Douyinнинг видео алмашиш дастури сингари Европа хизматлари ҳам ўз минтақаларида асосий мурожаатларни тўплашди.

Ижтимоий тармоқларнинг сайтлари ҳозирда 3,6 миллиард фойдаланувчига эга деб тахмин қилинмоқда ва бу кўрсаткичлар ҳали ҳам

ўсиши кутилмоқда, чунки мобил қурилмалардан фойдаланиш ва мобил ижтимоий тармоқлар илгари кам таъминланган бозорларда тобора оммалашиб бормоқда (1-расм).

1-расм. 2021 йил январ холатига кўра дунё бўйлаб энг омабоп ва фаол фойдаланувчилар сони бўйича ижтимоий тармоқлар рейтингги, (миллионда)[4].



Рақамли иқтисодиётнинг тарқалиш тезлиги қуйидаги рақамлар билан изоҳланиш мумкин бўлади[5]:

- интернет тармоғидан 4 миллиарга яқин одам фойдаланади, улардан 53 фоиз «Mobil Internet»дан (мобил интернет) фойдаланади;

- Европа Иттифоқи мамлакатларида Интернет фойдаланувчилари қуйдагилар: 16 ёшдан 24 ёшгача бўлганларнинг 97% ва қарияларнинг (55 ёшдан 74 ёшгача бўлганлар) 63% интернетдан фойдаланади;

- Жаҳон хўжалигида фаолият олиб борувчи ходимларнинг 5.5 фоизи АКТ бўйича мутахассислар хисобланади. Уларнинг 1.4 фоизи аёллар ташкил этади;

- ишблармонларнинг 90 фоизи интернет тармоғи билан боғланишади, фақатгина 20 фоизи ишлаб чиқаришда рақамли техналогиялардан фойдаланишади.

«Google» мутахассислари 2020 йилнинг охирига бориб, дунёда интернетдан фойдаланувчилар сони 5 миллиард кишидан ошишини башорат қилишган.


Иқтисодчи олимлар фикрича, «Рақамли-иқтисодиёт» - бу интернетдаги иқтисодий фаолиятнинг алоқа мўҳитини, шунингдек, уни амалга оширишнинг шакллари, усуллари воситалари ва натижаларни англатади[6]. Бугунги кунда интернет тармоғи ва информацон технологиялар имкониятларидан фойдаланишга асосланган бир қанча янги маҳсулотлар ва ҳизматлар бозорлари пайдо бўлди, шунингдек мессенжерлар, агрегаторлар, интернет қидирув тизимлари, интернет реклама, электрон таълим ва бошқалар[7]. Ҳозирги даврда ижтимоий тармоқларнинг ҳам оммавийлиги борган сари ортиб бормоқда. Бу эса жамиятнинг ривожланиши, электрон бизнеснинг

такомиллашуви ва бошқарилиши учун янгидан-янги имкониятлар яратиб бермоқда.

Жаҳон илм фанида интенент бўйича турли фикларни баён қилишмоқда. Интернет бор жойда иқтисодиёт ривожланади ҳамда саноат корхоналари интернет тезлиги юқори бўлган шаҳарларга интилади Н.Ниграпонте [8]. Энди фирма ва ташкилотлар иш юритиш учун офис майдонлари, дата-марказлар талаб қилмайдилар, информацон тизимлар яратишга эса катта миқдордаги инвестициялар жалб қилишнинг ҳожати қолмайди. Билл Гейтснинг сўзлари билан айтганда “....сиз интернетсиз савдо қилаётган бўлсангиз, билинки сиз савдо жараёнларидан ташқаридасиз”[9] - деган фикрга қўшилган ҳолда, бугунги кунда рақамли технологиялардан фойдаланиш ўтта долзарб эканлигини билиш зарарурдир. «Рақамли иқтисодиёт экотизими рақамли информацион техналогиялар ёрдамида қўшимча қиймат ҳосил қиладиган бозор сегментидир» С.А.Плугатаренко[10] -деган фиклар ҳам бор.

Мамлакатларда электрон бизнес соҳасидаги компанияларнинг фойдаланувчилар сонига ва улар сонининг кўпайишига боғлиқ бўлиб қолади. Бу эса компанияларга сотувдан катта миқдордаги даромад олинишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, рақамли иқтисодиёт - янги иқтисодий муҳит бўлиб, у бизнес учун янги ва жуда катта имкониятлар яратиб беради. Рақамли иқтисодиёт шароитларида рақобат курашининг тузилиши ва ҳарактери ҳам буткул ўзгариб кетади. Аниқ ва равшан қилиб таъкидлаш мумкинки, рақамли иқтисодиёт ва электрон тижоратнинг янги технологиялари таъсирида бизнес-моделлар ҳам ўзгариб кетади.

Рақамли иқтисодиёт тезкор бизнес-аналитика таҳлили асосида бизнес учун янги ғоялар қидириш ҳамда мижозлар билан тескари алоқани амалга ошириш имкониятини яратиб берди. Бу эса потенциал мижозларнинг инновацион кутишларига нисбатан реактив равишда таъсир қилиш имконини яратди. Бундай ишлар натижасида Google, Yandex каби сервислар ҳосил бўлди. Ҳозирги вақтда анчагина оммавий бўлиб кетаётган уй-офисларда ишлаш имконияти, яъни, рақамли иқтисодиёт кўпчиликни уйдан кетмаган холда, компания, фирма ёки ташкилотларда тўлақонли ишлаш имконини яратади. Кўплаб ривожланган мамлакатлар, рўй бериши лозим бўлган ўзгаришлар муқаррарлигини тўла тушуниб, иқтисодиётни рақамлаштириш томон жадал ҳаракатни онгли равишда бошламоқдалар. Бу йўналишни биринчилардан бўлиб маълум қилган АҚШ, Япония, Корея ва Хитой бугунги кунда рақамли пойгада норасмий етакчилар саналади. Уларнинг кейинги ўринларда Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Австралия, ва бошқалар туради (2-Расм).



2-расм. 2019 йилда инновация сифати кўрсаткичлари бщйича юқори ва ўрта даромадли энг яхши 10 та давлатлар иқтисодиёти,[11].

Кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиёт деганда, кўплаб мамлакатлар иқтисодий муносабатлар ва бошқарувнинг янги шаклларни эмас, балки, истеъмолчилар билан коммуникация қилиш ва тўловларнинг янги электрон рақамли шаклларини тушунади, ҳолос. Кўпчилик мамлакатлар рақамли иқтисодиётни онгли равишда ташкил этмайди, балки мавжуд иқтисодий муносабатларни рақамлаштириш жараёни билан шуғулланади, холос[12]. Бу фаолият, эскирганлик даражаси яққол кўзга ташланиб турганига қарамай, рақамли иқтисодиёт тузишнинг мақсадли йўналтирилган жараёни ҳисобланмайди. Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнининг баъзи етакчи мамлакатлари эса қарама-қарши ёндашувлар танлаб олган. Масалан, АҚШ бозор йўналишини, Хитой эса режали иқтисодиётни танлаб олган[13]. Қолган мамлакатлар маълум бир оралиқ вариантларга риоя қилишади. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, Хитой каби, АҚШ дастури нуқтаи-назаридан ҳам иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида биз глобаллашувнинг янги босқичини кўрамиз. Дунёдаги энг кучли иккита иқтисодиёт сифатида АҚШ ва Хитой учун глобаллашув фойдали, чунки иқтисодий жиҳатдан кучлироқ бўлган ўйинчи доимо ўз устунлигини намойиш этиш имкониятига эга бўлади. Агар бу соҳадаги АҚШнинг стратегиясини батафсилроқ кўриб чиқадиган бўлсак, рақамли иқтисодиётни ташкил қилиш жараёнини тўрт асосий блокка ажратиш мумкинлиги маълум бўлиб қолади[14]:

- рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шарт-шароитларини яратиш (яъни, норматив- ҳуқуқий база ташкил қилиш);
- бу соҳага трансформация қилинишга энг тайёр иқтисодиёт субъектларида рақамли иқтисодиёт платформаларининг вужудга келиши ва глобал миқёсда ишга тушуши;
- рақамли иқтисодиёт платформаларнинг ўзаро рақобат кураши ва уларнинг аста-секинлик билан интеграциялашуви амалга ошиши;
- рақамли иқтисодиёт соҳасидаги энг перспектив ечимларни бутун иқтисодиётга жорий қилиш.

Хулоса қиладиган бўлсак, хар қандай мамлакат ўз тажрибасида рақамли иқтисодиётни жарий қилиш мамлакатларнинг иқтисодиётни

ривожлантиришнинг асоси эканлигиа амалий ишонч ҳосил қилишмоқда. Бу соҳада мамлакатмизда ривожланган малакатларда синовдан ўтган йўлини ва стратегиясини танлаганимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўз навбатида иқтисодиётнинг барча тармоқларида, шунингдек акциядорлик тижорат банклари фаолиятига инновацион ишланмалар тариқасида кириб келиши керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4022-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.
3. https://www.statista.com/statistics/272014/global-social-networks-ranked-by-number-of-users/.
4. https://ec.europa.eu/eurostat/ststics-explained/
5. Викулов В.С. Инновационная деятельность кредитных организаций // Менеджмент в России и за рубежом.– 2001. – № 1.
6. Калужский М. Л. Маркетинговые сети в электронной коммерции: институциональный подход, монография, 2015 год, 388 с
7. Черновалов А.В. и другие. Цифровое будущее или экономика счастья? Издательско-торговая корпорация "Дашков и К.” 2018 г.
8. Negroponte N. Being Digital / N. Negroponte. - NY: Knopf, 1995. - 256 p.
9. *Билл Гейтс, “П*андемиядан қутулиш ва «нормал ҳаётга қайтиш»*нинг* асосий шарти – дунё аҳолисини COVID-19'га қарши кураш” мақоласи. 12 окт. 2020 й. 3 бет.
10. Плуготаренко С.А. Развитие цифровой экономики может стать мощным драйверов для выхода страны из кризиса. https://tass.ru
11. https://www.globalinnovationindex.org/userfiles/file/reportpdf/gii-full-report-2019.pdf
12. Аюпов Р.Х. ва бошкалар. Электрон тижорат асослари. ipcenter.uz, 2020, Гувохнома №001896.
13. Кузнецов Н.И., Уколова Н.В., Монахов С.В., Шиханова Ю.А., Санникова М.О. Тенденции развития цифровой экономики современной россии. Статья в сборнике трудов конференции, 2018. - С: 137-139.
14. Mesenbourg Thomas Measuring the Digital Economy (UA Bureau of the Census), 2001;

Хасанов А.И. *- ОБМ тингловчиси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ДАВРИДА АКТ НИНГ ЎРНИ

Маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад – ихчам ва профессионал ижро органлари тизимини, замонавий менежментга асосланган бошқарувс тизимини яратишдан иборатдир. Ана шу мақсадларга эришишда замонавий ахборот технологиялари ҳал қилувчи аҳамият касб этишини таъкидлаган ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилган тарихий ислоҳотлар самарадорлиги, аввало, барча соҳага замонавий АКТ ни жорий этиш борасида олиб борилаётган сиёсатимиз билан узвий боғлиқлигини эътибордан чиқармаган ҳолда ўрганишимиз зарур. Албатта ахборотлаштириш ва иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнларидан кенг фойдаланишда ахборот технологияларини ривожлантириш масалалари ахборот хавфсизлигининг юқори технологик тизимини шакллантириш билан чамбарчас боғлаган ҳолда мониторинг олиб бориш талаб этади.

Ҳозирги давримиз дунёнинг етакчи мамлакатлари “Тўртинчи саноат инқилоби”, “Ақлли иқтисодиёт”, “Инновацион иқтисодиёт”га ўтаётгани билан характерланади. Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотнинг 4-5 фоизини таъминламоқда, жаҳондаги савдо алоқаларининг 15 фоиздан кўпроғи унинг хиссасига тўғри келмоқда. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида электрон хукуматни янада ривожлантириш муҳим вазифа хисобланади. Бунда мамлакат миқёсида сифатли ва талаб юқори бўлган электрон давлат хизматларини янада кенгайтириш, босқичма-босқич барча давлат хизматларини рақамли шаклга ўтказиш, шу жумладан кўрсатилаётган автоматлаштирилган хизматлар улушини 2030 йилга қадар 90 фоизга етказиш муҳим ўрин тутади.

“Рақамли Ўзбекистон -2030” стратегиясини амалга ошириш, IT – тадбиркорликни ривожлантириш, IT – парклар фаолиятини такомиллаштириш, IT – мутахассисларларни тайёрлаш, замонавий телекоммуникация инфратузилмасини яратишда, бир сўз билан айтганда мамлакат иқтисодиётини рақамлаштиришда халқаро компаниялар ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга эришиш.

Мамлакатимиз томонидан жаҳон ҳамжамиятига ахборот жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида таклиф этилаётган чора-тадбирлар миллий амалиётимиз натижадорлигига асосланганлиги билан аҳамиятлидир. Тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз рақамлаштириш, ахборотлаштириш ҳамда рақамли иқтисодиёт соҳасида минтақада етакчилик даражасига чиқиб олди.

Йирик халқаро корхоналарнинг марказлари билан ҳамкорликда рақамлаштириш йўналишидаги фаолиятда инсон капиталини ривожлантириш,

шу жумладан, IT-соҳасидаги касбларни оммалаштириш, IT-корхоналар учун институционал шарт-шароитларни яхшилаш зарур.

Ўз навбатида бу йўналишдаги амалга оширган ишларимиз буту мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш, ахборот технологиялари соҳасида инвестициялар самарадорлигини оширишга ҳамда аҳолининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиради.

Шасаидов Б. *– ОБМ тингловчи*

АҲОЛИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Мамлакатда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда ва модернизация қилинмоқда, бу аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш имконини беради.

Давлат хизматлари кўрса

тишни, шу жумладан реал вақт режимида масофадан мониторинг қилиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали назорат қилиш ва сифатини баҳолашнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилган омиллар аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, уларни кўрсатиш билан боғлиқ вақт ва молиявий харажатларни камайтириш, аҳолининг давлат органлари фаолиятидан қаноатланганлик даражасини ошириш имконини бермайди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисобланади:

- Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш орқали «***Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак***» деган улуғвор ғояни сўзсиз амалга ошириш;
- Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга «ягона дарча» тамойили бўйича хизматларни тақдим қилувчи Давлат хизматлари марказларига ўзгартириш;
- Давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича «***Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади***» тамойилига кўра давлат хизматлари кўрсатиш механизмини,

энг аввало, ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобига соддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентларни тасдиқлаш;

- Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига инновацион ечимлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларини идоралараро электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилиш, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

- Давлат хизматларини, шу жумладан олис жойларга чиқиш орқали («мобиль давлат хизматлари») кўрсатишнинг мақбул, қулай ва шаффоф услубларидан, мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзага келишини бартараф этишга қаратилган навбатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва ишларнинг узайтирилган графигидан фойдаланиш;

- Давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илғор механизмларини жорий этиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизимини, шу жумладан тезкор алоқаларни, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловаларда он-лайн сўровларни ташкил қилиш;

- Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тизимли тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг етакчи ихтисослашган муассасаларида стажировка ўташ орқали тизимли равишда оширишни ташкил этиш.

Ташкил этилганига кўп бўлмаган Давлат хизматлари агентлиги томонидан қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Давлат хизматлари марказлари орқали фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар сони 14 та давлат хизматлари тури жорий қилинди, 5 та давлат хизмати оптималлаштрилди, ҳозирда давлат хизматлари турлари сони 157 тани ташкил қилмоқда. Жорий йилда Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини **200 тага** етказиш режалаштирилмоқда**.** Жисмоний ва юридик шахсларга январь – ноябрь ойларида **6.7 миллиондан ортиқ** давлат хизматлари кўрсатилди. *(ҳозирга қадар аҳолига қарийб **38.2 миллиондан ортиқ** давлат хизматлари кўрсатилган)*

Аҳолига соддалаштирилган давлат хизматларини кўрсатиш тизимини кенгайтириш, бу борада бюрократия ва сансалорлик ҳолатларини бартараф этиш давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизимининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ 14 та маъмурий регламентлар ва низомлар Ҳукумат қарори билан тасдиқланиб, уларнинг сони 100 дан ошди.

ПФ-6191 Фармонга мувофиқ, қонун ҳужжатларида белгиланган 18 турдаги маълумот ва ҳужжатларни аҳоли ҳамда тадбиркорлардан талаб

қилиниши бекор қилинди. Ваколатли давлат органларининг электрон тизимлари “Электрон ҳукумат” платформасига интеграция қилинди. Эндиликда ушбу ҳужжатлар фақат электрон дастур орқали олинади.
Маълумот учун, бунинг натижасида йилиги ўртача 2 млн.га яқин фуқаронинг оворагарчилигига чек қўйилди ва уларнинг қарийб 20 млрд сўмдан ортиқ маблағлари тежалади.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасини ривожланиши тўғридан тўғри аҳоли фаровонлиги ошиши узвий боғликдир. Аҳолининг вақти, маблағлари, давлат идораларига бўлган ишончини ортишига, эртанги кунига иноништи, бир тану бир жой бўлиб мамлакат ривожига ўз ҳиссасини кўшиш каби улуғ мақсадлар сари шаҳтам қадам ташлаш демакдир.

Юлдашев Х.Х. *-ОБМ тингловчиси*
Хакимов Т.А. *- ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РОЛИНИ ОШИРИШ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ГУРУҲ ФАОЛИЯТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, ҳудудларда давлат хизматларини ривожлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда рақамли технологияларни қўллаш асосида коррупция ҳамда “яширин иқтисодиёт”га барҳам бериш, ёшларни ахборот технологияларига қизиқтириш орқали соҳадаги кадрлар захирасини шакллантириш, Республика рақамли индустриясини жадал ривожлантиришнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Маълумки, бугунги кунда Давлат раҳбари ва ҳукумат томонидан ҳудудларни рақамлаштириш ва давлат хизматларини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилиб, кўплаб Фармон, қарор, давлат дастурлари, йўл хариталар тасдиқланмоқда.

Мазкур йўл хариталарида вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳам катта мажбурият ва вазифалар юклатилмоқда.

Вилоят ҳокимликларида рақамлаштириш масалаларига масъул этиб молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича Котибияти белгиланган, аммо, мазкур Котибиятда иш ҳажмининг кўплиги, ходимлар сони етишмаслиги (2та мутахассис штат бирлиги мавжуд), Котибият ходимларининг аксарият қисми иқтисодчи ҳисобланиши, ахборот технологиялари мутахассислари етарли эмаслиги ҳокимликда айнан рақамлаштириш ва давлат хизматларини ривожлантиришга масъул алоҳида гуруҳни ташкил этишни тақозо этмоқда.

Мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни ва ҳудудларнинг телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, электрон ҳукумат ҳамда электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман, шаҳар ҳокимликларида рақамлаштириш ва давлат хизматларини ривожлантириш масалалари бўйича гуруҳини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маълумот учун: *мазкур тажриба хорижий илғор мамалакатларда (шаҳарларда), ҳусусан, Рассиянинг Москва шаҳри, АҚШнинг Мэриленд (Maryland) штатида, Ҳиндистон ва бошқа давлатларда жорий этилган.*

Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларининг рақамлаштириш ва давлат хизматларини ривожлантириш масалалари бўйича гуруҳининг (кейинги ўринларда - Гуруҳ) асосий вазифаси этиб қўйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

1. Соҳага оид Президент Фармонлари, қарорлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, тасдиқланган давлат дастурлари, йўл хариталари ва бошқа ҳужжатларни ижросини Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда назорат қилиб бориш;
2. Соҳадаги корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни ҳудудий давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш.
3. Ҳудудлардаги давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ очиқ ва шаффоф тарзда амалга оширилаётганлигини мувофиқлаштириб бориш;
4. Мавжуд муаммоларни вилоят ва лозим ҳолларда Республика даражасига кўтариш.

Бунда, вилоят даражасида ҳал этилиши мумкин бўлган муаммоларни, вилоят ҳокимларини ҳабардор қилган ҳолда ҳокимият йиғилишлари кун тартибларига киритиб бориш ҳамда тегишли топшириқларни тайёрлаш.

Республика даражасида ҳал этилиши керак бўлган муаммоларни таҳлил қилган ҳолда, ваколатли органлар иштирокида кўриб чиқиб, лозим ҳолларда вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимига таклиф киритиш.

Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан маъқулланган таклифни белгиланган тартибда Республика вазирлик ва идораларига киритилиши чораларини кўриш.

5. Гуруҳ ҳудудий ташкилотлар раҳбарларининг рақамлаштириш ва давлат хизматларини ривожлантириш бўйича фаолияти тўғрисидаги

ахборотни ҳар чоракда тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларида муҳокама қилиш учун киритиш чораларини кўради ҳамда ушбу ахборот бўйича масъул ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади.

Шу ўринда, тасдиқланган давлат дастурлари ва йўл хариталарини амалга ошириш учун зарур бўлаётган маблағларни маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратиш масалаларини халқ депутатлари Кенгаши мажлислари кун тартибларига киритади;

6. Электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизими, уларнинг шаффофлиги ва очиқлиги, шунингдек, телекоммуникация инфратузилмасининг ривожланишида илғор мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш ва жорий этиш бўйича тизимли иш олиб бориб, белгиланган тартибда ҳукуматга таклифлар киритиб бориш;

7. Ахборот технологияларининг ўқитилишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, меҳнат бозорининг малакали IT-мутахассисларга бўлган талабини қондириш юзасидан таклифлар тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш;

8. Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими IT-технологиялар ривожланишининг тезкор суръатларини ҳисобга олган ҳолда, ёшларга таълим беришнинг илғор услубларини жорий этиш учун хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари билан самарали мулоқотни ташкил қилиш;

Бунда асосий эътиборни қўйидагиларга каратиш мақсадга мувофиқ

1. Умумтаълим мактабларига "coding" яъни код ёзишни ўратишга мўлжалланган дарсликларни *(Ўзбек ва рус тилларига таржима қилган ҳолда)* киритиш.

2. Умумтаълим мактабларининг энг кичик синфларидан бошлаб “fast typing” клавиатурада тез (қарамасдан) ёзиш усулини ўргатиш *(Корейслар жуда тез ёзадилар, уларда бола мактабга чиқиши билан клавиатурада “fast typing” усулида ишлаш ўргатилади).*

3. Чет эл университетлари билан ҳамкорликда "boot camp" лагерларини ташкил этиш.

"Boot Camp" бу – ёшларга дастурлашни ўргатадиган интенсив 3, 6, 9 ойлик лагерлардир. Мазкур тажриба АҚШ, Малайзия, Испания, Корея давлатларида жорий этилган.

4. Ўзбекистонда "silikon" водийсини (Силиконовая долина - Кремниевая долина) барпо этиш.

Силикон водийси – юқори технологиялар зонаси, электрон ва компьютер саноати объектлари, илмий-тадқиқот ва таълим марказлари, юқори даражадаги IT-мутахассислари жамланган маълум бир ҳудуд.

Маълумот учун: *АҚШда “silicon valley” - Силикон водийси яратилган ва унда барча технологик гигант компаниялар (Microsoft, Apple, Google ва бошқалар)нинг бош офислари йиғилган бўлиб, дастурчилар “ватани” ҳисобланади.*

Ҳозирда Жанубий Кореянинг “Degu” шаҳрида ҳам силикон водийсини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

5. Юқори тезликдаги Интернет мамлакат иқтисоди ўсишига катта ҳисса қўшишини инобатга олиб, ҳудудларда Интернет тезлигини кўтаришга қаратилган аниқ чораларни кўриш;

Маълумот учун: *Жахон банки ва Глобал ахборот–коммуникация технологиялари бошқармасининг тадқиқотларига кўра интернет тезлигининг ҳар 10 фоизга ошиши давлат иқтисодиётинг 1,3 фоизга ортишига олиб келиши ҳисобланган (интернетдан олинган манба).*

Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонунга мувофиқ вилоят, туман (шаҳар) ҳокимларининг рақамлаштириш ва давлат хизматларини ривожлантириш масалалари бўйича гуруҳларига қўйидаги соҳа корхоналарини фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ваколати берилиши мақсадга мувофиқ:

1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг худудий бошқармаси.
2. “Ўзтелеком” АКнинг ҳудудий филиали.
3. “Ўзбекистон Почтаси” АЖнинг ҳудудий филиали.
4. Ҳудуддаги Давлат хизматлари марказлари.
5. Ҳудудларда фаолият олиб борувчи мобил алоқа компаниялари.
6. Ахборотлаштириш фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар.
7. Ҳудуддаги IT-соҳасида таълим берувчи субъектлар.
8. Бошқа ташкилот ва идоралар.

Шу ўринда, Ўзкомназорат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширувчи махсус мақомга эга ваколатли давлат органи ҳисобланишини инобатга олиб, Ўзкомназоратнинг ҳудудий инспекцияларининг мустақил ва холис фаолият кўрсатиши учун улар билан Гуруҳ фақатгина ҳамкорликда иш олиб боришини белгилаш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларининг рақамлаштириш ва давлат хизматларини ривожлантириш масалалари бўйича Гуруҳининг жорий этилиши ҳудудларда рақамлаштириш ва давлат хизматларини ривожи учун катта имкониятлар яратади.

Жумладан, алоқа, ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналарни бошқа давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда;

Мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш орқали зарурий чораларни вилоят миқёсида кўриш ҳамда лозим ҳолларда муаммоларни республика даражасига кўтаришда;

Рақамлаштириш ва давлат хизматлари соҳаларида аниқ ҳолатларни мунтазам равишда вилоят ҳокими, халк депутатлари вилоят Кенгашига маълум қилиб борилиши ва юзага келаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этилишига олиб келади;

Хорижий тажрибани тезкорлик билан олиб келиниши таъминланади;

Лойиҳаларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағлар ажратилиши тартиблари соддалаштирилади.

Яшириш иқтисодиётнинг рўлини камайтиришга эришилади.

II-ШЎЪБА. КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРДА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Астанакулов Ф. А. *– ОБМ тингловчиси*

UZAUTO MOTORS АЖДА S/4HANA (ERP ТИЗИМИ)НИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Корхона ресурсларини режалаштириш (ERP) - компанияларга ўз операцияларини назорат қилиш, қарорлар қабул қилиш ва турли стратегияларни амалга ошириш имконини берувчи дастурий таъминотдир. ERP нафақат маълумот тўплаш имконини беради, балки маълумотларни таҳлил қилишни ҳам қўллаб-қувватлайди, бу эса ўз навбатида компания фаолиятини такомиллаштиради. Бугунги глобаллашган дунёда кўплаб ERP иловалари мавжуд ва бугунги кунда “Тизим иловалари ва маълумотларни қайта ишлашда” (САП) кенг қўлланилади. Тадқиқот мақсади Uz Auto Motors АЖда САП тизимини жорий қилиш ва компанияда САП дан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганишдир. Бундан ташқари, Видяраня Б. Гаргея (Бизнес жараёнларини бошқариш журналидаги мақола, 2005 йил октабр) томонидан " ERP тизимини жорий этишда САПни қўллашнинг муваффақияти ва муваффақиятсизлик омиллари" ва "Маълумотларни қайта ишлашда тизимни қўллаш ва маҳсулотни жорий қилиш ҳолати" номли иккита тадқиқот иши мавжуд.

САП - бу ташкилот учун ЭРП дастурий таъминотини этказиб берувчи таниқли немис компанияси. Компания 1972 йилда ИБМнинг собиқ ходимлари (Клаус Веленройтер, Хас-Вернер Хектор, Клаус Чира, Дитмар Хопп ва Ҳассо Платтнер) томонидан Вайнхайм шаҳрида ташкил этилган. САП - бу компания фаолиятини яхшилашда фойдаланиладиган режалаштириш, сотиб олиш, таъминот занжири, сотиш ва тарқатиш, инсон ресурслари, ва молия тизимидир. Бундан ташқари, САП- компаниянинг бизнес жараёнларини яхшилашда, операциялар, бизнес рисклари, молиявий бошқарув ва бошқаларда фойдаланилади. САП компаниянинг операцион жараёнларини автоматлаштириш ва янгилашга ёрдам беради. Ҳозирги кунда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида САП дастурлари қўлланилади.

САП С/4 ҲАНА — 2015-йилда ишга туширилган САП’нинг энг янги авлод тизимидир. У мижозларга тезкор таҳлилий жараёнлар, тезкор маълумотларни олиш, кичикроқ маълумотлар ҳажми, булутли технологияларнинг юқори ўтказувчанлиги, маҳаллий ва гибрид жойлаштириш имкониятларини таклиф этади. САП С/4 ҲАНА - бу САП ҲАНА маълумотлар базасига асосланган замонавий ЭРП. Симпле-дан "С" ва "4" САПнинг тўртинчи авлодини англатади. С/4 ҲАНА - бу САП ҲАНА хотирасида ишлайдиган ва соддалаштирилган маълумотлар моделидан фойдаланадиган ақллий интеграцияланган ЭРП тизими. Ечим реал вақт режимида маълумотларни таҳлил қилиш ва прогноз қилиш имконини беради, бу эса

бизнес қарорлари бўйича тезкор маьлумотларга йўл очади. “Хотирада” технологияси туфайли С/4 ҲАНА барча версияларидан тезроқ ва тизимнинг янги тезлиги билан бизнес жараёнида мослашувчанликни яратади.

Ушбу тадқиқот иши икки қисмга бўлинган: биринчидан, Uz Auto Motors АЖда САП С/4 ҲАНА тизимини жорий этиш (натижалар ва муаммоларни ўз ичига олган ҳолда) ва иккинчидан иккита тадқиқот ишини кўриб чиқиш.

UzAuto Motors компанияси ҳақида.

“ UzAuto Motors ” АЖ Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги ягона ва етакчи автомобил ишлаб чиқарувчи завод ҳисобланади. Компания 1996-йилда Ўзбекистон ҳукумати (50%) ва Жанубий Корея (50%) ўртасида ташкил этилган ва дастлаб Уз-Даеввоо Ауто номи билан танилган. 2005 йилда Кореянинг Даеввоо корпорациялари банкрот бўлганидан сўнг Ўзбекистон "Ўз-Автосаноат" АК кореялик ҳамкоридан компаниянинг 50% улушини олди ва расман Uz-Daewoo компаниясининг 100% улушига эга бўлди. Бироқ, транзакциянинг салбий томони кўпроқ эди, чунки компания ёш эди ва Форд, Тоёта, Мерседес-Бенз ва Ҳюндай каби йирик рақобатдош автомобил ишлаб чиқарувчилар билан рақобатлаша олмади. Уз-Дейвуу автомобили келажаги учун жаҳон даражасидаги автомобилларни ишлаб чиқариш ва халқаро миқёсда рақобатлашиш учун кучли бизнес шерикларини топиши керак эди.

2008 йилда “Ўз-автосаноат” аксиядорлик жамияти дунёдаги иккинчи йирик автомобил ишлаб чиқарувчиси Американинг Генерал Моторс Сомпани билан Чевролет бренди остидаги автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича янги шартнома тузди. Генерал Моторс компаниянинг 25% акцияларини қўлга киритди ва "Ўз-Автосаноат" ССнинг янги стратегик ҳамкорига айланди. Шундан сўнг компания номи GM Ўбекистанга ўзгартирилди

Бироқ, 2017-йилда Ўзбекистон АК “Ўз-автосаноат” яна Генерал Моторс’дан 25 фоиз аксияларни қайта сотиб олди ва расман 100 фоиз GM Ўбекистаннинг эгасига айланди. 2019-йилда компания номи UzAuto Motors АЖ деб ўзгартирилди.

Асосчиси	Ўз автосаноат- 100%
Ходимлар	11000 дан кўп
CKD ишлаб чиқариш	
Асака заводи	Ишлаб чиқариш бошланган: 1996
Жойлашув	Асака шахар,Андижон вилояти
Умумий майдони	720,000 m²
Биноларнинг умумий майдони	200,000 m²
Ишлаб чиқариш қуввати	Йилиги 300,000 автомобил
SKD ишлаб чиқариш	
Тошкент заводи	Ишлаб чиқариш бошлқанган: 2008
Жойлашуви	Тошкент шахри, Тошкент вилояти
Умумий майдони	7506 m²
Биноларнинг умумий майдони	2016 m²
Ишлаб чиқариш қуввати	Йилига 50,000 автомобил
CKD va SKD ишлаб чиқариш	

Хоразм заводи	Ишлаб чиқариш бошланган: 2013
Жойлашуви	Питнак шахри, Хоразм вилояти
Умумий майдони	401,000 m²
Биноларнинг умумий майдони	30000 m²
Ишлаб чиқариш қуввати	Йилига 70,000 автомобил

“ UzAuto Motors ” АЖда САП С/4 ҲАНА-ни жорий этиш.

UzAuto Motors компаниясининг 100% аксияларини қўлга киритгач, янги муаммоларга дуч келди ва раҳбарият ўтмишдаги бизнес билан шуғилланиш унчалик фойдали эмаслигини тушунди. GM Ўзбекистан томонидан 1996 йилда жорий этилган. ҲП компанияси томонидан ишлаб чиқилган МГО тизими GM таъминот занжири операцияларини қўллаб-қувватлаш учун жавобгар эди. Тизим GM учун ишлаб чиқилган умумий материалларни бошқариш тизими бўлиб, GM йиғиш заводлари ва марказий офисларини қўллаб-қувватлайдиган тизим хисобланади.

UzAuto Motors компанияси САП С/4 ҲАНА ни ишга туширишини эълон қилди ва Беларуснинг ЛеверХ компанияси билан шартнома тузди. Бошланиш йиғилиши 2018 йилнинг охири бўлиб, лойиҳа 2019 йилда бошланишини эълон қилди. Лойиҳа ҳақида умумий маълумот қуйидагича тақдим этилди.

Лойиҳа мақсади:

- компания раҳбариятини операцион ва стратегик даражада ўз вақтида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун самарали восита билан таъминлаш.
- Ягона ахборот тизимини яратиш ва САП ечими асосида маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишнинг самарали тизимини яратиш орқали “ UzAuto Motors” АЖ таркибидаги корхоналарнинг жараёнлари самарадорлигини ошириш.
- Саноат корхоналарини ягона занжирга бирлаштириш: етказиб берувчилар- йиғиш линияси - дилерлар.
- ишлаб чиқариш ва мижозлар эҳтиёжини қондириш учун компаниянинг стратегик мақсадларини қўллаб-қувватлаш.
- тартибга солиш, бошқарув ва молиявий ҳисоботлар самарадорлигини ошириш.
- маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш, инсон омилларининг таъсирини минималлаштириш
- Бизнес жараёнларини стандартлаштириш, илғор амалиёт моделидан фойдаланиш

Роллари	Тавсиф
Лойиҳа инвестори	- Асосий жиҳатларини якунлаш, лойиҳа кўламини тасдиқлаш ва компаниянинг барча даражасидаги муаммоларни ҳал қилиш - Лойиҳани илгари суриш, компания доирасида САП С/4 ҲАНА асосидаги ахборот тизимини яратиш - Лойиҳанинг якуний бюджетини тасдиқлаш
Менежмент (етакчилик)	- Лойиҳа жамоасини яратиш ва лойиҳанинг устувор вазифаларини аниқлаш (САП С/4 ҲАНАни амалга ошириш) - Лойиҳанинг ташкилий ва функционал асосларини аниқлаш - Лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлаш ва инсон ресурсларини тақсимлаш (агар керак бўлса) - Лойиҳа ва ташкилий тадбирларнинг боришини назорат қилиш

	- Ташкилий ўзгаришлар доирасида қарор қабул қилиш - Лойиҳа доирасидаги ўзгаришларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
Функционал гуруҳ	- Компаниянинг жорий бизнес жараёнларининг батафсил тавсифини шакллантириш - Компаниянинг келажакдаги бизнес жараёнларининг якуний моделини шакллантириш - Лойиҳа ечимини тайёрлаш - Дастурни ишлаб чиқиш учун техник топшириқларни тайёрлаш - Қўшимча функсионаллик ва интеграция ечимини ишлаб чиқиш - Жамоанинг ҳар бир аьзоси (иштирокчилари) учун иш жойи концепцияси ва кўрсатмаларини яратиш - Тест тизими - Асосий ва транзаксия маьлумотларини тайёрлаш - Тизим фойдаланувчиларини тайёрлаш - Фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлаш

Кутилаётган натижалар:

- Таьминот ва этказиб бериш самарадорлигини ошириш, инвентаризацияни "Ўз вақтида" тамойили орқали бошқариш
- Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш
- Инвентаризация ҳажмининг қисқариши
- Хизмат сифатини ошириш, мижозлар эҳтиёжини қондириш ва техник ёрдам
- Омбор майдонларининг қисқариши
- HR бошқарувини оптималлаштириш

Ушбу тадқиқот мақоласида UzAuto Motors да САП С/4 ҲАНА тизимини жорий этиш муҳокама қилинди ва юқоридаги маълумотларга кўра, муваффақиятлар ҳам, муаммолар ҳам бор эди. САП С/4 ҲАНА тизимини татбиқ этиш компания учун қийин лойиҳалардан бири эди ва юқорида айтиб ўтганимдек, муваффақиятга эришиш осон бўлмади. Тадқиқот мақолаларига асосланиб, биз САП тизимини жорий этиш учун қуйидаги муваффақият омилларини таклиф қиламиз: Бизнес-режа ва қараш, Тўғри ҳамкорларни танлаш, Лойиҳа бошқаруви жамоаси, Топ-менежментни қўллаб-қувватлаш, Самарали мулоқот, Натижаларни мониторинг қилиш ва баҳолаш, мотивация ва жазолаш механизми.

Ҳозирги тадқиқот ўз чекловларига эга. Бунинг сабаби шундаки, маьлумотларнинг аксарияти махфийдир ва муваффақияцизлик омиллари ҳақида хабар берилмаган. Ҳозирда компанияда САП С/4 ҲАНА тизими қўлланилмоқда ва иштирокчилар (UzAuto Motors АЖ ва LeverX) тугалланмаган модулларни (масалан, HR модули ва бошқалар) бажариш учун янги шартнома тузишни режалаштирмоқда.

Астанакулов О. Т. *- Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти, и.ф.д.*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатда инвестицион фаолликни ошириш, саноат корхоналар фаолиятининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, юқори истеъмол характерига эга бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш жараёнлари устувор аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида иқтисодиёт тармоқларида инвестицияларни иқтисодий тараққиётдаги ролини комплекс баҳолаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси қуйидагича тўхталиб ўтган эди: «...Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди”[1].

Шундай экан, иқтисодиётда инвестицион фаолликни ошириш жараёни, саноат корхоналарнинг стратегик мақсад ва вазифаларини тўғри шакллантириш орқали намоён бўлади. Инвестицион фаолликни оширишга йўналтирилган қатор тадқиқотларда саноат ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш муҳим характер касб этади. Бунда корхоналарнинг моддий-техник базасини модернизациялаш қилиш, инновацион турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, инвестицион омиллар интеграцияси ҳисобига бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган ўртача сарф-харажатлар ҳажмини пасайтириш билан боғлиқ қатор жараёнлар тадқиқот ишининг предмети сифатида хизмат қилмоқда. Аммо, саноат корхоналарида инвестицион фаолликни оширишнинг шарт-шароитлари ва омилларини инвестицион жозибадорликни инвестицион фаолликни таъминлашга таъсири, саноат корхонларида инвестицион лойиҳаларни шакллантириш муаммоларини бартараф этишга таъсири билан боғлиқ каби омилларнинг инвестициялар самарадорлигини оширишга бевосита таъсири каби долзарб масалалар ўз илмий ечимини топмай қолмоқда.

Мамлакат иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, инвестиция муҳитини ривожлантириш, реал амалиётда юзага келаётган муаммоли вазиятларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш мумкин бўлган иқтисодий платформани яратишга эришиш ислоҳотларнинг бош омили бўлиб

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018

қолмоқда.

Жаҳон аренасида юзага келган ва глобал тус олган COVID-19 пандемияси иқтисодий инқирози билан боғлиқ бўлган жараён ўзининг кескин таъсир доирасини ўтказишда давом этмоқда. Мазкур жараённинг исботи сифатида қўйидаги 1-расмда келтирилган дунё бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг сўнгги йиллардаги ҳолатига назар солиш етарлидир. Глобал COVID-19 пандемияси иқтисодий инқирози 2020 ва 2021 йилларда дунё амалиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин пасайишига олиб келиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин пасайиш тенденденциялари 2020 йилда кузатилиб, бу ҳолатнинг 2021 йилда ҳам давом этиши иқтисодчи экпертлар томонидан прогноз қилинмоқда.



1-расм. Дунё бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимиинг 2015-2019 йиллардаги ҳолати таҳлили ва 2020-2022 йиллар бўйича прогноз кўрсаткичлари графиги[1] (трлн. АҚШ долл.)

Мазкур расм маълумотларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2019 йилда 1,54 трлн.АҚШ доллари қийматидан 2020 йил якунига бориб, деярли 40 фоизгача пасайганини кузатишимиз мумкин. Бу эса, 2005 йилдан бери биринчи марта тўғридан-тўғри инвестицияларни 1 трлн. АҚШ долларидан ортиқ миқдорга пасайганини кўрсатмоқда. Иқтисодчилар фикрига кўра, 2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 5 фоиздан 10 фоизга пасайиши прогноз қилинмоқда. Прогноз қилинаётган ўзгариш эса глобал молиявий инқироздан кейинги икки йил давомида содир бўлган даражадан ҳам ёмон бўлиши кутилмоқда. Эътироф этиш керакки, 2009 йилдаги тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқимининг энг паст даражаси (1,2 трлн. АҚШ доллари) ҳам 2020 йилга нисбатан 300 миллиард АҚШ долларига тенг миқдордан кўпроқ бўлган.

Глобал COVID-19 пандемияси натижасида юзага келган инқирозли вазият бутун дунёда узоқ муддатли пасайиш тенденциясининг юзага келишига хизмат қилиши мумкинлиги амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда ҳам эътироф этилмоқда. Мазкур амалга оширилаётган тадқиқотнинг муҳимлик даражасини баҳолаш мақсадида инвестицияларнинг мазмун-моҳиятига

[1] World investment report 2020. International production beyond the pandemic. 2020. UN. p.2. https://unctad.org

алоҳида тўхталиш ҳамда иқтисодиётдаги аҳамиятини асослаш тақозо этилади.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида мамлакат иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, давлатнинг инвестиция муҳитини яратиш, реал амалиётда юзага келаётган муаммоли вазиятларни ўз вақтида аниқлаб бартараф этиш, мумкин бўлган иқтисодий платформани яратишга эришиш ислоҳотларнинг бош омили бўлиб қолмоқда. Бу, ўз навбатида, корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологияси ва методикасини тубдан қайта кўриб чиқишни ҳамда уларни замонавий илмий таҳлил усуллари билан бойитиш заруриятини кун тартибига олиб чиқмоқда.

Умуман олганда, корхона инвестиция сиёсати ҳар қандай шароитда иқтисодий инқироздан чиқиб кетиши учун унинг инновация-инвестиция салоҳиятини таҳлил қилиш заруриятини юзага келтиради (2-расм).



2-расм. Корхонанинг инновация-инвестиция салоҳиятини шакллантириш омиллари[1]

Айнан шундай ёндашув корхонани узоқ муддатли ривожлантириш концепциясидан кўзланган ҳар бир блокка зарур бўлган инвестицияларни жалб этишни назарда тутади. Корхона инвестиция фаолияти таҳлилини олиб боришдан асосий мақсад унинг истиқболда дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини камайтириш ва фойдани максималлаштиришдан иборат. Бу, ўз навбатида, корхонада инновация-инвестиция салоҳиятини аниқлаш имконини ва келажакдаги ривожланиш стратегиясини белгилаб беради.

[1] Муаллифнинг илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

Республикамизда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилишда тўғридан - тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг юқори ўсиш суръатлари асосий омил бўлди. Қуйидаги 3-расмда мамлакатимиз саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришниг ўсиш суръати ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳиссасини кўриш мумкин.



3-расм. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, фоизда[1]

Ўзбекистонда инвестицион фаолликни ошириш йўналишлари бўйича уйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

– мамлакатда инвестиция муҳити ва унинг ривожланиш шарт-шаротлари билан боғлиқ жараёнлар инвестицион фаолликни оширишнинг асосий шарти ҳисобланади. Шу сабабли иқтисодиётда инвестицион фаолликни ошириш йўналишларини ташкилий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

– инвестицион фаолликка асосий таъсир кўрсатувчи асосий омил, инвестиция муҳити ва инвестицион жозибадорлик ҳисобланади. Шу сабабли, бу борада кичик саноат зоналарининг инвестицион фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий асосларини шакллантиришга зарурият ортади. Кичик саноат зоналарининг инвестицион фаолиятини шакллантиришга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда иқтисодиётда инвестицион рискларни кафолатлаш жараёни асосий аҳамият касб этади. Айниқса, бу борада ноаниқликлар ва юқори риск шароитининг мавжудлигиҳи ҳисобга олган ҳолда инвестицион лойиҳаларни шакллантириш орқали инвесторларнинг манфаатларига путр етказмаслик мақсадга мувофиқ.

[1] Ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан амалга оширилган.

Ачилова Ф.К. *–ТАТУ Қарши фил., мустақил тадқиқотчи*

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Бугунги кунда бир қатор давлатларда ҳар бир соҳани рақамлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштириш борасида ҳам самарали ташкил этилган ишларни кўришимиз мумкин. Аҳоли учун қулай имкониятларни яратиш, рақамлаштирилган бошқарув тизимлари ёрдамида соҳа фаолиятини тубдан ўзгартириш, масалаларни тезкор ечимини топиш, керакли хулоса чиқариш ҳамда қарор қабул қилиш механизмлари ишлаб чиқилган ва фойдаланиб келинмоқда.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштириш борасида Россия, АҚШ, Бразилия, Исроил, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Татаристон каби давлатларда амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Маълумки, кўп қаватли уй-жойларни бошқариш ва коммунал соҳанинг бошқа тармоқлари бўйича Татаристоннинг Қозон шаҳрида катта тажриба тўпланган. Қозон шаҳри уй-жой фондининг умумий майдони 32,2 миллион квадрат метрни ташкил этади. Шаҳарда 5,6 мингга яқин кўп қаватли, 49 мингга яқин якка тартибдаги турар-жой ва блокланган уйлар мавжуд. Қозонда кўп қаватли биноларни бошқариш 107 та бошқарув компанияси, 542 та Уй-жой мулкдорлари ширкати, 251 та Уй-жой ва қурилиш кооперативи томонидан амалга оширилади. 52 та уй эгаларининг бевосита бошқаруви остида. Шунингдек, 154 пудратчи бевосита уй-жой фондини сақлаш билан шуғулланади. Қозонда 10 йилдан ортиқ вақт давомида кўп қаватли биноларни капитал таъмирлаш дастурлари амалга оширилмоқда [3].

Қозон уй-жой ва коммунал соҳадаги муаммоларга «тезкор жавоб» тизимини жорий этган дастлабки шаҳарлардан бири. «Очиқ Қозон» портали бир неча йилдан буён шаҳар аҳолисига уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериб келмоқда. Ҳар куни минглаб мурожаатларни қабул қилувчи тизим, бир кеча-кундузда уларни ўрганиш ва ҳал қилишни йўлга қўйган.

Қозонда чиқиндиларни бошқаришнинг тўлиқ циклини яратиш режалаштирилган бўлиб, бу лойиҳа Россияда илк бор амалга ошади. Ушбу кенг кўламли лойиҳани амалга ошириш мақсадида шаҳарнинг қаттиқ чиқиндиларни алоҳида йиғиш бўйича ишлар 2018 йилда бошланган. 97 фоиз уйларда чиқиндиларни алоҳида тўплаш, йиғиш ва бартараф қилиш йирик бошқарув компаниялари томонидан амалга оширилади. Натижада шаҳарда қаттиқ чиқиндиларни чиқиндихоналарга чиқариш ҳажми 30-35 фоизга қисқарди.

Москва шаҳрида “Ақлли шаҳар” лойиҳасини амалга оширишишлари 2018 йилдан бошланган ва 2030 йилгача амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. 2020 йилдаги пандемия шароити рақамлаштириш ишларини тезлаштиришга сабаб бўлган. Ушбу лойиҳада 209 та шаҳар ҳамда 100

минг нафардан зиёд инсонлар иштирок этмоқда. Дастлаб, Москва шаҳрида, кейинчалик Екатеринбург ва Қозон шаҳарларида лойиҳани амалга ошириш ишлари режалаштирилган.

Россиянинг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштириш тажрибасидан кўриш мумкинки, келажакда геоахборот тизимларидан фойдаланишни йўлга қўймоқда. Геоахборот тизимлари ёрдамида ҳудудлар кесимида коммунал хизматлар учун онлайн-тўлов марказлари лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унда истеъмолчилар уй-жой коммунал хизматлари учун барча тўловларни бир ёки икки марта босиш орқали тўлашлари мумкин. Шунингдек, уй-жой коммунал хўжалиги геоахборот тизимларини модернизация қилиш, тизимни фуқаролар учун қулай бўлишига интилмоқда.

Лойиҳа номи	Лойиҳа вазифаси	Лойиҳа тадбиқи
Ақлли шаҳар (Умный город)	Кўп қаватли уйлар бошқарувини рақмлаштириш	Москва, Екатеринбург, Қозон
Уй-жой коммунал хўжалиги геоахборот тизими (ГИС ЖКХ)	Ҳудудлар кесимида коммунал хизматлар учун онлайн-тўловларни амалга ошириш	Москва
Рақамли водоканал (Цифровой водоканал)	Сув ҳажмини, насослар электрэнергия сарфини, фавқулодда вазиятларни аниқлаш	Удмуртия
“РосКвартал” рақамли платформаси	Кўп қаватли уйларни бошқариш, электрон хужжат алмашиш	Россия
Ақлли уй-жой коммунал хўжалиги (Умное ЖКХ)	Ишлаб чиқувчилар ва бошқарув компаниялари учун универсал интеграция платформаси	Россия

1-жадвал. Россия Федерациясида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар.

“Ақлли шаҳар” лойиҳаси ҳам биринчи марта 1999 йил Испанияда Барселона шаҳар мэри томонидан амалга оширилган ва тақдим этилган. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштириш бўйича Испанияда робот хизмати йўлга қўйилган, яъни робот қаерда ахлат борлигини аниқлайди, ҳудудни белгилайди ва хабар беради. Бу тизим интеллектуал бошқариш тизимига асосан ишлаб чиқилган. Ултратовуш сенсорлар ахлат контейнерларига ўрнатилади, улар иш ҳажмини аниқлайди. Тизим бу маълумотларни соатлаб тўплайди ва автоматик равишда чиқиндиларни олиб ташлаш учун ресурсларни самарали сарфлаш имконини берувчи ахлат юк машиналари учун жадвал ва маршрутларни ишлаб чиқаради.

Кўплаб давлатларда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштиришда амалга оширилаётган лойиҳалардан асосий мақсад ақлли ҳисоблагичлар ишлаб чиқиш, ресурслар сарфини мониторинг қилиш, масофадан назорат қилиш, фавқулодда вазиятларда диспетчерлик хизматларини оптималлаштириш, коммунал тўловларни онлайн тўлаш, геоахборот тизимлари ёрдамида ҳудудлар кесимида қарорлар қабул қилиш тизимини яратиш, аҳоли учун қулай имкониятларни яратишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Акоев М. А., Маркусова В. А., Москалева О. В., Писляков В. В. Руководство по наукометрии: индикаторы развития науки и технологии. Монография. Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та; 2014 250 с.
2. Akoev M. A., Markusova V. A., Moskaleva O. V., Pislyakov V. V. The Russian Scientometric Handbook: Indicators of science and technology. Ekaterinburg: Publishing house of Ural University; 2014 250 p. (In Russ.).
3. Куприяновский В. П., Буланча С. А., Кононов В. В., Черных К. Ю., Намнот Д. Е., Добрынин А. П. Умные города как «Столицы» цифровой экономики. International Journal of Open Information Technologies. 2016;2(4):41–52.
4. Kuprijanovskij V. P. et al. Smart Cities as the “capitals” of the digital economy. International Journal of Open Information Technologies. 2016; 2(4):41–52. (In Russ.).
5. Albino V., Berardi U., Dangelico R. M. Smart cities: definitions, dimensions, performance, and initiatives. Journal of Urban Technology. 2015;22(1):3–21.

Астанакулов Ф.А. – *ОБМ тингловчиси*

ТАЪМИНОТ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШДА КОРХОНА РЕСУРСЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ (ЕРП) ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЕТИШ

Глобаллашув туфайли ташкилотларнинг бизнес жараёнлари сезиларли даражада ўзгарди. Ташқи муҳит билан боғланмайдиган компаниялар ичида бир нечта тизимлардан фойдаланиш самарали эмас эди ва бу глобал миқёсда бизнес юритишда тадбиркорлар учун бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. 1990-йиллардан кейин ИТ соҳасида сезиларли ўзгаришлар юз берди ва ЕРП дастурий иловаларини яратиш бизнес жараёнларини ўзгартирди. ЕРП тизими режалаштириш, сотиб олиш, таъминот тизими, сотиш ва тарқатиш, инсон ресурслари ва молия каби функционал бўлимлар ўртасида компания фаолияти самарадорлигини яхшилайдиган ва бир нечта дастурий иловаларни ўз ичига олган ягона тизимга айланди.

Ушбу тадқиқот таклифида муаллиф ЕРП тизимларини муваффақиятли амалга ошириш йўлларини ва унинг таъминот тизимини бошқариш фаолиятига қандай таъсир қилишини ўрганишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, муаллиф Панорама Сонсултинг Гроуп нашрлари асосида жорий ЕРП тенденцияларини солиштиради.

ЕРП тизимлари барча функцияларни битта платформага улаш орқали ташкилотларнинг бизнес жараёнларини ўзгартиради (Баймоут, 2014). Масалан, ЕРП тизими яратилгунга қадар компанияларда якка тартибда қўлланиладиган таъминот тизими, молия, кадрлар ва сотиш каби бир нечта

тизимлар мавжуд эди. ЕРП яратилгандан сўнг, барча тизимлар бирлаштирилди ва ЕРП бу тизимларни улаш учун кўприк бўлди.

Ҳозирги кунда ахборот тизимининг доимий ривожланиши туфайли корхонада ЕРП тизимларини жорий этишнинг долзарблиги ортиб бормоқда. ЕРП тизимларини жорий қилган компаниялар сони ортиб бормоқда ва ЕРП дан фойда кўрган корхоналар сони ҳам кўпаймоқда..

Баймоут (2014) маълумотларига кўра, ЕРП тизимларидан фойдаланиш ёки амалга оширишнинг бир қанча афзалликлари бор:

- Қўшимча инвентаризациядан қочиш. ЕРП тизимидан фойдаланган ҳолда компания ўзининг қўшимча инвентарларини қисқартириши мумкин, бу талабнинг қанчалик аниқ прогноз қилувчи маълумотларга боғлиқ
- Инсон омилини камайтириш. Бизнес жараёнларини автоматлаштириш туфайли сотувчилар ЕРП тизими учун жавобгардир. Ташкилотга мутахассисларни жалб қилиш шарт эмас.
- Компаниянинг эҳтиёжларига кўра, ЕРП тизими мослашувчан ечимни таъминлайди, яъни компаниялар учун мослаштирилган тизимдир.
- Янги инновацион ЕРП тизимини жорий этиш ва интеграция қилиш компанияни рақобатчилар билан рақобатбардош бўлишини таъминлайди.
- Маҳсулотни ўз вақтида етказиб бериш ҳисобига корхоналар мижозлар эҳтиёжини қондириш даражасини оширмоқда.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади ЕРП тизимини жорий етиш усуллари ва унинг таъминот тизими бошқарувига қандай таъсир қилишини ўрганиш ва кўпроқ маълумот олишдир. Адабиётларни таҳлил қилгандан сўнг, муаллиф ЕРП тизимларини жорий этишнинг самарали усулларини ва ССМдаги ЕРП ролини топишга ҳаракат қилади.

Тадқиқот таклифи дедуктив тадқиқот методологиясига асосланган бўлиб, ЕРП тизимини жорий этиш ва ССМда ЕРП нинг роли бўйича мавжуд адабиётлардан хулосалар чиқариш имконини беради. Асосий адабиётлар Гоогле Счолар-да топилган ва ушбу мақола учун ишлатилган. Ҳозирги тадқиқот таклифи икки қисмдан иборат: биринчидан, ЕРП тизимини жорий қилишнинг муваффақиятли йўллари. Иккинчидан, ЕРП тизимларининг ССМга таъсири.

ЕРП тизимларининг тарихи. ЕРП тизими - бу компанияга компания фаолиятини яхшилаш учун маълумотлар базасини яратишга имкон берадиган ва режалаштириш, таъминот тизими, молия, савдо ва инсон ресурслари каби функционал бўлимлар ўртасида фаолиятни бирлаштирадиган интеграцияланган иловалар тўпламидир (Давенпорт, 1998). Юсуф ва Литтле (1998) маълумотларига кўра, ЕРП тизимларининг тарихи 1960-йилларда бошланган ва ўша пайтда тизим функцияси фақат инвентаризацияни бошқариш эди. Кейин 1970-йилларда инвентаризацияни режалаштириш ва режалаштиришни яхшилаш учун Материалс Рекуиред Планнинг (МРП) ишлаб чиқилган (Клаус ва бошқ., 2000). 1980-йилларда оптималлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнлари ва кўплаб компаниялар ва ишлаб чиқарувчилар тизимдан

фойдаланишни бошладилар. Тизим ишлаб чиқариш ресурсларини режалаштириш (МРП ИИ) деб ўзгартирилди ва молия, инсон ресурслари ва лойиҳаларни бошқариш каби функционал соҳалар ёки модулларни ўз ичига олди. МсСуе (2020) таъкидлашича, биринчи ЕРП тизими 1990-йилларда ишга туширилган. Бирлаштирилган бизнес жараёнлари ёки модуллари: молия, кадрлар, ишлаб чиқариш, сотиш, транспорт, лойиҳалар ва инвентарларни бошқариш, бухгалтерия ҳисоби ва тарқатиш каби жараёнларни ўз ичига олган. 2000-йиллардан сўнг интернетга асосланган ЕРП тизимлари интеграция қилинди ва Таъминот тизими, электрон тижорат, маркетинг ва мижозлар билан алоқаларни бошқариш каби иловалар ташкилотлар томонидан қўлланила бошланди. (МсСуе, 2020)

ЕРП тизимини жорий қилиш. К.Лау (2005) ЕРП тизимларини жорий этишдан олдин менежерлар қуйидаги фаолиятни ҳисобга олишлари кераклигини таъкидлайди:

- Компаниянинг эҳтиёжларини ўрганиш: компаниянинг ҳозирги ҳолати қандай, қандай тизим (дастурий таъминот, аппарат) ишлатилади?

- Амалга ошириш жараёни учун фойдаланувчиларни ўқитиш (агар йўқ бўлса, унда кадрлар ёллаш).

- Барча амалга ошириш модуллари учун лойиҳа эксперт гуруҳи аъзоларини яратиш. Ушбу жараённи тугатгандан сўнг, жамоа аъзолари мавжуд вазиятни ўрганишлари керак ва агар ЕРП ни жорий қилиш зарурати туғилса, улар ЕРП учун энг мос дастурий таъминотни танлайдилар ёки саралайдилар, акс ҳолда лойиҳа тўхтатилади.

- Саралаш дастури учун маслаҳатчиларни ёллаш. Маслаҳатчилар компания учун модулларни (молия, таъминот тизими, режалаштириш, сотиш ва бошқалар) жорий қилади ва тавсия қилади.

- Юқоридаги жараёнларни тугатгандан сўнг, яна охирги фойдаланувчилар ва менежерлар ўқитилади. Амалга ошириш жараёнида компаниялар ЕРП тизимларини ўқитиш учун бюджетнинг 10% дан кўпроғини сарфлайди

- ЕРП тизимини ўрнатиш. У тизим фойдаланувчиларининг дастурий таъминот ва аппарат инфратузилмасини таъминлашни ўз ичига олади

- Жорий маълумотларни янги ЕРП дастурига ва синов жараёнларига айлантириш.

- ЕРП тизимини сақлаш. Агар муаммо юзага келса (ЕРП тизимини жорий қилишда), бу ҳақда масъул шахсларга хабар бериш ва вақтни белгилаш керак.

Кенге & Кҳан (2020) ва Ендрю, Лй (2020) маълумотларига кўра, қуйидаги 1-жадвалда ЕРП тизимини муваффақиятли амалга ошириш учун асосий етти қадам кўрсатилган:

Жадвал 1. ЕРП тизимини муваффақиятли амалга ошириш учун асосий етти босқич

№	БОСҚИЧЛАР	ҲАРАКАТЛАР
1	Бизнес жараёнларини ўрганиш	- Талабнинг таърифи (Компания ЕРПни жорий қилиши керакми?) - Жамоа билан ишлаш: Лойиҳа ҳомийси Лойиҳалар бўйича менежер Фойдаланувчилар Илова таҳлилчиси Илова ишлаб чиқувчи Сифатни текшириш бўйича муҳандис - Жамоанинг мажбуриятлари: Жараёнларни хариталаш, ҳужжатлаштириш, таҳлил қилиш Муаммоларни аниқлаш Мақсадларни белгилаш Жадвални ўрнатиш (харажат бюджети билан)
2	Дастурий таъминотни ўрнатиш	- Дастурий таъминотнинг қуйидаги инфратузилмасини ўрнатиш ва қуриш: Маълумотлар базаси Маълумотларни кўрсатиш Интернет мавжудлиги
3	Маълумотларни кўчириш	- Барча маълумотларни янги дастурий таъминотга ўтказиш: Сақлаш жойини созлаш Маълумотлар харитаси (эски ва янги дўкон жойлашуви ўртасида) Маълумотларни узатиш
4	Синов	- Маълумотлар интерфейсини синовдан ўтказиш - Маълумотларга мослашиш
5	Фойдаланувчини ўқитиш	- Барча фойдаланувчиларни ўқитиш
6	Умумий жойлаштириш	- Катта портлаш ёндашуви - Босқичли ёндашув - Параллел ишлаш
7	Қўллаб-қувватлаш	- Режалаштирилган бюджет ва амалга ошириш қийматини таққослаш - инвестицияларнинг қайтарилиши - Инсон хатосини баҳолаш - Амалга оширилаётган модулларнинг самарадорлиги (ишлаб чиқариш, таъминот тизими, савдо, молия ва бошқалар). - Мижозларнинг қониқиши ва содиқлиги

Таъминот тизимини бошқаришда ЕРП тизимлари. Awad, Нассар (2010) ва Баймоут (2014) маълумотларига кўра, компанияда ЕРП тизимини жорий қилиш нафақат интеграциялашган модуллар ўртасидаги самарали алоқани ўз ичига олмайди, балки у барча қиймат занжири бўйлаб, масалан, таъминот тизими бўйлаб уланиши керак. Бошқарув тизими ва мижозлар билан алоқаларни бошқариш. Бу умумий қиймат занжири самарадорлигини оширади ва ишлаб чиқаришни режалаштириш ва жараёнларни такомиллаштириш, харажатларни инвентаризация ва вақтни қисқартириш сабаб бўлади. Глобаллашув туфайли компаниялар бизнес жараёнларини технология билан бирлаштиришга интилишади ва етказиб берувчилар, мижозлар ва занжирнинг

умумий қиймати ҳақида маълумот алмашиш ва олиш учун ЕРП, ССМ ва СРМни бирлаштиришни хоҳлашади. (Тарн ет ал., 2002)

Бундан ташқари, учта макро таъминот тизими жараёни мавжуд: етказиб берувчилар билан алоқаларни бошқариш (СРМ), ички таъминот тизими бошқаруви (ИССМ) ва мижозлар билан алоқалар менежери (СРМ). ЕРП тизими ушбу макро жараёнларни бир-бири билан боғлашга ёрдам беради (Чопра & Меиндл, 2013).

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида 2020 йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб номланди. «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилиб, унга кўра Ўзбекистонни рақамли трансформациялашиш жараёнини жадаллаштириш мақсади белгилаб олинди.

“Рақамли иқтисодиёт” тушунчаси биринчи марта Массачусетс технология институти олими Николас Негропонте томонидан 1995 йилда ишлатилган.

Иқтисодиётнинг рақамли сегментини кенгайишининг асосий сабаби бўлиб трансакцион секторнинг ўсиши ҳисобланади. Трансакцион секторга қуйидагилар киради.

- давлат бошқаруви
- молия-банк тизими
- улгуржи ва чакана савдо
- коммунал ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий фаолиятнинг бевосита ахбороткоммуникация технологияларининг ривожлантирилиши билан боғлиқ бўлган рақамли маълумотлар воситасида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган электрон, интернет, тармоқ ва виртуал иқтисодиёт кўринишидаги ижтимоий-иқтисодий тизимдир. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши турли даражада иқтисодиётда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот ҳажмларини кескин ортишига олиб келди. Пировардида персоналнинг билими ва миллий хўжаликда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши унинг тараққиёти ва рақобатбардошлиги даражаси ошишини намоён этмоқда. Ривожланган мамлакатлар ва янги индустриал давлатларда

рақамли иқтисодиётнинг миллий ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 %га етди. Ушбу мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг шаклланиб бориши, уларнинг иқтисодиётида юқори самарадорликни ошишига олиб келмоқда. Жумладан, АҚШ ҳар йили 400 млрд. доллардан кўпроқ «рақамли хизматлар»ни экспорт қилмоқда. Унинг ялпи ички маҳсулотининг 5 %идан кўпроғи Интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ соҳаларга тўғри келяпти. Рақамли иқтисодиётда робот техникаси, катта ҳажмли маълумотлар ва сунъий интеллект каби замонавий технологиялар орқали иш жойлари ахборотлаштирилмоқда, ишлаб чиқариш тубдан такомиллашаяпти, бунинг натижасида, меҳнат унумдорлиги кескин ортиши билан бирга, ушбу жараёнлар бутун жаҳон меҳнат бозорига кучли таъсирини кўрсатмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бевосита ахборот-коммуникация технологияларининг ривожлантирилиши билан белгиланади: − товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек, қўшимча қийматга эга билим ва ахборот салмоғининг ортиб бориши. Бу эса маҳсулотда илм сиғими, илмий-тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишланмаларига харажатлар кўпайишида ўз ифодасини топади; − ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши ҳисобига рақамли маҳсулот (хизмат) иқтисодий самарадорлигининг ортиши; − корхоналар, ихтисослашган минтақавий «рақамли кластерлар» инфратузилмалари доирасида битта меҳнат ва бошқа ресурслардан беҳисоб даражада фойдаланиш доираси; − Интернетда савдо майдончаларининг чегараланмаганлиги туфайли Интернет-савдо, молиявий биржаларнинг жадал ривожланиши; − бозорларда рақобат устунлигини қўлга киритиш учун корхоналар миқёсининг кичрайтирилиши, виртуал корхоналарнинг пайдо бўлиши ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш ва юритишда энг муҳим муаммолардан бири малакали ходимларни жалб қилиш масаласи ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг жадал суръатлар билан ривожланиши ва Интернет тизимидан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятини пайдо бўлиши, ушбу муаммони ҳал этиш имконини бермоқда. Иқтисодиётнинг ривожланиши иш билан бандлик замонавий ностандарт шакллари пайдо бўлишига олиб келмоқда: − норасмий иш билан бандлик; − виртуал иш билан бандлик; − тўлиқсиз иш билан бандлик; − ўзини ўзи иш билан банд қилиш; − вақтинчалик ишсизлик.

Рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг ташқи омиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

- Мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсатни юритиш
- Қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш
- Сиёсий барқарорликни таъминлаш.

Эътироф этиш жоизки, рақамлииқтисодиёт шароитида тадбиркорликни инновацион ривожлантиришнинг муҳим инструменти бўлиб, технопарклар ҳисобланади:-иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси паст бўлган ҳудудни ривожлантириш;-иқтисодиётнинг алоҳида олинган тармоғини ёки ўзаро боғлиқ тармоқларни ривожлантириш;-инноватцион компанияларнинг

фаолияти кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

Стратегиянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан тизимли назоратни ташкил этади, шунингдек, Мувофиқлаштирувчи комиссия йиғилишларида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг рақамлаштириш соҳасидаги фаолиятини танқидий кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларга Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси муҳимдир. Ҳаракатлар стратегиясининг "Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари"да акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш ва самарали бошқаришни ташкил қилиш жараёнларига "корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар принциплари ва усулларни жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш" муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув тушунчаси Ўзбекистонда кодекс орқали ўзининг қонуний ҳужжат сифатида қабул қилинган. Корпоратив бошқарув тузилмаси корпорациянинг турли иштирокчилари орасида ҳуқуқ ва масъулиятларни тақсимлашни белгилайди, масалан, Кенгаш, менежерлар, акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар корпоратив ишлар бўйича қарорлар қабул қилиш қоидалари ва тартибларни кўриб чиқади.

Корпоратив бошқарув ҳозирги кунга келиб корхоналарни бошқаришнинг нафақат замонавий фалсафасига, балки самарадорликни таъминлайдиган муҳим технологиясига айланиб улгурди. Такомиллашган корпоратив бошқарув натижасида иқтисодий қўшилган қийматнинг (economic value added – EVA) сезиларли даражада кўпайиши, самарадорликнинг ортиши ва рискнинг камайиши юз бериши турли эмпирик тадқиқотларда ўз аксини топган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь, № 247 (6682).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidentishavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони.

4. ПФ-6079-сон 05.10.2020 “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. https://lex.uz/ru/docs/5030957

5.Хашимов А.А. Корпоратив бошкарув шаклидаги тузилмаларни ривожлантириш истиқболлари. - Т.: Фан, 2003. - 111 б.

Сатторов С. *–ТДУ, изланувчи*

КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШДА IRVIN УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизация қилишнинг асосий мақсадларидан бири барча хўжалик юритувчи субъектларнинг юқори иқтисодий самарадорликка эришишидан иборат.

Воқеъланишнинг ноаниқлиги юқори бўлган иқтисодий беқарорлик шароитида молиявий ҳолатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар: таннарх, даромад ва фойда бщлган корхоналарнинг асосий мақсади барқарор ривожланиш ва рақобатбардошликни сақлашдир.

Замонавий шароитда корхонанинг муваффақиятли ривожланиши учун бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан иқтисодий кўрсаткичларни башорат қилиш зарурати мавжуд.

Корхона томонидан қабул қилинган бошқарув қарорлари корхонанинг ҳозирги иқтисодий кўрсаткичларининг ривожланишини баҳолашга асосланиши керак, чунки улар келажакда иқтисодий кўрсаткичларнинг ривожланишига турли даражада таъсир қилади [1]. Келажакда кўрсаткичлар ўзаро боғлиқлигининг аҳамиятини этарли даражада баҳолаш корхона ривожланишининг прогноз ва режалаштирилган кўрсаткичларида хатоларга олиб келиши мумкин, бу эса, ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ривожланишини секинлаштиради.

Прогнозлаш - бу маълум бир кетма-кетликда амалга оширилиши қабул қилинган қарорларнинг самарадорлигини таъминлашга имкон берадиган услубий усулларнинг маълум бир тизими [2]. Бу мувофиқлик билан боғлиқ тизим бирлиги ва босқичларнинг белгиланган кетма-кетлиги "қидирув прогнози - меъёрий прогноз - стратегик режалаштириш - бизнесни режалаштириш - узоқ муддатли режалаштириш - жорий режалаштириш - оператив режалаштириш "беқарор иқтисодий муҳитнинг ноаниқликларини, шунингдек, корхонанинг ўзи ҳолатини доимий равишда очиб беришга имкон беради.

Воқеаларнинг ривожланишини башорат қилиш уларга олдиндан тайёргарлик кўриш, унинг ижобий ва салбий оқибатларини ҳисобга олиш ва иложи бўлса, аниқланган келажакдаги алтернативлардан бирини олдиндан кўриш ёки салбий натижанинг олдини олиш имконини беради. Шундай қилиб,

ўзгарувчан муҳит ва бозор иқтисодиёти шароитида прогнозлашнинг объектив зарурати қуйидагилардан келиб чиқади:

- бошқарув объектларининг мураккаблиги ошиши;
- ҳодисаларнинг ноаниқлигининг ортиши,
- ташқи муҳитнинг аниқ динамик табиати;
- кўп тузилмали иқтисодиёт ва мулкчилик шаклларининг ўзгариши;
- товарлар ва хизматларнинг эскириш тезлиги;
- кучли рақобат;

бозор иқтисодиётининг ўз-ўзини тартибга солишга қодир эмаслиги, айниқса кўпайиш циклининг инқироз босқичларида.

Прогнозлашдаги муаммолардан бири башорат предметини аниқлашда “таҳлил қилинадиган ва “башорат қилинадиган ўзгарувчилар кўрсатгичлари” [2, 17 б] билан боғлиқ. Таҳлил учун маълумотларнинг ортиб бораётган миқдори мавжуд бўлиб, натижаларга таъсир қилувчи кўпроқ стационар бўлмаган омиллар пайдо бўлади.

Башоратли моделларда олинган маълумотларни танлаб олишда зарурий даражадаги тафсилот муҳим аҳамиятга эга, бунга кўплаб омиллар таъсир қилади: прогноз асослари, маълумотларнинг мавжудлиги ва аниқлиги.

Натижадаги ҳетерожен маълумотлар билан таҳлил қилинадиган ўзгарувчиларни аниқ танлаш мумкин эмас.

Ўзгарувчиларнинг энг яхши тўпламини дарҳол аниқлашнинг иложи бўлмаган ҳолатларда, энг яхши натижаларни берадиган вариантлардан бирини танлашга ёрдам берадиган турли хил муқобилларни синаб кўриш керак.

Башоратли модел учун зарур бўлган маълумотлар ёрдамида хато моделга киритилиши мумкин [3]. Шу муносабат билан, аниқ ёки эҳтимолий хатоларни бартараф этиш учун моделнинг кириш маълумотларини таҳрирлаш керак бўлади. Башоратли модел ҳам ғайриоддий, ғайриоддий кузатувларга муносабат билдириши шарт эмас. Қоидага кўра [4], ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса тўғрисида ҳосил бўлган маълумотлар аномал қийматларни ўз ичига олиши мумкин бўлган вақт серияси шаклида тақдим этилади (маълумотни йиғиш, қайд этиш, узатишдаги хатолар, техник тартибдаги хатолар ва бошқалар).

Анормал даражаларни аниқлаш учун IRVIN усулидан фойдаланиш таклиф этилади.

Усулни қўллашда вақт сериялари қуйидаги шаклда тақдим этилади:

$$y_t = y_1, y_2, \dots, y_t, \dots y_n, t = \overline{1,n}$$

IRVIN усулиқ уйидаги формуладан фойдаланишни ўз ичига олади:

$$\lambda_t = |y_t - y_{t-1}|/\sigma_y$$

y_t - вақт серияси даражасининг кўрсаткичлари

σ_y- вақт сериясининг стандарт оғиши

$$\sigma_y = \sqrt{\frac{\Sigma(y_t - \vec{y})^2}{n-1}}$$

$y_1, y_2, \dots, y_t, \dots y_n$

бу формула билан аниқланади:

Бу ерда,

y_t - вақт серияси даражасининг кўрсаткичлари;

$\vec{y}$ - - кетма-кетлик даражаси кўрсаткичларининг ўртача қиймати,

n – - танлаб олиш кўрсаткичлари сони (серия даражалари).

Ҳисобланган қийматлар $\lambda_2, \lambda_3 \dots$ IRVIN тестининг жадвал қийматлари билан таққосланади. Агар улардан бирортаси y_t жадвал қийматидан каттароқ бўлиб чиқса, у ҳолда сатр даражасининг мос келадиган қиймати аномал, деб ҳисобланади.

Анормал даражаларни аниқлагандан сўнг, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш керак. Агар ғайритабиий даражалар техник хатолар туфайли юзага келган бўлса, улар анормал даражаларни алмаштириш орқали, вақт қаторига яқинлашувчи эгри чизиқ бўйлаб мос келадиган қийматлар ёки қаторнинг иккита қўшни даражасининг ўртача арифметик даражаларини алмаштириш орқали бартараф этилади.

Корхона иқтисодиётида ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса тўғрисида маълумотни шакллантиришда вақт қаторларида ғайритабиий даражаларни аниқлаш методологияси ҳам иқтисодий-статистик, ҳам иқтисодий-математик усулларга асосланиши мумкин. Корхона ўз вазифалари, эҳтиёжлари, ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги ва имкониятларига қараб, ахборотни шакллантиришда ғайритабиий даражаларни аниқлаш методологиясини мустақил равишда танлайди.

IRVIN усулини прогнозлаш ва режалаштиришнинг априор босқичида, корхона иқтисодиётида ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса тўғрисида маълумотни яратишда вақт сериялари да аномал даражаларни аниқлашда энг кам меҳнат сарфлайдиган ва энг самарали усул сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати^

1. Н.М.Соатов, Г.Н.Тиллахўжаева. Статистика. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2006 йил, 219-бет.

2. Федосеев В.В. Экономико-математические методы и прикладные модели. Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ, 2007 г. –С. 520.

3. Г.Насритдинов Эконометрика. Ўқув қўлланма.– Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й. – 252-б.

3. Ш.Нуруллаева. Корхоналар молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш услубиёти. “Бизнес-эксперт” журнали, сон: №2(122)-2018 й.

Сафиуллин А.Ф. *- независимый соискатель, ВШБ*

ВЛИЯНИЕ ГЛОБАЛЬНОЙ КОНКУРЕНЦИИ НА ФОРМИРОВАНИЕ БИЗНЕС - МОДЕЛИ АВИАКОМПАНИИ

Вот уже как более 100 лет индустрия авиаперевозок ознаменовала новую эру принципиально нового этапа в развитии человечества – эру безграничных возможностей. Буквально за 24 часа можно достигнуть любой точки на планете. Без авиаперелетов уже невозможно себе представить существование современного человека, бизнеса и государства. Ранее авиаперелеты считались привилегией богатых, не многие могли позволить себе такую роскошь. На борту самолета пассажирам оказывали множество различных услуг, а до и после полета можно было отдохнуть в комфортабельных залах. Так появились классическая бизнес-модель авиаперевозчиков, подразумевающая помимо самого перелета большое количество дополнительных услуг. В 1973 году, после нефтяного эмбарго, стало очевидным, что авиакомпаниям будет крайне тяжело выживать в условиях нестабильной и высокой цены на нефть, поскольку авиационное топливо, получаемое из нее, является основным компонентом затрат. Данное обстоятельство дало толчок развитию бюджетной бизнес-модели. Появление новых типов самолетов, позволяющих расходовать меньше топлива, летать на большие расстояния и обеспечивать лучший комфорт пассажирам, сделало перевозки более распространенными. Возникали новые бюджетные авиаперевозчики, что обеспечило высокую конкуренцию уже существовавшим классическим авиаперевозчикам. Отрасль вошла в зрелую стадию в конце 1990-х – начале 2000-х годов, что стало характеризоваться большим количеством сделок слияний и поглощений, увеличивающимися затратами на продвижение и усиленным вниманием к обслуживанию и, что самое важное, к издержкам.

Конкуренция стала причиной появления различий в бизнес-моделях, которые, в свою очередь, позволяют создать конкурентные преимущества. С самого своего начала отрасль авиаперевозок является капиталоемкой с одной стороны, а с другой авиаперевозчики должны оставлять цены на билеты доступными для поддержания и повышения спроса.

Известно, что теория и практика современного стратегического менеджмента выделяет три базовых подхода к ведению конкурентной борьбы: преимущество в издержках, дифференциация и фокусирование. Соответственно, данные подходы должны быть адаптированы к типу бизнес – модели авиакомпании. Решение данной задачи рекомендуется производить с учетом воздействия следующих новых тенденций в развитии авиатранспортного бизнеса:

1. В структуре авиационных холдингов основным видам деятельности по объемам доходов остаются авиаперевозки;

2. Мировые авиакомпании – лидеры активно развивают гибридные бизнес модели авиаперевозок, характеризующиеся следующим образом:

- *Бывшие АК с полным комплексом услуг:* повышение эластичности тарифов, предложение более низких базовых тарифов, стимулирование прямых продаж, сокращение уровня бесплатного бортпитания, снижение времени оборота ВС на земле до менее 45 мин., использование политики агрессивного маркетинга, повышение всех видов производительности;

-*Бывшие низкозатратные АК:* предоставление услуги по бронированию мест, обеспечение бортпитанием без дополнительной платы, предоставление аудио и видео на борту ВС, предоставление программ ЧЛП, дифференциация услуг за дополнительную плату, кооперирование с туроператорами и агентами.

Указанные тенденции обуславливают возникновение новых типов конкурентных преимуществ, обуславливающих основу для выбора конкурентной стратегии и достижения конкурентоспособности АК в долгосрочном периоде.

При оценке интенсивности рыночной конкуренции необходимо учитывать, что различные бизнес-модели авиакомпаний, как правило, не конкурируют между собой. Вместе с тем, в настоящее время большинство авиакомпаний действует в рамках смешанной модели, что приводит к тому, что единственное конкурентное преимущество, которое они могут предложить пассажиру — это цену авиабилета. Подобная конкуренция лишает АК многих возможностей, например, обновления парка ВС, что в конечном итоге может привести к уходу с рынка по мере выработки ресурса имеющегося парка.

Так, в честь празднования 30-летия Независимости Республики Узбекистан, а также во исполнениие Постановления Президента Республики Узбекистан №5100 от 30 апреля 2021 года, АО «Uzbekistan Airways» перешло на гибридную модель авиаперевозок и 30 августа 2021 года был совершен первый рейс по направлению Ташкент – Москва.

Uzbekistan Express сфокусируется на внутриреспубликанских и межрегиональных перевозках и начнет осуществлять авиаперевозки на 4 самолетах Airbus A320, скомпонованных в «полный эконом». Будущая маршрутная карта авиаперевозок также включит в себя ключевые города, такие, как Москва, Новосибирск, Казань, Ростов-на-Дону, Краснодар, Сочи, Минеральные Воды, Екатеринбург, Актау и Актобе.

Заключение:Таким образом, рассмотрев различные типы бизнес-моделей авиакомпаний и их характеристики, мы приходим к выводу о том, что при интенсивной рыночной конкуренции очень важно учитывать, как авиакомпании изменяют свои бизнес-модели в рамках своей стратегии. Для того чтобы отследить данные изменения, необходимо изучить инструменты анализа внешней и внутренней среды авиакомпаний.

Вместе с тем, разработку стратегии для каждой бизнес модели следует производить с учетом следующих рекомендаций:

- Различные бизнес - модели авиакомпаний не конкурируют между собой, они действуют на разных типах конкурентных рынков и имеют различия в типах конкурентных преимуществ;

-Достижение конкурентных преимуществ на рынке предполагает максимальную адаптацию структуры парка воздушных судов и сети маршрутов авиакомпании к используемому типу бизнес модели;

-Требования клиентов различных бизнес моделей авиакомпаний имеют существенные различия в области ценовых и качественных показателей конкурентоспособности их продукции. Практическое использование менеджментом авиакомпаний указанных рекомендаций позволит избежать ошибочных решений в области реализации конкурентной стратегии в условиях современного авиатранспортного рынка.

Сахавалиев М.Н. *– ВШБ слушатель*

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ КОМПАНИЙ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ INDUSTRY 4.0

Темпы технологических изменений сегодня разгоняется до беспрецедентной скорости. Стремительное развитие цифровых технологий приводит к кардинальным преобразованиям не только в экономике, но и в самом обществе. Многие экономисты и инженеры утверждают, что мы вступили в цифровой мир и благодаря сокращению информационных затрат цифровые технологии значительно снижают стоимость экономических и социальных транзакций для государства, компаний и физических лиц, способствуют инновациям, при которых транзакционные издержки становятся практически нулевыми, а также резко повышают эффективность.

Правительством Республики Узбекистан принимаются широкомасштабные меры по развитию информационно-коммуникационных технологий, цифрового сектора экономики, внедряются системы электронного документооборота, развиваются электронные платежи и совершенствуется нормативно-правовая база в сфере ИКТ.

На торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан, в котором особо отмечается следующее: “Модернизация отраслей и регионов, повышение их конкурентоспособности, развитие экспортного потенциала всегда будут находиться в центре нашего внимания. Для этого надо еще более активно привлекать во все сферы иностранные инвестиции, передовые технологии, в том числе информационно-коммуникационные. Именно на этой основе мы сможем достичь увеличения до 2030 года объема валового внутреннего продукта более чем в 2 раза» [1].

Дополнительно, Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиеевым ещё в 2018 году был определён стратегический план по

вхождению Узбекистана в число 20 развитых государств мира. Несомненно, для достижения этой огромной и глобальной цели, кардинально изменив экономику и промышленность Узбекистана, необходимо широко внедрять принципы “Индустрии 4.0”.

Первые шаги по данному направлению в области образования уже сделаны и в ближайшем будущем в Узбекистане планируется открыть дистанционный “Университет будущего”. В “Университете будущего” будут готовить кадры по направлениям бакалавриата “Аэрокосмические исследования и технологии”, “Робототехника и инжиниринг”, “Инновационное бизнес-администрирование”, “Инновационная экономика”, “Управление инновациями”, “Перспективные и инновационные ИКТ”, “Искусственный интеллект” и “Биоинженерия и агрокультура” [2].

Цифровая индустрия, функционирующая на информационно-технологических платформах, развивается с интенсивной скоростью, что обуславливает необходимость создания новых моделей и платформ. Для достижения конкретных целей по данному направлению в Узбекистане целесообразно принять следующие практические меры:

Во-первых, раскрыть экономический потенциал четвертой промышленной революции для ускоренного технологического развития Узбекистана и изучение передового зарубежного опыта по внедрению четвертой промышленной революции.

Во-вторых, необходимо разработать общие положения, разработка законодательных основ, нормативно-правовых актов по привлечению и

1. Выступление Шавката Мирзиёева на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.press-service.uz/ru/lists/view/111(дата обращения: 13.08.2017).
2. «Университет будущего» в Узбекистане будет готовить студентов к четвёртой промышленной революции // [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://www.gazeta.uz/ru/2018/08/20/university/

и поддержке внедрения новых технологий, изучив опыт Германии, США, Канады, Японии, Китая, Южной Кореи и изучив опыт Fraunhofer-Gesellchaft, ISO, DIN, PTB и других зарубежных экспертов для подготовки соответствующих частей проекта стратегии” Индустрия 4.0“.

В-третьих, необходимо ускорить системное налаживание сотрудничества между основными движущими силами общества - государственными, высшими образовательными учреждениями и представителями бизнес-миров в научных исследованиях. Обеспечение высших образовательных учреждений основными бизнес-инкубаторами, при этом, опираясь на созданные в них технологии, студенты, преподаватели и профессора создают новые предприятия. А государство должно взять на себя роль венчурного инвестора. А представители бизнеса вместе с высшими учебными заведениями берут на себя задачу развития фундаментальных и

прикладных исследований в лабораториях своих и высших учебных заведений.

В-четвёртых, необходимо разработать и сразу же приступить к реализации Национальной программы технологического подъема, создающей условия для регионального и даже глобального лидерства Узбекистана на ближайшие 15-25 лет. В проекте необходимо будет возложить на современные высшие учебные заведения особые задачи при этом они должны будут взять на себя новую предпринимательскую функцию и создать на своей основе экономическую и культурную среду, которая продвинулась на 10-15 лет вперед от других. Тогда высшие учебные заведения смогут готовить людей не к прошлому, а к будущему.

В-пятых, не менее важны меры по наращиванию потенциала собственной отрасли ИКТ, реализация которых позволит снизить критическую зависимость от импорта и увеличить экспорт цифровых технологий. Согласно Указу Президента Республики Узбекистан от 30 июня 2017 г. №УП-5099, сегодня для этого в стране созданы необходимые благоприятные условия. Повышению эффективности данных мер будет способствовать разработка отраслевых программ по модернизации промышленности страны на основе принципов “Индустрии 4.0” с внедрением финансовых и нефинансовых механизмов стимулирования спроса со стороны предприятий на технологии такого рода.

В-шестых, необходимо раскрыть понятие современной технологической революции, описать экономический потенциал новых технологий, выявить возможные вызовы и угрозы технологического развития, выявить точки роста в контексте реализации экономического потенциала четвертой промышленной революции для дальнейшего развития узбекской экономики.

В-седьмых, изучить и проанализировать навыки необходимые для адаптации в условиях цифровой трансформации бизнеса, готовность линейных офисных сотрудников к технологическим трансформациям в компаниях обладание необходимыми навыками и умениями

В-восьмых, необходимо мотивировать промышленные предприятия к привлечению именно отечественных поставщиков, инжиниринговых компаний и исследовательских центров для разработки и внедрения современных технологий. Благодаря такому подходу внутренний спрос станет локомотивом развития местных технологических компаний.

Сейчас в мире происходят такие фундаментальные изменения, что в мировой истории не было ни больших возможностей на этом уровне, ни огромных потенциальных рисков. Искусственный интеллект, цифровизация, роботизация, популяризация аддитивной технологии (то есть даже изготовление металлических деталей и деталей в 3D-печати), нанотехнологии, биотехнологии и многое другое становятся неотъемлемой частью повседневной жизни.

Если мы хотим быть в числе лидеров этих преобразований, мы должны хорошо понимать, в каком направлении будет развиваться технологический прогресс в ближайшие годы и какие мировые инновации ожидаются в будущем, и сами активно участвовать в их создании.

Суванова Д.Д. *– INHA, мустақил изланувчи*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШГА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ҳар қандай компаниянинг активларини самарали бошқариш компаниялар фаолият кўрсатадиган ҳозирги иқтисодий ва бизнес муҳитнинг беқарорлик ва ноаниқлик шароитлари ҳамда бундай ўзгаришларни рақамлаштириш асосида риск ҳолатларини камайтиришга боғлиқ бўлиб бормоқда. Шунинг учун компаниларда бизнес жараёнларини ташкил этишга таъсир қилувчи ўзига хос хусусиятларни ва омилларни ажратиб кўрсатиш жуда муҳимдир.

Замонавий бизнеснинг асосий хусусияти - компанияларнинг активларидан самарали фойдаланишда ички муҳит ва ташқи муҳитдаги вазиятнинг тез ўзгариши билан ҳам тавсифланади. Бу эса ўз навбатида технологиялар ва ахборот технологиялари бозорида доимий равишда янгиликларни пайдо бўлиши билан изоҳланади, бунда истеъмолчилар янада замонавий, юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматларга эҳтиёж сезадилар. Ушбу шароитларда компанияларнинг активларини бошқаришнинг асосий элементи бўлиб компаниянинг маъмурий-буйруқбозлик моделидан бизнес-жараёнларни замонавий бошқарув ва ахборот технологиялари ёрдамида бошқариш тизимига босқичма-босқич ўтиш стратегияси хизмат қилади.

Ҳозирги босқичда корпоратив корхоналарда бизнес жараёнларининг ривожланишии ишлаб чиқариш таннархининг ошиши ёки камайиши ҳамда фойданинг пасайиши билан тавсифланиши билан характерланади.

Компанияларда захираларни кўпайтириш, уларни ишлаб чиқаришда тежамкор технологиялар ва янги ташкилий ечимларни қўллаш орқали амалга оширилади. Янги технологияларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда солиштирма харажатлар баҳолашнинг ҳал қилувчи омилига айланади.

Бугунги кунда турли соҳаларга ахборот технологияларини жорий этиш уларнинг ривожланиши, маҳсулдорлигини ошириш ва натижада фойда олишнинг калитидир. “Ўзбекнефтегаз” компанияси фаолиятини оладиган бўлсак, бундан мустасно эмас, чунки у газ таъминоти корхоналари маҳсулдорлик даражасини ошириш билан бир қаторда техник ечимларга асосланади. Шунинг учун ушбу бандда газ таъминоти тизимида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ахборот технологияларининг газ саноатида бажарадиган асосий вазифаси газ қазиб олиш ва уларни етказиб бериш харажатларини минимал даражага туширишдир. Бугунги кунда ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган турли хил таркибий идентификациялаш усуллари кенг қўлланилади.

1. Табиий газ қазиб олишда АКТдан фойдаланишда ананавий услублар билан бир хил муваффақият билан амалга оширилиши мумкиндек туюлади. Аммо, агар АКТдан фойдаланмасдан ушбу жараёнларнинг самарадорлигини ошириш режалаштирилса, уларни бошқариш деярли мумкин эмас.

Ушбу соҳаларда ахборот технологияларининг асосий вазифаси газнинг керакли ҳажмини қазиб олиш харажатларини минимал даражага туширишдир. Бугунги кунда, агар битта газ ёки газ конларида турган битта газ қудуқлари гуруҳини бошқаришни назорат қилиш имконини берадиган шундай ишлаб чиқариш схемасини жорий қилиш зарур.

Ахборот тизимига ушбу соҳаларда ишлатиладиган коммунал тармоқларнинг харажатлар параметрлари ҳолати устидан тезкор бошқарувни таъминлаш учун тўғридан-тўғри ишлаб чиқилган аппарат ва дастурий воситалар киради.

Шубҳасиз, ахборот технологияларидан фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёнларини янада тўлиқ автоматлаштиришга имкон беради, энг муҳими, турли хил қудуқлардан олинган зиддиятли ва баъзан тўлиқ бўлмаган маълумотларни олиш ва қайта ишлаш учун саноат ускуналарини "тайёрлаш" ва кейинчалик газни янада самарали ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ягона маълумотлар тўплами синтез қилинади.

2. Табиий газни транспортировка қилиш сегментида АКТдан фойдаланиш. Ахборот технологияларининг барча афзалликларини санаб ўтар эканмиз, ишонч билан айтиш мумкинки, улардан нефть ва газни транпортировкасидан фойдаланиш хавфсизликнинг юқори даражасига эришишга имкон берди. Бу шахсий компьютерда циклик ва статик куч, тебраниш ва сейсмик қаршиликни тўлиқ автоматлаштирилган ҳисоблаш натижасида мумкин бўлди[1].

Нефт ва газни етказиб беришда АКТни жорий қилиш қувур линиясини тўғри ва тезкор моделлаштириш ва барча асосий мезонларни ўз ичига олган компютерда таҳлил қилиш пайтида олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, бутун қувурлар тизимининг ишлашини оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради. Ахборот технологияларидан фойдаланиш, мутахассисларни мажбур қиладиган соддалаштиришлардан воз кечишимизга имкон беради, бунда нефт ёки газ қувурининг фавқулодда вазиятларда қандай ишлаши тўғрисида маълумотга тезкор эришилади[2].

[1] Борцвадзе Л.Н. Современное состояние, проблемы и перспективы инновационного развития нефтегазовых компаний РФ // Бизнес в законе. Экономико-юридический журнал. Выпуск № 2, 2012. С. 17-18.

[2] Современные информационные технологии в нефтяной и газовой промышленности // Нефтяное хозяйство. № 12, 2012. С. 23-28.

Синов натижалари маълумотларини ахборот технологиялари тизимидан фойдаланиб битта маълумот ҳужжатига бирлаштириш анча содда ва тезроқ малга оширилади. Махсус дастурий таъминот ёрдамида ҳисоботни тезда тайёрлаш ёки табиий газ ҳодисалари кутилмаган жойларда содир бўлиши олдини олишда қувур линиясини тўғрилаш учун зарур бўлган статистик маълумотларни олишга имкон беради.

3. Газни қайта ишлаш сегментида. Мониторинг ва рўйхатга олиш асбоблари, ҳисоблаш ва ўлчаш ускуналари, автоматик тартибга солиш функцияси билан жиҳозланган қурилмалар, бошқача айтганда, ахборот ва техник технологиялардан фойдаланмасдан нефт ва газни самарали қайта ишлаш деярли мумкин эмас. Ушбу соҳада ахборот ва компютер технологиялари узоқ вақтдан бери қўлланилиб келинмоқда, аммо замонавий ахборот технологияларини бошқариш тизимига жорий этиш фақат сўнгги йилларда бошланган.

АКТдан фойдаланган ҳолда, мавжуд корхоналарнинг иш самарадорлиги сезиларли даражада ошади. Табиий газни қайта ишлаш жараёнида юзага келадиган жараёнларни ўрганиш ва кузатиш янги газни қайта ишлаш ва нефт кимёси корхоналарида хом ашёни қайта ишлашнинг янада самарали усулларини ишлаб чиқишга имкон беради. Нефть ва газни қайта ишлаш соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланиш рўйхатга олиш ва назорат қилишни автоматлаштириш даражасига олиб чиқади, телемеханизация ва газ саноати корхоналарининг муаммоларини ҳал қилиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган бошқарув тизимлари билан бирлаштирилади[1].

4. Табиий газ саноати инфратузилмасини ривожлантиришда АКТдан фойдаланиш истиқболлари. Аввалambор, табиий газни ишлаб чиқариш, ташиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган барча фаолият турларини автоматлаштиришни ўз ичига олади. Дарҳақиқат, а газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва ташиш таннархини пасайтириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу вазифа яна қидирув бурғулашни лойиҳалаш ва технологик бошқариш, бурғулаш параметрларини ҳисоблаш, геологик ва геофизик маълумотларни бошқариш ва ҳоказолар каби муҳим соҳаларда автоматлаштиришни ҳал қилишга ёрдам беради.

Ҳам маҳаллий, ҳам хорижий АКТ компаниялари мамлакатимиз газ саноатида ишлайдилар ва энг сўнгги замонавий ахборот ечимларини таклиф этадилар. Бироқ, газ таъминоти корхоналарида лойиҳаларни реал молиялаштиришга қарамай, ахборот технологияларидан фойдаланиш етарли даражада эмас.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, газ саноати корхоналари раҳбарияти ахборотлаштиришнинг муқобил стратегиялардан бирини танлайди: алоҳида бизнес жараёнларига АКТни жорий этиш, истеъмолчиларнинг аста-секин ўсиб бораётган сонини қамраб олиш ёки

[1] Марков В.К. Инновации как вектор стратегического развития нефтегазового комплекса России // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. Выпуск № 1, 2011. С. 29-32.

алоҳида бўлинмаларни хабардор қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувидаги муаммоларини босқичма-босқич ҳал қилиш. Шуни ёдда тутиш керакки, газ компаниялари жаҳон бозоридаги нархларнинг кескин ўзгаришига доимо тайёр бўлиб туришлари керак. Ахборот технологиялари харажатларни оптималлаштириш, ишлаб чиқариш ва таъминотни бошқариш воситасидир. Ва улардан самарали фойдаланиш нархларни бошқариш ва бозор хатарларини пасайтириш учун имкониятларнинг ошишига олиб келади.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ кафедра мудири, иф.д., проф.*
Холматов М.Р. *- ОБМ тинловчиси*

МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БРЕНД ТУШУНЧАСИГА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётга ўтиш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, дунё бозорига ўз маҳсулотимизни олиб чиқиш борасида ислоҳотларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шартдир. Рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради»[1] деган вазифалари дастурий амал тариқасида қабул қилиниши керак бўлади. Шу сабабдан биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотларининг нафақат рақобатбардошлигини таъминлаш, балки уларнинг таниқлилик даражасини ошириш, иккинчидан эса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда озиқ-овқат соҳасини, жумладан, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида рақобатдошлигини ва таниқлилик даражасини ошириш мақсадида маҳаллий брендни шакллантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатиш механизмини, жумладан, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга эътиборни қаратиш долзарб ахамиятга эгадир.

Илмий қарашларда бренд деганда товар ва хизматлар кўрсатишда истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ва хоҳиш-истакларига мувофиқлаштирилган, устунликларидан рақабат шароитида унумли фойдаланишдаги стратегик восита тушунилади. Илмий адабиётларда “бренд» иқтисодий атамасига турли ҳил муносабат билдирилган. Бундай муносабатларни иқтисодчи олимлардан Филип Котлер “Яхши бренд хусусияти-унга истеъмолчи томонидан

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

кўрсатилаётган мойиллик»[1] деб таърифлаган. Дэвид Аакер эса “Бренднинг мавжудлиги истеъмолчига ишлаб чиқарувчидан берилган ваъда тариқасида тассавур тушунилади»[2] деган фикирни олдинга суради. Бундай таърифларнинг тизимлаштирилиши 1 жадвалда келтирмоқдамиз.

Илмий адабиётларда, айниқса, Ўзбекистонлик олимлар илмий адабиётларида, кўпроқ савдо маркаси (trade mark) тушунчаси ишлатиб келинган. Фикримизча, бундай ёндашувлар бренднинг мазмун ва моҳиятини тўла очиб бермайди. Бренд деганда ишлаб чиқарувчи томонидан яратиладиган ёки ишлаб чиқарувчи томонидан яратиладиган ёки ишлаб чиқарувчи бренди (manufacturer’s brand) тушунилади. Кўп ҳолатларда ўртада турувчи воситачии ёки сотувчилар бренди (retailer brand, stare brand ёки private label) фақат савдо жараёнида ишлатилгани учун тадқиқотлар жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо, маълум шароитда “Бренд», “Савдо маркаси» ёки “Нуфуз» (имидж) синоним тариқасида фақатгина мазмуни тўғри келгандагина фойдаланиш лозим деб хисоблаймиз.

Маҳаллий бренд деган ибора минтақанинг турли ҳил худудлари мавжудлиги, айниқса сут ва сут маҳсулотларининг ишлаб чиқариш, сақлаш ва истеъмол қилиш хусусиятлари, давлат стандартларининг ушбу маҳсулотларга қўйилган талаблари ҳамда дунё бозорига чиқишда уларнинг хусусиятларини инобатга олиш эҳтиёжидан келиб чиққандир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “Савдо маркаси» ва “Бренд» иборалари ишлатилмасдан, интеллектуал мулкни хуқуқий муҳофаза қилиш учун савдо белгисидан фойдаланилади. Савдо белгиси – сўз билан, расм, хажм, уларнинг аралашмаси ва бошқа турлар билан ифодалашни тушунилади. Ушбу белги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигида юридик ёки жисмоний шахслар ўзларининг савдо белгиларини рўйҳатдан ўтказилади.

Брендлар ҳам худди товарга ўхшаб ҳаётий циклни кечиради: бозорга кириш, ўсиш, етуклик, пасайиш жараёнлари кузатилади. Албатта, бренддан самарали фойдаланиш ва бошқаришни ташкил этилса, уларнинг кўп йиллик ҳаётийлигини ва барқарорлигини таъминлайди. Масалан, Lipton, Coca-Cola, Levi’s ва бошқа брендлар барқарор брендлар сифатида келтириш мумкин.

Бренд атамасига янада кенгроқ ёндашувларга кўра маҳаллий бренд тушунчасига аниқлик киритиш брендинг назариялари учун муҳимдир. Миллий брендлар Ўзбекистон Республикасини халқаро бозорда намоён қилади. Ҳозирча компания (тадбиркорлар) ёки уларнинг маҳсулотларининг брендини ички бозор миқёсида кўришга ҳаракат қилинган. Шу сабабдан “Маҳаллий бренд» иборасини қўлланилиши илмий-услубий жихатдан мақсадга мувофиқдир. Албатта, сут ва сут маҳсулотлари бозорида эса қачонки худди мева-сабзавотларга ўхшаб экспортбоп бўлгандагина “Миллий бренд»га айланади. Ушбу холатлар эса сут ва сут маҳсулотлари бозорида маҳаллий

[1] Котлер Ф. Маркетинг от А до Я. 80 Концепции, которые должен знать каждый менеджер. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2014-211с.

[2] Аакер Д. Стратегическое рыночное управление. 7-с изд./Пер. с англ.-Спб.:Питер,2011

брендларни шакллантиришнинг илмий-усулибий, амалий ва назарий жихатларини, методологик асосларини яратилишини тақозо қилади.

Иқтисодий адабиётларни тахлил қилиш натижалари бренд атамасини мазмуни ва моҳияти бўйича бир нечта гуруҳга ажратилади:

1.1-жадвал

Маҳсулотлар ишлаб чиқаришда “Бренд» тушунчаси таърифларининг тизимлаштирилиши[1]

т/р	Муаллифлар	Бренд таърифи
1.	Американинг маркетинг уюшмаси	Номи, шиори, белги, лойиҳа ёки уларнинг аралашмаси рақобатчидан товар ёки ҳизматни ажратиб олиш мақсадида фойдаланилади
2.	Аайкер Д.	Брендниг мавжудлиги истеъмолчига ишлаб чиқарувчидан берилган ваъда тариқасида тасаввур тушунилади
3.	Браун П.	Харидорлар ва бренд эгалари ўртасидаги шаклланаётган ментал алоқаларнинг йиғиндиси брендни ифодалайди
4.	Бернет Дж.	Товар ва хизматларни бошқа рақобатчилардан ажратиш учун фойдаланиладиган номланиш, дастҳат, белги, лойиҳа ёки уларнинг комбинацияси
5.	Brand Aid бренд консалтинг компанияси	Мақсадли истеъмолчига ўзига хос, қайта қилиниши мушкул, салобатли, функционал, ҳиссиётий ва таърифланган ваъдалар йиғиндиси брендни ифодалайди
6.	Власова Е.	Мақсадли аудитория учун муҳим ўрин эгаллайдиган товарнинг ўзаро боғлиқ, рационал ва ирроционал тавсифларидан иборат бўлган рақобатчилар маҳсулотидан ажратадиган хусусиятлар тизимига бренд дейилади
7.	Божук С.Г.	Корхонанинг нафақат ғоявий аҳамияти, балки амалий қўлланмани шакллантираётган бошқару фалсафасидир
8.	Котлер Ф.	Битта таъминотчи ёки сотувчилар гуруҳининг маҳсулотларини аниқлаштирувчи ва рақобатчилар товар ва хизматларидан дифференциалашувини таъминлайдиган номланиши, атама, белги, расм ёки уларнинг аралашмасига бренд дейилади
9.	Крылов И.	Рақобат қаторидаги истеъмолчининг танловини ошириш учун савдо маркасининг индивидуал онгидаги тасаввури
10.	Икрамов М.А.	Бренд – бу корхона ёки товар (ҳизмат)нинг таниқлилик даражасини ифодалайдиган мезон

1. Бренд атамаси рақобатчиларнинг товари ёки хизматларидан фарқлаш учун маҳсулотнинг хусусиятларини гуруҳи тариқасида ифодаланади. Бундай ифодалаш брендни ташкил этувчи элементларда, яъни номи, белгиси, тарихи, қадоқланиши ва бошқаларда эътиборни қаратилишига олиб келади. Брендни истеъмолчилар томонидан барқарор тасавурни шаклланиш манбаи сифатда қаралиши. Бундай ифодалаш истеъмолчиларда товар ҳақида муқим тасаввурни ифодалаб, товарни психологик қабул қилишига кўпроқ эътибор қаратилади.

2. Бренд товар маркаси сифатида уни тақдим этувчилар учун истеъмлчиларга йўналтирилган фаолият сифатидаги йўналишлар. Бундай ифодалашда савдо маркаси ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларга эътибор қаратилиб, улар орасидаги ментал алоқаларга алоҳида урғу берилади.

3. Бренд қиймат яратиш воситаси сифатида ифодаланиши. Бундай ифодалаш эътиборни ҳар бир марканинг товар ва товар маркасига нисбатан ўзига хос бўлган қийматга эга бўлишини назарда тутувчи йўналишлар.

[1] Муаллифлар томонидан тузилган.

Хулоса қиладиган бўлсак юқорида келтириб ўтилган бренд атамасига бўлган ёндашувларни умумлаштирилган ҳолда “бренд» тунунчасини таърифлашда муалифлик ёндашуви таклиф этилади:

Бренд – истеъмолчилар онгида барқарор тасаввурлар бирикмаси бўлиб, маҳсулотга нисбатан шахсий ёндашувини шакллантирадиган, юқори сифат кафолати, қайтарилмаслик, рақобатдошлик устунлигини таъминловчи, товар ёки хизмат қийматидан мустақиллигини акс эттириши тушунилади.

Маҳаллий бренд – аниқ худуд бозорида истеъмолчилар онгида маҳсулотнинг таниқлилигини таъминнлайдиган барқарор тасаввурлар бирикмаси сифатида қараш мақсадга мувфофиқдир.

Суюнова Д.Д. – *ТДИУ, магистр*

КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг самарали бошқарув тизимини ташкил этишда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, корпоратив бошқарув стандартларини жорий қилиш, бошқарув жараёнига рақамли технолгияларни қўллаш каби масаалар бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий корхоналарни янада ривожлантириш дастуридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятларига замонавий бошқарув технологияларини кенг жорий этиш, инвестицияларни жалб этиш, инновацион жараёнларни ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш талаб этилмоқда. Шундай экан иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги механизмларидан бири сифатида рақамли технологиялар асосида рақамли иқтисодиётга ўтишдир. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини бериши ривожланган мамлакатлар тажрибасида исботлаб бермоқда. Хорижий нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда.

Акциодорлик жамиятларининг самарали фаолият юритиши, улар акциядорларининг манфаатлари тўлақонли таъминланиши, молиявий инқирозга учрамаслиги кўп жиҳатдан компанияда амал қилаётган корпоратив бошқарув тизимига боғликдир. Шундай экан, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида компанияларда корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш ҳамда ушбу тизимни такомиллаштириш йўлларини ўрганиш муҳим вазифалардан бири саналади. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”нинг 3-йўналишида: “..... корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик

бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш[1] борасида алоҳида вазифалар белгилаб берилганлиги ва бунда корпоратив бошқарув жараёнига рақамли технологияларни жадал тадбиқ қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бу эса ушбу масаланинг ўтта долзарблигини билдиради.

Шундай экан мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномасида такидлаганидек «Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда "Рақамли Ўзбекистон-2030" дастури ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур»[2].

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида, рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳар қандай ацкиядорлик жамиятларининг ўз функцияси, мақсади ва вазифаларини амалга ошириш ва унинг стратегиясини таъминлашга асос бўладиган ҳамда ёрдам берадиган асосий омилга айланмоқда ва шунинг учун уларни бошқариш корпоратив бошқарувнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларининг эгалари-акциядорларнинг пуллари ва активлари, уларнинг иштироки камайтирилган холда ижрочи директорлар томонидан бошқарилиши ва акциядорлар томонидан бошқарув жараёнини эркин назорат қилиш имконини яратиш рақамли технологияларни жорий қилиш орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда, ахборот технологиялари иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бирига айланди ва компаниялар муваффақиятларининг ғоят муҳим омили бўлиб, рақобатдош устунликларга эришиш ва самарадорликни ошириш учун янги имкониятлар очмоқда.

Жахонда энг замонавий рақамли технологиялар ечимларидан фойдаланмайдиган самарали ишлайдиган йирик компанияларини ёки акциядорлик тижорат банкларни тасаввур қилиш қийин ва уларсиз телекоммуникация компанияларининг иши умуман имконсиздир. Бир қарашда, ахборот технологиялари фақат молия институтлари ёки асосий фаолияти қандайдир тарзда боғлиқ бўлган компаниялар учун муҳим бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ, жахон тажрибаси шуни кўрсатадики, қазиб олиш корхоналарининг самарадорлиги электр энергияси, сув (нефт компанияларида) ёки ёқилғи (қазиб олиш билан шуғулланувчи компанияларда) харажатларини тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олишга, турли хилдаги хизматларни кўрсатишга боғлиқ. Айни вақтда ишлаб чиқариш учун буюртмаларни қабул қилиш, инвентаризация қилиш, жўнатилган маҳсулотни ўз вақтида ҳисобга олиш ишлаб чиқариш корхоналарининг харажатларини сезиларли даражада камайтиради ва бошқарув жараёнида эса унинг самарадорлигини ва бошқарув қарорларини қабул қилишдаги шаффофликни ва рисклар даражасининг пасайишини таъминлайди..

Жахон амалиётида компаниянинг рақамли технологиялар асосида бошқарувини ташкил қилиш ва унинг устидан назорат компаниянинг ижроия директори ва директорлар кенгаши зиммасига юклатилади. Бу бошқарув

органлари ишининг ажралмас қисми бўлиб, бунинг асосида қуйидагиларга эришиш мумкин:

- ITнинг ривожланиш йўналиши компаниянинг бизнес мақсадлари ва вазифаларига мос келишлигини таъминлаши;
- IT дан компаниянинг барча фаолиятида, шунингдек бошқарув жараёнларида самарали фойдаланиш туфайли фойда кўриши;
- IT дан фойдаланиш орқали бошқарув ва бошқарув қарорларини қабул қилишдаги рискларни пасайтиришда бошқарув жараёнларини таъминлашга;
- Компаниянинг барча характалар фаолиятида ахборотлар алмашинувининг тезлашишини;
- Компанияга фаолияти билан боғлиқ бўлган барча ҳисоб ва ҳисоботлар юритилишининг автоматлашиши, аниқланишлиги ва шаффофлигини таъминлаши;
- Компаниянинг барча фаолиятида комплаенс – назорат тизими талаблари даражасида ишлашга ва бундай шароитда инсон омилининг камайишини ва коррупциянинг олдини олишга ва уни камайтиришга хизмат қилади;

Корпоратив бошқариш жараёнида IT (информацион технологиялар) бўлимининг мақсадларини аниқлашдан бошланади, бу компанияга кейинги ривожланиш йўналишини белгилашга имкон беради. Акциядорлар томонидан кутиладиган юқори даражадаги мақсадлардан келиб чиқиб, компания стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади ва уни менежерлар эътиборига етказиш керак.

Корпоратив бошқарув тизимида рақамли технологияларни жорий этишга ёндашувларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, рақамли технологиялар асосида корпоратив бошқарув тамойилларини амалга ошириш учун кузатув кенгаши тегишли жавобгарликни ўз зиммасига олиши, шунингдек компанияни бошқариш учун фаолият йўналишини белгилаши керак бўлади. Бундай йўналишни қуйидагича амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- Рақамли технологиялар билан боғлиқ масалаларни кенгаш йиғилишлари кун тартибига киритиш;
- Рақамли технологиялар билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш учун компаниянинг рақамли технологияларга нисбатан ҳаракатларини таҳлил қилиш;
- Компания раҳбариятига рақамли технологиялар фаолиятининг компания бизнеси эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлашда ёрдам бериш;
- Компания раҳбарияти рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ хатарларни бизнесга таъсирини тушунишига ишонч ҳосил қилиш;
- Рақамли технологиялар самарадорлигини ўлчаш, умумий йиғилиш ва кузатув кенгаши учун тегишли ҳисоботларни тайёрлашга талабларни шакллантириш (масалан, IT BSC -ни жорий қилиш - IT учун

мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар картаси, бизнеснинг балансланган карталари билан “боғланган”);

- Рақамли технологиялар масалалари бўйича кузатув кенгаши ва компания раҳбариятининг ўзаро ҳамкорлиги учун масъул бўлган IT-стратегия қўмитасини яратиш;

Рақамли технологиялар асосида корпоратив бошқарув институти (IT Governance Institute, ITGI) ўз нашрида рақамли технологиялар бошқарувига бағишланган брифингда рақамли технологияларни корпоратив бошқарувнинг муҳим масалалари рўйхати, кузатув кенгаши ва ижро етувчи бошқарув учун рақамли технология асосида корпоратив бошқариш методологияси, роли ва мажбуриятларини ўз ичига олган амалий тавсияларни таклиф этади.

Корпоратив IT-менежментнинг асосий муаммолари директорлар кенгашига, **биринчидан,** рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни аниқлашга имкон беради, масалан, рақамли технологиялар бўлимлари фаолияти қанчалик шаффоф ёки рақамли технологиялар лойиҳалари қанчалик тез-тез бажарилмайди ва кутилган натижаларни бажармайдилар. **Иккинчидан,** компания раҳбарияти рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни қандай ҳал қилишини тушуниш. Масалан, корхона учун рақамли технологиянинг аҳамияти нимада эканлигини ва ўз фаолиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан рақамли технологияни бошқариш учун компаниянинг ижро етувчи раҳбарияти қандай стратегияни танлаганлигини билиш керак. Ва ниҳоят, **учинчидан,** ўзларининг фаолиятини баҳолаш учун - масалан, директорлар кенгаши энг муҳим IT-лойиҳаларнинг ҳолати тўғрисида мунтазам равишда ҳисоботларни оладими, IT масалалари директорлар кенгаши йиғилишларининг кун тартибига доимий равишда киритилганми ва бундай муаммолар қай даражада тўлиқ ва тизимли равишда ҳал қилинмоқда .

Рақамли технологияларни корпоратив бошқарув институти томонидан таклиф этилган методология директорлар кенгаши ва компаниянинг ижро этувчи бошқаруви фаолият кўрсатадиган соҳаларни аниқлашни таъминлайди. Фаолиятнинг тўртта асосий тури кўриб чиқилади : етакчилик, режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш. Бунда:

1. Директорлар кенгашининг бошқарув фаолияти: фаолият йўналишини ва кутилаётган натижаларни аниқланг.
2. Бошқарувни режалаштириш: рақамли технологиялар талаблари ва зарур инвестицияларни аниқланг.
3. Ижроия раҳбарияти томонидан амалга ошириладиган ташкилий тадбирлар: компаниянинг жорий фаолиятини қўллаб-қувватлаш.
4. Директорлар кенгаши ва ижро этувчи бошқарув томонидан биргаликда амалга ошириладиган назорат ҳаракатлари: иш фаолиятини баҳолаш.

Директорлар кенгаши ва ижро этувчи бошқарув ишини режалаштираётганда, халқаро тажриба ва илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда, бизнес самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитларни

яратишга эътибор қаратиш лозим. Бу муваффақиятнинг асосий омилларини аниқлайди.

Директорлар кенгаши рақамли технологияларга инвестицияларнинг даромадлилигини оширишга интилади. Бунинг учун компанияда аниқ белгиланган мақсад, вазифалар ва жавобгарлик соҳаларига эга бўлган рақамли технологиялар асосида корпоратив бошқарувнинг масъулиятли, самарали ва ошкора тузилмаси яратилган. Шундай қилиб, бу ҳолда муваффақиятнинг калити рақамли технологиялар компаниянинг асосий бизнесининг ажралмас қисми сифатида қабул қилишдир.

Ижро этувчи бошқарув даражасида компаниянинг самарадорлигини оширишнинг зарурий шартларидан бири янги рақамли технологиялар ечимларни ишлаб чиқиш вақтини қисқартириш деб ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун бизнес ва рақамли технологиялар мақсадлари компаниянинг барча ходимларига етказилади ва муваффақиятнинг асосий омили IT-хизматларнинг охирги фойдаланувчиларини IT-лойиҳаларга жалб қилиш ва IT-менежментнинг бизнес-лойиҳаларда иштирок этишидир.

Корпоратив IT менежмент йўналишлари янги мақсадлар, зарур жараёнлар ва билимлар билан боғлиқ бўлган IT мақсадлари, бизнес имкониятлари ва хавфлари билан тавсифланади.

Рақамли технологиялар асосида корпоратив бошқарувининг самарадорлиги тегишли қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда баҳоланади: директорлар кенгаши фаолиятининг кўрсаткичлари - бу янги маҳсулот ва хизматларни бозорга тезкор равишда чиқарилишида рақамли технологияларнинг улкан ҳиссаси; янги мижозларни жалб қилиш ва мавжуд бўлган шикоятлар йўқлиги; хизматлар кўрсатиш учун янги каналларни яратиш. Компаниянинг ижро этувчи менежменти самарадорлигининг кўрсаткичлари сифатида, ахборот тизимлари ва хизматларининг мавжудлиги ва рақамли технологиялар хизматларининг тобора ўсиб бораётган даражаси кўриб чиқилиши мумкин; амалдаги харажатларнинг режалаштирилганидан оғиши; ходимларнинг самарадорлиги ва қониқиши.

Хулоса қиладиган бўлсак, корпоратив бошқарувнинг бир қисми сифатида рақамли технологиялар асосида корпоратив бошқарув компанияга қуйидаги имкониятларни беради:

- компания раҳбарияти, унинг эгалари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар тизимини аниқлаш;
- компаниянинг мақсадлари белгиланадиган жараёнларни жорий қилиш, ушбу мақсадларга эришиш усуллари ва ушбу мақсадларга эришиш учун фаолият самарадорлигини ўлчаш усуллари тавсифланиши;
- компаниянинг бизнесидан ахборот технологияларидан фойдаланишдан фойда олишига ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ хавфларнинг мақбул даражага туширилишига ишонч ҳосил қилинади.
- бошқарув қарорларини қабул қилиш тезлиги ошиши, назорат қилиш жараёни соддалаштирилиши ва замонавий бошқарув усулига ўтишни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида компанияда корпоратив бошқарувнинг

самарадорлигини, шаффофлигни ва очиқлигини таъминлаб компаниянинг инвестиция жалб қилиш даражасинини кенгашйтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. / 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси / 2018 йил 28 декабрь
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони/
4. Кошелава А.В. и другие. (2017), Введение в «Цифровую» экономику. На пороге «цифрового» будущего (расширенная версия). Москва. Сретенский клуб им. С.П. Курдюмова: 2017.—70с.
5. Атурин В.В., Мога И.С., Смагулова С.М. (2020). Управление цифровой трансформацией: научные подходы и экономическая политика // Управленец. Т. 11. № 2. С. 67-76.
6. Price M. (2018). Current and emerging trends in the aerospace sector: white paper // Atkins Limited. 16 p.

Xolmurodov Q.R. *–OBM tinglovchisi*

INSON RESURSLARINI BOSHQARISHNING HOZIRGI DAVR YO’NALISHLARI

Hozirgi kunda yuqori malakali yuksak kasbiy mahoratga ega bo‘lgan boshqaruvchilargina mamlakatimiz taraqqiyotini jahonning eng rivojlangan davlatlari qatoriga iqtisodiy bo‘hronlarsiz olib chiqishi mumkin. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan belgilab berilgan 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi Harakatlar startegiyasi barcha sohalarni deyarli qamrab olgan bo‘lib, buning natijasida ko‘pgina istiqbolli ishlar amalga oshirilmoqda.Jumladan 2018-yil ―Faol tadbirkorlik, innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab quvvatlash yili Davlat dasturi loyihasi jamoatchilik muhokamasiga taqdim etildi. Dastur loyihasi 237 banddan iborat bo‘lib, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 22- dekabr kuni Oliy Majlisga taqdim etgan Murojatnomasida keltirilgan asosiy g‘oya va takliflar hamda 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini Rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan asosiy vazifalardan kelib chiqqan holda ishlab chiqildi.Buning natijasida xususiy sektorda mablag‘lardan samarali foydalanilmoqda.Tarmoqlarda yuqori sifatli mahsulotlar tayyorlash, ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish va mehnat unumdorligini oshirishni ta‘minlashga bo‘lgan qiziqish va intilish ancha kuchli bo‘lib, ishlab chiqarish tufayli imkon qadar

ko‘p daromad olish kabi pirovard moliyaviy natijalarga erishilayotganini ta‘kidlash joiz. Shuni yana alohida ta‘kidlab o‘tish joizki, Bu Harakatlar strategiyasi bo‘yicha davlat dasturi loyihasi jamoatchilik muhokamalari natijalari tahlili va kelib tushgan takliflar asosida yanada takomillashtirildi. Bularning barchasi bozor iqtisodiyoti sharoitida faoliyat yuritayotgan xususiy korxonalarning asosiy maqsadidir. Bozor iqtisodiyoti sharoitida korxonalar yuqori samara bilan faoliyat ko’rsatishi, muvaffaqiyatli raqobat qila olishi fanda “Personal“ atamasi bilan nomlanadigan mehnat jamoasining tarkibi, malakasi, salohiyati, ijodiy izlanishi, mas’uliyati kabi juda ko’pg’ina sifatlari hal qiluvchi ahamiyat kasb etishi amaliy isbotini topgan. Bugungi kunga kelib mazkur masalalar bilan maxsus shug’ullanuvchi „Personalni boshqarish” fani tobora rivojlanib bormoqda. G’arb davlatlarida bozor iqtisodiyoti sharoitlarida “Personalni boshqarish” ko’proq “menejment” atamasi bilan nomlanadi. Menejment (inglizcha “management”so’zidan) - bozor iqtisodiyoti sharoitlarida iqtisodiy boshqaruv tamoyillari, funktsiya va uslublarini qo’llagan holda moddiy va mehnat resurslaridan oqilona foydalanish hisobiga belgilangan'maqsadlarga erishish uchun amalga oshiriladigan boshqaruv faoliyatidir. Menejment aslida “boshqaruv” so’zining sinonimi hisoblanib, asosan bozor iqtisodiyoti sharoitlarida faoliyat ko’rsatayotgan korxonalarda ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni boshqarishni anglatadi. [1]

Menejment deyilganda quyidagi ma’nolar anglanadi:

1. Korxonaning boshqaruv xodimlari boshqaruv apparati sifatida.
2. Boshqaruv apparati korxonada bajaradigan funktsiyalar.
3. Menejment korxonani ilmiy asosda boshqarish sifatida.

Menejment funktsiyalari tizimida personalni boshqarish vazifalari qanday o’ringa egaligi eng muhim masaladir. Menejment funktsiyalaridan personalni boshqarish funktsiyalari farklanadi. Personalni boshqarish - alohida xodim va umuman korxona manfaatlarini ta’minlash maqsadida inson salohiyatidan samarali foydalanishga qaratilgan tashkiliy, ijtimoiy-iqtisodiy, psixologik, axloqiy va huquqiy munosabatlar tizimidir. Personalni boshqarishning asosiy funktsiyalarini o’zida aks ettiruvchi to’rt tarkibiy qism mavjuddir:

1. Personalni tanlash.
2. Personalni rivojlantirish.
3. Personalni baholash.
4. Personalni rag’batlantirish.

“Personal” hozirgi vaqtda iqtisodiyot fanida umum e’tirof etilgan atama hisoblanib, mehnat jamoasi tarkibiy qismlarini qamrab oladi. U mohiyat bo’yicha “O’zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksida qayd etilgan “xodim” atamasidan kelibchiqqan holda xodimlar tarkibi ma’nosini beradi”.[2] Avvallari bu tushuncha “kadrlar” atamasi sifatida qo’llanib kelingan.

[1] Abduraxmonov Q.X., Xolmo’minov Sh.R., Xayitov A.B., Akbarov A.M. “Personalni boshqarish” (Darslik) – T.: TDIU, 2013. - 9 bet

[2] Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Т.: Ўзбекистон, 2006. - 10- б.

Inson resurslarini boshqarish bu inson resurslarining boshqaruvidir. U ish beruvchining strategik maqsadlarining hizmatida ish bajarilishini maksimallashtirishni ko'zlaydi. Inson resurslari asosiy ravishda tashkilotlarda odamlarning boshqaruviga aloqadordir, u asosan kadrlar siyosati va tizimini markazlashtiradi. Inson resurslari bo'limlari mehnatni tashkil qilish, ishchilarni yollash, o'qitish va rivojlantirish, ish bajarilishini baholash va rag'batlantirish (haq to'lashni boshqarish, mukofotlar va nafaqa tizimi va h.k) uchun ma'suldir. Shuningdek inson resurslari tashkiliy o'zgarishlar va sanoat munosabatlari uchun daxldordir, u hukumat qonunlarini ta'minlashni, ishchilar va boshliqlar o'rtasidagi kelishuvlarni (haq to'lash, ish sharoiti), talablarni tashkiliy faoliyatini muofiqlashtiradi.[1]

AQSHda shakllangan personalni boshqarish tamoyillari amerikaliklarning o'z davlatlarini "katta imkoniyatlar mamlakati" deb hisoblanadigan tamoyili negizida asoslangan. Ya'ni, Amerika Qo'shma Shtatlarida har bir xodimga agar u kuch-g'ayratini ayamasa, o'zining kasbiy mahorati va bilimini oshirib borsa, albatta muvaffaqiyatga erishadi, degan qat'iy ishonch singdirilgan. Bunday sharoitda faqat o'z kuchiga ishonadigan, kichikroq bo'lsa-da o'z shaxsiy korxonasiga ega, ishchan va malakali xodim tadbirkorlikning "eng maqbul modeli" hisoblanadi. Evropa Ittifoqiga a'zo mamlakatlar uchun esa personalni boshqarishga davlatning qonunchilik yordamida aralashuvi nisbatan kengroqdir. Xususan, personalni yollash, xodimlarni ishdan bo'shatish, ishchilar va ish beruvchilar o'rtasidagi munosabatlar qonun orqali muvofiqlashtirib boriladi. Bu mamlakatlarda ish haqi to'lash, xodimlarning salomatligi, mehnat xavfsizligi, ish vaqti miqdoriga amaldagi qonunchilik tomonidan juda qat'iy talablar qo'yilgan. Evropa Ittifoqi Iqtisodiy Rivojlanish tashkiloti tomonidan qabul qilingan "Ijtimoiy harakat" dasturi orqali qit'a mamlakatlarida personalni boshqarishga o'z qonunchilik ta'sirini kuchaytirib bormoqda. Personalni boshqarishga davlatning aralashuvi Evropada faqat qonunchilik bilan chegaralanib qolmaydi. Bu mamlakatlarda tashqi bozor uchun yuqori malakali xodimlarni tayyorlash sarf-xarajatlari davlat tomonidan qoplanadi. Shu sababli Iqtisodiy Rivojlanish tashkiloti ma'lumotlariga ko'ra Evropada malakali ishchi kuchi dasturlari uchun davlat sarf-xarajatlari AQSHga nisbatan sezilarli darajada ko'pdir. "Evropa modeli"ning o'ziga xos xususiyatlari personalni boshqarishda ishlab chiqarishni o'rab turgan muhitni (masalan, qonunchilikni) e'tiborga olish, shuningdek, personalni boshqarishga ikki taraflama (ham tashkiliy jihatdan, ham ijtimoiy masalalar jihatidan) yondashishini talab etishini namoyon etadi. Kompaniya va firmalar boshqaruv xizmatidan bozor iqtisodiyo-tining murakkab va doim o'zgarib turadigan vaziyatlarida xodimlar faoliyatini muvofiqlashtirish juda katta malaka va mahoratni talab etadi. Iqtisodchi olimlar fikricha, "Evropa modeli"da personalni boshqarishdagi bu xususiyat hisobga olingan. Yaponiyada esa personalni boshqarishni davlat korporatsiyalarida xodimlar bir umrga ishga yollanishi hamda ish haqiga, mehnat stajiga qarab ustamalar to'lash tizimi mavjudligi xususiyatlarini hisobga olmasdan tasavvur etib bo'lmaydi. Yaponiya

[1] Johnason, P. (2009). HRM in changing organizational contexts. In D. G. Collings & G. Wood (Eds.), Human resource management: A critical approach (pp. 19-37). London: Routledge

korporatsiyalarida personalni boshqarish siyosati quyidagi tamoyillarga asoslanadi:[1]— ishchi kuchi ta’lim muassasalarini bitiruvchilari ichidan tanlabolinadi;

— ishlab chiqarishning u yoki bu vazifalarini hal etish uchun nomzodlarning jinsi hisobga olinadi;

— muntazam kasbiy tayyorgarlik amalga oshiriladi;


— nomzodlar xodimlarning kasbiy ayirboshlanishi tamoyillaridan foydalaniladigan dasturlar asosida o’qitiladi;

— xodimlarni u yoki bu mansab vazifasiga ko’tarish uchun ularning mehnat faoliyati barcha mezonlar bo’yicha baholanib boriladi;

— personalning ish staji va yoshiga qarab ular ish haqiga maxsus ustama haq to’lash amalga oshiriladi, xodimlarning ish bilan bandligi kafolatlanadi.

Yaponiya korporatsiyalarida asosiy e’tibor kasbiy tayyorgarligini ishdan bo’sh vaqtlarida yoki ishlab chiqarishdan ajralmagan holda amalga oshirishga qaratiladi. Shu bilan birga xodimlarning ish joylarida o’rindoshlikda faoliyat yuritishlari, ularni boshqa xizmat vazifalariga o’tkazish odatiy holatga aylangan. Boshqarishning “yaponcha modeli” personal faoliyatini muntazam ravishda har taraflama chuqur baholab borishni taqozo etadi. Amaliyotda bu personal ish xaqini oshirish yoki uni mansab vazifasida yuqoriroq lavozimga ko’tarish juda sinchiklab tekshiruvlardan so’ng amalga oshirilishini anglatadi. Bunda asosiy e’tibor nomzodning yoshi, ish staji, ma’lumoti, jinsiga qaratiladi. Personalni boshqarishning zamonaviy yo’nalishlari “inson resurslarini boshqarish” tushunchasini ham qamrab oladi. Inson resurslarini boshqarish ishlab chiqarishda inson omilini hisobga olishga asoslangan.

Personalni boshqarishning zamonaviy yo’nalishlarini xorijiy kompaniya va firmalarga xos amaliy faoliyati tajribasi e’tiborga molikdir.



Personalni boshqarish yo’nalishlari

Inson resurslarini boshqarish xizmatlari korxona pirovard natijaga erishishi uchun quyidagi omillar orqali ta’sir ko’rsatishlari mumkin:[2]

1. Mehnat unumdorligini oshirish.
2. Mehnat sifatini yaxshilash.

[1] Маслова В.М Управление персоналом: учебник для бакалавров. – М.: Издательство ЮРАЙТ, 2012 – 488 с.

[2] Abduraxmonov Q.X., Xolmo’minov Sh.R., Xayitov A.B., Akbarov A.M. “Personalni boshqarish” (Darslik) – T.: TDIU, 2013. - 26 bet

3. Huquqiy me’yorlarga qat’iy rioya etilishini ta’minlash.

4. Raqobatda ustunlikka erishish.

5.Ishchi kuchidan foydalanish samaradorligini oshirish.

Xulosa sifatida shuni ta’kidlash muhimki, inson resurslarini rejalashtirish qisqa muddatli va istiqbolli bo’ladi. Rejalashtirishda ish joylari uchun kerak bo’lgan ishchi va mutaxassislar malakasi va qobiliyatlarini aniqlash uchun kompaniya yoki firmadagi mehnat jarayonini chuqur tahlil etish kerak bo’ladi. Bugun qanday malakaga ega bo’lgan va qancha miqdordagi personal kerak hamda kelgusida qancha kerak bo’lishini, personalni qaysi yo’l bilan (ishchi va mutaxassislarni tashqaridan jalb etish orqali yoki korxonada mavjud bo’lgan ishchi kuchidan foydalangan holda) ishga jalb etish va personalni o’qitish, malakasini oshirish, qayta tayyorlash uchun qanday o’rgatuvchan va personalni rivojlantiradigan dasturlar zarur bo’lishini aniqlash zamonaviy personallarni tanlash inson resurslarini boshqarishning ustuvor sifatlari sifatida qayd etish muhim hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Т.: Ўзбекистон, 2006. - 10- б.
2. Abduraxmonov Q.X., Xolmo’minov Sh.R., Xayitov A.B., Akbarov A.M. “Personalni boshqarish” (Darslik) – T.: TDIU, 2013. - 26 bet
3. Johnason, P. (2009). HRM in changing organizational contexts. In D. G. Collings & G. Wood (Eds.), Human resource management: A critical approach (pp. 19-37). London: Routledge
4. Маслова В.М. Управление персоналом: учебник для бакалавров. – М.:
5. Издательство ЮРАЙТ, 2012 – 488 с.
6. http://lex.uz – O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi.
7. http://www.ziyonet.uz – Axborot ta‘lim tarmog‘i.
8. http://www.sciencedirect.com (Xalqaro ma‘lumotlar bazasi)

Шадиева Г. – *СамИСИ, проф., и.ф.д.*
Мусурмонова М.- *СамИСИ, магистр*

ДАВЛАТ –ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМЛАРИДАН ТРАНСПОРТ СОХАСИДА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Сўнгги йилларда йиғилган халқаро тажрибалар кўрсатиб турибдики, иқтисодий ривожланиш ва давлат (жамият) мулкини бошқариш самарадорлигини ошириш учун ресурс базасини кенгайтириш ва фойдаланилмаётган ресурсларни мобилизация қилишнинг асосий механизмларидан бири давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) ҳисобланади.

Давлат-хусусий шериклик механизмидан дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида иқтисодиётнинг кўпчилик соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. 2019 йил 10 май куни Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонуннинг кучга киритилиши мамлакатимизда давлат билан хусусий шериклар ўртасидаги мулкий муносабатларни ривожлантириш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни жойларда бартараф этишда хусусий сектор билан давлат секторини ижтимоий – иқтисодий ҳамкорлигида янги лойиҳаларни амалга оширишда намоён бўлади.

Қонунга мувофиқ, давлат-хусусий шериклик бу давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги ҳисобланади.

Қонун билан давлат-хусусий шериклик тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси давлат органи (ташкилоти) ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахс томонидан ташаббус қилиниши мумкин. Давлат шериги тендер ёки тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича аниқланадиган хусусий шерик билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади.Тендер мезонлари аниқ бўлиши ва унда камситувчи қоидалар бўлмаслиги керак.Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати уч йилдан кам бўлмаслиги ва қирқ тўққиз йилдан ошмаслиги керак.Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгар бўлади.

Хусусан, давлат-хусусий шериклик ёрдамида инвестициялар йўл инфраструктураси, аэропортлар, темир йўллар, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт соҳаларига йўналтирилган. Давлат-хусусий шериклик бўйича дунёда Буюк Британия, Германия, АҚШ давлатлари етакчи саналади. Ушбу лойиҳа бошқа мамлакатларда ҳам кенг оммалашмоқда, МДҲга аъзо мамлакатларда бундай лойиҳалар Россия Федерацияси ва Қозоғистонда ривожланган. Қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш бўйича Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари пешқадамлик қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида туризм, ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, аэрокосмик технологияларни жорий этиш соҳаларида давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантириш белгилаб берилди. 2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган уруғчилик давлат-хусусий шериклик асосида кластерларни ташкил этиш, умумий ўрта таълим тизими, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёни, янги маданият ва истироҳат боғларини ташкил этиш, коммунал хўжалик ва давлат бошқарув соҳасида давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш вазифаси қўйилди. Бундан кўриниб

турибдики, давлат-хусусий шерикчилиги ҳаётимизнинг ҳар жабҳасига кириб бормоқда.

Чет эл тажрибасига кўра, давлат билан хусусий бизнес ўртасидаги шериклик турли йўналишдаги бизнес-модель ва муносабатлардир. Тадқиқотларда бу тушунчага турли таърифлар ҳам мавжуд. Лекин, умуман олганда, бу тушунча хусусий сектор ресурсларидан умумжамият эҳтиёжларини қондиришда фойдаланиш маъносини англатади. Яъни бундай ҳамкорлик доирасида хусусий ва давлат ресурслари ҳамда активлари бирлашади, ваколатлар тақсимланади, натижада бир томоннинг куч-салоҳияти иккинчи томон учун ҳам хизмат қилади. Одатда ҳар бир ҳамкор ўз инвестициясига мутаносиб равишда фойда кўради. Бундай хусусий бизнес оддий хусусий корхонадан давлат учун хизмат кўрсатиш билан фарқ қилади. Масалан, хусусий корхона ўз маблағини таваккалчилик асосида жалб қилиши, давлат эса ҳеч қандай харажатсиз қўшимча даромад олиши ёки ортиқча тўловларсиз бирор-бир хизматни йўлга қўйиши мумкин. Шу соҳани ўрганган россиялик эксперт

Н. Агазарянниг[1] ёзишича, давлат-хусусий шерикликнинг дунё миқёсидаги ривожи учта босқичга бўлинади.

Биринчи босқичда Лотин Америкаси, Шарқий Европа, шунингдек, МДҲ мамлакатлари турибди. Улар томонидан шериклик учун ҳуқуқий ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда, бу йўналишдаги бозорни шакллантиришга, биринчи навбатда жорий этиладиган лойиҳаларни аниқлашга киришилмоқда. Таҳлилчининг таъкидлашича, ушбу мамлакатлар давлат-хусусий шерикликни қай йўсинда амалга ошириш керак, бу борадаги хатарлар (риск) қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини етарлича тушунмасдан шундай ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилишмоқда.

Иккинчи босқич АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Япония, Россия, Германия, Франция, Испания, Италия каби ривожланган мамлакатларни қамраб олади. Уларда давлат-хусусий шериклик тузилмаси шакллантирилган, норматив-ҳуқуқий база яратилган, янги секторлар қўшилган ҳолда бу соҳадаги лойиҳалар қамрови кенгайтирилган.

Биринчи босқични фақатгина Буюк Британия, Австралия, Жанубий Корея ва Ирландия эгаллашган, холос. Бу мамлакатларда давлат-хусусий шериклик механизми такомиллашгани, унинг ривожи йўлидаги ҳуқуқий тўсиқлар бартараф қилингани, шериклик лойиҳалари бўйича маълум оқим пайдо бўлгани, инфратузилма соҳасида бундай ҳамкорликка қўшилиш истагидаги инвесторлар сони кўпайгани кузатилади.

Транспорт соҳасидаги энг муҳим ислоҳотлардан бири транспорт хизматлари бозорини эркинлаштириш, давлат монополиясини ва чекловларни босқичма-босқич қисқартириб бориш, хорижий инвесторларга қулай

[1] З. Тожиева,«БПК», 3-сон, 2019 й ,Давлат –хусусий шериклик: аввал ва ҳозир 05-07-2019

шартларда давлат ва хусусий шериклик тамойиллари асосида йирик объектларни тақдим этиш каби йўналишларда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда Бунга мисол қилиб қуйидаги энг йирик ҳажмдаги лойиҳаларни келтиришимиз мумкин.

Давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар. Маълумки, Транспорт вазирлиги томонидан Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда транспорт ва йўл хўжалиги

Автомобиль транспорти соҳасида Республика вилоятларидаги давлат улуши бўлган жами 13 та автостанциялардан биринчи босқичда 9 тасини ҳамда 7 та *(Қорақалпоғистон* соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида 10 та лойиҳаларни амалга оширилмоқда.[1]

Республикаси Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Наманган хамда Тошкент вилоятларидаги) автотранспорт корхоналарини давлат-хусусий шерикчилик асосида тадбиркорларга бериш[2].

Авиация соҳасида Республика ҳудудий аэропортларини давлат-хусусий шериклик механизми доирасида халқаро талаблар асосида бошқарувга бериш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.[3]

Мазкур лойиҳа бўйича Халқаро молия корпорацияси билан республика аэропортларида давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида бошқарувга бериш бўйича ишлари олиб борилмоқда.

Йўл хўжалиги соҳасида “Тошкент-Андижон пуллик автомобиль йўлини қуриш” лойиҳаси бўйича Жаҳон банки иштирокида “Price water House Coopers” *(Польша)* ва “Over Arup and Partners” *(Буюк Британия)* консалтинг компаниялари консорциуми томонидан лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асоси ишлаб чиқилди.[4]

Хорижий маслаҳатчилар томонидан лойиҳани 3 та босқичда (лот) амалга ошириш таклиф қилинди. Шу билан бирга “Қамчиқ” довонида янги пуллик тоннел қуриш лойиҳасини ушбу лойиҳа доирасида амалга ошириш режалаштирилмоқда.

“Тошкент-Самарқанд пуллик автомобиль йўлини қуриш” лойиҳаси бўйича Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда “Спектрум” компанияси *(Россия)* томонидан лойиҳани молиявий ва иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш имкониятлари ўрганиб чиқилди ва тегишли ҳисоботлар тақдим этилди.

Ҳозирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш учун тендер эълон қилинган. Лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш жорий йил якунига қадар режалаштирилган.

---

[1] М. Холмухамедов Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, https://review.uz/oz/post/transport-sohasidagi-eng-muhim-islohotlardan-biri-davlat-monopoliyasini-va-cheklovlarni-bosqichma-bosqich-qisqartirib-borish

[2] М. Холмухамедов Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, https://review.uz/oz/post/transport-sohasidagi-eng-muhim-islohotlardan-biri-davlat-monopoliyasini-va-cheklovlarni-bosqichma-bosqich-qisqartirib-borish

[3] М. Холмухамедов Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, https://review.uz/oz/post/transport-sohasidagi-eng-muhim-islohotlardan-biri-davlat-monopoliyasini-va-cheklovlarni-bosqichma-bosqich-qisqartirib-borish

[4] М. Холмухамедов Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, https://review.uz/oz/post/transport-sohasidagi-eng-muhim-islohotlardan-biri-davlat-monopoliyasini-va-cheklovlarni-bosqichma-bosqich-qisqartirib-borish

“Тахтақарачи пуллик автомобиль йўлини қуриш” лойиҳаси бўйича Осиё тараққиёт банки (ОТБ) билан грант маблағлари эвазига лойиҳанинг дастлабки техник иқтисодий асосини ишлаб чиқиш учун ҳамкорлик келишувига эришилди. Жорий йил май ойида лойиҳанинг паспорт ва аннотациялари ўрнатилган тартибда ОТБга тақдим этилди. Бугунги кунда ОТБ томонидан тегишли хулосалари тақдим этилиши кутилмоқда.“Сирдарё-Бахт пуллик автомобиль йўлини қуриш” лойиҳаси Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳани “Тошкент-Самарқанд пуллик автомобиль йўли қурилиши” лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосларида кўзда тутиш ҳамда мазкур лойиҳа доирасида қуриш таклиф қилинмоқда.Бугунги кунда Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш учун тендер эълон қилинган. Лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш жорий йил якунига қадар режалаштирилган Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда транспорт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар иқтисодиётнинг барча соҳаларига ҳамда аҳолининг барча қатламларига сифатли ташув хизматларининг кўрсатишларини кўришимиз мумкин бўлади.

Бугунги кунда республикамизда “Давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини қонун билан тартибга солади, шунингдек йирик бизнес субъектлари билан бир қаторда , кичик бизнес субъектларини ҳам фаол жалб қилишга ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди.

Шу билан бир қаторда бугунги кунда қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилишини лозим деб ҳисоблаймиз, масалан, “Давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисида”ги қонун ягона тизимга келтирилмаган яъни давлат хусусий шериклик шакллари белгиланмаган. Консессия давлат-хусусий шериклик шакли бўлишига қарамай, консессия лойиҳалари консессия шартномалари тўғрисидаги қонун билан эмас, балки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда ДХШ асосида ривожланаётган йирик корпорациялар, компаниялар ва акционерлик жамиятлари сони тобора кўпайиб бораётгани ҳам қонунчиликни босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилишини тақозо этади.

“Давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинида берилган ДХШ тушунчаси таърифини унинг мазмун моҳиятини батафсил ёритиб берувчи шаклга алмаштириш.

“Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси” иборасининг моҳияти ҳам етарлича ифодаланмаган, chunki u xususiy investitsiyalarni jalb qilish asosida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar majmui haqida фикр юритилади, лекин investitsiyalar haqida тушунчалар келтирилмайди. «Davlat sherigi» — Ўзбекистон Республикаси ва (ёки) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа юридик шахслар ёки

уларнинг бирлашмалари дейилади лекин уларнинг ваколатлари келтирилмаган.

Бизнинг фикримизча, DXSh sohasidagi qonunchilikni yanada takomillashtirish potentsial investorlar sonini ko‘paytirish va davlat-xususiy sheriklik mexanizmi samaradorligini oshirish imkonini beradi.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнёрство. Теория и практика. М: ..Высшая школа экономики, 2010. 228 с
2. Юсупов Н., Карабаев Ф. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. Под.редак. А.Э.Шайхова Ташкент, 2013/www.undp.uz
3. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш: и.ф.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2018. – 27 б
4. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations?//Finance & Development. 2001. Vol.38.
5. Тожиева,«БПК», 3-сон, 2019 й ,Давлат –хусусий шериклик: аввал ва ҳозир 05-07-2019
6. М. Холмухамедов Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, https://review.uz/oz/post/transport-sohasidagi-eng-muhim-islohotlardan-biri-davlat-monopoliyasini-va-cheklovlarni-bosqichma-bosqich-qisqartirib-borish
7. Молчанова О.П. Государственно-частное партнёрство в образовании: сб. научн. тр. / МГУ им. М.В. Ломоносова; [под ред. О.П. Молчановой, А.Я. Лившина]. М.: Университет книжный дом, 2009. 242 с
8. Белицкая, А.В., Государственно-частное партнерство как вид инвестиционной деятельности: правовые аспекты/ А.В.Белицкая// «Предпринимательское право», 2011, №1.
9. Максимов В.В. Государственно-частное партнерство в транспортной инфраструктуре: критерии оценки концессионных конкурсов / В.В. Максимов. — М.: Альпина Паблишерз, 2010. — 178 с.

***Шадиева Г.** – СамИСИ, проф., и.ф.д*
***Суюнов Ё.** – СамИСИ, магистр*

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда республикамизда “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг

замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”[1]долзарб масала ҳисобланади.

Иқтисодий салоҳият тушунчаси ва унинг назарий масалаларини ёритишдан мақсад савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали иқтисодий салоҳият самарадорликни ошириш йўлларини ишлаб чиқишдан ва самарадорликни ошириш имкониятларини очиб беришдан иборатдир.

Ушбу масадга эришиш учун бир қанча вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Булар қуйидагиларда ўз аксини топганлар.

- савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмнини очиб бериш ва уларнинг таърифини ишлаб чиқиш;

- савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни таснифлаш ва аниқланиш йўлларини кўрсатиб бериш;

- савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш орқали уларнинг самарадорликни ошириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятини самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш орқали савдо корхоналари активиятини яхшилаш имкониятларини очиб бериш.

Юқорида таъкидланганидек, мазкур масалани ёритишда унинг предмети сифатида савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти, унинг таркиби, улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий жараёнлар, самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари олинган. Уни етарли даражада ёритиш учун унинг объекти сифатида иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида фаоллик кўрсатётган турли мулк шаклидаги савдо корхоналари ҳисобланади. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятига оид айрим назарий хулосаларни исботлаш учун савдо билан шуғулланадиган савдо корхоналари маълумотларидан фойдаланилади.

Салоҳият тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, уни ҳаётимизнинг барча соҳаларига қўллаш мумкин. Ушбу сўзнинг маъносига аниқлик киритиш учун унинг луғавий маъносига аҳамиятни қаратамиз. Беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да салоҳият сўзи араб тилидан олинган бўлиб “яроқлилик, ваколат, ҳукмдорлик, тўлиқ ҳокимият”[2] маъноларини англатиши кўрсатилган. Ушбу сўзни инсон қобилияти нуқтаи назаридан “Қобилият, иқтидор”[3], деб кўрсатган. Агар ушбу сўзга иқтисодиёт нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, салоҳият деганда бирорта соҳа, хизмат кўрсатиш савдо корхонаси, бошқа хўжалик юритувчи субъект ёки инсоннинг бирор нарсани амалга ошириш борасидаги мавжуд имкониятлари, қобилияти ва уларда қўлланиладиган

[1] 5. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони, 1-илова, 3.2-банд.

[2]“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш. Н-тартибли. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – 432 бет.

[3]Ўша жойда. – 432 бет.

воситалари мажмуи тушунилади. Кўриниб турибдики, барча ҳаракатдаги нарсаларнинг, инсонлар, соҳа, савдо корхонаси, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳатто ҳайвонларнинг ҳам бирорта ишни бажаришда ўзининг имкониятлари, салоҳияти мавжуд экан. Ҳозирги пайтда ушбу салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида турли техника ва технологиялардан, бошқа ашёвий неъматлардан ҳам фойдаланилади. Агар иқтисодиёт соҳасини оладиган бўлсак, иқтисодиёт субъектларининг иқтисодий салоҳиятини тушунмоқ лозим бўлади.

Иқтисодий салоҳият умумий салоҳиятнинг бир йўналиши бўлиб, бу бевосита иқтисодиётга оид салоҳиятни белгилайди. Иқтисодий салоҳият ҳам жуда кўп гуруҳларга бўлиниши мумкин. Масалан, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, ҳудуднинг (вилоят, туман, иқтисодий районлар) иқтисодий салоҳияти, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳияти кабилар.

Кўриниб турибдики, иқтисодий салоҳиятнинг ҳам турлари ва йўналишлари жуда кўп экан. Мазкур мақолада барча иқтисодий салоҳиятлардан бири бўлган хизмат кўрсатиш корхоналари, яъни савдо корхоналарининг иқтисодий салоҳияти тўғрисида фикр юритилади. чунки савдо корхоналарининг иқтисодий салоҳияти том маънода, тўлиқ яхлит бир иқтисодий категория сифатида бутун иқтисодиётнинг ҳаракатга келтирувчи кучи ҳисобланади. Аммо ушбу тушунча иқтисодий адабиётларда кам ўрганилган, унинг назарий ва методологик жиҳатлари тўлиқ очиб берилмаган. Ушбу ҳолат инновацион иқтисодиёт шароитида ушбу категорияни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишни объектив заруратга айлантирди. Чунки, бугунги ҳаёт, шаклланган тадбиркорлик ва рақобат муҳити мулкдорга ўз мулкининг бир қисмидангина эмас, балки ҳаммасидан тўлиқ самарали фойдаланиш лозимлигини тақозо қилмоқда.

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти унинг иқтисодий-ижтимоий активиятини тўлиқ таъминлашга хизмат қиладиган, иқтисодий жараёнларни амалга оширишни таъминлайдиган меҳнат ва моддий ресурслардан иборат бўлади. Бунга савдо корхонаси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унга асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат ресрсларини киритиш мумкин. Ушбу тушунчалар иқтисодий адабиётларда алоҳида-алоҳида жуда кўп ўрганилган. Аммо яхлит ҳолда иқтисодий салоҳият сифатида жамланган тарзда кам ўрганиган. Шу туфайли, ушбу ишда иқтисодий салоҳият тушунчасининг назарий жиҳатлари билан бирга, ундан самарали фойдаланиш йўлларига, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усулларига тўлиқ тўхталишни мақсадга мвофиқ деб топдик.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, диверсификациялаш, жамиятни модернизациялаш, иқтисодиётга инновацияларни изчиллик билан жорий қилиш, бозор муносабатларини босқичма-босқич чуқурлаштириб бориш, ислоҳотларни янада такомиллаштириш жараёнида ўтаётган ҳар бир кун жамиятимизнинг мазмун жиҳатидан янгиланаётганлигидан далолат бериб келмоқда. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида янги иқтисодий категориялар, тушунчалар ҳаётимизга шу даражада тезлик билан кириб келмоқдаки, уларни идрок қилиш, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш, методологик муаммоларини ҳал

қилишга улгуриш қийин бўлмоқда. Бундай янги иқтисодий тушунчалардан бири савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти тушунчасидир.

Сўнгги йилларда мамалакатимизда бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган иқтисодий адабиётларда савдо корхонасининг тасарруфидаги активлари, меҳнат ва молиявий ресурсларини ўрганиш билан чекланиб қолинмоқда.

Бу бизнинг фикримизча, савдо корхонасининг иқтисодий активиятини тўлиқ ўрганиш учун назарий ва методологик жиҳатдан етарли эмас. Чунки, савдо корхонасининг иқтисодий активияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ.

Маълумки, иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида фақат савдо корхонасининг активлари эмас, балки бошқа элементлари ҳам иштирок этади. Масалан, ишлаб-чиқариш жараёнини олайлик. Унинг содир бўлиши учун, албатта, модий-техник таъминоти, яъни ускуналар, жиҳозлар, бино, хомашё кабилар зарур. Аммо ҳар қандай илғор теҳника, юқори сифатли хомашё ўз-ўзидан иқтисодий жараённи содир қилиб, моддий неъмат ишлаб чиқармайди. Унга, албатта, одамнинг аралашуви, яъни жонли меҳнатнинг муштараклиги ва иштироки зарур. Агар жонли меҳнат иштирок этмаса ҳар қандай илғор техника ҳам «ўлик», ҳаракатсиз ускуна бўлиб қолаверади.

Бундан кўриниб турибдики, иқтисодий жараёнларни содир этиш учун моддий бойликлар билан биргаликда жонли меҳнатнинг ҳам иштирокини таъминлаш лозим бўлади. Шундагина ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб янги маҳсулот яратилишига эришиш мумкин. Шу маҳсулотнинг сотилиши эса савдо корхонасининг барча харажатларини қоплаб фойда олишини таъминлайди. Шундагина ишлаб чиқаришнинг провард мақсади – аҳолининг фаровонлиги амалга ошади, савдо корхоналарининг аҳволи кундан-кунга яхшиланиб боради.


Демак, бундан кўриниб турибдики, савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилганда савдо корхонаси тасарруфидаги унинг фақатгина активлари билан чегараланиб қолиш, унинг иқтисодий активияти тўғрисида тўлиқ хулоса қилиш учун етарли бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, савдо корхонасининг иқтисодий аҳволига тўлиқ ва батафсил баҳо бериш учун унинг активлари билан биргаликда меҳнат ресурсларини ҳам қўшган ҳолда тизимли ёндашиб комплекс ўрганишни тақозо қилади.

Режали иқтисодиёт шароитида иқтисодиётга оид адабиётларда савдо корхонасининг моддий бойлигини (ресурсларини) ва меҳнат ресурсларини барча ресурслар мажмуаси сифатида қаралиши кўзда тутилган эди. Уларнинг таҳлили барча бойликлар (ресурслар) таҳлили деб юритилар эди. Аммо иқтисодиётни эркинлаштириш тамойилига асосланган бозор муносабатлари ҳукм сураётган шароитда иқтисодий жараёнлар таркибида моддий ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Буларнинг таркибига муаллифлик ҳуқуқи, потентлар, “Нау-хау”, савдо маркаси, рухсатномалар (лицензиялар) каби тушунчалар қиймати киради. Булар моддий бўлмасада савдо корхонасига худди моддий бойликлар сингари маълум даражада фойда келтиради. Савдо корхонасининг нуфузи ва ишончлилигини белгилайди. Аммо уларни савдо

корхонасининг моддий бойлигига (ресурсига) киритиш мумкин эмас, чунки улар шакли, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан номоддийдир.

Бозор муносабатлари шароитида савдо корхонасида иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши ва унга маълум даражада фойда келтириши учун моддий (асосий воситалар, айланма маблағлар) ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Уларнинг жамланмасини олдингидек моддий ва меҳнат ресурслари деб атаб бўлмайди. Агар шундай қилинса уларнинг таркибига номоддий активлар кирмай қолади. Шу туфайли, уларни савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти деб аташни мақсадга мувофиқ. Чунки бунда моддий ресурслар билан биргаликда номоддий активлар ва меҳнат ресурслари тўлиқ ўз ифодасини топади.

Буларнинг таркибий тузилишини қуйидаги чизмада кўриш мумкин (1-расм).



12.1-расм. **Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятининг тузилиш таркиби**

Шундай қилиб, савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти деганда унда содир бўладиган молиявий-хўжалик активиятини (иқтисодий жараённи) тўлиқ таъминлашда бевосита иштирок этадиган барча моддий ва меҳнат ресурслари (бойликлари) ҳамда номоддий активлар мажмуи тушунилади.

Иқтисодиёт фани аниқ ва амалий фан бўлганлиги туфайли ундаги қўлланадиган барча тушунчалар ва кўрсаткичларнинг номи, мазмуни ва қиймати мавҳум бўлмасдан аниқ, ҳисобланадиган, маълум бир соҳани ўзида ифода этадиган бўлиши лозим. Ушбу назарий мулоҳаза бевосита савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятига ҳам тегишли. Шу туфайли уни баҳолашнинг баъзи назарий ва методологик жиҳатларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Зеро, савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, унда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Эгамбердиева Х. Х. *- ОБМ тингловчиси*
Авезов Х. Ш. *- ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РАДИОЧАСТОТА СПЕКТРИ ЙЎНАЛИШИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ

Ҳозирги кунда барча мамлакатларда радиоэлектрон воситалар (РЭВ) кенг қўлланилмоқда. РЭВлардан кенг фойдаланиш кенг йўлга қўйилмаган бирон бир ривожланган мамлакатни топиш қийин. РЭВлар ўз нима деганда, бунга - бу бир ёки бир неча радиоузатувчи ёки радио қабул қилувчи қурилмалар ва ёрдамчи ускуналардан иборат бўлган, радиоалоқа, радионавигация, радиолокация, механизм ҳамда яхлит комплексларнинг телебошқаруви, коинот, ер, ерости, океан, атмосфера ва ҳ.к.ларни тадқиқот қилишга хизмат қиладиган техник воситалар деб таъриф берса бўлади.

РЭВларнинг ишлаш муҳити радиочастота спекторидир (РЧС). РЧС кўзга кўринмайдиган, сезилмайдиган, ҳид таратмайдиган табиий ресурс, жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган секторларидан бири – электралоқа соҳасининг асоси ҳисобланади. РЧС ресурс сифатида ўзига ҳос хусусиятда эга, у вақт бўйича чегараланмаган, аммо ҳажм бўйича чегараланган, шунинг учун ундан фойдаланишни режалаш онсон, аммо самарали фойдаланишни шакллантириш мураккаб масаладир.

Ҳозирги даврда янги технологияларни ярататилиши РЧСга бўлган эҳтиёжни астрономик даражада оширмоқда. Шу муносабат билан РЧС имкониятларида самарали фойдаланиш учун янги технологияларни РЧСнинг ҳали ишлатилмаган қисмларига мослаштириш ёки мавжуд тизимларда бу ресурсдан оқилона фойдаланишни шакллантиришни талаб этади.

Бирламчи, бу соҳанинг ривожланиш тарихининг босқичларида РЭВлардан фақат симсиз телеграф ҳамда денгиз кемалари билан алоқа ўрнатиш учун фойдаланилган. Ўша даврларда ҳам РЭВларнинг сони кам ва қуввати паст бўлишига қарамасдан, улар фойдаланган километрли ва гектометрли тўлқинларнинг етишмовчилиги муаммоларни вужудга келган.

Иккинчи босқичда РЭВлар радионавигация, телерадиоэшиттириш, радиолокацияда мақсадларида қўлланган. Фойдаланиш учун декаметрли тўлқинлар диапазони (қисқа тўлқинли диапазон) забт этилди. Айнан шу вақтларда РЧСдан фойдаланаётган турли хизматлар ўртасида радиочастота полосаларини тақсимлаш ишларининг халқаро даражада мувофиқлаштириш зарурияти вужудга келган. Халқаро телеграф иттифоқи сифатида 1865 йилда вужудга келган ташкилот 1947 йилда Халқаро электроалоқа иттифоқи номи билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг телекоммуникация ва радиоалоқаси соҳасида махсуслаштирилган ташкилоти сифатида қайта шакллантирилган. Бу ташкилотнинг фаолияти мантиқий якуни сифатида турли радиохизматлар учун РЧСни тақсимлашни назарда тутувчи, шунингдек фойдаланишнинг умумий қоидаларини белгиловчи биринчи халқаро регламент тузилган. Шундан бошлаб қайта кўриб чиқилаётган ва янги давр

талабларига мослаштирилаётган радиоалоқа регламенти РЧСнинг ўзлаштириш суръатини объектив акс эттирди.

РЭВлар сони, хизматлар тури ортиши электромагнит майдонларни тўйинишига ҳамда бир-бирига радиохалақитларни содир этишига олиб келди. Бу муаммони ҳал этиш учун электромагнит мослашуви (ЭММ) ҳисоби юритила бошланди. ЭММ - бир вақтнинг ўзида кўплаб РЭВларда фойдаланиш шароитини яратиш, бошқа РЭВларга таъсир этадиган радиохалақитларни юзага келтирмаслик қобилиятидир.

РЧСдан фойдаланишни бошқаришнинг бирламчи вазифаларидан бири радиохизматлар ўртасида радиочастота полосаларини истиқболли тақсимлашдир. Айнан шу жараёнда радиочастота спектридан самарали фойдаланишнинг ўта муҳим масалалари ҳал этилади. Ҳар бир радиохизмат учун тақсимланадиган частота полосаларининг чегараси, тақсимлаш мақоми, мослашув шартлари, радиохизматлар бўйича радионурланиш параметрларининг асосий нормалари белгиланади.

Яна бир муҳим вазифалардан бири – бу радиоалоқа хизматларнинг фаолият бўйича умумий қоида ҳамда меъёрларни қабул қилиш, РЧСни тақсимлаш режасини ишлаб чиқиш, нурланиш қўйилган параметрларни аниқлашдан иборат.

Бу вазифалар стратегик маънога эга, чунки бунда РЧСдан фойдаланишнинг самарали бошқаришни умумий масалалари ҳал этилади.

Яна бир локал характердаги масалалар, бу халқаро ва миллий радиочастота органларининг қарорларини бажариш бўйича вазифаларни бирлаштириш. Буларга РЭВни ишлаб чиқариш ва сериялаш, радиоалоқа линия ва тармоқларини лойиҳалаш ҳамда ишини ташкил этишдир.

Янги технологиялардан янада кенгроқ фойдаланиш мамлакат алоқа инфратузилмаси ва унинг иқтисодиётини яхшилаш учун катта имкониятларни яратди. Замонавий технологик ривожланиш РЧСни турли хилда қўллаш имконини беради ҳамда бу тур ресурсга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжни келтириб чиқарди. Демак, РЧС ўз аҳамиятига кўра нефть, газ, кўмир ва ш.ў. ресурслардан қолишмайдиган қимматли миллий ресурсдир.

Бинобарин радиочастота спектри таббий ресур бўлар экан, демак ундан ҳам нефть, кўмир ва бошқа таббий ресурслар сифатида даромад олса бўлади. Хусусан юқорида номи зикр этилган Халқаро электроалоқа иттифоқи томонидан МСЭ-R SM.2012-5 рақамли “Спектрни бошқаришнинг иқтисодий жаҳатлари” номли ҳисоботи жорий этилган. Бугунги кунда мамлакатларда радиочастота ресурсидан турли мамлакатларда иқтисодий бошқариш тажрибалари ҳамда натижалари берилган.

Мазкур тажриба асосида бизнинг мамлакатимизда ҳам иқтисодий тажриба бор. Масалан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 октябрдаги 429-сон “Ўзбекистон Республикасида радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида

Низомнинг 7 бандида “Халқаро Электр Алоқаси Иттифоқининг Радио алоқа шўъбасининг (ХЭАИ-Р SM.2012) тавсиясига мувофиқ йиллик тўловлар қуйидаги формула бўйича аниқланади” деб **F=BxGx(ExT)** формуласи берилган.

Бунда:

F - фойдаланувчи тўлаши керак бўлган тўлов;

B - частота полосаси кенглиги, МГц ҳисобида;

G - хизмат кўрсатиладиган географик зонани ҳисобга олувчи коэффициент;

E - фойдаланиладиган радиочастота спектрининг тижорат қимматини ҳисобга олувчи коэффициент;

T - Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдори.

Мазкур қарорда хизмат кўрсатиладиган географик зона учун республиканинг мавжуд маъмурий-ҳудудий бўлиниши қабул қилинади, бунда битта минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар) учун G=1 қабул қилинади. Тошкент шаҳри учун G=3 коэффициенти қўлланилиши берилган.

1-жадвал.

Радиочастота спектрининг тижорат қиммати коэффициенталари[1]

/р	**Алоқа тури**	**E коэффициенти**
	Кўчма радиотелефон алоқаси (транкинг алоқа)	30
	Умумий фойдаланиладиган уяли радиотелефон алоқаси	85
	Кўчма радио алоқа	15
	Шахсий радио чақирув (пейжинг)	25
	Тармоқнинг ОВЧ ЧМ каналларини тиғизлаштирган ҳолдаги шахсий радио чақирув (пейжинг)	65
	Йўлдош алоқа	55
	MMDS, NMDS ва MVLS туридаги тизимлардан фойдаланган ҳолда телевизион дастурларни тарқатиш	50
	Телевидение ва радиоэшиттириш нодавлат дастурларини тарқатиш, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларининг тижорат трансляцияси	40
	Маълумотларни симсиз узатиш (2400 - 2483,5 МГц ва 5000 - 5999 МГц радиочастоталари полосаларидаги wi-fi технологиялари бундан мустасно)	70

Аммо бу коэффициентлар ўзига радиочастота спекотри қадрини белгилаб берган бўлса ҳам вақт ўсиб, радиоалоқа турини ривожланишига иқтисодий юклама ҳам бўлмоқда. Хусусан сунъий йўлдош алоқа тизими учун белгиланган 55 коэффициенти бу тур хизматларни мамлкатимизда ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Чунки сунъий йўлдош алоқаси одатда мамлактнинг катта қисмини қамрайди, хусусан бунда бир сунъий йўлдош алоқаси тизими Ўзбекистон Республикаси худудини тўлалигача қамраши мумкин ва бунда хизмат кўрсатиладиган географик зонани ҳисобга олувчи коэффициент G барча худудий зоналар йиғиндисидан иборат бўлади.

[1] Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Умумий фойдаланиладиган уяли радиотелефон алоқаси тижорат қиммати коэффициенти 85 деб белиланган. Бу жадвалдаги энг баланд коэффициент бўлгани билан мобиль операторларга маълум вақтлар ажратилган диапазонлардан фойдаланиш жараёнидан олинган даромаднинг кичик қисмини ташкил этган. Аммо бугунги кунда мобиль алоқа операторлари жуда катта миқдордаги диапазонлардан фойдаланмоқда. Хусусан 5G технологиясини тадбиқ этиш учун ҳозирги кунда буюртма берган ҳар бир операторга 100 МГц частота диапазонидан берилмоқда (лекин бу етарли эмас) ва тижорат коэффициенти, худуд коэффициенти, частота полосаси кенглигининг ҳисоби катта тўловларга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 октябрдаги 429-сон “Ўзбекистон Республикасида радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Радиочастота спектрини бошқаришни ташкил қилиш ва фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ-2651-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида рухсат этиш ҳамда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги 2020 йил 22 декабрдаги 801-сонли Қарори.

III-ШЎЪБА. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Расулова Д.В. *- ОБМ кафедра мудири,и.ф.д., проф.*
Алиев Ғ.М. *– ОБМ тингловчи*

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ - ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор механизмларини кенг жорий қилиш тамойилларига асосланган ислоҳотларнинг янги босқичида давлатнинг иқтисодиётдаги ролини камайтириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш бўйича навбатдаги ишларнинг натижадорлигини ошириш бугунги кунда иқтисодиётни бошқаришнинг аниқ, шаффоф ва натижага йўналтирилган механизмини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир[1].

Шу мақсадда самарали макроиқтисодий сиёсатни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги этиб қайтадан ташкил этилди. Эндиликда вазирликка нафақат иқтисодий ўсишни таъминлаш, тармоқларни ривожлантириш, балки камбағалликни қисқартириш масалалари ҳам юклатилди. Камбағалликни қисқартиришнинг асосий йўналиши эса бу фуқароларни фаровонлигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб қилишдир.

Камбағаллик тушунчасининг ягона таърифи мавжуд эмас. Биринчи таърифга кўра камбағаллик - инсоннинг бирламчи эҳтиёжларини (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни-сақлаш) қондиришга имкониятнинг мавжуд эмаслигини бўлса, яна бир таърифда - танлов эркинлигининг чекланганлиги ёки кунига харид қилиш паритетига кўра 1,90 доллардан кам миқдорга кун кечириш камбағаллик деб аталади. Шунингдек, кунлик истеъмолидаги озиқ овқатнинг калорияси 2100 дан кам миқдорда бўлган аҳоли қатлами ҳам камбағалликда кун кечираётган аҳоли деб аталиши мумкин.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги** 2020 йил 26 март, ПФ-5975-сон фармони.


Умумий олиб қараганда, камбағалликни баҳолаш бир нечта аниқ белгиланган кўникма ва усулларни талаб қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил февралдаги парламентга мурожаатида илк бор Ўзбекистон аҳолисининг камбағал қатлами ҳақида сўзлади. Республика аҳолисининг 12-15 фоизи камбағал экани, уларнинг умумий сони 4,5-5 миллион нафарлигини таъкидлади.

Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир[1].

Сўнгги йилларда аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган «Ҳар бир оила — тадбиркор», «Ёшлар келажагимиз» ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 трлн сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди.

Мазкур дастурлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда.



1-диаграмма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигидаги кўрсаткичлари таҳлили[2]

Маълумки, 2010 йилда 2005 йилга нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигидаги улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошгани намоён бўлди. Агар 2005 йилда умумий иш билан таъминланган аҳолининг қарийб 65 фоизи хусусий секторда фаолият кўрсатган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 79,3 фоизга, 2015 йилда эса 82,1 фоиз (тарихий максимум) га етди. Сўнгги 5 йилда хусусий бизнеснинг улуши камайгандек бўлгани билан амалга оширилган ислоҳотлар натижасида 2020 йилда ушбу кўрсаткич 81,2 фоизга етди.

Ривожланган давлатлар тажрибаси тадбиркорлик миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишда, уни барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашда, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш,

[1] https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020 - Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан

[2] **Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришда ўта муҳим рол ўйнашидан, ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбайи эканлигидан яққол далолат беради. Ўзбекистон учун хусусий тадбиркорликнинг меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ёки ўзини ўзи банд қилиш, унинг даромадини ошишидаги аҳамияти, айниқса, муҳимдир.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти[1] аъзо мамлакатларда тадбиркорлик муҳитининг бизнес юритиш учун енгиллиги ва кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМда улуши юқорилиги билан ажралиб туради. Жумладан, Буюк Британияда 52 фоиз, Германияда – 53 фоиз, Финляндияда – 60 фоиз, АҚШ – 62 фоиз, Нидерландия, Японияда 63 фоизни ташкил қилади. Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич 2020 йилда 53,9 фоизни тенг бўлган.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий ривожланишида ва аҳоли бандлигини таъминлашда қуйидаги устунликларга эга эканлигини таъкидлаш лозим:

– мавжуд имкониятлардан фойдаланиш йўлларини топиш орқали барқарор ва муттасил иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиши;

– ер, иш кучи ва сармоя каби ресурслардан фойдаланиб, уларни товарлар ва хизматларга айлантирган ҳолда ЯИМ ва жон бошига даромадларни кўпайтириши;

– тўғридан-тўғри ва билвосита иш ўринларини яратиши;

– кичик бошланғич сармоя билан бизнесни ташкил этиши, инвестицияларни тез ўзлаштириши ва юқори самарадорлик, кўпчиликни тадбиркорлик сафига қўшилишга руҳлантириш, бизнеснинг янада ривожланиши ва аҳоли бандлигига кўмаклашиши;

– мамлакат иқтисодиётининг мувозанатли ривожланишига ҳисса қўшади, чекка ҳудудларда корхоналар ташкил қилиши, чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиб, фойда олиши, ушбу ҳудудларга тўғридан-тўғри ёки билвосита инвестиция киритиши ва ушбу минтақанинг янада ривожланишига олиб келиши;

– арзон нархларда асосий истеъмол товарларини ишлаб чиқариш корхоналарни ташкил этиши, уларнинг турларини кенгайтириши, инновацион технологияларни жорий этиш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига аҳолининг турмуш даражасини ошириши;

– импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товарлар ва хизматларни кенг миқёсда экспорт қилиш, мамлакатга валюта кириб келишига ҳисса қўшиши орқали мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди.

Жанубий Кореянинг кичик бизнесни тартибга солиш тажрибаси диққатга сазовор, у ерда «Кичик бизнес – иқтисодий ўсишни ҳаракатлантирувчи кучдир» деган шиор давлат даражасига кўтарилиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва салоҳиятини ташкил қилади.

[1] Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти, ингл. OECD, Organization for Economic Cooperation and Development – вакиллик демократияси ва эркин бозор иқтисодиёти тамойилларини тан олувчи ривожланган давлатларнинг халқаро иқтисодий ташкилоти.

Корхоналарнинг умумий сонида кичик ва ўрта бизнеснинг улуши 99,9 фоиз, иш билан бандликнинг 87,9 фоизи, экспортнинг 37,5 фоизини ташкил қилиб, иқтисодиётда муҳим ўрин тутади. Жумладан, бандликнинг 38 фоизи микрокорхоналарга, 25 фоизи кичик корхона, 25 фоизи ўрта корхона ва 12 фоизи йирик ва глобал корхоналарга тўғри келади[1].

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда ўндан ортиқ ташкилот машғул бўлиб, уларнинг аксарияти ҳукуматга тегишли. Шу жумладан, Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес ва стартаплар вазирлиги, Корея тижорат ва саноат палатаси, Корея савдо корпорацияси, Корея кичик бизнес халқаро савдо корпорацияси, Корея иш берувчилар федерацияси ва бошқалар. Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес ва стартаплар вазирлиги бизнеснинг ўсиши, корхоналарнинг барча босқичида – стартапдан кичик – ўрта ва глобал корхонага қадар ривожланиши билан боғлиқ турли сиёсатни амалга оширади.

Технология ва билимга асосланган стартапларни рағбатлантириш бутун бизнес муҳитига инновация ва фаолликни олиб келади. Шу мақсадда янги ғояларни татбиқ этиш орқали уларни янги компанияларга айлантириш, сармояларни жалб қилиш, бизнесга инвестиция киритиш ва қайта инвестициялашни енгиллаштирадиган молиялаштириш йўлларини ҳамда корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширадиган механизмларни ишлаб чиқади. Бошқа идоралар эса бозорни ўрганиш, тадбиркорларни тегишли зарур маълумотлар билан таъминлаш, жаҳон бозорига чиқишга ёрдам бериш, солиқлар, божхона тарифларини камайтириш ва имтиёзли кредитлар олиш масалалари бўйича фаолият юритади.

Ривожланган мамлакатларда аксарият кичик бизнес умумий овқатланиш, савдо, транспорт хизматлари, туристик, экскурсион, маиший хизмат ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритади.

Ушбу соҳада **Япония** тажрибасини кўриб чиқадиган бўлсак. Бугунги кунда Японияда 6,5 миллион корхона кичик бизнес корхоналаридир. Уларда 54 миллион киши ишлайди. Бу Япониядаги бутун ишчи кучининг 80 фоизи демакдир. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қарийб 63 фоизни (3 триллион долларга яқин), экспортдаги улуши эса 18 фоизни ташкил этади[2].

Япония кичик бизнес мамлакатдаги мавқеини бу даражада юқори бўлишига асосий сабаб бу кичик бизнесни қўллаб-қувватлашдир. Эътиборга молик томони, ушбу рағбатлантиришлар нафақат марказий ва маҳаллий ҳукумат томонидан турли солиқ, банк имтиёзлари, субсидиялар кўринишида балки, йирик бизнес вакиллари томонидан техник ва консалтинг ёрдамлари, тренинглар, мустақил уюшмалар томонидан кўрсатиладиган амалий ёрдамлар кўринишида ҳам намоён бўлади.

Японияда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларининг асосийлари қўйидагилар:

[1] Ministry of Small and Medium Enterprises and Startups of the Republic of Korea.
[2] https://www.stat.go.jp/ - JAPAN STATISTICAL YEARBOOK 2021

- Имтиёзли кредитлар (Японияда оддий кредитни 4-8% билан олиш мумкин бўлса, у ҳолда кичик ва ўрта бизнес учун "имтиёзли кредит" - бу кредитдан фойдаланиш учун фоиз ставкасининг ярмини билдиради);
- Японияда кичик ва ўрта бизнес корхоналар билан бевосита ишлашга ихтисослашган банклар ташкил этилган;
- Кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзлари ва солиқ таътиллари тақдим этилади;
- Давлат кичик ва ўрта бизнесга замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлашда ёрдам беради;
- Давлат томонидан илмий-техник дастурлар (янги техника ва технологияларни ихтиро қилиш ва қўллаш) учун қайтарилмайдиган молиявий ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ҳам кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва бу орқали аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида бир қанча давлат дастурлари, фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Бу эса албатта тез фурсатларда ўз натижасини намоён қилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан 20201 йилнинг 20 августида бўлиб ўтган учрашувда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бир қанча енгилликлар бериш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар ва бу бўйича зарур топшириқлар бердилар. Жумладан,

- Тижорат банкларининг кредитлар бўйича ставкаларни пасайтириш ва валюта хатарларини суғурталаш;
- Микромолия ташкилотларини лицензиялаш тартибини бекор қилиш;
- Солиқ тизимини такомиллаштириш ва бизнесга солиқ юкини камайтириш;
- Тадбиркорлик фаолитини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш;
- Кичик бизнесни экспорт фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларнинг қўллаб-қувватлаш;
- Тадбиркорликка оид тартиб-тамойилларни соддалаштириш.

Юқорида келтириб ўтирилган йўналишларда зарур чоралар кўрилганда ҳамда кичик бизнес ва меҳнат бозорининг институционал муҳитини фаол ривожлантириш натижасида иқтисодиётнинг динамик барқарор ўсиши, диверсификацияси ва рақобатбардошлигини ҳамда аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасининг ўсишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”. – Т.: 2020 йил 26 март, ПФ-5975-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Аҳолини тадбиркорликка жалб килиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни

ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Т.: 2020 йил 13 октябрь, ПҚ-4862-сон.

3. Эшов М.П. “Тадбиркорликни ривожлантириш – аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий воситаси”. Иқтисод ва молия журнали. 2019 йил 11-сон.

4. Дусматов С.М., Тагаев Б.Э. “Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар”. Монография. 2017 йил.

5. A World Bank Group Flagship Report. Doing business 2019. Training for reform. Economy Profile Uzbekistan. Comparing Business Regulation for Domestic Firms in 190 Economies.

6. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. // Статистик тўплам. –Т.: 2017.

7. https://president.uz/uz

8. https://stat.uz/uz/

9. https://review.uz

10. https://uzreport.news/

11. http: // www.gov.uz

12. https://www.stat.go.jp/

Alimbekov Sh. *- Chief Specialist,Development Strategy CenterIndependent applicant of the 1st year (PhD)*

MEASURES TO COMBAT POVERTY: THE PRACTICE OF UZBEKISTAN AND EXPERIENCE OF PEOPLES REPUBLIC OF CHINA

In Uzbekistan, from 2020, a lot of attention is paid to a new approach to combat poverty. In particular, in the Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis on January 24, 2020, the fight against poverty was identified as a priority. According to the petition, the share of the poor population in the country, which does not have a sufficient source of income, is about 12-15 percent, or 4-5 million. population. The statement stressed the need to implement a comprehensive economic and social policy to reduce poverty - to awaken the entrepreneurial spirit in the population, to fully realize the inner strength and potential of man, to create new jobs [1].

In his speech at the 75th anniversary session of the UN General Assembly on September 23, the President also called poverty reduction and fight against it one of the main topics of the next UN session, as well as the initiative to hold a Global Summit on this topic is aimed at finding an effective solution to one of the most important tasks facing in front of her [2].

Curently some aspects of chinise experience are being introduced in ubzek model of poverty reduction, structural reforms in economy are going on. Secondly it was created and institutional basis of poverty reduction system. And thirdly

schemes of financial support in order to create permanent source of income for poor people, improve professional and entrepreneurship skills are being implemented.

In 2020 completed work, a total of 378.1 thousand new jobs were created in the Republic. In particular, 168.9 thousand new jobs were created in small businesses with 66 thousand new legal status in the last year as a result of granting privileges and preferences to business entities with the aim of organizing their activities, preserving existing jobs and restoring temporarily suspended jobs.

In 2020, 332.8 thousand temporarily unemployed citizens were recruited to permanent jobs by the district (city) Employment Promotion Centers for employment of the population.

Systematic measures were taken to educate the unemployed population on the profession. In particular, the number of unemployed citizens trained in the profession on the basis of trips to the labor authorities amounted to more than 45 thousand (of which 25 thou. young people, 31.1 thou. women), about 14 billion sums were allocated from the State Fund for Employment promotion for their scholarship and educational expenses [3].

In particular, the number of unemployed people trained on the basis of referrals of labor agencies is more than 45.0 thousand (including 25 thousand young people, 31.1 thousand women), about 14.0 billion soums were allocated from the State Fund for Employment promotion for their scholarships and tuition fees.

In accordance with the decree of the President of the Republic of Uzbekistan 14 "Ishga Marhamat (Welcome to work)" mono - centers, 30 vocational training centers, 11 short-term vocational training courses, 136 vocational training centers have been established in the regions in order to introduce effective rules of the labor market in our country, to train poor and unemployed citizens to modern professional and entrepreneurial skills. In this direction, 41 billion soums were transferred from the account of the State Fund for Employment Promotion [4].

Involvement of the population in entrepreneurship.

With the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On improvement of the system of attracting the population to entrepreneurship and additional measures for the development of entrepreneurship" on october 13, 2020 in order to improve the system of attracting the population to entrepreneurship, reduce poverty and continue the ongoing reforms for the development of entrepreneurship, the competent offices of the agency in Karakalpakstan, regions and Tashkent city were established. In 2020, 93 214 thousand new small businesses were created [5].

Within the framework of family entrepreneurship development programs, a total of 6 078.5 billion soums of loans were allocated to 215 thousand projects. In particular, 4,769.3 billion soums (183,699 projects) under the program "Every family is an entrepreneur", 427.8 billion soums (1,818) under the program "Youth is our future" [6].

In addition, the State fund for support of entrepreneurship activity provided 5.6 trillion soums of guarantees for 14.5 trillion soums of 7437 business entities, 3.8

trillion soums of compensation for 29.9 trillion soums of loans were allocated to 19537 business entities [7].

Measures envisaged in 2021 year

Under the presidential decree, the State Program on implementation of the Action Strategy on five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 in the "Year of Youth Support and Public Health" was adopted, according to which a number of reforms were envisaged in 2021 on poverty reduction and improvement of living welfare.

In particular, in order to support low-income families in need of social protection:

- organization of family and other types of farm cooperatives consisting of small plots of 0.1-1 hectares in 5% of the main irrigated areas and 30% of the secondary irrigated areas in each region;
- supply and export of food products to the domestic market by increasing the production of quality and export-oriented products by cooperatives.

According to the State Program, training of 70 thousand unemployed citizens in 40 professions, training of unemployed citizens in entrepreneurship, training of 50 thousand citizens in foreign languages for organized labor migration and practical measures are also planned to cover the educational costs of citizens included in the "Iron book", "Women's book", "Youth book" by the Employment Promotion Fund, youth and women's education costs (1 million soums) by the Agency for Entrepreneurship Development.

Measures envisaged until 2030 year.

In 2021-2030, a project on poverty reduction strategy was developed in Uzbekistan. According to him, this strategy is implemented in two stages – short and medium (2021-2025 yy.) well far (2026-2030 yy.) the deadlines are set to be implemented. Complete formation of social protection of the poor through the "Single Register of Social Protection", with coverage of this category of the population to 85% in 2025 and 100% in 2030.

Achieving full employment of the poor, with a gradual increase in the quota of jobs for more than 100,000 needy citizens per year. Enrolling 50 thousand of the poorest level of the population willing to self-employment, allocating subsidies for starting a business, purchasing tools of labor, and other purposes.

Ensuring the employment of 50 thousand poor people through the training them in professional, foreign language and entrepreneurial skills and the start of their activities through the allocation of microcredits in their chosen field.

Increase the level of coverage of children of poor families with preschool education from the average level of coverage, by 2025 to 600 thousand, by 2030 to 800 thousand children of needy and low-income families, at the beginning of the school year purchase one-time school supplies and clothing; to help 2,000 to 5,000 children from needy family’s study at universities.

Focus on strengthening social protection, education and rehabilitation of children from poor families with disabilities. Also to provide 100% free access to

health services for the poor, to issue annual warrants and referrals to sanatoriums for 5,000 needy people included in special registers in order to restore and improve their health.

Provide housing for the needy, the poor living in difficult living conditions, first of all, 1,500 women a year, to cover rent payments up to 10 thousand and payment of initial contributions and subsidies for the purchase of an apartment from a multi-storey apartment, which is cheapened for 20 thousand of low-income families. It is also planned to halve the poverty rate by 2030 through the timely and quality implementation of all the above measures.

Experience of China

Today China with it's strategy is a role model to combat poverty. China took a lot of measures to reduce poverty and achieved significant results. Within 40 years of conducting policy of reforms and transparency the level of poverty decreased from 97% to 0.6%. Also China made a great input in global poverty reduce campaign.

China's success over this period are due to providing a strong political guarantee for poverty reduction by the party (government), people-centered development concept, mobilizing efforts by party for a common goal, targeted assistance to the poor people, improving professional skills of poor people, mutual assistance and support in society.

An important feature of China's strategy is adopting strict criteria to know when and how to deregister those who have emerged from poverty. China established a mechanism on the standards and procedures of elimination people, villages or regions from the poverty list. This measure prevents manipulations by people who have cope with poverty but continue to receive preferential treatment. The government of China has created a plan of deregistration people from poverty list to provide rational exit from the registers. For instance, in case of individuals, public review is conducted and in case of villages and regions government examination. The most important thing is that every procces is transparent and under review of the public [8].

Another distinctive feature of chinise model is to counduct monitoring to help people to stay out of poverty. Such method will regularly observe specific groups, which have emerged from poverty however still not secure, people who can fall back in poverty again, and people having difficulties in purchasing their basic needs due to accident and disasters.

Leadership and team-building is an important part in Chinese strategy to reduce poverty. It was established a management network where the central government coordinates all issues, provincial governments taking overall responsibility, and city governments control implementation. Officials are sent to certain area in order to study the situation and help every needy household. Committees of party assigned high level officials to take charge of poverty elimination affairs. 22 officials of provinces and administrative units signed written pledges to the Party Central Committee, and Party secretaries.

It is important to notice that application of the best practices of China probably can help to solve the issue related with poverty, as well as consider and supplement the priorities and goals of the UN and member states in this area in a new way, taking into account new challenges and opportunities.

List of literature

1. Борьба с бедностью начинается с мест https://review.uz/post/borba-s-bednostyu-nachinaetsya-s-mest.
2. Speech by the President of the Republic of Uzbekistan H.E. Mr. Shavkat Mirziyoyev at the 75th Session of the United Nations General Assembly https://www.un.int/uzbekistan/news/speech-president-republic-uzbekistan-he-mr-shavkat-mirziyoyev-75th-session-united-nations
3. Министерство экономического развития и сокращения бедности республики узбекистан https://mineconomy.uz/ru
4. Toshkent shaxridagi "ishga marhamat" monomarkaz http://www.monomarkaz.uz/?fbclid=IwAR3qqy-OD2qgr1UFChIR0DpkyomJaCUshrgob-9o_4clVQSZCnPJaCvmFC4
5. The share of small businesses in GDP of Uzbekistan was 53.9% in 2020 https://uzdaily.com/en/post/63253
6. Implementation of program "Every family is an entrepreneur" discussed https://uzdaily.uz/en/post/52281
7. Государство выплатило субъектам предпринимательства 5 трлн. 337 млрд. сумов https://nuz.uz/ekonomika-i-finansy/1176276-gosudarstvo-vyplatilo-subektam-predprinimatelstva-5-trln-337-mlrd-sumov.html
8. Poverty Alleviation: China's Experience and Contribution http://www.xinhuanet.com/english/2021-04/06/c_139860414.htm

Алиев Ғ.М. *– ОБМ тингловчиси*

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Давлат харидлари географик жойлашуви, ривожланиш даражасидан қатъи назар, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг катта қисмидир. Мамлакатимизда ўртача давлат харидлари ЯИМнинг 20 фоизини ташкил этади ва бу харид бозорларида хусусий секторлар учун жуда катта бизнес имкониятлар яратади.

Давлат харидларининг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, давлат харидлари бозорнинг тузилиши ва фаолиятига шунчаки сотиб олинган товар ва хизматлар миқдоридан ташқари таъсир қилади. Масалан, сотиб олиш сиёсати орқали давлат сектори фирмаларнинг рақобатлашишини рағбатлантиришга таъсир кўрсатади. Қисқа муддатли истиқболда давлат харидлари потенциал етказиб берувчилар ўртасидаги рақобатга таъсир қилиши мумкин; узоқ муддатли истиқболда давлат харидлари инвестициялар, инновациялар ва бозорнинг рақобатбардошлигига таъсир қилиши мумкин. Харидлар

бозорларига кириш тўсиқлари минимал даражага тушиб қолган ва рақобат жараёни ўз ролини ўйнаши мумкин бўлган жойда, хусусий сектор ривожланиб, кўпроқ рақобатлашишга ва янгилик қилишга интилади. Дарҳақиқат, бизнес, хусусан, кичик ва ўрта корхоналар давлат шартномалари учун рақобатлашишга адолатли имконият бўлган жойда, ўз фаолиятини янада ривожлантириш учун зарур туртки бериши ва ҳаттоки бошқа бозорларда талабни қондирадиган инновацион товар ва хизматларни таклиф қилади. Шунинг учун харидлар бозорларидаги рақобат кўп даражаларда муҳим аҳамиятга эга ва иқтисодиётда рақобатга узоқ муддатли таъсирларни шакллантириш учун харид сиёсатидан фойдаланиш мумкин.

Давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш билан бирга харидларда рақобат муҳитини ривожлантириш, оқилона харидларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг жалб қилиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Давлат харидлари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш баробарида иқтисодиётда ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, мавжуд имконият ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш натижасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни янада ривожлантириш имконини яратади. Шу мақсадда давлатимиз президенти томонидан “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори бунга яққол далил бўла олади. Қарорга асосан давлат харидлари тизимининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда уни янада такомиллаштириш ҳисобига корпоратив буюртмачилар, шу жумладан стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш[1] мақсадлари белгилаб олинган. Президентнинг парламентга қилган мурожаатномасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Шундан келиб чиққан ҳолда давлат харидлари соҳасида, 2021-йилдан:

- 24 та йирик давлат корхонасига давлат хариди бўйича очиқ-ошкора талаблар жорий етилади;
- барча давлат харидлари жамоатчилик ва Парламент назоратида бўлади;

“Бундан ташқари, 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдори 30 фоизга етказилиб, тадбиркорлар қўшимча 1,5 триллион сўмгача айланма маблағларга ега бўлади”[2], — дейилади мурожаатномада.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2019 йил 5 декабр, ПҚ-4544-сон.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - https://president.uz/uz/lists/view/4057

Ҳозирда мазкур соҳада харид қилиш тартиб–таомилларида инсон омилини қисқартириш ва ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланган холда тизимни такомиллаштириш борасида ислоҳотлар давом этмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги 37 сонли “Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб– таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги қарорида 2021 йилда давлат харидларини такомиллаштириш стратегиялари белгилаб берилди. Ушбу қарорда тизимдаги асосий ўзгаришларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

- тизимни бошқа тизимлар билан интеграциясини амалга ошириш;
- бюджет тизими бюджетлари маблағлари доирасида юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тартибига мувофиқ ахборотни шакллантириш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш;
- харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида давлат харидлари махсус ахборот порталида ахборот мажбурий тартибда жамоатчиликка ҳавола этилиши;
- давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларига ўз функцияларини бажариши учун мазкур тизимдан фойдаланиш имконияти.

Ушбу қарорнинг ижроси тариқасида давлат харидларини савдо платформасида фойдаланувчиларга қулайлик яратиш ва тадбиркорларни тизимдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида бир қатор ижобий ўзгаришлар киритилди.

Эндиликда тизимдан фойдаланиш анчагина қулай ҳолатга келган бўлиб, фойдаланувчиларга қуйидагича афзалликларни тақдим этади:

- Биржанинг барча савдо платформаларида иштирок этиш учун ягона рўйхатдан ўтиш етарли;
- Ягона клиринг тизими жорий этилиб, барча ҳисобварақлар бирлаштирилди;
- Махсус ахборот порталининг дизайни янги ахборот технологияларидан ва охирги тенденциялардан фойдаланган ҳолда мижозлар фойдаланиши учун қулай ва содда кўринишга эга бўлди;
- Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган товарларнинг ягона классификатори порталга бириктирилди;
- Аукцион, танлов, тендер, электрон дўкон харид турлари ягона порталга бирлаштирилди;
- Мобил илова дастури ишлаб чиқилди.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турганидек давлатимизда тадбиркорлик субъектларининг давлат харидлари тизимидаги иштирокини янада кенгайтиришда ҳукуматимиз томонидан чуқур ислоҳатлар олиб борилиши зарурлиги. Ушбу мақсадда кичик ва ўрта корхоналар тадбиркорларнинг катта қисмини ташкил этар экан, ҳукумат томонидан ушбу фирмаларнинг давлат харидлари бозорида иштирок этишларини рағбатлантириш йўлларини изламоқ лозимдир.

Хулоса тариқасида шуни айтиш жоизки, яхши ишлайдиган электрон харид порталларининг афзалликларини кенг эътироф этилади. Шаффофликни ошириш билан бир қаторда, улар бозорларга тенг ҳуқуқли киришни таъминлайди ва коррупция учун имконият яратадиган ўзаро муносабатларни камайтиради. Худди шундай, таклифларнинг хавфсизлиги бўйича олдиндан тахмин қилинадиган ва тартибга солинадиган талаблар етказиб берувчиларни бефарқ таклифларни тақдим этишдан қайтаради. Тўловларни ўз вақтида тўлаш етказиб берувчиларни, хусусан одатда катта пул оқимига эга бўлмаган кичик ва ўрта корхоналарни харидлар бозорида иштирок этишга ундайди.

Хусусий етказиб берувчиларни давлат бозорига киришига тўсиқларни аниқлаш орқали ҳукумат томонидан янада очиқ, рақобатбардош ва самарали давлат харидлари тизимини ривожлантириш учун ислоҳатлар олиб борилиши зарур. Натижада, хусусий етказиб берувчилар, хусусан, кичик ва ўрта корхоналар учун уларга оммавий бозорга киришга кенг имкониятлар яратилган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - https://president.uz/uz/lists/view/4057
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2019 йил 5 декабр, ПҚ-4544-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2021 йил 26 январ, 37 – сон.
4. Ўроқов У. Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун. «Бозор, пул ва кредит» журнали, Тошкент 2018 йил. 8-сон.
5. Д.Пўлатов, “Давлат харидларида хусусий секторнинг ҳамкорлиги” // Жамият ва бошқарув // Тошкент 2018 йил. 1-сон, 102-бет.

Bekmuratov J.R. *- OBM tinglovchisi*

LIZING MUNOSABATLARINING UMUMIY TAVSIFI VA RIVOJLANISHI

O‘zbekiston mustaqillikka erishgan dastlabki yillarda bozor munosabatlarining shakllanish jarayonida **“lizing”** tushunchasi fuqarolik huquqiy munosabatlarida qo‘llanilmas edi.

Bozor munosabatlari rivojlanib borib, uning huquqiy asoslari takomillashib borib, 1995-1996 yillarda qabul qilingan Fuqarolik kodeksida dastlab ijara munosabatlarida moliya ijarasi **“lizing”** shartnomasi sifatida qo‘llanildi.

Unga asosan “Lizing shartnomasi bo‘yicha lizing beruvchi (ijaraga beruvchi) bir taraf lizing oluvchi (ijaraga oluvchi) ikkinchi tarafning topshirig‘iga binoan sotuvchi uchinchi taraf bilan undan lizing oluvchi uchun mol-mulk sotib olish haqida kelishish majburiyatini oladi, lizing oluvchi esa buning uchun lizing beruvchiga lizing to‘lovlarini to‘lash majburiyatini oladi”(FK ning 587-moddasi).

Lizing – ishlab chiqarish korxonalari asosiy fondlarining asosiy qiymatini aylanma mablag‘ shaklida tezroq va qisqa muddatlarda qaytarishga ko‘maklashadi. Bunda lizing beruvchi pul mablag‘larini lizing obyektiga ishonchli joylashtirish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Natijada, lizing beruvchi joylashtirgan mablag‘lari evaziga lizing to‘lovlari tariqasida daromad olsa, lizing oluvchi ishlab chiqarish va boshqa qonuniy faoliyat uchun zarur bo‘lgan ashyolardan foydalanadi.

Lizing munosabatlarini tartibga solishni yanada takomillashtirish uchun 1999 yilning 14 aprelida O‘zbekiston Respublikasining “Lizing to‘g‘risida”gi qonuni qabul qilindi. Uning 2-moddasiga asosan “Lizing (moliyaviy ijaralar)ni ijara munosabatlarining alohida turi sifatida belgilaydi, bunda bir taraf (lizing beruvchi) ikkinchi tarafning (lizing oluvchining) topshirig‘iga binoan uchinchi tarafdan (sotuvchidan) haq evaziga 12 oydan oshadigan muddatda egalik qilish va foydalanish uchun lizing shartnomasida belgilangan shartlarda berib qo‘yish maqsadida mol-mulkni (lizing obyektini) oladi”.

Masalan, agar lizing beruvchi lizing obyektini nohalol lizing oluvchidan talab qilsa, mazkur obyekt takroran lizingga berilishi mumkin emas, chunki ushbu bitimda uchinchi taraf mavjud emas. Xuddi shuningdek, misol uchun, lizing chog‘ida korxona mol-mulkni mulk sifatida sotib olishi mumkin emas, faqat bo‘lg‘usi lizing oluvchilarni qidirishi kerak bo‘ladi. Lizing bitimi lizing oluvchining buyurtmasidan boshlanadi va shuning uchun ham lizing beruvchi lizing oluvchi tomonidan belgilab berilgan aniq turdagi lizing obyektini aniq sotuvchidan sotib olishi zarur bo‘ladi.

Qonunda lizing obyekti lizing oluvchining krediti (qarzi) hisobiga xarid qilingan taqdirda, aniq lizing obyektiga nisbatan lizing beruvchining kreditori va lizing oluvchi bir shaxs timsolida ish ko‘rishi taqiqlangan. Shu tariqa, misol uchun bank lizing beruvchiga kredit berishi, so‘ngra bu kredit hisobiga sotib olingan mol-mulkni lizingga olishi mumkin emas.

Qonunga ko‘ra lizing beruvchi, lizing oluvchi va sotuvchi lizing subyektlari hisoblanadi. Buning ustiga lizing beruvchi, lizing oluvchi va sotuvchi bo‘lib ham jismoniy, ham yuridik shaxslar chiqa oladilar. Qayd etish lozimki, shunga qaramasdan, “Xususiy tadbirkorlik to‘g‘risida Nizom”ga muvofiq tijoriy, shu jumladan lizing faoliyatini ham amalga oshirish uchun jismoniy shaxslardan xususiy tadbirkor maqomining bo‘lishi talab qilinadi.

Lizing shartnomasiga ko‘ra, egalik qilish va foydalanish uchun lizing obyektini oladigan shaxs lizing oluvchi deb hisoblanadi. Lizing oluvchi lizing obyektidan tadbirkorlik faoliyati uchungina foydalanadi.

Lizing munosabatlarida ishlab chiqaruvchi ham ishtirok etib, lizing obyektini bevosita o‘zi ishlab chiqaradi va sotadi. Lizing shartnomasida belgilangan shartlarga ko‘ra, ishlab chiqaruvchi to‘g‘ridan-to‘g‘ri lizing beruvchi bilan munosabatda bo‘ladi.

Odatda moliya ijarasida lizing beruvchi ham lizing oluvchi ham bo‘lib tijorat tashkilotlari va tadbirkor fuqarolar ishtirok etadi. Biroq, Fuqarolik kodeksi lizing beruvchi sifatida ishtirok qilish uchun maxsus ruxsatnoma olish yoki bu sohada malakali tadbirkor bo‘lishni talab etmaydi.

Rivojlangan mamlakatlardagi lizing bozori lizing xizmatlarining xilma-xilligi, lizing shartnomalari turining ko‘pligi va lizing jarayonlarining tartibga soluvchi huquqiy me’yorlarning serqirraligi bilan farq qiladi.

Amaliyotda lizingning to‘rtta asosiy turi uchraydi: operativ, moliyaviy, qaytarma va almashtirish (revolver) lizing.

Operativ lizing o‘z mohiyatiga ko‘ra aynan ijaraning o‘zi bo‘lganligi uchun O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi tomonidan 2002 yil 13 dekabrda qabul qilingan “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartishlar va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi 447-II-sonli qonunga muvofiq amaldagi qonunchilik me’yorlaridan chiqarib tashlandi.

Moliyaviy lizing uchun o‘ziga xos narsa shuki, ijara muddati odatda uskunaning xizmat muddatiga yaqinlashadi. Ijara muddati tugaganidan so‘ng lizing shartnomasi shartlariga muvofiq ijarachi uskunani sotib olib, o‘z mulkiga aylantirishi, yanada imtiyozli shartlar bilan shartnomani yangilashi yoki uskunani ijaraga beruvchiga qaytarishi mumkin.

Qaytarma lizing o‘z mohiyatiga ko‘ra, uch subyekt (ishlab chiqaruvchi, lizing beruvchi lizing oluvchi) munosabatlarini emas, balki so‘nggi ikkitasining munosabatlaridan iborat bo‘ladi. U shunisi bilan ajralib turadiki, uskunaning egasi uni lizing kompaniyasiga sotadi va so‘ngra o‘zi mazkur uskunani lizingga oladi. Uskunaning birinchi egasi mazkur uskunaning qiymatini to‘la-to‘kis oladi, bu puldan ishlab chiqarishni rivojlantirish uchun foydalanish, boshqa zarur narsalarini xarid qilish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Lizing beruvchi ham zarar ko‘rmaydi, chunki uning mablag‘i oborotda bo‘ladi va unga ijara to‘lovlari tarzida qaytib keladi.

Lizing oluvchiga texnologiya tartibiga ko‘ra birin-ketin turli uskunalar zarur bo‘lgan taqdirda, tomonlar **almashtirish (revolver) lizing** turidan foydalanadilar. Bunday holda, lizing shartnomasi shartlariga muvofiq lizing oluvchi ma’lum muddat o‘tganidan so‘ng lizingga olingan mol-mulkni boshqa lizing obyektiga almashtirish huquqiga ega bo‘ladi.

Iqtisodiy adabiyotlarga nazar tashlasak, ularda (ba’zan yuridik adabiyotlarda ham) lizing o‘zining ming yilliklar tarixiga ega, deb ko‘rsatiladi.

Chet el qonunlarining tahlili asosida lizing shartnomasining quyidagi umumlashtirilgan o‘ziga xos jihatlarini ko‘rsatish mumkin.

- ***Birinchidan***, lizing shartnomasi bo‘yicha lizing oluvchining foydalanishiga lizing firmasi tomonidan uning iltimosiga ko‘ra maxsus olingan texnik obyekt topshiriladi.
- ***Ikkinchidan***, lizing shartnomasi qoidaga ko‘ra, unda belgilangan muayyan muddatga tuziladi. Bu muddat lizing predmetining amortizatsiya muddatiga yaqinlashtirib belgilanishi bilan xarakterlanadi.
- ***Uchinchidan***, lizing to‘lovlarining umumiy summasi lizing predmetining qiymatini (amortizatsiyasini hisobga olgan holda), agar lizing

beruvchi kredit olgan bo‘lsa, qarz foizini, shuningdek lizing beruvchining xizmat haqini o‘z ichiga oladi. Demak, lizing to‘lovlarining hajmi lizing predmetini sotib olish bahosidan yuqori bo‘lib, ular o‘rtasidagi tafovut lizing beruvchining foydasini tashkil qiladi.

- ***To‘rtinchidan***, lizing shartnomasining muddati tugashi bilan lizing oluvchiga lizing predmetining qoldiq qiymati bo‘yicha sotib olish huquqi beriladi.
- ***Beshinchidan***, mulk ijarasi shartnomasidan farqli o‘laroq, lizing shartnomasi taraflarining huquq va majburiyatlari taqsimoti o‘ziga xos xususiyatga ega bo‘lib, bunda lizing oluvchi ijaraga beruvchiga nisbatan ko‘pgina majburiyatlardan ozod etiladi. Masalan: ijaraga beriladigan mol-mulkni ijaraga oluvchiga topshirish, mol-mulkning lozim darajadagi ekspluatatsiyasini ta’minlash va boshqa majburiyatlar shular jamlasidandir. Bu holat lizing munosabatlarida lizing beruvchining alohida o‘ringa ega ekanligidan va uning majburiyatlarining moliyaviy xarakterdaligidan dalolat beradi. Aksincha, lizing predmetining ekspluatatsiyasi va nobud bo‘lishi bilan bog‘liq xavflarni, shuningdek qo‘shimcha majburiyatlarni lizing oluvchi zimmasiga yuklaydi.
- ***Oltinchidan***, lizing beruvchi oldi-sotdi majburiyati bo‘yicha mol-mulkning sotuvchisiga nisbatan, muayyan huquqlar hamda majburiyatlar bilan ta’minlangan bo‘ladi.

Lizing faoliyatini respublikamizda to‘xtovsiz rivojlanib borayotganligi, ko‘p jihatdan bu sohadagi qonunchilik me’yorlarining yaratilishi va uning izchil rivojlantirilishi bilan bog‘liqdir. Lizingni yanada rivojlantirishga ushbu sohadagi mavjud qonunchilikni takomillashtirish orqaligina erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони//lex.uz/docs/3107036
2. Пацанов С.В., Управление маркетингом в лизинговой компании / // Маркетинг в России и за рубежом. – 2009. – № 3(71).
3. White Clarke Group Global Leasing Report 2020 (GLR). https://www.whiteclarkegroup.com/reports/global-leasing-report-2020
4. Адамов Н., Тилов А. Лизинг: правовая сущность, экономические основы, учет и нологообложениею СПб.: Питер, 2017. -85
5. БПК №5, 2019 (264)-32 б.
6. Газман В.Д. Лизинг: статистика развития. Учеб. Пособие для вузов – М.: Изд. Дом “ГУ ВШЭ”, 2008. -555 с.
7. Alexandra BOLEA, Roxana COSMA, Leasing as a modern form of business financing. Progress in Economic Sciences № 2 (2015)
8. Уралова, Л. В. Лизинг как особая форма аренды / Л. В. Уралова // Современные тенденции в экономике и управлении: новый взгляд. – 2014. – № 26.

Гулямов С.С. - *Академик*
Кенжабаев А.Т. - *Д.э.н., проф.*

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЦИФРОВОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ОНЛАЙН ЗАНЯТОСТИ В СОКРАЩЕНИИ БЕДНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Цифровые технологии развиваются с экспоненциальной скоростью, в корне меняя суть бизнеса, дематериализуют, демонетизируют и демократизируют каждую отрасль. Кроме того, они помогают найти источники повышения эффективности и возможности устойчивого конкурентного развития бизнеса и предпринимательства. В то же время, прорывные инновации требуют изменений в существующих моделях управления, переформатировки коммуникаций, технологий и организационной структуры предприятий на основе новых ценностей, приоритетов и ориентиров, основанных на партнерстве, клиентоориентированности, инновационности и синергии. В постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства принятое от 28 апреля 2020 года отмечается что….«развитие «цифрового предпринимательства» осуществляется путем производства программных продуктов и создания технологических площадок, увеличение объема услуг в данной сфере к 2023 году в 3 раза с доведением их экспорта до 100 миллионов долларов».

Цифровая экономика (экономика знаний) -это формирование новых бизнес-моделей управления на основе сбора и обмена больших данных (BIG DATA) с помощью ИКТ и Интернета, их переработки цифровыми технологиями и получения новых закономерностей и знаний для качественного удовлетворения потребностей населения в жизненных благах. Структура модели цифровой экономики любого государства должен отражать следующую пирамиду:

-Природные ресурсы;
-Материальные ресурсы;
-Производственные технологии;
-Информационный капитал (BIG DATA);
-Цифровые технологии и ПО;
-Человеческий интеллектуальный капитал.

Эту пирамиду поддерживает следующие сквозные технологии цифровой экономики:

1. Big Data технологии и их аналитика;
2. Технология интернет вещей (IoT - Internet of Thinks);
3. Мобильные технологии;
4. Облачные технологии (Cloud computing);

5.Технологии виртуальной (VR – virtual reality) и дополненной реальности (AR – augmental reality);

6. Нейротехнологии и искуственный интеллект (ИИ);

7. Цифровые платформы и экосистемы;

8. Квантовые технологии;

9. Робототехника и сенсорика;

10. Блокчейн и криптовалюта технологии;

11. Краудсорсинг и краудфандинг технологии;

12. 4.0 технологии;

13. Дроны;

Цифровая экономика является эффективным инструментом онлайн занятости в сокращении бедности в Узбекистане. Это доказывает всемирная практика в этой области. В октябре 2020 года Всемирный экономический форум огласил список будущих специальностей. По их расчетам к 2025 создаются 97 млн. новых цифровых рабочих мест (можно работать дистанционно) а 85 млн. старых сократятся. Основные востребованные специалисты к 2025 году:

1. Аналитики данных и учёные

2. Искусственный Интеллект и Машинное обучение

3. Большие данные (Big data) и аналитика

4. Цифровой маркетинг

5. Автоматизация процессов

6. Развитие цифрового бизнеса

7. Цифровая трансформация

8. Информационная безопасность

9. Программисты и ПО

10. Интернет вещей (Internet of Things.

В этом деле нам поможет цифровые гиганты Apple, Facebook, Amazon, Google, Microsoft, Alibaba, Uber, Marketplase, Ebay, капитализация которых составляет от 0,5 до 2,5 трлн. дол. Например капитализация Apple за 2019-2021 год выросла с 799 млрд. дол. до 2,4 трлн. дол. Рост почти 1,6 трлн. дол. Это около 300 тыс. новых рабочих мест в год. Сотни тысяч молодёжи всего мира дистанционно обустраиваются на работу в эти компании.

Исақова Н.М. – *ОБМ тингловчиси*

ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУАММОЛАР

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги

йилларда Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва иқтисодиётни либераллаштириш мақсадида давлат Раҳбари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўплаб норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

Бундан ташқари ҳозирги кунда вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб этган ҳолда аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши, турмуш даражасини яхшилашга интилиши ва манфаатдорлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган мотивацион чора-тадбирлар дастурларининг тасдиқланишини таъминланмоқда. Бунда муваффақиятли ёш тадбиркорлар ва тажрибали бизнес вакилларини жалб қилишга эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар ва белгиланган талаблар асосида бир қатор чора-тадбирлар кўрмоқда.

Жумладан: “Микрокредитбанк” АТБ томонидан нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган тингловчиларга тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз кредитлаш амалга ошириш;

-микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратиш.

Шуни ҳам такидлаш жоизки бир неча йиллар давомида республиканинг барча туман ва шаҳарларида, шу жумладан, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этилмоқда. Лекин мамлакатимиз олис ҳудудлари аҳолиси учун бундай билим ва кўникмаларни шахар марказларидаги аҳоли каби эгаллашлари учун ҳудудларда моддий техника базаси ва энг асосийси малакали тажрибага эга мутахассислар етишмайди. Мавжуд кадрларни эса малакасини доимий ошириб бориш тизимини такомиллаштириш зарур, уларни чет эл тажрибаларини ўргатиш мақсадга муқофиқ ҳисобланади.

Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқаритиш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби 2020 йил 30 июлда вазирлар Маҳкамасининг №460 қарорига асосан фаолиятини олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда олий мактабнинг Сурхондарё вилоят ҳудудий филиали томонидан аҳоли, ёшлар ва ҳотин-қизларни кичик бизнес ва тардбиркорликга ўқитиш, янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартириш, бизнес ва

тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг феврал ойидан бошлаб Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг Сурхондарё ҳудудий филиалида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турувчи, ишсиз деб рўйхатга олинган ва иш қидираётган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги бўлганлар ташкил қилинган ўқув курсларида фаол қатнашиб билим олишмоқда. Ташқил қилинган ўқув курслар мутлақо бепул ўлиб, ўқув курсларида ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш арафасида бўлган ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганларга бизнес режани тузиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, банкдан ҳисоб-рақам очиш, кредит турлари ва уларни олиш тартиби ва тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар бўйича атрофлича маълумот берилмоқда.

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Сурхондарё вилоят ҳудудий филиали томонидан 2021 йилнинг феврал ойидан бошлаб ташкил этилган ўқув курсларида 826 нафардан зиёд аҳоли, ёшлар ва ҳотин-қизлар бепул ўқитилиб, уларнинг 781 нафарига ўрнатилган тартибда сертификатлар тақдим этилди. Ушбу битирганларнинг 313 нафари ортиғи ўз фаолиятини бошлаган, 60 фоиздан ортиғи ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш арафасида ва қолганлари эса ўз тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш харакатида.

Ҳар бир ўқув курси якунлари бўйича тингловчилар ўзлари танлаган тадбиркорлик фаолияти бўйича бизнес-режа тузадилар ва тест топширадилар. Бизнес-режани муваффақиятли ҳимоя қилган ва тест синовидан ўтган тингловчиларга курс якуни бўйича сертификатлар тақдим этилади. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу ўқув курсларни ташкил қилишда маҳаллий ҳокимиятлар ва мутассади ташкилотлар яқиндан ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад Микрокредит олиб кейинчалик барқарор тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтирган ёки камбағаллик рўйхатидан чиққан банк мижозлари сони ва улуши ошиб боришини банк фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан (KPI) бири сифатида белгилаш, ҳамда микрокредитлаш бўйича бир қатор дастурлар доирасида касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш, аҳолининг молиявий саводхонликка ўқитишни ташкил этиш ва шу билан бир қаторда микрокредит олган тадбиркорлар фаолиятини доимий кузатиб бориш ҳамда уларга маслаҳат ва кўмак бериш институтини шакллантириш, банк мижозлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун харидорлар топиш ва бозорларни кенгайтиришда кўмаклашиш орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга э`тибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнесни ривожлантириш ўзгарувчан бозор иқтисодиётининг муҳим элементи ҳисобланади. Аҳолини(ёшлар ва хотин-қизлар) тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш тизимини яратиш орқали Қичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-

тадбирларининг бажарилиши мамлакат ялпи ички маҳсулотлари ўсишида энг муҳим ричак бўлиб ҳизмат қилиши керак.

Орифов Ж.Ф. *– ОБМ тингловчиси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА “ФРИЛАНС”НИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Жаҳондаги каби мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётга мос меҳнат бозорининг инновацион ривожланиш жараёни шаклланиб бормоқда. Мазкур жараён меҳнат бозорида иш билан бандликнинг инновацион шакллари ва турларини жорий этишнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг ўзига хос механизмини яратишни талаб этмоқда. Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорини ривожлантириш стратегияси замонавий ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни, бугунги глобал пандемия шароитида меҳнат муносабатдари ҳолатини назарий, услубий ва амалий жиҳатдан таҳлил этишни ҳамда, тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилашда фриланс ва масофавий иш билан бандликнинг афзаллик ва камчилик томонларини ўрганишни, ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш долзарблилигини белгилайди.

Ўзбекинстон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан сўзлаган нутқида камбағаллик муаммоси ва уни қисқартириш масаласига тўхталиб ўтди: “Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз керак: камбағалликни қисқартириш учун биринчи навбатда ишсизликни камайтириш керак. Аввало, аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларнинг иқтисодий ва молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда, айниқса аёлларимизда тадбиркорликка иштиёқни уйғотиш зарур.”[3] Дарҳақиқат, тадбиркорликни ривожлантиришда ва камбағалликни қисқартиришда ишсизликни камайтириш, аҳоли учун бўш иш ўринлари яратиш, ўз-ўзини банд қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва ўз-ўзини банд қилишга ўргатиш зарур.

Президент Шавкат Мирзиёев тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз аҳолисининг 12-15 фоиз ёки 4-5 миллиони камбағаллиги ва бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаётгани хақида ахборот бердилар [1]. Статистикага кўра 2019-йилнинг январ-июнь ойларида Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 9,1 фоизни ташкил этди, Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба иқтисодиётнинг расмий секторида банд кишилар сони 300 мингдан ортди. Ишга жойлашишга муҳтож аҳоли сони 1 342,6 минг шахсдан иборат бўлиб, ёшлар орасидаги (30 ёшгача) ишсизлик даражаси 15,1 фоизни, 15-25 ёшдагилар ўртасида – 16,8 фоизни, аёллар орасида эса 12,7 фоизни ташкил этди [4]. Камбағаллик муаммосини ҳал

этиш ва тадбиркорликни ривожлантиришда ишсизликни камайтириш давлат сиёсати даражасида экан, бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида ҳамда глобал пандемия ҳолатида карантин чекловлари ҳали тўла юмшатилмагани, касалликнинг янгидан-янги штаммлари пайдо бўлаётгани ва мамлакатимизга кириб келиш эҳтимолининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда иш билан бандликнинг фриланс каби замонавий усулларини тадбиқ қилиш йўлларини ишлаб чиқиш зарур деб ўйлайман.

Фриланс ўзи нима? Фрилансер сўзи инглизчада “freelancer” – штатсиз ишчи, хусусий мутахассис маъносини англатиб, буюртмачи томонидан тайинланган бирор хизматни кўп ҳолларда масофадан туриб бажаради ва иш берувчининг доимий ишчи-ходими саналмайди. Буюртмачи (иш берувчи) билан масофадан туриб боғланади, кўп ҳолларда ижтимоий тармоқлар орқали, электрон почта, “Skype”, “whatsapp”, “telegram” ва бошқа шу каби платформа ва иловалардан фойдаланади.

Фриланснинг устунликлари ва камчиликларини қандай? Иш билан бандликнинг фриланс шаклининг афзаллиги - ишчи ҳам, иш берувчи учун ҳам иш вақтидан оқилона фойдаланишдир. Иш билан бандликнинг фриланс ва масофавий ишлаш каби замонавий шакллари чегаралар ва узоқ масофалар билан чекламасдан исталган макондан иш берувчилар билан меҳнат муносабатларини йўлган қўйиш имконини беради [6]. Иш берувчи фрилансерни ишга жалб қилганда унинг маълумоти, ташқи кўриниши, ёши ёки жинсига эътибор қаратмайди ва аксинча асосий эътиборини бажарилган ишлари тақдоимоти асосида иш тажрибасига қаратади.

Фриланснинг асосий камчиликлари сифатида эса норасмийлик ва расмий ишсизликнинг ривожланиши деб қараш мумкин, чунки меҳнат муносабатлари ҳар доим ҳам расмийлаштирилмайди, бунинг натижасида ходим низолар юзага келганда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаслиги хатарлари мавжуд [5]. Бундан ташқари ижтимоий пакетларнинг йўқлиги, касаллик, қўшимча суғурта фрилансернинг ўз ҳисобидан бўлиши ва ёшга доир пенсия таъминотининг бўлмаслиги каби камчилик томонлари ҳам мавжуд.

Иш билан бандликнинг замонавий шакллари юқори мотивацияга эга бўлган ва салмоқли инсоний ва ижтимоий капиталга ега бўлган мустақил мутахассисларнинг пайдо бўлишига олиб келади [5]. Бу эса келажакда рақамли технологиялардан фойдаланиш ривожланишига олиб келади. Ўз навбатида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг янада ривожланиши, ишсизлик даражасининг камайиши ва камбағалликнинг қисқариши истиқболларини кенгайтиради. Шундай экан юқоридаги камчиликларни бартараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, фрилансингни ривожланиши учун керакли шарт-шароитларни яратиб бериш керак деб ўйлайман.

Бугунги кунда нафакат мамлакатимизда балки бутун жаҳон миқёсида фриланс ривожланиши учун шароит яратилибгина қолмай балки, талаб ҳам ортиб бормоқда. АҚШ ва Европада фриланс айниқса яхши ривожланган бўлиб, ахборот технологиялари дастурчиси, интернет веб-дизайнери, копирайтер, веб-сайтларни юргизиш бўйича СЭО мутахассис, 3D-

моделлаштириш бўйича мутахассислар, маркетологлар, реклама менеджерлари, инженер, архитектор, аутсорсер, молиявий консультант, бизнес тренер, чет тилларини онлайн ўргатувчи ўқитувчилар каби келажак касбларига талаб кундан-кун ортиб бормоқда. Юқоридаги мутахассисликларга эга фрилансерлар www.freelancer.com, www.upwork.com каби бир қатор фриланс биржаларига рўйхатдан ўтадилар ва ўзларига маъкул буюртмаларни қабул қиладилар. Ўзбекистонда эълон берувчи сайтларни ҳисобга олмаганда бундай фриланс биржалар йўқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда фриланс биржаларнинг яратилиши иш билан бандликнинг бу каби инновацион шаклларининг ривожланишига турки бўлади деб ҳисоблайман.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28-апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-4699-сонли Қарори ижросини таъминлаш жараёнида амалга оширилаётган ишлар натижаси фрилансинг каби иш билан бандликнинг замонавий шакллари ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва тадбиркорлик субеъктлари ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномалари, ишончнома, хисоб-фактура каби хужжатларни расмийлаштириш, корхона ва ходимлар ўртасидаги иш хақи билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ҳам тўлиқ рақамлаштирилиб бўлинди десак муболаға бўлмайди.

Фриланс сифатида фаолият юритишда ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларининг хавфсиз ва мукаммал бўлиши учун электрон шартномалар тузиш, меҳнатга хақ тўлашнинг хавфсиз ва адолатли электрон механизмларини яратиш, фрилансниг меҳнат бозори сифатида фриланс биржаларининг инновацион электрон платформаларини яратиш керак деб ўйлайман.

Бундан ташқари фрилансни бизнинг шароитимизда иш билан бандликнинг янги тури эканлигини ҳисобга олсак, аҳоли ва ёшларни касбга ўргатиш ва фриланс сифатида фаолият юритиш учун зарур билим, кўникма ва малакаларни ўргатиш керак деб ўйлайман. Президентимизнинг ўз нутқида: “келгуси йилда оилавий тадбиркорлик дастурлари, ишсиз аҳоли ва ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 13 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган” [2] – деб айтган сўзларини ҳисобга олсак келгуси йилда фрилансингни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи https://president.uz/uz/lists/view/3408

2. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 15-ноябр куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши https://president.uz/oz/lists/view/4763

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан сўзлаган нутқи https://www.xabar.uz/uz/iqtisodiyot/prezident-kambagallikni-qisqartirish

4. 2019-йил I яримйиллик якунлари. Бандлик масаласини ўрганиш, шунингдек, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш натижалари бўйича статистик маълумотлар https://mehnat.uz/oz/article/2019-yil-i-yarimyillik-yakunlari-bandlik-masalasini-organish-shuningdek-ishga-joylashishga-muhtoj-aholi-sonini-aniqlash-natijalari-

5. Насимов Д.А. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида иш билан бандликнинг замонавий шакллари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июл-август, 2020 йил.

6. Frey C. B., Osborne M. A. The future of employment: How susceptible are jobs to com-puterisation. – Oxford Martin Working Papers. – 2018.

7. https://www.oxfordmartin.ox.ac.uk/downloads/academic/The_Future_of_Employment.pdf.

Рахматов А.И. *- СамИСИ, таянч докторант.*

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ КЛАСТЕР МОДЕЛИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Таҳлилларга кўра, туристик кластерларни ташкил қилишдаги хорижий тажрибалар ичида энг муваффақиятга эришган давлатларда бири бу Хорватия туристик кластери ҳисобланади. Бу давлатда кластер қатнашчилари сифатида миллий туризм министрлиги, меҳмонхона комплекслари, туроператорлар, ресторанлар, транспорт корхоналари, дўкон эгалари, музейлар ва таълим, илмфан муассасалари қаралади. Маркетинг ва бренд, янги маҳсулот яратиш, кадрлар тайёрлаш, инфратузилма, норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва фаолиятни тартибга солиш каби масалаларни ечиш учун махсус кластер ишчи гурухи тузилган.

Хорватияда туристик кластерларни ривожлантириш стратегияси иқтисодиётни диверсификация қилиш стратегияси ҳисобланади. Туризм соҳасини диверсификация қилиш орқали туристик маҳсулотни сифатини ошириш ва мамлакат туризм индустриясини халқаро миқёсда рақобатбардошлигини оширишга эришилади. Хорватияда туристик кластер стратегиясининг муваффақиятга эришиши кластер қатнашчиларининг самарали ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Бу туристик кластерни ривожлантириш стратегияси асосида қуйидаги тамойиллар ётади: кенг миқёслилик, диверсификация, моддий ва маданий меросни сақлаш, барқарорлик, жамиятда туризмни ривожлантириш бўйича

ғоялар интеграцияси, сервис хизмат кўрсатиш сифати, кластер иштирокчиларнинг бу жараёнда ихтиёрий тартибда иштироки [1].

Бу стратегияни амалга ошириш учун қуйидаги стратегик мақсадлар қўйилган:

- ресурслардан ўзаро ҳамкорликда фойдаланиш ва уларни биргаликда бошқариш;
- манфатдор томонларни, шу жумладан, маҳаллий ҳамжамият вакилларини бу жараёнда фаол қатнашишини кафолатлаш;
- истеъмолчилар, тадбиркорлар ва маҳаллий аҳолини туризм соҳаси ва кўрсатиладиган хизматларга ижодий ёндашувини қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш;
- хусусий ва давлат сектори вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги;
- туристик дестинацияларда кооперацион алоқаларни ривожлантириш ва дестинациялар ўртасида рақобат курашини кучайтириш.

Яна бир эътиборга молик кластерлардан бири *Жанубий Каролина (АҚШ) туристик кластериди*р. Бу кластер битта штатда жойлашган бўлиб, турли хил мезонлар асосида фаолият юритувчи 11 та туристик дестинациядан ташкил топган. Бу кластернинг фаолиятига давлат аралашуви паст даражада ҳисобланади, лекин локал доирада фаолият юритувчи илмий тадқиқот, таълим муассалари ва маҳаллий, шунингдек, миллий миқёсда фаолият кўрсатувчи туристик ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйган.

Ямайка туристик кластери. У жаҳондаги энг катта туристик кластерлардан бири бўлиб, унда 2,5 млн. киши иш билан таъминланган. Бу кластерни бошқариш худди Америка тажрибаси каби марказлашмаган модел шаклида амалга оширилади ва уни ривожлантириш давлат туристик стратегиясининг бир элементи сифатида қаралади. Бу туристик кластерга йилига 1,5 миллиондан ортиқ туристлар ташриф буюради [2].

Греция “Вино, гастрономия ва туризм” кластери. У мамлакатнинг ғарбида жойлашган бўлиб, “ажойиб вино, мазали овқат ва яхши дам олиш” билан машҳур бўлган агротуристик маскандир. Кластерда Греция аграр университети ва ахборот технологияларни ривожлантириш минтақалараро маркази билан ҳамкорликда электрон тижорат ва маркетинг самарали ташкил қилинган [3].

Тадқиқотимиз натижасида туристик кластерни ташкил қилиш, унинг фаолиятини амалга ошириш ва бошқариш бўйича халқаро тажрибаларни умумлаштирдик (1-жадвал).

1-жадвал

Туристик кластерларни ташкил қилиш ва бошқаришдаги хорижий моделлар[1]

Модел	Моделнинг ўзига хос жиҳатлари таснифи

[1] Манба: муаллиф ишланмаси

Шим. Америка	Инновацион кластерларни ривожлантириш давлат грантлари орқали қўллаб қувватланган. Кластерни ривожлантириш бўйича агентлик ташкил қилинган. Кластер қатнашчилари ичида кичик бизнес вакиллари бўлиши зарурий талаб ҳисобланади
Ғарбий Европа	Илм-фан ва таълим муассалари кластерни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Инновацион фаолият, инфратузилмани ривожлантириш бўйича тадқиқот ва лойиҳалар молиялаштириш орқали давлат томонидан қўллаб қувватланади
Скандинавия давлатлари	Давлат бу жараёнда буюртмачи сифатида иштирок этади. Илмий фаолият, технологик кооперациялар ва инвестициявий лойиҳалар давлат томонидан молиялаштириш орқали қўллаб қувватланади
Ҳиндистон	Кластерлар фаолиятига хорижий инвестицияни жалб қилиш эвазига молиялаштирилади
Хитой	Давлат ва ҳудудлар кластерни ташкил қилиш ва ривожлантириш ташаббускорлари ҳисобланади. Кластерлар йирик компания ва замонавий технологиялар эга корхоналар атрофида ташкил қилинади
Япония	Йирик бизнес вакиллари кичик корхоналар билан узоқ муддатга мўлжалланган шартномаларни тузиш орқали амалга оширилади

Тадқиқот натижасида ҳулоса тариқасида, хорижий туристик кластерлар фаолиятини таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда туризм соҳасига юқори малакали кадрлар тайёрлаш кластерини ташкил қилиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор қаратишни таклиф қиламиз:

- туристик кластер иштирокчилари ўзаро алоқаларида занжирли боғланишга асосланган стратегияни амалга оширилиши;
- туристик кластер ташкил қилинадиган минтақани ижтимоийиқтисодий ривожланиши учун етарли даражадаги бошқарув механизмларининг мавжудлиги;
- давлат бошқарув органларининг сиёсий фаолиятидаги самарадорлик;
- ресурслар истеъмоли ва халқаро бозорларга чиқишда барча кластер иштирокчиларининг манфаатдорлиги;
- кластерни шакллантириш ва самарали фаолият юритишида таълим ва илмий ташкилотларнинг фаоллиги.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Портер М. Конкуренция. Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005, с. 256.

2. Е.Б. Ленчук Г.А. Власкин. Кластерный подход в стратегии инновационного развития зарубежных стран. Журнал. Проблемы прогнозирования № 5 2010г. С. 38

3. М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD MOLIYA” нашриёти, 2014. – 384 бет.


Рахматов З.Н. *– ТДТУ, кафедра мудири*
Рахматова С.Ш. *– ТДИУ, таянч докторанти.*

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАРКЕТИНГНИНГ АҲАМИЯТИ

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ривожланган мамлакатга айланишни мақсад қилган ҳар қандай давлат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Кичик бизнес бозор иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади сабаби у иқтисодиётнинг барча бўғинларини бир-бирига боғлайди. Кичик бизнеснинг бу функсияси баъзи соҳадаги товар ва хизматларнинг ортиқчалиги ва бошқа соҳаларда етишмаслиги юзага келишини олдини олади. Кичик бизнеснинг яна бир муҳим вазифаси рақобат муҳитини яратишидир, бу уларнинг кўплиги, мослашувчанлиги ва нархга нисбатан эластиклиги билан асосланади. Кичик бизнес бозорини истеъмолчилар талабига мос товарлар таклифи билан тўлдиришни, иқтисодиётга инновацияларни жорий этиш жараёнларини тезлаштиради.

Кичик бизнеснинг ривожланиши мамлакатимиз иқтисодиётининг тараққий этишида кўплаб имкониятларни яратади: рақобат муҳити ривожланади, қўшимча иш ўринлари яратилади, истеъмол сектори кенгаяди, товар ва хизматларнинг бозордаги баланси таъминланади. Ҳозирги кунда малакатимиз аҳолиси 35 млн. кишини ташкил этиб, 2020 йилда иш билан банд аҳоли 14,8 млн. кишини, ишсизлик даражаси эса 10,5 % ташкил этди [3].

Кичик бизнесни ривожлантириш бутун иқтисодиёт ривожига хизмат қилишини ва аҳоли бандлиги даражасини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканини ҳисобга олиб, республикамизда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва инфратузилмани шакллантиришга қаратилган жиддий чора-тадбирлар ҳам амалга ошириб келмоқда. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сон фармони, 2021 йил 13 ноябрдаги “Германия тараққиёт банки иштирокида «кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-9-сон қарорлари соҳани ривожлантиришда бевосита хизмат қилиши натижасида йилдан-йилга кичик бизнес мамалакатимиз иқтисодиётида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.



1-расм. Кичик бизнес ривожига таъсир қилувчи омиллар тақсимоти [2]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича муаллиф томонидан ўтказилган саволномада иштирок этган тадбиркорларнинг катта қисми кичик бизнес ривожига таъсир қилувчи омиллардан асосийси молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, иккинчи ўринда назорат қилувчи органлар томонидан маъмурий тўсиқлар мавжудлиги, шунингдек, сўнгги йилларда ўз соҳаларида рақобат юқори эканлигини қайд этиб ўтишди.

Тадқиқотимиз натижалари кичик бизнес субектлари олдида бозорда янада рақобатбардош бўлиш вазифа турганини кўрсатади. Бугунги кунда кичик бизнес кучли рақобат муҳитида фаолият юритмоқда. Кичик корхоналарни бошқаришнинг бозор концепциясисиз, бозорни ҳар томонлама таҳлил қилмасдан, иқтисодий вазиятни ўрганмасдан туриб, рақобатбардош товар ёки хизматни тақдим этиш тобора қийинлашиб бормоқда. Бу, айниқса, ўз олдига узоқ муддатли режаларни қўйган кичик корхоналар учун жуда муҳим. Бундай шароитда корхона бошқарувида маркетингнинг, аниқроғи маркетинг дастурларининг аҳамияти ортади. Бизнеснинг узоқ муддатли режаларини тузаётганда, тадбиркорлар бозор ҳолати, рақобатчилар, мақсадли аудитория, савдо нуқталарининг жойлашишини танлашга таъсир қилувчи омиллар ҳақида деярли тасаввурга эга бўлмайди. Баъзи ҳолларда, улар оддийгина бундай омилларга эътибор бериш зарур эмас деб ҳисоблашади. Баъзи ҳолатларда бўлса улар бундай муаммоларни қандай ҳал қилишни билишмайди. Бизнинг фикримизча, бу бир неча асосий сабабларга боғлиқ:

– биринчидан, кичик корхоналарнинг катта қисми маркетинг лойиҳаларини амалга ошириш учун етарли маблағга эга эмас;

– иккинчидан, бизнесини бошлаётган тадбиркорлар одатда маркетинг масалаларига жиддий қарамайди. Улар учун энг муҳим вазифа бизнесларини тезроқ бошлаб олиш. Улар одатда ўз бизнес ғоялари билан шунчалик “кўр” бўлиб қолишадики, бунинг натижасида оддий хатоларни амалга оширишади;

– учинчи сабаб эса, бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда малакали маркетологни топиш осон иш эмаслигидир. Ўзбекистон Республикасида маркетинг хизматлари бозори эндигина ривожлана бошлади.

Шуни таъкидлаш керакки, янги маҳсулот ва хизматларни яратиш, самарали маркетинг ечимларини топиш, риск ва ноаниқлик шароитида кичик корхоналарнинг самарали бошқариш қобилияти бу бизнеснинг ижобий

натижаларига эришиш учун зарур бўлган фаолиятнинг таркибий қисмлари ҳисобланади [1].

Бозор иқтисодиёти ҳамда рақамли иқтисодиёт шароитида ҳар бир кичик корхона ўз фаолияти натижалари учун мустақил жавобгар эканлиги сабабли доимо бошқарувнинг энг самарали усулларини танлаши керак. Бунда корхона иқтисодий фаровонлигининг белгиловчи омил бозордир, аниқроғи, товар ва хизматларини истеъмолчиларидир. Бинобарин маркетинг тадқиқотларисиз истеъмолчиларни ҳамда бозор коньюктурасини таҳлил қилиш, кичик корхонларнинг келажак фаолияти учун аниқ режалар ишлаб чиқиш мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Kotler, P. // Marketing Management (10th ed), New Jersey (Prentice Hall). 2000y
2. Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари
3. www.stat.uz
4. Рахматов З.Н. // Маркетинг коммуникациялари самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 2019 йил 4 сон.45-50 бетлар.

Сайдуллаев Н.А. *- АТХМОЦТИ етакчи ТМБ бухгалтери*
Туркманов А.С. *- Ўз.Р. ЖХУ катта ўқитувчиси*

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ - КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Камбағаллик тушунчаси меҳнат қилиш, авлодлар узвийлигини давом эттириш, ҳаётий эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий ҳолатларини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнида моддий ва номоддий имтиёзлардан фойдаланиш ва даромадларни тақсимлашдаги тенгсизликнинг оқибати сифатида изоҳланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 400 мингдан ортиқ оила турмуш шароитлари яхшиланишига муҳтож. Ўзбекистон шароитида ҳам ривожланган мамлакатлардек камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашув энг мақбул ечимдир. Ўзбекистонда охирги уч йил мобайнида[1] камбағалликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига реал жами даромад 43,9 фоизга, ўртача ҳисобланган номинал ойлик иш ҳақи 79,7 фоизга ёки 2016 йилдаги 1293,8 минг сўмдан 2019 йилда 2324,5 минг сўмга ошди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари сифатида кичик бизнес ва хусусий

[1] Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар марказининг маълумотлари. https://review.uz.

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган изчил тадбирлар, бу бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар мазкур соҳанинг ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Жумладан, "Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари"да хусусий мулк ҳуқуқи[1] ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, "Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади" деган тамойилни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш вазифалари белгиланган.

Шунингдек, камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари бўлган норасмий иш билан бандликни қисқартириш ва янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш ҳамда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш бўйича амалий ва илмий тадқиқотлар олиб бориш мазкур мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган иш билан бандлик ва меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича "Кичик бизнес – бозор иқтисодиётининг асоси, иқтисодий ўсиш суръатларини ялпи миллий маҳсулот таркиби ва сифатини, аҳолининг иш билан бандлиги ва даромади даражасини белгилайдиган етакчи сектор ҳисобланади. Шунинг учун бутун дунёда кичик бизнесни ҳар тарафлама кенг ривожлантиришга биринчи даражали эътибор қаратилади"[2].

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш шароитида кенг кўламли ислоҳотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши билан чамбарчас боғлиқ. Чунки кичик бизнес йирик бизнесга нисбатан бир қатор рақобат устунликларига эга эканлиги билан фарқланади, хусусан кичик бизнеснинг мослашувчанлиги ва ихчамлиги бизнеснинг муҳим белгиси бўлиб, замонавий бизнес шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Инновация – тадбиркорликнинг алоҳида қуроли, тадбиркорона фикрлаш инновацион кўринишидир. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай инновацион фаолият тадбиркорликдир, зеро, у янги ғояларни излаш (ва уларни баҳолашга

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.
[2]Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Т.: ЎзРФА "Fan" нашриёти, 2019.-568 б.

янги маҳсулотдан тортиб то таркибга қадар); зарур ресурсларни излаш; корхонани яратиш ва бошқариш; моддий даромад олиш ва унинг натижасидан шахсан қониқишга асосланади. Аммо ҳар қандай тадбиркорлик ҳам инновацион бўла олмайди, фақатгина яратилиш натижасида тадбиркорлик даромадини, инновацион маҳсулотнинг диффузиясини ишлатишга имконият берувчиларнигина инновация дейиш мумкин.

Инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар инновацион тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Шунга кўра тадбиркорликнинг икки модели ажратиб кўрсатилади. Биринчи модель – тадбиркорлик ташкилоти тасарруфида мавжуд ресурслардан максимал қайтариш ҳисоби билан фаолиятни ташкил этишга қаратилган классик тадбиркорлик (анъанавий, сермаҳсул, эскириб қолган). Тадбиркорликнинг айнан классик моделида ишлаб чиқаришнинг ўсиш концепцияси шакллантирилади, унинг татбиқ этилиши давлат томонидан қўллабқувватлашни, тадбиркорлик фирмаси учун ташқи субсидиялаштириш омиллари ҳисобига ўтказиладиган тадбирлар учун вақт талаб этади. Бундан ташқари, фирма фаолияти самарадорлигини ошириш учун унинг ички захиралари ҳам фойдаланилади. Иккинчи модель – корхона ривожланишининг янги йўлларини назарда тутувчи, инновациялар ёки ўсиш концепцияси ҳақида гапиришга имкон берувчи инновацион тадбиркорликдир.

Бизнинг фикримизча инновацион тадбиркорлик - янгилик яратишнинг алоҳида ижодкорлик жараёнидир, хўжалик жараёни, унинг замирида мунтазам янги имкониятларни излаш, инновацияларга йўналтирилганлик ётади. Бу мавжуд лойиҳани такомиллаштириш ёки янгисини амалга оширишдаги таваккалчиликни, шунингдек, бу жараёнда юзага келадиган молиявий, маънавий ва ижтимоий жавобгарликни тадбиркор ўз зиммасига олишга тайёрлиги билан боғлиқ.

Таҳлиллар. Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик фаолияти ўз ичига кичик инновацион фурсатни олади, масалан, ишлаб чиқаришни бошқариш учун ташкилотдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усулларини жорий қилиш ёки янги технологиядан фойдаланиш.

Кейинги вақтларда мамлакатимизда рўйҳатга олиш миқдорининг ўсиши, шу жумладан онлайн тартибга 30 дақиқада амалга ошириладиган рўйҳатга олиш жараёнини соддалаштириш ҳисобига юз бермоқда. Шу ўринда олдинги рўйҳатга олиш тизими билан жорий рўйҳатга олиш тизимини солиштириш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

Бундан ташқари бозорга анъанавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришнинг техник элементлари ёки ишлаб чиқаришдан товар сифати тавсифи ўзгариши билан боғлиқ қандайдир янги элементлари ёки усулларини қўллаш ҳам самарали ташкил этилмоқда. Давлат ва ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлар кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишини белгилаб бермоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида рўйҳатга олиш босқичларининг солиштирма таҳлили[1]

Олдинги рўйҳатга олиш тартиби	Жорий рўйҳатга олиш тизими
1.Ҳужжатларни тайёрлаш ва топшириш. 1.1.Рўйҳатга олиш идораси: текшириш,статистика, кодларини белгилаш, муҳрларни тасдиқлаш. 1.2.Давлат солиқ хизмати: СТИР бириктириш. 2.Рўйҳатга олиш гувоҳномасининг асл нухсасини олиш. 2.1.Рўйҳатга олиш идораси: маълумотларни Ягона давлат реестрига киритиш, гувоҳнома бериш. 2.2.Бошқа идоралар (солиқ, давлат статистика қўмитаси, Халқ банки) рўйҳатга қўйиш.	1.1.Онлайн ҳужжатларни топшириш. 1.1.Давлат рўйҳатдан ўтказиш тизими – текшириш, рўйҳатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш, жумладан, идентификаторлар (СТИР ва ҳоказо). 2. Онлайн равишда рўйҳатга олиш гувоҳномасини олиш. 2.1.Рўйҳатга олиш гувоҳномасини электрон шаклда жўнатилиши.

Бу борада мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги ўзгариш салмоғига эътибор қаратиш лозим (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ЯИМ таркибида кичик бизнес бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушининг ўзгариши [2]

(% ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018	2019
ЯИМ, жами	100	100	100	100	100	100
Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши	**63,6**	**64,1**	**64,9**	**63,6**	**65,4**	**69,5**
Қорақалпоғистон Республикаси	64,5	64,6	57,0	61,1	67,5	69,4
Андижон вилояти	59,4	61,4	66,0	83,1	89,4	90,1
Бухоро вилояти	56,1	56,5	56,9	78,4	83,5	87,5
Жиззах вилояти	79,9	80,1	80,3	83,4	85,7	89,4
Қашқадарё вилояти	51,5	51,6	51,7	64,9	68,5	71,5
Навоий вилояти	36,9	37,1	37,6	48,8	56,5	63,6
Наманган вилояти	79,7	80,2	80,3	78,7	83,6	86,8
Самарқанд вилояти	77,4	77,9	78,0	80,1	83,6	85,6
Сурхондарё вилояти	74,5	75,2	75,3	78,0	82,8	89,6
Сирдарё вилояти	67,7	68,5	68,7	74,4	76,8	81,5
Тошкент вилояти	56,2	56,7	57,1	66,2	68,4	71,9
Фарғона вилояти	56,2	56,7	57,1	72,6	75,5	78,5

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сонли қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармонига асосан.Lex.uz.

[2]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Хоразм вилояти	73,9	74,1	74,2	78,2	83,5	84,1
Тошкент шаҳри	56,2	56,7	57,1	63,4	72,4	78,5

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ялпи ички маҳсулотлар таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 2019 йилда 2014 йилга нисбатан 5,9 фоизга ошган бўлиб, мос равишда 2016 йилда 64,9 фоизни, 2018 йилга келиб 65,4 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткичларни ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ялпи ҳудудий маҳсулотлар таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши Андижон вилоятида (90,1%) ҳамда Сурхандарё вилоятида (89,6 фоиз,) юқори улушга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятининг инновацион механизмлар тизими ва унинг амалиётга киритилиши тадбиркорликнинг асосий ташкил этувчи макро кўрсатгичларини амалиётда инновацион иқтисодий ўсишга олиб келади. Биздаги ҳолатнинг ўзига хослиги шундаки, инновация бозори республикамизда энди шаклланмоқда, боз устига тижоратланишга тайёр бўлган кўпчилик янгиликлар учун истеъмолчи талабни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат инновация сиёсатини амалга ошириш натижасида юзага келган инфратузилмавий ўзгаришлар бозорда инновацияларни тижоратлаш жараёнини тезлаштириши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Кейинги вақтларда барчанинг эътиборида бўлган “Янги буюк турғунлик” номи билан аталаётган коронавирус эпидемиясининг кескин тарқалиши[1] иқтисодиётда янгидан янги иқтисодий ислоҳотларни олиб боришни тақозо этади. Мазкур ҳолатни енгиб ўтишнинг самарали чора-тадбирларини амалга ошириш учун қийин аҳволга тушиши мумкин бўлган соҳа ва тармоқларни, йирик корхоналарни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш белгиланди. Бу жараёнда: молия ва хомашё бозорида беқарорлик юзага келишига йўл қўймаслик, молиявий барқарорликни сақлаш ҳамда бозорларда нарх-навонинг ўсишини олдини, иқтисодиётимизнинг базавий ва ҳал қилувчи тармоқлари узлуксиз ишлашини сақлаб қолиш, марказдан ҳудудий бюджетларни ва аҳолимизни қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиз бўлиши белгиланди. Бунинг учун ҳар бир тармоқ, корхона ва ҳудуд кесимида манзилли ва аниқ тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Коронавирус пандемияси ва глобал инқирознинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш юзасидан давлат ва ҳукумат томонидан тизимли қатъий белгиланган ишлар амалга оширилмоқда.

“Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорда белгиланишича қуйидагилар орқали тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш учун кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш

[1]ООН: Пандемия коронавирусной инфекции может привести к снижению мировой экономики. https://news.un.org. storu.2020/04.

агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафиллик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш вазифаси белгиланди.

Инқирозга қарши курашиш шароитида карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга жисмоний шахс даромадлари солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилади. Ушбу имтиёз қарийб 150 минг якка тартибдаги тадбиркорларга катта кўмак бўлади. Тушуми ўтган ойдагига нисбатан 50,5 % га камайган кичик бизнес субъектларига айланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш муддати 2020 йил 1 октябрига қадар кечиктирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2021 йил 20 август куни август куни тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Ўзбекистонда тадбиркорлар сони 1,5 миллион кишини ташкил этади. Ушбу тадбиркорларга қарашли корхоналарда 5 миллионга яқин киши меҳнат қилмоқда[1]. Мамлакатда кредит ва субсидиялар олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш учун кўплаб шарт-шароитлар яратилган, шунингдек, биргина ўтган 2 йил мобайнида мамлакатимиз хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 500 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилгани қайд этилди.

Мулоқот давомида кредитлар энди фақат сўмда берилиши, микромолия ташкилотлари учун енгилликлар, бизнес учун солиқ юкини камайтириш, ер сотиш ва хусусийлаштириш, инфратузилма яратиш, экспортёрларни қўллаб-қувватлаш, транспорт-логистика тизимини ривожлантириш ва тадбиркорликка оид тартибларни соддалаштириш йўналишларида қатор янгиликлар эълон қилинди. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини инфратузилма билан таъминлаш йўналишида 2022 йил 1 январдан бошлаб, қиймати 200 млрд сўмга тенг лойиҳалар бўйича электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмасини етказиб бериш тўлиқ давлатнинг зиммасида бўлади.

Келгуси икки йилда республика бўйича қўшимча 200 та саноат зоналари ташкил этилади. Уларнинг ҳар бирига камида 15 та корхонани жойлаштириш мўлжалланиб, электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмаси етказиб бериш тўлиқ давлатнинг зиммасида бўлади. Ушбу мақсадлар учун, 2022 йилда бюджетдан 2 трлн сўм маблағ ажратилади. 2021 йил 1 ноябргача 4 мингта трансформаторни алмаштириш, 35 та подстанция, 15 минг километр тармоқларни янгилаш ишлари якунига етказилади.

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев ишбилармонлар: тадбиркорлар билан илк очиқ мулоқотдаги маърузаси.2021 йил 20 август. Lex.uz.

2021 йил якунига қадар тўлиқ хусусий инвестициялар ҳисобига умумий қуввати 1 минг 800 мегаватт бўлган 8 та иссиқлик ва қуёш электр станциялари ишга туширилади. 2023 йилга қадар электр энергияси бўйича қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари 4 минг 400 Мегаваттга оширилади.

2022 йил бошидан Энергетика вазирлиги томонидан электр тармоқларига уланишнинг янги, қулай тизим жорий этилади. Бунда электр тармоғига уланиш тўлиқ электрон платформага ўтказилади ва барча жараёнлар бир босқичга туширилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, унинг инновацион фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим:

- фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолатлари ва шарт-шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

- молия-кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолиятини кафолатлаш мақсадида суғурта тизимининг аҳамиятини ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарнинг хом-ашё, ахборот ва инновацион технологиялардан эркин ва тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;

- аҳолининг айниқса ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: ЎзР ФА “Fan” нашриёти, 2019. - 568 Б.

3. ООН: Пандемия коронавирусной инфекции может привести к снижению мировой экономики. https://news.un.org. storu.2020/04.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев ишбилармонлар: тадбиркорлар билан илк очиқ мулоқотдаги маърузаси. 2021 йил 20 август. Lex.uz.

Сайипов Б.К. *- ЎзФАҚорақалпоқ табиий фанлар ити, тадқиқотчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУДУДЛАРГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Жаҳонда фойдали қазилма конларини ўзлаштириш жуда мураккаб, кўп маблағ талаб қилинадиган ва инвестицияларни кенг жалб қилишни шунингдек самарадорлик таъминланиши лозим бўлган бир-бири билан бевосита ўзвий боғлиқ жараёндир. Шу боисдан ҳам мамлакат ҳудудларига инвестицияларни кенг жалб қилишда муайян муаммоларга қарамасдан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган ПФ-4609-сонли "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбиланмонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони алоҳида аҳамият касб этади [1]. Унга мувофиқ республикада яқин ўтган йилларда инвестиция дастури доирасида 450 МВт бўлган икки буғ газ ускуналарини қуриш билан Толимаржон ИЭСни кенгайтириш ишлари, Ангрен ИЭСда қуввати 130-150 МВт бўлган энергоблок қурилиши, Қорақалпоғистон Республикасида Шарқий Бердах ва Шимолий Бердах конини ўзлаштириш ва ободонлаштириш, Жиззаҳ вилоятида цемент заводини кенгайтириш, мис эритувчи заводда янги эритувчи қозон қурилиши, "ОТМК" АЖга тегишли Калмақир конида яроқсиз рудаларни қайта ишлаш, "ДжМ Ўзбекистон" АЖда "Т-250" моделидаги енгил автомобилларни қаторли ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Ангрен-Поп электрлашган темир йўл линияси қурилиши, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ҳаво кемалари паркини бирлаштириш ва янгилашган (икки "Boing-787" сотиб олиш), "Indorama Kokand Tekstil" МЧЖ шаклидаги ХКда йигирув ишлаб чиқаришни ташкил этиш (IV босқич), Андижон вилояти, Булоқбоши туманида "Fanteks" МЧЖ да йигирув ишлаб чиқаришни ташкил этиш, "Мейлисой" булоғи қурилиши, ТМЗ-3да техник сувлар учун қувур ва чучуклантирувчи қурилмалар қурилиши, "Жиззаҳ пластмасса" АЖда полиэтилен пленка ва қувур ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Жиззаҳ ЛЗда шишатоладан иссиқлик изоляцияси маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кенг ассортиментдаги электроқурилмалар, электротехник маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқада ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилганлигини алоҳида қайд этиш зарур[1].

Бинобарин мамлакатимизда ижтимоий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш учун барча мулкчилик шаклидаги ташкилотларнинг асосий капиталга инвестициялардан фойдаланилмоқда. Инвестициялар ҳажми 2000 йилда 744,5 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда, 2020 йилда 202,1 трлн. сўмни

[1] Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари асосида олинган.

ташкил этди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 2020 йилда 8167,4 млрд. сўм асосий воситаларга инвестициялардан фойдаланилди[1].

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида талайгина фойдали қазилмалар заҳиралари мавжуд бўлиб, уларга табиий газ, минерал тузлар, глауконит, вермикулит, керамзит хом ашёси, ғишт черепица хом ашёси, цемент хом ашёси, далашпат хом ашёси ва волластонит, тальк ва тальк тоши, рангли тош (родонит), порфорит тоши, оҳак тоши, кварцит, гранит, гипс ва ангидрит, грандеорит, мрамор, лиственит, қурилиш тоши, табиий безак тошлар, қум шағал аралашмаси, қурилиш учун ва силикат учун қум, шунингдек темир (титано магнетит рудаси)[2] кабиларни айтиш мумкин.

Мавжуд минерал ресурлар заҳираларидан ҳудудий молиявий салоҳиятни шакллантириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Хусусан, минтақа шароитида, “Қўнғирод, Тахтакўпир, Чимбой, Кегейли ва Қораўзак туманларининг фойдали қазилмаларидан фойдаланиш ҳудудларни ободонлаштириш ва индустриализациялаш жараёнида қурилиш материалларига ўсиб бораётган талабнинг ортиши туфайли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича ҳудудлараро лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Яна бир муҳим йўналиш бизнинг фикримизча, қизилмия илдизини қайта ишлаш ҳисобланади. “Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-иқлим шароити қизилмиянинг табиий ўсишини таъминлайди. Шунинг учун, минтақа ҳудудида қизилмияни маданий етиштириш бўйича кенг кўламда маҳсус плантацияларни ташкил этиш ушбу ўсимлик турларини ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланишни, кейинчалик эса ташқи бозорларда сотиш имконини беради” [2].

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сонли Фармонида ўз тасдиғини топди. Мазкур Фармонга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида «Нукус-фарм» ЭИЗ ташкил этилиши белгиланди [3].

Бу ўз навбатида, ҳудудда доривор ўсимликлар хом ашёсини ўзига хос табиий шароитларда етиштириш ва кейинчалик қайта ишлаш борасида Қорақалпоғистон Республикасининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш имконини беради.

Аммо, ҳозирги кунда минтақадаги минерал ресурслар асосида фақатгина маҳаллий хўжалик субъектлари ташаббускорлиги билан қатор саноат лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жумладан, Қораўзак туманида 23 та, Амударё ва Қўнғирод туманларида 8 та, Беруний туманида 6 та, Тўрткул, Хўжайли, Шуманай ва Нукус туманларида 2 та, шунингдек Кегейли, Чимбой ва Элликқалъа туманларида лойиҳалар сони 1 тани ташкил этади[3]. Ушбу лойиҳалар бажарилиши ўз навбатида, саноат қайта ишлаш соҳасини ривожлантириб, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш билан бирга,

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси stat.uz саҳифаси маълумотлари асосида олинган.
[2] Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари асосида олинган.
[3] Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари асосида олинган.

минтақани иқтисодий ривожлантиришда бюджет тушумларининг муҳим даромад манбаи бўлиб хизмат қилиши сўзсиз. Лекин ҳозирда бу етарлича эмас.

Мазкур ишларни амалий жиҳатдан жадаллаштириш учун, бизнингча ҳудудда инвестицион фаолликни кўчайтириш зарур. Шунингдек, табиий ресурслар фойдали қазилмаларининг заҳиралари чекланганлиги боис, уларни тобора оқилона, тежамкорлик билан ишлатиш ва ишлаб чиқаришда фойдаланишда экологик самарадорлилик меъёрларига риоя қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбиланмонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли Фармони.

2. Садыков А.М. и др. Социально-экономическая база развития Муйнакского района Республики Каракалпакстан до 2030 года. – Т.: Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, Совет Министров Республики Каракалпакстан, Представительство ПРООН в Узбекистане, 2015. – с. 62-63.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги “«Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5032-сонли Фармони. - www.lex.uz

Суюнов Д.Х.- *ОБМ кафедра мудири, и.ф.д., проф,*
Рихсиев Х.Ю. – *ОБМ, Кадрлар бўйича инспектор*

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бугунги кунда бутун жаҳонда содир бўлаётган COVID -19 пандемияси шароитларида, *ю*ртимизда пандемиянинг салбий ҳолатларини юмшатиш бўйича ижтимоий, ҳам иқтисодий соҳа, ҳамда тармоқларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга, улар учун қулай инфратузилма яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Аҳолини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш орқали, нафақат халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, энг асосийси бандлигини таъминлаш бугунги глобаллашув даврининг устувор вазифаларидандир. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий субъектлар фаолиятини самарали бошқариш стратегиясини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ долзарб масалалар вужудга келмоқда. Бу борада мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга белгиланган стратегик

ривожлантиришнинг 3 устувор “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш устувор йўналиш”да: “.....хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш”[1] вазифаси қўйилган.

Бугунги кунда ривожланган ва ривожланаётган жаҳондаги мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамда барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти кундан – кунга ошиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субеъктлари АҚШ, Германия, Хитой, Франция, Япония, Италия каби ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни барқарорлаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. “Халқаро кичик бизнес Кенгаши (ICSB) маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектлари барча корхоналарнинг 90% дан ортиғини, иш билан банд бўлганларнинг 60-70% ни, ялпи ички маҳсулотнинг 50% ни ташкил этади”[2] (1-жадвал). Одатда, 250 тадан кам одам ишлайдиган ушбу корхоналар дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётининг асосини ташкил этади, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ва аёллар, ёш тадбиркорлар ҳамда кам таъминланган аҳоли гуруҳларини ишга жойлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

1-жадвал

Жаҳон мамлакатларида 2020 йил ҳолатига кичик бизнес субъектларининг ривожланиш асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1000 нафар аҳолиги тўғри келадиган КБ субъектлари сони	Жами бандликда КБнинг улуши, %	Ялпи ички маҳсулотда КБнинг улуши, %
ЕИ давлатлари	45	72	65
АҚШ	74	47.5	46
Япония	50	78	55
Ўзбекистон	15,0	78.3	54.2

Сўнгги йилларда аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган "Ҳар бир оила - тадбиркор", "Ёшлар келажагимиз" ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 трлн сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди[3]. Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат рўйхатига олиш, молиявий қўллаб-қувватлаш, солиқлар ва

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармони.
[2] MSME Day 2019. http://www.intracen.org/MSME-day/2019.
[3]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь. .


давлат божларини тўлаш ва бошқа қатор масалалар бўйича имтиёзлар берилди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсаётган жами (2020 йил ҳолатига кўра) 391300 та кичик корхоналарнинг Ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 54,2 фоизни ташқил қилди. Бунда саноатнинг хиссаси - 25,3, Қишлоқ, ўрмон ва балиқчиилик хўжалиги -97,8, Инвечтиция – 50,3, Қурили – 72.1, Савдо -81.4, Хизматлар -52,4, Юк ташиши-52,3, Йўловчи ташиш -94,3, Экспорт -17,6, Импорт -51,4 фоиз хиссага тўғри келмоқда[1] (1-расм).

Кичик бизнес субъектларининг демографияси ва соҳалар бўйича хиссаси ва уларнинг сўнги уч йилда яшовчанлик даражаси ҳам ошмоқда (2-расм).

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсататётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субеъктларининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутаётган ўрнинг кенгайиб боришини хисобга оладиган бўлсак, унинг фаолиятини самарали бошқариш энг долзарб масалалардан биридир.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ва такомиллашувига мослашувини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг имконияти ва зарурияти ҳамда стратегик вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтиришга бирламчи эътибор қаратилиши талаб этилиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар таркибида асосий ўринни эгаллайди.



1-Расм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутаётган ўрнининг таҳлили.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини бошқариш механизми – тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни

[1] Ўзбекистон Республикаси статистика қумитасининг 2019-2020 йиллардаги ҳисобот матиериаллари.




2-Расм. Кичик бизнес субъектларининг демографияси, соҳалар бўйича хиссаси, яшовчанлик даражаси ва фаолият натижадорлиги кўрсаткичлари.

юритишнинг усул, услуб ва тамойиллари мажмуи бўлиб, улар ёрдамида бизнес фаолиятини бошқариш жараёни, муносабатлари ҳамда улар ўртасидаги алоқа амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришнинг зарурияти мамлакат ички бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан таъминлаши, бандлик муаммосини ечиши, ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини ошириб, конъюктура ўзгаришларига мослашувчанлиги ва иноваторлиги юқорилиги билан изоҳланади.

Ташкилий-иқтисодий механизм кўп ҳолларда “иқтисодий механизм”, “ташкилий механизм” ва “хўжалик механизми” тушунчалари орқали ҳам ифодаланади. Ташкилий-иқтисодий механизм ҳақида илмий тадқиқотларда иқтисодий ҳодисаларнинг аниқланган мажмуи ёки кетма-кетлиги, қарор қабул қилиш жараёнида ташкилот элементларининг яхлитлиги, ресурслар билан таъминлаш ва тақсимлаш тизими, бошқарув объектларига таъсир қилишнинг асосий усуллари каби қарашлар мавжуд (3-Расм).

Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш бўйича муаллиф ёндашувларига кўра, ташкилий-иқтисодий механизм кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олувчи менежмент тамойиллари ҳисобланган иерархия, тизимлилик, уйғунлилик ва мувофиқликка



3-расм. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг асосий элементлари[1].

асосланиши, шунингдек, хўжалик механизми ташкилий-иқтисодий механизмнинг таркибий қисми асосини ташкил этиши лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, фикримизча, бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми бу ўзаро бир-бири билан боғланган элементлар мажмуи бўлиб, бу элементлар ташкилий, иқтисодий, баъзан технологик жиҳатдан қуйи даражадаги кичик тизимчаларнинг ўзаро боғланиши сифатида асосланган. Тизимнинг қуйи даражадаги ҳар бир қадам ёки элемент фаолиятининг натижаси юқори даражадаги қадамлар учун бошланғич маълумот ёки манба бўлиб хизмат қилади. Демак, тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмини 2 та блокка ажратиш мумкин:

- ташкилий механизм, бу ўз таркибига маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш, ташкилий структура, бошқарувнинг функция ва усуллари, меҳнатни ташкил этиш, ахборот таъминоти ва бошқаларни олади;
- иқтисодий механизм, бу ўз таркибига режалаштириш ва башоратлаш, нархлаштириш, молиялаштириш ва кредитлаш, суғурта, мотивлаштириш ва бошқаларни олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.

3.Ўзбекистон Республикаси статистика қумитасининг 2019-2020 йиллардаги ҳисобот матиериаллари.

4.MSME Day 2019. http://www.intracen.org/MSME-day/2019.

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

5.Накатников В.М. Организации предпринимательской деятельности. Ростов н/Д: Феникс, 2014;

6. Е.С.Пивнев Теория управления. Учебное пособие. – Томск: Томский межвузовский центр дистанционного образования. Питер, 2015 год.

7. Ишмухамедов Л.А., Абдуллаев А.М., Расулов И.А. Малый бизнес и частное препринмательство. –Ташкент: 2006:

Туреев А.А. *- ЎзФА,Қорақалпоқ*
Табиий фанлар ити тадқиқотчиси

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР СОЛИҚ ЁНДАШУВЛАРИ ТАВСИЛОТИ

Жаҳон глобал пандемиясидан кейинги трансформацион шароитдаги мавжуд вазиятни ўзгартириш ва яхшилаш учун давлат маъмуриятига ва мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатишнинг мавжуд механизмларини қисман ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бундай вазиятда «солиқ тизими иқтисодий ўсишни бошқаришнинг энг самарали дастакларидан бири саналади. Хусусан, давлат иқтисодиётнинг айрим тармоқларини солиққа тортиш борасида турли ёндашувлардан фойдаланган ҳолда, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган маблағларнинг шаклланишига ва кейинчалик уларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатади, шунингдек бюджет тизимининг барча даражаларида солиқ тўловчилар билан муносабатларни шакллантириб алоҳида ҳудудлар ва тармоқлар иқтисодиётини рағбатлантиришни самарали амалга ошириши мумкин» [1].

Одатда бевосита ва билвосита солиқлар ёрдамида солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси иқтисодий муносабатлар субъектларининг турли тоифаларига солиқ преференциялари ва маълум устунликлар беришни ўз ичига олган чора-тадбирлар мажмуаси орқали амалга оширилади. Шундай экан, «солиқ тизимини самарали такомиллаштириш йўли билан нафақат давлат бюджетига тушумларни сезиларли даражада ошириш мумкин, балки ҳудудларни умуман иқтисодий ўсишига эришиш мақсадида мамлакат иқтисодиётини тартибга солишнинг ҳам самарали механизми бўлиб ҳисобланади» [2].

Назарий ёндашувлар тавсилотидан айтиш мумкинки, иқтисодиётдаги солиқ юкининг мақбул даражаси инқирозга қарши иқтисодий ўсишни рағбатлантиради ва шунингдек саноатнинг узоқ муддатли ривожланиш истиқболи нуқтаи назаридан устувор талаб қилинадиган сармояларнинг етарли оқимини таъминлайди, шу асосда ҳудудларда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда муҳим омил бўлади.

Шу билан бирга, иқтисодий ривожланишнинг инновацион шароитида солиқ базасининг ўсишини таъминлайдиган потенциал захираларга ҳамда давлатнинг ўз фуқароларининг ижтимоий ва моддий эҳтиёжларини тўлиқ

қондириши учун солиқ тушумларини кўпайтиришга бўлган эҳтиёжнинг ошиши табиий.

Фикримизча давом этаётган пандемия шароитидан кейинги даврда мамлакатимиз ҳудудлари солиқ тизимини такомиллаштиришда долзарб масалалар қаторида улар солиқ потенциали захираларини баҳолаш ва руёбга чиқариш воситасида солиқ юкининг ўртача даражасини сақлаб қолган ҳолда бюджетга солиқ тушумларининг ўсишига эришиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Умумий шароитда олганда солиқ юкини камайтириш солиқ тушумларининг кўпайишини таъминлайди деб айтиш мантиқан абстракт тушунчадир. Шунга қарамай, давлат солиқ солишнинг рағбатлантирувчи ва фискал функцияларини самарали равишда амалга оширишга имкон берадиган ечимини топиши керак.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакат ҳудудлари иқтисодий ўсишини рағбатлантирадиган солиқ тизимларининг энг оқилона оптимал вариант моделларини излаб топиш - бу илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш ҳисобланади.

Маълумки, халқаро амалиётда солиқ сиёсатининг кенг тарқалган қуйидаги 3 модели мавжуд.

1. Максимал солиқлар сиёсати. Мазкур йўналишда "олиниши мумкин бўлганини ҳаммасини олиш" тамойилига асосланади. Аммо бу ҳолда, давлат "солиқ тузоғи"га тушиши мумкин, сабаби солиқ ставкасининг мунтазам оширилиши ҳар доим ҳам бюджет даромадларининг кўпайишига олиб келмайди, чунки хуфёна иқтисодиётни ўсиши мумкин. Ушбу юзасидан олимлар максимал ставкани 30 фоиздан оширмасликни тавсия қилади.

2. Оқилона солиқлар сиёсати. Бу йўналиш - тадбиркорлик фаолиятини самарали ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради, кичик бизнес учун қулай шароитлар яратади, микрофирма ва тадбиркорликнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиради, ҳудуд инвестицион жозибадорлиги ошишига хизмат қилади. Ушбу йўналишнинг нозик томони бўлиб, бизнингча давлат бюджетига даромадларнинг пасайиши туфайли ижтимоий дастурларнинг камайиши ҳисобланади.

3. Юқори ижтимоий ҳимоя даражасидаги юқори солиққа ториш сиёсати. Бундай сиёсат шароитида, давлат бюджетига тушадиган даромадларнинг асосий қисми ижтимоий жамғармаларнинг ўсишига йўналтирилади [3].

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар учун қайд этилган барча уч турдаги модель комбинациялари мужассам. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда юқоридаги иккинчи турдаги “оқилона солиқ сиёсати”нинг ўзига хос ижобий жиҳатлари қўлланилмоқда деб айтсак муболаға бўлмайди. Чунки солиқ сиёсатининг ўзига хос модели ёки бирикма комбинацияларини қўллаш сингари мамлакат ҳудудларида солиқ потенциалининг ҳажми ва уни баҳолашда услублар ҳам қўлланилган услубий хусусиятлар бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Юқорида ўтказилган тадқиқотларимиз асосида, солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назардан ҳудудлар иқтисодий ўсишини солиқлар воситасида рағбатлантириш юзасидан хориж тажрибаси таҳлил қилинди ва қуйидаги хулосаларга келинди, жумладан:

- ҳарқандай хорижий мамлакатларнинг солиқ тизимларининг устувор йўналишлари Ўзбекистонда мамлакат ҳудудлари учун, аввалambор, фақатгина ахборот хусусиятига эгадир;

- чунки, самарали ишлайдиган солиқ тизимларининг аксарият ижобий хусусиятлари биринчи навбатда иқтисодиётда юқори даражадаги диверсификацияга асосланади.

Умумий хулоса қилиб айтганимизда, ҳозирги кунда Ўзбекистонда солиқ моделини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сапрыкина Т.В. Налоговая политика Российской Федерации в условиях экономического кризиса.// Управление экономическими системами. 2015. № 5 (77). – с. 29-32.

2. Поляк Г.Б. Налоги и налогообложение. – М.: Издательство Юрайт, 2013. 468 с.

3. Тарарышкина Л.И. Таможенные платежи./ Учебное пособие. – Минск: БГУ. 2014. – с. 55-56.

Умаров Ф.У. *- Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти катта ўқитувчиси*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ривожланишнинг интеллектуал босқичларига қадам қўйишган. Бунга эса соҳавий рақамлаштириштиришсиз эришиб бўлмайди. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [1]. “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси ҳозирги глобал ривожланиш механизмларини ҳисобга олиб, бажарилиши шарт бўлган талаблар асосида рақамлаштирилган, замонавий комплекс тизимни шакллантиришни мақсад қилади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатбардошликни оширишнинг бозор механизмлари ва дастакларини шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан миллий

иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалиги тармоғида рақобатбардошликни ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмокда. Маълумки, ҳар бир тармоқнинг рақобат устуворлиги ишлаб чиқаришнинг илмий-технологик даражаси, меҳнат ресурсларининг малакаси ва уларнинг янги билимлар ҳамда инновацияларга мослашиши орқали белгиланади [7]. Шу боисдан, республика иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида аграр секторни тизимли ва узлуксиз тараққиётини таъминлаш учун унинг тармоқларида инновацион фаолликни жадаллаштириш, замонавий агротехнологияларни изчиллик билан жорий этиш асосида самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”, деб таъкидлаганлар[2]. Дарҳақиқат, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “... таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”[2] лозимлиги қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш борасида устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан республикамиз қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурс-тежамкор технологиялардан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришни талаб этади. Шунинг баробарида қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолаш усулларини ўрганиб чиқиш асосида самарадорликни белгиловчи барча кўрсаткичларни оптималлаштириш бўйича услубий ёндашув ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, улар асосида инновацион фаолиятни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи хусусий сектор вакилларининг жадал ривожланиш тенденцияси мазкур корхоналар томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштиришда банк кредитлари ва бошқа молиявий манбаларга таянади. Мисол учун, 2020 йилнинг январь - декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 260,3 трлн. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,0 % ни ташкил қилди. Ўз навбатида, Республиканинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибида мазкур тармоқнинг улуши 28,2 % ни ташкил этганлигини таъкидлаш лозим.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги умумий ҳажмининг 96,7 % и – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар, 2,6 % и – ўрмон хўжалиги ва 0,7 % и – балиқчилик хўжалиги ҳиссасига тўғри келди.

Ҳудудлар кесимида таҳлил этилганда, Республиканинг ҳудудлари орасида энг юқори ҳажм Самарқанд (33 629 млрд.сўм), Андижон (27 117 млрд. сўм) ва Тошкент (25 815 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Сирдарё вилояти (8 689 млрд. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (10 444 млрд. сўм) ва Навоий вилоятини (11 900 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (105,6 %), Фарғона (104,8 %), Наманган (103,8 %), Қашқадарё (103,4 %), Навоий (103,2 %) ва Самарқанд (103,1 %) вилоятларида кузатилди. Бошқа ҳудудлар билан солиштирганда Сирдарё (100,2 %), Жиззах (101,0 %) ва Бухоро (101,6 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги қайд этилди.

Айни вақтда ишлаб чиқилаётган 2019−2030 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш миллий стратегияси мазкур соҳада Жаҳон банки гуруҳи ҳамда бошқа халқаро ҳамкорлар томонидан қўллаб-қувватланишга тайёр бўлган ислоҳотларни амалга ошириш учун асосий ҳужжатга айланиши лозим. Унинг қабул қилиниши ва кейинчалик ҳукумат томонидан амалга оширилиши юқорида тилга олинган муаммоларни бартараф қилиш мамлакатни ривожлантириш ва Ўзбекистон халқи фаровонлигини ошириш учун иқтисодий имкониятларга айлантиришга замин яратади.

Жаҳон тажрибасидан кўришимиз мумкинки, дунёда инновацион иқтисодиётни барпо этишнинг ягона модели ишлаб чиқилмаган. Давлатлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, иқтисодиётга ўтишнинг ўз ривожланиш моделини танлаганлар. Ҳаттоки, ривожланган мамлакатларда ҳам инновацион иқтисодиётга ўтиш масаласи ўз-ўзидан қисқа вақтда амалга оширилмаган. Шундай экан, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион йўли, мамлакат рақобатбардошлигининг ҳаракатлантирувчи кучи, аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш омили бўлиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент ш., 2020 йил 5 октябрь, ПФ-6079-сон

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “2017−2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сон фармони. 2017 йил 7 февраль.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон фармони. 2019 йил 23 октябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори. 2020 йил 3 август.
6. Салимбов Б.Б. Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини барпо этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2018 йи
7. Ионов М. Регулирование инвестиционной и инновационной деятельности / М. Ионов // Экономист. - 2013. - №5. - С. 36-43
8. Кулагин А., Логинов В. Структурные сдвиги и инновационный процесс / А. Кулагин, В. Логинов // Экономист. - 2013. - №5. - С. 37-46.
9. www.stat.uz – Ўз.Р. Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
10. https://review.uz

Усманов С.А. *- мустақил изланувчи*

ЦЕМЕНТ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ

Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Охирги беш йилда республикада қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги натижасида, бугунги кунда ушбу тармоқ иқтисодиётнинг “драйвер” соҳасига айланмоқда.

Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сонли ҳамда “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли Қарорларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъкидлашимиз мумкин.


Қурилиш материаллари саноатида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган ислоҳотлар мониторинги умуман ижобий ривожланиш натижаларига эришилганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, 2016 йилда 6,8 трлн. сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлса, ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида ўтган йилда бу

кўрсаткич 22 трлн.сўмга етиб, ўсиш динамикаси солиштирма нархларда 1,8 бараварни ташкил этди.

Хусусан, цемент ишлаб чиқариш 8,6 млн. тоннадан 12,5 млн. тоннага ёки 1,4 бараварга, қурилиш ойнаси 12,7 млн. кв. метрдан 20,2 млн. кв. метрга ёки 1,6 бараварга, керамик плитка 9,6 млн. кв. метрдан 17,3 млн. кв. метрга ёки1,8 бараварга, гипсокартон 29,4 млн. кв. метрдан 61 млн. кв. метрга ёки2,1 бараварга ошган [1].

Шу билан бирга, 2026 йилга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўрсаткичини 42,3 трлн.сўмга етказиш режалаштирилган. (*1-расм*)



1-расм. Республикада қурилиш материалларини ишлаб чиқариш динамикаси.

Манбаа: “O‘zsanoatqurilishmateriallari” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Бугунги кунда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ечими бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистонда қурилиш ишлари ҳажмининг 2020 йилда *(87,8 трлн. сўм)* 2016 йилга нисбатан **1,6** баробарга ўсиши, цементга бўлган ички талабни **14,5** млн. тоннагача ошишига олиб келди. Лекин маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан талаб **86 фоизга** қопланган, холос. Талабнинг етарли даражада қондирилмаслиги натижасида цемент импорти ҳажми ошиб, **2,5** млн. тоннага етди [2].

Қурилиш материаллари саноати ривожланишининг ижобий натижаларига асосан 2021-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш Стратегиясида кўзда тутилган чора-тадбирлар ва кўрсатмалар мажмуасининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши сабаб қурилиш ишлари ҳажмининг ўсишига хизмат қилмоқда.

Кўп қаватли замонавий, энергия тежамкор уй-жойлар, савдо мажмуалари яратилиши, қатор йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиши, автомобиль йўллари қурилишини цементбетон қопламага ўтказиш

қурилиш ишлари ҳажмининг тезкор суръатларда ўсиши натижасида цементга бўлган талаб 2021 йилда **16,5** млн. тонна ва 2023 йилда **19,5** млн. тоннани ташкил этиши кутилмоқда.

Республикада соҳавий ва ҳудудий ривожланиш дастурларни амалга ошириш, йирик миқдорда чет эл инвестицияларни жалб қилиш натижасида, жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент вилоятидаги “Оҳангаронцемент” АЖда **2,4** млн. тонна, Андижон вилоятидаги “Раш милк” МЧЖда 1 млн. тоннага тенг ва яна бир нечта кичик корхоналарда янги цемент ишлаб чиқариш инвестицион лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига жами қувватлар миқдори **24,7 млн.** тоннага етказилиши кутилмоқда.

Натижада, республиканинг цементга бўлган талабини тўлиқ қондиришга етарли бўлган ишлаб чиқариш қувватлари яратилиб, ички бозордаги рақобатнинг кескинлашувига олиб келмоқда ва импорт миқдорларини кескин камайишига шароит яратилмоқда.

Рақамли иқтисодиёт одатда рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмол қилиш, шунингдек, электрон тижорат, Web ва Internet иқтисодиёти билан боғлиқ ҳар қандай иқтисодий фаолият деб тушунилади [3].

Рақамли иқтисодиётнинг анъанавий иқтисодиётдан фарқи нимада? Масалан, харидорга қандайдир маҳсулот ёки хизмат тури керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Internet тармоғидаги бирор-бир электрон савдо майдончасидан ёки Telegramдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – рақамли иқтисодиёт дейилади [4].

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш ва маъмурий тартибга солишни қисқартириш, юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни реализация қилишда шаффофлик даражасини ошириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун биржа фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича изчил чоралар қабул қилинмоқда.

Жумладан, 2021 йилнинг **январь-сентябрь ойларида** маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан биржа орқали **7,2** млн. тонна цемент сотилиши 1 тонна цементнинг ўртача нархини январь ойдаги ***631,3*** *минг сўмдан* ***560,7*** минг сўмгача камайтиришга эришилди [5].

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сонли қарор талабларига мувофиқ Электрон кооперация портали фаолияти ташкил этилган..

Электрон кооперация портали – маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида саноатда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кичик бизнесни саноат фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида яратилган махсус савдо майдончасидир.

Шу билан бирга, саноат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хўжалик шартномаларини (контрактларни) тезкорлик билан масофадан тузиш имконияти яратилган бўлиб, бугунги кунда ***93,5*** мингдан зиёд иштирокчиларнинг ***184,2*** мингдан ортиқ маҳсулотлари жойлаштирилган, шундан ***545та*** маҳсулот қурилиш материалларини ташкил этган бўлсада, цемент маҳсулоти мавжуд эмас [6].

Юқоридагиларни инобатга олиб, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига маҳаллий цемент ишлаб чиқарувчиларнинг ички бозорда рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш мақсадида, **цементни** биржа савдолари ҳамда Электрон кооперация портали орқали сотилишини тадбиркорлар орасида кенг тарғиб қилиш орқали электрон савдо платформаларида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “O‘zsanoatqurilishmateriallari” уюшмаси маълумотлари https://uzsm.uz/uz/
2. “O‘zsanoatqurilishmateriallari” уюшмаси маълумотлари https://uzsm.uz/uz/
3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги мақола ҳаволаси https://mineconomy.uz/ru/
4. Тошкент молия институти расмий саҳифасининг ҳаволаси https://tfi.uz/uz/page/ilm-marifat
5. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси http://old.uzex.uz/
6. Ўзбекистон Республикаси Электрон кооперация портали https://cooperation.uz/oz/cooper/default/index

Холматов Ш.А. – *Тармоқ бозорлари ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги тадқиқотлари маркази бош мутахассиси,*
Турсунов Д.Б*. – ОБМ тингловчиси,*

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Аҳоли даромадлари – уй хўжаликлари талабини шакллантирувчи асосий омил бўлиб, мамлакатимизда доимий ўсиш суръатига эга бўлган иқтисодий ривожланишга эришиш ҳамда барқарор макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга («охирги 10 йилда иқтисодиётдаги жами талабнинг ўртача 54%ни уй хўжаликлари талаби ташкил этди»[1]). Аҳоли даромадларини ўсишига таъсир қилувчи асосий омилларнинг бири – ишсизлик даражасини камайтириш ҳисобланади. Сабаби ишсизлик ялпи ички маҳсулот кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатувчи омил бўлиб, инфляцияни

[1] Вахабова Д.Х. Дальнейшее повышение человеческого капитала в системе обеспечения устойчивого развития Социально-экономические последствия и сокращение бедности населения Узбекистана в условиях пандемии. XII Форум экономистов – Ташкент:ИПМИ, 2020. – С. 80-84.

ўсишига замин яратади. Шу маънода, давлатимиз тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири – аҳоли бандлигининг таъминланганлик даражаси бўлиб, бу ижтимоий ҳимоянинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Яъни, аҳолининг реал даромадларини ошириш, қашшоқликни камайтириш ва аҳоли фаровонлиги даражасини яхшилашда энг аввало аҳолини иш билан таъминлаш ёки уларга доимий даромад манбаини яратиб бериш муҳим ҳисобланади. Одамларнинг муносиб иш ўрни ёки даромад манбаига эга бўлиши – жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаб, аҳолининг истеъмол қувватини оширади, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириб, уларнинг бунёдкорлик ишларида иштирокига кенг йўл очади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўтган 2020 йил бошида илк маротаба мамлакатимиздаги камбағаллик даражаси очиқ статистик кўрсаткич сифатида, яъни мамлакат аҳолисининг **12-15** фоизи ёки **4,5-5** миллион киши камбағалликда кун кечириши қайд этилди[1]. Бу кўрсаткич мамлакатда истиқомат қилаётган ҳар **7** ёки **8** одамнинг бири камбағалликда кун кечиришини англатади. Бу эса иқтисодиётимиз ва сиёсатимиз олдида турган ва ҳал қилиниши керак бўлган долзарб масала ҳисобланади.

Аҳоли даромадларини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида тадқиқотда ушбу кўрсаткичнинг республика ҳудудлари ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида кесимида охирги тўрт йилдаги ҳолати таҳлил қилинди.

*Аҳолининг реал умумий даромадлари **2020** йилда **355,5** трлн. сўмни ташкил этиб, **2019** йилга (**302,5** трлн сўм) нисбатан **102,6** фоизга ҳамда **2017** йилга (**201,7** трлн. сўм) нисбатан **9** фоизга ўсган.*

Ҳисобот даврида мамлакатимиз аҳолиси умумий даромадлари таркибининг **74,5** фоизини бирламчи даромадлар ҳамда **25,5** фоизини трансфертлардан олинган даромадлар ташкил этган[2] .


1-жадвал

Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар 2017-2020 йиллар, *(минг сўмда)*

2017	2018	2019	2020
6 227,8	**7 300,2**	**9 008,4**	**10 385,9**

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Шундан, **2020** йилда аҳоли жон бошига умумий даромадлар ўртача **10,3** млн. сўмни ташкил этиб, **2019** йилга *(9,0 млн. сўм)* нисбатан ўсиш **15,2** фоизни ҳамда **2017** йилга *(6,2 млн. сўм)* нисбатан **1,7** баробарни ташкил этган.



1-расм. Аҳоли жон бошига реал умумий даромадларининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, фоизда

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Аҳоли даромадларини республика ҳудудлари кесимидаги динамикаси охирги тўрт йилда аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг кўрсаткичлари **Қорақалпоғистон** Республикаси *(2020 йилда 9,2 млн. сўм, 2017 йилга нисбатан ўсиш +37,2%),* **Навоий** *(19,2 млн. сўм, +27,3%)* ва **Хоразм** *(12,0 млн. сўм, +29,8%)* вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида *(23,6 млн. сўм, +28,7%)* ўртача республика кўрсаткичидан юқори бўлганлиги кўрсатди.

Шу билан бирга, ўсиш кўрсаткичлари **Тошкент** *(12,6 млн. сўм, -1,1%)*, **Фарғона** *(8,7 млн. сўм, +10,9%)*, **Қашқадарё** *(9,9 млн. сўм, +14,1%)* вилоятларида республика кўрсаткичидан паст бўлган.

Таҳлил давомида аҳоли даромадларини республика ҳудудлари билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқларидаги динамикаси ўрганилди.

Хусусан, 2017-2020 йиллар оралиғида ўртача ҳисобланган иш ҳақи ўсиш динамикаси **2 баробарни** ташкил этиб, **1,2** млн. сўмдан **2,6** млн. сўмга ортган.

Аҳоли даромадларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш кўрсаткичлари эса қуйидагича бўлган:

Саноат тармоқларида ўртача иш ҳақи **2020** йилга келиб **3,5** млн. сўмни ташкил қилиб, 2017 йилга *(1,9 млн. сўм)* нисбатан 1,9 баробарга ортган. Шунингдек,

Қурилиш соҳасида ўсиш 1,9 баробар (2020 йилда 3,1 млн. сўм, 2017 йилда 1,6 млн. сўм);

Молиявий ва суғурта фаолиятида ўсиш 2,3 баробар (5,7 млн. сўм, 2,4 млн. сўм);

Ахборот ва алоқа тармоқларида ўсиш 1,8 баробар (мос равишда 2,3 млн. сўм, 4,2 млн. сўм);

Таълим тизимида ўсиш 1,8 (мос равишда 1,1 млн. сўм, 1,9 млн. сўм);

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида ўсиш 1,9 баробар (мос равишда 0,9 млн. сўм, 1,8 млн. сўм)ни ташкил этган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, аҳоли даромадларининг паст кўрсаткичига эга бўлган республика ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларига

эътиборни кучайтириш ҳамда мазкур соҳалардаги аҳоли даромадларини оширишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш муҳим саналади.

Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасидан, аҳоли даромадларини оширишнинг омиллари бўлиб – юқори технологияларга асосланган иш ўринларини яратиш билан бир вақтда уларни малакали кадрлар билан таъминлаш учун таълим тизими ва илм-фанни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини кўришимиз мумкин.

Жаҳон банки гуруҳи томонидан чоп этилган "**Growth in Low-Income Countries. Evolution, Prospects and Policies**" мақоласида **2001-2018** йиллар давомида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий даромад паст бўлган мамлакатларда юқори ўсиш суръатларининг сабабларини ўрганишга қаратилган тадқиқот натижалари қайд этиб ўтилган[3]. Унда таъкидланишича, даромад паст бўлган мамлакатларда давлат ташқи қарзи юкининг камайтирилиши, инсон ва моддий капиталга инвестицияларнинг кўпайиши, иқтисодий сиёсат юритиш асослари яхшиланганлиги, иқтисодиёти хом ашё маҳсулотларига ихтисослашган давлатларга нисбатан жаҳон хом ашё бозорларида нархларнинг ўсиши *(энергия манбалари ва саноат металлари учун нархлар уч карра, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эса 150 фоизгача ошган)*, ҳукуматлар томонидан давлат мулкини хусусийлаштириш ва бозор муносабатларини тартибга солувчи тизимларини кучайтирилиши, халқаро савдо муносабатларига қўшилиш, бизнес муҳитини яхшилаш сиёсатларини фаол юргизилганлиги асосий сабаблардан қилиб кўрсатилган.

Таклифлар: Мамлакатимизда ҳам аҳоли даромадларини оширишда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорликда қуйидаги мазмундаги бандларни ўз ичига олувчи тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

– республиканинг чекка ҳудудларига инвестицияларни жалб қилинишини жадаллаштириш учун муҳандислик инфратузилма объектлари (сув, узлуксиз электр энергия, табиий газ таъминоти ҳамда алоқа коммуникациялар)дан фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш;

– ҳудудларни ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар имкониятларидан, мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражасини ошириш;

– аҳолининг туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги кўникмаларини ошириш (туризмга ихтисослашган ҳудудларда) орқали доимий даромад манбаларини яратиш;

– аҳоли даромадларининг аксарияти деҳқончилик ва чорвачиликдан эканлигини инобатга олиб, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишга қаратилган механизмларни жорий этиш;

– аҳолининг камбағал қатламини тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, уларнинг ўз бизнесини бошлаши учун бошланғич капитални шакллантиришга кўмаклашиш ва ривожланишини кузатиб боришнинг самарали усулларини жорий этиш; аҳоли даромадлари паст ҳудудларда давлат инвестиция

дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда шу ҳудудларда ички инвестицияларни кўпайтирган ҳолда янги иш ўринларини яратиш;

– камбағал ва ижтимоий эҳтиёжманд аҳолини тўлиқ қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи интеграциялашган ижтимоий ҳимоя ахборот ва бошқарув тизимини яратиш;

– аҳолининг камбағал қатламини таълимнинг барча босқичлари хизматларидан фойдаланиш имкониятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини меҳнат бозорида мавжуд талабдан келиб чиқиб замонавий касб-ҳунарга ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш;

– аҳолининг камбағал ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

– ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш, уни таргетлашнинг муқобил усулларини амалда қўллаш ва бунда ахборот технологиялари воситаларидан кенг фойдаланиш;

– аҳолини масофавий таълим ҳамда онлайн савдо ва хизмат кўрсатиш платформаларига кенг жалб қилиш учун алоқа инфратузилмасининг республиканинг барча ҳудудларида сифатли ишлашини таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 25 январь куни Олий мажлисга мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/4057

2. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

3. Rudi Steinbach, “Equitable Growth, Finance and Institutions Global Practice” World Bank groupe июль, 2019 й. https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32151/WPS8949.pdf?sequence=4&isAllowed=y

Шадиева Г. *- СамИСИ, проф., и.ф.д.*
Келдиёров В. *- СамИСИ, магистр*

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аграр соҳада иқтисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бозор механизмлари шаклланиб, қишлоқ хўжалигида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, бошқариш тизимидаги демократик ёндашувлар, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етказиб берувчи, хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар билан муносабатларни ўзаро шартномавий муносабатлар асосида шакллантириш жараёнлари тобора такомиллашмоқда.

Дунё аҳолисининг ўсиб бориш тендицияси кўзатилаётган бир пайтида, уларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро ташкилотлар (ФАО бутун жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва б) шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳатлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Келгусида бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш аҳолининг барча қатламларини шартли, арзон ва етарли даражада озиқ-овқат товарлари билан таъминлашга олиб келади.

Бу борада мамлакатимиз миқёсида ўтган йиллар мобайнида паст рентабелли ва истиқболсиз деб топилган ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнига фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки қишлоқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларидан бири мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қайта ишлаш саноат корхоналарининг хомашёга бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бу вазифани амалга ошириш қишлоқ хўжалигида фан техника тараққиётини жадаллаштириш, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, мулкчилик ва хўжалик юритишининг турли шаклларини ривожлантириш, чекланган ресурслар шароитида моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ҳамда истеъмол қилиш жараёнини мукаммал йўлга қўйиш орқали таъминланади.

Қишлоқ хўжалиги тармоғи мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлик, кимё саноат каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ишлар натижасида 2020 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси асосида дасстурда 370047 та иш ўрнида 388531 та ёки 105,0 ижараси бажарилди.

Мустақиллик йилларида Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқла-рини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капитал-дан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳатлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак мамалакатимизда 2010 йилда хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 30866,7 млрд сўмни ва 2019 йилнинг шу даврига 216283.1 млрд. сўмни, йил январ-сентябр ойларида 173987,5 млрд.сўмни ташкил этди.

Бу кўрсаткич 2020 йилнинг январ-сентябр ойига келиб дехкрнчилик маҳсулотлари 104,3 фоиз, чорвачилик эса 102,3 фоизни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 18119,0 млрд. сўмни (2010 йил январ-декабрига нисбатан 105,9 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 12737,7 млрд. сўм (2010 йил январ-декабрига нисбатан 06,9 фоиз) ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 58,7 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари 41,3 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 28379,5 млрд. сўмни 2019 йилнинг январ декабрига нисбатан 103,0 фоизни ташкил этади.

Маълумки, жамият ишлаб чиқариш кучлари асосини малакали ишчи кучи ташкил этади. Малакали ишчи кучи аҳамияти мураккаб техникалар ишлаб чиқаришга жорий этилаётган ҳозирги даврда янада ортиб бормоқда. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнига нафақат компьютер технологияларижорий этилиши, балки, мураккаб, юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаларини ҳам тракторчилар эмас, операторлар бошқараётганлиги ишчи кучи сифатини оширишга бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъекти сифатида фермер хўжаликлари ривожланиб бораётганлиги, кимга иш бериш ва қандай мутахассисни ёллаш масаласини фермернинг ўзи ҳал этаётганлиги эркин қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланишида асосий нуқта бўлиб хизмат қилади. Рақобатли меҳнат бозорида иш ўринлари учун кураш ишчидан ўз устида ишлашни, малакасини ошириб боришни, меҳнат интизомига риоя этишни заруратга айлантиради. Бу борада мавжуд қонунларнинг фермер хўжаликларига ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланишга рухсат бериши катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунда фермер хўжалиги раҳбари (иш берувчи) ёлланма ишчига меҳнат қонунлари асосида кафолатланган иш ҳақи тўлаши билан биргаликда, унинг ижтимоий муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароити яратишга маъсул ҳисобланади.

Аксарият ҳолларда фермер хўжаликларида Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси” талаблари асосида ишловчилар (аъзолар ва шунингдек, ёлланма ишчилар) билан меҳнат шартномалари тўлиқ тузилмасидан юритилиши;

- фермер хўжаликларда ишловчиларга меҳнат дафтарчалари тегишли тарзда расмийлаштирилмаслиги;

- ёлланма ишчиларни тегишли тарзда расмийлаштирган ҳолда (бўйруқлар асосида) ишга қабул қилинмасдан ишлатиш;

- фермер хўжаликларда ишловчиларга иш ҳақлари белгиланган тарзда хўжалик бухгалтерияси орқали ҳисобланмасдан нақд пул билан берилиши, фермер учун ва шунингдек, ёлланма ишчилар учун қулай бўлсада, хўжаликда ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояси, пенсия жамғармаларига бадал ўтказиш масалалари ҳал этилмасдан қолиши бу хўжаликларда ишловчилар учун салбий оқибатларга олиб келади.

Бундай вазиятларнинг пайдо бўлишида кўп ҳолларда нафақат ёлланма ишчиларнинг “Меҳнат Кодекси” талабларини билмаслиги, балки фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳам ушбу масалага лоқайдлиги натижаси сифатида қараш мумкин.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этишда бизнинг фикримизча, қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- фермер хўжаликлари раҳбарларининг доимий равишда жойларда ташкил этилган ҳудудий семинарлар орқали мунтазам ўқишини ташкил этиш;
- ўқув семинарлар якунлари бўйича сертификатлар, гувоҳномалар берилишини ташкил этиш ва ушбу гувоҳномалар мавжудлигини жойлардаги меҳнат бўлимлари томонидан ташкил этилиши;
- хорижий мамлакатларга фермер хўжаликлари раҳбарларини амалиёт ўташ ва тажрибалар ўрганиш орқали жўнатишда манфаатдор ташкилотлар ва хорижий жамғармалар маблағларини жалб этиш.

Қишлоқ хўжалиги мутахассислари, тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг билимини ва касбий малакасини ошириш асосан касб-ҳунар коллежлари, бизнес мактаблари, ҳалқаро грантлар ва хўжалик ҳисобида фаолият юритаётган “Фермерларни ўқитиш ва малакасини ошириш марказларида амалга оширилиши мунтазам йўлга қўйилиши лозим. Айниқса, истиқболда фермер хўжаликлари учун меҳнат муҳофазаси инженерлари, ижтимоий муҳофаза йўналиши мутахассислари, ҳуқуқшунослар, агромаркетинг, маҳсулот сифати бўйича йўналишларда мутахассислар тайёрлаш, малакасини ошириш, мунтазам ўқитиш ишларини йўлга қўйиш меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда муҳим йўналиш ҳисобланади.

Шарипов К.Б. *–ЎзМУ, кафедра доц. в.б., и.ф.б.ф.д.*

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШИГА ИХТИСОСЛАШУВИ САБАБЛАРИ

Кичик бизнес корхоналарининг якка, алоҳида фаолият йўналишига ихтисослашуви қуйидаги сабабларга кўра устунлик касб этади:

1.Кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий маблағларнинг аҳамиятли даражада чекланганлиги. О.Коньшина ва Т.Дудинская ушбу ҳолатни қуйидагича изоҳлайди: «Кичик ва ўрта бизнес у қадар кучли ривожланмаслигининг асосий сабаби бўлиб капитал дастлабки жамғарилишининг қийинлиги, кредитларни қулай шароитларда олиш имкониятларининг йўқлиги, солиқ тизимининг самарали эмаслиги оқибатида аксарият кичик корхоналар молиявий таъминланганлиги даражасининг пастлиги ҳисобланади» [2]. Бу эса, ўз навбатида, кичик корхоналарнинг аксарият ҳолларда муайян фаолият ёки унинг бирон-бир жараёнига ихтисослашувига мажбур қилиб қўяди.

2.Давлат томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари миқдорий чегараларининг белгилаб берилганлиги. Яъни, кўпчилик мамлакатларда кичик бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашда уларнинг миқдорий чегараларини қонунан белгилаб қўйилади. Масалан, бизнинг мамлакатимизда ҳам кичик тадбиркорликнинг миқдорий чегараси Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида белгилаб берилган бўлиб, унга кўра "кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир:

1) якка тартибдаги тадбиркорлар;

2) ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

3) қуйидаги тармоқлардаги:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган енгил, озиқ-овқат саноатидаги ва қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан икки юз киши;

металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноатидаги, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар" [1]. Ишловчилари сони чекланган кичик тадбиркорлик субъектларида эса ўз-ўзидан бир вақтда бир неча фаолият турини уйғунлаштириш имконияти йўқолади.

3.Кичик тадбиркорлик субъектларида техника ва технологиядан фойдаланиш даражасининг юқори бўлмаслиги. Одатда, кичик корхоналарда ўта қиммат турувчи технологик линиялардан фойдаланиш имконияти чекланади. Бошқа томондан, кичик корхоналарда йирик техника ва технологик жиҳозларни ишлатиш миқёс жиҳатдан ҳам имконсиз ҳисобланади. Бу эса, кўпинча кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида муайян жараёнга ихтисослашган кичик ҳажмдаги технологик линия ёки жиҳозлар билан кифояланишга ҳамда, тегишли равишда, бундай технологик линия ёки жиҳозларни қўлловчи тармоқ фаолиятига ихтисослашувига олиб келади.

4.Олдиндан аниқ бўлган истеъмолчига ишлаш. Кичик бизнес кўринишида ташкил этилган корхоналарнинг катта қисми ўз фаолиятини муайян ҳудуддаги аҳоли, йирик корхона ва ташкилотлар ёки қандайдир белгисига кўра аниқ бўлган истеъмолчилар учун йўналтирган бўлади. “Молиявий ва инсон ресурсларининг етишмаслиги кичик корхоналарнинг “бозор кучи”ни чеклаб, маркетинг ҳамда мижозлар доирасини кенгайтириш имкониятига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ, кичик корхоналарнинг аҳамиятли қисми ўн нафардан кам бўлган мижозларга боғлиқ бўлади, айримлари эса ягона харидор ҳисобига фаолият юритади” [3]. Бу эса уларни муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга ихтисослашувини тақозо этади. “Тор ихтисослашув сабабли истеъмолчилар талабини нисбатан сифатли қондириш амалга оширилади. Аҳоли кенг қатламининг талабини қондиришга йўналтирилган йирик тадбиркорлик билан таққослаганда кичик корхоналар мижозларни индивидуал ёндашув билан таъминлайдилар” [5]. Шу билан бир қаторда “кичик бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи жиддий омил бўлиб уни маҳсулот ва хизматларининг асосий истеъмолчиси бўлган аҳолининг тўловга қодир талабини пастлиги” [2] ҳисобланиб, бу ҳам уларнинг бир вақтнинг ўзида турли фаолиятлар билан шуғулланиш имкониятини чеклайди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, кичик бизнес корхоналарида фаолиятнинг тармоқ бўйича ихтисослашув жараёни кучли бўлиб, ушбу ҳолат мазкур соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Бироқ, тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнлари доимо ҳам иқтисодий жиҳатдан юқори самарадорликни таъминлаш ҳамда миллий иқтисодиёт тараққиётининг мақсадга мувофиқ йўналтирилишига мувофиқ тушмаслиги мумкин. Шунга кўра, мазкур жараёнларни таҳлил қилиб бориш ҳамда уларга таъсир қилиш механизмларини таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон. – www.lex.uz.
2. Коньшина О.А., Дудинская Т.К. Проблемы развития малого и среднего бизнеса в России. -
3. Сидорчук Р. Инструменты для малого бизнеса // «Ваш партнер-консультант», №24 (9290) 2009. - https://www.eg-online.ru/article/70964/
4. http://www.science-bsea.bgita.ru/2010/ekonom_2010_2/dudinskaya_problem.htm
5. Характеристика и особенности малого предпринимательства. - http://www.kreditbusiness.ru/russianbusiness/63-kharakteristika-i-osobennosti-malogo.html

Юсупов Р.А. *– ОБМ бўлим бошлиғи, и.ф.н., доц,*

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ: МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛЛАРИ

Аҳоли умумий фаровонлигига эришиш, қашшоқликни камайтириш ҳозирги даврда мамлакатлар ривожлантириш стратегиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир шахс, ҳар бир жамият, ҳар бир мамлакат аҳоли фаровонлигини таъминлашга ва уни оширишга интилади.

Аҳоли фаровонлиги даражасининг ортиши – иқтисодиёт ривожланиши, истеъмолчилар талаби ўсишининг муҳим омили сифатида корхоналар ривожланишини рағбатлантириш ва натижада жамият фаровонлигини ошириш натижаси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда фаровонликни моддий ва маънавий жиҳатдан асословчи ёндошув тобора ўсиб бормоқда. Шу сабабли фаровонликни нафақат инсонларнинг турмуш даражасини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичларнинг миқдорий кўрсаткичи, балки инсонлар ҳаётининг сифат кўрсаткичини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий категория сифатида ҳам асослаш мумкин бўлади.

Фаровонлик қуйидаги компонентлар тизимини ўз ичига олади: даромадлар ва истеъмол; давлат ижтимоий кафолатлари ва пуллик хизматлар, ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя. Уни фаровонлик объектлари ва субъектларининг ўзаро боғлиқлиги ва улар ўртасидаги муносабатлар хусусияти сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Фаровонлик объектлари сифатида қуйидаги иқтисодий неъматларни кўриш мумкин: кийим-кечак, озиқ-овқат, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар, шунингдек, ноиқтисодий: қуёш нури, сув, ҳаво, жамият бошқа аъзолари билан мулоқот, қулай иқтисодий муҳитга эришиш ва бошқалар, моддий (озиқ-овқат, кийим-кечак, мебель, маиший техника ва бошқалар) ва номоддий неъматлар (таълим, билим, маълумотлар ва бошқалар), жамоавий, аралаш, умумжамият.

Фаровонлик субъектлари сифатида алоҳида шахслар, уй хўжаликлари, ижтимоий гуруҳлар, умуман аҳоли (жамият). Фаровонлик субъектлари нафақат неъматлар истеъмолчилари ҳисобланади, балки уларни яратиш, тақсимлаш ва айирбошлаш жараёнида ҳам иштирок этадилар.



Фаровонликнинг асосий таркибий қисмлари

Фаровонлик муаммосини ҳал қилиш орқали иккита вазифа ўз ечимини топади – барча турдаги иқтисодий ресурслардан фойдаланиш ҳисобига аҳоли истеъмолини қондиришнинг мумкин бўлган максимал даражасига эришиш ва турли хил қарашларга асосланувчи тамойиллар асосида жамиятда адолатга амал қилинади. Аҳоли фаровонлигини такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазалари ҳамда моддий-маънавий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келувчи комплекс ижтимоий муносабатлар ўзаро алоқадорлиги сифатида кўриб чиқиш зарур.

Фаровонлик тушунчасининг турли талқинларини ўрганиш унинг асосий таркибий қисмларини ажратиб кўрсатишга имкон беради (1-расм).

Фаровонлик даражаси сифатида иккита категория иштирок этади: бойлик ва камбағаллик. Шу сабабли бойлик ва камбағаллик тушунчаларини ўрганмасдан фаровонлик каби иқтисодий категорияни кўриб чиқиш мумкин эмас.

Бойлик ва камбағаллик давлатнинг фаровонлик даражасини ҳам тавсифлаши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий тенгсизликнинг намоён бўлиши билан боғлиқ.

Ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни аҳоли фаровонлигининг даромадлар даражаси ва табақаланиши, шунингдек, турмуш даражаси ва сифати каби кўрсаткичлар билан бирга кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик деганда инсонлар, оилалар, ижтимоий гуруҳларнинг моддий бойликлар билан таъминланишидаги фарқлари, даромадларни табақалаштиришга асосланган эҳтиёжларни қондириш қобилияти тушунилади.

Жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутнинг кенгайиши тенг бўлмаган характердаги ижтимоий алмашинувлар билан боғлиқ. Рухсат этилган тенгсизлик даражасидан ошиб кетадиган вазиятнинг мавжудлиги жамиятнинг айрим гуруҳлари турмуш даражасининг катта

фарқига олиб келади. Бу ижтимоий зиддиятларнинг пайдо бўлишига олиб келади, ижтимоий низоларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ҳал қилувчи омили бўлиб, ижтимоий тизим барқарорлигини бузади, миллий хавфсизлик соҳасидаги вазиятни ёмонлаштиради.

Ижтимоий-иқтисодий тенгсизликнинг пайдо бўлиши тарихи кўп жиҳатдан ибтидоий жамоа тузумининг тугаши, жамият ривожланиши, биринчи иқтисодий муносабатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Ижтимоий-иқтисодий тенгсизликнинг асосий омиллари:					
Иқтисодий	**Ижтимоий**	**Демографик**	**Психологик**	**Ҳудудий-географик**	**Сиёсий**

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий табақаланишининг асосий омиллари

Ижтимоий-иқтисодий тенгсизликнинг асосий омиллари:

- Иқтисодий омиллар (даромад манбалари ва ҳажмлари фарқлари, меҳнат унумдорлиги, инфляция, ишсизлик, мулкдаги фарқлар);
- Тенгсизликнинг ижтимоий омиллари (таълим даражаси, менталитети, урф-одатлари, ижтимоий манбалари);
- Демографик омиллар (жинси, ёши, оилавий ҳолати, демографик юк);
- Психологик омиллар (шахсларнинг ички хусусиятлари, қобилиятлардаги фарқлар, истеъмолчиларнинг хулқ-атвор хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий рақобат истаги фарқлари);
- Ҳудудий-географик омиллар (иқлим шароити, минтақавий хусусиятлар);
- Сиёсий омиллар (мамлакатдаги сиёсий вазият, нархларга нисбатан давлат сиёсати, даромадларни тартибга солиш, бандлик, ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ривожланиш даражаси.

Тенгсизликни меъёрдаги ва ортиқча турларга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Меъёрдаги тенгсизлик даромадларни иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этадиган аҳоли қатламлари ўртасида тақсимланиши ва макроиқтисодий ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатмайдиган аҳолининг кам даромадлари сабабли ҳаддан ташқари тенгсизлик билан тавсифланади. Буларга ижтимоий трансфертлар ва маҳаллий ишлаб чиқаришни тарк этадиган ёки иқтисодиётнинг тушкунликка учраган ёки давлат томонидан молиялаштиришга боғлиқ бўлган, ҳозирги шароитда етарли бўлмаган секторларда банд бўлган аҳолиси киради.

Бу ҳолда ҳаддан ташқари тенгсизлик умумий тенгсизликнинг меъёрдагидан юқори бўлиши билан тавсифланади. Бу жамиятнинг барча меҳнатга лаёқатли гуруҳларининг иқтисодий имкониятларидан тенг равишда фойдалана олмасликларини ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож аҳолининг мақбул турмуш даражасини таъминлай олмаслигини акс эттиради. Оддий тенгсизлик иқтисодиётдаги жараёнлар билан бевосита боғлиқ, ҳаддан

ташқари тенгсизлик эса фақат билвосита боғлиқ – бу жамиятнинг қашшоқлик ва институционал шароитларга нисбатан бағрикенглигига боғлиқ.

Меъёрдаги ва ортиқча тенгсизлик расмий қашшоқлик чегараси – мамлакатда ҳар чоракда Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳисоблаб чиқилган яшаш қиймати ҳисобига аниқланади. Яшаш қиймати – истеъмол саватчасини, шунингдек, мажбурий тўловлар ва тўловларни баҳолашни ўз ичига олади.

Иқтисодиётни тартибга солишда давлат аралашуви масаласида турли хил қарашлар мавжуд. Шу билан бирга, қашшоқликни енгиб ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни ҳукумат аралашувисиз амалга ошириш мумкин эмаслиги аниқ. Шунинг учун давлат томонидан танланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат йўналишлари ортиқча тенгсизликни бартараф этишга, аҳолининг заиф қатламларини қўллаб-қувватлашга ва мослаштиришга йўналтирилиши зарур.

Давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш, ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш ва ижтимоий дастурларни амалга оширишдаги аралашувисиз мамлакат аҳолисининг мақбул фаровонлигига эришиш мумкин эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, аҳоли фаровонлигини ошириш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ва фаолиятининг бошқа йўналишларини такомиллаштиришнинг мақсадли мезони бўлиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 5-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2007;
2. Кармизова Т.А. Стратегия государства в борьбе с бедностью населения в России. // Государственное и муниципальное управление. Ученые записки СКАГС. № 1. 2012;
3. Майер В.Ф. Планирование социального развития и повышения уровня жизни народа. М.: Изд-во МГУ, 1988. С. 129;
4. Головин Ю. А. Политическая безопасность личности в российском государстве // Общество. Государство. Политика. 2009. № 1;
5. Костылева Л. В. Неравенство населения России: тенденции, факторы, регулирование. ИСЭРТ РАН, 2011;
6. QOMUS.INFO onlayn ensiklopediya.

Шадиева Г. *- СамИСИ, Проф., и.ф.д.*
Рустамова З. *- СамИСИ, магистр*

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши оила хўжалиги даромади мазмунини ва бу билан боғлиқ ҳолатларнинг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Маълумки, иқтисодиётни ривожлантиришнинг бош кучи бўлиб тадбиркорлик хизмат қилади.

Тадбиркорлик, истеъмолчиларни турли товар ва хизматлар билан таъминлаш йўли билан, даромадни оширишга қаратилган турли фаолиятдир. Тадбиркорлик фаолияти доимий равишда ўзининг шахсий мулкига, таваккаллигига асосланиб юритиладиган фаолият ҳисобланади.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, унинг миллий иқтисодиётда хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги ролини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш»1 вазифалари қўйилган. Бу вазифаларни ҳал этиш хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ролини ошириш бўйича тизимли илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда улар асосида илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Маълумки, оилавий тадбиркорлик негизида новаторлик, янгиликни киритиш, ҳаётга тадбиқ этиш йўли билан ривожланишни таъминлаш ётади. Мазкур ҳолатлар жамиятнинг маълум даражада барқарорлигини таъминлаш билан бирга айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Бу муаммолар замирида оила хўжалиги даромадларининг табақаланиши, ишсизлик ва шунинг натижасида вужудга келадиган кам таъминланган, камбағал оилаларнинг пайдо бўлиш муаммоси ётади. Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли, бизнинг фикримизча, биринчи галда аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўзини-ўзи иш ва бошқа зарур неъматлар билан таъминлаш тамойилига ўтишнинг зарурлигини сингдириш бўлса, иккинчидан кишиларнинг ҳар қандай фаолиятини моддий жиҳатдан қизиқтириш механизмини жорий қилиш, рағбатлантиришнинг янги-янги усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Бироқ, ушбу тадбирларнинг қонуний асосларини таъминлаш учун мамлакатимиз миқёсида, ҳукумат ва Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси даражасида ҳал бўлишни тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда оила хўжалигининг инвестицияга қўйилган маблағларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳам ишлаб чиқилмоғи лозим. Буларга: лойиҳанинг муддатини узайтириш; лойиҳанинг дивиденд ставкасини кўпайтириш (камайтириш); пул тушумини (оқимини) кўпайтириш кабиларни киритиш мумкин. Аммо бу масалалар ҳам, оила хўжалигига мос ҳолда, етарли даражада ўрганилган эмас.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-иловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» //.Lex.uz

Рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида ҳам инфляция жараёнлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Буни инобатга олиб, оила хўжалиги мулки ва даромадини инфляция шароитида баҳолаш ва таҳлил қилишнинг методологик жиҳатлари ишлаб чиқилиши ҳам лозим бўлади. Оила хўжалиги даромадининг номинал ва реал ставкаларидан фойдаланиб, унинг инвестициядан оладиган даромадининг умумий ставкаси аниқланади. Бу эса, оила хўжалиги инвестициясининг бир йилдан кейинги инфляцияни инобатга олган ҳолдаги қийматини аниқлаш ва бунинг оила хўжалиги фаровонлигига таъсирини белгилаш имконини берди.

Агарда, оила даромадлари ва харажатлари бўйича маълумотларни тўплашга оид бизнинг тавсияларимиз амалда қўлланилса, ўйлаймизки, мамлакатимиз оилаларининг даромадларини кўпайтириш, харажатларини оптималлаштириш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти туғилади. Бу кўрсаткичлар рақамли иқтисодиёт шароитида ўта муҳимдир. Чунки, ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун уларнинг имкониятларини ҳисобга олиб боришлари лозим. Бу ахборотлар-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши оила хўжалиги тадбиркоридан нафақат тадбиркорлик бўйича, балки иқтисодий ишларни юритиш бўйича ҳам ўта билимдонликни, зийракликни талаб қилади. Тадбиркорнинг иқтисодий билими кенг қамровли бўлиши оила хўжалиги даромадига яна кўпроқ даромад келтиради, энг муҳими, мулкини янада кўпайтиради. Ундан ҳам муҳими, мулкнинг ҳажми мулкни ишлатиш орқали ошади. Бу эса, оила хўжалигининг, бутун аҳолининг, давлатнинг ҳам бойиши, иқтисодий қудратининг мустаҳкамланиши учун асос бўлади.

Шу ўринда оила хўжалиги тадбиркорлиги тўғрисида ҳам айрим фикрларни айтишга тўғри келади. Чунки оила хўжалиги фаровонлиги ва оила хўжалигида бизнес тушунчалари аксарият ҳолларда бир хил тушунчалар сифатида қаралади.Иқтисодчи олим Ш.Қувондиқовнинг фикрича, “оилавий тадбиркорлик деганда умумий оилавий капиталга таяниб, оила аъзоларининг биргаликдаги ҳаракати, ўзаро кўмаклашуви ва ўзини-ўзи бошқаришга асосланган тадбиркорлик фаолиятидир”.

Бизнинг фикримизча, оила хўжалиги тадбиркорлигига тадбиркорлик тушунчасидан келиб чиқиб, уни фойда (даромад) келтиручи фаолият сифатида баҳолаш лозим. Агар шу назарияга асосланадиган бўлса, унга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ. Оила хўжалиги тадбиркорлиги деганда маълум бир мулкка эгалик қилган ҳолда оилага даромад (фойда) келтирувчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш билан боғлиқ барча сотиладиган фаолиятлар мажмуи тушунилади. Бунда кимнинг мулкига асосланиши унча аҳамияти йўқ, фақат оилага даромад (фойда) келтириши нуқтаи назаридан қаралади.

Бу жараённинг аҳамияти фақат кўриб чиқилган масалалар билан чекланиб қолинмайди. Оила ёки уй хўжалигини юритиш, оила тадбиркорлиги билан шуғулланиш фақат оила фаровонлигини таъминлабгина қолмасдан,

янги иш ўринларини очиш эвазига аҳолини иш билан таъминлайди, давлатни эса улардан олинадиган солиқлар эвазига бойитади, жамиятимизда тўкин-сочинликка эришилади. Оила хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нафақат ўзларининг эҳтиёжини қондиради, балки, мамлакат бозорини ҳам маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) билан тўлдиради. Энг муҳими, унинг ижтимоий ва маънавий аҳамияти ҳам беқиёсдир, чунки оммани боқимандалик руҳиятидан холи қилади, ташаббускорликни ва интилувчанликни сингдиради ва таъминлайди. Бу пировардида жамиятнинг, омманинг фаоллигини оширади, рақамли иқтисодиёт демократик тамойилларининг шаклланиш жараёнини тезлаштириш билан бирга камбағалликнинг қисқаришига ҳам олиб келади. Хулоса қилиб айтганда, оилавий тадбиркорлик аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш билан бирга давлатимизнинг ҳам бой бўлишига, ишсизларнинг камайиши каби муҳим омилларнинг ўнгланишига олиб келади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликнинг жамиятдаги ўрни ва роли жуда катта. Муҳими оилавий тадбиркорлик билан шуғулланган оила аъзолари ёлланиб ишлаш, бировларга “қарамлик”дан холи бўлиб, ўз ихтиёри билан ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу ўз навбатида ҳар бир кишининг такомиллашишига сабаб бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали биринчи галда оила фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш имкониятини яратади. Чунки оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган оилалар шу соҳа бўйича маълум билимга эга бўлади, ҳаётга интилиш шаклланади, оила аъзолари бекорчилик балосидан қутилади. Буларнинг ҳаммаси оилага маълум миқдорда моддий неъмат олиб келиб фаровонлигини таъминлаш билан бирга оила аъзоларининг интеллектуал салоҳияти, шу орқали инсон капиталининг сифати, жамият олдидаги масъулиятлари ҳам ошади.

Оила аъзоларининг бандлиги таъминланади. Оилада ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулотини сотиш, сақлаш каби хизматларни ҳам ўзлари қилади. Бунда нафақат ишлаб чиқариш сирларини, балки маркетинг, менежмент каби фанларни ҳам ўзлаштиришига тўғри келади. Демак оила аъзоларининг интеллектуал салоҳияти беихтиёр ошиб боради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига аҳолининг камбағаллик даражаси камаяди. Энг аввало тадбиркорлик билан шуғулланган оилалар маълум даражада ўзларини ўзлари моддий неъматлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлади. Шунинг билан бирга иш кўламини кенгайтириш эвазига атрофдагиларни ҳам иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлади. Шу тариқа аҳолини камбағалликдан қутқариш имкониятларини яратади. Ҳозирги кунда бунга бир қанча мисолларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги «Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг

қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5214-сон қарорига мувофиқ «маҳаллабай» ишлаш асосида «оғир» маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича «Андижон тажрибаси»ни республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам татбиқ этиш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан давлат улушига эга бўлган тижорат банкларига алоҳида тасдиқланадиган тақсимотга асосан 100 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар ажратилган1. Шу қарорга асосланиб,"Агробанк" акциядорлик тижорат банки томонидан кичик ва оилавий тадбиркорлик субъектларига майдони 10 сотихдан 50 сотихгача бўлган замонавий иссиқхоналар барпо этиш учун Марказий банкнинг асосий ставкасида 7 йил муддатгача кредитлар ажратилиши белгиланган.

Аҳоли ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Агар оила аъзоларида ишсизлар бўлса, улар давлат идораларида ишлашга вақтинчи имконият бўлмайди. Чунки барча штатлар банд. Худди шундай тадбиркорлар ҳам янги иш ўринларини яратмагунча тегишли штатлар билан фаолият кўрсатиб боради. Агар уларда иш жойининг бўшашини кутса ишсиз киши ишсизлигича қолаверади. Бундай шароитда мамлакатимизда ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили бўйича фаолият кўрсатиш учун жуда катта имкониятлар яратилиб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади – одамларимизга, ҳар бир оилага муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Бу албатта, нақадар мураккаб ва масъулиятли вазифа. Бундай мақсадга эришиш учун фақат амалий тадбирларни амалга оширишгина етарли эмас. Ушбу соҳани чуқур тадқиқ қилиб, ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо қилади.

Бироқ, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши бу муаммога янгидан ёндошишни талаб қилмоқда. Шу туфайли, ҳозирги пайтда, оила хўжалигининг иқтисодий муаммосига катта эътибор берилмоқда. Ушбу соҳа иқтисодий назария фанига киритилди ва у эндиликда микроиқтисодиётнинг субъекти сифатида қаралмокда[3].

Шундай қилиб, оила хўжалигининг микроиқтисодиётнинг субъектига айланиши нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга эканлигини, унинг мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг шаклланишини, иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификация қилиш ва инновацион омилларни жорий қилиш ва жамиятни модернизациялашни тезлаштира олиши мумкинлигини ҳам кўрамиз.

[1] https://lex.uz/docs/5562556

[3] Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. - Т.: Шарк. 1999 -198-223 бетлар. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Меҳнат, 1995 - 137-147 бетлар, Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.: 2000. - 84-87, 245-254 бетлар, Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 58-71 бетлар, Шишкин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. - М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС, 1996, - Т. 2. - 34-54 бетлар ва ҳ.к.

IV-ШЎЪБА. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЛОЙИҲАВИЙ ЁНДАШУВ

Абдишукуров Ш. *–НИЯУ МИФИ, магистр*

АСПЕКТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В НОВЫХ УСЛОВИЯХ

Возрастающая интеграция мировой экономики, усиление международной конкуренции между странами и растущая нехватка природных ресурсов усиливают важность экономической безопасности. В результате государства пересматривают вопросы национальной и международной экономической безопасности и стремятся еще больше совершенствовать свои подходы.

Экономическая безопасность представляет собой фундаментальную основу экономически эффективного государства в целом. В самом общем виде экономически эффективное государство — это государство, которое отстаивает свои национальные интересы и обеспечивает национальную экономическую безопасность в определенное время и при данных обстоятельствах в условиях неограниченной международной конкуренции[1].

Однако обеспечение экономической безопасности, как одной из важных составляющих национальной безопасности, требует решения некоторых таких серьёзных проблем, как снижение темпа роста национальной экономики в пост-ковидном периоде, а также «наличие ряда системных проблем, препятствующих развитию банковского сектора в соответствии с экономическими преобразованиями и потребностями общества, таких как высокая доля присутствия государства в банковском секторе, недостаточное качество менеджмента и управления рисками в банках с участием государства, низкий уровень финансового посредничества в экономике»[2].

Исходя из вышеизложенных, можно выделить некоторые аспекты экономической безопасности:

- понятие, важность и типы экономической безопасности;
- факторы, влияющие на экономическую безопасность страны, и анализ механизмов ее обеспечения;
- взаимосвязь между экономическим ростом и экономической безопасностью и ее влияние на место страны в мировой экономике;
- экономическое развитие Узбекистана и его место в мировой экономике;
- возможности использования опыта развитых стран.

[1] Обеспечение экономической безопасности государства // Нац. интересы: приоритеты и безопасность. - 2010. - N 8. - С.50-57.

[2] Указ Президента Республики Узбекистан от 12 мая 2020 года № УП-5992 «О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020 — 2025 годы. https://lex.uz/ru/docs/4811037

В основе экономической безопасности лежат условия устойчивого экономического развития. Устойчивость – это способность общества восстанавливаться после чрезвычайных ситуаций.

Понятие «экономическая безопасность» впервые возникло в то время, когда остро стояла проблема ограниченности ресурсов. Имеются много различных определений экономической безопасности. В совокупности можно отметить, что экономическая безопасность – это целенаправленное, перспективное, поэтапное устойчивое развитие экономической системы государства, которое позволяет мобилизовать национальные интересы для реализации полного потенциала общества (внутреннего и внешнего). Совокупность условий и факторов, а также способность государства противостоять различным рискам и потерям. Это означает, что в ситуации, когда внешнеэкономические связи становятся бескомпромиссными, учитываются факторы и условия, которые могут нанести вред национальным интересам страны, влияющие на экономическую безопасность.

Еще один аспект подхода к системе экономической безопасности государства – его суверенитет – независимость. Хотя такое направление нигде не отражено, но необходимо проанализировать общие положения теории государства и права и выделить его как отдельное правовое направление.

На наш взгляд, стратегия экономической безопасности государства должна охватывать ряд важных аспектов:

- самостоятельное и эффективное решение внутренних социальных, экономических и политических вопросов, исходя из его национальных интересов, с максимальной защитой от внешних негативных воздействий;
- обеспечение уровня и качества жизни населения, что гарантирует социальную гармонию и стабильность в обществе и важные условия для полноценного развития личности;
- своевременная адаптация к резким изменениям в мировой экономике, растущей ограниченности ресурсов и условиям глобальной конкуренции;
- активная внешняя политика и экономическая дипломатия для обеспечения возможности влиять на экономические, политические и военные процессы в мире, защищая при этом интересы страны через эффективную и равноправную интеграцию.

В целом можно сказать, что экономическая безопасность Узбекистана относительно высока. Но, для обеспечения экономической безопасности в настоящих условиях, Узбекистану следует отстаивать текущий уровень защиты и поддержки внутреннего рынка. В то же время, это следует делать посредством совершенствования как экономической политики, так и инструментов защиты внутреннего рынка.

Во-первых, Узбекистану не следует связывать таможенные пошлины на применяемом уровне (по крайней мере, по ряду чувствительных товаров), так как в случае вступления страны в ВТО, одним из твердых условий будет обнуление акцизных пошлин. В этой связи, целесообразным видится, как мера переходного периода, внедрить практику тарифных квот, которые показали

свою относительную эффективность во многих странах. Вместе с тем, применение тарифных квот должно сопровождаться созданием реальной конкурентной среды не только в производственной сфере, но и в оптовом и розничных рынках распределения продукции. Кроме того, необходимо увеличить количество тарифных линий для более успешного применения тарифа эскалации.

Во-вторых, в рамках вступления в ВТО необходимо применять компенсационные и антидемпинговые пошлины к чувствительным товарам. Самая главная трудность состоит в том, что сами представители агропродовольственного сектора плохо понимают сути этих мер, или не имеют достаточной квалификации по подготовке необходимых документов и обосновать необходимость введения этих пошлин.

В-третьих, решение проблемы экономической безопасности в Узбекистане должно основываться не столько на ограничение импорта, но и на расширение экспорта национальных товаров.

Таким образом, вопрос экономической безопасности имеет большое значение для Республики Узбекистан, которая все больше интегрируется в мировую экономику и стремительно развивается. Кроме того, расположение страны в политически нестабильном регионе повышает актуальность этого направления для нашей страны.

Абдурахмонов У.Б. *- ОБМ тингловчиси.*

ЛОЙИҲА БОШҚАРУВ АСОСИДА ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий хизматларни тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Замонавий талаблар инобатга олинган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий хизматларни кадрларини қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш ишларини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири хисобланади

Мамлакатимизда сўнгги тўрт-беш йилда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш, юртдошларимиз манфаатини ҳимоя қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш барча ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятига айланди. Айниқса, ўзгалар парвариши ва кўмагига муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат қарамоғига олиб, моддий-маънавий

кўмаклашиш, ўксик кўнгилларга таскин бериш, меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос азалий қадрият сифатида янги паллага кирмоқда. [1].

Шу Жумладан, Президентимизнинг шу йил 25 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги фармони ҳам юртимизда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга ҳар томонлама кўмак бериш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва бу йўналишда ягона давлат сиёсатини амалга оширади.;

Шу билан бирга, электр энергетикаси тармоғида мавжуд имконият ва салоҳиятдан етарлича фойдаланилмаётганлиги кўзланган ислоҳотларни самарали амалга ошириш ва мамлакатни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Булардан, “Саховат” ва “Мурувват” уйлари фаолиятида янги хизмат турларини жорий этиш орқали васийликка олинганларни соғломлаштириш ва реабилитация қилиш ишлари янада яхшиланади. Тиббий-ижтимоий муассасалар, шу жумладан, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларининг кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича фаолияти, ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилади ҳамда мутахассислар тайёрлаш, муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш ишлари такомиллаштирилади.

Бу каби эзгу амалларни, хайрли ишларни бажаришга ҳамкор ташкилотлар ҳамда саховатпеша ҳамюртларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшишади. Барчамиз ягона мақсад атрофида бирлашиб ишлаймиз. Бу эзгу амал айни пайтда юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатига уйғун тарзда халқимизнинг бугунидан рози, эртасидан хотиржам бўлиб яшашига замин яратади. [2].

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланди. Унинг асосида улкан самарали ишлар бажарилди. Ижтимоий соҳа тубдан ислоҳ қилинди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимояси ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, жараёнда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқини таъминлайдиган қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш билан биргаликда жойлардаги инфратузилмаларнинг ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайлигини босқичма-босқич таъминлашга йўналтирилган чораларни кўриш, шу жумладан, фаолият юритаётган жамоат транспорти ва ижтимоий инфратузилма объектларида ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан бўлган талабларга риоя этилиши.

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватласин, улар билан ижтимоий.

ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, ижтимоий ҳаётда фаоллигини ошириш, улар учун маърифий ва маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишкаби масалалар юзасидан лойиҳаларни амалга ошириш.

Ҳозирда мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш ва кучайтириш ҳамда ногиронлар, ёлғиз кексаларга манзилли, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш борасида эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. [3].

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қамровли ислоҳолотларни амалга ошириш жараёнида кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, соғлиқни сақлаш соҳасининг норматив-ҳуқуқий базаси яратилишига эришилди. Қабул қилинган қонун ҳужжатлари эса соғлиқни сақлаш соҳасини тартибга солишга ҳамда фуқароларнинг соғлиқни сақлаш тиббий ижтимоий йўналишларини таъминлашга хизмат қилади. [4].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида". 2017-2022 й. интернет. https://xdp.uz/partiya

2. Интернет https://qomus.info https://yuz.uz/. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги ПФ-6195-сон. http://LEX.UZ. https://old.xs.uz.

Азизов А. Ғ. *- ОБМ тингловчиси,*

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ МУВОФИҚЛИК ТИЗИМИ – МАМЛАКАТИМИЗДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонининг ижросини таъминлаш, шунингдек, рақобат тўғрисидаги қонун талабларининг бузилиш хавфининг олдини олиш ва бизнес юритишнинг корпоратив стандартларини жорий этишга оид самарали тизимни ташкил

этиш мақсадида мамлакатимизда кўплаб чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хориж тажрибасида узоқ йиллардан буён самарали натижа бераётган комплаенс назорат тизимини давлат бошқарув органларида ва давлат иштироки бўлган корхона ва ташкилотларда босқичма-босқич жорий этиш долзарб масала сифатида қаралмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 2- мартдаги 114-сонли “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан, тажриба (синов) тариқасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ҳамда Президент Фармони билан тасдиқланган рўйхатга киритилган давлат иштирокидаги корхоналарда ва табиий монополия субъектлари, товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, охирги уч йилда товар сотишдан олинган жами тушумининг ўртача йиллик миқдори 30 миллиард сўмдан ошадиган корпоратив буюртмачилар фаолиятида босқичма-босқич рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиш хавфини аниқлаш ва олдини олиш бўйича ички ташкилий тартиб-таомиллар тизимини (монополияга қарши комплаенс) жорий этиш белгиланди.

Мувофиқлик (Комплаенс тизим) – бу ташкилот фаолиятини давлат органлари, ўзини ўзи бошқарув органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар фаолиятиталабларига мувофилигини, шунингдек, компания фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалар, қоидалар, тавсиялар ва стандартга мувофиқлигини таъминловчи, хавф-хатарларга қарши курашиш ва уларни бошқаришнинг универсал тан олинган халқаро тизимидир.

Рақобат соҳасида, бу бизнес ва ҳукумат томонидан рақобат қоидаларига риоя қилинишини рағбатлантириш воситаларини қўллашни англатади.

Монополияга қарши мувофиқлик тизимини жорий этиш тадбиркорлик учун ҳам, давлат учун ҳам фойдали бўлиб:

– фаолиятда ходимлар ва компаниянинг эҳтимоли мавжуд ноқонуний хатти-ҳаракатларини олдини олиш, шу жумладан, рақобатга қарши ҳаракатлар сонини ва уларга қўйилиши мумкин бўлган санкцияларни камайтириш;

– давлат монополияга қарши органининг юкни камайтириш;

– тадбиркорлик субъектлари ўз соҳаларини ўзини ўзи тартибга солиши, ортиқча тартибга солишни истисно қилиш;

– давлатнинг хусусий секторга бўлган ишончини ва ҳокимият томонидан амалга оширилган тақдирда, фуқаролар ва бизнеснинг ҳокимиятга бўлган ишончини таъминлаш;

– корпоратив этикани ривожлантириш;

– компаниянинг "юзини акс эттиради" ва унинг бизнес обрўсига таъсир қилади.

ВМнинг қарорига мувофиқ, қуйидагилар монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг эҳтимолий бузилиш хавфларини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда уни бошқариш;
- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва мониторинг қилиш;
- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг ҳамда уларнинг раҳбарлари томонидан ўз вазифаларини бажариш жараёнида рақобатга зид хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш;
- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимини ишлаш самарадорлигини баҳолаш ва таъминлаш;
- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимларида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ва мунтазам равишда ушбу йўналиш бўйича уларнинг малакасини ошириш юзасидан ўқитиш йўли билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига доир фикрларини ривожлантириш.

Монополияга қарши мувафиқлик тизими рақобат тўғрисидаги қонунга риоя қилишни таъминлаш бўйича ички чоралар тизими сифатида АҚШда XX асрда пайдо бўлган. Бугун биз аллақачон Европада, шунингдек, қўшни мамлакатларда монополияга қарши мувофиқлик институтининг кенг қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Италия, Сингапур, Франция, Канада каби кўплаб мамлакатларнинг мувофиқлик тизими мамлакатда рақобат муҳитини ривожлантиришга хизмат қилиш билан бир қаторда мамлакат иқтисодиётининг тараққий этишида самарали унсур сифатида эътироф этилади.

Хулоса ўрнида, мамлакатимизда ҳам бу йўналишда ривожланган хориж тажрибаси асосида олиб борилаётган ишлар кутилган натижани беради деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармони. https://lex.uz/docs/4887654

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сонли “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги фармони https://lex.uz/ru/docs/4178984

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 2-мартдаги 114-сонли “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. https://lex.uz/docs/5317558
4. Антимонопольный комплаенс - Центр экономических исследований и реформ. http://www.cer.uz/ru/post/publication/antimonopolnyj-komplaens
5. У.Абдуғаниев “Комплаенс назорат - Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги янги йўналиш сифатида...” УзА. 04.08.2020 https://uza.uz/uz/posts/komplaens-nazorat-zbekistonda-korruptsiyaga-arshi-kurash-so--04-08-2020

Алимов Б.Б. *– ОБМ,PhD, доц.*

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимиз сўнгги йилларда жуда тез суръатларда ривожланиб бормоқда. 2017-2021 йилларда республикамизда кўплаб ишлар амалга оширилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган барча вазифалар аъло даражада бажарилди. Қувонарли ҳолатлардан яна бири бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон Стратегияси” номли китоби чоп этилди. Унда Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансни қуриш бўйича қилинаётган ишлар ва миллий тараққиёт истиқболлари ҳақида фикрлар юритилган. Китоб муқаддима, 7 бўлим ва хотимадан иборат бўлиб, бўлимлар қуйидагича номланган: Янги Ўзбекистон стратегияси; халқпарвар давлат; миллий иқтисодиётни ривожлантириш; адолатли ижтимоий сиёсат; маънавий тараққиёт; хавфсизлик ва ташқи сиёсат; Ўзбекистон ва умумбашарий муаммолардан иборат.

“Янги Ўзбекистон Стратегияси” номли китоби “Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирга даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга хос яратувчанлик шижоати ва кенг кўламли ислоҳотларимизнинг яққол ифодасидир” деган сўзлар билан бошлаган бўлиб, унинг “миллий иқтисодиётни ривожлантириш” бўлимини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан: миллий суғурта бозорининг жадал ривожланишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолини саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат

дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида: 2022 йил 1 июлдан бошлаб суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда амалга оширишга рухсат берилади. Барча суғурта турлари бўйича суғурта полислари Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси билан биргаликда юритадиган ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатга олинади. 2023 йил 1 январдан бошлаб мажбурий суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта полисларини қоғоз бланкаларда расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади.[1]

Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш, хусусан суғурта фаолиятига инновацион технологияларни олиб кириш суғурта компанияларни инновацион ғоялар асосида бошқариш, компания ҳаражатларини кескин камайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва энг асосийси инновацион технологияларга асосланган суғурта маҳсулотларини яратиш, мавжуд суғурта маҳсулотларни инновацион қонуниятлар асосида такомиллаштириш имконини беради.

Суғурта фаолиятида инновацион технологияларни қуйидаги йўналишлар бўйича жорий этиш мумкин:

- янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш;
- суғурта компанияси бошқарувида янги техника ва технологиялардан фойдаланиш;
- суғурта бозорининг янги сегментини яратиш;
- мавжуд суғурта маҳсулотларини такомиллаштириш;
- мижозлар билан ишлашда янги технологиялардан фойдаланиш.

Суғурта компанияси томонидан инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш орқали компания ички ва ташқи суғурта бозорида рақобатбардошлигини таъминлайди. Шу билан биргаликда инновацион технологияларнинг суғурта компаниясига кириб келиши компаниянинг ташкилий-бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион суғурта бизнесини ташкил этишнинг янги усулларини қўллаш билан бевосита боғлиқдир.

Суғурта компанияси инновацион фаолиятини ташкил этишдан мақсад суғурта компаниясининг рақобатбардошлигини таъминлаш бўлиб, суғурта компанияси ушбу мақсадга эришиш учунўз олдига инновацион фаолиятни учун қулай шароит яратиш, инновацион имкониятни ошириш ва рискларни камайтириш каби вазифаларни белгилаб олади ва натижада суғурта компанияси активлари, даромади ошади, ижтимоий ҳолати яхшиланади.

Суғурта фаолиятини янада ривожлантириш учун энг аввало инновацион технологияларга асосланган электрон суғурта полисларини жорий этиш лозим. Чунки, электрон суғурта полисини жорий этиш орқали энг аввало суғурталаш жараёни комплекс автоматлаштирилса, бошқа томонидан суғурталанувчининг суғурталаш жараёнига кетадиган вақтини тежайди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор

Бугунги кунда инновациянинг ривожланиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларига “Ақлли” технологиялар, яъни “Ақлли” уй, автомашина, соат, телефонлар ва бошқаларнинг кириб келишида асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боисдан, миллий суғурта компанияларимиз ҳам ўз мижозларига “Ақлли” технологиялар асосида ишлаб чиқилган янги турдаги суғурта маҳсулотларни таклиф этсалар ёки мавжуд суғурта хизматларини такомиллаштирсалар ҳам молиявий жиҳатдан ҳам ижтимоий жиҳатдан юқори самарадорликка эришган бўлар эдилар.

Мамлакатимизда суғурта компаниялар фаолиятини ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида комплекс автоматлаштириш орқали суғурта компаниялари билан соғлиқни сақлаш ташкилотлари, ички ишлар органлари, ёнғин хавфсизлиги органлари, йўл патрул хизмати ва бошқа мутасадди ташкилотлар фаолиятини ўзаро ҳамкорликда ишлашлари учун шарт-шароит яратилади.

Биз миллий суғурта компанияларга қуйидаги инновацион суғурта маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқишларини таклиф этамиз:

1. “Ақлли” уйлар учун суғурта хизматлари. “Ақлли” уйларни суғурта қилиш оддий уйларга нисбатан риск камлиги, суғурта ходисаси юз берганда зарарларнинг камлиги билан ажралиб туради. Чунки, “Ақлли” уйларда сенсорли, кузатув ва телематика тизимларидан фойдаланилганлиги сабабли турли нохуш вазиятлар юз бериши мумкин бўлган ҳолатларда ёки ёнғин юз берганда, сув тошганда ва бошқа ҳолатларда тегишли ташкилотларга хабар юборилади. Бу эса ўз навбатида моддий зарарларни камайтиришга хизмат қилади.

2. “Ақлли” автомашиналарни суғурта қилиш. Бунда, суғурта компанияси томонидан суғурталанган автомашинага махсус сенсорли датчиклар ўрнатилади ва ушбу датчиклар орқали ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларига қанчалик риоя этаётганлиги аниқланади. Агар суғурта компанияси ва мижоз ўртасида ўзаро келишилган ва белгиланган муддатда ҳайдовчи ҳеч қандай суғурта ҳодисаси юз берадиган ҳолатларга йўл қўймаса, унда суғурта компанияси томонидан ушбу суғурталанувчига суғурта пулининг бир қисми қатариб берилади ёки кейинги суғурталаш жараёнида махсус чегирма қилиш орқали суғурталанувчини рағбатлантирилади.

3. Тиббий суғурталаш. Инновацион технологияларни қўллаш, яъни турли инсонлар томонидан “Ақлли” соатлар тақилиши, уйдаги ҳаво ҳарорати ва намликни назорат қилувчи сенсорли қурилмалардан фойдаланиш тиббий суғурта тизимида тубдан такомиллаштиришга олиб келади. Хусусан, “Ақлли” соатлар билан инсон саломатлигини, юрак уриши, қон босими, ҳарорати ва бошқаларни назоратда сақлаш орқали суғурта компанияси суғурталанувчининг турли касаллаиклар чалинишини олдини олади. Кутилмаган суғурта ходисаси юз берганда эса ушбу инновацион технологиялар соғлиқни сақлаш органларига ўз вақтида керакли хабарларни юборади ва инсон ўлимининг олдини олишда хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, инновацион технологиялар миллий суғурта компанияларимиз ўртасида рақобатбардошликни ошириш, иқтиқболда компания ишчи ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш ва дастурий-техник воситаларга қилинаётган ҳаражатларни камайтириш, компания мижозларига замонавий суғурта хизматларини таклиф этиш ва мавжудларини ўз мижозлари талаблари асосида такомиллаштириш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, ҳамда турли моддий кўринишдаги рағбатлантиришларни амалга оширишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беради. Шу боисдан миллий суғурта тизимимизни истиқболда инновацион технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон “2017 - 2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони.

3. OECD – Technology and innovation in the insurance sector 2017

4. http://www.strategy.uz – Тараққиёт стратегияси маркази веб сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

5. Mangani Sh, 2012, The importance of information technology in the insurance industry. Malta.

Бакиров Х.О. *– ОБМ тинловчиси*

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Рақамли технологиялар замонавий глобал иқтисодиётнинг драйверига айланиб улгурганига анча бўлган бўлсада, унинг таъсирида нафақат рақамли иқтисодиёт, рақамли товар ва хизматлар пайдо бўлди балки иқтисодий муносабатларни рақамлаштириш орқали унинг шафофлигини таъминлаш, ортиқча ҳаражатларни камайтириш ва инсон омили аҳамиятини қисқартириш каби муҳим ютуқларга эришилди. Яширин иқтисодиёт, жумладан коррупция аллақачон жаҳон иқтисодиётининг асосий муаммоларидан бири сифатида тан олинган. БМТга кўра, дунё бўйлаб йиллик коррупция миқдори 1,6 трлн АҚШ долларини ташкил қилиб, шунингдек коррупцион фаолият оқибатида жаҳон иқтисодиёти яна 2,6 трлн АҚШ долларини йўқотмоқда ҳамда бу бутунжаҳон ЯИМ нинг 2,7 фоизини ташкил қилади дегани.

Ўзбекистон яширин иқтисодиёт ҳажми ЯИМ нинг **50 % гача**[1] қисмини ташкил этувчи яширин иқтисодиёт даражаси юқори бўлган давлатлар гуруҳига кириши иқтисодий тармоқлардаги “яширин иқтисодиёт” ҳолатига барҳам бериш масаласи долзарб эканлигини англатади.

Яширин иқтисодиёт уч сектор – оқ иқтисодиёт (оқ ёқалилар иқтисодиёти), “кулранг” иқтисодиёт ҳамда “қора” (“махфий”) иқтисодиётларга ажратилади. "Оқ" яширин иктисодиёт - бу расмий иктисодиёт ишчи ва ходимларининг ўз иш жойларида яширинча, қонун билан тақиқланган иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари (коррупция) бўлиб, натижада аввал яратилган миллий даромаднинг яширин қайта тақсимланишига олиб келади. "Кул ранг" яширин иктисодиёт - қонун томонидан тақиқланмаган, лекин рўйхатга олинмайдиган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи иктисодий фаолиятдир. "Қора" яширин иқтисодиёт (уюшган ва индивидуал жиноятчилик иқтисодиёти) - қонун томонидан тақиқлаб қўйилган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ ноқонуний иқтисодий фаолиятдир(зўравонликка асосланган қайта тақсимлаш: ўғрилик, босқинчилик, товламачилик; хамда қонунга хилоф равишда тақикланган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш)[2].

Жаҳон мамлакатлари экспертлари таҳлилига кўра коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш ёки уни олдини олиш бир қанча рақамли технологиялар жумладан, e-government ёки ижтимоий рақамли хизматлар; crowdsourcing платформалари; “whistleblowing” воситалари; transparency portals (big data технологияси асосида), distributed ledger technology (DLT, тақсимланган реестр технологияси) ва blockchain; AI (artificial intelligence, суъний интеллект)кабилардан самарали фойдаланилади.

Ҳозирда республикамиз давлат интерактив хизматларининг ягона порталидаги 2020 йилги ҳолат бўйича 209 та ижтимоий рақамли хизматлардан фойдаланиб келиняпти. E-government ёки ижтимоий рақамли хизматлар мамлакатимизда олдиндан жорий этилган тизим ҳисоблансада, аксарият интерактив онлайн хизматлар самарадорлиги ва ишончлилиги белгиланган даражада етарли эмас. Аҳоли ушбу хизматлардан фойдаланганлик учун назарда тутилмаган ортиқча тўловлар, ортиқча жойига чиқиб (оффлайн) қайта маълумотлар билан ишлаш, инсон омили аралашуви каби қийинчилик ва тўсиқларга дуч келади.

Мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотларда рақамлаштирилган ижтимоий хизматлар тизимини яратишда уни режалаштиришдан дизайн-сайқаллаштириш фазаларигача *шаффофлик ҳамда ҳисобдорлик устувор* бўлмаса, коррупция ва яширин иқтисодиётни олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда етарли бўлмайди. Рақамли хизматларда *шаффофлик, эркин ахборот олиш, ҳар бир ҳаракатни ва қайтарилишни кузатиб бориш (track actions and decision back),* шунингдек рақамли хизматнинг таклиф этаётган

[1] https://www.gazeta.uz/uz/2021/06/30/economy/
[2] Corruption, Fraud, Organized Crime, and the Shadow Economy, pp 11-13

мазмуни фойдаланувчиларнинг талабига мослиги каби хусусиятларни таъминланиши иқтисодий муносабатларда коррупцияни олдини олишга имкон беради.

Ижтимой-иқисодий муносабатларда майда лекин жуда кўп коррупция ёки яширин иқтисодиёт элементлари Марказий Осиё давлатларида, жумладан мамлакатимизда учраши ва буни фақат ижтимоий фикр, жамоат эътибори орқали юзага чиқариш учун ҳамма учун ўз фикрини эркин хавфсиз тарзда ифодалай оладиган шаффоф ва ишончли ижтимоий палтформалар жорий этилиш жуда муҳим ҳисобланади. “Crowdsourcing” платформалари кенг тарқалган ижтимоий коррупцияларни хисоботлаш, коррупцияни ойдинлашувини ошириш ва анти-коррупция ҳаракатлар учун тадқиқот йўналишларини белгилаб олишга қаратилган маълумотлар ишлаб чиқиш орқали шаффофликни оширишга керак бўлган муҳим воситадир. Мисол сифатида www.ipaidabribe.com/bribe-trends (Мен пора тўлашга мажбурландим) каби коррупция ёки яширин иқтисодиётни ёппасига ошкор эта олишга имкон берадиган платформаларни тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Йирик хўжалик юритувчи корхоналар, мансабдор ва афилланган шахсларни қонунга зид ёки манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи коррупция ва яширин иқтисодиёт ҳолатларини айрим ривожланаётган давлатларда кузатиш мумкин. Ушбу ҳолатларга нафақат қонунни ҳимоя қилувчи органлар балки бутун жамият биргаликда курашиши учун умум-ижтимоий айблов деталларини йиғиш учун “whistleblowing” воситалари жуда зарур. Whistleblowing (хуштак чалиш) воситалари АКТдан фойдаланган ҳолда давлат расмийлари томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни одамлар томонидан ошкор қилишга имкон бериши жиҳатидан Crowdsourcing платформаларига ўхшайди. Фарқ шундаки, crowdsourcing кўплаб майда коррупция ҳолатларини аниқлашга қаратилган бўлса, whistleblowing якка йирик коррупция ҳолатлари бўйича жиноий иш очилиши учун батафсил далиллар йиғишга қаратилган бўлади. АКТ воситалари орқали фойдаланиладиган whistleblowing тизимлари сифатида GlobaLeaks, BKMS® компляенс тизими кабиларни келтиришимиз мумкин. Шунингдек ривожланган давлатларда whistleblower ларнинг дахлсизлигини таъминлаш норматив-қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланганлигини таъкидлаш лозим. Давлат бюджети даромадлари ва ҳаражатлари, турли давлат мақсадли жамғармалари, жалб этилаётган халқаро кредит, қарз, грант маблағлари бўйича пул оқимлари, сарфланиши тўғрисида маълумотлар баъзи давлатларда ҳамма учун очиқлиги таъминланмаган. Transparency portals (Шаффофлик портали) одатда давлат томонидан ёки нодавлат ташкилотлари томонидан ҳукумат фаолияти бўйича маълумотларни маълум қилиб туриладиган порталлардир. Улар фуқароларнинг маълумот эга бўлиш эҳтиёжини таъминлашга қаратилган ҳукумат маълумотлари жамланмаси ва эркин маълумотлар базасидан иборат бўлади. Ушбу порталларга давлат бюджети сарфланиши, сиёсий партиялар ҳаражатларини ошкор қилувчи the Argentinean

Dinero y Politica, OpenTender.eu, шунингдек ўзимизда йўлга қўйилган давлат харидлари портали мисол бўла олади.

Маълумотлар базаси, жумладан ер кадастри, бошқа тизимли реестр ҳужжатлари рўйҳатга олиниши, сақланиши, айланишида катта ноаниқликлар, ноқулайликлар ҳамда коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик жуда ҳам зарур. “Блокчейн” технологияси DLT технологияси бўлиб, ўтказилган, текширилган ва сақланган барча маълумотлар (транзакциялар) тақсимланган реестрда ахборот блоклари сифатида ўзгартириб ёки ўчириб ташлаб бўлмайдиган тизимдир. Шунинг учун ҳам, блокчейн тўла шаффофликни таъминлаган ҳолда маълумотларнинг занжирли таъминотини бошқариш учун ишлатилиши давлат томонидан оммавий транзакциялар, ҳужжатлар, масалан, бюджет ҳаражатларини кузатиш (tracking), кадастр қайдномаларини сақлаш, корхонларни рўйхатга олиш, тўлов тизимлар кабиларга жорий этиш имконини беради.

Суъний интеллект (AI) муаммони мустақил ўрганиш ва хал этиш, шунингдек, олдиндан аниқлаш қобилиятига эгалиги билан коррупцияга қарши ишлатилувчи бошқа воситалардан фарқланади. Коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши суъний интеллект воситалари нейрон тизими ёндошуви орқали “мустақил шаклланувчи харита” сифатида амалиётда қўлланилиб, кўчмас мулк солиғи, иқтисодий ўсиш, кўчмас мулк нархларининг ўсиб кетиши, жамғарма институтлари ва номолиявий корхоналарнинг сонини ўсиб кетиши, маълум партияни амалда кўп муддатда қолиб кетиши кабиларда коррупция рағбатлантирилиши эҳтимолини олдиндан аниқлаб бера олиш имкониятига эга. Шундай бўлсада, ушбу восита ривожланаётган давлатларда аста-секин кириб келаётганлигини қайд этиш лозим.

Юқоридаги санаб ўтилган коррупция ҳамда яширин иқтисодиётга қарши АКТ воситалар ичида “e-government”, “transparency” порталлар мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий тизимларга киритилган бўлсада, уларни фойдаланишдаги самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш учун такомиллаштириш ҳамда “crowdsourcing”, “whistleblowing”, “блокчейн” воситаларини иқтисодий-ижтимоий соҳаларга кенг жорий қилиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://www.gazeta.uz/uz/2021/06/30/economy/
2. Corruption, Fraud, Organized Crime, and the Shadow Economy, Maximilian Edelbacher, Peter C. Kratcoski, Bojan Dobovsek;
3. https://lex.uz/
4. Are emerging technologies helping win the fight against corruption in developing countries? Isabelle Adam and Mihály Fazekas;
5. https://www.u4.no/publications/the-credibility-of-corruption-statistics;

Бекназарова Н.Т. *– ТДИУ, катта ўқитувчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШДА БАНКЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу Қонун лойиҳасига кўра инновацион фаолият деганда – новация (янгилик) яратилишини ва улар асосида амалий натижа – инновацияларни қўлга киритишни таъминлайдиган фаолият тушунилиши белгиланган.

Маълумки банклар ҳам кенг турдаги инновацион фаолиятни амалиётга тадбиқ этаётган соҳалардан ҳисобланиб, банк инновацияси ҳақида турли тушунчалар мавжуд. Жумладан Ш.З.Абдуллаева фикрига кўра, “...банк инновацияси таркибига банкларда пайдо бўлган янги банк маҳсулотлари киради.”[2].

Ю.М.Склярова фикрига кўра эса, “Банк инновацияси –банк инновацион фаолиятининг якуний натижасида янги банк маҳсулотлари ёки операцияларини амалга ошириш шакли ҳисобланади.”[3]. Ушбу фикрларни бошқа замонавий адабиётларда ҳам учратиш мумкин. Бизнинг фикримизча банкларнинг инновацион фаолиятининг юзага келиш зарурияти қуйидагилар орқали ифодаланади: Банк бўлимлари сонининг ошиши, банклар ўртасида рақобатнинг кучайиши, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, банкларнинг халқаро тўлов тизимлари билан ҳамкорлиги, йирик хорижий банклар билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, банк хизматлари турларининг табақаланиши, ахборот технологияларининг ривожланиши ва бошқалар орқали ифодалаш мумкин. Демак банклар инновацион фаолиятининг моҳиятини кенгроқ ўрганиш мақсадида, банк инновацияларини бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: маҳсулот инновацияси, технологик инновация, бозор инновацияси, маркетинг инновацияси, бошқарув инновацияси ва ҳоказо. Аммо банкларнинг инновацион фаолияти турли даражадаги мураккаб жараённи ифодалайди, чунки янги ғоялар, таклиф этилаётган янги маҳсулотлар банк ва мижоз манфаатларига мос келиши асосида узлуксиз давом этиши банк муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади.

Банк хизматлар кўрсатишини икки асосий гуруҳга яъни: ананавий ва масофавий хизмат кўрсатиш турларига ажратган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, ҳозирги вақтда банкларни трансформация қилиш жараёнида банк хизматларини кўрсатишнинг ананавий усули яъни банк бўлимлари орқали хизматлар кўрсатиш ўз ўрнини масофавий банк хизматларини кўрсатиш эгаллаб бормоқда. Ушбу ҳолат эса банк тизимида инновацион фаолият

кенгайиб бораётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан унинг омилларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис бизнинг фикримизча банк инновацион фаолиятнинг кенгайиш омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин: банклар ўртасидаги рақобат муҳити, ахборот технологияларининг ривожланиши, аҳоли турмуш фаолиятида ахборот ва алоқа воситаларининг аҳамиятини кескин ошиши ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтишимиз мумкинки мамлакатимизда ҳам банкларнинг инновацион фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиб, унинг тараққиётини таъминлаш мақсадида 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида бажариладиган тадбирлар ва кутилаётган натижалар кўрсатилган. Жумладан инновацион технологияларга асосланган, банк хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини оширувчи янги банк хизмати турларини, хусусан «рақамли банклар»ни, шунингдек, аҳолига чакана хизмат кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларини ташкил этиш, инновацион технологияларни кенг қўллаган ҳолда етакчи хорижий тўлов тизимлари билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларини ривожлантириш вазифалари белгиланган[4]. Рақамли банклар деб инновацион хусусиятларни қамраб олган ҳолда юқори технологияга асосланган банк маҳсулотларини масофадан мижозларга тақдим қилиш, уларни бошқариш муносабатлари мажмуига тушунилади. Айни вақтда банк хизматлари кўламини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда кенгайтириш турли усулларда амалга ошириб, хусусан банк ҳисобварқларини масофадан бошқариш “Банк-мижоз”, Интернетбанкинг, М-банкинг (Мобиль банкинг), SMSбанкинг усуллари орқали амалга оширилмоқда

Юқоридаги назарий ёндашувлардан келиб чиқиб, банк инновацион фаолияти ривожланишнинг замонавий босқичини қуйидаги уч йўналиш билан узвий боғлаб олиб бориш зарур деб биламиз:

- инновацион технологиялар улушининг ошиши;
- банк чакана хизматлари ҳажми ва турларининг кўпайиши;
- мижозларга хизмат кўрсатиш бозорида янги сегментларнинг шаклланиши;

Шу боис банкларнинг инновацион фаолиятини тавсифлайдиган кўрсаткичлар сифатида эса қуйидагиларни келтириш мумкин: банкнинг янги маҳсулотларини бозордаги улушини ўсиши, ахборот технологиялари асосида таклиф этиладиган банк маҳсулотлари сонининг ортиши, ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда миқдорининг кўпайтириш, инновацион фаоллик кўрсаткичи, инновацион фаоллик учун ходимларни рағбатлантириш кўрсаткичлари ва бошқалар.

Шундай қилиб банклар истиқболли ривожланиш дастурлари асосида бизнинг фикримизча биринчидан банклар учун алоҳида инновацион сиёсат

ишлаб чиқиш лозим. Чунки муваффақиятли инновацион сиёсат истиқболли ривожланишни таъминлайди ва натижада банкларнинг рақобатбардошлиги инновацион механизмларни жорий қилиш орқали мустаҳкамланади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз миқёсида инновацион жараёнларнинг янада ривожланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Т: “Ўзбекистон”, 2017. – 11 б

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308- сон Фармонига илова

3. Bank ishi: Darslik / Sh. Z. Abdullayeva; O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta‘lim vazirligi. – T.: «Iqtisod-Moliya», 2017. – 529 b

4. Банковское дело:Учебник / под общ. ред. Ю.М.Скляровой; Ставропольский гос. Аграрный ун-т. Ставрополь, 2017. стр 278.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

Габбарова И.В. *– ВШБ, Слушатель*

СОЗДАНИЕ И РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ПРОЕКТАМИ В ОРГАНИЗАЦИИ

Актуальность и важность проектного управления в современном мире сложно переоценить, так как любая организация, даже самая небольшая, реализует новые начинания, которые представляют собой ни что иное, как проекты. Начинания могут быть разными, по сути, и их содержанию, от разработки программного продукта до строительства сложных технологических объектов, но все они являются проектами.

В сегодняшней мировой среде, где проекты постепенно приобретают фундаментальные и базовые компоненты бизнес-процесса, управление проектами недавно стало предметом тщательного анализа. В сложном мире конкуренции, чтобы быть конкурентоспособными в любой отрасли, организации и компании сталкиваются с исключительными изменениями, определяемыми такими факторами, как скорость изменений, изменения в генерации, изменения мировой экономической мощи, цифровая экономика и появление международных игроков, прерывающих традиционные области.

Скорость, превосходство, расстановка приоритетов, регулирование и гибкость - все это ключевые качества, которые позволят клиентам и другим спонсорам пользоваться услугами/продуктами организации. Все это способствует успеху любого проекта, основанного на методологиях

управления проектами, выбранных и применяемых в соответствии с потребностями в часах и ресурсах, имеющихся в организации.

Система управления проектами (СУП) - набор инструментов, методов, методологий, ресурсов и процедур, используемых для управления проектом. Система управления проектами может иметь как формальный, так и неформальный формат. Система управления проектами позволяет определить ряд процессов и связанных с ними функций контроля, объединенных в единую целенаправленную структуру.

Давайте ответим на вопрос, что же дает нам система управления проектами в организации? Это система, которая позволяет проектным командам создавать и обмениваться информацией по проектам в реальном времени, полностью реализуя имеющий потенциал организации.

Благодаря такой системе, возможно, обеспечить доступ ко всей информации о проекте в практически любой точке мира для проектных команд, сотрудников поддерживающих подразделений, партнёров и клиентов.

Основной задачей системы управления проектами является обеспечение быстрой и эффективной реализации проектов. Система управления проектами разрабатывается на основе плана управления проектом, который дает описание того, как будет использоваться система.

Содержание системы управления проектом изменяется в зависимости от области приложения, особенностей организации, сложности проекта и доступности необходимых ресурсов. Система создается таким образом, чтобы максимально соответствовать стратегическим целям и производственным ресурсам организации.

Создание и построение системы управления проектами может состоять из разработки следующих взаимосвязанных элементов:

Методы и методологии системы управления проектами;

Методика освоенного объема;

Процедуры системы управления проектами;

Стандарты (локальные акты) организации по управлению проектами и другая регламентирующая документация;

Инструменты системы управления проектами;

Система управления проектами на базе PMBoK;

MS Project для автоматизации проектного управления;

Система хранения документации (SharePoint) для хранения проектной документации;

Ресурсы системы управления проектами;

Обученный персонал.

Применение системы управления проектами в организации позволяет:

- создавать, внедрять и корректировать план работы по проекту;

- эффективно распределять материальные и человеческие ресурсы, необходимые для реализации проекта;

- контролировать основные показатели темпов и качества выполнения проекта;

- добиваться повышения эффективности производства;

- устанавливать наличие взаимосвязей в работе различных проектов;

- учитывать достоинства и недостатки выполненной работы при планировании нового проекта.

На макроуровне организации замотивированы во внедрении инструментов проектного управления для эффективной реализации своих инициатив любого масштаба. На микроуровне, корпоративная система проектного управления, помимо прочего, решает следующие задачи:

- снижение издержек реализации инициатив;

- создание условий в организации для работы проектной команды;

- информирование топ-менеджмента о статусе стратегически важных проектов организации;

- обеспечение достаточного и эффективного проектного документооборота;

- соблюдение сроков реализации проектов.

Делая небольшое заключение можно сказать, что организация должна быть гибкой и адаптивной, чтобы преуспеть в условиях меняющихся требований. Разработка и внедрение систем проектного управления в организациях, дает уникальную возможность различным командам и структурам организации совместно работать над определением планов и реализацией проектов по выводу продуктов на рынок, синхронизируя их расписания, координируя ресурсы и усилия по реализации стратегии организации.

Список использованной литературы

1. Под редакцией доктора технических наук, профессора В. И. Денисенко, доктора экономических наук, профессора Н. М. Филимоновой «Управление проектами», учебное пособие, Владимир 2015.

2. М. В. Грачева, С. Я. Бабаскин «Управление проектами», учебное пособие, Москва 2017.

3. Система управления проектами (novosoft.ru) (электронный сайт).

Ғафуров У.В. *– ТДИУ, кафедра мудири, и.ф.д., проф.*
Шарипов К.Б. *–ЎзМУ, кафедра доц. в.б., и.ф.б.ф.д.*

ИХТИСОСЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Ихтисослашув турлари ичида тармоқ бўйича ихтисослашув муҳим ўрин тутади. Яъни, турли хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини муайян тармоқ хусусиятларига мувофиқ ташкил этадилар ва амалга оширадилар. Ҳар қандай мамлакатнинг миллий иқтисодиёти муайян тармоқлар мажмуидан таркиб топади. Иқтисодиёт тармоғи – бир турдаги технологиялар бўйича бир

турдаги (яқин хусусиятлари билан) ёки ўзига хос (махсус) маҳсулотни ундирувчи, ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи корхоналар мажмуи.

Тармоқ – ишлаб чиқарилаётган маҳсулоти, технологияси ва қондираётган эҳтиёжларининг умумийлигига эга бўлган корхона ва ишлаб чиқаришлар мажмуи [1].

Қуйидаги тармоқлар фарқланади:

- ягона турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи соф тармоқлар (масалан, кўмир саноати);

- тармоқ маҳсулотини ишлаб чиқариш билан тармоқ ташкилотларининг асосий қисми банд бўлган хўжалик тармоқлари;

- ташкилотлари ягона вазирликка, идорага мансуб бўлган маъмурий тармоқлар.

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларига саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техник таъминот (логистика) киради.

Ижтимоий-маданий йўналишдаги тармоқлар, хизмат соҳасига қуйидагилар киради: маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан, бошқарув, уй-жой, коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш. Иқтисодиёт тармоғи сифатида банк сектори, ахборот технологиялари билан боғлиқ фаолиятларни ҳам ажратиб кўрсатиш тўғри бўлади [2].

Фикримизча, ихтисослашув жараёнининг тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига таъсирини қуйидаги жиҳатларига кўра асосий йўналишларга ажратиш мумкин:

1) соф иқтисодий, яъни ихтисослашув натижасида ишлаб чиқариш ҳажми, тармоқ ёки иқтисодий фаолият рентабеллик даражаси, молиявий натижалар (фойда ёки зарар)нинг ўзгариши;

2) техник ва технологик, яъни ихтисослашув натижасида тармоқ ишлаб чиқаришида техник воситалардан фойдаланиш, технологик жараёнлар даражасининг ўзгариши;

3) ташкилий, яъни ихтисослашув натижасида тармоқ ишлаб чиқаришини ташкил этиш, ундаги алоқа ва муносабатларнинг амал қилиши даражасидаги ўзгаришлар.

Умумий ҳолда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ихтисослашув жараёни ижобий таъсир кўрсатади. Буни Адам Смитнинг тўғноғич ҳақидаги классик мисоли орқали ҳам кўриш мумкин. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ихтисослашувнинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, адабиётларда ихтисослашган корхоналарнинг камчиликлари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- иш жараёнидаги бирхиллик, унинг ишловчиларга салбий таъсирини пасайтириш бўйича чора-тадбирларнинг зарурлиги;

- мол етказиб берувчилар ва харидорларга кучли тарзда боғлиқлик;

- бозордаги кичик конъюнктуравий тебранишларга таъсирчанлик;

- одатда, сўнгги истеъмолчига чиқиш имкониятининг мавжуд эмаслиги [3].

Умумий ҳолда, тадбиркорлик субъектлари учун муайян тармоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашув мазкур жараённинг ижобий (афзаллик) томонлари билан салбий (камчилик) томонларининг фарқи мусбат ишорага эга бўлганида фойдали ҳисобланади.

$$ИТ = \sum_{i=1}^{n} И_i - \sum_{j=1}^{m} C_j,$$

бу ерда:

ИТ – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятининг ривожланишига таъсири (мусбат ёки манфий);

И – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига ижобий таъсири;

i = 1 … n – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига ижобий таъсири йўналишлари;

С – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига салбий таъсири;

j = 1 … m – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига салбий таъсири йўналишлари.

Ҳозирги вақтда тармоқларнинг ривожланишига қуйидаги янги шарт-шароитлар таъсир кўрсатади: илмий-инновацион салоҳият (фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг қўлланиши); инвестицион салоҳият; ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳаларининг унумдорлигини таъминловчи бизнес-инфратузилманинг етуклик даражаси; маълум тармоқлар ривожланишининг аниқ вақт интервали доирасида ривожланишнинг устуворлигини шакллантирувчи маъмурий ресурслар ва бошқалар.

Мамлакат тармоқ тузилмасининг самарадорлиги алоҳида тармоқ ва ишлаб чиқаришларнинг шундай миқдорий нисбати орқали тавсифланадики, унда мамлакатни шакллантирувчи минтақаларнинг самарали ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. - 2-е изд., испр. М.: ИНФРА-М. 479 с., 1999.; Экономика и право: словарь-справочник. – М.: Вуз и школа. Л.П.Кураков, В.Л.Кураков, А.Л.Кураков. 2004.

2. http://economic-definition.com/Services_and_manufacturing /Otrasl__Branch__eto.html

3. Сущность специализации производства, ее преимущества и недостатки, формы специализации. - https://studepedia.org/index.php?vol=2&post=63859

Kadirov A.M. *– TATU Farg‘ona fil PhD*
Nasimova N. - *TATU Farg‘ona fil magistr*

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA TA’LIM XIZMATLARINI RIVOJLANISH TENDENTSIYALARI

Hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot tushunchasi bir qator mamlakatlarning iqtisodiy nazariyasi va amaliyotida paydo bo‘ldi. Bu raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi, axborot sohasida inqilob va iqtisodiyotning globallashuv jarayonlarini tezlashtirish bilan ajralib turdi. Ulardan foydalanish samaradorligi ortib borayotgan bilimga aylantirildi va ijtimoiy-iqtisodiy aloqalar tobora kengayib bormoqda. Insoniyat tarixida tosh asri toshlar tugaganligi uchun emas, balki yangi texnologiyalar kirib kelganligi natijasida barham topgan. Bugunga qadar insoniyat uchta sanoat inqilobini boshdan kechirdi. Xozirgi davrimiz dunyoning yetakchi mamlakatlari “To‘rtinchi sanoat inqilobi”, “Aqlli iqtisodiyot”, “Innovatsion iqtisodiyot”ga o‘tayotgani bilan xarakterlanadi. Yangi asrda raqamli texnologiyalarga asoslangan, elektron biznes va elektron tijoratni nazarda tutuvchi raqamli iqtisodiyotning shakllanishi tendetsiyaviy tus oldi. Jahonning yetakchi mamlakatlarida raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotning 4-5 foizini ta’minlamoqda, jahondagi savdo aloqalarining 15 foizidan ko‘prog‘i uning xissasiga to‘g‘ri kelmoqda.

Bugungi kunda raqamli iqtisodiyot elektron savdo va servis bilan cheklanmasdan ta’lim, sog‘liqni saqlash kabi sohalarni ham qamrab olmoqda. Fuqarolarga turli xizmatlarni ko‘rsatish amaliyoti ham elektron hukumat platformasiga o‘tkazilmoqda. Pandemiya raqamlashtirish jarayonini yanada tezlashtirdi. Axborot texnologiyalari iqtisodiy o‘sishning tom ma’nodagi “drayveri”ga aylanib bormoqda. Bunday sharoitda yangi texnologiyalarga innovatsion asoslangan holda iqtisodiyotimizni modernizatsiyalash, jahon bozoridagi raqobatbardoshligini yanada oshirish, uning soha va tarmoqlarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish, eksport salohiyatini kengaytirish, tadbirkorlikni rivojlantirish, investitsiyaviy faollikni kuchaytirish orqaligina istiqbolli dasturlarimizni samarali amalga oshirish mumkin.

Bozor sub’ektlarining faoliyatida raqamli transformatsiyalarning asosiy omili raqamli madaniyatni rivojlantirishdan iborat. Jamiyatni ijtimoiy va iqtisodiy isloh qilishning hozirgi bosqichida atrof-muhit jamiyatning institutsional tuzilishiga xos xususiyatlarini keltirib chiqarmoqda va bu asosda yangi tushunchalar va yondashuvlarni shakllantirishga zarurat tug‘diradi. Raqamli iqtisodiyotning bir qancha afzalliklari hamda ijobiy tomonlari mavjud. Masalan, axborot-kommunikatsion texnologiyalarining rivojlanishi inson uchun eng qimmatbaho bo‘lgan vaqtni tejashga, undan unumli foydalanishga ko‘maklashishi mumkin. Biron bir kitobning chop etilgan ko‘rinishini sotib olish shu kitobning elektron formatini sotib olishdan qimmatroqqa tushadi. Bundan ko‘rinadiki, biz axborot kommunikatsion texnologiyalarining rivojlanishi orqali pul mablag‘larimizni ham qisman tejab qolishimiz mumkin. Raqamli iqtisodiyotga o‘tish albatta, ishlab

chiqarish samaradorligining oshishiga, kompaniyalar raqobatbardoshligining o‘sishiga, ishlab chiqarish xarajatlarining kamayishiga, yangi ish o‘rinlarining yaratilishiga, yangi zamona-viy kasblarning paydo bo‘lishiga ta’sir etmay qolmaydi. Ayni vaqtlarda butun mamlakat miqiyosida raqamli texnologiyalarda foydalanish ko‘nikmalarini baholash mehanizmlarini ishlab chiqish va bunda quyidagi jihatlarni inobatga olish zarurdir. Bulardan:

- *axborot savodxonligi*, ya’ni qaror qabul qilish uchun zarur bo‘lgan ma’lumotlarni topish qabiliyati;
- *компьyuter savodxonligi*, ya’ni raqamli qurilmalar bilan ishlash qobiliyati;
- *media savodxonligi*, ya’ni ommaviy axborot vositalarini tanqidiy o‘rganish imkniyati;
- *kommunikativ savodxonlik*, zamonaviy raqamli aloqa vositalaridan fodalanish qobiliyati;
-texnologik innovatsiyalarga ijobiy munosabatni shakllantirish ham muhim vazifalarlardan hisoblandi.

Bunda davlat va mahalliy hokimiyat organlari raqamli rivojlanish bo‘yicha ixtisoslashtirilgan bo‘linmalarnni mas’ul xodimlari bilan ishlash mexanizmini takomillashtirish, jumladan raqamli texnologiyalarni rivojlantirish maqsadlariga erishishga asoslangan moddiy rag‘batlantirish tizimini (KPI) joriy etishga alohida ahamiyat qaratish kerak.

Ta’lim sohasida raqamli ko‘nikmalarni oshirish maqsadida avvalo, ta’lim pog‘onasining boshlang‘ich bosqichida o‘quvchilarga raqamli texnologiyalarni taqdim etish orqali raqamli ko‘nikmalarni o‘zlashtirish uchun imkniyatlar yaratish, kelajakda zarur bo‘ladigan kenga qamrovli raqamli transformatsiya sharoitida yoshlarga bilim va ko‘nikmalar berish bilan bog‘liq tizimli tadbirlar amalga oshirilishi darkor. Zamonaviy bozor sharoitida respublikamiz ta’lim tizimi o‘zining barqarorligi, moslashuvchanlik, ijtimoiy o‘zgarishlarga bardoshliligini namoyon qildi. O‘zbekiston aholisi deyarli mutlaq savodxon bo‘lgan kam sonli rivojlanayotgan mamlakatlar sirasiga kiradi. BMT ma’lumotlarida baholanishicha, O‘zbekiston balog‘at yoshidagi aholisining savodxonlik darajasi hamda oliy o‘quv yurtlariga qabul qilinganlarning umumiy ko‘rsatkichi inson salohiyati rivojlanganlik darajasi nafaqat o‘rta, balki yuqori qiymatlarga ega rivojlangan mamlakatlarning darajasiga nisbatan ham yuqoridir.

Oliy ta’limning maqsadi tayyorlanayotgan mutaxassislarni o‘zgarib borayotgan mehnat bozori talab qiladigan, rivojlanayotgan innovatsion iqtisodiyotda faol ishtirok etadigan va o‘z turmush darajasini, aholi farovonligini ta’minlaydigan malakali va ijtimoiy ko‘nikmaga ega bo‘lgan yetuk inson darajasiga yetkazishdan iborat [3]. O‘zbekiston iqtisodiyoti, ta’lim tizimini jahon xo‘jaligiga integratsiyalashuvi mehnat bozorining o‘sib va o‘zgarib boruvchi ehtiyojlariga tezlik bilan moslasha oladigan oliy ta’lim tizimini yaratishni, oliy o‘quv yurtlarini rivojlantirishga va ular tomonidan ko‘rsatiladigan sifatli xizmat ko‘rsatishni rag‘batlantiruvchi muhit yaratadigan sog‘lom raqobatni shakllantirishni taqozo etdi. SHu bilan bir qatorda ta’lim xizmatlari ham o‘sish tendentsiyalarida bormoqda, lekin bu mamlakatimizda ta’lim sohasini rivojlantirish va raqobatbardoshligini

oshirish uchun yetarli deb bo‘lmaydi. SHu bilan birga ta’lim sifatini nafaqat poytaxtda balki, respublikamizning barcha mintaqalarida oshirish chora tadbirlarini ishlab chiqish zarur.

Qisqacha qilib aytganda, raqamli iqtisodiyot sharoitida ushbu yo‘nalishdagi yangilanishlar bu sohada ham zamon talablarini e’tiborga olish, islohtlarni amalga oshirish jarayonida jamiyatimiz ilm-fanning yangi qiyofasini yaratish va ushbu sohadagi o‘zgarishlar dinamikasining samarali bo‘lishiga erishish masalalariga yangicha qarashlar va yondashuvlarni talab qilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Umarov O. Raqamli iqtisodiyot va uning rivojlanish tendentsiyalari. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyunь, 2018 yil.

2. Gulyamov S.S., Ayupov R.H., Abdullaev O.M., Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalar. -T.: TMI, “Iqtisod-Moliya” nashriyoti, 2019,- B. 8-10

3. Axunova G. O‘bekistonda ta’lim xizmatlari marketingi muammolari. - T.: TDIU. Iqtisod-Moliya, 2005 y. -244b

Рахматов А.И. *- СамИСИ, таянч докторант*

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ КЛАСТЕР МОДЕЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистонда туризм соҳасига юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш борасида назарий ёндашувларни таҳлил этиш халқаро туризм индустриясини тажрибасини ўрганиб чиқишни тақозо этмоқда. Ушбу муаммога оид илмий ишларда туризм соҳасига юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва рақобатбардошликни ошириш бўйича турли хил назарий қарашлар мавжуд. Бу борада тўпланган назарий қарашлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қиладиган бўлсак, инновацион ёндашувларга асосланган туристик кластерлар туризм соҳасига юқори малакали кадрлар тайёрлаш рақобатбардошлигини оширишнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланишини кўрсатади. Туристик кластер «Кластер» тушунчаси инглиз тилидан келиб чиққан бўлиб, “попук”, “бир шингил”, “тўп”, “тўплам” каби маъноларини англатади. “Кластер” тушунчасини биринчи бўлиб фанга Гарвард бизнес мактаби профессори Майкл Портер киритган. Портер эътироф этишича, «кластер – бу бир-бири билан рақобатлашувчи, лекин шу билан бирга бутун кластернинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорликда фаолият юритувчи, географик жиҳатдан яқин жойлашган ташкилотларнинг ўзаро боғланган гуруҳлари, улар фаолиятига ихтисослашган хизмат кўрсатиш ташкилотлари, жиҳозлар етказиб берувчи ташкилотлар, уларга ҳамроҳ тармоқ ташкилотлари, шунингдек уларнинг фаолияти билан боғлиқ турли соҳа ташкилотлари (илмий-тадқиқот институтлари,ОЎЮлари,

стандартлаштириш бўйича агентликлар, савдо уюшмалари ва ҳ.к.) ва бошқа бир қатор ташкилотлар гуруҳидир”»[1].

Кластер усулидан бугунги кунда барча тармоқ ва соҳаларда (ишлаб чиқаришда ҳам, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам) жорий қилиниб, мувоффақият билан фойдаланилмоқда. Агар жаҳон амалиётига назар соладиган бўлсак, сўнгги йигирма йил давомида кластерларнинг шаклланиши жараёни жадал амалга ошган. Экспертларнинг фикрича, дунё миқёсида етакчи давлатлар иқтисодиётининг 50 фоизини кластерлар қамраб олган. Мисол учун, бугунги кунда АҚШ иқтисодиётида фаолият юритаётган ташкилотларнинг ярмидан ортиғи кластерлар томонидан қамраб олинган бўлиб, мамлакат ЯИМнинг деярли 60 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Европа Иттифоқи давлатларида эса 2000га яқин кластерлар мавжуд бўлиб, уларда дунё миқёсида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 38% фаолият юритмоқда [2]. Масалан, Финляндияда енгил саноат, ахборот технологиялари, ўрмон хўжалигини қамраб олган 9та кластер, Германияда фармацевтика, косметика, автомобилсозлик, биотехнологиялар, электроника соҳаларини қамраб олган 32 та кластер, Буюк Британияда биотехнологиялар, биоресурслар ва бошқа бир қатор соҳаларни қамраб олган 168та кластер, Данияда тиббиёт, фармацевтика соҳаларини қамраб олган 34та, Италияда агросаноат, озиқ-овқат саноатини қамраб олган 206 кластерлар, Францияда 96та, Голландияда 20та кластерлар мамлакат иқтисодиётида фаолият юритмоқда[3]. Жаҳон ҳамжамиятига тобора кучлироқ киришиб бораётган мамлакатимизда ҳам кластерларни ташкиллаштириш долзарблашиб бормоқда. Хусусан, юқори туристик салоҳият жамланган ҳудудларда туристик кластерни шакллантириш ва ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Демак, ҳудуд иқтисодиётининг ривожланишида кластерли ёндашув унинг хусусий сектори, йирик ташкилотлари, давлатнинг маъмурий тузилмалари ва таълим ташкилотлари ўртасида узвий боғлиқлик ва алоқадорликни таъминловчи асосий ташкилий-иқтисодий механизм бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунда ҳукуматнинг асосий вазифаси ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, керакли кластерларни аниқлаш, уларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича стратегик режани ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий базани яратиш, ҳамда мавжуд интеллектуал, илмий, моддий-техник ресурсларни бирлаштириш ҳисобланади. Альферд Маршалл, М.Партер, М.Энрайт, С.Резенфельд, Ж.Даннинг, П.Маскелл, М.Лоренцеп, П.Беккетин, М.Сторпер, К.Бримэн, Ю.С.Артоманова, Б.Б.Хрусталев, Б.Йонсон, Ж.Хамфри кабилар шуғулланиб келмоқдалар. Мамлакатимиз олимларидан М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов, М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев кабиларнинг тадқиқот ва тавсияларини киритиш мумкин [4]. Мазкур тадқиқотчилар асарларида кластернинг бозор муносабатлари шароитида объектив зарурлиги ва уларнинг амалиётда қўлланилиши қараб чиқилган. Аммо ҳаётимизга кириб келаётган мазкур ташкилий механизм усули ҳали кўплаб тадқиқотларни амалга оширишни тақозо қилади.

Туристик фаолият самарадорлигини оширишда кластерли ёндашувдан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида маҳаллий олимларимиздан И.С.Тухлиев - “туристик кластернинг яратилиши, туристик хизматларидан чет эл фуқаролари ва маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун кенг имкониятларини таъминлаб берувчи туристик рақобатбардош ва юқори самарали замонавий мажмуаларни шакллантирилишига олиб келади, иқтисодиёт ривожланишига катта ҳисса қўшиб, бюджетга солиқ даромадлари, чет эл валютаси оқими, ишчи ўринлар сонини оширилишига, маданий ва табиий мерос сақлаб қолиниши ва рационал тарзда қўлланилиши ҳисобига ривожланишига асос солади. Юқорида кўрсатилган муаммоларни ечиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- туризм учун табиий, маданий, тарихий объектлар салоҳиятининг рўйхатини шакллантириш;
- рақобатчилик ривожлантирилиши асосида туризм хизматлар бозорида таклифларни шакллантириш;
- туризм индустриясини ривожлантириш ҳудудий ва ҳукумат дастурларини шакллантириш ва тадбиқ этиш;
- туристлар хавфсизлиги ва туризм индустриясини ҳукумат томонидан бошқаришни такомиллаштириш;
- истиқболли туристик махсулотларини шакллантириш ва уларни тадбиқ этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш;
- туристик - рекреацион марказлари тизимини шакллантириш;
- туристик бизнес соҳасида халқаро ҳамкорликни шакллантириш;
- янги туристик дестинацияларини шакллантириш учун чет эл ва мамлакатимиз инвесторларини жалб этиш;
- туризм соҳасида фаолият юритаётган кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни замонавий тизимини шакллантириш учун муҳим самарали механизм бўлишини илмий-тадқиқот ишларида асослаб берган[5] .

Кластер кўп қиррали фаолият турлари ва турли катталикдаги корхоналарни ўзига қамраб олиши мумкин. Ҳудудий тармоқ кластерининг ривожланишини кластерда фаолият юритаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва инновацияни қўллаш имкониятини ошириш қобилияти билан боғланган. Бунда кластер самараси кластернинг қулай микроиқтисодий чора-тадбирлар натижаси сифатида ёритилган. Бунга яна қуйидагилар тегишли ҳисобланади:

1.Зичлик бўйича устунлик. Кластерда ишлаб чиқариш омилларини ўзаро келишув асосида тақсимланиши натижасида унга киришга бўлган тўсиқларнинг камлиги.

2.Трансакциявий харажатлар бўйича устунлик. Бозорни ривожланиши бўйича ўзаро ахборот алмашиниш имкониятининг мавжудлиги.

3.Бирлашув жиҳатдан устунлик. Ишлаб чиқариш ва маркетинг фаолиятидаги ҳамкорликнинг турли шаклларида намоён бўлади.

4.Ҳудудда локал бозорларнинг мавжудлиги. Кластер субъектлари ҳудуддаги бозорда кенг фаолият олиб бориш имконияти пайдо бўлади.

Юқоридаги кластерга оид хусусиятларнинг мавжудлиги натижасида кластерда фаолият олиб бораётган корхоналар бир тарафдан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва инновацияларни жалб қилиш имкониятини кучайтирса, иккинчи тарафдан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолияти юритишда таваккалчилик хавфи якка тартибдагига нисбатан пасаяди.

Туристик кластер турмаҳсулотни рақобатбардошлигини ошириш учун дестинациядаги туристик хизмат етказиб берувчилар, туристик ташкилотлар ва бошқа қанташчиларнинг горизантал ва вертикал тарзда барқарор алоқаларининг йўлга қўйилиши натижасида мақсадли ва жуғрофий жойлашув нуқтаи назаридан бирлашишида намоён бўлади. Туристик кластернинг шаклланиши натижасида туристик дестинациянинг туристик бозорда улуши доимий тарзда ошиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Портер М. Конкуренция. Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005, с. 256.

2.Е.Б. Ленчук Г.А. Власкин. Кластерный подход в стратегии инновационного развития зарубежных стран. Журнал. Проблемы прогнозирования № 5 2010г. С. 38

3.Е.Б. Ленчук Г.А. Власкин. Кластерный подход в стратегии инновационного развития зарубежных стран. Журнал. Проблемы прогнозирования № 5 2010г. С. 42

4. М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD MOLIYA” нашриёти, 2014. – 384 бет.

5.И.С.Тухлиев, А.А.Аблокулов- “ Рақобатбардошликни оширишда худудий туристик кластернинг ташкилий - иқтисодий моделини шакллантириш усули” «Туристик кластерларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» / 2021 йил 5 июн. Халқаро онлайн илмий-амалий анжумани материаллари. Самарқанд, СамИСИ, 2021й, 5-6 с.

Суюнов Д.Х. *- ОБМ кафедра мудири, и.ф.д., проф,*
Рихсиев Х.Ю. *- ОБМ, Кадрлар бўйича инспектор*

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАРМОҚ ХУСУСИЯТЛАРИГА КЎРА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Жаҳон амалиётида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида бошқарувнинг мажмуавий механизмини шакллантириш, давлат ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш механизмининг концепцуал

асосларини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тармоқ рақобатбардошлигини ошириш стратегияларига асосланган замонавий менежмент тамойиллари асосида такомиллаштириш каби самарали усуллардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаш-тириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар, жумладан, ҳудудлар ва тармоқлар салоҳиятини инобатга олган ҳолда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш, бозор талабларига мослашувчан креатив, аутсорсинг ва франчайзинг тамойилларига асосланган бошқарув механизмини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда кластерларни шакллантириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик энг ривожланган ҳудудлардан бири Тошкент вилояти ҳисобланади. Тошкент вилоятида кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотларидаги улуши 2021 йилда 70,6 фоизни ташкил этди. Вилоятда 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами 27314 та кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 102,4 фоизга кўпайди. 2021 йил якуни билан кичик бизнес субъектларининг вилоят саноатидаги улуши 68,4 фоиз, қурилиш ишларида 93,9 фоиз, жами хизматларда 73,7 фоиз, экспортда 66,7 фоизни ташкил этди.

Тошкент вилоятида 2016 йилда кичик бизнес субъектларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1629,5 млрд. сўмни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1013,9 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари (ароқ-вино маҳсулотларидан ташқари) ишлаб чиқариш 529,4 млрд. сўм, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2429,1 млрд. сўм, чакана савдо айланмаси 2898,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3901,7 млрд. сўмни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 2715,5 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1134,7 млрд. сўм, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2493,1 млрд. сўм, чакана савдо айланмаси 4575,4 млрд. сўмни ташкил этган (1-жадвал).

Тижорат банклари томонидан 2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2015 йилга нисбатан қарийб 4 баробарга ошиб, 867,8 млрд. сўмни ташкил этди, мазкур маблағлар ҳисобига ҳудудларда 300[1] мингтадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси маълумотлари 2015-2021 йиллар (2021 йилнинг 11 ойлиги маълумотлари).

1-жадвал

Тошкент вилоятида кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми[1] (млрд. сўм)

№	Тармоқлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
1.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1629,5	1964,9	2685,2	3411,2	3901,7
2.	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	1013,9	1205,1	1779,9	2193,4	2715,5
3.	Озиқ-овқат маҳсулотлари (ароқ-вино маҳсулотларидан ташқари)	529,4	574,5	922,7	1101,1	1134,7
4.	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	435,6	577,9	826,1	1072,5	1557,1
5.	Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	2429,1	2877,1	3161,5	3568,1	2493,1
6.	Қурилиш ишларини бажариш	726,7	928,8	1109,7	1260,7	1552,8
7.	Чакана савдо айланмаси	2898,5	3506,5	4083,4	5173,5	4575,4
8.	Жами кўрсатилган хизматлар	1948,5	2565,9	2729,3	3911,9	5072,7

Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тармоқ хусусиятларига кўра баҳолашнинг бир қатор усуллари мавжуд бўлиб, омилларнинг салмоғига аниқ баҳо беришда математик моделлаштириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу усуллардан асосийлари корреляцион ва регрессион усуллардир. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан фойдаланган ҳолда кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида ночизиқли боғланишларнинг даврий математик корреляцион усул ёрдамида 0,95 дан юқори бўлган математик моделлар олиш мумкин бўлади (2-жадвал).

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини самарали ташкил этиш, аввало, уларни кредитлаш ва инвестициялаш жараёнларини мутаносиб соҳаларга йўналтирилиши билан боғлиқдир. Шунга асосан, муаммони аниқловчи омиллар тизими шакллантирилган. Гуруҳланган омиллар бўйича боғлиқ ўзгарувчилар сифатида тадбиркорлик субъектлари учун ажратилган кредитлар, киритилган инвестициялар, мустақил ўзгарувчилар сифатида тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар қабул қилинди. Танланган омиллар бўйича Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг 2013-2020 йиллардаги асосий иқтисодий кўрсаткичларини, яъни ривожланиш даражасини белгиловчи омилларнинг йиллик ўзгаришига кўра статистик боғланишларини корреляция коэффициенти $r>0.95$ ҳолатида чизиқли моделлар олинди.

[1] Тошкент вилоятининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-жадвал

Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили[1]

№	КБХТнинг ривожланиш индикаторлари	Олинган функциялар	Детер-минация коэф-ти
1	Ажратилган кредитлар (X_{kr})	$X_{kr} = 12940X_{2010}^2 - 8549.4X_{2010} + 120580$	$R^2 = 0,99$
2	Киритилган инвестициялар (X_{in})	$X_{in} = -6952.2X_{2010}^5 + 148757X_{2010}^4 - 1000000X_{2010}^3 + 4000000X_{2010}^2 - 6000000X_{2010} + 3000000$	$R^2 = 0,98$
3	Саноат маҳсулот-лари (Y_{sm})	$Y_{sm} = 42412X_{2010}^2 + 75011X_{2010} + 666954$	$R^2 = 0,99$
4	Халқ истеъмоли моллари (Y_{im})	$Y_{im} = 36038X_{2010}^2 - 6509.1X_{2010} + 462926$	$R^2 = 0,99$
5	Озиқ-овқат маҳсулотлари (Y_{oo})	$Y_{oo} = -3643.3X_{2010}^4 + 63999X_{2010}^3 - 365550X_{2010}^2 + 874799X_{2010} - 310615$	$R^2 = 0,98$
6	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари (Y_{noo})	$Y_{noo} = 117701\exp(0.3202X_{2010})$	$R^2 = 0,99$
7	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (Y_{qh})	$Y_{qh} = -10875X_{2010}^3 + 127546X_{2010}^2 - 4153.8X_{2010} + 1000000$	$R^2 = 0,99$
8	Қурилиш ишлари (Y_{qq})	$Y_{qq} = 170341X_{2010} + 101095$	$R^2 = 0,98$
9	Чакана савдо (Y_{chs})	$Y_{chs} = -8740.8X_{2010}^4 + 134090X_{2010}^3 - 654141X_{2010}^2 + 2000000X_{2010} + 108306$	$R^2 = 0,98$


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг танлаб олинган асосий омиллар бўйича аниқланган чизиқли моделлар асосида ажратилган кредитларнинг тармоқ ва соҳаларга таъсирини баҳоловчи параметрик боғлиқлик модели қурилди:

$$y(x) = \begin{cases} x_{kr} = f(t) \\ y_i = \varphi(t) \end{cases}$$

Бунда: $x_{kr} = f(t)$ – кичик бизнес субъектларига йўналтирилган кредитларнинг вақтга нисбатан статистик корреляцион функцияси (2-жадвал маълумотлари асосида, x_{kr}); $y_i = \varphi(t)$ – тадбиркорлик субъектларининг тармоқ кўрсаткичларини вақт бирлигида ўзгаришининг корреляцион функцияси (2-жадвал маълумотлари асосида деб x_{in} белгиланди).

[1] Тошкент вилоятининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

Қуйидаги расмда қурилган моделдан фойдаланиб, боғлиқлик диаграммалари ишлаб чиқилди ва келтирилмоқда (1-расм).



2-расм. Тошкент вилоятида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларга нисбатан иқтисодий ривожланиш индикаторларининг нисбий ўсиши, млн. сўм[1].

2-расмда горизонтал сон ўқида кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар, вертикал сон ўқида кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг ўзаро боғланиш графиги тасвирланган.

Хулоса қиладиган бўлсак, Тошкент вилоятида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларга нисбатан тармоқ ва соҳаларнинг нисбий ўзгаришини ифодаланиши акс эттирилганбўлиб, келтириб ўтилган функция бўйича ҳисоб- китобларни амалга ошириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг тармоқ ва соҳаларни қай даражада ривожланишига сабаб бўлганлигини, кредитлар ўзгаришига нисбатан тармоқларнинг қай даражада юксалишини параметрик таққослаш имкониятини берганлигини кўриш мумкин. Шунга асосан вилоятда ҳалқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, чакана савдо ҳамда қурилиш соҳаларига йўналтирилган кредитлар мақсадли бўлиб, кредитлар ҳисобига ривожланиш даражаси бошқа вилоятларга нисбаттан юқори даражада эканлигига ишонч ҳосил қилиб, бундай амалиётни мамлкатмиздаги барча вилоятлар фаолиятига тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деган фикрни билдириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожатномаси. // Халқ сўзи, 2021 йил 24 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат

[1]Тошккент вилоятининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.

3.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси маълумотлари 2015-2021 йиллар (2021 йилнинг 11 ойлиги маълумотлари).

4.Тошкент вилоятининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

5.Финансы и кредит. Учебник. Под ред. проф. М.В.Романовского и проф. Г.Н.Белоглазовой. – СПб.: Юрайт, 2013. – С. 200.

6.Азизов У.Ў. Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. –Тошкент: “ТМИ”, 2017;

7.Лапуста М.Г. Предпринимательство. –М.: Инфра-М, 2018;

8.Накатников В.М. Организации предпринимательской деятельности. Ростов н/Д: Феникс, 2014;

Уктамова Н.Н. *– ТФИ, Докторант*

ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ДОХОДА И КАЧЕСТВА АКТИВОВ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

При повышении эффективности активов в иностранных банках основной упор делается на увеличение доли рисковых активов в структуре балансовых активов банка. Это связано с тем, что, хотя рискованные активы банков связаны с различными уровнями риска убытков для банка, это дает банкам возможность получать высокий доход. Рисковые активы Банка включают краткосрочные и долгосрочные ссуды, вложения в государственные и корпоративные ценные бумаги, а также факторинговые, платежные, форфейтинговые, лизинговые и лизинговые операции.

В зарубежных банках эти активы делятся на разные категории в зависимости от уровня риска, следует отметить, что чем выше уровень риска банковских активов, тем выше доходность по ним. Для определения их эффективности используются разные критерии. На следующем рисунке показаны основные критерии определения эффективности зарубежных активов.

На 1 рисунке показаны основные критерии, используемые для оценки эффективности активов в развитых зарубежных банках. Из рисунка видно, что при определении эффективности активов банка основное внимание уделяется рентабельности активов, и этот коэффициент является одним из важных критериев. Этот коэффициент определяет уровень доходности активов банка, то есть какая часть активов банка будет приносить доход.



Фигура 1. Критерии определения эффективности активов в иностранных банках[1]

Известно, что роль средств, привлеченных в ресурсы коммерческих банков, значительна. Важно знать, какая часть привлеченных банками средств инвестируется в активные операции, а точнее, в рискованные активы. В международной банковской практике более 75% срочных вкладов размещается в виде кредитов, что свидетельствует о том, что банк проводит агрессивную кредитную политику, если этот показатель меньше 65%, это означает, что банк проводит умеренную кредитную политику.

Своевременное размещение рисковых активов Банка также является фактором, напрямую влияющим на эффективность активов. В связи с этим важно знать, какая доля рискованных активов в иностранных банках помещается в долгосрочные активы, а какая - в краткосрочные.

В международной банковской практике система CAMEL, являющаяся стандартным рейтингом, широко используется при оценке активов коммерческих банков. В данном случае S - капитал, A - активы, M - менеджмент, E - прибыль, L - ликвидность.

При оценке капитала учитывается степень рентабельности. В этом случае рассчитывается отношение прибыли к средней величине собственного капитала банка. В банках США этот показатель считается умеренным, если он составляет 13-16%.

При использовании системы CAMEL в банках эффективность коммерческих банков оценивается по пятибалльной шкале. Банкам с высоким уровнем устойчивости будет присвоен один рейтинг, а банкам, находящимся в состоянии финансового банкротства, - 5 баллов. В системе CAMEL основное внимание уделяется достаточности капитала банков и доле рискованных активов в структуре активов банка. Размер рискованных активов учитывается при оценке капитала банка.

[1] Uktamova N.N. The Problems of Increasing the Income and Quality of Assets of Commercial Banks //International Journal for Research in Applied Science & Engineering Technology Volume. 9: Issue. XII. December 2021 Issn: 2321-9653.

Результаты анализа и исследования показывают, что в практике иностранных банков определение эффективности банковских активов осуществляется на микро и макро уровне. Определение эффективности банковских активов на микроуровне служит интересам акционеров, вкладчиков и инвесторов банков. В таблице ниже мы рассматриваем уровень рентабельности активов Промышленно-коммерческого банка, который является крупнейшим коммерческим банком Китая.

1-таблица.

Промышленный и Коммерческий Банк Китая [1]

(По состоянию на 1 января % по счету)

Содержание баланса	**2017 й.**	**2018 й.**	**2019 й.**	**2020 й.**	**2021 й.**
Кредиты (4,45%)	57,7	58,7	58,8	56,7	57,7
Инвестиции (3,6%)	21,9	22	22,7	20	21,9
Требования к ЦБ (1,55%)	13,4	12,7	11	13,4	13,4
Требования к другим банкам (3,12%)	7	6,5	7,5	7	7
Доходные активы всего	***94,1***	***93,2***	***92***	***93,2***	***91,4***
Неприбыльные активы всего	***7,2***	***8,3***	***9,5***	***8,1***	***10,2***
Резерв возможных убытков	-1,3	-1,5	-1,6	-1,3	-1,6
Общие активы	**100**	**100**	**99,9**	**100**	**100**

Из данных 1 таблицы можно сказать, что активы Промышленно-коммерческого банка Китая размещены очень эффективно как с точки зрения прибыльности, так и с точки зрения ликвидности. За анализируемый период средняя доля активов, направленных в ссуду, которые считаются рисковыми активами, составила 57,92%, при этом средняя доля инвестиционных фондов банка на 1 января 2017-2021 гг. Составила 21,7%. Это не только позволяет банку генерировать стабильный доход, но также позволяет банку покрывать его, когда его потребность в ликвидных средствах высока, поскольку высоколиквидные ценные бумаги в инвестиционной структуре могут быть легко конвертированы в наличные в результате быстрых продаж в фондовый рынок.

На наш взгляд, мы считаем целесообразным внедрение практики эффективного использования активов китайскими коммерческими банками в коммерческих банках нашей страны, в частности, из таблицы видно, что банк будет платить 1,55% годовых на корсчетах в Центральном банке. Банк. В этом случае коммерческие банки решают риски ликвидности, сохраняя определенный уровень средств на корреспондентских счетах, при этом получение определенной суммы дохода от этого играет положительную роль в эффективном размещении активов.

[1] Industrial and Commercial Bank Of China Ltdнинг йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилди http://www.icbc-ltd.com/ICBCLtd/Investor%20Relations/Financial%20Information/Financial%20Reports/

Умаралиев А.У. *– мустақил тадқиқотчи*

ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР, СОҲАГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ФАОЛ ЖАЛБ ЭТИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ТОҒ-КОН СИЁСАТИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ВА НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ-ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўтган давр мобайнида мамлакат ҳудудларини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлган минерал-хом ашё базасини ривожлантириш, шунингдек, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмалардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди.

Шу билан бирга соҳанинг амалдаги ҳолати қурилиш материаллари саноатини, электротехника соҳасини ривожлантиришга қаратилган фойдали қазилмаларнинг янги истиқболли майдонлари ва конларини аниқлаш учун қидирув захираларини кўпайтиришни ҳисобга олган ҳолда, минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклашга доир мақсадли дастурларни шакллантириш ва ижро этиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, минерал-хом ашёларни излаш ва қазиб олишга рухсат бериш тартиб-тамойилларини соддалаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича муҳим чоралар қабул қилинишини талаб қилади.

I. Геология-қидирув ишлар ҳолати ҳамда соҳага рақамли иқтисодиётни жорий қилиш натижалари.

Сўнгги 2 йилда соҳага **2,0 трлн.сўмдан** зиёд маблағ ажратилган бўлиб, геология-қидирув ишлари натижасида хом ашё базаси кенгайиб, янги истиқболли майдонлар аниқланди. Натижада, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати олтин – **114%**га, кумуш – **198,2%**га, мис – **5 баробарга**, қўрғошин – **133%**га, рух – **109%**га, вольфрам – **209%**га, ер ости сувлари – **220%**га ва бошқа фойдали қазилмаларни захиралари ўсиши кўпайтирилди.

2021 йилда эса, 2020 йилга нисбатан ўсиш суръати олтин – **275%**га, кумуш – **280,5%**га, уран – **116,6%**га, мис – **6 баробарга**, қўрғошин – **154,4%**га, рух – **178,3%**га, вольфрам – **2 баробарга**, кўмир – **112,5%**га, базальт– **111%**га, кварц хомашёси – **125%**га фойдали қазилмалар кўпайтирилди.

1. “Рақамли иқтисодиёт” тамойилларини соҳага кенг жорий қилиш натижадорлиги. Соҳага “рақамли иқтисодиёт” тамойилларини жорий этиш мақсадида лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиладиган дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимлари жорий қилинди. Хусусан, ArcGIS, Micromine, ерни масофадан зондлашда маълумотларни қайта ишлаш учун зарур дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жорий этилди.

Натижада фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаш, моделлаштириш, хариталарни тузиш, геологик маълумотларни таҳлил қилиш,

космик суратларни қайта ишлаш, геологик-иқтисодий баҳолаш, геологик ва геофизик изланишларни самарадорлигини ўсишига олиб келди.

Шунингдек, юқори аниқликдаги (ASTER, Landsat, QuickBird) космосуратлар таҳлиллари ҳамда ерни масофадан зондлашда Erdas, Envi, ArcGIS космогеологик хариталарини дешифровка қилиш йўлга қўйилди.

Республикадаги мавжуд **1167 та** норуда фойдали қазилма конлари бўйича маълумотлар геоахборот тизимлари ёрдамида рақамлаштирилди.

Ер қаъри ресурсларидан фойдаланиш бўйича жисмоний ва юридик шахсларга **6,4 мингдан** ортиқ рухсат берувчи ҳужжатларнинг, шундан **3,2 минг** ёки **51 фоизи** ахборот-коммуникация тизими орқали электрон кўринишда берилган.

Рақамлаштириш бўйича ташкил этилган ўқув курсларида **85 нафар** тизим мутахассислари ўз билим ва кўникмаларини оширди.

Республика бўйича амалга оширилган геология-қидирув ишлари натижасида тузилган қоғоз кўринишидаги **36 мингдан** ортиқ ҳисоботлар рақамли кўринишга ўтказилди, мавжуд фойдали қазилма конлари тўғрисида ахборот берувчи интерактив харита яратилди ҳамда интернет тармоғига жойлаштирилди. Ушбу ишларни амалга ошириш доирасида зарур сервер ва коммуникация қурилмалари, юқори форматда сканер қилиш имконини берувчи қурилмалар, зарур геоахборот тизими ўрнатилган тартибда харид қилинди ва жорий этилди.

Шунингдек, хавфли геологик жараёнларнинг **920 та** кузатув объектлари ахборотлаштирилиб тизимли мониторинги олиб борилмоқда. Бу эса олдиндан юз бериши мумкин бўлган турли хил бахтсиз ҳодисаларни, табиий офатларни масофадан туриб аниқлаштириб уни олдиндан бартараф этиш имкониятини беради.

II. Фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш тартибини рақамлаштириш натижалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 23 июндаги 403-сон қарорига асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб, барча турдаги стратегик муҳим турдаги қаттиқ фойдали қазилма конларини геологик ўрганиш ва қазиб олишда ер қаъри участкалардан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали янада соддалаштирилган шаффоф механизм тартиби жорий қилинган бўлиб, лицензия олиш муддати **10-15 кунларни** ташкил этмоқда .

Аввалги тартибга кўра лицензия олиш вақти **300 кундан** ортиқ муддатни талаб қилар эди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал-хом ашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5083-сон қарорига асосан жорий йилда 50 та кон ва истиқболли майдонларни

маҳаллий
ва хорижий инвесторларга очиқ ва шаффоф механизмлар асосида фойдаланишга бериш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йилда **25 та** геологик объектлар бўйича ғолибларга “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали рухсатномалар расмийлаштириб берилди.

Кон ва истиқболли майдонларни реализация қилишдан **48,6 млрд.сўм** маблағ давлат бюджетига туширилди.

Бундан ташқари, яна **24 та** кон ва истиқболли майдонлар рўйхати шакллантирилиб, навбатдаги онлайн аукцион савдоларига чиқариш режалаштирилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, соҳани янада ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Соҳада рухсат беришга оид ҳужжатларни кўриб чиқишни соддалаштириш мақсадида, тўлиқ “Ягона дарча” тамойили асосида ишларни ташкил қилиш.

Бунда, ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномаларни олишга талаб этиладиган барча ҳужжатларни (аукционда қатнашишга ариза бериш, хизматларга тўловни тўлаш, ер қаъридан фойдаланиш шартларини келишиш ва бошқаларни) масофадан турган ҳолда амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси минерал ресурслар Давлат геология қўмитаси маълумотлари асосида https://www.uzgeolcom.uz/uz.
2. https://e-auksion.uz/.

Урунбаев Р. *– ТДИУ, мустақил тадқиқотчи*

ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимиз ёқилғи саноатига киритилган инвестициялар мамлакатимизда кейинги йилларда нафақат ёқилғи саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштиришга, балки мамлакатимиз ҳудудларида янгидан-янги саноат мажмуаларининг ташкил топишига, янгидан янги иш ўринларининг яратилишига ҳамда аҳоли жон бошига ёқилғи саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига катта таъсир кўрсатади. Бугунги кунда мамлакатимиз саноатининг бошқа тармоқларига нисбатан тез ривожланиб бораётган ёқилғи саноатида инвестицион жозибадорлик ортиб бормоқда. Мамлакатимиз ёқилғи саноатига жалб қилиниётган инвестициялар ҳажмининг ортиб бориши натижасида тармоқнинг ишлаб чиқариш даражаси ва самарадорлиги ўсиши таъминланмоқда. Тармоқ ишлаб чиқариш даражаси юқори бўлиши мамлакатимиз иқтисодиётида саноат ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига, республикамиз саноат салоҳиятининг кучайишига ҳамда аҳоли турмуш

шароитининг яхшиланишига олиб келади. Ёқилғи саноати корхоналарининг фаолият юритиши шароитларини янада такомиллаштириш, тармоққа киритилаётган инвестицияларни самарали қайта тақсимлаш, мамлакат ёқилғи саноатини ривожлантиришнинг ички манбаларини ва захираларини фаоллаштиришга қодир қайта ишлаш тизимини ташкил этиш муҳим масалалардан бирига айланмоқда.

Маълумки энергоресурслар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда жуда катта аҳамият касб этади. Айниқса ҳозирда саноатлашган ва юқори технологияли тармоқлар фаолиятида энергоресурсларнинг ўрни беқиёсдир. Иқтисодиёт тармоқлари ва саноат учун энергия ресурслари сув ва ҳаво каби зарурдир. Қайси бир соҳани олиб қарамайлик, энергетика ресурсларининг барқарор таъминотисиз бу соҳанинг фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса иқтисодиётимиз учун муҳим бўлган энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича керакли чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши зарурлигини билдиради.

Биринчидан, хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорликнинг асосий йўналиши сифатида хом-ашёни қазиб олиш бўлиб қолиши. Маълумки, Ўзбекистон нефт ва газ секторини такомиллаштиришда асосий эътиборини қайта ишлаш жараёнларига қаратган. Лекин ҳозирги кунда асосан Россия инвесторларининг фаолияти фақатгин хом-ашёни қазиб олиш ва экспорт қилиш билан чекланиб қолмоқда. Бундай ҳолат ҳамкорликка путур етказиши мумкин. Бундан ташқари, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, турли даврий инқирозларга бардош берадиган иқтисодиёт барпо этишда ва иқтисоднинг хом-ашёга қарамлигини бартараф этишда юқоридаги ҳолат ижобий ҳисобланмайди.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг Россия йўналишидаги газ экспорти маълум даражада қисқариб бормоқда. 2025 йилларга бориб Россия йўналишидаги газ экспорти ҳажми, Ўзбекистонда ички истеъмолнинг ортиб кетиши ва газ қувурларининг қувватларининг етишмаслиги оқибатида маълум даражада тушиши мумкин.

Учинчидан, ички истеъмолни камайтириш бўйича олиб борилаётган сиёсат ўз самарасини бермаслиги мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистон саноати жадал суръатлар билан ўсмоқда. Бундай жадал суратдаги ривожланишда ёқилғи-энергетика маҳсулотларига бўлган талаб ҳам тез ошади. Маълумки Ўзбекистонда энергия тежамкорлиги бўйича дастур амал қилаяпти. Иқтисодий ўсишнинг тезкорлиги оқибатида ички истеъмолни камайтириш маълум даражада қийинлашиш мумкин.

Тўртинчидан, инвесторларга стратегик муҳим объектларнинг берилиши иқтисодий хавфсизликга зарар етказиши мумкин. Стратегик аҳамиятга эга бўлган нефт ва газ объектлар назоратини хорижий инвесторларга берилиши маълум даражада мамлакатнинг келажакдаги иқтисодий фаолиятига хавф солади. Уларнинг иқтисодиётимиз ривожланишига қўшган ҳиссаси фақатгина ўрта муддатда фойдали бўлиб қолиши мумкин. Маълумки хорижий инвестор лойиҳадан максимал даражада фойдаланиб максимал фойда олишга ҳаракат

қилади, лекин энергия ресурсларидан максимал тарзда фойдаланиш келажак учун катта хавф солиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб республикада автомобилларни сиқилган газга ўтказишни жадаллаштириш ва бу орқали валюта маблағларини тежамкорлигига эришишни кўзда тутувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим бўлмоқда.

- автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор станцияларининг ускуналари Кореянинг “Квангшин” компанияси билан ҳамкорликда, капот ости ускуналари ва газ баллонлари республикадаги мавжуд корхоналарда ишлаб чиқарилиши;

- ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари сериявий равишда сиқилган газда ишлайдиган қилиб чиқарилиши;

- автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шаҳобчаларининг ўртача 50 фоизи (520та) автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор станцияларига ўзгартирилиши;

- автомобилларга сиқилган газ ускуналарини ўрнатиш учун банклар томонидан аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилиши каби масалалар кўриб чиқилиши лозим бўлади.

Фикримизча, 2025 йилга келиб, ишлатилаётган автомобилларнинг 68,0 фоизини сиқилган газда ишлашга ўтказиш мумкин. (2018 йилда 47,0 фоиз) ва бу йўналишга 3 565 млн куб метр табиий газ етказиб берилади (2018 йилда 2,4 млрд куб м). Бу эса, ўз навбатида, йилига 2 776 минг тонна нефть маҳсулотлари тежашга имконият яратади (2018 йилда 1 627 минг тонна, ўсиш 1,7 баробар).

Ўзбекистонда энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишнинг яна бир йўли бу мавжуд ресурсларни тежаб ишлатиш, улардан фойдаланишда ортиқча исрофгачиликка йўл қўймасликдир. Ўзбекистонда энергетика ресурсларидан янада самарали фойдаланиш учун энергияни тежайдиган ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфини камайтиришга қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида экологик тоза технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш лозим бўлади.

Шундай қилиб, мамлакат энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқарилган энергияни тежаб ишлатиш бугунги кунда дунёда нефт захиралари камайиб кетаётган бир даврда катта фойда келтириши мумкин. Ўзбекистон учун энергетика ресурсларидан ички истеъмолда самарали фойдаланиш нефт-газ экспортини ошириш ва диверсификация қилишнинг асосий мезонларидан биридир.

Усманов Х. *– ОБМ, бўлим бошлиғи*

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

XXI аср постиндустриал ва ахборот жамияти талабларига жавоб берадиган фаол ва конструктив ҳамкорликдаги фаолиятга асосланган масофавий таълимни изчил ислоҳ қилиш орқали тадбиркорликка ўқитиш таълим тизимини ривожлантириш мумкинлигига далил келтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Инсониятнинг индустриал даврдан постиндустриал даврга ўтиши билан масофавий таълимнинг моҳияти ўзгарди: **у оммавий таълим воситасидан керакли билим ва ахборот олишнинг индивидуаллаштирилган шаклига айланди.**

Рақамли масофавий таълим платформаларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш мен учун замонавий концепцияларни эътироф этишдангина иборат эмас, балки, биринчи навбатда, улар асосида мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида рақамли технологияларни жорий этишдир. Бу - масофавий таълим назарияси ва амалиётига Ўзбекистон аҳолисининг турли қатламларининг кўпсонли вакилларига тадбиркорлик фаолияти асосларини ўргатиш заруратидан келиб чиққан жиддий мурожаатдир.

Олий бизнес ва тадбиркорлик мактабининг тадбиркорликка қизиқувчи аҳоли қатламлари билан ишлаш бўлими бошлиғи лавозимидаги вазифаларимга 1) мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 200 мингдан ортиқ фуқарони тадбиркорликка тайёрлаш тизимини ташкил қилиш; 2) ушбу тизимдаги таълим жараёнини сифатини таъминлаш киради.

Амалда, бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби барча вилоят филиаллари, уларнинг тўлиқ комплектациясини ҳисобга олган ҳолда (филиал раҳбарлари, бўлим бошлиқлари ва педагог-тренерлар - умумий 75 киши) ва тайёрлаш анъанавий шакли ёрдамида йилига фақат 20-25 минг тингловчини ўқитиш мумкин. 2021 йил 15 февралдан 15 декабргача бўлган даврда 2 ҳафталик курсларни ўқитишни ташкил этиш ва ўтказиш учун филиаллар тармоғи ташкил этилди. Уларда жорий йилнинг ноябр ойида 2 мингдан ортиқ тингловчи қисқа муддатли курсларда таҳсил олди. Ушбу кўрсаткични 13 та ҳудудий филиалларнинг тўлиқ ишлаб чиқариш қуввати деб ҳисоблашимиз мумкин.

Кенг аудиторияга йўналтирилиши масофавий таълимнинг ташкилий шакллари замон ва макон доираси билан чегараланмаганлиги қисқа вақт ичида минглаб фуқароларни хусусий тадбиркорлик асосларига ўқитишни имконини беради ҳамда Ўзбекистон аҳолисининг турли қатламларининг кўпсонли вакилларига тадбиркорлик фаолияти асосларини ўргатишдан иборат давлат буюртмаси бажаришнинг ягона йўли ҳисобланади.

Рақамли масофавий таълим платформаси моҳиятан «***ўқув жараёнининг кўпсонли иштирокчиларини бирлаштирувчи ахборот макони бўлиб***, масофадан туриб таълим олиш имкониятини берадиган, ўқув материаллари ва ахборот ресурслари мавжуд дастур иловаларига киришни таъминлайдиган, шунингдек, тингловчиларнинг билим даражасини баҳолаш имконини берадиган тизим», деб таъриф беришимиз мумкин.

Масофавий таълимнинг назарий асосларига эътибор ўтган 20 асрнинг 90-йилларидан бошланган бўлиб, асосчиларидан бири О.Петерс (O. Peters)ни эътироф этишимиз мумкин. У масофавий таълимда технократик ёндашув асосчиси ҳисобланиб, аҳоли учун кенг кўламли таълим имкониятларини тақдим этиш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни **таълимни максимал автоматлаштириш, ўқув материалларини меъёрлаш ва ўқув предметлари доирасида иштирокчилар хулқ-атвори бошқарувини стандартлаштириш** орқали ҳал қилиниши мумкинлигига ишонган.

О.Петерснинг технократик ёндашув фарқли ўлароқ, доктор **М. Мур** (M.Moore) томонидан ишлаб чиқилган **мустақил таълим концепциясига** мувофиқ, географик масофа таълимнинг муҳим тўсиқ ва камчиликлари деб ҳисобламайди, аксинча, шахснинг ривожланишига, хусусан, билиш жараёнида мустақиллик даражасини оширишга ёрдам беради. Унинг фикрича, **таълим субъектлари ўртасидаги масофанинг мавжудлиги талабанинг мустақиллигини, унинг автономиясини таъминлайди ва унинг сабабидан билим олиш жараёнини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ижобий омил бўлади.** Талабанинг автономсизлиги (номустақиллиги) эса билим олиш тартибига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масофанинг мавжудлиги, ўқув жараёнини ўзгартириш мумкинлиги, иштирокчиларнинг бир-биридан мустақил ҳаракат қилиш имконининг борлиги, албатта, талабадан махсус шахсий фазилатлар ва иш кўникмаларини талаб қилади.

Америкалик тадқиқотчи Д. Киган (D. Keegan)нинг таъкидлашича, таълимнинг узлуксизлиги тамойили талабанинг билиш жараёнига кўмаклашадиган ва уни оптималлаштирадиган махсус таълим муҳитини яратади. Шунинг учун масофавий таълим фаолиятини тўлиқ амалга ошириш учун бундай таълим муҳитининг мавжудлиги мажбурий шартлардан биридир. **Ўқитувчи, талаба ва машғулот мазмуни ўртасидаги алоқа каналларини мунтазам тиклаш, қайта алоқа ўрнатиш, шахслараро мулоқотни кенг қамровли қуриш орқали таълим муҳитини онгли равишда "сунъий" тиккалаш керак.**

Аҳолини тадбиркорликка тайёрлаш нуқтаи назаридан биз инглиз тадқиқотчиси Д. Сьюарт (D. Sewart)нинг анъанавий таълим билан боғлиқ самарали позициясини кўриб чиқамиз, бу жараёнда талабалар ўқитувчи ёки гуруҳнинг доимий қўллаб-қувватлашига мурожаат қилишлари ва шу билан "сунъий" яратилган муҳитда қолишлари мумкин. Бундай "сунъий" жараён талабаларга тегишли ҳаётий ва меҳнат вазифаларини бажаришга қаратилмайди, ҳаётий вазиятлардан йироқ бўлади.

Агар масофавий таълим талабалари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар талабаларни ўқитувчининг тезкор ёрдамидан ва ўз натижаларини тезда баҳолаш, шунингдек, ўз ютуқларини бошқа талабаларнинг ютуқлари билан таққослаш имкониятидан маҳрум. Шунинг учун **масофавий таълим талабалари асосан ўзларининг реал ҳаётий ва иш тажрибаларига таяниб, назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни зарур даражада эгаллайдилар.**

Қулай, "сунъий" яратилган ўқув муҳитининг йўқлиги ахборотни етказиш ва олишнинг турли интерфаол шаклларини жорий этиш билан тўлдирилади. Рақамли технологияларнинг ҳозирги ривожланиш даражаси видеоконференциялар, онлайн-семинарлар ва дебатларни ташкил этиш ҳамда қўллашни, ижтимоий тармоқларнинг (форумларнинг) ишлашини, тўлақонли таълим муҳитини шакллантириш учун, "тингловчи – ўқитувчи", "тингловчи - тингловчи" ўртасида кучли шахслараро алоқаларни ўрнатиш имконини беради. Р. Гаррисон (R. Garrison) масофавий таълимнинг ушбу жиҳатига эътибор қаратди. У ўз вақтида таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари ва ахборот-коммуникация муҳити ўртасидаги узвий боғлиқлик мавжудлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, **техника тараққиётининг замонавий ютуқлари билан талаба ва ўқитувчи ўртасида ахборот-коммуникация алоқалари интерактив шаклларда реал вақт режимида "жонли" таълим муҳитини яратиш орқали амалга оширилиши лозим**.

Таъкидлаш жоизки, анъанавий таълим тизимидан фарқли ўлароқ, рақамли таълим платформаси блокли тузилишга эга бўлиб, ўқитиш жараёнига тааллуқли қуйидаги вазифаларини бажарувчи блокли тизимдан, яъни:

1) шахсий компютер, мобиль телефон ва бошқа қурилмалар ёрдамида ўқув материаллари билан мустақил ишлаш имконини берувчи блок;

2) масофадан туриб мутахассис (ўқитувчи) дан маслаҳат, маслаҳат ва баҳо олиш учун онлайн-чат ёки телеконференция масофадан туриб ҳамкорлик қилишни имконини берувчи блок;

3) умумий виртуал таълим фаолиятига олиб келадиган тармоқ бўйлаб тарқалган фойдаланувчилар жамоасини пайдо қилиш учун блок (ижтимоий тармоқларга ўхшаш);

4) ўқув курсларини режалаштириш ва шакллантириш имкониятини берувчи блок;

5) электрон ўқув материалларини ўз вақтида етказиб бериш учун электрон почта хизмати;

6) олинган билимларни синовдан ўтказиш ва мониторинг қилиш блоки;

7) видео ва аудио файлларни юклаб олиш қобилиятига эга видео дарсликлар ва онлайн маърузалар яратиш хизмати.

8) платформага кириш даражасини бошқариш билан материалларни юклаш ва юклаб олиш қобилиятига эга маълумотлар базаси;

9) ўқитувчилар учун гуруҳларни яратиш, суҳбатлар ва телеконференцияларни ташкил этиш, билимларни назорат қилиш блокига кириш ва ўқитиш учун янги курсларни шакллантириш хизматига эга блок;

10) бутун платформани бошқариш хизмати;

11) статистик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш блоклардан иборат.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг мақсад ва асосий вазифаси бўлган мамлакатимиз аҳолисини тадбиркорликка қизиқувчи қатламларини тадбиркорлик фаолияти асосларига ўқитишни амалга ошириш учун кўрсатиб ўтилган концептуаль ёндошувларни инобатга олган ҳолда рақамли масофавий таълим платформасини ишлаб чиқишимиз ва уни босқичма-босқич амалга оширишимиз лозим бўлар экан.

Халмурадов Э.Д. *– ДБА, мустақил изланувчиси*

РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ТАЖРИБАЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Мамлакатимизда амалга оширалаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади тез ва барқарор суръатларда корхоналарни ривожлантиришда бир қанча вазифаларни белгилаб олиш ва уларни самарали бажаришни тақазо қилмоқда. Бундай вазифалардан бири Ўзбекситонда фаолият кўрсатаётган ацкиядорлик жамиятларининг фаолиятини модернизациялаш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантиришдан иборатдир.


Бугунги кунга келиб, мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишда иннавацион фан-техника тараққиёти бошқа ишлаб чиқариш омилларига нисбатан ҳал қилувчи иқтисодий омилга айланиб улгурганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти илмий-техник салоҳиятнинг турли элементлари билан бирга, аввало фан ва таълим орқали ривожланар экан, мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги асосий рақобат афзаллилигини таъминлаб бермоқда.

Бугунги кунда жахондаги турли мамалакатларнинг инновацион ривожланиш даражасини аниқлаб борувчи бир қанча халқаро ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларга жаҳон иқтисодий форуми томонидан ҳисобланадиган Глобал инновацион индекс (GII), Технологик тайёргарлик индекси (NRI), Ахборот-коммуникация технологиялари индекси (GITR), Глобал ақобатбардошлик индекси (GCI) каби ташкилотлар киради.

Мазкур ташкилотлар рейтингларида илмий-техника салоҳияти юқори бўлган, фанда етакчиликни сақлаб қолишга интилаётган мамлакатлар албатта етакчилик қилиб келмоқда. Деярли барча замонавий иқтисодий жараёнлар, инновациялар, фаол инновацион жараёнлар туфайли вужудга келади.

Инновацион фаолият моддий ишлаб чиқариш хамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига олади. Саноат эса инновацион ишланмаларнинг мутлақо заҳираси бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари инновацион фаолиятни моддий рағбатлантириш масаласи унинг ривожланишини белгиовчи асосий кўрсаткичлардан биридир 1-расм.



1-расм. МДХ мамлакатларида ИТТКИни молиялаштириш курсаткичлари[1].

Ушбу расмдан кўниб турибдики инновацион фаолиятда оммавий тадқиқот ва ишлаб чиқариш хааражатлари ва бир тадқиқотчи учун ҳаражатлар энг юқори даражада молиялаштириш биринчи ўринда АҚШ, иккинчи ўринда Хитой ва ўчинчи ўринда эса Япония давлатига тўғри келмоқда. Хозирда саноат соҳасида инновацияларнинг фаол ривожланиши асосан ташқи иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда кузатилмоқда.


Германия тажрибаси. 1980 йилларнинг ўрталарида Германия хукуматнинг барча асосий кучларини саноатни ривожлантиришнинг ўрта даражали стратегиясини яратишга йўналтирган эди. Ўша пайтда, асосий мақсад, ишлаб чиқариш технологиялари ва дастурий таъминотни тез ва кенг тарқалган холатда ишлатиш бўлган. Ушбу стратегиянинг асосий йўналиши йирик саноатга тегишли эди, шунинг учун уни молиялаштиришнинг улуши барча ривожланиш ва тадқиқот харажатларининг учдан икки қисмидан кўпроқни ташкил этди. 1990 йил бошларига қадар технология ва инновацион сиёсатни амалга оширишда шакллантирувчи рол Федерал фонд назорати остида бўлди. 2006 йилда Германия Инновация ва Технологияларни Ривожлантириш Стратегиясини қабул қилди: улар технология, илм-фан ва технологиянинг ривожланишидаги глобал тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат учун янги устувор йўналишларни аниқладилар. Ҳужжатда миллий иқтисодиёт учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга 17 та асосий тармоқлар баён этилган. Улар учун узоқ муддатли ривожланиш дастури яратилди ва муваффақиятли амалга оширилмоқда. Инновацион битимлар ва стратегик шерикликларни яратиш инновация ва тадқиқот сиёсатини олиб боришда янги восита бўлди. Ҳозирги кунда биомедицина, электроника, энергетика, оптика

[1]https://gtmarket.ru/ratings/research-and-development-expenditure/info. Центр гуманитарные технологии © 2002–2019 гг.

соҳасида 6 та битим тузилди. Мазкур олиб борилган ишлар Германия саноатнинг инновацион фаолиятини сақлаб туриш учун зарур бўлган энг асосий хамда қимматли механизмга айланди.

Германия - ИТТКИ харажатлари, 2016 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,9% ни ташкил қилган. 2017 йил кўрсаткичларига кўра эса 2,93 % ни ташкил қилган. Бугунги кунда эса 3.01 ни ташкил қилмоқда.

Тадқиқот ва ишлаб чиқишга сарфланадиган сарф харажатлар (давлат ва хусусий) капитали бўлиб, улар илм-фанни, жумладан, инсоният, маданият ва жамият билимларини ошириш ҳамда янги инновациялар учун билимлардан фойдаланиш учун мунтазам равишда олиб бориладиган ижодий фаолиятга сарфланади. ИТТКИ асосий тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар ва экспериментал ривожланишни ўз ичига олади.



2-расм. Германия хукуматининг ИТТКни ривожлантиришга сарфлаган харажатлари[1].

Япония тажрибаси. Инновацион фаолиятни ривожлантиришда Японияда ҳукумат қарорига биноан технопарклар яратилган бўлиб, 1980-йилларда Япония хукумати хамда бир қанча олимлар иштирокида юқори технологияли саноат, фан ва кенг яшаш жойларининг мувозанатли, органик бирикмаси сифатида технополиялар ишлаб чиқариш бўйича глобал дастурни ишлаб чиқди. Юқори технологияли ишлаб чиқаришда ишлайдиган корхоналар, фирмалар биринчи йил ичида ускуналарнинг нархидан (яъни амортизация

[1]https://gtmarket.ru/ratings/research-and-development-expenditure/info. Центр гуманитарные технологии © 2002–2019 гг.

ажратмалари) 30 фоизгача ва бино ва иншоотларнинг 15 фоизигача қийматини ёзиб олишлари мумкин бўлади. Корхоналар хамда кичик фирмалар ва лабораторияларни қўллаб қуватлаш мақсадида, фирмалар томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар ва илмий изланишлар учун зарур бўладиган пул маблағларини учдан бир қисми Япония хукумат томонидан қоплаб берилган. Саноат корхоналари иштирокчилари учун хукумат томонидан олиб бориладиган сиёсатининг хилма-хиллиги ва мослашувчанлиги, мамлакатдаги инновацион фаолиятни такомиллаштириш механизмининг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади, бунга юқорида келтириб ўтилган Япония сийёсати яққол мисол бўла олади.

Япония ИТТКИ харажатлари, 2019 йилда ЯИМга нисбатан 3,1% (%) ни ташкил этган. Тадқиқот ва ишлаб чиқишга сарфланадиган харажатлар капитал сарф-харажатлар (давлат ва хусусий) бўлиб, улар илм-фанни, жумладан, инсоният, маданият ва жамият билимларини ошириш ҳамда янги иловалар учун билимлардан фойдаланиш учун мунтазам равишда олиб бориладиган ижодий фаолиятга сарфланади. ИТТКИ асосий тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар ва эксперимантал ривожланишни ўз ичига олади.

Ўтган ўн йил мобайнида Финляндияда ИТТКИ инвестициялари ҳажми Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотига қараганда тезроқ суръатларда ўсди. Ўртача йиллик ўсиш 10% ни ташкил этди. Тадқиқот ва ишлаб чиқариш харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1982 йилдан 2019 йилгача 1,2 фоиздан 4 фоизгача ўсди. Финляндияда ИТТКИни учдан икки қисми корхоналар томонидан ўз маблағи билан тўланади.

АҚШ тажрибаси. Бугунги кунда АҚШда Илмий-техник маълумотларнинг Миллий маркази ва 300 га яқин давлат тадқиқот бўлимларини қамраб олган федерал лабораториялар консорциуми ёрдамида сўнгги технологияларни оммалаштириш учун махсус ахборот дастури ишга туширилди. Ушбу фондларда 200 федерал ташкилотнинг илмий асарлари мавжуд, улардан 3/4 таси Мудофаа, Энергетика ва НАСА вазирликларидан олинган. Миллий марказ ҳар йили 100 мингга яқин саноат корхоналари ва илмий муассасалари билан ҳамкорлик қилади.

Қўшма Штатлар иқтисодиёти давлатга тегишли бўлган ёки янги технологияни лабораториялардан саноат соҳасига, шу жумладан қайта фойдаланишга ўтказиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олган илмий техника маҳсулотларини тижоратлаштириш механизмидан фойдаланган.

Компютер ва телекоммуникация тизимидан фойдаланадиган ахборот банкларини ўзида мужассам этган янги ахборот тизимини яратиш мисолида “General Motors” ўзининг мураккаб ва самарасиз бошқарув тузилмасини қайта ташкил этди. Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг 5 та гуруҳидан 2 тасида кичик автомобиллар ва йирик аввтомобиллар ишлаб чиқариш ташкил этилди.


Хитой Халқ Республикаси тажрибаси Хитой Халқ Республикаси ўзининг режалаштирилган корпоратив моделида кенг қамровли иқтисодий тизимнинг самарадорлигини ўрнатди. Ҳозирги кунда ушбу мамлакат дунёга

ўзининг самарали ишлаб чиқилган саноат сиёсатини кўрсатади, у режалаштирилган макроиқтисодий тартибга солишнинг марказлаштирилган тизими асосида амалга оширилади. Давлат олтинчи технологик тартибни иқтисодиётни жадал ривожлантириш сиёсатини олиб бормоқда.

Қабул қилинган саноат сиёсатининг фаровонлиги 2009 йилда молиявий-иқтисодий инқироз даврида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,7 фоизни ташкил этган ва Хитойнинг ялпи ички маҳсулоти ўсиши 7 % ни ташкил этган ягона давлат бўлиб, 5% бошқа давлатлар орасида энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Хиндистон 1984 йилда Ҳиндистонда технопарклар ташкил этилди. 25 йил давомида ҳукумат бир неча ўнлаб шундай паркларни яратди, улар асосан экспортга қаратилди. Технопаркларнинг асосчилари жиддий божхона ва солиқ имтиёзлари, арзон нархлардаги идоралар билан таъминланган. Бироқ, Ҳиндистоннинг икки йирик ахборот парки STEP томонидан эмас, балки давлат маъмуриятлари томонидан ташкил қилинган. Керала шаҳрида 17 йил олдин очилган илмий-саноат ҳудудий мажмуаси ҳозирги кунда 120 та компания ва 16000 ходимлар, шунингдек, бошланғичлар учун бизнес-инкубатор ва техник таълимга йўналтирилган 2 та университет киради.

Юқорида кўриб чиқилган мамлакатлар саноатининг инновацион фаолиятининг натижаларини визуал қисқартириш учун, 1.3.4 расмда, Хитойда, АҚШда, Японияда ва Германияда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли ўсиши кўрсатилган.



3- расм. Акциядорлик жамиятлари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича курсаткичлар[1].

Мамлакатимизда тадқиқотлар ва илмий-ишлар хамда ИТТКИларни ривожлантириш учун давлат бюджетидан 167 млн. доллар. ажратилади, бундан кўриниб турибдики мазкур ишлар учун харажатларининг (49%) деярли ярми давлат томонидан қопланар экан. Корхоналар томонидан тадқиқот ишларига

[1]https://gtmarket.ru/ratings/research-and-development-expenditure/info. Центр гуманитарные технологии © 2002–2019 гг.

110 миллион доллардан кам маблағ сарфланади, Ўзбекистон университетлари эса 64 миллион доллар сарфлайди. ИТТКИ харажатларида хусусий нотижорат ташкилотларнинг улуши жуда паст - умумий харажатларнинг 0,1%.

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида белгиланишича, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасига Глобал инновациялар индекси рейтингига биноан дунёнинг етакчи 50 та мамлакатлари қаторига киришни мақсади қилган. Хозирда мазкур рейтингга кўра Ўзбекистон 345 миллион долларлик бюджет билан 76-ўринни эгаллаб турибди.

Хулоса қиладиган бўлсак, мамалакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларига инвестиция жалб қилиш ва уларда инновацион кашфиётлар натижасини ишлаб чиқаришга жори қилиш, улар орасида янги маҳсулотлар ва хизматлар турини яратиш ҳамда уларни экспорт қилишни йўлга қўйиш кераклиги бугунги куниг долзарб масаласи эканлигидан далолат берамокда. Мамлакатимизда инновацион ишланмалар ва кашфиётларни қўллаб қуватловчи ихтисослашган тижорат банки ёки инновацияларни қўлловчи янги фондни ташкил қилиш зарурдир.

Хасанов Х.И. *- ОБМ тинловчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Республикамизда аудиторлик фаолиятини шу жумладан банкларда ички аудит муносабатларини тартибга солиб турадиган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тўпламининг вужудга келтирилганига қарамай, умуман аудитни, хусусан банк аудитини халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилиш учун ҳозирги шароитда ҳаракатдаги қонун ва меъёрий хужжатларга айрим қўшимчалар ва тўлдиришлар киритиш зарурияти туғилмокда. Умуман, жаҳон амалиёти шуни кўрсатмокдаки, иқтисодиётни қон томири бўлган банклар фаолиятини янада эркинлаштириш, фуқароларни банкларга бўлган ишончини ошириш, ҳамда республика иқтисодиётига чет эл саромоядорларини тижорат банклари орқали жалб қилишда банкларнинг ички аудит текширувидан ўтказиш муҳим бўлиб бормокда.

Ички аудит хизмати ҳодимлари сони ва уларнинг ойлик маошлари ҳам Республикамизнинг турли тижорат банкларида турлича қилиб белгиланиб қўйилган. Бироқ бу фаолият натижасида банкка келтирилаётган даромад аниқроғи зарарларни олдини олиш ва йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этилиши билан олинган қўшимча даромад, кўрилган даромадлар ҳисоби ҳеч бир банк томонидан аниқланмаган ва ҳисоботларда кўрсатилмайди. Шунинг учун ҳам бу борада ички аудит фаолиятининг самараси сифатида ички аудит ҳисоботларида банк Кенгашига ва Марказий банкка берилаётган ҳисоботларда берилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Ички аудит хизмати ўз ходимлари олдига якка тартибдаги аудиторлик вазифаларини қўйиш зарур.

Улар қуйидаги аспектларни ўз ичига олади: банкнинг рискларни баҳолаш бўйича алоҳида тизимларини баҳолаш; ички назорат тизимлари ва тегишли процедураларнинг мақбуллигини, банк томонидан Марказий банк меъёрий ҳужжатлари, бошқа қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қоидаларига амал қилинишини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб процедураларининг мавжудлиги ва иш самарадорлигини ҳамда банкнинг бошқарув маълумотлари тизимида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг топилиши ва тузатилишини назорат қилувчи ҳамда аудит натижалари ва ички назорат тизимларини яхшилаш соҳасидаги тавсиялар бўйича Банк бошқаруви Раисига маълумот тақдим этиш имконини берувчи тизимларнинг мавжудлигини таҳлил қилиш ва баҳолашдир.

Тижорат банкларида ички аудит тизимининг самарадорлигини оширишда банк ташкилий бўлинмаларида ички назоратнинг тўғри ташкил қилинганлиги баҳолаш ва ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ички назоратнинг самарали ташкил этилганлиги банк ходимлари томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Тижорат банкида ички назорат банк ходимлари томонидан узлуксиз амалга оширилиши лозим, бунинг учун эса улар барча ички ахборотларга кириш (ёки фойдаланиш) ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Ички назорат, энг аввало, банк, унинг акциядорлари ва мижозлари мафаатларидан келиб чиқиб белгиланган жараёнлар, тартиблар, бошқа ички низомлар, қонунлар, Марказий банк норматив ҳужжатлари ва бошқа малака стандартларига амал қилишга йўналтирилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, банк фаолиятида юзага келадиган рисклар устидан назорат ўрнатиш, банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган камчиликлар ва қоидабузарликларнинг олдини олиш мумкин бўлган самарали ва ўз вақтидаги қабул қилинган қарорлар жуда муҳимдир[1].

Ушбу мақсадга эришиш учун банкда ўрнатилган ички назорат тизимлари аудитига беш босқичли ёндашувни жорий қилиш лозим:

- Аудиторлик текширувини режалаштириш;
- Фактлар ва маълумотлар тўплаш
- Маълум фаолият турини бошқариш ва назорат қилиш жараёни тузилишининг мақбуллигини ҳамда унинг банк ва департамент раҳбарлари томонидан қўйилган мақсадларга мувофиқлигини баҳолаш
- Ички назорат тизимини баҳолаш. Унинг мувофиқлигини текшириш ва бошқа процедуралар ёрдамида тизим режали равишда, самарали ва сермаҳсул ишлаётганини тасдиқлаш.
- Якуний хулоса ва тавсиялар. Аудиторлик текшируви натижалари ҳақида ҳисобот ва назорат процедураларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

Банкда ички аудит ўтказиш усули рискни баҳолаш тамойилига

[1] Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2013. - 384 б.

асосланиши лозим. Шундай қилиб, ички аудит хизмати бутун эътиборини банк фаолиятининг:

• энг кўп ички рисклар (фаолият турлари бўйича) бўлган;

• рискларга таъсирчанлиги даражаси (назорат тизимларининг сифати пастлиги оқибатида) юқори бўлган соҳаларини текширишга қаратади.

Банк фаолиятида мунтазам равишда ҳар хил ўзгаришлар рўй беради яъни, янги хизмат турлари пайдо бўлади, банкнинг корпоратив тузилмасида ўзгаришлар содир бўлади, банк раҳбарияти янги фармойишлар чиқаради, янги банк технологиялари пайдо бўлади, Марказий банк турли меъёрий ҳужжатлар чиқаради. Бу омилларнинг барчаси аудиторлик текширувларининг йиллик стратегик режасини ишлаб чиқиш жараёнида ҳисобга олиниши керак.

Аудиторлик текширувларининг йиллик стратегик режасини ишлаб чиқиш жараёни тўрт босқичга бўлиниши мумкин:

• бу йил аудит предметини ташкил қилувчи банк фаолияти йўналишларини белгилаш;

• текшириш режалаштирилаётган банк фаолияти йўналишларига хос бўлган рискларни баҳолаш;

• ички аудит хизмати ихтиёрида мавжуд банк фаолиятининг аниқ йўналишлари, жумладан, ички назорат тизимлари сифатига доир маълумотларни ўрганиш. Ишончли ички назорат тизимини жорий қилиш ва унинг ишини таъминлаш йўли билан ички рискларни бошқариш мумкин;

• аудит ҳажмлари ва даврийлигига доир хулоса тақдим этиш.

Бундай ёндашув асосий текширувни банкнинг риск даражаси юқори бўлган ёки аудит кўпроқ фойда берадиган бўғинларида ўтказиш учун қўлланади. Риск даражаси паст бўлган фаолият йўналишлари кам текширилади ва/ёки у қадар мукаммал текширилмайди.

Алоҳида айтиб ўтиш лозимки, ҳозир тижорат банкларида билимли ва тажрибали ички аудит ходимларини тайёрлаш ва қайта таёрлаш муаммоси мавжуд. Чунки кўпгина тижорат банкларида ходимларнинг ишдан бўшаб янгилари ишга келиши муаммоси сақланиб қолмоқда. Буларни ҳозирги замон талабларига мослаштириш учун доимий ўқув курсларини, чет эл банкларида амалиёт ўташини ташкил қилиш лозим.

Банкларда аудит ҳизматини самарадорлигини ошириш учун уларнинг техник ва технологик жихатдан қайта жиҳозлашни доимий равишда олиб бориш керак. Шунингдек, аудит ўтказиш жараёнларини компъютерлаштирган ҳолда комплекс дастурларини ишлаб чиқишни ва мавжудларини эса модернизация қилиб боришни йўлга қўйиш зарур. Бу ҳам ички аудит ўтказиш учун кетадиган вақтни қисқартиришга олиб келади, ўтказиладиган аудит ҳаражатларини қисқартириб, иқтисодий самарадорлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ-4947 сонли фармони. 2017 йил 7 февраль

2. Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат

банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2013. - 384 б.

Холматов М.Р. *– ОБМ тингловчиси*

МАҲСУЛОТЛАР БРЕНДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Ҳар бир иқтисодий фаолият юритаётган бизнес бирлиги учун стратегик йўналишларини амалга оширишида унинг активларини бошқариш муаммосини ҳал этилиши муҳим ўрин эгаллайди. Олдинги даврда активлар таркибига фақатгина моддий элементлар инобатга олинган бўлса, ҳозирги кунда-инновацион иқтисодиёт талабларига биноан интеллектуал мулк ёки капиталнинг ҳам роли юксалмоқда. Чунки интеллектуал мулкнинг (капитал) асосий объектларига саноат мулки, савдо маркаси (бренд), компания номланиши, мижозлар базаси мавжудлиги, ишбилармон нуфузли (гудвилл) ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятидан янада унумли фойдаланиш ва дунё бозорида танитиш борасида экспорт хажми импортникига нисбатан ошиши бу ўз йўлида бренд сиёсатини тўғри йўлга қўйилишини талаб қилади. Юқори рақобат муҳитида кучли савдо марка бўлиши ушбу муаммоларни ҳал этилишига замин бўлади. Халқаро бозорда Coco-Cola 130 йил, Tide 60 йилдан кўпроқ фаолият кўрсатаётган бўлса, ушбу компанияларнинг муваффақиятли фаолиятига кучли бренд-менежменти ёрдам бераётганини таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2020 йил 12 сентябрида Давлат бюджетига тушумларни кўпайтириш масаларига бағишланган йиғилишда “Иқтисодийотни модернизация қилиш ва барқарор ривожлантириш учун етарли валюта тушумини таъминлаш, бунинг учун маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини ошириб, уларнинг экспортини кўпайтиришимиз даркор» деб таъкидлаган.[1] Ушбу вазифани мувафақиятли амалга оширишда брендни бошқариш тизими муҳим ўрин эгаллайди.

Албатта, бу жараённи амалга ошириш борасида бренд-менежментини тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга. 1-расмда бренд-менежментининг таркибий қисми қайси элементлардан ташкил этилишини келтирмоқдамиз. Бунда брендни бошқариш тизими, ёки бренд-менежменти нимадан иборат эканлигини кўрсатилган.

Таъкидлаш жойизки, инновацион брендни яратишнинг асосий параметрлари қуйидагилардан иборат:

Маркетинг нуфузи *(имиджи)* – истеьмолчиларга таклиф этилаётган инновацион маҳсулот ёки хизматнинг уларнинг хоҳишига мосланган холда

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2020 йил 12 сентябрида Давлат бюджетига тушумларни кўпайтириш масаларига бағишланган йиғилишдаги нутқи.

кўрсатиш ва тақдим этишдан иборат. Нуфуз (имидж)нинг ташкилий томондан номланиши, савдо маркасининг таклифи, нархи, марканинг ғояси, логатип,



1-расм. Савдо маркасининг стратегиясида Бренд-менежменти тизимининг тузилмаси[1].

рангли таклифи, рационал ва эмоционал аргументлари, қадоқлаш, маҳсулот дизайни, ҳиди, ишлаб чиқариш технологияси, куй, реклама маҳсулоти, компанитни бошқариш маданияти, маҳсулот ёки хизмат сифати, ассортимент сотув шахобчалари, маркетинг коммуникатциялари мазмуни ва структураси ва бошқалардан иборат.

Маркетиннинг тутган ўрни – истеьмолчилар онгида шаклланган образ, янги маркани қабул маркетинг коммуникатцияларни акс эттиради.

Позициялаш *(ўрнини белгилаш)* – ягона марка ғойасини тадқиқ қилишга йўналтирилган маркетинг тадбирлар комплексидан иборат бўлиб, бозорга инновацияларни чиқоришга хизмат қилади.

Сегментлаш – бозорни истемолчиларнинг гуруҳлаштириш орқали тақсимланиш тушунилиб, маркетинг коммуникацияларни саноқли ўлчаш ва манзилли амалга ошишни таминлаш тушунилади. Бундай холатда инновацияларнинг аниқ мақсадли ўрингa эга бўлашни таьминлайди.

Марка ғояси – унга ҳос ғоя бўлиб, янги товарнинг бошқа ўхшаш товарларга нисбатан алоҳида хусусиятларга ега эканлиги кўрсатилади.

Марканинг индивидуаллиги – рақобатчи маркалардан бир ёки иккита хусусияти билан ажралиб турилишига айтилади. Марканинг индивидуаллиги

[1] Муаллиф ишланмаси

марка ғояси асосида шаклланиб, инновациянинг нуфузи(умидни)нинг шаклланишида намоён бўлади.

Марканинг савдо таклифи – маълум инновацион товар ёки хизмати маркасидан фойдаланишдан ҳосил бўладиган конкрет фойдани харид қилиш таклифидир.

Брендниг товар категорияси – истеьмолчилар томонидан бир хил ишлаб чиқиш технологиялари ёки истеъмол қилаш хусусиятларига қараб маҳсулоти ёки хизматлар гуруҳини танлаш тушунилади.

Уникум марка – конкрет инновацияни сотишга қаратилган бўлиб, ассортимент гуруҳнинг конкрет ўрнини ифодалайди. Масалан, янги қаймоқ.

Оилавий марка – ўхшаш товарлар гуруҳини ифодалаб, бир ёки бир неча турдош товарлардан иборат бўлади. (Бизнинг ҳолатимизда сут ва сут маҳсулотлари).

Корпоратив марка – инновацион маҳсулот ёки компания хизматларига ўтказилиши мумкин бўлган компания номи ҳисобланади. Корпоратив марка товар ёки ҳизматнинг инновационлигини кўрсатишига ҳам намуна бўлиши мумкин.

Корпаратив ўхшашлик – брендниг кўринишидан аниқлик, доимий равишда қуллаб-қувватланадаган томонларини акс эттиришдан иборат. Масалан. Умумий корпоратив брендига инновациялик ёндашиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган брандниг хусусиятлари инобатга олиниши унинг бошқариш самарадорлигини таьминлайди ва халқаро бозорга танитиш борасидага фаолиятни енгиллаштиради ҳамда Брендниг шаклланишини қуйидаги босқичлардан ўтилиши лозимлигини белгилаб беради (2-расм).

1.	Мақсадни белгилаш ва унга интилиш
↓	
2.	Лойиҳани режалаштириш
↓	
3.	Брендниг жорий ҳолатини тахлил этиш
↓	
4.	Бозор ҳолатини тахлил этиш
↓	
5.	Бренд моҳиятини ифодалаш
↓	
6.	Брендни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш
↓	
7.	Брендни силжитиш
↓	
8.	Брендни мониторинги

2-расм. Махаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда брендининг шаклланиш босқичлари.

Ўзбекистонда брендни шаклланиш хусусиятларини ифодалашдан олдин, маркетинг назариясида бренд, позициялаш (ўрин белгилаш), реклама,

PR (жамият билан алоқа) тизимларида бўлаётган тенденцияларга эътибор қаратишимиз лозим. Хорижий маркетологлар Эл Райс, Г. Дан, Дж. Яффе ва бошқалар адабиётларида юқорида кўрсатиб ўтилган иқтисодий категорияларга қўйилган қарашлар замонавий бизнес ва маркетингда, айниқса, маҳаллий менталитетни инобатга олган ҳолда, эскириб қолганини таъкидлаб ўтишимиз керак.[1] Улар асосан иккита принципга таянган эди: биринчиси, инсонлар мураккабдан кўра оддий, содда қарашларни ёки мурожаатларни осонроқ қабул қиладилар. Иккинчидан, инсон (истеъмолчилар) янги маълумотни ўзларининг билими доирасида қабул қилишга ҳаракат қилиши табиий ҳолдир. Аммо, бундай ёндашиш самарали стратегия ва брендингни шакллантиришга етарли эмас деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қиладиган бўлсак, бренд назарияси ва амалиётдаги натижаларини таҳлил қилиб, маҳаллий брендни яратишда қуйидаги талабларга жавоб бериш кераклиги аниқланди:

1. Инновацион иқтисодиётнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий маҳсулотлар бренд бўлиши учун маҳаллий урфу-одат, анъаналарга мос бўлишини таъминлаб беришимиз лозим.
2. Бир категория (тур) маҳсулотдан иккинчисига сакрамасдан, эътиборни фақат шу маҳсулотга қаратилиши лозим. Ундан кўра янги бренд яратилиши мақсадга мувофиқдир.
3. Истеъмолчилар онгида биринчи бўлиб янги маҳсулот ёки хизмат таклиф этиб обрў қозонилиши, соҳада биринчи ёки энг яхшиси бўлгандан афзалроқдир.
4. Брендлар ҳаётда аста-секин кириб, унинг муваффақияти ўн йиллаб ўлчанади, тез кириб келган брендлар умри қисқа бўлиши мумкин.
5. Маълум ҳолатда рекламани ортиқчалиги брендни шакллантирмаслиги, аксинча, унга зарар ҳам етказиши мумкин. Шу сабабдан, бизнинг фикримизча PR (оммага етказиш компанияси) тизимини ривожлантириб, рекламадан маҳсулот ёки хизмат ҳақидаги маълумотни қайта эслаш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Shaislamova N.K. *–TMI, katta o‘qituvchisi*

TADBIRKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA LOYIHA RISKLARINI TAHLIL QILISH VA BAHOLASH

Mamlakatimiz taraqqiyotining ustuvor yo’nalishlari va rivojlanish dasturlarini belgilashda albatta, asosiy e’tibor yanada qulay investitsiya muhitini yaratishga va xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilishga qaratilayotganligini ta’kidlash kerak. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev: “Investitsiya – bu iqtisodiyot drayveri, o’zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag’a bo’lmaydi. Investitsiya bilan birga turli soha va tarmoqlarga, hududlarga yangi texnologiyalar,

[1] Траут Джек, Райс Эл. "Позиционирование: битва за умы" Питер, 2019 г

ilg’or tajribalar, yuksak malakali mutaxassislar kirib keladi, tadbirkorlik jadal rivojlanadi”[1,2] deb qayd etgani e’tiborga molikdir. Chunki faol va samarali investitsiya siyosatini amalga oshirilishi va investitsiya muhitining investorlar uchun yanada qulay bo’lishiga erishish – mamlakatning iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyotiga ijobiy ta’sir ko’rsatadi.

Investorlar uchun koronavirus inqirozi sharoitida sarmoya kiritishdan oldin investitsiya loyihalariga ta’sir qilishi mumkin bo’lgan risklarni tahlil qilish, risklarni baholash va samarali boshqarish, loyihaga salbiy ta’sir etuvchi omillarni o’z vaqtida aniqlash va ularning salbiy ta’sirini pasaytirish yuzasidan kerakli chora-tadbirlarni ishlab chiqish masalasi yanada muhim vazifalar qatoridan joy oldi. Yuqoridagilardan kelib chiqib, zamonaviy va ilg’or tajribalar asosida investitsiya loyihalari risklarini tahlil qilish va baholash uslubiyotini takomillashtirish hozirgi dolzarb vazifalardan biriga aylandi, deb ta’kidlash mumkin.

Iqtisodiy adabiyotlarda risk tushunchasi qator iqtisodchi olimlar tomonidan turlicha ta’riflanadi. “Risk” so’zi ispancha-portugalcha so’zdan olingan bo’lib, “rif”, “suv ostidagi qoya” degan ma’nolarni bildiradi va bu qoyani mohirona aylanib o’tish ma’nosini, ya’ni xavf-hatar bilan bog’liqligini anglatadi[3]. Taniqli lug’atshunos S.I.Ojegovning rus tili izohli lug’atida “risk - bu muvaffaqiyatga intilish, baxtli hodisaga umid” [4] degan ma’no anglatadi deyilsa, butun dunyoga mashhur Vebster lug’atida riskka “xavf, zarar va talafot ko’rish ehtimoli”[5] deb qaralgan. “Risk” tushunchasiga juda yaqin bo’lgan “noaniqlik” tushunchasi bir qator iqtisodchi olimlar tomonidan riskning ba’zi bir turlarini tasniflash uchun sinonim sifatida qo’llaniladi, xususan, M.Bernadete Jankes, Anabela P.Tereso, Paulo S.L.P. Afonso o’z ilmiy ishlarida “Risk, asosan, moliyaviy yo’qotishlarni anglatadi. U noaniqlik sinonimi sifatida ishlatiladi va investitsiya loyihasi bilan bog’liq daromadlarning o’zgaruvchanligini anglatadi”[6] degan fikrni bildirsalar, professor V.N.Livshits “Noaniqlik deganda, investitsiya loyihasini amalga oshirish shart-sharoitlari to’g’risidagi ma’lumotlarning to’liq emasligi yoki aniq emasligi tushuniladi, loyiha riski deganda esa, loyiha ishtirokchilari tomonidan loyihani amalga oshirishning salbiy baholangan shart-sharoitlarining paydo bo’lish ehtimolidir, ana shu jihatdan risk noaniqlikka qaraganda subyektivdir”[7] , deya risk va noaniqlik o’rtasidagi farqni izohlaydi.


Professor A.V.Vaxabov “Investitsion risk umumiy moliyaviy riskning tarkibiy qismi bo’lib, o’zida moliyaviy yo’qotishlar ehtimolini va investitsiyalardan daromadlarni to’liq ololmaslik yoki qo’shimcha investitsion xarajatlarning paydo bo’lishini namoyon etadi” [8] , deb ta’rif beradi.

Martina Merkova, Josef Drabek risk to’g’risida quyidagi fikrlarni bildirib o’tishgan: “Risk har qanday tadbirkorlikning muqarrar qismidir, shuning uchun uni tahlil qilish juda muhim, ammo, shu bilan birga, paradoks shundan iboratki, bu loyihaning eng oxirigacha baholab bo’lmaydigan qismi hisoblanadi”[9].

Hozirgi kunda loyiha risklari deganda loyihani amalga oshirish natijasida ko’zlangan daromadlarning pasayishiga sabab bo’ladigan vaziyatlar majmuasi tushuniladi. Shu bilan birga, loyiha riski investitsion loyihani amalga oshirishga halaqit beradigan yoki loyiha samaradorligini pasaytiradigan risklarning yig’indisini

ham anglatadi. Investitsiya riskini ma’lum bir investitsion qarorni qabul qilish natijasida zahiralarni yo’qotish imkoniyati, daromadlarni ololmaslik yoki qo’shimcha harajatlar zarurati sifatida belgilash mumkin.

Bugungi kunda investitsiya loyihalarini amalga oshirishda faqatgina loyihaga ta’sir etuvchi risk turlari aniqlanib qolmasdan, balki ularni tahlil qilib, baholab, so’ngra bunday risklarni samarali boshqarish va pasaytirish bo’yicha chora-tadbirlar ishlab chiqilmoqda. Investitsiya loyihasini ishlab chiqishda va amalga oshirish davrida yuzaga kelishi mumkin bo’lgan risklarning har bir turini alohida hisobga olish, o’rganish va tahlil qilish, baholash hamda ularni pasaytirish choralarini ishlab chiqish zarur bo’ladiki, bu risklarga qarshi kurashishning eng samarali usuli hisoblanadi.



1-rasm. Risklarni boshqarish bosqichlari[1]

Bizningcha, risklarni boshqarishning asosiy bosqichlarini quyidagicha ifodalash mumkin (1-rasm).

Risklarni boshqarish – investitsiya loyihasiga ta’sir etuvchi risklarni aniqlash, baholash, hisoblash, nazorat qilish (monitoring) va kamaytirish maqsadida

[1] Muallif tomonidan iqtisodiy adabiyotlarni o’rganish asosida ishlab chiqildi.

kompaniyada doimiy olib boriladigan tuzilmaviy jarayondir. Risklarni boshqarish va baholashdan maqsad, investorga investitsiya loyihasini amalga oshirishning maqsadga muvofiqligi to'g'risidagi qarorlarni qabul qilish va mumkin bo'lgan moliyaviy yo'qotishlardan himoyalash bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqish uchun kerakli ma'lumotlarni taqdim qilishdan iborat.

Shuni e'tiborga olish lozimki, investitsiya loyihalari risklarini boshqarishda ularni tahlil qilish va baholash natijalariga asoslanib, boshqarish usullari tanlanadi. Demak, loyiha risklarini baholash qanchalik mukammal amalga oshirilsa, buning natijasida loyiha bo'yicha aniq va ishonchli ma'lumotlarga ega bo'linadi va loyiha shunchalik samarali boshqariladi.

Amaliyotda investitsiya risklarini baholashning bir qancha usullari mavjud bo'lib, ulardan asosiylarini quyida keltirib o'tamiz (2-rasm).

- Loyiha sezgirligi tahlili;
- "Zararsizlik nuqtasi"ni aniqlash usuli;
- Loyiha barqarorligini tekshirish usuli;
- Matematik usullar (o'rtacha kvadratik chetlanish, dispersiya va variatsiya);
- Ekspert baholash usuli;
- Analogiya (o'xshashlar) usuli;
- Riskni hisobga oluvchi foiz stavkalar usuli;
- "Qarorlar daraxti" barpo etilishi usuli;
- Stsenariylar usuli;
- Monte-Karlo usuli.

2-rasm. Investitsiya risklarini baholash usullari[1]

Milliy iqtisodiyotda investitsiya loyihalarini samarali amalga oshirish loyiha risklarini baholash va boshqarish usullarini takomillashtirishni talab etadi. Buning uchun quyidagi xulosa va taklif-tavsiyalar ishlab chiqildi:

1. Investitsiya loyihalari risklarini boshqarishda ularni tahlil qilish va baholash natijalariga asoslanib, boshqarish usullari tanlanadi. Loyihani samarali boshqarish esa, ko'zlangan samarali natijaga erishishga olib keladi. Shuning uchun loyiha risklarini baholashni puxta va mukammal amalga oshirish lozim;

2. Investitsiya loyihalari risklarini baholash va boshqarish usullarini tanlashda loyihaga ta'sir etuvchi risklarning o'ziga hos xususiyatlarini hisobga olish lozim. Bunda masalan, risklar sug'urtaladigan va sug'urtalanmaydigan turlarga bo'linadi. Sug'urtalanmaydigan risklardan fors-major risklari yoki siyosiy risklarni sug'urtalash usuli orqali boshqarish va sug'urta xarajatlarini hisoblashdan ko'ra,

[1] Muallif tomonidan iqtisodiy adabiyotlarni o'rganish asosida ishlab chiqildi.

moliyaviy zahiralarni ajratish usuli va xarajatlarni qoplash uchun kerakli bo'lgan mablag' miqdorini aniqlash afzal hisoblanadi;

3. Investitsiya loyihalari risklarini baholashda kompleks baholash ishlarini amalga oshirish lozim, ya'ni risklarni baholashda faqat bitta baholash usuli bilan kifoyalanmasdan, balki obyektiv (statistik va hisobot ma'lumotlariga asoslangan) usullar hamda subyektiv (ekspert fikriga asoslangan) usullar, shuningdek, sifat va miqdor jihatdan baholash usullarining integratsiyasiga asoslangan kompleks baholanishi lozim. Bunda bitta usulning kamchiligi ikkinchi usulning afzalligi bilan qoplanadi va risklarni mukammal baholanishiga erishiladi;

4. Milliy iqtisodiyotda risklarni baholash usullari xorij tajribalariga va ayniqsa, axborot kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan bo'lishi lozim. Xorijiy iqtisodchi olimlar tomonidan taklif etilgan moliyaviy vositalar asosida risklarni boshqarish usullarining qo'llanilishi innovatsion moliyalashtirish mexanizmlaridan foydalanilishiga, ilg'or va zamonaviy boshqarish usullarining keng qo'llanilishiga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Toshkent. 25 yanvar, 2020 yil. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Toshkent. 28 dekabr, 2018 yil. www.press-service.uz

3. Инвестиции: Учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки «Экономика» / Б.Т.Кузнецов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 663 с. (С. -284.)

4. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80000 слов и фразеологических выражений. 4-е изд., доп. – М.: А ТЕМП, 2006. – 3423 с. (С. -2517.)

5. Merriam-Webster's Dictionary and Thesaurus, Mass-Market Paperback – April 1, 2014.

6. M.B. Junkes, A.P. Tereso, P.S.L.P. Afonso The Importance of Risk Assessment in the Context of Investment Project Management: A Case Study// Conference on ENTERprise Information Systems / International Conference on Project MANagement / Conference on Health and Social Care Information Systems and Technologies, CENTERIS / ProjMAN / HCist 2015 October 7-9, 2015. (902-910 pages).

7. Виленский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов: Теория и практика: учеб. пособие. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство «Дело» АНХ. 2008. – 1104 с. (С.-485.)

8. A.V.Vaxabov, Sh.X.Xajibakiev, N.G.Muminov Xorijiy investitsiyalar. O'quv qo'llanma. / i.f.d. professor A.V.Vaxabovning umumiy tahriri ostida. – T.: "Moliya", 2010. – 328 b. (B. -165.)

9. Martina Merkova, Josef Drabek. Use of risk analysis in investment measurement and management. (http://toc.proceedings.com/29281webtoc.pdf) (656-662 pages).

Шакирова Ф.Б. *– ТДТУ, PhD., доц.*
Сафаров С.Р.*-ТДТУ талабаси*

ИННОВАЦИЯЛАР АСОСИДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Республикамизда иқтисодий ўсишнинг инновацион моделига ўтиш, миллий иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантиришнинг барча омиллари, яъни замонавий ўқув ва илмий тадқиқот муассасалари, ташкилотлар, лойиҳа-конструкторлик бюролари, юқори интеллектуал, арзон ишчи кучи, тегишли минерал хом ашё базалари мавжуд. Инновацион тизимнинг муҳим унсурларидан бири унинг ташкилий асослари бўлиб, Ўзбекистонда инсон капиталининг сифати даражаси юқори, жисмоний тайёргарлиги, тезкор малакавий ихтисослашув хусусиятига эга. Республикада фан ва таълимни ривожлантириш инфратузилмаси, замонавий кадрлар тайёрлаш, лойиҳа-конструкторлик меҳнатини ташкил этиш усуллари, шакллари, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари ижобий ҳал этилган. Ушбу соҳада иккита долзарб масала мавжуд. Биринчиси, ишлаб чиқариш билан инновацион тизим ўртасида, яъни инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмининг мавжуд эмас. Иккинчиси Ўзбекистондаги арзон ва сифатли ишчи кучидан унумли фойдаланиш борасида муайян камчиликлар мавжуд.

Миллий инновацион тизим субъектларини давлат томонидан самарали рағбатлантириш тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг давлат механизмининг деталлари ҳисобланган: солиққа тортиш, бож-тариф ва молия-кредитдан самарали, етарлича фойдаланмаслик долзарб илмий муаммолардан саналади.

Диссертация ишининг асосий масаласи барқарор, самарали иқтисодий ўсишга инновацион ривожланишнинг боғлиқлигини сифат ва миқдор жиҳатидан таҳлил этишдан иборат.

Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари, уларнинг иқтисодий ўсишдаги улушлари тўғрисида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, мамлакатимизда айнан инновацион ривожланишнинг иқтисодий ўсишдаги улушини аниқлашнинг илмий-назарий жиҳатлари чуқур ўрганилмаган.

Маълумки, жорий молия йили ўтган молия йилида ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмига қўшимча ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозор баҳоси ЯИМ мутлақ ўсишидир. Ушбу ўсиш ЯИМнинг мутлақ кўпайишидир, бироқ у самарали иқтисодий ўсишни англатмайди.

Нисбий иқтисодий ўсиш иқтисодий ўсиш барқарорлигини ифодалаб, у қандай фаолият ёки қандай ресурс харажати ҳисобига ЯИМнинг ўсишига эришилганлигини билдиради. Бу қандай ресурс харажатлари ҳисобига ЯИМнинг ўсишига эришилганлигини билдиради. Бундай ресурс харажатлари таркибига инновацион фаолият ва инновацион ресурслар сарфи ҳам киради.

Инновацион харажатлар самарадорлиги ва унинг, даражасини аниқлашда иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг умум методологик, назарий асосларидан фойдаланамиз. Яъни инновацион фаолият "натижа"сини ушбу фаолият учун қилинган "харажатлар"га нисбати орқали аниқланади.

ЯИМнинг кўпайган қисми (ΔЯИМ) бу ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган ($ЯИМ_2$) ЯИМ ҳажми билан базавий йилда ишлаб чиқарилган ($ЯИМ_1$) ЯИМ ҳажми ўртасидаги фарқ. Яъни:

$$\Delta ЯИМ = ЯИМ_2 - ЯИМ_1$$

ЯИМнинг мутлақ кўпайиши албатта ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг ҳам кўпайиши, ортиши (ΔW) ҳисобига эришилади. Харажатларнинг ортиши (ΔW) жорий ҳисобот йилида ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми билан базавий йилда ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми ўртасидаги фарқ. Яъни:

$$\Delta W = \Delta W_2 - \Delta W_1$$

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, инновацион фаолият самарадорлиги ΔЯИМнинг Δинновацион харажатларга нисбатида, унинг даражаси эса фоиздаги ифодаси сифатида аниқланади. Яъни:

$$\textbf{Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлиги} = \frac{\Delta\ ЯИМ}{\Delta\ \text{инновацион харажатлар}}$$

Ушбу формула инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ҳисобига олинган ЯИМ ўсишини ифодалайди.

Агар шу нисбат аксинча нисбатда ифодаланса, инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини аниқ баҳолайди. Яъни:

$$\textbf{Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини баҳолаш} = \frac{\Delta\ \text{инновацион харажатлар}}{\Delta\ ЯИМ}$$

Ушбу баҳолаш инновацион харажат бирлигига олинган ЯИМ ўсимини ифодалайди.

Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини ошириш ялпи ички маҳсулотни мутлақ ортишигагина боғлиқ бўлмай, инвестицияларни инновацион фаолиятни жонлантиришга йўналтирилиши асосида инновацион ривожланишга эришиш ва улар негизида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади.

Инновацион ривожланиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмининг қуйидаги жиҳатларини:

• давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг солиқ, бож-тариф, молия-кредит тизимини инновацион ривожланиш модели талаблари ва ривожланиш суръатларига зудлик билан мослаштириш зарур;

• инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш субъектларига хорижий инвесторлар, миллий товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва давлат ташкилотларига солиққа тортиш, бож-тариф сиёсатини қўллаш, кредитлашда алоҳида рағбатлантирувчи ёндашув тизимни ишлаб чиқиш зарур.

Нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва кенг тадбиркорлар қатламини инновацион маҳсулотларни кенг қамровли ишлаб чиқаришга, тижоратлаштиришга жалб этиш учун давлат томонидан юқорида қайд этилган шароитларнинг яратилиши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бозор механизми ва дастакларининг фаоллашувига, самарали амал қилишига пировардида иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Шадиева Г. *- СамИСИ, проф., и.ф.д.*
Йўлдошев Б. *– СамИСИ магистр.*

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУРИЗМ, ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Бутун дунё иқтисодий-ижтимоий ҳаётида туризм тармоғининг ўрини беқиёсдир. Унинг дунё миқёсидаги ўрни ва роли йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон Реаспубликаси Президентнинг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек: “туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади”[1]. Туризм соҳасини жадал юксалтириш учун 86 та мамлакат билан визасиз ҳамда 57 та давлат билан соддалаштирилган виза режимининг жорий этилиши ҳамда институционал ислоҳотларни амалга ошириш натижасида 2019 йилда Ўзбекистонга 6,7 млн хорижий сайёҳ келган ва ташриф буюрувчи экспорти 1,550 млрд АҚШ долларига етган.

Сўнгги йилларда айниқса, 2016-2019 йилларда мазкур соҳани меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, янада ривожлантиришга қаратилган Президент фармонлари қонунлар, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ қилиниб келинмоқда.

. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ)нинг маълумотларига кўра, “1950 йилда халқаро туристлар сони 25 миллион, 1980 йилда 278 миллион, 1995 йилда 528 миллион ва 2017 йилда 1 миллиард 400 миллион кишини ташкил этган ва бу кўрсаткич 2030 йилга келиб 1 миллиард 800 миллион кишига етиши башорат қилинмоқда”[2]

[1] http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
[2] UNWTO Tourism Highlights 2017 Edition.

Бутун дунё иқтисодиётида туризм соҳасининг истиқболи, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрни, аҳамияти ва ривожланишининг амалий жиҳатлари унинг назарий-методологик асосларини илмий жиҳатдан тадқиқ этилмоқда. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, узоқ хорижлик олимлардан В.Хунцикер-К.Крапф, Чарлес Р. Голденер ва Ж.Р. Брент Ритчие ва П.Бернекер, РФ ва МДҲ олимларидан М.А. Морозов, Н.С. Морозова, Г.А. Карпова, Л.В. Хорева, М.Б.Биржаков М.Н. Дмитриевларнинг илмий ишларида, Мамлакатимиз олимларидан М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, М.Т. Алимоваларнинг илмий асарларида туризм тушунчасини турли белги, мезонлар, фаолиятда қўлланилиши, жадаллиги ва шу кабилар асосида таснифланган. Ўзбекистон миллий энсиклопедиясида (2000-2005) “Туризм (французча: оур — сайр, саёҳат), сайёқлик — саёҳат (сафар) қилиш; фаол дам олиш турларидан бири. Туризм деганда жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбиямалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан 1 йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) тушунилади” деб таъриф берилган.

Туризм тушунчасини ёритишга қаратилган ёндашувлар[1]

Муаллифлар	Таърифи	Манбаси
В.Хунцикер-К.Крапф	Инсонларнинг муносабатлари ва уларнинг яшаш жойидан ташқаридаги фаолияти доимий яшаш тарзига айланмасдан ва меҳнат ҳақи олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда кун кечириши натижасида келиб чиқадиган муносабатлар мажмуаси	Лукачева Л.И., Кварталнов В.А., Исаев В.А. и др. Менеджмент туризма. Основы менеджмента. Учебник. –М.: Финансы и статистика, 2006, 352 с
Чарлес Р. Голденер ва Ж.Р. Брент Ритчие	Туризм - бу мураккаб ҳодиса, уни қисқача таърифлаш жуда қийин. Туризмнинг ҳар қандай "модели" туристик тизим таркибини ёки таркибий қисмларини, шунингдек, унинг ичида содир бўлган асосий жараёнлар ва натижаларни қамраб олиши керак”	Чарлес А. Гоелднэр, Ж.Р. Брент Ритчие. Тоурисм Принсиплес, Прастисес, Пҳилосопҳиес, Hew Жэрсей, Жоҳн Wилей &амп; Сонс, 2012.
П.Бернекер	Туризм - «саёҳатчининг нотижорий, ҳамда ўз касбига боғлиқ бўлмаган мақсадларда, вақтинчалик ва ихтиёрий тарзда яшаш жойларини алмаштириши билан боғлиқ ўзаро алоқалар ва хизматлар мажмуи»	Квартальнов В.А. Стратегический менеджмент в туризме: Современный опыт управления. - М.: Финансы и статистика, 1999.
ЎзР қонуни 2019йилда қабул қилинган «Туризм тўғрисида»ги қонуни	жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши);	ЎРҚ -549- сон 18.07.2019
М.А. Морозов, Н.С. Морозова, Г.А. Карпова, Л.В. Хорева	Замонавий туризм мураккаб тармоқлараро мажмуа сифатида намоён бўлади	М.А. Морозов, Н.С. Морозова, Г.А. Карпова, Л.В. Хорева Экономика туризма учебник москва 2014. 303с.,
М.Н. Дмитриев	Туризм – бу истеъмолчиларнинг махсус категорияси (туристларнинг) эҳтиёжларини қондирувчи ҳамда ишлаб чиқариш ва	М.Н. Дмитриев, М.Н. Забаева, Е.Н. Малыгина. – 2-е изд., перераб. И

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

	ноишлаб чиқариш соҳа тармоқлари ташкилотларидан иборат миллий хўжаликнинг тармоқлараро мажмуасидир	доп. - М.: ЮНИТИ -ДАНА, 2010. 306с., С. 27.
М.Б.Биржаков	Туризм – бу: биринчидан, туризмнинг аниқ мақсадлари асосида туристлар томонидан амалга ошириладиган саёҳатларнинг ўзига хос оммабоп шакли, яъни туристнинг фаолияти шакли; иккинчидан, ушбу саёҳатларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш бўйича туристик фаолиятдир. Туристик фаолият эса туризм индустрияси ва унга алоқадор тармоқ корхоналари томонидан амалга оширилади	Биржаков М. Б. Введение в туризм: изд. 9-е, перераб. и доп. СПб.: Издательский дом «Герда», 2007. – 576 с.20.
В.И.Азар	“Туризм – алоҳида давлат халқ хўжалиги доирасидаги алоҳида элементлар ўртасидаги турли хил алоқаларни, шунингдек миллий иқтисодиётнинг бутун жаҳон хўжалиги билан ўзаро алоқаларини қамраб олган улкан иқтисодий тизимдир”	Жукова М.А. Индустрия туризма: менеджмент организации. - М.: Финансы и статистика, 2003. – 192 с.

Шунингдек, Балтабаев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш. ва С.А Абдуҳамидовлар ўзларининг “Туризм: назария ва амалиёт” номли дарсликларида қуйидаги фикрларни таъкидлаганлар:

Дунёда туризм хизматлар бозори самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда:

- туризм бозорининг ташкилий-иқтисодий омилларини инновацион ривожланиш асосида янада аниқлаштириш;

- туризм хизматлари экспортини унинг янги истиқболли турлари (аграр ва вино туризми, экотуризм, малакавий

– иш туризми ва бошқалар) асосида ривожлантириш;

- туризм соҳасининг субъектлари фаолиятини бозор шароитида бошқариш механизмини мувофиқлаштириш;

- туризм хизматлар бозорини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш[1]

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунидаги айрим моддаларда туристик хизматлар билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи берилган. Жумладан, Қонуннинг 3 - моддасида туристик хизматлар тушунчаси ҳақида: "туристик хизматлар - туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот - реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар", - деб таърифланади. Қонуннинг 11 - моддаси: "туристик саёҳат ва туристик хизматлар мажмуи", - деб номланиб, унда қуйидаги фикрлар баён қилинади - "туристик саёҳат якка тартибда ёки

[1] Baltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh., Abduhamidov S.A. «Turizm: nazariya va amaliyot». Darslik, Toshkent, 2018

туристлар гуруҳи таркибида амалга оширилади. Туристик хизматлар мажмуи транспорт (ташиш - М.М.) хизмати кўрсатишни, яшаш, овқатлантириш, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олади", - дейилади. Қонуннинг 10 - моддаси: "Туристик хизматларни сертификатлаштириш", - деб номланиб, унда қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: "Туристик хизматлар мажбурий сертификатлаштирилиши лозим. Туристик хизматларни сертификатлаштириш ва сертификат бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистонда асосан туризмни ривожлантиришга кейинги йилларда жуда катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда туристик хизматлардан олинадиган даромад йилдан йилга ошиб бормоқда. Албатта, бунда мамлакатимиз ҳудудларининг ўзига хос ўрни бор. Мамлакатимизда Самарқанд вилоятида туристик хизматлар бўйича алоҳида ўрин тутади.

Туризм соҳасини ривожлантиришда туризм соҳасининг ҳам ўрни беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида жойлаштириш воситалари сони (бирликда)[1]

№	Ҳудудлар	Йиллар					2020 йилни 2016 йилга нисбати, +/-
		2016	2017	2018	2019	2020	
1.	Қорақалпағистон Республикаси	26	27	34	36	41	15
2.	Андижон вилояти	15	16	18	19	21	6
3.	Бухоро вилояти	121	122	164	211	228	107
4.	Жиззах вилояти	25	26	29	35	39	14
5.	Қашқадарё вилояти	32	33	38	54	59	27
6.	Самарқанд вилояти	21	22	20	28	29	8
7.	Навоий вилояти	110	111	127	144	149	39
8.	Наманган вилояти	10	11	14	13	13	3
9.	Сирдарё вилояти	30	31	34	46	51	21
10.	Сурхондарё вилояти	26	27	34	52	58	32
11.	Тошкент вилояти	39	40	48	49	50	11
12.	Фарғона вилояти	58	59	67	84	86	28
13.	Хоразм вилояти	66	67	67	94	107	41
14.	Тошкент шаҳри	171	172	220	323	377	206
	Жами	750	764	914	1188	1308	558

Жадвалда келтирилган маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида жойлаштириш воситалари сони 2016 йилда 750 тани ташкил этган, 2020 йилда 1308 тани ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 558 тага ошган. Самарқанд вилояти бўйича 2016 йилда жойлаштириш воситалари сони 21тани ташкил этган, 2020 йилда бўлса, 29 тани ташкил этган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2020 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистонга туристик мақсадда ташриф буюрган чет эл фуқаролари сони 1,5 миллион кишини ташкил этди. 2019 йилнинг шу даврига нисбатан ушбу кўрсаткич 77,7 фоизга камайди. 2020 йилда

Умумий хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш учун жуда кенг имкониятлар мавжуд. Бу имкониятлардан фойдаланиш учун албатта, туристик хизматлар кўрсатишни ривожлантириш, хизматлар сифатини халқаро даражага етказиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу қаторда туризм турларини кенгайтириш, туристик объектлар рекламасини кучайтириш, тур маҳсулотлар нархларини рақобатчи мамлакатларга нисбатан оширмаслик, айниқса туристларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини муттасил ошириб боришмиз талаб этилади.

Самарқанд Республикамизнинг туристик ва хизмат кўрсатиш соҳасида энг етакчи ҳудудларидан бири ҳисобланади. Биз томонимиздан берилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши, фикримизча, республикамизда, хусусан Самарқанд вилоятида туристик хизматларни ривожлантириш имкониятини беради. Буларнинг натижасида аҳоли яшаш шароити, бир сўз билан айтганда аҳоли турмуш даражаси яхшиланишига сабаб бўлади.

Exsonov J.R. *– ОБМ, mustaqil izlanuvchisi (PhD)*

KORPORATIV FORSAYT TEXNOLOGIYALARINI INTELLEKTUAL TRANSPORT LOGISTIK TIZIMIGA TA’SIRI

Ma’lumki, har qanday tarmoq va/yoki tizimning rivojlanish istiqbollari uchun raqamli texnologiyalar hamda strategik rejalashtirishning o’rni ahamiyatli hisoblanadi. Bugungi kunda tashkilotlarning asosiy vazifalaridan biri aniq istiqbollarni to’g’ri shakllantirish va kundalik qarorlar uchun taktikani ishlab chiqishdir. Siyosiy va iqtisodiy o’zgarishlar, global raqobatning kuchayishi, g’alaba qozongan takomillashtirilgan o’zgarishlar va ijtimoiy fanlardagi ilmiy yutuqlar qaror qabul qilishning yangi modeliga ehtiyoj tug’diradi. Tizimli bashoratning me’yori bilan barcha turdagi jamoalar tez sur’atlar bilan rivojlanayotgan davlatlar dunyoda izchil qarorlar qabul qilish imkoniyatlarini sezilarli darajada oshirishi mumkin. Buni amalga oshirish uchun bir nechta asosiy vazifalarni bajarish kerak:

- kelajakka qaratilgan strategiyalarni yaratish vositalari va usullarini tanlash;
- zamonaviy prognoz natijalarini saqlash uchun turli ma’lumotlar manbalarini birlashtirish;
- tashkilotdagi turli lavozimlarda qaror qabul qiluvchilar bilan muloqot formatlaridan foydalanish;
- tashkilot ichida ham, tashqarisida ham bilimlarni birlashtirish.

Innovatsion tashkilot bo'lish uchun o'z sohangizdagi tendentsiyalardan tashqariga qarash muhimdir. Kompaniya doimiy ravishda imkoniyatlarni kengroq kontekstda izlashi lozim. Jamiyatdagi va bir-biriga bog'liq bo'lmagan sohalardagi o'zgarishlar ko'pincha bu o'zgarish tez orada faoliyatning barcha sohalariga ta'sir qilishi mumkinligi haqida erta ogohlantirishdir. Misol uchun, raqamli platformalar kabi ba'zi sohalarda paydo bo'lgan yangi biznes modellari qanday qilib deyarli barcha sohalarga tarqalib, o'z maqomini o'zgartirganini tasavvur qilish kifoya.

Forsayt texnologiyasini transport tizimining asosiy jarayonlariga qiymat qo'shadigan samarali faoliyatga aylantirish uchun oddiy qadamlardan biri va ehtimol, birinchi qadam, butun tashkilotda kelajakka bo'lgan munosabatni shakllantirish bo'ladi. Birinchidan, har qanday muammolarni hal qilishda siz butun jamoani jalb qilishingiz, barcha xodimlarni o'z nuqtai nazarini, mavjud vaziyatga qarashlarini ifoda etishga taklif qilishingiz kerak. Ikkinchidan, tinglangan takliflar qaror qabul qilishda asos bo'lishi darkor. Natijada rahbariyatga ishonch ortadi, ahloqiy muhit va jamoadagi psixologik iqlim yaxshilanadi, tashkilotlar faoliyati yangi bosqichga ko'tariladi.

Chin ma'noda mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishini tubdan yangi bosqichga olib chiqishning poydevori bo'lmish nazariy bilimlarning roli ortishi, yuqori texnologiyali sanoatning rivojlanishi va IT-texnologiyalarning ta'siri bilan bevosita bog'liq. Yuqoridagi barcha tendentsiyalar bilimlar iqtisodiyoti nazariyasini o'rganish va uning amaliyotda shakllanishini birinchi o'ringa qo'ydi. Mamlakatimizda bilim iqtisodiyotining rivojlanishi fan va texnologiya yutuqlari bilan bog'liq bo'lishi kerak. Shu bilan birga, ularning o'zaro ta'siri AKT kabi sohalarda amalga oshirilishi kerak, bu esa ta'lim va biznes jarayonlarini yangicha tashkil etish imkonini beradi, bu esa butun sanoat tarmoqlarini tubdan o'zgartirishga olib keladi. Bugungi kunda O'zbekistonda juda ko'p ta'lim texnologiyalari mavjud, ammo ularning aksariyati ta'lim kelajakka yo'naltirilishi, ilm-fan va texnologiyaning zamonaviy yutuqlarini bashorat qilishga va oldinda bo'lishga o'rgatishi kerakligini hisobga olmaydi. Ushbu muammoni hal qilish uchun muallif va mutasaddilar iqtisodiyotning aniq tarmoqlari va oliy ta'lim o'rtasida barqaror tizimli aloqani ta'minlashni taklif qiladilar. Oliy maktab o'z sa'y-harakatlarini hal etishga yo'naltiradigan ilmiy-texnikaviy muammolar, eng avvalo, xuddi shu ilmiy yoki texnik muammodan foydalanilganda inertsiya omili bilan emas, balki iqtisodiyot va jamiyat talablari bilan belgilanishi kerak. Ilmiy va texnik faoliyat natijalarini tijoratlashtirish imkoniyatidan qat'iy nazar, o'nlab yillar davomida ma'lum bir bo'lim tomonidan ushbu muammo tizimli tarzda o'rganib kelinmoqda.

To'g'rida to'g'ri intellektual transport logistika tizimidagi o'zgarishlarni kelgusi 25 yillik davrni forsayt qilmoqchi bo'lsak, transport logistika tarmog'ida "Smart contract" aqlli tizimi o'z faoliyatini boshlab, logistika sohasidagi aqlbovar qilib bo'lmas jarayonlarni amalga oshiradi. Jumladan, ishlab chiqaruvchi, mijoz va ta'minotchi o'rtasidagi vizual kelishuv natijasida mijoz sun'iy to'siqlarsiz hamda o'z xohishiga binoan ya'ni narx, vaqt yoki turli yetkazib berish funksiyalarini tanlash orqali ko'plab imkoniyatlarni yaratadi. Bu esa, transport tizimini yanada sayqallanishiga va raqamlashishiga olib keluvchi omil sifatida xizmat qiladi.

Xulosa o’rnida aytish joizki, bugungi transport tizimini tubdan raqamlashtirish uchun ulkan muammolardan biri bu – infratuzilma. Har qanday tarmoqni bir turdan boshqa turga o’tkazish uchun dastlab albatta uning infratuzilmasini ko’rib chiqish zarur. Shunday ekan, “Raqamli O’zbekiston - 2030” davlat dasturini tarmoq kesimida ijrosi va MOMIH Transport Strategiyasi-2030[1] kabi davlat ahamiyatiga ega bo’lgan loyihalar kelejakdagi har bir tarmoq yoki tizimning rivojlanish istiqbollarini aniqlashda ulkan xissa qo’shadi. Bundan tashqari, globallashuv davrida jahon erkin bozorlarida mamlakatning o’z pozitsiyasini muayyan ravishda belgilash ustuvor yo’nalishlardan hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 5-oktabr kungi “Raqamli O’zbekiston - 2030 strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PF-6079 sonli farmoni. https://lex.uz/docs/5030957
2. CAREC Transport Strategy 2030, ISBN 978-92-9261-999-2, DOI: http://dx.doi.org/10.22617/SPR200024-2.
3. С.С.Сагинтаева “Технология форсайт и цифровизация в интеграции образования, науки и производства”, Монография 2020. -164 с.
4. Афанасенко, И. Д. (2019). Стратегии цифровых изменений в логистике. In Развитие науки и научно-образовательного трансфера логистики (pp. 15-23).
5. Волкова, И. А., & Петрова, В. С. (2019). Технология форсайт-исследования в условиях цифровой экономики. Московский экономический журнал, (1).

Шакирова Ф.Б. *– ТДТУ, PhD., доц.*
Абдумуротова У.А.*-ТДТУ талабаси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИККА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Ўз фаолиятига доимий равишда инновациялар, яъни янгиликлар, ихтиролар, янги технологиялар, техникалар, бошқариш ва меҳнатни ташкил этишга замонавий тизимларни киритиб, амалиётга татбиқ этиб борадиган фаол тадбиркоргина инқироз домига тушиш ва банкрот бўлиш хавфидан холи бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “фаол тадбиркорлик” ва “фаол тадбиркор” тушунчаларига берган таърифи диққатга сазовор. Ш.М.Мирзиёев “Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий фаолиятдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз”, деб таъкидлади[1].

П.Дракернинг таъкидлашича, “тадбиркорларни инновацион фикр юритиш билан фарқлашади. Инновацияга эга бўлиш тадбиркорликнинг асосий қуролидир” [2].

Инновацион тадбиркорлик – мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни янги ғояларни тадқиқ қилиш ва изланиш асосида янгиларига жорий этиш жараёни[3]. Кўриниб турибдики, иқтисодиётда инновацион муносабатларнинг субъектларига интеллектуал жиҳатдан катта масъулият ва риск юкланади, ушбу масъулият ва рискни самарали бўлиши учун мамлакатда бизнес муҳит муҳим аҳамият касб этади.

Корхона мавжуд бизнес муҳитдан оқилона фойдаланган инновацион фаолиятни ташкил этади, корхона бизнес муҳитнинг стратегик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг келажак стратегиясини ишлаб чиқади, стратегия асосида корхона иқтисодий-интеллектуал ғояларини реализация қилиш эвазига қўшимча фойда олади. Бизнес муҳит омилларининг инновацион тадбиркорликка боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган.

1-расмдан кўриниб турибдики, мамлакатдаги бизнес муҳит нновацион фаолиятини вужудга келтирувчи муҳим иқтисодий механизмлардан ҳисобланади.



1-расм. Бизнес муҳит ва инновацион тадбиркорликнинг ўзаро боғлиқлиги[1]

Юқорида қайд этилган ҳолатларга таяниб, мамлакатда бизнес муҳит инновацион тадбиркорликка:

- корхонада инновацион жараёнларни жорий этиш ва мавжуд захираларни ишга тушириш;
- корхонада инновацион ғояларни амалга ошириш ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид ички ва ташқи ҳамкорлар билан шартномалар тузиш;

[1] Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан тузилди

▪ инновацион ғояларни амалга ошириш ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича молиявий ҳамкорларни топиш ва венчур фондлари маблағларидан фойдаланиш каби қатор имкониятларни беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. б.20.

2. Дракер П.Ф. Инновации и предпринимателсьство.-М: 1992.- С. 234.

3. Дергунов А.И. Системный подход к развитию национальной инновационной среды // Инновации, -№3. -2008. - С. 53-56.

Юлдашева Г.Р. *- ОБМ тингловчиси*

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини жадал тараққиётини таъминлаш учун таркибий ислоҳотларни амалга ошириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Акс ҳолда нафақат иқтисодиётимиз ривожини, балки миллий тараққиётнинг юксак суръатларини ҳам таъминлаб бўлмайди. Ўзбекистонга янги саноатни олиб кириш бошқа давлатларга нисбатан қулай бўлишини таъминлаш зарур. Бунда энергетика саноати ва сўнги йилларда жадал ривожланиб бораётган қишлоқ хўжалиги ривожлантиришни янги технологик даражага кўтариш, экологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳом-ашё маҳсулотларини қайта ишлаш орқали янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини, саноат ва энергия маҳсулотларини ишлаб чиқариш зуруратга айланиб бормоқда. Шу ўринда мамлакатимиз Президенти **Ш.Мирзиёев** таъкидлаганларидек “Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашда аввало, рақабатбардош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади”[1.150]. Барқарор ривожланишда биринчи навбатда, аҳоли эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида келажак авлод эҳтиёжларини қондириш имкониятларини эса хавф остига қўймасликка асосланиши керак. Барқарор ривожланишни “ижтимоий”- “иқтисодий”-“экологик” учликнинг ўзаро боғлиқликда ривожланишига асосланган синергетик самара ҳисобидан тараққий этадиган жараён сифатида тасаввур этиш мумкин. Барқарор ривожланишни таъминлашдаги иқтисодий ёндашув чекланган ресурслардан оқилона фойдаланишни назарда тутади. Ижтимоий ёндашув глобал миқёсда ижтимоий барқарорлик ва маданий хилма-хилликни таъминлашга йўналтирилган бўлади. Экологик ёндашув эса ҳар қандай экологик тизимларнинг нормал фаолият юритишини таъминлашга хизмат қилиши зарур бўлади.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда хорижий мамлакатларнинг нуфузли ташкилотларининг фикрига кўра, айниқса Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликка эга. Жумладан, иқтисодиёт тармоқларидан нефтгаз-кимё саноати, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат ҳамда "Яшил иқтисодиёт" билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз "драйверлари"га айланиши учун барча шароитлар мавжуд. Бу тармоқларда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича барча чоралар кўрилиши лозим.

Барқарор ривожланиш доирасида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, "соф технологиялар"га нисбатан инновацион ёндашишни кучайтириш, "яшил иқтисодиёт"ни шакллантириш муаммолари халқаро иқтисодий, экологик, инвестицион форумларда мунтазам равишда муҳокама этиб келинмоқда. Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини белгиловчи кўрсатгичлардан бири қайта тикланувчи энергия манбааларини ишлаб чиқиш, саноат тармоқларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш билан белгиланади. Биргина Мамлакатимиз Президентининг
2021 йил 17-18 декабрь кунларидаги Корея Республикасига ташрифи доирасида, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти юқори технологиялари, рақамлаштириш, инновацион ва "яшил" тараққиёт соҳаларидаги етакчилигини мустаҳкамлаш орқали эришилганлиги таъкидлаб ўтди. [2]

"Яшил иқтисодиёт" концепциясини амалиётга татбиқ этиш масалалари ушбу муҳокамаларминг негизини ташкил этади. Юқорида қайд этилганидек, "барқарор ривожланиш" концепцияси дунё мамлакатларининг бош мақсадига айланиб бормоқда. Ушбу масаланинг кулминацион чўққиси 2015 йилда Франсияниринг Париж шаҳрида ўтказилган БМТ нинг иқлим исишига бағишланган конференсияда 195 мамлакат томонидан глобал исиш даражасини +2 С да ушлаб туриш сиёсатини қабул қилиши билан белгиланган. Шунингдек, 147 та мамлакатда "яшил иқтисодиёт" режаларини, 147 та мамлакатда тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш дастурларини ва 167 та мамлакатда энергия самарадорлигини иқлим ўзгаришларига муносиб равишда ошириш масалалари бўйича иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилган.

Иқтисодий ўсишнинг анъанавий моделидан "яшил иқтисодиёт"га ўтиш – бу умумжаҳон тренди бўлиб, у нафақат алоҳида миллий иқтисодиётларнинг, балки умуман бутун жаҳон иқтисодиётининг барқарорлигини белгилаб беради, "яшил иқтисодиёт"ни илгари суриш эса тараққиётнинг асосий йўлидир. "Яшил" иқтисодий ўсишнинг асосий тўсиқлари, технологик тўсиқларнинг мавжудлиги, инновацион имкониятларнинг пастлиги, инновацион маҳсулотларга бўлган талабнинг етишмаслиги, илмий кашфиётларнинг ва умуман экологик йўналтирилган инновациялардан

олинадиган иқтисодий даромадларнинг камлиги бўлиши мумкин. “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг экологик-иқтисодий индикаторларини таҳлил қилиш ва ҳисоб-китоб қилиш катта аҳамиятга эга. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш моделининг самарадорлиги “яшил иқтисодиёт”га ўтишни таъминлашнинг иқтисодий механизмлари натижадорлигини ҳисобга олган ҳолда уни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик оқибатлари билан изоҳланади[3].

Барқарор иқтисодий ривожланиш 3 таркибий қисмдан иборат мураккаб ўзаро боғлиқликни назарда тутади. Булар иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлардир. Сўнгги 20 йил ичида пайдо бўлган яшил иқтисодиёт концепцияси ушбу таркибий қисмлар ўртасидаги янада уйғунликни таъминлашга мўлжалланган бўлиб, бу барча мамлакатлар гуруҳлари - ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиёти бўлган мамлакатлар учун мақбул бўлади. Бугунги даврда Яшил иқтисодиёт тушунчаси тобора оммалашиб бормоқда. Мамлакат аҳолисининг барқарор ўсишини таъминашда инсонларни яшаш шаротларини яхшилашда яшил иқтисодиётга ўтиш муҳим аҳамият касб этмоқда, яъни инсонларнинг турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келадиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият тизими билан биргаликда экологик хавф ёки экологик камчиликларга дуч келиши кузатилмоқда.

Яшил иқтисодиёт нафақат капиталнинг ўсиши, меҳнат ресурслари ва иқтисодий ўсиш боғлиқ масалаларни ҳам қамраб олиши, балки ишлаб чиқариш омили сифатида табиий ресурсларни янгилайди. Бунинг учун иқтисодиётнинг зарурий қисми ҳисобланган табиий тизимларнинг экотизимга чидамлилигини таъминлаш, ресурслар самарадорлигини ошириш, шу билан атроф -муҳитнинг иқтисодиёт тармоқлари ва инсон фаолиятига таъсирини камайтириш орқалигига эришиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда “экологик инновация”ларга катта эътибор қаратилиши, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, қайта тикланувчи энергияларни қўллаш доирасини кенгайтириш, атроф-муҳитга алоқадор муаммоларни ечишнинг миллий дастури экологик ҳавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ҳамда технологияларни татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, “яшил” инвестицияларни жалб қилиш ва иқлимий ўзгаришларга мослашиш учун тегишли иқтисодий механизмлар яратиш, “яшил” инвестицияларни амалга ошириш воситасида “яшил” (экологик тоза) технологияларни ривожлантириш масалаларига муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.Мизиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. 2021 йил 150 Б

2. Халқ сўзи газетаси. 2021 йил 18 декабр кунидаги 270 сони

3. А.Исаджонов. “Яшил иқтисодиёт”: хусусиятлари ва ривожланиш омиллари. Иқтисодиёт ва таълим. 2020 йил 1 сон

4. Лясковская, Е.А., Григорьева К.А. Формирование «зеленой»

экономики и устойчивость развития страны и регионов. // Вестник ЮУрГУ. Серия «Экономика и менеджмент». - 2018. –Т. 12, № 1. - С. 15-22

(Тел: 93-980-88-72, flower_1515@inbox.ru)

Шадиева Г. *- СамИСИ, проф. и.ф.д.*
Давронова М. *- СамИСИ магистри*

МИЛЛИЙ ТУРИЗМ БОЗОРИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ МУАММОСИНИНГ ТИЗИМЛИЙЛИГИ

Туристик бозорни устувор йўналиш сифатида танлаш ушбу бозорнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини келтириб чиқаради. Бу бозор талабдан келиб чиққан ҳолда ва туристик оқимларнинг кўпайиши билан биринчи навбатда, кичик бизнес ва маҳаллий якка тартибдаги тадбиркорлар, сўнгра туризм соҳасининг йирик корхоналари - халқаро ташувчилар, меҳмонхоналар, овқатланиш тармоқлари орқали бозордаги таклифларни тез суръатларда оширмоқда.

Туризмга ихтисослашган минтақа ёки мамлакатнинг рақобатбардошлиги бу туристик оқимини кенгайтириш, келгуси авлодлар учун табиий капитални сақлаб қолиш билан дестинациянинг аҳолиси фаровонлигини ошириш орқали туристик харажатларни кўпайтириш имкониятидир.

Миллий туризм рақобатдошлигига таъсир қилувчи кўплаб омиллар мавжуд. Дестинация ҳисобланган мамлакатар глобал рейтингида интеграл рақобатбардошлик кўрсаткичи тўртта субиндекслар бўйича 14 та комплекс кўрсаткичга бирлаштирилган 90 кўрсаткич асосида шаклланади.

Крауч анд Ричи[1] туристик дестинация рақобатбардошлик моделида 36 та рақобатбардош омиллар тақлиф этилган, улардан энг муҳими: 1) география ва иқлим; 2) маданият ва тарих; 3) фойдаланиш имкони; 4) туристик тузилма; 5) хавфсизлик; 6) нарх; 7) бозор муносабатлари; 8) инфратузилма. Двайер ва Ким[2] ушбу ва бошқа омилларга асосланиб, дестинациянинг рақобатбардошлигини кўрсаткичини таклиф қилдилар.

Рақобатдошликнинг кўплаб омиллари ва кўрсаткичлари туристик маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ . Белгиланган минтақанинг туристик маҳсулоти, компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фарқли ўлароқ , мураккабдир. Бу туристлар истеъмол қиладиган хизматлардан иборат бўлиб, улар бир гуруҳ корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади: меҳмонхоналар, ресторан ва қаҳфахоналар, транспорт, экскурсия бюролари ва кўнгил очар саноати. Пуллик хизматлардан ташқари туристлар маҳаллий давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган бепул

[1] Ritchie J.R.B., Crouch G.I. The Competitive Destination: A Sustainable Tourism Perspective. Wallingford, Oxon, GBR, CABI Publishing, 2005, 290 p
[2] Dwyer Larry. Destination Competitiveness: Determinants and Indicators. Tourism Management, 2005, N21 (1).

неъматларни (иқлим, ландшафтлар, ҳаво) ва жамоат маҳсулотларини истеъмол қиладилар: хавфсизлик, тозалик, туристик маълумотлар. Туристлар саёҳат таасуротларини тўпланган тажрибанинг ўзига хослиги, нархи ва сифати, қулайлиги, хавфсизлиги, шинамлиги ва фойдалилиги жиҳатидан баҳолайдилар.

Шунга кўра, мамлакатнинг туризм рақобатбардошлиги муаммоси туристик саноат корхоналари фаолиятига, давлат ва минтақавий

Бошқарув органларининг туристлар учун муҳим бўлган ўзгарувчан омилларга(ресурсларни бозордаги таклифга айлантиришга) йўналтирилган ижобий таъсирига боғлиқ.

Мамлакатдаги туризмни ривожлантиришга комплекс ёндашуви орқали ҳамкорлар ўз сиёсати ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш, истеъмолчилар учун рақобатдош бўлишга ёрдам берадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун имкон беради.

А. Флит фикрига мувофиқ "рақобатбардошликни баҳолаш мураккаб жараён бўлиб, баъзи ўлчаб бўлмайдиган ва мураккаб аниқланадиган элементларни қамраб олади. Ҳатто баҳолашнинг биринчи босқичи бўлган рақобатбардошлик омилларини аниқлаш ҳам жуда муаммоли бўлиши мумкин".[1]

Халқаро кириш туризмининг ўсишини мақсад қилиб қўйган мамлакатлар , уларнинг асосий рақобатчилари чет элда бўлганлиги сабабли Жаҳон иқтисодий форуми (WEF) томонидан ҳисоблаб чиқилган туристик рақобатбардошликнинг глобал рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олишлари керак . Туризмнинг рақобатбардошлигининг глобал рейтинги ва Дваер - Кимнинг йўналишлари рақобатбардошлиги кўрсаткичлари асосида туризм бозорида мамлакатнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқдик, улардан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш Контсептсияни жорий этишда амалий мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Рақобатбардошликни ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бозор мониторинги ва туризмнинг асосий турига ўхшаш бўлган йўналишлар кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш (масалан, мамлакатларни
экологик ва зиёрат туризми бўйича таққослаш) асосида амалга оширилади.

Кўрсаткичлар объектив (статистик маълумотлар ёрдамида миқдорий бирликларда) ва субъектив, яъни сайёҳлар ва мутахассисларнинг баҳолари орқали баҳоланади.

Туристлар томонидан баҳолаш жараёнини соддалаштириш Tripadvisor сингари халқаро туристик сайтлари ёрдамида эришилади. Шу каби сайтлар дестинациянинг ҳар бир туристик объект ёки корхонаси бўйича минглаб меҳмонларнинг ўртача баҳоларини тақдим этади . Шу билан бирга

[1] А.Л.Флит. Подходы к определению и оценке факторов конкурентоспособности в индустрии туризма. Экономика и управление в отрасли: туризм, 2014

туристларнинг салбий ва ижобий шарҳларлари ҳам келтирилади. Туристлар шарҳлар таҳлили мутахассисларни сифатли баҳолаш ва таклифларни ишлаб чиқиш учун материал билан таъминлайди.

Ҳозирги вақтда республикада туризмнинг рақобатбардошлигини ошириш давлат ҳокимияти органларининг бевосита ва муҳим иштирокида амалга оширилмоқда . Вилоятларда “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш консепсиясини амалга ошириш бўйича 2019 йил чора-тадбирлар Режаси” жорий этилаяпти. Туризм бозори хам устувор хам ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади, шунинг учун унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида махсус чоралар кўриш зарур .

Шу муносабат билан "Рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш" Йўл хариталарнинг вазифаларига минтақавий туризм бозорларида рақобатдош муносабатларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Йўлдошев Н. *– ОБМ тингловчи*

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ЎРНИ

Хозирги ватдаги пандемия шароитида дунёнинг бази мамлакатлари иқтисодиётида иқтисодий инқироз юз бермоқда. Айни шу дамда олдимизда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва камбағаллик даражасини қисқартириш каби бир қатор долзарб муаммолар пайдо бўлиб турибди. Бугунги юз бераётган инқироз деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, хизматлар сифатини пасайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Бундай шароитда бозор муносабатларини тартибга солиш натижасида хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантиришда янги талаблар пайдо бўлмоқда. Ислоҳотлар ва янгиланишлар амалиётда татбиқ қилинганда якуний самара кутилганидек бўлмаслиги ёки кутилган натижага кейинроқ эришиш мумкин бўлади. Шунинг учун янги иқтисодий тизим ва муносабатларнинг қарор топишида барча тармоқлар керакли даражада ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаб борилади, бу олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев юқори иқтисодий ўсишга эришиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашда инвестицияларнинг муҳимлигини қайд этар экан, шу пайтгача бу борадаги ишлар пала-партиш бажариб келинганини танқид остига олган ҳолда, қуйидагиларни таъкидладилар: “Лойиҳалар пухта ҳисоб-китоб қилинмагани,

уларни амалга оширишга инвесторларнинг ўз маблағлари жалб этилмагани оқибатида кўплаб корхоналар банкрот бўлган. Уларни соғломлаштириш вазифаси зиммасига юкланган тижорат банклари ҳам катта зарар кўрган. Шу боис жорий йилдан бошлаб банкрот корхоналарни банклар балансига бериш амалиётига чек қўйилди. Юзаки ўтказилган иқтисодий таҳлил оқибатида лойиҳалар фойдаланишга қабул қилинганидан кейин ҳам ўзини оқламаган – хомашё йўқлиги, энергия ва газ билан таъминланмагани, иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлгани сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилмай қолган”[1]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари бўйича хорижий олимлардан бири С.С.Боргаяковнинг фикрига кўра, инвестицияларни мақсадга мувофиқ икки жиҳати қараб чиқилади: захира категорияси сифатида ва оқим категорияси сифатида. Инвестициянинг моҳияти бўйича турлича ёндашувлардан фарқли равишда муаллиф кўрсаткичларни ўлчашнинг даврий жиҳатини бош мезон деб ҳисоблайди. Агар инвестицион кўрсаткичларни вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўлчаш мумкин бўлса (жамғарма ҳажми, капитал мулк миқдори, маҳсулот миқдори ва ҳакозо), унда бу категория захира, акс ҳолда, мазкур кўрсаткич қандайдир динамик категория сифатида вақтга боғлиқ равишда ўлчанса, унда бу оқим категорияга тегишлидир. Умумқабул қилинган инвестиция (капитал қўйилма) тушунчаси қуйидагилар бўйича ифодаланади: “капитал қўйилма” (ёки капитал сарфи) янги қурилишга ва реконструкцияга сарфланадиган молиявий маблағ; ҳаракатдаги корхоналарни техник қайта қуроллантириш ва кенгайтириш (ишлаб чиқаришга капитал қуйиш), уй жойга, коммунал ва маданий-маиший қурилишлар (ноишлаб чиқаришга капитал қўйиш)[2].

А.Ш. Бекмуродов, Я.К. Карриева, И.У. Нематов, Д.Ҳ. Набиев ва Н.Т. Каттаевнинг “Хорижий инвестициялар” номли ўқув қўлланмасида хорижий инвестициялар бевосита ва портфель инвестицияларга бўлинади. Бевосита инвестициялар – бу капиталнинг тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда корхона асосий компаниянинг хориждаги шаҳобчасига айланади. Бевосита хорижий инвестициялар асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида бўлади ва бевосита инвестициялар асосан икки мақсадда йўналтирилади:

- янги компания ташкил этиш;
- банкрот бўлган компанияларни харид қилиш[3].

И.И. Мазур, В.Д. Шапиро, Н.Г. Ольдероггелар ўзларининг асарларида инвестиция лойиҳалари самарадорлигига қуйидагича таъриф берганлар: “Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги - лойиҳанинг унинг иштирокчиларини мақсади ва қизиқишларига мувофиқлигини кўрсатиб

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш бўйича жорий этилган янги тартиб асосида ишларни ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи, 2018 йил, 17 январь.
[2] Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: пер. с англ. Со 2-го изд. –М.: «Дело ЛТД», 1995. -864 с.
[3] Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Ҳ., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б.

берувчи категория ҳисобланади”[1]. Шунга кўра, лойиҳанинг самарадорлигини бутунлигича баҳолаш, шунингдек лойиҳада қатнашувчи ҳар бир иштирокчининг самарасини аниқлаш талаб этилади.

Лойиҳанинг бошқа барча қулай тавсифида у қуйидагиларни таъминламаса, лойиҳа ҳеч қачон амалга оширилмайди:

- лойиҳа товар ва хизматларни сотиш эвазига олинган даромадлар қўйилган маблағларни қопланиши;
- инвестициялар рентабеллигини таъминловчи фойда фирманинг хоҳиши даражасидан юқори бўлишлиги;
- инвестицияларнинг қоплаш муддати фирма учун мувофиқ келган даврга мос келиши.

Инвестицион жараёнлардаги бундай натижаларга эришишнинг ҳақиқийлигини аниқлаш реал активларга солинган маблағлар бўйича ҳар қандай лойиҳанинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлашнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бундай баҳолашни ўтказиш ҳар доим бирмунча қийин вазифа ҳисобланади, чунки унда бир қатор муҳим омиллар таъсирини ҳисобга олиш талаб этилади:

- биринчидан, инвестицион харажатлар факат бир марта ёки узоқ вақт давомида бир неча марта амалга оширилиши мумкин;
- иккинчидан, инвестиция лойиҳасини амалга оширишдан натижалар олиш даврининг давомийлиги ва узоқ эканлиги;
- учинчидан, узоқ муддатли операцияларни амалга ошириш инвестицияларнинг барча жиҳатларини баҳолашда ноаниқликнинг ўсишига ва хавфнинг туғилишига олиб келиши мумкин.

Лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усулларини “Orient-textile” лойиҳаси кўрсаткичлари орқали таҳлил қиламиз.

1-жадвал

“Orient-textile” инвестиция лойиҳаси амалга ошириш жараёнида йўналтирадиган пул маблағлари ва пул тушумлари кўрсаткичи

Лойиҳа даври	*Пул оқими (чиқим)*	*Пул оқими (тушум)*	*Дисконт ставка*
0	3 000 000 000	0	12%
1	8 300 000 000	0	12%
2	5 500 000 000	1 400 000 000	12%
3	---	3 080 000 000	12%
4	---	3 388 000 000	12%
5	---	3 726 800 000	12%
6	---	4 099 480 000	12%
7	---	4 509 428 000	12%
8	---	4 960 370 800	12%
9	---	5 456 407 880	12%
10	---	3 001 024 334	12%

[1] Мазур И.И., Шапиро В.Д., Ольдерогге Н.Г. Управление проектами: Учеб. пособие для вузов /Под общ. ред. И.И.Мазура.- М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2001. – С. 276.

“Orient-textile” инвестиция лойиҳасининг кўрстакичларидан кўринадики, лойиҳани молиялаштириш жараёни бир неча босқичларда амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳасини кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда амалдаги назарияда мавжуд бўлган фомулаларни қўллаган ҳолда лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашга асосланган усуллар асосида ҳисобланади. Улардан бири: Соф жорий қиймат (NPV) - инвестициялаш объектидан фойдаланиш даврида олдиндан қатъий белгиланган ва ўзгармас фоиз ставкасида олинадиган даромадлар ва қилинадиган харажатларнинг алоҳида муайян даврдаги барча кирим ва чиқимларнинг дисконтлаштирилиши йўли билан олинган ва улар ўртасидаги фарқни ифодаловчи қиймат. Унинг моҳияти шундаки, йиллик соф пул оқими миқдори ҳар бир давр учун лойиҳани амалга оширишнинг бошланғич йилига келтирилади ва у оқибатда ўзини пул миқдорида соф жорий қиймат ёки соф дисконтлаштирилган даромад сифатида намоён этади.

Уни ҳисоблаш формулалари қуйидагича:

$$NPV = \frac{CF_1}{(1+d)^1} + \frac{CF_2}{(1+d)^2} + \ldots + \frac{CF_t}{(1+d)^t} - I_0$$

$$ёкиNPV = \sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1+d)^t} - I_0 \qquad (1)$$

$$NPV = \sum_{t=1} \frac{CF_t}{(1+k)^t} - \sum_{t=1}^{n} \frac{I_t}{(1+k)^t} \qquad (2)$$

Демак, ўрганилаётган инвестиция лойиҳаси бир неча босқичда молиялаштирилгани сабабли, иккинчи формуладан фойдаланамиз.

NPV = [1 400 000 000/(1+0,12)^2 + 3 080 000 000/(1+0,12)^3 + 3 388 000 000/(1+0,12)^4 + 3 726 800 000/(1+0,12)^5 + 4 099 480 000/(1+0,12)^6 + 4 509 428 000/(1+0,12)^7 + 4 960 370 800/(1+0,12)^8 + 5 456 407 880/(1+0,12)^9 + 3 001 024 334/(1+0,12)^{10}] - [3 000 000 000/(1+0.12)^1 + 8 300 000 000/(1+0.12)^2 + 5 500 000 000/(1+0.12)^3] = 16 630 232 084 – 13 210 071 975 = 3 420 160 109

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, пандемия шароитида мамлакат иқтисодиётини барқарорлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш борасида қуйидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш лозим. Буларга:

- давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эришиш;
- ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш;

- тадбиркорлик фаоллигининг сустлашиши муносабати билан маҳаллий бюджетларида олинмай қолинадиган даромадлар ўрнини тўлдиришга катта эътибор қаратиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаѐтган фаолият йўналишларига муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш учун имкониятлар кўламини янада кенгайтириш;
- кичик саноат зоналарида инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирган Инвестиция дастурини қайта кўриб чиқиб, пандемия шароитида уларни юмшатишга оид чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида импорт маҳсулотларининг улушини камайтириш, уларни маҳаллайлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашга эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш бўйича жорий этилган янги тартиб асосида ишларни ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи, 2018 йил, 17 январь.

2. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: пер. с англ. Со 2-го изд. –М.: «Дело ЛТД», 1995. -864 с.

3. Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Ҳ., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б.

4. Мазур И.И., Шапиро В.Д., Ольдерогге Н.Г. Управление проектами: Учеб. пособие для вузов /Под общ. ред. И.И.Мазура.- М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2001. – С. 276.

Shadiyeva G.M.– *SamISI, prof., i.f.d.*
Shirinboyeva D.D. - *SamISI, magistr*

XORIJIY TAJRIBALAR ASOSIDA DAVLAT XUSUSIY SHERIKLIK MEXANIZMINI INFRASTRUKTURA LOYIHALARINI AMALGA OSHIRISH YULLARI

Buyuk Britaniya, Fransiya, Germaniya va AQSh mamlakatlarida o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Aholining o'sib borayotgan ehtiyojlarini hisobga olish, ijtimoiy ahamiyatga ega muammolar davlat-xususiy sheriklik mexanizmining ustuvor yo'nalishi bo'lib qolmoqda. Davlat va xususiy sektorlarning o'zaro ta'sirining o'ziga xos xususiyati, rivojlanish jarayonida yuzaga keladigan xatarlarni taqsimlash, loyihaning amalga oshirilishi yoki ishlashi, har bir mamlakat davlat-xususiy sheriklik tashkilotidagi o'ziga xos yondashuvlari va individualligi bilan farq qiladi.

Sohalar bo'yicha infratuzilma loyihalarini amalga oshirish bo'yicha har bir mamlakat o'ziga xos xususiyati bilan yetakchi degan xulosaga kelishdi, jumladan

Amerika Qo'shma Shtatlarida transport soxasida avtomobil yo'llari bo'yicha, Buyuk Britaniyada ta'lim va sog'liqni saqlash, Germaniyada - ta'lim,. Italiya, Kanada va Fransiya sog'liqni saqlash tizimiда Davlat va xususiy sektorlarini qo'llash mexanizmdan faol foydalanmoqda. Mamlakatimiz iqtisodiy siyosatida infratuzilmani rivojlantirish vazifasi birinchi o'ringa chiqdi. Umuman olganda ijtimoiy-iqtisodiy hayotdagi o'zgarishlar holati ijtimoiy ahamiyatga ega funktsiyalarning yaxshi ishlashni qiyinlashtiradi. Byudjet taqchilligi sharoitida infratuzilma loyihalarini amalga oshirish uchun investitsiyalarni jalb qilish yangilik emas va kun tartibidagi asosiy masalalardan biri bo'lib qoladi. Innovatsion siyosat sharoitida davlat-xususiy sheriklik mexanizmini qo'llash bo'yicha xorijiy tajribani o'rganish infratuzilma loyihalarini amalga oshirish jarayonida o'zaro ta'sirining yangi shakillarini ochish imkonini yuzaga keltiradi. Bu maqsadga erishish quyidagi vazifalarni hal qilishni oldindan belgilab qo'ydi:

1. "Davlat-xususiy sheriklik" va "infratuzilma loyihasi" tushunchalariga oydinlik kiritish;
2. Davlat-xususiy sherikligini tashkil, infratuzilma loyihalarini amalga oshirish uchun investitsiyalarni jalb qilishning chet el tajribasini amalga oshirish.

Davlat-xususiy mexanizmidan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari infratuzilma loyihalarini amalga oshirishda tashkilotning o'ziga xos xususiyatini ifodalaydi. Mamlakatimizda investitsion jozibadorligini ta'minlash maqsadida transport sohasida investitsiya loyihalarini moliyalashtirishda davlat ishtiroki shakllari va mexanizmlarini takomillashtirish rejalashtirilgan. Davlat xususiy sheriklik mexanizmi (DXSH) mamlakatda strategik muhim transportni moliyalashtirishda istiqbolli ko‘rinadi.

“Davlat xususiy sheriklik to‘g‘risida” gi qonunda DXSHga quyidagicha tasnif berilgan: davlat-xususiy sheriklik - davlat sherigi va xususiy sherikning muayyan muddatga yuridik jihatdan rasmiylashtirilgan, davlat-xususiy sheriklik loyihasini amalga oshirish uchun o‘z resurslarini birlashtirishiga asoslangan hamkorligi; davlat-xususiy sheriklik loyihasi - iqtisodiy, ijtimoiy va infratuzilmaviy vazifalarni hal etishga qaratilgan, xususiy investitsiyalarni jalb etish va (yoki) ilg‘or boshqaruv tajribasini joriy etish asosida amalga oshiriladigan tadbirlar majmui [1]. DXSH doirasida investitsiya loyihasini moliyalashtirishda ishtirok etadigan to‘rtta subyektni ajratish kerak: xususiy sherik, davlat sherigi, xususiy investor, moliya bozori ishtirokchisi. Ilmiy hamjamiyatda DXSH modellarining (turlarining) ko‘plab tasniflari mavjud, shu jumladan qonun hujjatlari va muayyan mamlakatning institutsional muhiti bilan belgilanadi.Sohaning yetakchilari davlat-xususiy sheriklik iborasini talqin qilishda turli jihatlarni ta'kidlaydilar, mohiyati va mazmuniga o'zlarining tuzatishlarini kiritishadi. Ushbu tushunchaga oid ilmiy nazariy talqinlarni umumlashtirish “davlat-xususiy sheriklik” mexanizmlarini rivojlanayotganligi degan muallifning qarashlarini shakllantirishga imkon beradi. DXSH va unining mexanizmlarini transport sohasida qo‘llashning nazariy metodologik muammolari MDX olimlari tomonidan ham tadqiq etilgan bo‘lib, ularning ishlarida sohani boshqarishni rivojlantirishning ilmiy-nazariy va metodologik asoslarini ishlab chiqishga salmoqli

hissa qo‘shilgan, jumladan: MDX davlatlari olimlaridan Варнавский В.Г [4]:., Клименко А.В [5]., Королев В.А., Молчанова О.П[6] va boshqalarning ilmiy ishlarida DXSH shakllarini tasniflashga oid yondashuvlar tadqiq etilgan. O‘zbekistonda iqtisodchi olimlardan N.Yusupov va F.Karabayev [7]. BMT taraqqiyot dasturi doirasida DXSHning shakllanishi va rivojlanishining ayrim nazariy-uslubiy masalalarini tadqiq qilganlar.Shuningdek, U.Jumaniyazov [8] tomonidan esa DXSH asosida uy-joy qurilishi sohasida korporativ boshqaruv mexanizmlarini takomillashtirishga yo‘naltirilgan izlanishlar borilgan. Davlat va xususiy tuzilmalar o'rtasida ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanishning keng ko'lamli va mahalliy vazifalarini hal etishga qaratilgan ijtimoiy ahamiyatga ega loyihalarni amalga oshirish bo'yicha tomonlarning manfaatlari, huquqlari va majburiyatlari balansi bunday munosabatlarning paydo bo'lishini oldindan belgilab qo'yildi. Infratuzilma loyihasi deganda biz o'zaro bog'liq va ketma-ket harakatlar majmuasini tushunamiz, buning natijasida berilgan vaqt va moliyaviy cheklovlar bilan, shuningdek belgilangan natijalar sifatiga qo'yiladigan talablar(infratuzilma ob'ektlarini kengaytirish yaratish yoki modernizatsiya qilish) maqsadlariga erishiladi. Quyida bu borada amalga oshirilgan ishlarni Buyuk Britaniya tajribasi orqali ko‘ramiz.

Buyuk Britaniya. Buyuk Britaniyada davlat-xususiy sheriklik asosida infratuzilma loyihalarini amalga oshirish tajribasi o‘ziga xosligi bilan ajralib turadi. Mamlakatda "davlat-xususiy sheriklik" tushunchasi "xususiy moliyalashtirish tashabbusi" tushunchasi bilan bir xildir. Moliyaviy tashabbusda davlatning ro’li jismoniy shaxslarga murojaat qilish orqali ob'ektlarni qurish masalasini hal qiladi bunda boshlang'ich mablag’ davlat tomonidan amalga oshiriladi. Qurilish tugagandan so'ng, ular qurgan ob'ektlarni ekspluatatsiya qilish jarayonida davlat tomonidan muntazam ravishda to’lovlar amalga oshiraladi bu esa biznesni yuritishda nisbatan kam xatarli davlat tulovlarini amalga oshirish imkonini beradi. DXSh samarali loyiha sifatida mashhurligini bunday loyihalarning past xavfi va jalb qilish qobiliyati tufayli xalqaro moliyalashtirish manbalari qo'lga kiritdi [9].

Keyinchalik DXSh doimiy ravishda takomillashtirilib, loyihalar keng ko'lamga ega bo'ldi iqtisodiyotning ko'plab sohalarida taqsimlandi. Ta'lim, sog'liqni saqlash, transport kabi sohalarda DXSh mexanizmi orqali infratuzilma loyihalari amalga oshirilmoqda. Mahalliy hukumatlarga loyihalarni amalga oshirish uchun xususiy tashkilotlarni tanlov orqali tanlash huquqi berilgan. Buyuk Britaniyada davlat hokimiyati organlari, xususan, munitsipal idoralar infratuzilma bilan faol shug'ullanadilar uy-joy kommunal xo'jaligi loyihalari bo'yicha takliflar to'plami orqali DXSh tamoyillari asosida amalga oshiriladi. davlat tomonidan DXSh mexanizmi orqali infratuzilma loyihalarini amalga oshirishga sarmoya kiritgan mamlakat moliyaviy resurslarning sarflanishi ustidan samarali nazoratni amalga oshiradi,. Bunday tekshiruvlar mustaqil organlar tomonidan amalga oshiriladi (parlament qo'mitalari, milliy moliyaviy va auditorlik bo'limi).

Xulosa o‘rnida infrastruktura loyihalarini amalga oshirish sharoitida DXSh mexanizmini qo'llash bo'yicha xorijiy tajribani o'rganish investitsiyalarni jalb qilish jarayonida davlat va xususiy tuzilmalarning o'zaro munosabatlarining o'ziga xos

huquqiy xususiyatlari to'g'risida xulosa qilish imkon yaratdi Bu esa, davlat-xususiy sheriklik asosida xususiy sektorlarning o'ta qiyin muammolarni hal qilish bilan bog'liq ba'zi bir tavakkalchiliklarni o'z zimmalariga olishga roziligi infratuzilma loyihalarini amalga oshirishning boshlang'ich sharti bo'lib qolishini ko'rsatadi.

Infratuzilma loyihalarini amalga oshirishda xatarlarni tizimlashtirish muhim tarkibiy qism hisoblanadi. Bunda asosiy vazifa hatarlarni taxlil qilish, loyihalashtirish, baholash bo'lib loyihalarni amalga oshirishning muhim omili bo'lib hisoblanadi.

Infratuzilma loyihalarini amalga oshirishda davlat-xususiy sheriklik mexanizmini qo'llash bo'yicha bugungi kunda Germaniyaning tajribasi qiziqish uyg'otmoqda.Chunki infratuzilmani rivojlantirish vazifasi mamlakatimiz iqtisodiy siyosatidaning asosiy yo'nalishi tashkil etib muvofiqlashtirilgan reja, barqarorlikni ta'minlaydigan infratuzilmani shakllantirish orqali respublika rivojlanish yo'lini belgilaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида" ги Ўзбекистон республикасининг қонуни ЎРҚ -537 –сон 10.05.2019.
2. Белюченко А.В. Реализация инфраструктурных проектов: международный опыт и российская практика // Этап: экономическая теория, анализ, практика. 2011. №6. С. 95–100.
3. Болдырев А.Н. Государственно-частное партнерство: сущность, функции и мировая практика // Вестник Университета. 2018. №1. С. 14–19.
4. Варнавский В.Г. Государственно-частное партнерство: некоторые вопросы теории и практики // Мировая экономика и международные отношения. 2011. № 9. С. 41–50.
5. Варнавский В.Г. Управление государственно-частными партнерствами за рубежом // Вопросы государственного и муниципального управления. 2012. № 2. С. 134–147.
6. Молчанова О.П. Государственно-частное партнёрство в образовании: сб. научн. тр. / МГУ им. М.В. Ломоносова; [под ред. О.П. Молчановой, А.Я. Лившина]. М.: Университет книжный дом, 2009. 242 с.
7. Юсупов Н., Карабаев Ф. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. Под.редак. А.Э.Шайхова Ташкент, 2013/www.undp.uz
8. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш: и.ф.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2018. – 27 б
9. Сухих В.Д., Руденко М.Н., Оборина Е.Д. Государственно-частное партнерство: опыт России и Германии // Вестник Пермского университета. 2013. №2(18). С. 32–35.

Белюченко А.В. Реализация инфраструктурных проектов: международный опыт и российская практика // Этап: экономическая теория, анализ, практика. 2011. №6. С. 95–100.

V-ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кучкаров Т.С. *– д.э.н.проф. кафедры, ТГЭУ*
Юсупова Д.М. *- ассистент кафедры, ТГЭУ*

РОЛ ИНВЕСТИЦИЙ В НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЕ И ОПЫТНО-КОНСТРУКТОРСКИЕ РАБОТЫ (НИОКР) В РАЗВИТИИ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

В развитии цифровых технологий во всем мире основную роль играет инновации и выделение инвестиций в этой области. Внедрение инноваций предусматривает применение результатов научных разработок опытно-конструкторских решений, которое без выделения инвестиций в этой области невозможно. Анализ инвестиций и инноваций на научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы (НИОКР) в ведущих странах мира и определение их основных направлений развития в этой области показывает, что иннова́ция и инновационные технологии являются катализаторами движения прогресса в применении науки и научных разработок в производство.

Понятие «инновация» впервые появилось в научных трудах австро-американского ученого Й.Шумпетера, где он определил инновацию как не всякое новшество или нововведение, а только то, которое значительно повышает эффективность функционирующей системы [1]. Другой зарубежный ученый Твисс инновацию определяет как «процесс, в котором изобретение или новая идея приобретает экономическое содержание» [2]. Ученый М. Хучеком классифицирует инновацию, как воплощение в материале технических и естественных наук [3]. Русский ученый А.И. Пригожин инновацию рассматривает как комплексный процесс, где оно включает разработку, внедрение в производство и коммерциализация новых потребительских стоимостей, таких как товары, техника и технологии и другие организационные формы [4].

.Во всем мире для создания инноваций используются научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы (НИОКР), которое в международном языке называется Research&Development (R&D). Затраты на НИОКР являются одной из ключевых статей затрат современного предприятия в условиях конкурентной борьбы. Конкуренция на различных рынках неуклонно растет, создаются новые компании и отрасли, поэтому и затраты на НИОКР растут из года в год.

Затраты на развитие информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), который охватывает телекоммуникационные услуги, производство вычислительной техники, электронного оборудования, программного обеспечения, имеет немаловажное и только нарастающее значение в мировой экономике. Около 5,5% мирового ВВП приходится на сектор ИКТ, а по

прогнозам консалтинговой компании McKinsey, к 2020 г. данный показатель составит порядка 9% [5].

По оценкам консалтинговой компании McKinsey, даже одно направление – поднятие степени распространения мобильной широкополосной связи развивающихся стран до уровня развитых – способно обеспечить прирост мирового ВНП в размере 300–420 млрд. долл. и позволит предоставить порядка 10–14 млн. новых рабочих мест в самых различных областях (например, в производстве электронного оборудования и приборов), офшорных услугах и аутсорсинге.

Южная Корея долгое время является лидером инвестиций в ИКТ и широкополосную связь (Рис 1.). На сегодняшний день, уже многие государства, от Греции до Малайзии, инвестируют значительные средства в развитие национального IT сектора.



Рис1. Затраты на НИОКР в ведущих странах мира в 2019 году

На рисунке 1. представленного графика затрат на НИОКР в ведущих странах мира на 2019 год видно, что основными лидерами в этой области являются Южная Корея, Швейцария,Швеция,Тайван, Япония, Германия, США и другие мировые лидеры развития XXI века.

Если изучить динамику развития расходов на инновации в ведущих странах мира , то можно заметить, что начина с 2000 годов некоторые мировые лидеры развития увеличили расходы на инновации (Рис 2).

По графику заметно, что многие страны мира при расходе на НИОКР движется по достаточно плавно развивающейся траектории, начиная с 2001 года существенный рывок в финансировании НИОКР сделал Китай, которая отразилась в ее экономическом развитии.

Инновации в цифровые технологии стимулируют развитие цифровой экономики и общества, дают возможность применения новых разработок во многих областях и приводят к трансформации экономики. Цифровая экономика позволяет значительно сокращать жизненный цикл внедрения инноваций в производства. Это приведет к ускоренному появлению множества новых моделей смартфонов, компьютеров, мобильных приложений, новых версий компьютерных игр и других новшеств. Новые инновационные транспортные системы типа, автомобили с магнитной левитацией, вакуумные машины, системы Hyperloop и другие являются яркими примерами этому. Оно позволяет развитию генерации инновационных идей (массовое сотрудничество, краудсорсинг) с использованием коллективных знаний, производства продуктов и услуг, финансирование новых инновационных проектов (краудфандинг).




Рис2. Динамика расходов на НИОКР за 2000–2017 гг. (Источник: CRS analysis of Organisation for Economic Cooperation and Development, OECD.Stat database, https: //stats. oecd. org/Index. aspx?DataSetCode=MS TI_PUB.)

Изучение передового международного опыта свидетельствует о необходимости развития цифровых инноваций в экономике путем укрепления инновационной экосистемы, разработки сбалансированной политики стимулирования и конкуренции, обеспечения финансирования и создания новых компетенций в цифровом мире, при условии адекватного обеспечения национальной безопасности, неприкосновенности частной жизни и защиты интересов потребителей, что потребует внедрения новых технологий защиты персональных данных и коммерческой информации.

Согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства», к 2023 году доля цифровой экономики в ВВП вырастет вдвое, а объем услуг в этой области утроится до 100 миллионов долларов. В то же время в 2020–2022 годах планируется реализовать в общей сложности 268 проектов по дальнейшему развитию электронного правительства,

телекоммуникационных и программных продуктов и парка информационных технологий, широкому внедрению цифровых технологий в реальном секторе экономики и сельского хозяйства и водного хозяйства. В 2020–2022 годах планируется реализовать 35 приоритетных проектов на сумму 1 млрд. Сумов, где 44,8% этих проектов будут реализованы за счет прямых иностранных инвестиций и необеспеченных займов, а 33% - за счет гарантированных государством займов. Инвестиции в этой области и реализация этих задач, несомненно, окажет значительное влияние на развитие цифровой экономики нашей страны.

Список использованной литературы

1. Шумпетер Й. Теория экономического развития: Исследования предпринимательской прибыли, капитала, кредита и цикла конъюнктуры. –М.: Прогресс, 1982
2. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. –М.: Экономика, 1989.
3. Хучек М. Инновации на предприятиях и их внедрение. –М.: Луч, 1992.
4. Пригожин, А.И.Нововведения: стимулы и перспективы / А.И. Пригожин. — М.: Полит-издат, 1998 г.
5. McKinsey Global Institute [electronic resource]. URL:http://www.mckinsey.com/insights/mgi
6. MITC.uz
7. Uztelecom.uz сайт

Абдурахимова Д.К.*–ТМИ, катта ўқитувчи, PhD.*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНК ИННОВАЦИЯЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳонда иқтисодиётни рақамлаштириш тенденцияси шароитида инновацион банк маҳсулот бозори шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бунга янги банк маҳсулотларини жорий қилишда молиявий технологияларни қўлланилиши банк фаолияти самарадорлигини шиддат билан ошириб бормоқда.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлида банк тизимини трансформациялаш давлат сиёсати доирасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармонида “Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозимлиги белгилаб берилган [4].

Шунингдек, банк тизими ривожланиши учун самарали инфраструктура яратиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Масалан:

1) Марказий банк томонидан 2 та тўлов тизими операторлари ҳамда 19 та юридик шахсларга тўлов ташкилоти фаолияти учун лицензиялар берилди;

2) Uzcard ва Humo чакана тўлов тизимлари интеграцияси;

3) 3 та электрон пуллар тизими (OSON, CLICK ва E-Card) жорий этилди;

4) 2020 йилда Тезкор тўловлар тизими (ТТТ) ишга туширилди.

5) 2020 йилнинг март ойида QR-online тўлов усули жорий этилди;

6) “Гаров реестри” ДУК маълумотлар базаси ва бошқа давлат органлари ахборот тизимиларига интеграциялашган гаров реестри сайти орқали мол-мулк ҳолати тўғрисида маълумот олиш ҳамда гаровдаги мол-мулкка тақиқ қўйиш ва ечиш имкони яратилди;

7) Бир неча еврооблигациялар чиқарилуви амалга оширилди;

8) Мижозлар республикамиз худудида жойлашган банкоматлар ва терминаллар орқали халқаро банк карталаридан фойдаланмоқдалар;

9) Масофадан интернет банкинг ёки мобил иловалар орқали кредит олиш учун мурожаат қилаётган жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимидан қарз олувчиларнинг даромадлари ҳисоблаб аниқланмоқда ва ҳ.з.[5].

1-жадвал

2017-2020 йилларда Ўзбекистоннинг йирик 5 банки масофавий хизматлардан фойдаланувчилар сони солиштирма таҳлили(минг киши)[1]

	Банк номи	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**	**ўртача ўсиш,%да**
1	ТИФ Миллий банки	653	911	1 710	1 253	
	йиллик ўсиш,%да	100	139,6	187,7	73,3	125,14
2	АТ "ЎзСҚБ"	118	174	809	1 707	
	йиллик ўсиш,%да	100	147,8	465,5	211,1	231,1
3	"Агробанк" АТБ	1 346	1 893	1 440	2 465	
	йиллик ўсиш,%да	100	140,6	76,1	171,2	121,97
4	"Ипотека-банк" АТИБ	86	140	968	1 418	
	йиллик ўсиш,%да	100	163,1	692,9	146,4	275,61
5	АТ Халқ банки	855	2 671	1 114	2 244	
	йиллик ўсиш,%да	100	312,4	41,7	201,5	163,91

1-жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистондаги йирик 5та банклар масофавий хизматларидан фойдаланувчилар сони ўсиш сурати таҳлил қилиш натижасида, сўнгги 4 йил давомида Миллий банк масофавий хизматларидан фойдаланувчилар сони йиллик ўртача 125,4 фоиз, ЎзСҚБ - 231,1 фоиз,

[1] Марказий банк расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. https://cbu.uz

Агробанк – 122 фоиз, Ипотекабанк – 276 фоиз ва Халқ банки – 163 фоизга ўсиб келмоқда.

Бу бежиз эмас албатта. Сабаби банклар ўз мижозларига бир қатор молиявий технологиялар орқали такомиллаштирилган инновацион маҳсулотлар таклиф этмоқдалар:

- барча банклар ўз мобил иловаларга эга бўлиб, улар орқали банк мижозлари карта балансини билиш, картадан картага пул ўтказмаларини амалга ошириш;
- Онлайн кредит ва онлайн омонат;
- онлайн конверсия операциялари, электрон ҳамён;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш;
- интернет товарлари (IoT-internet of things), маркетплейс;
- турли карталарга буюртма бериш,карталарсиз мобил телефонлар орқали тўловлар (one touch технологиялари) ва х.з.ни амалга ошириш имконига эга бўлмоқдалар.

Аммо санаб ўтилган чора-тадбирларга қарамай Ўзбекистондаги банк тизимида ва унга боғлиқ бўлган омиллардаги камчиликлар ушбу тизимни рақамли трансформациялашда муаммоларга дуч келинмоқда.

2-жадвал

Банк тизимини трансформация қилишда тўқнаш келинаётган муаммо ва камчиликлар таҳлили[1]

Макроиқтисодий ёки тизимли муаммолар	Инфратузилмавий муаммолар	Трансформация бўйича муаммолар
1.Юқори инфляция даражаси 2. долларлашув даражасининг юқорилиги 3.Капитал бозорининг яхши ривожланмаганлиги 4.Банк секторидаги юқори концентрацияси 5.Ликвидлилик даражасининг пастлиги	1.Марказий банк томонидан қатъий назорат 2.Давлат банкларининг монопол мавқеи, соф рақобат муҳитининг мавжуд эмаслиги 3.Хусусийлаштириш жараёнларининг сустлиги 4. Сифатли интернет тармоқлари ва мобил алоқа билан таъминланмаганлиги	1. ахборот ассиметрияси мавжудлиги, шаффофлиги таъминланмаганлиги 2. банк тизимида коррупция, фирибгарлик ва таъмагирлик иллатлари мавжудлиги 3. Аҳоли жамғарма-лари етарли эмаслиги, 4. Аҳоли молиявий саводхонлигининг пастлиги 5.Банк муассасаларига ишончи камлиги 6. Мавжуд қонун хужжатларининг эскирганлиги ва зарурлари йўқлиги

Уларни 2-жадвалда келтирилганидек учга бўлиб ўрганиш мумкин. 2-жадвалда келтирилган муаммолар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд муаммолар аксарият холларда кўп йиллардан бери мавжуд, сурункали муаммолар бўлиб, фақатгина молиявий технологияларни қўллаш орқали уларни ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун комплексли таҳлил ва амалга

[1] Тадқиқотларни ўрганиш натижасида муаллиф томонидан тузилган.

ошириш учун пухта чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини талаб этади. Панос ва Уилсон огоҳлантирганидек, молиявий технологиялар ҳам яхши, ҳам ёмон қарорларнинг таъсирини оширади, шунинг учун молиявий имконият мамлакат иқтисодиётининг шароитлари билан биргаликда кўриб чиқилиши керак [2].

Жаҳон банки тадқиқотига кўра, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида энг ёмон кўрсаткичларга эга. Масалан, аҳолининг атиги 37 фоизи Ўзбекистон молия муассасаларида ўз банк ҳисоб рақамларига эга. Бу кўрсаткич дунёнинг 112 мамлакатига нисбатан паст ва Африканинг 18 мамлакати Ўзбекистонга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга. Тўлов инфратузилмасининг самарасизлиги, молия институтлари билан ишончсиз муносабатлар, ҳужжатларнинг етишмаслиги ва бошқа омиллар туфайли аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти чекланган [1].

Марказий банк статистика маълумотларига кўра, молиявий инфратузилма йиллар давомида яхшиланган. Банклар томонидан молиявий технологиялар орқали хизмат кўрсатиш ўсиб бормоқда. Бу эса банкларга харажатларни камайтириш ва хизматлар сифатини яхшилашга имкон беради. Бироқ, мамлакатимизда банк хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганлар улуши катта.

Тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги тавсиялар таклиф этилади:

1. Ҳукумат томонидан аҳоли молиявий саводҳонлик даражасини ошириш ва молиявий хизматлардан фойдаланиш даражасини ошириш масаласини ҳал қилиниши учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

2. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти методологияси асосида молиявий саводхонлик даражасини ўлчаш тизимини яратиш ва йўлга қўйиш лозим [3].

3. Аҳолининг миллий ва халқаро даражадаги молиявий саводхонлигини ва инновацион банк маҳсулотларидан фойдаланиш даражасини ўлчайдиган миллий статистикани ишлаб чиқиш керак.

4. Мавжуд тўлов инфратузилмасидан самарали фойдаланган ҳолда чекка худудлар ва қишлоқларда тўлов тизимини ривожлантириш талаб этилади.

5. 24/7 режимида молиявий институтлар томонидан замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда масофавий ҳамкорлик тизимини ташкил этиш орқали кичик ва ўрта бизнесни молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш керак.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, инновацион банк маҳсулотлари бозорини ривожлантириш учун аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш талаб этилади. Аммо фақатгина банк маҳсулотларини рақамлаштириш мавжуд муаммоларни хал қиилишга имкон бермайди. Бунинг учун комплексли таҳлил ва самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Demirgüç-Kunt, A., Klapper, L., Singer, D. (2018). Household finance and economic development. In Handbook of Finance and Development, ed. T Beck, R

Levine, pp. 534–50. Cheltenham, UK: Edward Elgar DOI: https://doi.org/10.4337/9781785360510.00029

2. Panos G.A., Wilson John O. S., Financial literacy and responsible finance in the FinTech era: capabilities and challenges European Journal of Finance 26(4-5), 2020. – P. 297-301

3. OECD/INFE Policy Guide for National Strategies for Financial Education https://www.fo-der.org/wp-content/uploads/2019/05/5D.-guidelines-private-not-for-profit-financial-education.pdf

4. https://lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонунчилик электрон базаси

5. https://cbu.uz Марказий банк расмий веб-сайти маълумотлари

Абдусаттарова Ш.А. *- ТДИУ, катта ўқитувчиси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий ислоҳотларни янада ривожланишида малакали бухгалтер, аудитор мутахассисларини тайёрлашга зарурат катта.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоб тизимини такомиллаштириш, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида юритишни ташкил этиш борасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув қарорлари самарадорлигини таъминлашда, уларнинг иқтисодиёти ривожида молиявий ҳисоботларнинг ўзига хос ўрни бор. Шуни алоҳида қайд этишимиз жоизки, Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонларидан қабул қилинган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 февраль, ПҚ-4611-сон қарорларида ҳам ўз ифодасини топган [1]. Мазкур қарорда қайд этиладики, ...”акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди.....” МҲХС 1-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” стандартига мувофиқ, бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат: “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”– молиявий ҳисоботни тақдим этиш, заҳиралар, суғурта шартномалари, пул

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида. ПҚ–4611–сон, 24.02.2020 //lex.uz/search/searchtitle

маблағларини силжиши, ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларини ўзгартириш ва хатолар, мувозанат тузилгандан кейинги ҳодисалар, қурилиш шартномалари, фойда солиғи, сегмент ҳисобот, асосий воситалар, ижара, ишчиларга ҳақлар, давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами ҳақида маълумот, валюта курси ўзгаришининг таъсири, бизнесни бирлаштириш, қарзлар бўйича харажатлар, нафақа таъминоти дастурлари бўйича ҳисоб ва ҳисобот, боғлиқ томонлар ҳақида маълумотларни ёритиш, жамлама ва алоҳида молиявий ҳисоботни тузиш, ассоциацияланган корхоналарга инвестициялар, қўшма фаолиятда иштирок этиш, молиявий инструментлар, бир акцияга тўғри келувчи фойда, оралиқ молиявий ҳисобот, сотишга мўлжаланган узоқ муддатли активлар, активларни қадрсизланиши, баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбурият ва активлар, номоддий активлар, инвестициявий кўчмас мулк кабиларни ўз ичига олади ҳамда шу асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш зарурат айланмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар, ташкилотлар умуман олганда ҳисоб тизимида молиявий ҳисоботларни халқаро тизимида юритилишининг ўрни беқиёсдир. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)нинг татбиқ этилиши ҳисобнинг ягона усулларини қўллаш орқали хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув тизимини такомиллаштириш, ички ва ташқи ахборотдан фойдаланувчиларга корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот бериш ва компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлари бутун жаҳонда янада кенгроқ фойдаланилмоқда ва тан олинмоқда. Ҳатто, баъзи мамлакатлар Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлар (МҲХС)ни ўз стандартларидек ўзгаришларсиз ишлатишмоқда, баъзилари эса мамлакат хусусиятидан келиб чиқиб баъзи ўзгаришларни киритмоқдалар. Д.В.Чайковский таъкидлашича, миллий ҳисоб, таҳлил тизимининг ривожланиш тенденциялари бутун дунё интеграция жараёнларига эътиборини қаратиб, интеграциялашув жараёнида халқаро бизнесни амалга оширишда ҳисоб тизимига қуйидаги омиллар таъсир этади:

-иқтисодий ривожланишнинг миллий жараёни, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви (хусусан молиявий натижалар аудиторлик текшируви хулосасидан манфаатдор бўлган молиявий ҳисобот фойдаланувчилари инвесторларнинг роли ортиб бориши)

-молиявий ҳисоботлар ва аудиторлик текшируви қиймати ва сифатини ошириш (ишончли ва сифатли ҳисоботларни амалга оширилишини йўлга қўйиш)

-иқтисодиётнинг глобаллашуви, дунёнинг кўплаб мамлакатлар билан трансмиллий компанияларни яратилишидир.

Таъкидлаш жоизки, халқаро молиявий ҳисоб тамойиллари асосида шаклланган замонавий ҳисоб тизими хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришда бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда юритиш имконини беради. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари молиявий

ҳисоботни бутун дунё бўйлаб изчил, ошкора ва таққосланадиган бўлиши мумкин бўлган умумий қоидаларни белгилайди

МҲХСни татбиқ этиш бўйича Европа давлатларининг тажрибасини ўрганиш ва ушбу жараёндаги муаммоларга тизимли ёндашиш, мамлакатимизда фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларда МҲХСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш жараёнига ўтиш даврида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Шу жиҳатдан келиб чиқиб, молиявий ҳисобот халқаро стандартларига ўтиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар олдига қўйиладиган асосий вазифалар сифатида қуйидаги йўналишларни белгилаб олдик:

-молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчиларига аввалombор инвесторларга шаффоф маълумот берадиган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот стандартлари тизимини шакллантириш;

-хўжалик юритувчи субъектларда хисоб тизимини юритишда халқаро хисоб тизимининг асосий тенденциялари билан боғлиқлигини таъминлаш;

-халқаро бухгалтерия ҳисоби моделларини самарали жиҳатларини қўллаган ҳолда услубий тартибларини ишлаб чиқиш.

Моливий ҳисобот халқаро стандартлари асосида ҳисоботларни тузиш жараёнларининг бир қанча босқичлари бўлиб биз уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб чиқдик. Юқорида кўриб турганимиздек ҳар битта жараён ўзига хос хусусиятга эга. Шу ўринда трансформация жараёнига тўхталсак.

Бугунги кунда молиявий ҳисобот трансформацияси масаласи кун тартибида турган долзарб мавзу ҳисобланади.

Трансформация (лат. Transformatio – ўзгартириш, қайта ташкил этиш)

1) структура, шакл ва услубларини қайта ташкил этиш, фаолиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш;

2) айналтиришнинг битта усулларидан бири, халқаро ҳуқуқ нормаларини ички давлат ҳуқуқи нормаларига қайта ташкил қилиш маъноларини англатади.

Трансформация турли кўринишлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир: Технологик трансформация – маҳаллий хом ашёдан ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги қувватлари негизида хом ашёдан тайёрланган тайёр маҳсулотгача бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратиш. Хўжалик муносабатлари тизимини трансформация қилиш – давлат томонидан аралашувга чек қўйиш ва эскича режа–тақсимлаш тизимидан батамом воз кечиш. Мулкий муносабатлар тизимини трансформация қилиш – янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга хусусий капитални жалб қилиш орқали кимё корхоналарида давлат улушини кескин камайтириш ва кимё корхоналарини хусусийлаштириш. Рақамли трансформация – молиявий, моддий ва кадрларга оид ресурслар ҳаракатини бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маркировкалаш, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимларини жорий этиш учун соҳага замонавий дастурий таъминот тизимларини татбиқ этиш. Илм–фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги

муносабатлар трансформацияси – инновация жараёнларини ташкил этиш, замонавий технологияларни трансфер қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини йўлга қўйиш. Кадрлар тайёрлаш тизимининг трансформацияси – кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек мавжуд ва янги барпо этиладиган ишлаб чиқариш қувватларини юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан таъминлаш. Сотиш жараёнларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича трансформацияси жараёнининг муҳим қоидалари ишлаб чиқилиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатдир: – трансформация мураккаб жараён бўлиб, профессионал ёндашувни талаб қилади; – ҳисоб юритиш мустақил ҳал қилинади, унинг зарурлигини ва унга ўтишни ҳисоб сиёсатида мустақил белгилайди; – ҳисоб ва ҳисобот юритишда иқтисодий мазмуннинг шаклдан устунлиги амал қилади; – адолатлилик принципига асосланади; – ягона алгоритми ва кетма–кетлиги йўқ; – ҳар бир ҳолатда трансформация жараёнига индивидуал ёндашилади; – трансформациянинг методикаси ва босқичлари мустақил белгиланади. Молиявий ҳисобот трансформацияси – бу ҳисобот санаси ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган ҳисобот компонентлари моддаларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларига мувофиқ ҳолда қайта гуруҳлаштириш, уларнинг моддаларини қайта тан олиш, қайта баҳолаш, тўғрилашлар киритиш ва қайта очиқлашлар асосида МҲХСлари ҳисоботлари ахборотларининг янги тизимига ағдариш ва қайта ташкил қилиш жараёнидир.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг юқорида номи келтирилган қарори Янги Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш ҳамда бухгалтерия соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, мулкий ва молиявий ҳолатини, уларнинг ўтган даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш орқали объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятни кенгайтириш, ташқи молиявий манбааларни излаб топиш, халқаро молиявий ташкилотлардан капитал жалб қилиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув қарорлари самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Фикримизча, молиявий ҳисобот трансформацияси миллий ҳисоб тизими қоидаларига кўра тузилган ҳисобот ахборотларини ҳисобот моддаларига тўғирлашлар киритиш йўли билан МҲХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнидир. Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг ўтган даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш ва объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятни кенгайтириш, ташқи молиявий манбаларни излаб топиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида. ПҚ–4611–сон, 24.02.2020 //lex.uz/search/searchtitle

2. Шешукова Т.Г., Воробьёва О.А. Методологические аспекты составления и трансформации финансовой отчетности по МСФО//журнал “Международный бухгалтерский учет”. № 1(109), 2002.

3. Шешукова Т. Г., Рыбалко О. А. Развитие учета и внутреннего контроля внешнеторговой деятельности предприятия в условиях конвергенции Российских стандартов к МСФО Монография Пермь 2014г 52 стр 137 https://www.investopedia.com/terms/i/ifrs.asp

3. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг МҲХС бўйича трансформацияси зарурати, моҳияти ва босқичлари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, 2017 йил.

4. А.Б. Багопольский Практика трансформации отчетности в формат МСФО. Корпоративная финансовая отчётность. международные стандарты. Журнал и практические разработки по мсфо и управленческому учету. https://finotchet.ru/print/articles/491/

5. www.i–ias.ru/blog/competition_page/transformacia_msfo.html. Трансформация бухгалтерской отчетности по МСФО.

Абулкасимов С.С. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНСИЯЛАРИ

Бугунги кунда нафақат юртимизда балки бутун дунёда масофавий банк хизматлари кўлами кундан-кунга ортиб бормоқда. Масофавий банк хизматлари деганда турли хил банк операцияларини масофадан туриб амалга ошириш имконини берувчи хизматлар мажмуаси тушунилади. Бунда банкка бормасдан компютер ёки мобил телефондан фойдаланиш кифоя бўлади. Масофавий технологиялар мижозга банк хизматларидан имкон қадар қулай фойдаланиш имконини беради ва банк билан ишлашда вақт ва молиявий харажатларни минималлаштиради. Масофавий банк хизматининг асосий принципи мижоз ва банк ўртасида турли хил маълумотларнинг масофавий алмашинувидир. Шу билан бирга, банк ушбу операция хавфсизлигини таъминлайди.

Банк ҳисобларига масофавий хизмат кўрсатиш тизимларининг турлари:

Банк-мижоз - мижознинг компютерига махсус дастур ўрнатилган тизим. Ушбу дастур мижознинг барча маълумотларини (асосан ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва ҳисоб кўчирмалари) компютерда сақлайди. Банк ва мижоз компютери ўртасида модем орқали тўғридан-тўғри алоқа мавжуд.[1]

Интернет-банкинг - бу мижозларга ўзларининг депозит ҳисобварақларини, шу жумладан банк карталари ҳисобларини интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизим ҳисобланади. Ушбу хизмат тури мижоз банкка масофадан уланганда реал вақт режимида тўловларни амалга оширишга мўлжалланган тизимдир.[2] Фойдаланувчи веб-браузер орқали тизимга киради. Интернет-банкинг тизими банкнинг веб-серверида жойлаштирилади. Фойдаланувчи ўзининг барча маълумотларини (тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақдан кўчирмалар) банк веб-сайтида кўриш имкониятига эга.

Интернет-банкинг орқали мижоз исталган вақтда иш жойида ёки интернетга уланган бошқа жойда тўловларни амалга ошириш, тўлов жараёнига риоя қилиш ва зарур ҳисоботларни, шу жумладан ҳисоб рақамига маблағларни олиш имкониятига эга бўлади.

СМС-банкинг - мижоз томонидан кўрсатилган мобил телефон рақамига СМС-хабарлар юбориш орқали банк мижозларини ўзларининг депозит ҳисобварақлари, шу жумладан карта ҳисобварақлари бўйича операциялар тўғрисида ушбу ҳисобварақлар ҳолати тўғрисида хабардор қилади. [3]

Шунингдек, бугунги кунда аҳоли реал вақт режимида картадан картага ўтказмалар бўйича операцияларни амалга ошириш, бюджет, коммунал тўловларни амалга ошириш, микрокредитлар олиш ва уларни тўлаш, онлайн омонатларни амалга ошириш, масофадан туриб, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операциялари ва бошқа хизматларни амалга оширишда тижорат банкларининг мобил иловаларидан кенг фойдаланмоқда.


Ўз навбатида, корхона ва ташкилотларга реал вақт режимида ўз банк ҳисобварақларидаги маблағларни бошқариш ва тўловларни амалга ошириш, хизмат кўрсатувчи банкка чет эл валютасидаги маблағларни сотиб олиш (конвертация қилиш) учун электрон ариза юбориш, электрон шаклда тақдим этиш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш имкониятлари ҳам яратилди.

Рақамли иқтисодиётнинг муҳим йўналишиҳисобланган масофавий банк хизматларини, жумладан, интернет-банкинг ва мобил-банкинг каби замонавий технологияларни ривожлантириш ва оммабоплигини янада ошириш борасида бир қатор кенг кўламли ишлар амалгаоширилмоқда.

Бунда тижорат банклари томонидан мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланишнинг афзалликлари тўғрисида (банкнинг расмий сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали) доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга ошириб борилмоқда.

2021 йилнинг 01 январ ҳолатига масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони **14,5** млн. тани яъни шундан 822,0 мингтаси Юридик шахслар ва ЯТТларни, 13,7 млн.таси жисмоний шахсларни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2020 йилнинг мос даврига нисбатан **4,3** млн. тага ёки **43** фоизга ошди.

Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2021 йил 1 январ ҳолатига [4]



Контактсиз тўлов технологиясини кенгайтириш доирасида ҳамда аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида мобил иловаларга ўрнатилган "**Humo Pay**" дастури (смартфоннинг NFC тизими) орқали банк картасидан фойдаланмасдан чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш пунктларида тўловларни амалга ошириш хизмати амалиётга татбиқ этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://investor100.ru/dlya-chego-nuzhen-klient-bank/
2. Geoffrey Koome Riungu "Internet Banking" LAP Lambert Academic Publishing 2012. 23 p.
3. Коллектив авторов «Дистанционное банковское обслуживание» КНОРУС : ЦИПСиР, Москва 2010, 36 стр.
4. https://cbu.uz/upload/medialibrary/e0a/Markaziy-bankning-2020-yil-uchun-hisoboti.pdf

Амонова Д.Дж. *- слушатель ВШБ*

АКТУАЛЬНОСТЬ ВНЕДРЕНИЯ СИСТЕМЫ KPI (КЛЮЧЕВЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ ЭФФЕКТИВНОСТИ) В РАБОТУ КРЕДИТНЫХ ОТДЕЛОВ БАНКА.

На сегодняшний день банковская система Узбекистана, пройдя несколько этапов экономических кризисов, переходит на новый уровень развития.

В условиях нестабильности коммерческие банки столкнулись с целым спектром проблем, требующих усиленного внимания: усилением конкуренции, снижением прибыльности, изменением поведения потребителя,

также немаловажную роль сыграли и резкое развитие информационных технологий, особенно в период пандемии.

Основу конкурентного преимущества банков в настоящее время составляют не столько линейка предлагаемых банковских услуг и кредитных продуктов, сколько способность и скорость выполнения и предоставления банковских услуг конечному пользователю, обеспечения совершенствования инструментов планирования, полнота информационно-аналитической базы кредитных отделов.

Руководство любого коммерческого банка крайне заинтересовано в полной реализации всех поставленных ими целей, в выполнении утверждённого плана работ, как результат, кредитный бизнес развивался и приносил стабильный доход от процентов.

Для решения этих задач и реализации планов, а также прозрачности, был разработан внедрён новый подход к оценке эффективности банков- система ключевых показателей эффективности.

Применение KPI получило широкое распространение в практике западных компаний. Это вызвано тем, что их система способствует концентрации руководителей той или иной компании на главных, приоритетных в данном периоде направлениях её деятельности.

В коммерческом банке выделяют два основных направления бизнеса, которые приносят прибыль: корпоративный и розничный бизнес.

Работа Отдела розничного кредитования заключается в продаже кредитных продуктов и услуг физическим лицам, например:

-потребительские кредиты (под залог, под обеспечение страхового полиса компании; с поручителем и без поручителя);

-автокредиты (которое пользуются огромным спросом среди населения Узбекистана в последние годы);

- кредитные карты (овердрафт);

-ипотечные кредиты (на приобретение недвижимости, а также реконструкцию);

- кредиты на ремонт и т.д.

В современных условиях осуществление контроля за кредитным отделом невозможно без автоматизации оперативной деятельности и ежедневно проделываемой работы. Так как не всегда результат работы можно оценивать только по факту выданным кредитам на конец отчётного периода. Кредитная заявка, подаваемая клиентом в Банк проходит определенный ряд этапов- начиная от проверки официального начисления дохода, до кредитной истории, эффективно контролировать которые можно только в случае прозрачности всего процесса, четкого понимания каждого конкретного звена цепи. Для руководителя важны такие факторы, как количество поданных запросов на получение кредита, итоговое количество зарегистрированных кредитных заявок, отклонённых по той или иной причине, сроки пребывания заявок в процессе согласования/ одобрения/отказа в получении кредита, количество выданных по заявкам кредитов за текущий период. Совокупность

этих данных — своего рода система отчетности, кредитная воронка, позволяющая как можно прозрачно отразить объём работы подразделения в целом.

Необходимость разработки системы KPI продиктована потребностью в переходе к более точным и понятным для руководителей подразделения показателям и процессам оценки.

До начала разработки системы KPI необходима диагностика целевой картины в отделе, а потом и в банке. В этих целях рекомендуется провести всеми известный SWOT-анализ, позволяющий выявить сильные и слабые стороны деятельности отдела, его возможности и угрозы. На основе его результатов специально созданная команда- рабочая группа, которая уполномочена на разработку и внедрение в банке системы KPI, формирует основные целевые ориентиры и функционал подразделений.

Преимуществом системы KPI является активная мотивация персонала и сопоставимые показатели. Эффективность – относительный показатель, который охватывает все сферы деятельности работников и выражает результаты количественно.

Работа с кредитами — важнейший компонент деятельности любого современного банка, от которого зависит значительная часть итоговой выручки. Специфика деятельности кредитного отдела по работе с физическими и с юридическими лицами подразумевает многоэтапный процесс постоянного взаимодействия с клиентами. Эффективно управлять этим процессом, оптимизируя временные и финансовые затраты, помогут современные средства автоматизации.

Существует традиционная структура ключевых показателей (состоящая из 6 групп, которые имеют различные удельные веса в системе KPI). При этом каждая организация сама в праве выбирать по каким критериям оценивать сотрудников:

1) Финансовые показатели: доходность, использование утвержденного фонда оплаты труда, соблюдение нормативов по расходам, выполнение показателей бизнес- плана, утверждаемого ежегодно;

2) Показатели качества выполнения внутренних процессов: отчётность, ошибки, количество предъявленных к банку исков, процедуры передачи дела в отдел мониторинга и т.д.;

3) Показатели самостоятельных подразделений: интенсивность, загруженность, скорость, соблюдение временных требований и т.д.;

4) Показатели развития персонала: процент текучести штата сотрудников, инициативность сотрудников, профессиональный рост, расходы на тренинги и обучение и т.д.;

5) Показатели удовлетворённости клиентов: эффективность работы с клиентами, процент удовлетворённости сервисом;

6) Объёмные показатели подразделений: выполнение количественного плана работ, проверок, количество проведённых работ, открытых новых филиалов, дополнительных офисов и т.д.

Система ключевых показателей способствует улучшению качества банковского персонала. Грамотно внедрённая система KPI, выявляя объективно сильных и слабых, активизирует у сотрудников творчество и инициативу, желание развиваться и быть не хуже коллег.

Что в свою очередь приведёт к тому, что система KPI вызовет у сотрудников стремление поддержать и повысить свой собственный статус, соответственно статус отдела. В большей степени это относится к обслуживающим и вспомогательным работникам.

Таким образом, всё это говорит об огромной пользе для руководства коммерческого банка системы KPI. Она открывает большие возможности и перспективы для расстановки по всей вертикали управления задач, мотивации персонала, диагностики проблемных ситуаций.

Список использованной литературы:

1. Ахмадуллина А.А. Ключевые показатели эффективности деятельности российских банков. Сборник научных трудов. Выпуск №18. Журнал «Высшая школа», 2016.
2. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. - М.: ИПЦ Вазар-Ферро 2015.
3. https://spravochnick.ru/bankovskoe_delo/klyuchevye_pokazateli_effektivnosti_kpi_kommercheskogo_banka/

Бекназарова Н.Т. *– ТДИУ, катта ўқитувчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШДА БАНКЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу Қонун лойиҳасига кўра инновацион фаолият деганда – новация (янгилик) яратилишини ва улар асосида амалий натижа – инновацияларни қўлга киритишни таъминлайдиган фаолият тушунилиши белгиланган.

Маълумки банклар ҳам кенг турдаги инновацион фаолиятни амалиётга тадбиқ этаётган соҳалардан ҳисобланиб, банк инновацияси ҳақида турли тушунчалар мавжуд. Жумладан Ш.З.Абдуллаева фикрига кўра, “...банк инновацияси таркибига банкларда пайдо бўлган янги банк маҳсулотлари киради.”[2].

Ю.М.Склярова фикрига кўра эса, “Банк инновацияси –банк инновацион фаолиятининг якуний натижасида янги банк маҳсулотлари ёки операцияларини амалга ошириш шакли ҳисобланади.”[3]. Ушбу фикрларни

бошқа замонавий адабиётларда ҳам учратиш мумкин. Бизнинг фикримизча банкларнинг инновацион фаолиятининг юзага келиш зарурияти қуйидагилар орқали ифодаланади: Банк бўлимлари сонининг ошиши, банклар ўртасида рақобатнинг кучайиши, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, банкларнинг халқаро тўлов тизимлари билан ҳамкорлиги, йирик хорижий банклар билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, банк хизматлари турларининг табақаланиши, ахборот технологияларининг ривожланиши ва бошқалар орқали ифодалаш мумкин. Демак банклар инновацион фаолиятининг моҳиятини кенгроқ ўрганиш мақсадида, банк инновацияларини бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: маҳсулот инновацияси, технологик инновация, бозор инновацияси, маркетинг инновацияси, бошқарув инновацияси ва ҳоказо. Аммо банкларнинг инновацион фаолияти турли даражадаги мураккаб жараённи ифодалайди, чунки янги ғоялар, таклиф этилаётган янги маҳсулотлар банк ва мижоз манфаатларига мос келиши асосида узлуксиз давом этиши банк муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади.

Банк хизматлар кўрсатишини икки асосий гуруҳга яъни: ананавий ва масофавий хизмат кўрсатиш турларига ажратган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, ҳозирги вақтда банкларни трансформация қилиш жараёнида банк хизматларини кўрсатишнинг ананавий усули яъни банк бўлимлари орқали хизматлар кўрсатиш ўз ўрнини масофавий банк хизматларини кўрсатиш эгаллаб бормоқда. Ушбу ҳолат эса банк тизимида инновацион фаолият кенгайиб бораётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан унинг омилларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис бизнинг фикримизча банк инновацион фаолиятнинг кенгайиш омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин: банклар ўртасидаги рақобат муҳити, ахборот технологияларининг ривожланиши, аҳоли турмуш фаолиятида ахборот ва алоқа воситаларининг аҳамиятини кескин ошиши ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтишимиз мумкинки мамлакатимизда ҳам банкларнинг инновацион фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиб, унинг тараққиётини таъминлаш мақсадида 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида бажариладиган тадбирлар ва кутилаётган натижалар кўрсатилган. Жумладан инновацион технологияларга асосланган, банк хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини оширувчи янги банк хизмати турларини, хусусан «рақамли банклар»ни, шунингдек, аҳолига чакана хизмат кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларини ташкил этиш, инновацион технологияларни кенг қўллаган ҳолда етакчи хорижий тўлов тизимлари билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларини ривожлантириш вазифалари белгиланган[4]. Рақамли банклар деб инновацион хусусиятларни қамраб олган ҳолда юқори технологияга асосланган банк маҳсулотларини

масофадан мижозларга тақдим қилиш, уларни бошқариш муносабатлари мажмуига тушунилади. Айни вақтда банк хизматлари кўламини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда кенгайтириш турли усулларда амалга ошириб, хусусан банк ҳисобварқларини масофадан бошқариш “Банк-мижоз”, Интернетбанкинг, М-банкинг (Мобиль банкинг), SMSбанкинг усуллари орқали амалга оширилмоқда

Юқоридаги назарий ёндашувлардан келиб чиқиб, банк инновацион фаолияти ривожланишнинг замонавий босқичини қуйидаги уч йўналиш билан узвий боғлаб олиб бориш зарур деб биламиз:

- инновацион технологиялар улушининг ошиши;
- банк чакана хизматлари ҳажми ва турларининг кўпайиши;
- мижозларга хизмат кўрсатиш бозорида янги сегментларнинг шаклланиши;

Шу боис банкларнинг инновацион фаолиятини тавсифлайдиган кўрсаткичлар сифатида эса қуйидагиларни келтириш мумкин: банкнинг янги маҳсулотларини бозордаги улушини ўсиши, ахборот технологиялари асосида таклиф этиладиган банк маҳсулотлари сонининг ортиши, ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда миқдорининг кўпайтириш, инновацион фаоллик кўрсаткичи, инновацион фаоллик учун ходимларни рағбатлантириш кўрсаткичлари ва бошқалар.

Шундай қилиб банклар истиқболли ривожланиш дастурлари асосида бизнинг фикримизча биринчидан банклар учун алоҳида инновацион сиёсат ишлаб чиқиш лозим. Чунки муваффақиятли инновацион сиёсат истиқболли ривожланишни таъминлайди ва натижада банкларнинг рақобатбардошлиги инновацион механизмларни жорий қилиш орқали мустаҳкамланади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз миқёсида инновацион жараёнларнинг янада ривожланишига олиб келади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Т: “Ўзбекистон”, 2017. – 11 б
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308- сон Фармонига илова
3. Bank ishi: Darslik / Sh. Z. Abdullayeva; O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta‘lim vazirligi. – T.: «Iqtisod-Moliya», 2017. – 529 b
4. Банковское дело:Учебник / под общ. ред. Ю.М.Скляровой; Ставропольский гос. Аграрный ун-т. Ставрополь, 2017. стр 278.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

Omonova G.M. *– graduate of GSBE*
Nabieva Sh.M. *- Leading Specialist of GSBE*

DEVELOPMENT AND IMPLEMENTATION OF ISLAMIC FINANCE INSTRUMENTS IN UZBEKISTAN

The interest in Islamic finance is progressively rising in Uzbekistan. In 2003 and 2004, Uzbekistan has made noteworthy steps towards recognition of Islamic finance via membership in the Islamic Development Bank (IDB) and The Islamic Corporation for the Development of the Private Sector (ICD). Stable relationships between these institutions and the government have assisted Islamic finance to gain an entry point into this market.

"The 2021 Annual Meetings of the Boards of Governors of the Islamic Development Bank (IsDB) Group", which was held in September 2021 in Tashkent is a bright example of development and the interest in Islamic finance in the region. The US$ 100 million funds, of which US$ 20 million has been committed by IsDB, aims to create 100,000 jobs by supporting micro, small, and medium-sized enterprises (MSMEs). It is the first impact investment fund established in Uzbekistan.

As a result, nowadays, there are several financial companies in Uzbekistan which serve the population according to the Islamic finance rules. Companies in Uzbekistan mostly implement Islamic finance instruments like mudarabah and musharaka. The explanation and principles of these terms are given below.

Mudarabah - an Islamic finance technique in which a lender or investor (rab al maal) and a borrower or investment manager (mudareb) establish a profit-sharing partnership to undertake a business or investment activity. Under this structure, the rab al maal provides the financing and the mudareb provides the professional, managerial, and technical know-how to carry out the business or manage the investment.

Musharakah is a joint enterprise or partnership structure in Islamic finance in which partners share in the profits and losses of an enterprise. Since Islamic law (Sharia) does not permit profiting from the interest in lending, musharakah allows for the financier of a project or company to achieve a return in the form of a portion of the actual profits according to a predetermined ratio. However, unlike a traditional creditor, the financier also will share in any losses should they occur, also on a pro-rata basis.

Musharakah is frequently used in the purchase of property and real estate, in providing credit, for investment projects, and to finance large purchases. In real estate deals, the partners request from a bank an assessment of the property's value via imputed rent (the sum a partner might pay to live in the property in question). Profits are divided between partners in predetermined ratios based on the value that was assigned and the sum of their different stakes. Every party that puts up capital is entitled to a say in the property's management. When musharakah is employed to

finance large purchases, banks tend to lend by using floating-rate interest loans pegged to a company's rate of return. That peg serves as a lending partner's profit.

Above mentioned Islamic finance instruments are commonly used by local companies such as Iman invest, Uzaro, Apex Takaful, and many others.

In conclusion, the Islamic financial services sector will be an important factor, foundation, and prospect for the bright future of Uzbekistan, which will increase the interest of foreign investors in the country, which reflects the deep roots of Islam in its culture, and the government will take full advantage of it.

References

1. I.I. Inamjanov. "Analysis of the evolution of the islamic banking system and its tendency of development". Economics and Innovative Technologies. Vol. 2021, No. 5, September-October.

2. Practical Law. Thomson Reuters. 2021.

3. Zaib-un-Nisa. "Islamic Banking & Finance in Uzbekistan" https://alhudacibe.com/

4. Will Kenton. "What is Musharak?" Investopedia. 2020.

Иброхимов Т. *– ОБМ тингловчиси*

К ВОПРОСУ ОБ ИСЛАМСКОМ БАНКЕ И МЕХАНИЗМАХ ФИНАНСИРОВАНИЯ (МУШАРАКА – ПРИНЦИПЫ И ОПРЕДЕЛЕНИЕ)

Закономерным является утверждение о развитии экономики вследствие конкуренции между субъектами предпринимательства, повышения качества продукции и снижения цен. Несмотря на свою структурную особенность и объект торговли, коммерческие банки представляют собой субъекты предпринимательства, направленные на получение прибыли.

Практически неизвестное три десятилетия назад исламское финансирование в современное время приобрело все более высокую популярность соизмеримую с традиционной формой банковского кредитования. С момента своего официального открытия в 1970-х годах исламские финансовые учреждения стали задавать темп быстрого международного роста как в мусульманских, так и в немусульманских странах[1].

Хотя концепция исламских финансов существовала веками, она приобрела известность только в прошлом веке. Первое успешное применение исламского финансирования было предпринято в 1963 году египетскими сберегательными банками Mit. Ghamr Savings Banks, которые получали свой доход от инвестиций с распределением прибыли, а не от процентов[2].

К 1970-м годам развитие исламских финансов только начало набирать обороты. В 1973 году конференция министров иностранных дел

[1]Dudley N. 'Islamic Banks Tap a Rich New Business' Euromoney. – NY. December, 2001. – P. 46.
[2]Lewis M.K., Algaoud L.M. Islamic Banking. – UK: Cheltenham, 2001. – P. 112.

мусульманских стран учредила Исламский банк развития с целью содействия экономическому развитию и социальному прогрессу мусульманских стран в соответствии с принципами шариата[1]. Это стало первым крупным шагом мусульманских правительств в продвижении исламского финансирования.

Законы *шариата* запрещают последователям религии заниматься любым бизнесом, связанным с *риба* (проценты). Создание исламских финансовых институтов явилось одним из способов обслуживания этой рыночной ниши, и возможность совместить религию с экономикой в прямом смысле этого слова.

Чтобы конкурировать с традиционными способами финансирования (процентная система традиционных банков), исламские финансовые институты разработали механизмы, которые в полной мере следуют всем обязательствам шариата и имеют равнозначную ценность, что и обычные услуги банка[2]. Так, основными механизмами исламской системы финансирования являются механизмы равного распределения прибыли и убытков (*Мудараба* и *Мушарака*).

Буквальное значение слова *Мушарака* есть понятие «разделяет». Согласно исламскому *фикху* (право), мушарака относится к совместному партнерству, при котором два или более субъекта объединяют свой капитал или труд, образуя бизнес, в котором все партнеры делят прибыль в соответствии с определенным соотношением, а убытки распределяются в соответствии с соотношением вклада[3]. Данная система основана на взаимном соглашении сторон, и, следовательно, должно иметь следующие особенности:

- Стороны должны иметь возможность заключать договор (иными словами, должны быть совершеннолетними).

- Контракт должен заключаться при свободном согласии сторон (без какого-либо принуждения).

В системе *Мушарака* каждый партнер полноправен в вопросах принятия решений касательно управления. Однако, согласно *фикху* партнеры могут согласовать условия, при которых управление осуществляется только одним из них. В таком случае «*партнер-инвестор*» имеет право на прибыль только в пределах своих вложений, и соотношение прибыли, выделяемой ему, не должно превышать размера его инвестиций в бизнес.

Мушарака может принимать форму неограниченного и равного партнерства, в котором стороны пользуются полным равенством в областях капитала, управления и права распоряжения совместной собственностью, а также каждый отдельный партнер выступает в качестве гаранта второго.

Кроме всего прочего, существует еще один вид партнерства, при котором две или более стороны вносят вклад в фонд капитала деньгами, натурой или трудом. Каждый партнер является только агентом, а не гарантом

[1]Saeed A. Islamic Banking and Interest: A Study of the Prohibition of Riba and Its Contemporary Interpretation. Netherlands: Leiden, 1996. – P. 98.
[2]Lewis M.K., Algaoud L.M. Islamic Banking. – UK: Cheltenham, 2001. – P. 68.
[3]Usmani M.T. An Introduction to Islamic Finance. Karachi: Idaratul Ma'arif, 1998.

своего партнера. Во всех случаях стороны делят прибыль согласованным образом и несут убытки пропорционально размеру своих капитальных вложений[1].

«Проценты» предопределяют фиксированную норму прибыли по кредиту, предоставленному банком, независимо от полученной прибыли или убытков, понесенных должником[2], тогда как Мушарака не предусматривает фиксированной нормы прибыли. Доход в Мушараке основан на фактической прибыли, полученной совместным предприятием. Наличие риска в Мушараке делает его приемлемым в качестве инструмента исламского финансирования[3].

Отдельного внимания заслуживает факт наличия критики в адрес системы Мушарака, согласно которому данный инструмент рассматривается в качестве рудимента феодального исламского строя, от чего эффективность инструмента сомнительна. Однако, данная критика не имеет под собой четкого обоснования, т.к. Ислам не предписывает конкретную форму или процедуру для использования Мушараки.

С точки зрения шариата и фикха установлены некоторые общие принципы, более гибкие чем традиционные инструменты банка[4]. Так, если форма соглашения по Мушараке может принимать любые значения, при условии соблюдения предписанных принципов и норм шариата.

Хотя система мушараки не так популярна, как другие исламские финансовые инструменты, она по-прежнему считается одной из наиболее аутентичных форм финансирования, одобренного шариатом. Учитывая балансирование исламских финансовых институтов между реалиями получения прибыли, вследствие использования механизмов оборота денег и нормами шариата система представляет собой наиболее лояльный с точки зрения интересов предпринимателя.

Список литературы:

1. Dudley N. ‘Islamic Banks Tap a Rich New Business’ Euromoney. – NY. December, 2001. – 178 p.

2. Lewis M.K., Algaoud L.M. Islamic Banking. – UK: Cheltenham, 2001. – 227 p.

3. Saeed A. Islamic Banking and Interest: A Study of the Prohibition of Riba and Its Contemporary Interpretation. Netherlands: Leiden, 1996. – 135 p.

4. Usmani M.T. An Introduction to Islamic Finance. Karachi: Idaratul Ma’arif, 1998. – 198 p.

[1]Lewis M.K., Algaoud L.M. Islamic Banking. – UK: Cheltenham, 2001. – P. 43.
[2]Ibid. – P. 78.
[3]Usmani M.T. An Introduction to Islamic Finance. Karachi: Idaratul Ma’arif, 1998. – P. 71.
[4]Ibid. – P. 28.

Мавлонова. Ч.А. *- ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОНГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР

Хозирда мамлакат тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун бир нечта механизмлардан фойдаланади. Биринчиси, бу **ҳорижий инвесторларга солиқ имтиёзлари.** Булар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажмига қараб белгиланади: i) 3- 10 миллион еврогача 7 йил; ii) 10-30 миллион еврогача 10 йил. Кейинги 5 йил давомида даромад солиғи ва ягона солиқ тўлаш ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50% даражасида белгиланади. 30 миллион евродан ортиқ инвестициялар учун 15 йил давомида, кейин ҳам кейинги 10 йил учун даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50% даражасида белгиланади. Иккинчичи, э**ркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ)** Ўзбекистонда 23 та эркин иқтисодий зона мавжуд бўлиб уларда саноат маҳсулотлари ички бозор ва экспорт учун ишлаб чиқарилади. ЭИЗ корхоналари бир қатор имтиёзларга эга жумладан солиқ солишнинг имтиёзли шартлари мавжуд, тадбиркорлар ўзларининг сармоялари ҳажмига қараб солиқлар ва божхона тўловлари бўйича 3-7 йилгача ёки 10 йил давомида имтиёзли ставкалардан фойдаланиши мумкин. Учинчиси, д**авлат кафолатлари тизими** бу тизим чет эллик инвесторлар учун зарур қонунчилик асосларини яратишни ва хатарларни чет эллик ҳамкасблари билан бўлишишни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, чет эллик инвесторларга жисмоний ва юридик шахсларнинг инвестициялари учун тегишли шартлардан кам бўлмаган қулай шартлар берилади. Давлат Ўзбекистон ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонга хорижий инвестицияларнинг жалб этиш бўйича бир қатор масала ва муаммоларнинг ҳалигача очиқ қолаётганлигини таъкидлаш лозим. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда давом этиб келаётган паст кўрсаткичнинг сабабларини аниқлаш мақсадида Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) Ўзбекистонда ишлаш тажрибасига эга хорижий сармоядорлар, бизнесменлар ва молия ташкилотларининг экспертлари ўртасида сўровнома ўтказган. Улар Ўзбекистонга сармоя оқимини тўхтатиб қўяётган қатор омил ва шароитларнинг баъзилари сифатида қуйидагиларни санаб ўтишган: банк-кредит тизимининг такомиллашмагани; инвесторлар ҳуқуқларининг заиф ҳимояси ва етарли даражада самарали бўлмаган суд тизими; маъмурий-бюрократик тўсиқлар (кўплаб хорижий компаниялар ўз фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ва рухсат олиш тартиб-қоидаларидан норози); паст инвестиция рейтинги.

Ўзбекистонда қулай инвестиция иқлими яратилиши учун бир нечта ишлар амалга оширилмокда хусусан хорижий инвесторларга турлича молиявий имтиёзлар ва ҳуқуқлар берилган, бозор инфратузилмаси

шакллантирилмоқда. Шу билан бирга қуйидаги тадбирлар, инвестиция иқлимини янада яхшилаш имкониятини беради: сўмнинг қадрини кўтариш; мулк даҳлсизлигини таъминлаш, инвесторлар ҳақ ҳуқуқини ҳимоялашни янада ошириш, банк фоизи ставкаларини барқарорлаштириш; ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини ҳисобга олиб солиқ тизимини илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш; маъмурий буйруқбозлик ҳолатларига чек қўйиш; Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларининг акцияси нуфузини ва унинг ликвидлилигини ошириш, хорижий инвесторларни уларга жалб эта билиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш. Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси, босиб ўтган йўли, иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўлида мамлакатнинг инвестицион муҳитни соғломлаштириш борасида қабул қилган қонунлари, ишлаб чиққан қарорларини ўрганиш, инвестициялари кенгроқ жалб этиш бўйича ишлаб чиққан усул ва услубларининг керакли жиҳатларини Ўзбекистон шароитига татбиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Зеро, тўпланган тажрибаларни мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда татбиқ этилиши, таваккалчиликни пасайтиришга, мавҳумликни олди олинишига, юқори самарадорликнинг таъминлашга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги асосий муаммолар санаб ўтилди – Газета.uz (gazeta.uz)

2.Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва Ўзбекистоннинг инвестиция жозибадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар (mift.uz)

3.Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш режаси белгиланди, масъуллар бириктирилди - Халқ сўзи (xs.uz)

Мамбеткаримов С. *– ОБМ тингловчиси*

ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ АМАЛГА ОШИРИШДА БАНКЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ривожланган иқтисодиётда тижорат банклари ўз фаолиятини доимий равишда ўсиб борувчи рақобат шароитида амалга оширадилар. Улар ўзаро ва бошқа кредит-молия муассасалари билан, шу жумладан, охирги вақтда таклиф этилаётган ҳар хил хизмат турларини амалга оширувчи хорижий банклар билан рақобатлашадилар.

Кучли рақобат шароитида тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инвестицион фаолият ҳисобланади.

Инвестиция – бу хусусий, давлат корхоналари ва ташкилотлари қимматли қоғозларига узоқ муддатга қўйилган маблағлардир. Тижорат банклари кредити инвестициясидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, банк кредит берганда, банк маблағларини нисбатан қисқа вақт ичида фойдаланишга беради ва кредит суммаси ҳамда у бўйича фоиз

ставкасини ўз вақтида қайтаришни талаб қилади. Инвестицияда эса қўйилган маблағлар (қўйилмалар) ҳали ўз эгасига қайтиб келишидан олдин узоқ давр мабайнида банкка маблағ (даромад) олиб келишини билдиради.

Иккинчидан, банк кредитида кредит муносабатларини юзага келтириш бўйича ташаббус қарз олувчи томонидан ўртага ташланадиган бўлса, инвестицияда эса қимматбаҳо қоғозлар бозорида активларни сотиб олишга интилувчи тижорат банки ташаббус кўрсатади.

Учинчидан, банкнинг кредит шартномасида банк кам миқдордаги кредиторлар орасида асосийдир. Инвестицион шартномаларда эса тижорат банки кўплаб кредиторлардан биридир.

Тўртинчидан, банк кредитида банк ва қарз олувчи бевосита кредит шартнома орқали боғланган бўлиб, уларнинг фаолиятига ҳеч ким аралашмайди. Инвестицияда эса турли хил қимматли қоғозлар орқали корхона, ташкилотларнинг фаолияти билан банкнинг фаолияти боғланиб кетади.

Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолият олиб боришдан асосий мақсад уларнинг даромадлилиги ва ликвидлилигини (банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилияти) таъминлашдан иборат. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тижорат банкларининг инвестицион сиёсати банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлилигини таъминлашда асосий ўрин тутади. Банкларнинг инвестицион фаолияти турли хил қимматли қоғозлар: оддий ва имтиёзли акциялар, облигациялар, давлат қарздорлик мажбуриятлари, депозит сертификатлари, вексель ва бошқаларга маблағларини қўйиш орқали амалга оширилади.

Алоҳида олинган давлатларда банклар тизимининг ривожланиши ва банклар ўтказадиган операцияларнинг турлари ва кўламига қараб уларнинг инвестицион фаолияти турли йўналишларга қаратилган бўлиши ва шу операциялар турлари бўйича олинадиган даромад салмоғи ҳам турли хил бўлиши мумкин.

Масалан, Америка банклари амалиётида давлатнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозларига инвестиция қилиш, одатда, кам даромад келтиради, аммо улар юқори ликвидлиликка эга ва улар бўйича тўланмаслик таваккалчилилиги нолга тенг бўлиб, бозор ставкасининг ўзгариш таваккалсилилиги ҳам кичик бўлган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Узоқ муддатли қимматли қоғозлар юқори даромад келтиради, шунинг учун банклар уларни муддати тугагунча сақлашади. Банклар ўз маблағларини муниципалитетларнинг қимматли қоғозларига ҳам қўйишади, чунки улар бўйича тўланадиган фоиз солиққа тортилмайди.

Ўз ликвидлилигини таъминлаш мақсадида банклар унча катта бўлмаган суммани бошқа қимматли қоғозлар: банк акцептлари, қимматли қоғозлар бозоридаги тижорат қоғозлари, брокерлик ссудалар ва товар-кредит корпорациялари сертификатларига қўйишади.

Даромадлиликни таъминлаш мақсадида, лекин ликвидлигини хавф остига қўйган ҳолда банклар ўз маблағларини баъзи бир ҳукумат муассасалари облигациялари ва корпорацияларнинг биринчи даражали облигацияларига инвестиция қиладилар.

Ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестицион фаолияти даромад келтириши нуқтаи назаридан банк даромади таркибида кредит фоизидан кейинги иккинчи манбадир.

Тижорат банклари инвестицион фаолиятининг даромадлилик даражасига бир қатор иқтисодий ва ташкилий омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар орасида асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин. Булар:

– давлатнинг барқарор ривожланувчи иқтисодиёти;

– товар ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасидаги турли мулкчилик шаклларининг мавжудлиги, шу жумладан, банк фаолиятида хусусий ва акционер мулк шаклларининг устуворлиги;

– кредит-молия тизимининг силлиқланган ва аниқ фаолият юритувчи структурасининг мавжудлиги;

– қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ва ривожланган муассасаларининг мавжудлиги;

– қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолиятини назорат этувчи қонуний актлар ва тартибларнинг мавжудлиги;

– тижорат банкларининг халқаро инвестицион фаолиятини юритиш амалиётида бўлган юқори сифатли қимматли қоғозлар муомаласининг амал қилиши;

– инвестицион фаолият соҳаси ва қимматли қоғозлар бозори учун мўлжалланган юқори малакали мутахассислар ва тадбиркорларнинг мавжудлиги, уларни тайёрлаш ва бошқалар.

Алоҳида олинган қимматли қоғозлар турлари ва гуруҳларининг даромадлилиги банклар инвестиция портфелининг бозор баҳосига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариб туради. Булар: облигацияларнинг фоиз ставкалари, ҳисобга олинган фоизлар, векселлар бўйича фоизлар, акция бўйича девидендлар ва қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифлардир.

Одатда, жаҳон амалиётида тижорат банклари ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш учун бошқариш структурасида махсус инвестиция бўлимларини ташкил қилишади. Бўлимдаги ходимлар сони бир қатор омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Булар: қимматли қоғозлар портфели катталиги, бўлим томонидан қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш бўйича бажариладиган функцияларга, банкнинг мижозларига кўрсатадиган хизматларга, қимматли қоғозлар тури ва сифатига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Бўлим ишчиларининг малакаси қанчалик юқори бўлса, улар бажараётган вазифа, ишнинг сифати ҳам, шунчалик юқори бўлади. Мутахассислар инвестиция дастурида кўзланган мақсад ва вазифаларни яхши

тушунишлари, инвестиция хизматлари бўйича маълумотларга эга бўлишлари, молиявий-иқтисодий маълумотлардан хабардор бўлишлари, қимматли қоғозлар бозорини мустақил таҳлил қила олишлари, қайси қимматли қоғоз турлари банкка тўғри келиши ёки келмаслигини аниқлашлари, даромадлилик эгри чизиқларининг кўра олишлари, бу билан инвестиция фаолиятини бошқаришни таъминлашлари лозим.

Инвестициялар таркибини такомиллаштиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири мамлакатимиз миқёсида кўриб чиқилиши керак бўлган муҳим муаммоли мавзулардан бири бўлиб, у киритилаётган инвестициялар таркибидаги сифат ўзгаришларининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири кўламини ўрганишни характерлайди (Абулқосимов, 2008).

Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан самарали фойдаланиш муаммолари билан сўнгги йилларда республикамизда Ваҳобовнинг “Барқарор иқтисодий ўсиш концепцияларини трансформациялашуви ва амал қилиш хусусиятлари” мавзусидаги қатор мақолалари, С.Чепельнинг “Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана” мавзусидаги илмий монографияси ва Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти қатор олимларининг илмий-тадқиқот ишлари катта аҳамиятга эга.

Глобализация шароитида ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ундан иқтисодий ўсишга ўтиш шароитида инвестициялар мазмуни ва таркибий шаклларини таҳлил қилиш, ундан самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганиш, илмий-назарий ва амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Ялпи инвестициянинг таркибий қисмлари бўлиб қуйидагилар киради:

1) Қурилиш, биноларга инвестициялар;

2) Инвестицион товарларга инвестициялар;

3) Моддий айланма маблағлари захираларига инвестициялар.

Ялпи инвестициядаги соф инвестициянинг миқдори ялпи инвестициядан истеъмол қилинган асосий капитал қиймати айирмасига тенг. Соф инвестициянинг умумий миқдори асосий капитал қийматининг ўсиши ва моддий айланма маблағлари захираларининг ўсиши шаклида намоён бўлади.

Айланма маблағлар олдинги даврга нисбатан камайганида соф инвестициялар фақат асосий капиталлар қийматининг ўсишида моддийлашади.

Pulatova M. *- TMI “Moliya” kafedrasi dots.v.b. Ph.D.*
Mehmonaliyev M. *- TMI talabasi*

ISLOM ME’YORLARI ASOSIDA QURILGAN IQTISODIYOT

Iqtisodiy tafakkurni rivojlantirishda iqtisodiy ta‘lim tarbiyaning tarixiy ildizlari islom dini qoidalalari, buyuk ajdodlarimizdan meros bo’lib qolgan o’lmas asarlar bizga bebaho manba bo’lib xizmat qiladi. Islom ta‘limotidagi iqtisodiy g’oyalarning bayon etilishi, muqaddas kitob Qur‘oni Karimda kishilik jamiyatining

faoliyat turlaridan biri iqtisodiyot sohasidagi munosabatlar muhim o’rin tutadi. Chunki, iqtisodiy munosabatlarda insonlarning asosiy fe‘l atvorlari namoyon bo’ladi. Qur‘oni Karim insonlarga ilohiy farmoyish sifatida zamindagi barcha insonlar tengligi aytiladi.

Iqtisodiy tarbiyani shakllantirishda milliy qadriyatlarimiz, tarixiy allomalarimiz asarlaridan samarali foydalanishimiz zarur. Islom moliyasining eng asosiy manbasi Qur‘oni Karim bo’lsa, keyingisi Hadisi sharifdir. Ushbu manbalar o’zining hayotiyligi bilan faqatgina uyg’onish davri O’rta Osiyodagi, Amir Temur va temuriylar davri, XX asr boshlaridagi o’zbek iqtisodiy ta‘limotlarigina emas, balki O’zbekistonni bozor iqtisodiyotiga o’tish davridagi iqtisodiy ta‘limotlarini, iqtisodiy tarbiya asoslarini yaratishda ham e‘tiborga olinayotgani, ulardagi iqtisodiy qadriyatlar katta hayotiy ahamiyatga ega ekanligini ko’rsatadi. Keltirilgan barcha fikr mulohazalar avvalambor insonlarning bir-birini qadrlash, iqtisodiy munosabatlarda asosiy mezonlardan hisoblangan tenglik, halollik to’g’rilik kabi tushunchalarni shakllantirish uchun asosiy manbalardandir. “Oltinni oltinga (ular tanga yoki biror buyum shaklida bo’ladimi yoxud quyma bo’ladimi, bundan qat‘iy nazar) bir-biriga teng og’irlikda sotinglar, birini ikkinchisidan afzal qilmanglar. Kumushni kumushga ham aynan shu tariqa sotinglar! Savdolashib turgan yeringizdan jilmay turib, bir-biringizni molingizni qo’lga olinglar!”, deyiladi hadislarda. Bundan shunday xulosa qilish mumkinki, sotuvchi ham o’z molining aybini yashirmasligi, xarid qiluvchi ham pul berishda g’irromlik qilmasligi lozim, faqat shundagina savdoda baraka bo’ladi, agar har ikkala tomon ham bir-birini aldasa, g’irromlik qilsa, bu savdo halol savdo bo'lmaydi. Savdo halollikni yoqtiradi va shuning uchun sotuvchi ham, oluvchi ham rost gapirishi kerak.

Savdo sotiqdagi halollikda dastlab sotuvchining o’z moliga adolatli, insofli, har ikkala tomonga ham manzur bo’larli darajada narx qo’yishi bilan boshlanadi. Chunki sotuvchi mol egasi bo’lgani uchun dastlabki narxni xaridorga birinchi bo’lib taklif etishga haqlidir. Hadisdagi rivoyatlarda: “Kimki biror oziq-ovqat mahsulotini ko’taraga sotib olgan bo’lsa, uni uloviga ortmay (ya‘ni sotib olgan yeridan bo’lak joyga olib bormay) turib qayta sotib yubormasligi kerak, chunki tijorat odobi shuni taqozo qilur”, deyiladi. Amalda tijoratning bunday odobiga qattiq amal qilingan, odobsizlik qilganlarni esa jazolangan.

Halol savdo qilish hosiyatlidir. Savdo-sotiq ishlarida amal qilinadigan shartlardan yana biri savdogar boshqa savdogarning savdosini buzmasligidir. Bir savdogar boshqa savdogarning savdosiga: birinchidan, toki ruxsat bermaguncha, ikkinchidan, u odam savdoni tark etmaguncha aralashmasligi, uchinchidan esa, biror molni sotib olish uchun boshqaning savdosini aynitmasligi lozim. Paygambarimiz s.a.v.: “Birortangiz birodaringiz savdosini ustida savdo qilmangiz”, deganlar. Bu gapdan boshqalar molni olib qolib qimmatroq narxda sotish, aldash maqsadida narxni ataylab oshirish, savdogar savdosi ustiga savdo qilishiga yo’l qo’ymaslik kabi mazmunlar yotadi.

Payg’ambarimiz s.a.v. odamlarga yanada qulayroq bo’lishi va masalani adolatliroq hal etish maqsadida: “Kimki bo’nak (avans) berib, qolgan haqini yesa ma‘lum muddatda uzish sharti bilan xurmo (va undan bo’lak narsalar) oladigan

bo’lsa, o’lchanadirganini o’lchab tortiladirganini tortib olsin”, deb o’z maslahatini beradi.

Hozirgi kunda Islom moliyasi sohasida ko'plab islohatlar olib borilmoqda. Shu o'rinda shuni aytib o'tish joizki, Islom moliya muassasalari (IMM) 2012-2017 yillarda kuzatilgan va 2018-2023 yillar oralig‘ida kutilayotgan o‘sish sur’atlarini ko‘rsatadi.

Islom moliya sohasining hajmi 2012 yilda 1,746 mlrd. AQSH dollariga teng bo‘lgan bo‘lsa, 2017 yilga borib 2,438 mlrd. AQSH dollarini tashkil etdi. Shunday qilib, oxirgi 6 yilda islom moliya muassasalarining (IMM) o‘rtacha yillik o‘sish sur’ati 6% ni tashkil qildi. 2023 yilga borib 3,809 mlrd. AQSH dollariga yetishi kutilmoqda va bu o‘rtacha yillik o‘sish sur’ati 8% ga teng bo‘ladi degani.

Islom moliya muassasalarining (IMM) umumiy hajmini tasavvur qilish uchun biz uni O‘zbekiston bank tizimining 2018 yil 31 dekabr xolatiga bo‘lgan hajmi bilan solishtirdik. IMM umumiy hajmi 2,438 mlrd. AQSH dollariga teng bo‘lsa, O‘zbekiston bank tizimining hajmi 25.7 mlrd. AQSH dollariga teng, ya’ni IMM hajmi 95 baravar ko‘p degani.

Endi esa IMM hajmini jahon moliya muassasalari hajmi bilan solishtiramiz va bugungi kunda IMM hajmi 339 trln. AQSH dollariga teng bo‘lgan jahon moliya muassasalari aktivlari umumiy hajmining atigi 0.71% ni tashkil qilishini ko‘rishimiz mumkin.

Bugungi kunda dunyodagi eng yirik tijorat banki bo‘lmish Xitoyning ICBC banki aktivlarining umumiy qiymati 3.62 trln. AQSH dollariga teng, bu esa IMM umumiy hajmi shu birgina banknikichalik ham emasligini ko‘rsatadi[1].

Shunday qilib, IMMlari xali o‘z rivojlanish bosqichining boshida ekanligini va agar IMM potensial mijozlari bo‘lgan dunyo musulmonlari sonidan kelib chiqadigan bo‘lsak, juda katta salohiyati borligini anglab yetishimiz mumkin. Bundan kelib chiqib shuni aytishimiz mumkinki Qur’oni Karim asosida tuzilgan Islom moliyasi shak-shubhasiz to’g’ri va uning istiqboli ulug’dir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. http://islommoliyasi.uz sayti

Мавлонова Ч.А. *– ОБМ тингловчиси*
Мухаммадиев У.Н. *- ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК СЕКТОРИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ ВА “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ ДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Республикамизда охирги йилларда банкларда ахолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва банк тизимни барқарорлаштириш борасида бир нечта самарали ишлар амалга оширилди. Лекин глобаллашув, дунёда бўлаётган

[1] http://islommoliyasi.uz sayti

ўзгаришлар ва кучли рақобат мухити тижорат банкларида трансформация жараёнини амалга ошириш ва уларнинг фаолиятини тўлақонли равишда фақат мижозларни банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси 2020 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган бўлиб унда банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Мазкур стратегия Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда Республикадаги банк тизимидаги жорий ҳолатини ўрганиш натижасида олинган асосий хулосалар ва тавсиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб унда банк тизимида мавжуд муаммо ва мухим масалаларга ва уларни бартараф этишга тўхталиб ўтилган.

Стратегияда қуйидаги муаммоларга эътибор қаратилган: давлатнинг банк тизимига мунтазам аралашуви; давлат улушига эга тижорат банкларининг давлат улуши иштирок этган корхоналарга паст ставкаларда имтиёзли кредит ажратувчи анъанавий банк вазифасини бажарувчисига айланиб қолганлиги; кредит ажратишнинг тез суратларда ўсиши банкларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатаётганлиги; кредит ва депозитларнинг катта улуши йирик корхоналар ва иқтисодиётнинг баъзи тармоқларида тўпланганлиги; давлат улушига эга банкларнинг аксарият холларда корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш моделига йўналтирилганлиги; шунингдек инновациялар ва ахборот технологияларининг яхши ривожланмаганлиги сабабли молиявий оммабоплик даражасининг сустлиги тизимда тубдан ислоҳотларни амалга ошириш заруратини юзага келтирган.

Стратегия доирасида кейинги беш йилликда банк-молия сохасини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг тўртта устувор йўналишлари белгиланган.

1. Банк тизимининг самарадорлигини ошириш
2. Банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш
3. Банк хизматлари оммабоплигини ошириш
4. Банк тизимида давлат улушини қисқартириш

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ даги Трансформация

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонида берилган вазифалар ижросини таъминлаш ва Банкка хорижлик инвесторларни жалб қилиш, банк фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш учун “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ўз иш услубини буткул ўзгартириши, фаолиятини тўлақонли равишда фақат мижозларни банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтириши, яъни фаолиятини трансформация қилиши талаб қилинади.

Трансформация - Ўзбекистон молия бозорига чет эл капитали иштирокидаги банкларнинг кириб келиши натижасида юзага келадиган кучли рақобат муҳитида банкни ўз ўрнини сақлаб қолишга, молия бозоридаги етакчилик мавқеини мустаҳкамлашга имконият яратади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Халқаро молия корпорацияси (IFC) билан банкниг энг илғор тажриба ҳамда халқаро стандартлар асосида иш юритадиган, молиявий жиҳатдан эса барқарор ва рақобатбардош муассасага трансформация қилиш бўйича ҳамкорлик келишуви имзоланган бўлиб келгусида банкдаги давлат улушининг катта қисмини ушбу ташкилотга сотилиши режалаштирилган.

Банкдаги бўлиб ўтаётлан ўзгаришлар унинг янги бизнес моделига асосланган трансформация жараёнида акс этмоқда.

Трансформация жараёнида халқаро талабларга мос келадиган корпоратив бошқарув хизмати ташкил этилди, риск менежмент тизими такомиллаштирилди скоринг жорий қилинди.

Банк Кенгаши таркибига 4 нафар халқаро тажрибага эга мустақил аъзо қўшилди. Кенгаш ҳузурида 5 та янги қўмита (Стратегия, Тайинлаш ва рағбатлантириш, Йирик ва манфаатли битимлар, Таваккалчиликларни назорат қилиш, Аудит қўмиталари) ташкил қилинди. Лойиҳа бошқаруви фаолияти ташкил этилди. Бизнес сегментларга ажратилда ва хар бир бизнес йўналишларига мижозбай хизмат кўрсатувчи менежерлар бириктирилди.

Молиявий режалаштириш ишларини автоматлаштириш йўналишида Германиянинг SAP компанияси дастури асосида молиявий прогнозлаштириш тизими, CERT халқаро стандартлаштириш ташкилоти билан ҳамкорликда “антикоррупция” тизими ишга туширилди.

Чакана бизнес йўналишида Банк хизматларини автоматлаштириш орқали мижозларга тез ва қулай тарзда хизмат кўрсатишга катта эътибор берилди. Хусусан, банк хизматларини мижозларга яқинлаштириш мақсадида банк филиаллари 42 тага, сотув нуқталари 422 тага ётказилди алоқа маркази (24/7) режимида иш юритмоқда.

Мижозларга ахборот технологияляридан фойдаланган холда хизмат кўрсатиш имконини берувчи 58 та хизмат турини ўз ичига олган жисмоний шахслар учун “Joyda” мобиль иловаси ишга туширилган. Шунингдек, иловада хизмат ва товарларни истеъмол кредити ҳисобига масофадан сотиб олиш имконини берувчи электрон савдо майдончаси (маркетплейс) ташкил этилган. Келгуси 2022 йилда юридик шахслар учун банк мижоз “Joyda Biznes” дастурини ишга тушириш режалаштирилган бўлиб у мижозлар пул маблағларини масофавий бошқариш, банк хизмат ва махсулотларидан онлайн тарзда фойдаланиш имкониятини беради.

Банкдаги махсулотларни ишлаб чиқиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида Банк махсулотларини бошқариш комиссяси ташкил қилинган бўлиб, у янги банк махсулотларини яратиш ва мижозларга индивидуал тариф ўрнатиш ваколатига эга. Кичик бизнес субектлари учун 26 турдаги, йирик корхоналарга 12 турдаги ва аҳоли учун 22 турдаги кредитлар жорий қилинган.

Кредитлашда инсон омили иштирок этмайдиган янги скоринг тизимига асосланган Андеррайтинг йўлга қўйилди. Бу билан аввалги 5 поғонали кредитлаш тизими 2 поғоналига қисқартирилган.Шунингдек, банк ходимларини мукофотлаш учун KPI (key performance indicator) тизими ишга туширилган бўлиб ходимлар бажарган ишлари самарадорлиги кўрсаткичларига қараб мукофотланадилар.

Банкда Ўзбекистонда биринчи бўлиб “Green Banking” бошқармаси ташкил қилиниб яшил лойиҳаларни молиялаштириш механизми ишга туширилди. Хусусан, трансформацияга асосан банк филиаллари мижозбай ишлаш тизимига ўтади, Бэк-офис функциялари марказлаштирилади, мижозларга республиканинг исталган ҳудудида “ягона ойна” тамойили асосида хизмат кўрсатиш имконини берувчи CRM тизими ишга туширилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ даги давлатнинг улиши 96 фоизни ташкил этади. Асосий акционерлар Молия вазирлиги ва Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси хисобланади. Банк тизимида давлат улушини қисқартириш банк тизимини ривожлантиришнинг мухим омили хисобланади. Шу сабабдан банкнинг Трансформация жараёнлари якунланганидан сўнг банкни хусусийлаштириш режалаштирилган.

Трансформация жараёнида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича иш услуби ва бизнес модели бутунлай янгидан ташкил этилди. Яъни филиалда мижозларга мижозбай хизмат кўрсатиш мақсадида бизнес менежер ва универсал сервис менежерларидан ташкил топган фронт офис ходимлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса банкда мижозга йўналтирилганлик тамойили асосида ишлаш ва мижозларга индивидуал хизмат кўрсатиш имкониятини бермоқда**.** Бундан ташқари кредит ажратиш тезкорлиги юридик шахслар учун 2,6 баробарга, жисмоний шахслар учун эса 1,6 баробарга оширилди банк махсулотлар сони эса 1,5 баробарга кўпайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси юзасидан - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (cbu.uz)

2. ТРАНСФОРМАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН (cyberleninka.ru)

3. “Ўзсаноатқурилишбанк”да трансформация: натижа ва яқин истиқболдаги режалар (uza.uz)

Наврузов Т.О. *– ОБМ тингловчиси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Иқтисодиётда ишлаб чиқаришни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш ва унда хорижий инвестициялар, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб

қилиш билан бирга, қўшимча молиялаштириш манбасини топиш имконини беради.

Мамлакатнинг 5 йиллик бош режаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси)да таъкидланганидек, мамлакатимиз “иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш”[1]га йўналтирилган сиёсатни мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш орқали амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда мамалакатимизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, оила даромади ва унинг фаровонлиги, янги иш ўринларининг ташкил этилиши айнан ушбу тадбиркорлик ривожи ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шу жумладан, мамлакатимизда маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи юқори технологияли ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва ташкил этишга қаратилган инвестиция сиёсатини янада фаоллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда[2].

Давлат инвестиция дастурлари доирасида ажратилган бюджет маблағлари таҳлил этадиган бўлсак, 2017 йилда объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун 7,3 трлн.сўм молиялаштириб берилган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20,4 трлн.сўм ёки 2,8 баробарга ошди.

2017-2021 йилларда Инвестиция дастури доирасида Давлат бюджети ҳисобидан йўналтирилган маблағлар тўғрисидаги таҳлилий маълумот

	Кўрсаткичлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
		объект сони	Ижро	объект сони	Ижро	объект сони	Ижро	объект сони	Ижро	объект сони	Режа

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон республикасининг 2020 -2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4563-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон

	Жами	**1 842**	**7 364,6**	**2 949**	**12 705,3**	**3 630**	**20 466,1**	**5 253**	**15 828,3**	**2 029**	**17 700,0**
	Маъмурий, инфратузилма, сув хўжалиги ва бошқа объектлар	**404**	**3 162,5**	**754**	**5 400,6**	**975**	**8 258,6**	**1 264**	**4 705,8**	**683**	**8 050,0**
1	*Республика вазирлик ва идоралар*	248	1 773,2	497	3 017,5	648	3 899,4	670	3 587,7	392	5 388,9
2	*Ҳудудий ҳокимликлар объектлари*	156	1 389,3	257	2 383,1	327	4 359,2	594	1 118,0	291	2 661,1
	Автомобиль йўллари	57	1 840,7	82	2 293,8	77	2 940,6	1 978	2 252,6	102	2 200,0
	Ижтимоий соҳа объектлари	**1 053**	**1 998,4**	**1 175**	**3 749,6**	**1 730**	**6 616,9**	**1 292**	**6 295,5**	**856**	**5 450,0**
1	*Мактабгача таълим муассасалари*	*306*	*255,6*	*375*	*1 261,4*	*525*	*1 804,3*	*434*	*1 461,1*	*225*	*900,0*
2	*Умумтаълим мактаблари*	*486*	*702,0*	*360*	*739,4*	*771*	*1 932,4*	*532*	*2 010,3*	*432*	*2 250,0*
3	*Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб интернатлари*	*61*	*75,8*	*14*	*75,0*	*8*	*56,5*	*13*	*101,8*		
4	*Тиббиёт муассасалари*	*173*	*528,5*	*370*	*1 097,8*	*344*	*1 894,7*	*263*	*1 995,4*	*131*	*1 400,0*
5	*Илмий тадқиқот институтлари*			*8*	*26,5*	*12*	*32,3*	*13*	*43,3*	*14*	*50,0*
6	*Болалар мусиқа ва санъат мактаблари*	*8*	*47,4*	*6*	*25,4*	*12*	*66,6*	*2*	*7,6*	*18*	*150,0*
7	*Олий таълим муассасалари*	*19*	*389,3*	*42*	*524,1*	*58*	*830,1*	*35*	*676,1*	*36*	*700,0*
	Мелиорация соҳаси	**161**	**239,6**	**173**	**279,5**	**185**	**436,5**	**151**	**288,4**	**84**	**300,0**
	Ичимлик ва оқава суви таъминоти			**329**	**717,8**	**305**	**1 661,5**	**383**	**1 914,5**	**147**	**1 100,0**
	Оролбўйи минтақасини ривожлантириш	**167**	**123,5**	**436**	**264,0**	**303**	**302,8**	**149**	**202,2**	**102**	**200,0**
	Жисмоний тарбия ва спорт объектлари					**55**	**249,2**	**36**	**169,3**	**55**	**400,0**

Шу билан бирга, 2020 йилда коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида Инқирозга қарши қурашиш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, ушбу Жамғармадан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағларни инобатга олган ҳолда **15,8 трлн.сўм** молиялаштириб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сонли “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2021 йилда Давлат инвестиция дастури доирасида **17,7 трлн.сўм** ажратиб бериш кўзда тутилган, жумладан:

- 683 та маъмурий, инфратузилма, сув хўжалиги ва бошқа объектлар учун
  8,0 трлн.сўм;
- 856 та ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун 5,5 трлн.сўм;

- автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция ишлари учун – 2,2 трлн.сўм
- ичимлик ва оқава сув таъминоти учун – 1,1 трлн.сўм;
- мелиорация соҳасига – 0,3 трлн.сўм ва бошқалар.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, истиқболли инвестицияларни дастурларини марказлашган бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган механизмларини амалга ошириш келгусида иқтисодий барқарорликни таъминлашга ва аҳолини бандлик даражасини ошириш ва камбағаликкни қисқартиришга зарурий омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон республикасининг 2020 -2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4563-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон

Мамбеткаримов С. – *ОБМ тинловчиси*

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ МУҲИМ АҲАМИЯТИ БОРАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАР

Иқтисодиётда амалга оширилаётган инвестиция фаолияти доимо макроиқтисодий барқарорлик асоси бўлиб хизмат қилган. Мамлакатдаги инвестицион жараён ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш, унинг самарадорлигини ошириш, шу билан бирга аҳоли фаровонлигини тобора юксалтиришнинг таянчи вазифасини ўтайди.

Маршалл (1983) ўзининг “Сиёсий иқтисод тамойиллари” асарида сармояни асраб қолишга қобид бўлиш ва мойилликни: “Сармоя асраб қолиш қобилияти даромаднинг зарур сарфлардан ошиқ бўлишига боғлиқ” деб таърифлаган эди. Демак, даромаднинг истеъмол харажатларидан ортиқ бўлишини таъминлайдиган самарали ишлаб чиқариш йўлга қўйилганидагина сармоя асраш ёки инвестиция киритиш мумкин бўлади.

Вечканов ва Вечкановалар таъкидлайдики, инвестиция – бу фойда олиш мақсади билан мамлакатда ёки хорижда халқ хўжалигининг турли тармоқларига давлат ёки хусусий капиталнинг узоқ муддатли қўйилмаларидир.

Бочаров (1999) ҳисоблайдики, инвестиция тадбиркорлик ва бошқа кўринишдаги фаолият объектларига қўйилган барча турдаги мулкий ва

интеллектуал қимматликлар бўлиб, натижада фойда (даромад) юзага келади ёки ижтимоий самарага эришилади.

Бланк (2000) инвестицияларни ўхшаш тарзда таърифлайди: “Жорий даромад олиш ёки унинг қийматини келажакда оширилишини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик объектларига пул, моддий ва номоддий шаклларда киритиладиган капитал”. Нобель мукофотининг лауреати америкалик иқтисодчи олим Шарп (1997) “инвестиция қилиш” дегани “келажакда унинг каттароқ миқдорини олиш учун бугун пулдан воз кечиш” эканлигини айтган эди.

Иқтисодий категория сифатида инвестиция қуйида келтирилган маъноларни англатади. Самуэльсон ва Нордхауслар (2009) ўзларининг “Экономикс” китобларида “Инвестиция иқтисодий фаолият бўлиб, келажакда ишлаб чиқаришни кенгайтириш максадида бугунги истеъмол харажатларидан воз кечиш демакдир. Унда воситалар моддий (бино, жихоз) ёки номоддий (таълим) капиталига йўналтирилади. Молиячилар фикрига кўра, инвестиция қимматли қоғозларни харид қилишни англатади” деган фикрни таъкидлаб ўтганлар.

Шунингдек Игонина (2008) ҳам “Инвестиция - бу моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлардир” деб таъкидлашади.

Виленский, Лившиц, Смоляк (2008) “Инвестиция келажакда даромад олиш максадида йўналтирилган пул воситалари фоалиятидир” деб таъкидлаганлар.

Игонина “Инвестиция - капитал қийматни ошириш ва даромад олиш мақсадида инвестиция ресурсларини инвестиция қўйилмаларига айлантириш жараёни” дейди.

Гозибеков (2003) “Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматни сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади.” деб таъкидлайдилар.

Жўраев, Хўжамқулов ва Маматов (2003) “Инвестиция - бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар (инвестор) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган эҳтиёжни қондириш учун иқтисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар” деб таъкидлайдилар.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида ҳам инвестиция атамасига куйидагича таъриф келтириб ўтилган: “Инвестиция - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар”.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқадиган бўлсак, инвестиция фаолиятини одатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янгилаш ёки юқорироқ самарадорликка эришиш мақсадида амалга оширилади ва бу ҳолат инвестициянинг иқтисодий моҳиятини акс эттиришини англаш мумкин.

Шарп, Александр ва Дэйли (2007) Инвестицияларни реал ва молиявий гурухларини ажратиб кўрсатишади. Бунда реал инвестициялар ер, жиҳоз, завод каби моддий активларга қилинган инвестициялар бўлса, молиявий инвестициялар акция, облигация каби қимматли қоғозларга килинган инвестицияларни акс эттиради.

Игошиннинг (2001) “Инвестициялар” дарслигида “Инвестициялар – саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига узоқ муддатли капитал қўйилма кўринишида киритиладиган сарфларнинг йиғиндисидир” , деб таърифланади.

Кейнс (1999) “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” китобида “Инвестиция – ишлаб чиқариш даври давомида пайдо бўлган капитал қўйилма қийматининг жорий ўсишидир. Бу ўша даврдаги фойданинг истеъмол учун ишлатилмаган қисми ҳисобланади” , деб таъриф беради.

Эклунд (1991) фикрича, “инвестиция – бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса, Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан заҳирага қолдирилган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир”. Бу иқтисодчи олим инвестицияларнинг моҳиятини соддароқ талқин қилган бўлиб, у “капитал қўйилмаларга” берилган таърифга кўпроқ мос тушади.

Михайлова (1991) эса “инвестициялар - келажакда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда қўйиш сифатида ифодаланади”, деган фикирни илгари суради. Бу таъриф умумий ва содда қилиб тушунтирилган бўлиб, бозор иқтисодиёти манфаатларига мос талқин қилинган.

Гитман ва бошқаларнинг (1997) фикрича, инвестиция – бу шундай воситаки, у орқали пулнинг қийматини сақлаш ёки кўпайтириш ва ижобий миқдорда даромад олиши имконини таъминланади.

Грязнова ва бошқалар (2008) таҳрири остида чоп қилинган “Экономическая теория” ўқув қўлланмасида инвестициялар уч хил жиҳат бўйича: 1) асосий капиталга қўйилма; 2) келгусида муайян даромадга эришиш учун бугунги кунда пул маблағларини сарфлаш; 3) ялпи харажатларнинг таркибий қисми (ёки ялпи талабнинг – ADнинг таркибий қисми) ажратилиб ўрганилади.

Шодмонов ва Ғафуровлар (2010) муаллифлигида ёзилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида инвестицияларга шундай таъриф берилади, инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир.

Ғозибековнинг (2003) фикрича – “инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилган”.

Юқоридаги кўриб чиқилган адабиётларда келтирилган таърифлар ва фикрлардан келиб чиқиб инвестициялар мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашнинг асосий манбаи эканлигини таъкидламоқчимиз. Шу ўринда иқтисодиётнинг исбот талаб қилинмайдиган аксиомаларидан бирини келтириб ўтамиз: ҳаражатсиз ҳаракат нолга тенг. Шуни эътиборга олганда, иқтисодиётга қанча кўп капитал қўйилмалар киритилса, иқтисодий ўсиш шунчалик юқори бўлишини тушуниш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида
2. Narula, R., Dunning, J. H., (2000) ‘Industrial Development, Globalization and Multinational Enterprises: New Realities for Developing Countries’, Oxford Development Studies, 28 (2), pp.141-167.
3. Prasetyo A.D. & Zuhdi U. The Government Expenditure Efficiency towards the Human Development. Procedia Economics and Finance, 2013.-5, pp.615–622.
4. William F. Sh. “Portfolio Theory and Capital Markets”. USA. McGraw-Hill. pp. 2000. 123.
5. Алешин Л. Н. Анализ воздействия объемов инвестиций в основной капитал на динамику денежной массы и экономического роста России // Научные труды Вольного экономического общества России. 2012. Т. 161. С. 284-301.
6. Беляев Д. В. Воздействие прямых иностранных инвестиций на экономический рост и реальный сектор национальной экономики страны-реципиента на примере России и Польши // Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. 2013. № 4 (82). С. 24-25.
7. Ваҳобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. (2010)Хорижий инвестициялар.Тошкент: “Молия”. 346-б.
8. Гурцкой Д.А. Влияние инвестиций на рост отечественной экономики. // Альманах современной науки и образования. Тамбов: Грамота, 2014. № 3. С. 61-63.
9. Довбий И.П. Принципы кредитного обеспечения инвестиционно-инновационных процессов региона. Челябинск: Изд. центр ЮУрГУ, 2011. – С. 18.
10. Жарковская Е.П. Финансовый анализ деятельности коммерческого банка. - Учебник. — 2-е изд., стер. — М. : Издательство «Омега-Л», 2011. — 325 с.
11. Захаров В., Голикова Е. Иностранные инвестиции в экономике России: за и против // Проблемы теории и практики управления. 2012. № 03. С. 120-125.

12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017, 103 б.
13. Мицек С. А., Мицек Е. Б. Сбережения, инвестиции и модель эко номического роста с запасами // Финансы и кредит. 2012. № 47. С. 2-6.
14. Мишина Д. В. Взаимосвязь инвестиций и экономического роста: ретроспективный анализ // Экономика и предпринимательство. 2013. № 7 (36). С. 33-36.
15. Овсенюк М. Воздействие прямых иностранных инвестиций на экономический рост и социально-экономическое развитие // Вестник РАЕН. 2013. № 2. С. 25-28.

Musirmonova M.N. **-** *ОБМ minglovchisi*

ELEKTRON BANK XIZMATLARINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Mamlakatimizda tijorat banklarining mavjudligi bo‘yicha o‘n yildan ortiq tajribaga ega bo‘lishiga qaramay, aholi haligacha bank muassasasini xizmat ko‘rsatish sohasidagi tashkilot sifatida qabul qilishga o‘rganmagan. Ular bank xizmatlarini sotib olishga odatlanmagan va shuning uchun ular uchun pul to'laydilar. Bizning fikrimizcha, teskari stereotip shakllangan: bank bizga to'lashi kerak, aks holda bu nima uchun kerak? Qarindoshlarga kurer orqali pul o'tkazish yaxshiroqdir. Uning mamlakatning yarmi bo'ylab sayohat qilgani bank o'tkazmasidan ko'ra ko'proq tanish emas. Maoshni kartadan yechib olgandan ko'ra, kassa oynasini itarib, keyinroq ko'tarib, yuragingizga bosib, atrofga qarab olgan ma'qul.

Xususiy omonatchilar va ularning pul mablag'lari yuqori rentabellikdagi bank vositalarining yo'qolishi bilan banklar uchun ko'p hollarda keraksiz bo'lib qoldi. Omonatchilar, o'z navbatida, depozitlar bo'yicha katta pul ishlash, hatto ikkinchisini yo'qotish mumkin emasligini anglab, banklarni chetlab o'tishni boshladilar. Ba'zi banklar o'z ishlanmalarini yo'qotmaslik, kadrlar, chakana mahsulotlar bilan ishlash infratuzilmasi va yaxshi yo'lga qo'yilgan texnologiyalarni yo'qotishni istamay, chakana savdoni saqlab qolishdi. Biroq, yaqinda vaziyat o'zgara boshladi. Xususiy mijozlarga nisbatan bank hamjamiyati tomonidan ham, ikkinchisi tomonidan ham banklarga nisbatan keskin o'zgarishlar. Buni banklarda jismoniy shaxslardan mablag‘larni jalb qilish dinamikasi ham isbotlab turibdi – bu sohadagi yetakchilar.

Mutaxassislar chakana bank bozoridagi sifat o‘zgarishlarini ishonch bilan bashorat qilmoqdalar: bank xizmatlari ko‘lami kengayadi, bank xizmatlari yanada yaxshilanadi va qulay bo‘ladi, yangi bank mahsulotlari paydo bo‘ladi. Oxir oqibat, ko'proq bank xizmatlari iste'mol qilinadi.

Mamlakatimizda bank operatsiyalarini yanada rivojlantirish va takomillashtirishning eng muhim muammosi aloqa tizimlarini modernizatsiya qilishdir. Ma'lumki, uyda va ofisda bank operatsiyalarini amalga oshirish nisbatan uzoq vaqt davomida bank mijozlari uchun mavjud bo'lib kelgan. Ular pochta orqali

(yoki telefon orqali) o'z hisobvaraqlaridagi pul mablag'larining harakati to'g'risida bank ko'chirmalarini oldilar va bankka o'zlarining cheklarini yubordilar. Mijoz va bank o'rtasidagi bu turdagi aloqa qog'oz hujjatlardan keng foydalanishni o'z ichiga oladi. Uyda va ofisda bank operatsiyalarini amalga oshirish uchun zamonaviy telekommunikatsiya tizimlari, mutaxassislarning fikriga ko'ra, muqarrar ravishda murakkablashadi va keyinchalik dunyoning barcha mamlakatlarida keng qo'llaniladi.

Kelajakda uy banki chakana bankingning asosiy shakli - aholiga xizmat ko'rsatishning asosiy shakliga aylanishi shubhasiz. U bankomatlar, kredit va to‘lov kartalaridan foydalanishga asoslangan xizmatlar hamda bank filiallari tomonidan ko‘rsatiladigan xizmatlarni uyda bank videoxizmatining yagona tizimiga birlashtirishni ta’minlaydi.

G‘arb iqtisodchilarining fikricha, bank muassasalari inqilobiy o‘zgarishlarni kutmoqda. Telekommunikatsiya va shaxsiy kompyuterlarning rivojlanishi millionlab xodimlarga uydan turib ishlash imkonini beradi. Bu 4 millionga yaqin ofis joylarini bo'shatadi va shu bilan ma'muriy binolar va ofis maydoniga bo'lgan ehtiyojni kamaytiradi. Xodim uchun uy to'planadigan va ish uchun zarur bo'lgan barcha ma'lumotlar uzatiladigan ish joyiga aylanadi. Ish vaqtining bir necha daqiqasini ham boy bermaslik uchun mashinalarga kompyuterlar ham o‘rnatiladi. Innovatsiyalar natijasida mehnat unumdorligi qariyb 4 barobar oshadi, qo'shimcha xarajatlar kamayadi, ularning daromadlari va rentabelligi keskin oshadi deb taxmin qilinadi.

Омонов А. *- ТМИ кафедра мудири**,** и.ф.д., проф.,*
Эрниёзова Ш. *- ТМИ, Магистр*

ХАЛҚАРО ЛИКВИДЛИК МУАММОЛАРИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Дунё мамлакатлари ўртасида кучайиб бораётган ўзаро ижтимоий-иқтисодий алоқалар ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви халқаро ликвидликни таъминлашни ҳамда у билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш заруриятини келтирибю чиқармоқда. Халқаро ликвидликни таъминланмаслиги ва у билан боғлиқ рискларни тегишли тартибда ҳал этилмаслиги қатор инқирозларни келтириб чиқаради.

Хусусан ушбу инқирозлар қуйидаги йўналишлар бўйича вужудга келиши мумкин:

-қимматли қоғозлар бозоридаги инқироз;

-қарз-мажбуриятлар билан боғлиқ инқирозлар;

-валюта инқирозлари;

-банк инқирозлари;

-ликвидлилик инқирози, ликвидлилик рискининг ортиши, молиявий ҳолатнинг ёмонлашуви билан боғлиқ тарзда тўловларни амалга ошириш имкониятининг қисқа вакт ичида йўқолишини англатиб, макроиқтисодий

даражада тўлов тизимидаги танглик, унинг асосини ташкил этувчи банкларда ликвидлиликнинг кескин пасайиши, халқ хўжалигидаги ҳисоб-китоблар узлуксизлигини таъминлаш учун иктисодиётда пул маблағларининг сезиларли даражада етишмаслигидир.

Халқаро ликвидликни таъминланмаслиги натижасида, юқорида қайд этилган инқирозларнинг вужудга келиши ҳар бири молия бозорининг бир сегментидаги инқирозли ҳолатни кенг қамровли молиявий инқирозга айлантирувчи механизм бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бинобарин, валюта инқирозлари банк инқирозларини келтириб чиқариши мумкин.

Халқаро ликвидликни таъминланмаслиги натижасида қатор муаммолар вужудга келади, улар қарор топаётган давлатларда қуйидаги параметрлар билан тавсифланади:

- акциялар бозори капиталлашувининг 20 %дан ортиққа пасайиши;
- бозор фоиз ставкасининг 20%дан ортиққа ошиши;
- йиллик инфляция суръатининг 20%дан ортиққа ўсиши;
- хорижга чиқиб кетадиган капитал миқдорининг 30 %дан ортиққа кўпайиши;
- миллий валюта алмашув курсининг 15%дан ортиққа пасайиши;
- Марказий банк олтин-валюта захираларининг 20% дан ортиққа камайиши;
- банк сектори депозит базасининг 10 %дан ортиққа камайиши;
- ички кредитлар ҳажмининг 10 %дан ортиққа қисқа-риши.

Тадқиқотлар натижалари халқаро ликвидлик инқирозлари бўсағасида глобал фондлар томонидан сезиларли даражада юқори қисқа позициялар эгалланганлигини тасдикламокда. Муайян валютага спекулятив ҳужумни амалга ошириш сезиларли фоиз харажатлари билан нечоғлиқ боғлиқ бўлмасин, маълум портфель бошқарувчиси мамлакатга спекулятив ҳужумни фақатгина қуйидаги ҳолларда бошлайди:

а) бошқа портфель бошқарувчилари ҳам мамлакатга спекулятив ҳужумни амалга оширишларига ишончи комил бўлса;

б) маҳаллий валютанинг сезиларли даражада девальвацияга учрашига ишонса.

Ликвидликни таъминланиши ва у билан боғлиқ муаммоларни бартараф этилиши қуйидаги натижаларни беради:

- халқаро ва маҳалий банкларнинг ликвидлик даражаси таъминланади. Тижорат банкларининг етарли ҳажмда молиявий маблағларга эга бўлиши, уларга барқарор молиявий фаолиятни давом эттиришга шароит туғдиради. Шу боис, банкларнинг ликвидлилик даражасини таъминланиши акциядорлар, мижозлар, аҳоли ва инвесторларнинг уларга нисбатан ишончнинг таъминланишига ижобий таъсир қилади;

- банкларнинг барқарор даромад манбаси шакллантирилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолияти фойда олишга қаратилади, бундай ҳолатдан тижорат банклари ҳам

ҳоли эмас. Тижорат банкларининг даромад (фойда) манбасининг шаклланиши банк акциядорларига дивидендлар тўлаш билан бирга, уларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва захира фондларини шакллантириш имкониятини беради;

- банкларнинг ипотека кредитини бериш имконияти ортади. Тижорат банклари ипотека кредити рискининг самарали бошқарилишининг йўлга қўйилиши берилган кредитларнинг қўшимча даромад билан тўлиқ қайтиши, банк кредит сиёсатининг самарадорлигини ортиши каби ижобий ҳолатни шакллантиради. Буларнинг барчаси банкларга қўшимча молиявий ресурсларга эга бўлиш имконини ошишига, бу эса ўз навбатида уларнинг ипотека кредитлари ҳажмини ортишига шароит яратади;

- банк акциядорлари, инвесторлар ва аҳолининг банк сиёсати ва истиқболига ишончи мустаҳкамланади. Банкларда кредит сиёсатининг самарадорлигини таъминланиши уларнинг ликвидлилигини таъминлаш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга олиб келади. Буларнинг барчаси банкларга мажбуриятларни тўлиқ ва тўхтовсиз бажариш имкониятини беради, натижада акциядорлар, инвесторлар ва аҳолининг банкларга нисбатан ишончини ошишига олиб келади;

- миллий валютанинг барқарорлиги ортади. Акциядорлар, инвесторлар ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг мустаҳкамланиши банкдан ташқари нақд пул айланмаларнинг қисқаришига ва вақтинчалик бўш пул маблағларнинг қисқаришига олиб келади. Булар ўз навбатида миллий валютанинг барқарорлигини мустаҳкамлайди.

Халқаро ликвидликни бошқаришга таъсир этувчи омилларни ташқи ва ички омилларга ажратишимиз мумкин.

Ички омиллар: банкнинг кредит сиёсати, кредит олувчининг молиявий фаолиятининг таҳлили, кредит ҳужжатларининг етарлилиги, гаров қиймати ва бошқалар.

Ташқи омиллар: қарз олувчининг молиявий ҳолати, ҳукуматнинг сиёсати ва мамлакатдаги макроиқтисодий ҳолат, фонд ва молия бозорларидаги ҳолат.

Тезиснинг поёнида таъкидлаш лозимки, халқаро ликвидликни таъминланиши мамлакат миллий иқтисодиётини ривожига ижобий таъсир кўрсатади, шу билан бирга, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашга имконият беради.

Турғунмирзаев А.Ш. *- ОБМ тингловчиси*

ИСЛОМ СУҒУРТА(ТАКАФУЛ)СИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамияти ва иқтисодиётида бўлаётган кескин ўзгаришлар (иқтисодий санкциялар, инқирозлар, сиёсий ўзгаришлар ва тўсиқлар, сиёсий вазиятлар натижасида аҳоли миграциясининг кучайиши,

пандемия ва бошқалар) натижасида иқтисодий ривожланиш вектори ва стратигиясини, жумладан молия институтлари ривожланишини қайта кўриб чиқишни, шунингдек суғурта соҳаси ва унинг элементлари, янги усулларини (ислом суғуртаси такафулни) кенг жорий этишни давр талаб қилиб қўймоқда.

Ҳозирги кунда тижорат ва ўзаро суғурта кўплаб мамлакатларнинг суғурта хизматлари бозорларида кенг ривожланиб келмоқда. Ислом суғуртаси жаҳон суғурта бозорида ҳам муваффақиятли ривожланиб барча аҳоли қатламлари орасида кенг фойдаланиб келинмоқда. Шунингдек, миллий суғурта бозоримиз истеъмолчилари орасида ҳам жуда катта қизиқиш ўйғотмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келганлиги шунингдек, бунда Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертларини жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган[1].

Ислом суғуртаси турли шаклларда амалга оширилиши мумкин, жумладан такафул, вақф, ўзаро ёрдам жамғармалари ва ўзаро суғурта кўринишида. Мисол учун, “такафул” арабча сўз бўлиб “ўзаро кафолатлаш” маъносини билдиради ва Ўзбекистон қонунчилигида кўзда тутилган, фуқаро ва ташкилотлар томонидан муайян пул маблағларини бирлаштириш йўли билан, амалга оширилиши мумкин бўлган икки томонлама суғуртага мос келади. Ушбу суғурта тури айрим мамлакатларда вақф кўринишида ҳам қўлланиб келинмоқда. Бундан, молиявий маҳсулот ёки тизимнинг нафақат номига балки унинг шакли ва тамойилларига ҳам эътибор қаратиш муҳимлигини англашимиз мумкин.

Ислом суғуртаси ёки такафул – бу ислом молия тизимининг янги ривожланиб келаётган йўналишларидан биридир. Сўнгги йилларда ислом суғурта тизими барқарор ўсиш кўрсаткичларини намоён этиб келмоқда, аммо бу ислом молия тизимининг бошқа соҳаларига нисбатан ривожланиш даврини босиб ўтмоқда.


Жаҳон такафул бозори 2020 йилда 23,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, бу турли хил хизмат кўрсатиш дастурларининг рақамлаштирилиши билан боғлиқ эди. Соҳага янги маҳсулотларнинг (суғурта турларининг) киритилиши натижасида 2021-2026 йилларда бозор ҳажми ўртача 13 фоиз ўсиши натижасида 2026 йилга келиб такафул суғурта бозори 49 миллиард АҚШ долларни ташкил этиши таҳмин қилинмоқда[2].

1-расм. Ислом суғурта(такафул)ни амалга ошириш тизими[3]

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778) сон.


[2] https://www.expertmarketresearch.com/reports/takaful-market. Global Takaful Market. By Product: Life/Family Takaful, General Takaful; Regional Analysis; Historical Market and Forecast (2016-2026).

[3] https://islommoliyasi.uz/uz/islom-sugurta-tizimi/



Такафул тўғри амалга оширилиши учун махсус суғурта жамғармаси тузилади. Жамғарма аъзолари олдиндан эълон қилинган тартиб-қоидага кўра суғурта учун бадалларни эҳсон сифатида жамғармага киритишади, жамғарма эса ўз мулкига айланган ушбу маблағлар ҳисобидан аъзоларининг келишилган зарарларини қоплаб туради. Йил якунида суғуртадан ортган маблағларнинг бир қисми жамият низомидаги тартиб-қоидалар асосида кейинги йиллар захирасига олиб қўйилиши ёки аъзолар ўртасида тақсимланиши, вақф шаклида тузилган жамғарманинг қолдиғидан эса муҳтожларга моддий ёрдам ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамғарма бошқаруви одатда тижорат ташкилотига топширилади. Бунда бошқарувчи ташкилот жамғармага эгалик қилмайди, балки жамғарма фаолиятини вакил сифатида бошқаради ва ўзининг ҳизматлари эвазига жамғармадан ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда, бошқарувчи ташкилот ва жамғарма аъзолари ўртасида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келмайди, чунки жамғарма ҳисобидан зарарларни тўламасликдан бошқарувчи ташкилот ҳеч қанақасига манфаатдор бўлмайди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозим: жамғарманинг товон тўловидан ортган қисми жамғарма ва унинг аъзолари ихтиёрида қолдирилади, яъни бошқарувчи ташкилот тасарруфига ўтказилмайди.



2-расм. Ислом суғуртасининг ташкилий-иқтисодий механизмларини жорий этиш ва амалга ошириш алгоритми[1]

Баъзида кўрилган зарар тахмин қилинган кўрсаткичлардан юқори бўлиб қолиши ва шу сабабли жамғарилган бадаллар зарарларни қоплашга етмай қолиши мумкин. Шундай пайтларда товон тўлови учун керак бўлган маблағ жамғарманинг бошқарувчи ташкилотидан қарз ёки бошқа ўзаро суғурта жамиятларидан (аввалроқ тузилган келишув асосида) ёрдам сифатида олинади.

Олинган қарзлар кейинги йиллардаги суғурта тўловларидан ортган захира ҳисобидан қайтарилади. Агар бошқа жамғармалардан, уларга олдиндан бадал ўтказиб туриш ҳисобига, ёрдам пули олинган бўлса, ушбу ёрдам пули қайтарилмайди.

Ҳар қандай мамлакат миллий суғурта тизимига ислом суғуртаниси жорий этиши ва ривожлантиришда қуйида йўналишларда фаолият олиб боришлари (2-расм) мақсадга мувофиқ ҳисобланади, яъни:

1. Давлат органлари, шу жумладан суғурта назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш;

2. Суғурта ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш;

3. Салоҳиятли суғурталанувчилар орасида янги стереотипларни шакллантириш ишларини олиб бориши керак бўлади.

Ислом суғурта тизими иштирокчиларидан такафул-компанияларнинг функциялари:

1. Ҳимоя функциялари: суғурта рискларини баҳолаш; суғурта тўловларини амалга ошириш; маблағларни такафул-фонд иштирокчилари

[1] Умаров Х.С. К вопросу об исламском страховании «такафул» // Страховое дело. 2014. № 4. С. 47–53.

ўртасида қайта тақсимлаш ва бошқалар.

2. Жамғариш функцияси: иштирокчиларнинг такафул-фонд маблағларини инвестиция қилиш натижасида даромад олишлари; иштирокчилар ўртасида фойдани тақсимлаш.

3. Огоҳлантириш функциялари: суғурта рискларини баҳолаш; суғурта заҳираларини шакллантириш (такафул-фонд доирасида) ва бошқалар.

4. Инвестицион функциялар: такафул фондларга комиссион тўловларни олиш; маблағларни тақсимлаш; дин томонидан тасдиқланган йўналишларда фонд маблағларини инвестиция қилиш; такафул-операторлар томонидан фондга бадалларни қабул қилиш.

5. Ташкилий функциялар: жисмоний ва юридик шахслар билан шартномалар тузиш ва шахсий такафул бўйича суғурта полисларини тақдим этиш; худудда ислом суғуртасини тарғиб этиш; шахсий суғурта бўйича компенсация тўловларни ташкил этиш; оила суғуртаси бўйича фойда тўлашни ташкил этиш; суғурта бадалларини қабул қилишни ташкил этиш ва бошқалар[1].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778) сон.

2. Умаров Х.С. К вопросу об исламском страховании «такафул» // Страховое дело. 2014. № 4. С. 47–53.

3. Abdurakhmonov, Ilyos PhD, associate prof. (2021) "ISLAMIC INSURANCE OR TAKAFUL: PROBLEMS AND SOLUTIONS OF INTRODUCTION," International Finance and Accounting: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 8. Available at: https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss2/8

4. https://www.expertmarketresearch.com/reports/takaful-market. Global Takaful Market. By Product: Life/Family Takaful, General Takaful; Regional Analysis; Historical Market and Forecast (2016-2026).

5. https://islommoliyasi.uz/uz/islom-sugurta-tizimi/

[1] Abdurakhmonov, Ilyos PhD, associate prof. (2021) "ISLAMIC INSURANCE OR TAKAFUL: PROBLEMS AND SOLUTIONS OF INTRODUCTION," International Finance and Accounting: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 8. Available at: https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss2/8

Oripov B.G. *- CHEKI "HAMKORBANK"*
Namangan mintaqaviy filiali bosh buxgalteri.

O‘ZBEKISTONDA ISLOM MOLIYASINI JORIY ETISH ZARURIYATI VA ISLOM MOLIYASINING ASOSIY INSTRUMENTLARI TO’G’RISIDA TUSHUNCHA

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasida mamlakatimizda islom moliyasini joriy etish vaqti kelganligini ta’kidlab shunday dedi: “Mamlakatimizda islom moliyaviy xizmatlarini joriy etish bo‘yicha huquqiy bazani yaratish vaqti-soati keldi. Bunga Islom taraqqiyot banki va boshqa xalqaro moliya tashkilotlari ekspertlari jalb etiladi”[1].

Bugungi kunda moliyaviy bank xizmatlari ko’rsatish jarayonida an'anaviy bank ishining eng muhim jihati shundaki, pul pulni yaratadi yoki pul foiz mukofot puliga ega buladi. An'anaviy bank ishining asosiy jihati shariat tomonidan taqiqlangan foizlardan iboratdir. Foizlar Islom moliyasi tamoyillariga zid hisoblanadi. Bu esa Respublikamizda shariat tamoyillriga asosan faoliyat yuritman degan biznes egalari uchun Islom moliyasiga extiyoj tug’dirmoqda.

Islom moliyasi bu o’zi nima?

Islom moliyasi – shariat tamoyillariga zid bo‘lmagan moliyaviy biznesni aks ettiruvchi atama. An'anaviy moliya, xususan, odatdagi bank biznesi, mablag‘larni jalb etish va aholi hamda tadbirkorlarni moliyalashtirishga tayanadi. Shuning uchun bankir bilan mijozlar o‘rtasidagi munosabatlar har doim qarzdor-kreditor munosabatlaridir[2].

Pul hech qachon tovar sifatida qabul qilinmaydi. Buning o‘rniga Islom qonunchiligi doimiy ravishda pulni almashinuv vositasi, qiymat o‘lchovi va hisob-kitob birligi sifatida ko‘radi. Pul o‘z-o‘zidan pul yarata olmasligi sababli, foizga muqobil ravishda pul va foyda o‘rtasida bog‘liqlik o‘rnatilishi kerak.

Aynan shuning uchun, Islom banklari birinchi navbatda savdo, lizing va pullik operatsiyalar hamda investitsiya faoliyati bilan shug‘ullanadi. Islom banklari foiz olish maqsadida depozit olish va qarz berishlari mumkin emas. Islom banklari va ularning mijozlari o‘rtasidagi munosabatlarning mohiyati turli xil moliyaviy instrumentlar yoki shartnomalarga ko‘ra farq qiladi.

Men ushbu maqolada Islom moliyasidagi asosiy moliyaviy instrumentlarni ko‘rsatib o’tmochiman.

Islom moliyasining asosiy instrumentlari quyidagilar:

- **Murobaha** shartnomasi tomonlar o‘rtasida oldi-sotdi shartnomasi ustama haq evaziga bo‘lishini anglatadi. Murobaha Islom banklari tomonidan amalga oshiriladigan aktivlarni moliyalashtirishning eng keng tarqalgan usuli

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. https://uzlidep.uz/uz/news-of-uzbekistan/7998

[2] https://kun.uz/uz/news/2020/12/29/ozbekistonda-islom-moliyasi-xizmatlarini-joriy-qilish-vaqti-keldi-shavkat-mirziyoyev

hisoblanadi. Ushbu shartnoma mijoz, tovarlarni yetkazib beruvchi va Islom banki o‘rtasida uch tomonlama imzolanadi. Bank yetkazib beruvchidan qisqa yoki uzoq muddatli aktivni sotib olib, mijozga qimmatroqqa ustama haq bilan, belgilangan muddatda to‘lash sharti bilan sotadi. Bank moliyalashtirilayotgan aktivni garovga olishi yoki boshqa turdagi kafolatni talab qilishi mumkin. Murobaha shartnomasida sotuvchi o‘z yetkazib beruvchisidan tovarlarni sotib olayotganda, xaridorga sotib olishning tannarxini sotishdan oldin aytadi, ya'ni bank tovarning tannarxiga qancha ustama qo‘yganini oshkor qiladi.

An'anaviy banklardan farqli o‘laroq, narx bo‘yicha kelishilgan qo‘shimcha foyda davr davomida o‘zgarmaydi. Amalda Islom banklari an'anaviy banklar bilan raqobatbardoshlikni yo‘qotmaslik uchun muddatidan oldin to‘lovni to‘liq amalga oshirsa, Murobaha shartnomasi uchun chegirma berishi mumkin, bunda chegirma Murobaha shartnomasida oldindan kelishilgan bo‘lishi mumkin emas.

Muddatida yopilmagan to‘lovlar uchun jarima esa, tovon puli sifatida shartnomaga kiritilishi mumkin, ammo xayriya mablag‘lari sifatida tarqatilishi zarur. Chunki bu jarima faqat mijozlarni tartibga chaqirish va mijozlar Murobaha shartlarini suiiste'mol qilishlarining oldini olishga qaratilgan. Bank ushbu jarima pulining bir qismini mijoz o‘z vaqtida to‘lamaganligi tufayli bank tomonidan bajarilgan xarajatlarni qoplash uchun olishi mumkin (misol uchun, to‘lovlarni undirish uchun ketgan sarf-xarajatlar). Yo‘qotilgan imkoniyat yoki mablag‘ sarflari uchun jarima olish mumkin emas.

- **Muzoraba** – bu investor («Robbul mol») va tadbirkor («Muzorib») o‘rtasidagi foydani taqsimlash shartnomasi. Muzoraba shartnomasida investor foydani kelishilgan nisbatda yoki foizda tadbirkor bilan taqsimlashga rozilik beradi.

Tadbirkorlik faoliyati uchun kapital manbai sifatida, tadbirkor Muzoraba shartnomasi bo‘yicha Islom bankidan sarmoya olishi mumkin. Agar bank rozi bo‘lsa, har ikki tomon ham korxona foydasini bo‘lishishini tushungan holda tadbirkorga mablag‘ beradi.

Banklar omonat jalb qilish faoliyatida, Muzoraba shartnomasi bo‘yicha jismoniy yoki yuridik shaxslardan jalb qilingan pullarga sarmoya sifatida qaraladi. Bank ushbu investitsiyalarni tijorat faoliyatidan, ya'ni jismoniy shaxslar va tadbirkorlarni moliyalashtirish uchun ishlatadi. Muzoraba shartnomasiga binoan, bank omonatchiga investitsiyalar evaziga o‘z foydasidan ulushni oldindan kelishilgan nisbat asosida berishga rozi bo‘ladi.

Muzoraba orqali investitsiyalarni moliyalashtirish – bu bankning mijozi bo‘lgan tadbirkorlar tomonidan olingan foydani taqsimlash maqsadida tadbirkorlik faoliyati bilan bog‘liq tavakkalchilikda ham ishtirok etishni nazarda tutadi. Muzoraba shartnomasi ishtirokchilari faqatgina ushbu korxonalar muvaffaqiyatli bo‘lgan taqdirda foyda ko‘radi. Agar loyiha muvaffaqiyatsiz bo‘lsa, moliyachi sarmoyasini yo‘qotadi, tadbirkor esa loyihaga sarf qilingan vaqt va kuchini yo‘qotadi.

Muzoraba, Mushorakadan farqli o‘laroq, investor («robbul mol»)ga biznesni boshqarishda ishtirok etish huquqini bermaydi.

- **Mushoraka** – bu sherikchilikning bir shakli. Buni odatdagi kapital bozoridagi aksiyalarni sotib olishga o‘xshatish mumkin, ammo qilingan investitsiyalar shariat tamoyillariga mos keladigan aksiyalar va moliyaviy qimmatli qog‘ozlar yoki boshqa aktivlar bilan cheklanishi kerak.

Muzoraba kabi kapitalga asoslangan moliyalashtirishning bir shakli sifatida, Mushoraka – bu moliyalashtiruvchi tomonidan tadbirkorlik faoliyati bilan bog‘liq xatarlarda ishtirok etish majburiyatini keltirib chiqaradi. Mushorakada barcha sheriklar korxona foydasi yoki zararini bo‘lishadigan qo‘shma korxona hisoblanadi. Foyda taqsimoti kelishilgan nisbati, ammo zararni taqsimlash nisbati esa har doim sheriklarning kapitalga kiritgan ulushiga mutanosib bo‘lishi kerak. Shuningdek, bu investorga korxonani boshqarish, kundalik amaliyotlar va korxona faoliyatini rivojlantirish bo‘yicha muhim qarorlarni qabul qilishda ishtirok etishiga imkon beradi.

Foydani taqsimlashda Mushoraka tomonlarning sarmoyadagi ulushi va korxonani boshqarishdagi sa'y-harakatlariga qarab turlicha bo‘lishi mumkin. Mushoraka turli iqtisodiy sohalarni moliyalashtirish uchun eng moslashuvchan va qulay vosita hisoblanadi.

- **Ijara** – o‘z nomi bilan, ijara yoki lizing shartnomasidir. Ijaraga berilgan mulk huquqi buyurtmachiga o‘tkazish imkoniyati ko‘zda tutilgan bo‘lsa, ijara shartnomasi «Ijara muntahia bi tamlik» (mulkdorlik bilan yakunlanuvchi ijara) deb yuritiladi. Ushbu moliyalashtirish vositasining maqsadi ijara muddati tugagandan so‘ng ijara oluvchiga ijara obektini uning nomiga o‘tkazib berishdir.

Ushbu ijara konsepsiyasi Islom moliyasi muassasalari tomonidan qo‘llaniladigan moliyaviy lizingga muqobil mahsulot hisoblanadi. Ijaraning bir nechta shakllari mavjud bo‘lib, ular ijara beruvchidan ijara oluvchiga sovg‘a qilish, sotish va ulushni o‘tkazish kabi aktivga egalik huquqini o‘tkazishning turli xil usullarini aks ettiradi.

- **Takoful** – arabchada «kafala» so‘zidan kelib chiqqan bo‘lib, kafolat berish ma'nosini beradi. Aniqroq aytganda, bu «takafala» fe'lidan kelib chiqib, o‘zaro kafolat berish va bir-birini himoya qilish ma'nosiga ega. Shuning uchun, so‘zma-so‘z tarjima qilinganda, bu o‘zaro yordamni anglatadi.

Ta'kidlash joizki, Takoful shartnomasi bir-birlariga yordam berish g‘oyasiga asoslangan bo‘lib, har bir ishtirokchi o‘zaro himoya qilish kelishuviga ko‘ra, har qanday yordamga muhtoj a'zoga moddiy yordam ko‘rsatish uchun umumiy jamg‘armaga o‘z hissasini qo‘shadi. Asosan Takoful o‘zining falsafasi va tuzilishi jihatidan an'anaviy o‘zaro sug‘urtaga juda o‘xshaydi. Takofulning barcha faoliyati Islom tamoyillarga asoslangan bo‘lishi, unda shariat kengashi tashkil etilishi va da'volar haqiqatan ham qonuniy bo‘lishi kerak.

- **Salam** – xomashyo narxini darhol to‘lash, xomashyoni esa kelishilgan kechiktirilgan muddatda yetkazib berish uchun sotib olishni anglatadi. Salam shartnomasida narx to‘liq va oldindan to‘lanadi. Ushbu turdagi shartnomalar xomashyo narxi o‘zgarishi mumkin bo‘lgan joylarda qo‘llanilishi mumkin. Xaridor shartnoma imzolangan kunga sotib olish narxi bilan kafolatlanadi va shu bilan

narxlarning ko‘tarilishidan saqlanadi (demak, risklarni boshqarish vositasi sifatida ishlatiladi).

- **Istisna** – bu sotiladigan obektni qurish, ishlab chiqarish yoki tiklash uchun belgilangan narx bo‘yicha, belgilangan muddat davomida, tomonlar o‘rtasida belgilangan xususiyatlarga ega obektni moliyalashtirish shartnomasi. Istisnani moliyalashtirishda savdo obektini quradigan, ishlab chiqaradigan yoki tiklaydigan mijozga avans to‘lovlari shaklida taqdim etiladi.
- **Sukuk** – mulkchilik manfaatlarini ifodalovchi teng nominaldagi investitsiya sertifikati. Sukukni sarmoyadorlarga foyda keltiradigan va an'anaviy aktivlar bilan ta'minlangan qimmatli qog‘ozga o‘xshash Islom moliyalashtirish instrumenti deb tasavvur qilsa bo‘ladi. Sukuk ribo yoki foizni taqiqlovchi shariat tamoyillariga muvofiq tarzda tuziladi. Sukuk davlatlar yoki tashkilotlar tomonidan chiqariladi va turli xil bitimlar asosida bo‘lishi mumkin, xususan, Murobaha, Ijara, Istisna, Mushoraka va boshqalar[1].

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati

1. Iqtisodiy tahlil elektron jurnali. https://review.uz/uz/post/zbekiston-xalaro-obligatsiyalarining-jaon-moliyaviy-bozorlarida
2. E.A.Baydaulet. Islomiy moliya asoslari. Toshkent, “O’zbekiston”, 2019-yil.
3. O'zbekiston tarixida birinchi marta Hamkorbank va IFC London fond birjasida obligatsiya joylashtirishdi. https://hamkorbank.uz/uz/search/?q=O%27zbekiston+tarixida+birinchi+marta&tags=&how=r
4. Islomiy moliya va bank tizimi. Toshkent, “O’zbekiston”, 2014-yil.
5. Ibrahim Warde. Islamic finance in the global economy, Edinburgh: Edinburgh University Press. 2010.
6. Islomiy moliya asoslari. Toshkent, “O’zbekiston”, 2019-yil.
7. Charilaos Mertzanis. The absorption of financial services in an Islamic environment // Journal of Economic Behavior & Organization Volume 132, Supplement, December 2016, Pages 216-236
8. «Islom iqtisodiy modeli va zamon», “O’zbekiston”, 2019-yil.
9. IIFM. (2020). IIFM Annual Sukuk Report. Kuala Lumpur, Malaysia: International Islamic Financial Market. www.iifm.net/IIFM-Sukuk-Report-9th-Edition.pdf ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.
10. Dragon YongjunTang Yupu Zhang. Do shareholders benefit from green bonds? // Journal of Corporate Finance. Volume 61, April 2020, 101427.

[1] “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №1, февраль, 2021 йил. ISSN: 2181-1016

Наврузов Т.О. *– ОБМ тингловчиси*

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар динамикаси таҳлили ҳақида тўхталиб: “Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий таҳлилни талаб этади [1]. Бундай инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган” деб таъкидлаганлар.

Хусусан, 2017-2020 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги 327 та инвестиция лойиҳалари доирасида 10,26 млрд. доллар кредит маблағлари ўзлаштирилиб, қатор соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Жумладан, маблағлар ёқилғи-энергетика саноатига (5,88 млрд. доллар); коммуникация ва мудофаа саноатига (1,56 млрд. доллар); қишлоқ ва сув хўжаликлари тизимига (1,27 млрд. доллар); молиялаштириш йўналишига (0,95 млрд. доллар); ижтимоий соҳаларга (0,47 млрд. доллар) ва бошқа тармоқларга йўналтирилди. Шунингдек, амалга оширилаётган сиёсатдаги ўзгаришлар фондида Мамлакатимизда жалб қилинган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 2018-йилдаги қариб 1,6 миллиард доллардан, 2019-йилда 4,2 миллиард долларгача ўсди. Сўнги беш йил ичида Ўзбекистонда ўз фаолиятини сезиларли даражада яхшилашга муваффақ бўлди.

Жаҳон банкининг, 2020 йилги бизнес юритиш ҳисоботида ўринни эгаллади ва “ глобал такомиллаштириш бўйича 20 та яхши ташкилот” қаторидан жой олди. Жумладан, прогноз маълумотлар кўра 2030 йилга бориб, Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Бунга, аввало, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (FDI) ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги муносабатлар академиклар ва ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматлари томонидан катта эътиборни жалб қилади. Иқтисодий ўсиш учун уларнинг асосий йўналиши, (FDI) ажратилган сиёсати ушбу мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш ва ривожлантириш жараёнида (Vo et al. 2019 йил). (FDI) -нинг иқтисодий-инвестицион номутаносибликни камайтиради ва ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган технологияларни таъминлайди товарлар ва хизматлар. Бундан ташқари, (FDI) солиқ тушумини, шунингдек, инсон сармояси (Buckley et al. 2002 йил). кучайтиради.

Мамлактларда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишнинг илмий-назарий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, табиий-хўжалик асослари, жумладан, инвестицион жозибадорлик ва бизнес муҳитга баҳо бериш (World

Bank and International Finance Corporation), инвестиция нормаси, иқтисодий ўсиш ва бошқа муҳим иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни эконометрик тадқиқ этиш (International Monetary Fund, IMF), ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инвестиция муҳити ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (European Bank for Reconstruction and Development, EBRD), тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар детерминантлари (National Bureau of Economic Research, NBER), инфраструктура лойиҳаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш (Asian Development Bank Institute) билан боғлиқ тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилмоқда[1].

Мамлакатимизад бугунги кунда, ҳудудлар кесимида инвестиция дастурларини амалга ошириш ва инвестиция лойиҳаларининг жорий этилиши кўриб чиқилди. Шу йилнинг дастлабки 10 ойида 6,8 млрд долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилгани маълум қилинди. Умумий қиймати 75,5 трлн сўм бўлган 10 112 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди ва натижада 142,8 мингта янги иш ўринлари яратилди. Йил охиригача яна 3145 та янги инвестиция лойиҳасини фойдаланишга топшириш ҳамда жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдорини 8,1 млрд долларга етказиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳар бирига вазирликлар, тармоқ бирлашмалари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари бириктирилди. Мутасаддилар лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан кунлик мониторинг олиб борадилар ва юзага келаётган муаммоли масалаларни ҳал этишда барча имкониятларни ишга соладилар.

Жорий 2020 йилда иқтисодиётда инфляциянинг дастлабки кутилмаларга нисбатан пастлиги таъминланиши Марказий банкнинг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида қайта молиялаш ставкасини 2020 йилнинг апрель ойида 15 %, сентябрида эса 14 %га туширишига сабаб бўлди. Бу банк кредит ставкаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Давлатнинг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш тадбирлари банкларнинг инвестицион кредитлаш ҳажми ошишига ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Бу эса иқтисодиёт ривожланишини таъминловчи инвестиция лойиҳалари амалга оширилиш кўламини янада оширди.

Хусусан, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 55-60 фоизи давлат дастурлари асосида берилаётганлиги, имтиёзли кредитлар улушининг кўплиги, банклар депозит базасининг барқарор эмаслиги, инфляция рискининг юқори эканлиги. бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш зарурати ва аҳамиятини оширади. Тижорат банклари томонидан қарз инструментларини кенгайтириш, маҳаллий корхоналар акцияларини жаҳон фонд бозорларида бирламчи ва иккиламчи жойлаштириш Капитал бозорларини ривожлантириш алоҳида эътибор беришга далолат уйғотмоқда.

[1] http://www.worldbank.org/en/country/mic/overview

Тижорат банклари томонидан кўп миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилганлиги сабабли кредитлар бўйича ҳисобланадиган ўртача тортилган фоиз ставкалари паст даражани ва жалб қилинган депозит маблағлари бўйича ҳисобланадиган ўртача фоиз ставкалари эса юқори даражани ташкил этган, шу сабабли банк томонидан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган фоиз ставкада кредит ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Банкларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинаётган хорижий кредит линияларини ўзлаштиришдаги асосий муаммолардан бири сифатида ликвидли гаров таъминотининг етишмаслигидир. Бу бўйича ҳам тегишли таклифлар ишлаб чиқилиши лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонига асосан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 117-124 бандлари. –www.lex.uz

2. Галикеев Р. Финансовая устойчивость банка и методы рейтинговой оценки // Финансист, 2001, № 2. С. 47—53.

3. Андрианова Л.Н. Рейтинг на рынке ценных бумаг и ведущие международные рейтинговые агентства // Финансы, 2000, № 8. С. 58—60.

4. Carey, M.: Some evidence on the consistency of bank’s internal credit ratings. Working paper, Federal Reserve Board, 2001. Jacobson, T., Lindé, J., Roszbach, K.: Internal rating systems, implied credit risk and the consistency of banks’ risk ромонов

5. В.С. Методика составления рейтинга надежности. Учебник. — 2-е изд., стер. — М. Издательство «Омега-Л», 2011. — 325 с.

Rakhimova G.M. *- TSUE, PhD*

TRANSFORMATION OF THE AUDIT INSTITUTE IN THE CONTEXT OF THE USE OF DIGITAL TECHNOLOGIES

Digital information technologies increasingly determine the realities of the surrounding reality, which determines the trajectory of changes for such a field of professional activity as audit. The article discusses some key trends that determine the development of auditing activities in the near future. It is shown that important trends in the development of audit are its integration into the total digital environment, work with big data, and the transition to continuous audit technologies.

The crisis phenomena in the world economy have highlighted the extent to which the world's economic and financial systems are globally interdependent and interconnected. This interconnectedness brings greater prosperity, but it also entails a high concentration of systemic risks [1]. One of the consequences of this was a

crisis of confidence in the standards of disclosure of information in corporate reporting and the reliability of its presentation. Historically, audit has been one of the key institutions that ensure the credibility of accounting information.

By its internal nature, an audit is an institutionalized technology for verifying and evaluating various indicators of accounting (financial) statements. According to the results of its conduct, external users receive confirmation that the accounting (financial) statements they study are reliable, meet the standards of their preparation and correctly reflect the financial position of the reporting entity, which is especially important for investors and creditors, as a rule, who do not have insider access to the accounting registers and internal reporting of partners.

Therefore, in all discussions and discussions of the problems of the crisis, the question is inevitably raised about the place and role of auditors in ensuring the reduction of systemic and information risks, about their legal, financial, and even broader – ethical and social responsibility. It is also characteristic that the increased interest in these issues is taking place against the background of an unprecedented global revision of regulatory sentiment. So, when the previously seemed differences between external regulation, self-regulation, management control, external and internal audit, etc. are erased.

It is hardly possible to find a quick and unambiguous answer to these questions. But there is no doubt that in the conditions of global institutional turbulence, increased dynamics of social and technological changes, auditing is undergoing serious, if not revolutionary changes. The mechanics by which the drivers of such changes are triggered are partly determined by the internal logic of the development of the audit institute. Like any institution, it is transformed, on the one hand, based on social laws, and on the other - according to its own internal laws. But in part, this mechanics is external, to some extent forced. In particular, it can be seen that auditing, as well as any other area of human activity, is increasingly influenced by various imperatives of innovative technological growth and development.

It should be noted that the topic of the future of auditing is being increasingly considered today in connection with new technologies. It is the subject of numerous discussions, studies, discussions both in the professional community and in the academic environment at the international level. For example, a recent joint global study by Grant Thornton and ACCA was devoted to the technological future of auditing, conducted in such sharply different countries and regions as China, the European Union, Singapore, South Africa, the UAE, the United Kingdom, etc.

One of the main results of this study is the conclusion that in conditions when, thanks to innovative information technologies, the speed and volume of transmitted information are changing dramatically, markets and corporate management systems are forced to react as quickly as possible, and in many cases in real time, the traditional audit that is carried out in relation to reporting containing historical information ceases to meet the requirements of the time. And therefore the time has come to look for new solutions [1].

Unfortunately, domestic researchers do not pay due attention to this aspect yet. Assessing the prospects for the development of auditing, they lose sight of the fact that the key problem, the main challenge faced by the auditing profession (however, as well as accounting), today is that the modern business environment is developing much faster than audit technologies [2, 159p.]. In the conditions of increased speed of communications, accounting information subject to audit quickly loses its relevance, turns out to be much less relevant and relevant than other information. At the same time, the number of channels for obtaining this new relevant information by business has increased significantly today [3, 193-207; 810 – 825p.]

For example, market or corporate news is posted quite quickly on corporate websites or in news reports, they are easily accessible to everyone. Investors can differentiate and quickly change their decisions using information about the quality of products or the release of new product lines. All this information often lies outside accounting accounting systems, and its main advantage is that it is quickly generated, distributed almost instantly after the occurrence of the event initiating it, easily accessible for online processing, etc.

In the new reality, auditors have no alternative to start working with technologies related to the collection, processing, consolidation and analysis of new forms of data and large amounts of information. The above-mentioned ACCA study identified the main drivers that will determine in the near future the global need for accountants and auditors over the next decade. These are new technologies of global communications, smart machines and new media content. New financing models may require new collateral services. The focus of the audit will also shift from passive interaction with the business as an independent entity confirming the reports to an active function of evaluating the effectiveness of management. While it looks unusual, but experience shows that in the modern world, real changes often outstrip the human ability to perceive them as a given.

In order to correctly assess the main trends determining the future of auditing, it should be understood that its modern methodological apparatus is based on a risk-oriented concept. It is usually correlated with the risks accompanying the audit, but this is only partially true. The key point on which the risk-based approach to audit is based is the possibility of a differentiated approach to the source data. Thanks to the techniques of calculating materiality and determining the parameters of the audit sample, modern auditing has become largely based on algorithmic and information retrieval procedures for collecting and processing information, analytical methods of working with data, that is, precisely those areas in which new innovative technological solutions are emerging today.

Among the various innovative directions, three main ones can be distinguished, each of which is capable of changing the "face" of modern auditing: total digitization of the surrounding life, the ability to work with big data, accounting and reporting in almost real time. Let's look at these directions in more detail.

Total digitization of the surrounding life. Digitization (digitalization) is a logical continuation of the topic of automation. Digitization is gradually but

inevitably profoundly changing the economy of the surrounding life, which is becoming increasingly connected and integrated. Numerous personal devices and embedded sensors form a complex network environment, which is called the "Internet of Things" [4, 307-323p.]. Integration and interconnectedness, among other things, imply the embeddedness of monitoring and evaluation functions in the network functionality. The audit of such systems will be carried out not so much on the basis of reporting on their work, as on the basis of an analysis of work protocols, the formation of which occurs constantly in automated mode. Accordingly, the focus of the audit shifts from checking subsequent reporting information (for example, in the form of financial and non-financial statements) to assessing and monitoring the parameters of the operation of the audited systems with an emphasis on conducting preventive procedures for early detection of possible deviations and risks. It should be noted that built-in intelligent preventive tools for monitoring and tracking the main business processes already exist. Thus, they are increasingly used in corporate information systems and personal devices with which auditors work. Such fully automated data collection opens up new prospects for improving methods of monitoring and working with data, primarily related to the speed and accuracy of information collection, as well as the depth of analytics used and the completeness of access to any sections of existing information arrays.

Big data. The most complete and consistent development of methods of working with information in the audit is realized in the conditions of access to big data, which can be defined as information assets having a large volume, providing high speed of processing and transmission and/or a variety of their representation, for the processing of which high-tech cost-effective, innovative methods are used, providing a better understanding for decision-making and automation of processes. By their nature, they are "high-speed data flows in large volumes" [5, 400 p.]. The work with them is based on complex specialized algorithms of improved methods of forming analytics, multidimensional statistical models and special software.

References:

1.https://www.accaglobal.com/content/dam/ACCA_Global/Technical/audit/ea-future-of-audit.pdf

2. See, for example, Bulyga R.P. Innovative directions and audit and control procedures. - Moscow: UNITY DANA, 2018. - 159 p.

3. Eilifsen A., Knechel R., Wallage, P. Application of the business risk audit model: A field study // Accounting Horizons, 2001, 15(3), p. 193-207; Humphrey C., Loft A., Woods M. The global audit profession and the international financial architecture: Understanding regulatory relationships at a time of financial crisis//Accounting, Organizations & Society. 2009. 31(6/7). p. 810-825

4. Kopetz H. Internet of things. In Real-Time Systems. – New York, NY: Springer, 2011. - p. 307-323

5. Hurwitz J., Nugent A., Halper F., Kaufman M. Just about big data. Trans. from English - Moscow: Eksmo (Sberbank Library, vol. 58) 2016. - 400 s

6. IBM. News Release. 2016 [Internet]. – URL: https://www-03.ibm.com/press/us/en/pressrelease/49274.wss

7. Kira. Deloitte [Internet]. – URL: https://info.kirasystems.com/partners/deloitte-alliance/

Muxitdinov X.C.*-Professor of the Karshi Institute of Engineering Economics*
Rustamov A.B.*-Teacher of the department of Information security, Karshi branch of TUIT,*

CLASSIFICATION AND APPROACH RELATIONSHIP OF FINANCIAL METHODS OF INFORMATION RISK MANAGEMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

Currently, information technology is developing rapidly, it is one of the main directions of the modern world economy, such as the formation of globalisation and information economy. Therefore, it is urgent to improve the financial methods of managing the threats in the information system of industrial enterprises.

Since the mid-90s of the last century, more than a dozen different standards and specifications have been prepared in a number of high-tech countries of the world, mainly in the USA, Great Britain, Germany, Canada, regulating in detail the issues of information risk management. Currently, information risk management is one of the most relevant and dynamically developing areas of strategic and operational management in the field of information security. Its main task is to objectively identify and assess the most significant information risks for business, as well as the adequacy of the risk control tools used to increase the efficiency of companies. However, there is unjustifiably little research on the introduction and use of financial methods for managing information risks of enterprises.

Financial risk management determines the possibilities of ensuring the stability of an economic object, its ability to withstand adverse situations. Financial methods allow not only to form cost indicators of evaluation and cost effectiveness of information risk management measures, but also to plan costs for their evaluation[1]. The current state, level of development, and efficiency of the enterprise are inextricably linked with providing information support for business processes, so today almost no one doubts the need to build an enterprise information system. Most decision-makers in this area share the opinion that the issues of building an information system should be addressed in the context of improving business processes[1][2].

From the point of view of the financial component, the concept of information risk is the probability of accidental occurrence in the information environment of the enterprise, which leads to negative consequences such as disruption of the organization, changes in the organization's activities. the quality of commercial (confidential) information and its misuse (distribution), resulting in a decrease in losses and profits that can be assessed in the form of value. Information risks arise in the course of carrying out any economic activity[1][2].. Based on the cost

assessment, the use of financial methods for IT risk management was identified, primarily the types and classification of information risk threats (Figure 1).




Figure 1 - Interrelation of types of threats and their implementation

Then the value of each type of information assets is determined: general and special software, databases, electronic documents, information resources and their vulnerabilities[1][2].

A schematic representation of the relationship between information security tools and material realizations of threats is presented(Fig.2).




Figure 2 - The relationship of means of protection (management) and material realizations of threats of risks

The information security system should not interfere with the work of the enterprise, but at the same time it protects the information resources of the enterprise from various threats [3].

In conclusion, the creation of an effective information risk management system is not a one-time project, but a complex process aimed at minimizing external and internal risks, taking into account resource and time constraints.

References:

1. Романенко, Н.А. Страхование информационных рисков предприятий как инструмент риск-менеджмента / Н. А. Романенко // Финансовые исследования. – 2011
2. Armaghan Behnia, Rafhana Abd Rashid, Junaid Ahsenali Chaudhry A Survey of Information Security Risk Analysis Methods / Smart Computing Review, vol. 2, no. 1, February 2012
3. Авдошин С.М. Информатизация бизнеса. Управление рисками / С.М. Авдошин, Е.Ю. Песоцкая. – М.: ДМК Пресс, 2011. – 176 с.


Собиров А.О. *– ОБМ тингловчиси*

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ИСЛОМ БАНКЧИЛИГИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИ (ТУРКИЯ МИСОЛИДА)

2020 йилда глобал Ислом банкчилиги активлари 2,3 трлн. АҚШ долларидан ортиб, сўнгги икки йил ичида унинг йиллик ўсиши 14-15% ни, бутун Исломий молиялаштириш ҳажмидаги улуши эса, қарийб 70% ни ташкил этмоқда. Унинг ҳажми 2025 йилга бориб, 2020 йилга нисбатан 1,4 бараварга ортиб, 3,3 трлн. АҚШ долларига етиши прогноз қилинмоқда. Дарчаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, бутун дунё бўйлаб 74 та мамлакатда жами 527 та Ислом банклари фаолият кўрсатмоқда. 2020 йилда уларнинг 54% и ижобий натижаларга эришган бўлсалар, 81% и ўз фаолиятини соф фойда билан якунлаган [1].

1-расм. 2015-2020 йилларда Ислом банкчилиги активларининг ўсиши


млрд. АҚШ долларида



Ислом банкчилиги тизимли аҳамиятга эга бўлган мамлакатлар Ислом банкчилиги активларининг аксарият қисмини эгаллайди (2-расм) ва Исломий молия соҳасининг ўсишини ҳаракатлантирувчи куч бўлиб ҳисобланади. Мамлакатлар тизимли аҳамиятга эга ҳисобланади, агарда “мамлакатдаги жами Ислом банкчилиги активлари унинг умумий ички банк сектори активларининг

15% идан ортиғини ташкил этса ёки глобал Ислом банкчилиги активларининг камида 5% ини эгалласа ва Ислом банкчилиги сегменти Ислом молиясининг тизимли аҳамияти учун мезон сифатида қаралса, чунки Исломий молиявий активларнинг қарийб 80% и банк секторида жойлашган” [2].

2-расм. 2020 йилда дунё мамлакатларининг глобал Ислом банкчилиги активларидаги улушлари



Бироқ, ўсиш фақатгина тизимли аҳамиятга эга бўлган мамлакатлардагина эмас. Туркия, Бангладеш, Индонезия, Покистон, каби бошқа давлатлар ҳам Исломий молия секторининг ўсишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу мамлакатлардаги ўсиш ҳукуматлар томонидан Исломий молия соҳасини тартибга солиш ва инфратузилмани қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлар натижасидир.

Кўпчилик мамлакатлар Ислом банкчилиги ва молиясини жорий этиш ҳамда ривожлантириш учун Исломий молиялаштиришни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқмоқдалар. Бундай стратегияларни ишлаб чиқиш бўйича етакчилик қилаётган мамлакатлар орасида Туркия ҳам бор. Аҳолисининг 95 фоизидан ортиғи мусулмон бўлган Туркия исломий молиялаштиришни ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Туркия молия бозорида ҳам корпоратив, ҳам тижорий мижозлар учун депозит ва молиялаштиришнинг турли вариантлари мавжуд. Иштирокчилик мамлакатда Ислом банкчилигининг асосий манбаи ҳисобланади. Турк молия тизимида иштирокчилик банкчилигининг биринчи қўлланилиши 1985 йилда Махсус Молия Уйларининг ташкил этилиши эди. Иштирокчилик банкларининг тез ва тизимли ривожланиш босқичи 2005 йилда “Банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибга мувофиқ тегишли институтларнинг банк мақомига эга бўлиши ва махсус молия уйларининг номлари иштирокчилик банклари деб ўзгартирилишидан бошланди. Ушбу тартибга солиш билан Банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун доирасида ҳуқуқий мақомга эга бўлган иштирокчилик банкларининг иқтисодий ва молиявий самарадорлиги ортиб бораётгани кузатилди.

Депозит банклари, ривожланиш ва инвестиция банклари билан бирга Туркия банк секторининг учта асосий элементидан бири бўлган иштирокчилик банклари фоизсиз банклар ёки ислом банклари деб ҳам

аталади. Иштирокчилик банклари ривожланиш ва депозит банкларининг бирга-бир функцияларини бажарадиган муассасалар сифатида эмас, балки Туркия банк тизимининг тўлдирувчи элементи сифатида кўрсатилган. Иштирокчилик банкларининг асосий хусусияти шундаки, улар барча банк маҳсулот ва хизматларини фоизсиз асосда таклиф этадилар. Фоиздан ҳолилик тамойили бўйича фаолият юритувчи иштирокчилик банклари барча турдаги банк фаолиятини ушбу қоидага тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга оширадилар.

Иштирокчилик банклари меҳнат-капитал шерикчилиги (музораба), фойда-зарар шериклиги (мушорака), инвестиция шерикчилиги (венчур капитал), мулкдорлик шериклиги, қишлоқ хўжалиги шериклиги ва инвестиция агенти (вакола) каби шерикчилик усуллари билан ишлайдилар.

Туркия Осиё ва Европа ўртасидаги асосий кўприк бўлувчи иқтисодиёт бўлиб, у аллақачон ривожланган анъанавий молиявий секторга эга. Мамлакат ҳозирда истеъмолчига йўналтирилган Исломий молия секторини ривожлантиришга жиддий киришмоқда. Туркия Ислом банкчилиги эволюцияси учун яхши истиқболга эга мамлакатдир.

Туркияда Ислом банкларининг бозор улуши 2020 йилда жами банк сектори активларининг 7,2 %ини (2019 йилда 6,3 %) ташкил этган [3]. Туркия Ислом банкларининг активлари 2020 йилда 59 миллиард АҚШ долларидан ошди ва сўнгги беш йил ичида уч баравар кўпайди. Ҳукумат 2023 йилга бориб, Шариатга мувофиқ банк активлари улушини 15 фоизга етказишни мақсад қилган. Шу билан бирга, Moody’s глобал рейтинг агентлиги Туркиядаги исломий банк активлари келгуси беш йил ичида икки баравар кўпайишини тахмин қилмоқда, чунки Ҳукумат ташаббуслари ушбу секторда ўсишни таъминламоқда [4].

Ислом банклари активларининг ўсиши бозор ўзгарувчанлигига қарамай, сўнгги йилларда анъанавий банкларникидан ошиб кетди. Пандемияга қарамасдан ривожланиш ва инвестиция банкларига фоизсиз молиялаштиришга рухсат берувчи “Банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартириш Исломий молия улушини оширишда ўзининг ижобий натижасини бермоқда. 2015 йилдан буён давлатга тегишли учта янги Ислом банклари ташкил этилганлиги ҳам ўсишга ижобий таъсир кўрсатди. Ҳукумат 2019 йилда Emlak Katilim иштирокчилик банкига Исломий кредитор сифатида лицензия берди ва бу Туркиянинг олтинчи Шариатга мувофиқ банкига айланди. Бундан аввал, 2015 йилда Ziraat Katilim иштирокчилик банки ва 2016 йилда Vakif Katilim иштирокчилик банки давлат Ислом банклари ташкил этилган эди. Ҳозирги вақтда мамлакатда олтита Ислом банки (Kuveyt Turk, Albaraka Turk, Turkiye Finans, Ziraat Katilim, Vakif Katilim va Emlak Katilim) фаолият кўрсатмоқда.

Туркияда Исломий молиялаштириш секторига таъсир этувчи асосий қонунлар қуйидагилардир:

Янгиланган *“Банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун* Ислом банкларини “махсус молия”дан иштирокчилик банкларига айлантирди. Иштирокчилик банклари анъанавий банк каби мижозлардан депозитларни йиғади ва кредит

беради. Бироқ, маблағлар фоизсиз қарзга берилади, фойда ва зарар омонатчилар билан тақсимланади.

Иштирокчилик ва анъанавий банклар бир хил қонунлар остида ишлайдилар ҳамда Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш агентлиги томонидан назорат қилинади. Бошқа томондан, иштирокчилик банкларига тегишли иккиламчи қоидалар мавжуд. Анъанавий банклар сингари, иштирокчилик банклари ҳам Туркия Марказий банкининг хорижий валютадаги операциялар ва мажбурий заҳираларга тегишли қонун-қоидаларига бўйсунади.

Иштирокчилик банк фаолияти Туркияда бир неча йиллардан бери мавжуд. Бироқ, давлат томонидан фаолроқ қўллаб-қувватланаётгани соҳанинг ўсишини тезлаштирмоқда. Ҳукумат ўсишни рағбатлантирадиган ва молия муассасаларини тўлиқ Исломий молиявий хизматларни таклиф қилишга ундайдиган йирик ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Туркиянинг Исломий молия стратегиясида белгиланган асосий ташаббуслар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Туркияда таълим яхши ривожланган. Кўпчилик университетлар Ислом молияси соҳасига оид тадқиқотлар олиб борадилар. Тўртта университетда Ислом молияси магистри ва доктори даражалари мавжуд ва ҳаттоки битта университет бакалавриат дастурини очишга рухсат олган. Ҳукумат ва Иштирокчилик Банклари Иттифоқи иқтидорли кадрларни ривожлантириш бўйича аниқ ҳаракатларни ўз ичига оладиган режаларни эълон қилган.

Туркиянинг асосий Исломий молия ташаббуслари [5]

Асосий ташаббуслар	Ҳаракатлар режаси
Фоизсиз молиялаштиришни тарғиб қилиш бўйича оммавий кампания ташаббус қилинди. Тизимни ривожлантириш ва оммалаштириш учун миллий ва халқаро тадбирлар ташкил этилади.	➢ Янги оммавий кампания мамлакатда Исломий молияни тарғиб қилади. ➢ Тартибга солиш агентликлари фоизсиз молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш учун халқаро панелда учрашадилар. ➢ Янги ижтимоий лойиҳалар оммавий кампанияда муҳим рол ўйнайди.
Мамлакатда Исломий молиянинг инсон ресурсларини ривожлантириш заиф томон сифатида белгиланган ва уни бартараф этиш талаб этилади.	➢ Олимлар Турк фоизсиз молия адабиётини ривожлантиришга эътибор қаратадилар. ➢ Туркия университетларида Исломий молия бўйича янги курслар ишлаб чиқилади. ➢ Фоизсиз молия соҳасида янги сертификатлаштириш дастури инсон ресурсларини тез ривожлантиришга ёрдам беради.
Мамлакатда фоизсиз молияни жадал ривожлантириш учун тегишли инфратузилма мавжуд эмас. Ривожланиш учун янада муносиб инфратузилма яратилади.	➢ Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш агентлигининг мувофиқлаштируви остида “Қонунчилик қўмитаси” тузилади. Агентлик барча соҳа муассасаларининг бир хил масалалар бўйича бир хил қоидаларга бўйсунишини таъминлайди ва фоизсиз молиялаштириш билан боғлиқ

	қоидалар анъанавий тизимдан фарқ қиладиган бўлса, ечимларни топади ва тартибга солади. ➢ Давлат иштирокидаги янги банклар ташкил этилади. ➢ Фоизсиз молия институтлари таркибидаги маслаҳат кенгашлари институционаллаштирилади.
Фоизсиз молиявий маҳсулотлар ва хизматлар хилма-хиллигини ошириш.	➢ Камайиб борувчи Мушокара маҳсулоти кучайтирилади. ➢ Ғазначилик котибияти томонидан ишлаб чиқилган фаришта инвесторлар каби лойиҳалар Музораба/Мушокара усулини қўллаш орқали иштирокчи банклар томонидан молиялаштирилади.

Туркияда келгуси йилларда соҳанинг ўсишини реал рағбатлантириш салоҳияти мавжуд. 2021 йил бошида иштирокчилик молияси бўйича хабардорликни ошириш, соҳага оид стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда исломий молиялаштиришни яхшилаш учун давлат институтлари, хусусий сектор, университетлар ва ННТ билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Президент ҳузуридаги Молия офиси қошида Иштирокчилик молияси департаменти ташкил этилди. Бу 2020 йилда бошланган мижозларга хизмат кўрсатишни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ислом банклари учун ҳуқуқий инфратузилмани яратиш каби бошқа ташаббуслар қаторига киради.

Ушбу департамент асосий мувофиқлаштирувчи орган бўлишдан ташқари, яхлит ёндашув билан Туркиянинг иштирокчилик молияси стратегиясини яратади.

Мазкур департамент раҳбари Тарик Акин, Анадолу агентлиги билан махсус суҳбатда, банкларнинг рақобатбардош ишлаши, маҳсулот ва хизматлар хилма-хиллигининг оширилиши ва самарали мулоқот стратегиясига амал қилиниши ушбу муваффақиятга олиб келганлигини айтди. У Ҳукуматнинг стратегик қадамлари, айниқса, давлат иштирокидаги банкларнинг ташкил этилиши ва янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жорий этилиши ҳам уларнинг улушини оширишга катта ҳисса қўшганини таъкидлади [5].

Жорий йилнинг март ойида эълон қилинган муҳим иқтисодий ислоҳот пакети доирасида Туркия иштирокчилик молияси секторининг ривожланишини тезлаштирадиган ягона қонунчиликни тайёрламоқда.

Ҳозирда қурилаётган Истанбул молия маркази эътиборни иштирокчилик молиясининг барқарор ўсишига қаратади, бу соҳа молиявий технологиялар билан бирга ушбу лойиҳанинг иккита асосий элементидан биридир. 2022 йил бошида якунланиши кутилаётган молия маркази лойиҳаси молиявий тизимлар ва нобанк молиявий усуллар учун глобал хаб бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. REFINITIVE – Islamic Finance Development Report 2021.
2. Islamic Financial Services Board, 2015.

3. Islamic Financial Services Board. *Islamic Financial Services Industry Stability Report.* Kuala Lumpur, Malaysia, June 2021.

4. https://www.aa.com.tr/en/turkey/turkeys-steps-spur-profit-jumps-in-2020-for-interest-free-banks/2184826

5. Developing Islamic Finance Strategies in the OIC Member Countries, COMCEC Coordination Office, 2016.

Хасанов Х.И. *- ОБМ тинловчиси*

БАНК КРЕДИТЛАРИ АУДИТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Банк кредитлари аудитини такомилаштиришда ривожлаган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун банк кредитлари аудитини ривожлантиришда халқаро стандартлардан фойдаланиш керак. Қуйида аудитнинг халқаро стандартларидан бирини, яъни “Аудитнинг далиллар-аниқ белгиланган моддаларига тегишли қўшимча масалалар” деб номланган 501-стандартни келтириб ўтсак.

Ушбу Аудит халқаро стандарти(АХС)нинг мақсади молиявий ҳисобот ва бошқа ёритишларнинг муайян аниқ белгиланган суммалар юзасидан 500-АХС “Аудиторлик далил”ни тўплаш бўйича стандартларини белгилаш ва қўланма тақдим этишдан иборат.

Ушбу АХСда баён этилган стандартлар ва қўлланмадан фойдаланиш аудиторга молиявий ҳисобот ва бошқа ёритишларнинг аниқ белгиланган суммалари юзасидан аудиторлик далиллар олишга ёрдам беради.

Бу АХС қуйидаги қисмлардан иборат: А қисм - Товар моддий захираларини инвентарлашда ҳозир бўлиш; Б қисм - Дебиторлик қарзи қолдиғини тасдиқлаш; С қисм - Суд ишлари ва даъволарга тегишли сўровнома; Г қисм - Узоқ муддатли инвестицияларга баҳо бериш ва ёритиш; Д қисм - Сегмент бўйича маълумот.

Банк кредитлари аудитида аудиторлик далилларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига, шунингдек уларни олиш мақсадида бажариладиган амалларга нисбатан қўйиладиган талаблар № 500 – “Аудиторлик далиллари” номли АХСда белгиланган. Ушбу стандарт талабларини барча аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувларини ўтказиш чоғида қўллаши мажбурийдир.

Аудиторлик далиллар назорат тестлари ва моҳияти бўйича муолажаларнинг тегишли мажмуининг ўтказилиши натижасида олинади.

“Аудиторлик далиллар” - бу аудиторлик хулосаси асосланган ва аудитор томонидан хулосани шакллантириш жараёнида олинадиган маълумот. Аудиторлик далиллар молиявий ҳисобот асосида ётадган дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувлари ҳамда бошқа манбалардан олинадиган тасдиқловчи маълумотларда иборат бўлади.

“Назорат тестлари”- бу бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари


томонидан бажарилаётган вазифалар яроқли эканлигига аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган тест синовлари.

АХС 500-стандартини етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллар бандида айтилишича Етарлилик ва мувофиқлик тушунчалари ўзаро боғлиқ ва назорат тестлари билан бир қаторда, моҳияти бўйича муолажалар натижасида олинган аудиторлик далиллар юзасидан қўлланилади. Етарлилик аудиторлик далилларнинг миқдорий ўлчамини ифодалайди; тегишлилик аудиторлик далилларнинг сифат ўлчами, аниқ белгиланган тасдиқ юзасидан релевантлиги ва улар ишончлиги ҳисобланади. Одатда, аудитор якуний эмас, кўпроқ ишонтирувчан бўлган аудиторлик далилларга таяниш лозим деб ҳисоблайди ва бир хил фикирни тасдиқлаш учун турли тавсифга эга бўлган ёки турли манбалардан аудиторлик далилларни тўплайди.

Аудитор хулосасини шакиллантиришда аудитор, одатда, мавжуд бўлган барча маълумотни текширмайди, чунки ҳисобварақлар қолдиғи, операциялар туркуми ёки назорат юзасидан хулосалар касбий мулоҳаза ёки статистик танлаб олиш асосида шакллантириш мумкин.

Аудиторлик далилларни ишончлиги уларнинг манбаи ҳамда уларнинг тавсифига боғлиқ. Агар аудиторлик далилларнинг ишончлиги алоҳида вазиятлардан келиб чиқса, қуйидаги умумий қоидалар аудиторлик далилларнинг ишончлигига баҳо беришга ёрдам беради: тижорат банкларидан банк кредитлари бўйича олинган аудиторлик далиллар (масалан, учинчи томондан олинган тасдиқ) ички манбалардан олинган аудиторлик далиллар ишончлироқ ҳисобланади; амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг самарадорлигида ички манбалардан олинган аудиторлик далиллар ишончлироқ ҳисобланади; банк кредитларини текширишда бевосита аудитор томонидан олинган аудиторлик далиллар субъектдан олинган далилларга қараганда ишончлироқ ҳисобланади; ҳужжат шаклида ва ёзма тақдимотлар кўринишида олинган аудиторлик далиллар оғзаки далилларга қараганда ишончлироқ.

Банк кредитлари аудитида далилларини тўплашни такомиллаштириб боришни зарурлиги шундаки мамлакатни модернизация қилиш жараёнида янги техника, технологияларни шунингдек компьютер дастурларини янгиланиб бораётганлиги электрон имзо каби прогрессив ўзгаришларни амалга оширилаётганлиги аудит жараёнини ҳам шунга мослаб олиб боришни талаб қилади.



1-расм. Банк кредитлари аудитида текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар.[1]

Аудитор банк кредитларини текшириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботидаги кўрсаткичларни тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши учун аудиторлик амалларининг кетма-кетликларига риоя қилинган ҳолда текшириш зарурдир. Банк кредитлари аудитида текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар қуйидаги расмда келтириб ўтилган.

Аудиторлик текширувида зарур амалларнинг бажарилиши таъминланиши ва уларнинг натижасида аудитор етарли ва керакли аудиторлик далилларини олиниши шарт. Аудитор: мижоз, ташқи муҳит ва аудит қилинаётган ташкилот фаолиятига таъсир этувчи шароитлар, ички назорат тизими тўғрисидаги ахборотни ўрганади; турли манбалардан зарур ахборотларни олиб, бухгалтерия счетлари бўйича оборотлар ва қолдиқларни ўрганади; ҳисоботда ахборотларнинг очиб берилиши тўлиқлигини баҳолайди.

1-жадвал

Банк кредитлари аудитида молиявий ҳисобот моддаларини тўғрилигини баҳолаш мезонлари

Мезонлар	Тест саволининг мазмуни	Жавоб (Ҳа, йўқ)
Ҳуқуқ ва мажбуриятлар	Тижорат банки олдида қарздорлик мавжуд ва у қонуний шартнома асосида юзага келган	Ҳа
	Бухгалтерия ҳисобидаги барча ҳужжатлар ҳақиқий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида тузилган	Ҳа
	Кредит бўйича фоизлар кредит шартномасига мувофиқ тўғри тўланмоқда	Ҳа

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

	Кредитлар қонуний ва асосланган ҳолатдан олинган	
Тўлиқлик	Кредит суммалари тўлиқ ва ўз вақтида узилмоқда Кредит бўйича операциялар тўлиқ ҳажмда акс эттирилган. Ахборотларнинг тўлиқлиги бўйича бухгалтерия ҳисоби тамойилларига амал қилинган	Ҳа Ҳа Ҳа
Аниқлик	Бухгалтерия ҳисобида кредит бўйича операциялар қайси даврда юзага келган бўлса, ўша даврда акс эттирилган. Фоизлар кредит шартномаси бўйича аниқ ва ўз вақтида тўланмоқда.	Ҳа Ҳа
Мавжудлик	Инвентаризация натижалари банк олдида кредит бўйича қарзларнинг мавжудлигини тасдиқлайди Бухгалтерия ҳисобида кредит бўйича барча операциялар акс эттирилган.	Ҳа Ҳа
Тақдим этиш ва очиб бериш	Кредит бўйича қарздорлик турлари, тўлаш муддатлари бўйича тўғри таснифланган. Ахборотлар молиявий ҳисобот шаклларида очиб берилган.	Ҳа Ҳа
Баҳолаш	Кредит бўйича суммалар тўғри ҳисобланган ва молиявий харажатлар тўғри ўтказилган.	Ҳа

Аудиторлик текширувини ўтказишда аудитнинг сифати ва самарадорлиги муҳим ўрин тутади. Бунинг учун, аввало, аудитор текширилаётган мижоз корхонанинг ички назорат тизими ҳолатини чуқур ўрганиши лозим. Чунки ички назорат тизими аудиторлик таваккалчилигига бевосита боғлиқ бўлиб, текшириш жараёнида аудитор таваккалчиликни мақбул бўлган паст даражагача камайтириш аудиторлик амалларини қўллаш орқали ички назорат тизими ҳолатига баҳо бериши керак.

Банк кредитлари бўйича ички назорат тизимини баҳолаш банк кредитларини текшириш учун вақтни тўғри тақсимлаш ва текширув кўламини тўғри аниқлаш учун зарур ҳисобланади. Айнан ички назорат тизимига баҳо бериш орқали мижоз корхона фаолиятини текшириш дастури тўғри белгиланиши мумкин. Бундан ташқари ички назорат тизимига баҳо бериш ёрдамида аудиторлик ташкилоти мижоз корхонада уни тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича маслаҳат бериши мумкин.

Мазкур баҳолаш мезони орқали банк кредитлари бўйича ички назорат тизими ҳолатини аниқлаш натижалари юзасидан ушбу тизимнинг ишончлилигини тасдиқлайди. Демак, мазкур мезон аудиторлик текширувининг кўлами ва муддати тўғри белгилаш имконини беради. Халқаро стандартлар бўйича тузилган ҳисобот бўйича қўшимча амаллар бажариш натижаларини акс эттириш мақсадида миллий молиявий ҳисобот аудитида қўлланиладиган мавжуд ишчи ҳужжатлар шаклларини такомиллаштириш, ҳисоботнинг ҳар бир турига тааллуқли алоҳида аудит бўйича аудиторлик амалларини ҳужжатлаштириш учун махсус ишлаб чиқилган ишчи ҳужжатларни тўлдиришга қараганда, жамланма ишчи ҳужжатини тўлдиришга сарфланадиган вақтни тежаш имкониятини беради.

Эрниёзова Ш.Б. *– ТМИ, магистр*


ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ АМАЛИЁТДАГИ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ликвидлилик кредит муассасаси ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ҳисоб - китоб қила олиш имкониятидир[1]. Банк фаолиятининг молиявий воситачи сифатидаги хусусияти натижасида ликвидлилик энг муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида қаралади ва кредит муассасасининг нафақат жорий, балки истиқболдаги ҳолатини ҳам таснифлайди.Тижорат банклари томонидан ликвидлиликка алоҳида эътибор қаратилиши Марказий банк томонидан қўйилган қатъий талаблар билан ҳам изоҳланади. Ўрнатилган меъёрларнинг бажарилмаслиги банкка нисбатан жуда жиддий санкцияларнинг қўлланилишига сабабчи бўлиши мумкин.

Банк ликвидлилигини бошқаришнинг қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

– “маблағларнинг умумий фонди” усули;
– “маблағлар конверсияси” усули;
– “илмий бошқарув” усули;
– Марказий банк томонидан сўнгги босқичда кредитлаш усули.

Қуйидаги расмда ликвидликни бошқаришнинг маблағларни умумий фонд усулининг умумий кўриниши акс эттирилган.



1-расм. Маблағларнинг умумий фонди усули ёрдамида банк ликвидлилигини бошқариш йўналишлари


Аммо “маблағларнинг умумий фонди” усулида тижорат банклари томонидан жалб қилинган маблағлари ва уларини жойлаштириш

[1]Алавердов А.Р. Стратегический менежмент в коммерческом банке. – М.: Маркет ДС, 2007 -576 с.

муддатларининг мос келмаслиги натижасида банкнинг жорий ликвидлилигининг таъминланмаслик хавфи даражаси юқори бўлади.

Банк ликвидлилигини бошқаришнинг иккинчи усули сифатида “маблағлар конверсияси” усулини таклиф этиш мумкин.

Ушбу усулда тижорат банклари томонидан молиявий маблағларни жалб қилиш ҳамда уларни жойлаштириш муддатларини қатъий мувофиқлаштирилишини назарда тутади. Шунинг учун банклар учта асосий, яъни узоқ муддатли (12 ойдан ортиқ бўлган муддат), ўрта муддатли(3 ойдан 12 ойгача бўлган муддат) ва қисқа муддатли(3 ойгача бўлган муддат) операциялари фондини ташкил қилади.



2-расм. Маблағлар конверсияси усули ёрдамида ликвидлиликни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Биринчи фондга банк капиталининг фойдаланилмаган қисми ва узоқ муддатга жалб қилинган маблағлар йўналтирилади. Жалб қилинган маблағларнинг қолган қисми эса мос равишда иккинчи ва учинчи фондлар ўртасида тақсимланади. Шунга мос тарзда актив операциялар амалга оширилади.

Бунда ҳар бир фонд орқали ўтадиган молиявий оқимлар ҳаракати ликвидлиликни бошқариш департаменти таркибидаги махсус бўлинма томонидан режалаштирилади ва назорат қилинади.

“Маблағлар конверсияси” усули ёрдамида банкнинг жалб қилинган ва жойлаштирилган молиявий ресурслари муддатларини мувофиқлаштириш ҳисобига жорий ликвидлилик таъминланади, банкнинг активлари таркиби ва унинг базавий элементларини узоқ муддатли режалаштириш имконияти вужудга келади.

Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришнинг навбатдаги усули «илмий бошқарув» усули ҳисобланади. Ушбу усулда банклар томонидан молиявий оқимлар ҳаракатини бошқаришда информацион технологиялардан кенг кўламда фойдаланилади. Бунинг учун махсус математик моделлар ва улар асосида пассив ва актив операцияларни мувофиқлаштириш учун яратилган дастурлардан фойдаланилади. Илмий бошқарув усулида кредит муасасаси молиявий стратегияси ва банк хизматлари бозорининг тегишли сегментларидаги жорий ҳолат ҳисобга олинган тарзда, бошқарувнинг кўп қиррали қарорларини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Илмий бошқарув усулининг устувор жиҳатлари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- банк фаолиятида замонавий информацион технологиялардан амалий фойдаланиш. Замонавий информацион технологиялар банк фаолиятида нафақат тегишли операцияларни амалга оширишни тезлаштиради, балки бошқарувнинг янги сифатини таъминлайди. Чунки компьютерга вазиятли параметрлар ва муқобил сценарийлар шунчалик кўп миқдорда киритиладики, уларни анъанавий усулларда кўриб чиқиш амалий жиҳатдан мумкин эмас;
- бошқарув қарорларини шакллаштиришнинг тезкорлиги.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда барқарор ташқи муҳит шароитида илмий бошқарув усулидан йирик банклар ликвидлилик даражасини бошқаришда фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Улар одатда нафақат кучли молиявий салоҳиятга эга, балки кичик тузилмалар учун ёпиқ бўлган иқтисодий ва сиёсий маълумотлар манбаларидан фойдаланиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, тижорат банклари томонидан ликвидлиликнинг меъёрдаги даражасини ушлаб турилиши учун мамлакат банк амалиётида ликвидлиликни тартибга солиш дастакларининг ривожланганлиги талаб этилади.

Юсупова Ф.Й. *-УрДУ ўқитувчи, таянч докторант*

ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАРКЕТИНГДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Ҳар бир давлатнинг ўз иқтисодий ривожланишининг стратегик дастури мавжуд бўлиб, самарали ривожлантириш механизмларидан бири миллий иқтисодиёт хизматларни молиялаштириш ривожлантириш барқарорлигини таъминлашдан иборат. Чунки, бу механизм корхонанинг барқарор ривожланишини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Бундай молиялаштириш механизмлардан бири бўлган лизинг хизматлари корхонанинг барқарор ривожланиш стратегияларини амалга оширишда мақбул хизматлардан бири ҳисобланади.

Инвестициялар орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда лизинг механизми катта ёрдам беради. Яъни, лизинг – тармоқлар ва корхоналар ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтиришнинг кучли воситаси бўлган узоқ муддатли инвестицияларни молиялаштиришнинг муқобил шакли, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш воситаси, ишлаб чиқариш базасини янгилаш, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш механизмидир[1].

Лизингни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, корхонанинг молиявий аҳволнинг паст даражаси, асосий воситаларининг юқори даражада эскириши ва уларни модернизация қилиш зарурати каби омиллар лизингга талабни оширади. Бундан ташқари республикада солиқ имтиёзларини бериш ҳам

лизинг берувчилар сонини кўпайиши ва улар ўртасидаги рақобатни кучайишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда лизинг молиялаштиришнинг ривожланган механизмларидан бирига айланиб, 2020 йилда янги лизинг битимларининг ҳажми 1,85 трлн. сўмни ташкил қилди, лизинг амалиётларининг умумий портфели эса 5,67 трлн. сўмдан ошди, сўнгги 5 йил билан солиштирганда бу кўрсаткичлар 2 баробарга кўпайди[2]. Албатта бу натижалар миллий қонунчилик ва давлат томонидан ушбу хизматларни жозибадорлигига қаратилаётган тадбирлар натижасидир.


Маҳаллий лизинг компанияларини янада ривожлантириш учун маркетингдан бевосита фойдаланиш лозим. Маркетингни амалга ошириш орқали рақобат кучайиши шароитида лизингни хизмат кўрсатиш бозоридаги самарадорлигига эришиш мумкин. Лизинг компаниялари учун пассив маркетинг бозордаги паст фаолият натижасидир.

Лизинг бозоридаги маркетинг камчиликларини аниқлаш, самарали тизимни яратиш учун корхонани бошқаришда ички ва ташқи маркетинг жараёнларини кўриб чиқиш лозим. Корхона барча бўлимларда жамоавий ишлашни рағбатлантириш учун ички ва ташқи маркетингни эътиборга олиш лозим. Ички маркетинг жараёни бу корхонани ходимлар маркетинги ҳисобланади. Ички маркетингнинг вазифаси ходимларни ёллаш, корхона ходимларини юқори даражадаги мижозларга хизмат кўрсатишга ўргатиш ва рағбатлантиришдан иборат. Ички маркетинг ташқи маркетингдан олдин олдин бўлиши керак. Агар корхона ходимлари уни тақдим этишга тайёр бўлмаса, юқори даражадаги хизматни таклиф қилиб бўлмайди.

Ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш мотивация бериш орқали компаниянинг муваффақиятга эришишида муҳим роль ўйнайди. Малакали ва тўғри мотивацияланган ходим юқори сифатли хизмат калити мижозлар эҳтиёжини қондириш ва юқори фойда[3].

Лизинг компаниялари ташқи маркетинг иш усулларини ўзгартириш муҳим ҳисобланади. Ташқи маркетинг бу компаниядан ташқари одамларга қаратилган маркетинг. “Ташқи маркетинг корхона истеъмолчиларга хизматларни тарқатиш ва етказиб бериш, нархларни тайёрлаш ва аниқлаш бўйича ишларини белгилайди”[4].

Корхоналарда маркетинг тадқиқотларини амалга оширишда корхона ташқи ва ички муҳитини тадқиқ қилиш, баҳолаш ва таққослашни талаб қилувчи қуйидаги таҳлилий функцияларидан фойдаланилади (1-расм).



1-расм. Баҳолаш ва таққослаш, ўрганишни талаб қилувчи корхонанинг ташқи ва ички муҳити тадқиқ қилиш, баҳолаш ва таққослашни талаб қилувчи элементлари[5].

Демак, ҳар қандай маркетинг жараёни унинг имкониятларини таҳлил қилишдан бошланади, яъни лизинг берувчига фақат ўз мақсадларига мос келадиган бозор имкониятларини танлаши, сўнгра бозордаги ҳозирги ва келажакдаги талабни баҳолаши лозим бўлиб, шундан кейин бозорни сегментларга ажратиши лозим, бу эса ижарага берувчининг мақбул тарзда қондириши мумкин бўлган салоҳияти лизинг олувчилар гуруҳлари ва уларнинг эҳтиёжларини аниқлашга имкон беради.

Маркетинг қарорларини қабул қилишда лизинг компаниясининг маркетинг сиёсатини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатадиган бозорнинг ривожланиш тенденциялари муҳим аҳамиятга эга.

Мавжуд хизмат кўрсатиш моделларини эслайдиган бўлсак барчаси хизмат кўрсатувчи ходимларни рағбатлантириш ва ўқитиш, мижозларга хизмат кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқиш, мижозларни ўраб турган моддий муҳитга эътибор беришдан иборат. Лизинг хизматларини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ходимлар маркетингидан ташқари инновацион маркетингдан фойдаланиш лозим. Технология ва инновациялар бугунги кунда барча соҳалар каби лизинг муносабатларини ўзига хос хусусияларидан келиб чиқиб, маркетинг стратегияларини амалга оширишда кенг фойдаланиш лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда лизинг бозори лизинг муносабатларини ривожлантириш маркетинг воситаларидан кенг фойдаланишни талаб қилиб, лизинг муносабатларини ривожлантиришда корхоналар маркетинг ҳаракатларини аниқлаб, маркетингни ички ва ташқи муҳитга йўналтириши, инновацион нуқтаи назардан ёндошиш ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда маркетинг стратегияларини ишлаб

чиқиш, корхона ривожлантириш омилларини ўрганиб чиқиш ва маркетинг хизматларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. Лизинговые операции: документальное оформление и организация учета: практическое руководство / под общ. Ред. В.В. Сменихина. – М.: Эксмо, 2007. – 160с

2. www.ula.uz Ўзбекистон Лизинг берувчилар Уюшмаси.

3. К.А. Дадабаев, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, апрель, 2013 йил

4. Соловьева Ю.П. Внутренний маркетинг, как элемент рыночной ориентации организации. // Маркетинг в России и за рубежом, 2005, №6(50), с. 17-20.

5. П. С. Завьялов., Маркетинг в схемах, рисунках, таблицах. Учебное пособие. Москва ИНФРА-М. 2002 с. 38.

Yakubova Y.U.- *Course Leader, WIUT*

MANAGING VALUES AND PERCEPTIONS OF CUSTOMERS WITH THE AIM OF IMPROVING THEIR WELL-BEING. CASE OF BANKING SECTOR IN UZBEKISTAN

Since the revival of behavioral economics and Richard Thaler’s award of Nobel Prize in 2017 (The Nobel Prize, 2017), the Nudge theory has been continuously employed in various fields starting from health, medicine and ending in banking sector all around the world.

Essentially nudges are minor influences which direct at making changes in the choice architecture of an individual and influence behaviour positively. Nudges are positive reinforcements created to overcome perception biases and trigger positive decisions. Nudges employ the principles such as simplification, defaults, reminders, disclosure and others. The concept of nudging has been widely used in Marketing (Kraak et al, 2017) and Retail Management (Adam et al, 2017). For instance, products placed at eye-level in a supermarket are usually selected more frequently than those near the floor. The concept of impulse buying behaviour in retail management has also been widely exploited. The latest developments in medicine and dietary studies actively use nudging in influencing healthy eating (Arno & Thomas, 2016) habits among school children in the United States.

Banking and Finance sector is no exception. One of the avenues where the concept proposed was seizing opportunity is mobile banking. Opportunity of mobile banking and young people’s active use of it presents the banks opportunity to capitalize on it as well in Uzbekistan. Mobile-banking (m-banking) is of particular interest to banks seeking to grow their market share, also growing sphere in Uzbekistan, because of m-banking’s role attracting and retaining customers, especially young ones. Given improvement in consumer trust, reliable data and an increasing first-screen presence on consumer mobile phones in Uzbekistan, banks

are uniquely positioned to integrate nudging in the finance sphere. Here are some examples of nudging having been used in finance spheres in international context:

- Nudging consumers to pay their credit card dues (Ariely & Mazaar, 2014)
- Nudging youth to develop saving habits (Rodriguez & Saavedra, 2015)
- Nudging to increase youth engagement with banking apps (Wijland, et al, 2016)
- Nudging to encourage customers to increase their savings for pension (Hazell, 2018), etc.

There are many more ideas besides the ones above which banks in Uzbekistan can look into in terms of innovation and also providing social good. In this case the banks will be ought to employ the policy of quality content.

This nudged many consumers to reconsider their rent expense and make decisions impacting the quality of their life. If executed effectively, banks can benefit from the effects and generate new revenue streams.

Keeping mentioned above in mind, there are several of innovative approaches which nudge theory can be relevant with in the banking sector of Uzbekistan, promising positive results.

Bibliography

1. Ariely D and Mazar N (2014) ,"*Applying Behavioral Science in the Field: Nudging Consumers to Pay Their Credit Card Dues"*, in NA - Advances in Consumer Research Volume 42, eds. June Cotte and Stacy Wood, Duluth, MN : Association for Consumer Research, Pages: 32-35.
2. Arno A. and Thomas S. (2016) *"The efficacy of nudge theory strategies in influencing adult dietary behaviour: a systematic review and meta-analysis"* Available online < https://bmcpublichealth.biomedcentral.com/articles/10.1186/s12889-016-3272-x>
3. NobelPrize.org (2017) *Richard H. Thaler – Prize Lecture.* Nobel Media AB 2019. Fri. 11 Oct 2019. Available online <https://www.nobelprize.org/prizes/economic-sciences/2017/thaler/lecture/>

Собиров А.О. *- ОБМ тингловчиси*

ИСЛОМ БАНКЧИЛИГИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ислом дини инсон ҳаётининг ҳар қандай жабҳасида йўл ва кўрсатма бўлиб хизмат қиладиган умумий тамойилларни ўрнатган. Улар инсонлар ўртасидаги барча муносабатларга, шу жумладан тижорат битимларига нисбатан ҳам қўлланилади. Ислом банкчилиги тижорат операциялари билан боғлиқ бўлганлиги учун Ислом дини тамойилларига асосланади.

Ислом банкчилиги Шариатга асосланган тушунча бўлиб, унинг тузилмаси моҳиятан, табиатан ва маънан анъанавий банкдан тубдан фарқ

қилади. Ислом банкчилигида ҳар қандай битим ёки келишув Шариат тамойилларига мос бўлиши керак.

Ислом банклари ўз мақсадлари, тамойиллари, амалиётлари ва фаолиятларида Шариат тамойилларига асосланган молиявий институтлардир. Шундай қилиб, улар бундай диний ташвишларга эга бўлмаган анъанавий банклардан фарқ қилади. Ислом банкчилигида барча операцияларда фоизлардан фойдаланиш таъқиқланади. Бу таъқиқ Исломий банк тизимини анъанавий банк тизимидан фарқлаб туради. Ислом банкчилигига турли адабий манбаларда турлича таъриф берилган. Жумладан:

1. Ислом банкчилиги, шунингдек Ислом молияси ёки Шариатга мувофиқ молия, деб ҳам аталади, Шариатга амал қиладиган молия ёки банк фаолиятидир. Ислом банкчилигининг иккита асосий тамойили – булар фойда ва зарарни бўлишиш ҳамда кредиторлар ва инвесторлар томонидан фоизлар ундириш ва тўлашнинг таъқиқланишидир [1].

2. Ислом банкчилиги анъанавий банк ишининг фоизни таъқиқлайдиган Шариат қонунларига асосланган ҳамда фойда ва зарарлар асосида ишлаб чиқилган муқобилидир [2].

3. Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ) Ислом банкини “низомлари, қоидалари ва тартибларида Ислом Шариати тамойилларига ҳамда ҳар қандай операциялари бўйича фоизлар олиш ва тўлашни таъқиқлашга содиқлигини тўғридан-тўғри баён қиладиган молия институти” деб таърифлаган. Ислом банкчилигининг асосий хусусияти фойда-зарарни бўлишиш (PLS) бўлиб, бу банкнинг роли мижозларга қарз бериш эмас, балки турли молиявий позицияларда мижозлар билан бизнесда молиячи сифатида қатнашиш эканлигини англатади [3].

4. Ислом банкларини а) омонатчилар ва инвесторлар ўртасида молиявий воситачи сифатидаги роли орқали ўзининг барча фаолиятларида Шариат тамойилларига амал қиладиган; б) қонуний шартномалар доирасида барча тижорат банк хизматларини кўрсатадиган; с) иқтисодий ва ижтимоий даромад ўртасидаги мувозанатга эришадиган молиявий институт сифатида таърифлаш мумкин [4].

5. Ислом банки ўзининг мақсадлари, тамойиллари, амалиёти ва фаолияти бўйича муқаддас Қуръони Карим ва Суннатда белгилаб қўйилган Шариат руҳи билан ўзини намоён қиладиган молиявий муассасадир [5].

Фикримизча, юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, Ислом банкчилигини қуйидагича таърифлаш мумкин:

Ислом банкчилиги Шариатга асосланган молиявий воситачилик тизими бўлиб, унда фоизни қўллашга рухсат берилмайди ва барча операциялар ва битимлар жамиятда адолат ва тенгликни таъминловчи фойда ва зарарни тақсимлаш (PLS) механизмига асосланади.

Ислом банклари амал қиладиган асосий тамойиллар қуйидагилар:

- ✓ олдиндан белгиланган тўловларнинг таъқиқланиши;
- ✓ фойда ва зарарнинг тақсимланиши;
- ✓ пулдан пул ишлашнинг таъқиқланиши;

- ✓ спекулятив ҳатти-ҳаракатларнинг таъқиқланиши;
- ✓ фақат Шариатга мувофиқ шартномаларнинг мақбуллиги ва уларнинг муқаддаслиги.

Бутун дунёда Ислом банкини жорий этишнинг асосий мақсади бизнес соҳасида Шариат тамойилларини қўллашни тарғиб қилиш, жадаллаштириш ва ривожлантиришдан иборат.


Ислом банкларида молиявий воситачилик анъанавий банклардан тубдан фарқ қилади. Исломда пулдан пул ишлаш ҳаром қилинганлиги сабабли, депозитларни кредитга айлантириш ва улардан фоиз олиш бўйича анъанавий молиявий воситачилик жараёни таъқиқланади. Исломий молиявий воситачиликда фоизлар фойда ва зарарни тақсимлаш билан алмаштирилади.

Фойда ва зарарларни тақсимлашга асосланган Исломий молиявий воситачиликда Ислом банклари анъанавий дебет-кредит тизими ўрнига икки босқичли *Музораба* концепциясидан фойдаланадилар.

Исломий молиявий воситачиликнинг ушбу моделига кўра, капитал тўлиқ бир тараф – *Раббул Мол* томонидан таъминланади ва бизнес корхонаси бошқа тараф – *Музориб* томонидан бошқарилади. Биринчи босқичда, Ислом банки омонатчилар билан *Музораба* шартномасини тузади, унда омонатчилар *Раббул Мол,* банк эса *Музориб* сифатида қатнашади. Иккинчи босқичда, Ислом банки маблағлардан фойдаланувчилар (қарз олувчилар ёки тадбиркорлар) билан иккинчи *Музораба* шартномасини тузади, бунда банк *Раббул Мол* сифатида иштирок этади ва маблағлардан фойдаланувчилар эса, *Музориб* вазифасини бажаради. *Музораба*нинг ҳар бир босқичида, фойда олинган тақдирда, бизнесдан олинган фойда олдиндан келишилган нисбатда тақсимланади, йўқотиш бўлган тақдирда эса, молиявий зарар фақат *Раббул Мол* ҳисобидан қопланади, *Музориб* эса, фақат ушбу бизнес ташаббусида вақти ва кучини йўқотиши мумкин. Музорабага асосланган концепцияда, *Раббул Мол* капитал кафолатига эга эмас ва йўқотиш бўлган тақдирда, омонатчилар ўз капиталларини йўқотиши мумкин. Ислом банклари *Раббул Мол* каби инвестиция ҳисобварақлари эгаларига тўғридан-тўғри ҳеч қандай кафолат бера олмасалар ҳам, амалда инвестиция ҳисобварақлари учун кафолатлар, одатда, ҳукуматлар томонидан марказий банклар орқали ёки депозитларни суғурталаш тизими - *Такофул* схемаси орқали билвосита тақдим этилади.

Юқорида тавсифланган ушбу Исломий молиявий воситачилик моделининг асосий хусусияти ва афзаллиги шундаки, у фоизларни банк балансининг ҳар икки томонида фойдани тақсимлаш билан алмаштиради, бу эса банк тизимининг самарадорлиги, адолатлилиги ва барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, у банк балансининг ҳар икки томонида ҳеч қандай махсус захира яратишни талаб қилмайди.

Ислом молиявий воситачилиги [2]



Ислом банклари қуйидаги учта юрисдикциялардан бирида фаолият юритадилар, бу ерда:

1) бутун молиявий тизим Шариатга мувофиқ бўлади, масалан Эрон ва Судан каби;

2) Исломий ва анъанавий банклар ёнма-ён ишлайдилар, иккилик банк тизими, деб ҳам аталади, булар кўпчилик мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар, масалан, Малайзия, БАА, Миср, Покистон каби;

3) Ислом банкларига маълум шартлар асосида ҳаракат қилишига рухсат берилиши мумкин, лекин улар учун марказий банк томонидан белгиланадиган алоҳида қоидалар мавжуд эмас, булар кўпчилик номусулмон давлатлар, масалан, АҚШ, Канада ва Австралия каби.

Кўпчилик иккилик банк тизимларида тўлиқ Ислом банклари ва Исломий молиявий хизматларни таклиф қилувчи анъанавий банклар ишлайди.

Исломий ёки анъанавий банклар томонидан таклиф этиладиган Исломий молиявий маҳсулотлар Шариатга мувофиқ бўлиши ва Шариат Кузатув кенгаши ёки шунга ўхшаш орган томонидан тартибга солиниши ҳамда улардан Шариатга мувофиқлик розилиги олиниши керак. Анъанавий банкларнинг ҳажмлари, банк иши бўйича илғор тажрибаси ва махсус билимлари уларга Ислом банкчилиги билан шуғулланганларида жуда қўл келади.

Анъанавий банклар Исломий молиявий хизматларни қуйидаги ташкилий тузилмаларда таклиф этадилар:

- *Дарчалар.* Исломий маҳсулотлар, кўпинча, мавжуд тарқатиш каналининг бир қисми сифатида алоҳида операциялар ва бухгалтерия ҳисобига эга бўлган алоҳида дарчалар орқали таклиф қилинади;

- *Филиаллар.* Исломий банк фаолияти ихтисослашган филиаллар орқали амалга оширилади;

- *Шўъба корхоналар.* Ислом банки хизматлари алоҳида махсус ташкил этилган юридик шахс орқали тақдим этилади. Шўъба корхонанинг мустақил бошқарув сиёсати ва стратегиялари мавжуд бўлади ҳамда у ўзининг ихтисослашган тарқатиш каналига эга бўлиши ёки бош компаниянинг каналидан фойдаланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. https://www.investopedia.com/terms/i/islamicbanking.asp

2. Syeda Fahmida Habib. *Fundamentals of Islamic Finance and Banking,* John Wiley & Sons Ltd., 2018.

3. Ibrahim Fares, *Islamic Banking Industry: Concept, Transactions and Supervision, 2015.*

4. Ahmad Alharbi. *Development of Islamic Banking System,* Journal of Islamic Banking and Finance, June 2015, Vol.3, No. 1, pp. 12-25.

5. Audil Khaki and Mohiuddin Sangmi. *Islamic Banking: Concept and Methodology,* SSRN Electronic Journal, January 2011.

Мирзаев З.З. *– ОБМ, бўлим бошлиғи*

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Рақамлаштириш жараёни давлатимизда қатор ишлар олиб борилмоқда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон Қарори айнан рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида чора-тадбирларни амалга оширилиши белгилаб берилиб, 2023 йилга келиб мамлакат ялпи ички маҳсулотида рақамли иқтисодиётнинг улушини 2 бараварга кўпайтириш назарда тутилган.

Дунёда иқтисодий ҳаётни рақамлаштиришнинг амалий жиҳати ёки рақамли иқтисодиётнинг жисмоний намоён бўлиши рақамли қайта созлаш (модернизация), рақамли роботлаштириш каби кичик заргарлик буюмлари, инсон тўқималаридан тортиб йирик инфратузилма объектларигача бўлган марказларни яратишдан иборат. Рақамли иқтисодиётни шундай жойлаштиришнинг ёркин амалий мисоли – 3D босиб чиқариш технологиясидан фойдаланган ҳолда кўприклар (Амстердам, Нидерландия), Швецияда мотоцикллар ишлаб чиқариш, турар-жой бинолари (Хитой, БАА) ва бошқа иншоотлар қурилиши учун 3D принтерлар яратиш.

Замонавий қурилиш саноати бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари билан қуролланган бўлиб, улар биноларнинг рақамли моделларини яратишга, лойиҳаларни имкон қадар тез ва мослашувчан тарзда ўзгартиришга, бино ва иншоотларнинг қурилиши ва эксплуатациясини бутун вақт давомида бошқаришга имкон беради (BIM технологиялари – қурилиш соҳасида ахборотни моделлаштириш технологиялари): меъморнинг фикр ва қаламидан, қурилиш сметасини ҳисоблашдан – молиявий ҳужжатларни якунлашгача, кейинги жисмоний эскириш билан фойдаланишга топшириш ва бухгалтерия ҳисобида тегишли ҳисобга олишдан иборат.

Рақамли ёндашув деярли ҳар қандай маҳсулотнинг (PLM – Product Lifecycle Management – "ҳаёт циклини бошқариш") тўлиқ ҳаёт циклини ғоя, уни яратиш ва ундан фойдаланишгача "бошқариш" имконини беради. Бу нафақат шахсий уй-рўзғор буюмларига, балки мураккаб тизимларга ҳам тегишли.

Рақамли технологиялар аллақачон фаол жорий этилган бўлиб, замонавий уйда муҳандислик инфратузилмасини бошқариш имконини беради: электр, ёруғлик, иссиқлик, газ ва бошқалар – "Ақлли уй" тизимлари. Бундан ташқари, киберфизик қурилмалар тизимлари нафақат якка тартибдаги уйлар, балки бутун маҳаллалар, микрорайонлар, шаҳарлар ва мегаполислар инфратузилмаси – "Smart City" тизимини самарали бошқариш имконини беради. Қарийиб етти йилдан буён Жанубий Кореяда "келажак шаҳри" Сонгдо қурилиши давом этмоқда. Бу сўнгги йиллардаги Саноат ва технологик тараққиёт натижасида дунёдаги энг йирик ва ёркин инновацион рақамли лойиҳалардан бири. Келажак шаҳри Сонгдо Сеулдан 60 км узоқликда жойлашган сунъий оролда қурилмоқда ва у ақлли ақлли шаҳар бўлади. Унда буюмлар интернети ва "ҳамма нарса" интернети ёрдамида инсонлар ҳам, объектлар ҳам – рақамли иқтисодиёт агентлари ўзаро боғланади.

Рақамли юқори технологияли тиббиёт янги технологик йўналиш иқтисодиётининг тармоқларидан бири сифатида инсон ва инсон ҳаётининг энг муҳим соҳаларидан яна бири бўлиб, унда фан-техника тараққиётининг миқдорий натижалари яққол намоён бўлади. Сўнгги ўн йилликларда яратилган инновацион биологик препаратлар бутун танага ёки унинг бошқа қисмларига зарар етказмасдан, маълум бир органни аниқ мақсадли даволашни амалга ошириш имконини беради. Бироқ, бу таъсир узоқ муддатда тасдиқланиши зарур. Даволашнинг стандартлаштирилган усуллари ҳар бир беморнинг генетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инновацион дори воситаларини индивидуал танлаш тизимига айлантирилмоқда. Замонавий инновацион тиббиёт рақамли генетик технологияларни ишлаб чиқмоқда, улар инсон туғилишидан олдин генетик анормалликларни тузатишга ёки бир нечта инъекция ёрдамида илгари даволаб бўлмайдиган касалликларни даволашга имкон бермоқда. Лойиҳалар "телетиббиёт" ни кенг ривожлантиришни назарда тутади.

Регенератив рақамли тиббиёт – тиббиёт, биология, генетик муҳандислик ва рақамли иқтисодиёт билан ўзаро боғлиқликда ривожланмоқда. У 3D биопринтингни ишлаб чиқариш ва ишлатишни ўз ичига олади, тўқималар ва

органларнинг ўсиши ва алмаштирилишига имкон беради, бу Москва давлат университетининг баъзи олимлари томонидан салбий қабул қилинади, масалан, биология фанлари доктори М.Г.Гапочка тиббиёт, биология, инновацион тиббий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ва рақамли, ахборот технологиялари чорраҳасида ғояларнинг пайдо бўлиши катта маълумотларни ҳисобга олган ҳолда соғлиқ ҳолатини ташхислаш муаммолари ва касал беморни даволаш жараёнига одатий ёндашувларни ўзгартиради. Хусусан, кўчма тиббий-диагностика асбоб-ускуналаридан фойдаланиш касалликнинг самарали олдини олиш, касалликни эрта ташхислаш ва уни ўз вақтида даволаш учун катта ҳажмдаги маълумотлар тўпланиши ва уларни қўллашга хизмат қилиши керак.

Тиббиёт саноатининг ижтимоий аҳамияти ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг юқори даражаси туфайли унинг изчил ривожланиши давлат томонидан кучли қўллаб-қувватлаш, шунингдек, илмий жамоатчиликнинг юқори малакали савиясини талаб қилади. XX асрнинг 90-йилларида ижтимоий инфратузилманинг етарли даражада молиялаштирилмаганлиги сабабли соғлиқни сақлаш соҳасида юзага келган технологик кечикишларни бартараф этиш учун нафақат давлат томонидан молиявий ёрдам, балки молиялаштиришнинг бошқа манбаларини излаш, масалан, бизнеснинг ижтимоий масъулиятига асосланган ҳолда ҳам талаб қилинади.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётнинг замонавий шароитлари учун мутахассисларни тайёрлаш бўйича турли таълим тизимларининг тарафкашликлари ҳар хил бўлиши мумкин. Ғарб мамлакатларида ва уларнинг бир қатор собиқ жануби-шарқий колонияларида таълим устунлик қилади, инсонни замонавий юқори технологияли рақамли тизимга дастур сифатида тайёрлайди.

Республикамиз янги рақамли транспорт тармоғининг ривожланиши иқтисодий ўсиш ва миқдорий ривожланиш учун катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда унинг ривожланиш даражасининг етарли эмаслиги қуйидаги сабаб билан изоҳланади: мавжуд инфратузилма объектларига хизмат кўрсатишга катта инвестициялар сарфланади, бу эса тармоқ транспорт инновацияларини молиялаштириш учун мавжуд маблағлар ҳажмини камайтиради. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш республикамиз иқтисодий сиёсатида биринчи ўринда туради. Буни рақамли технологияларга асосланган “Битта белбоғ – битта йўл” мегалойиҳаси доирасида тезюрар темир йўл линияларини қуриш лойиҳалари ҳам тасдиқлайди.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) эволюцияси, улардан кенг фойдаланиш инсон ва инсон ҳаётининг барча соҳаларида институционал ўзгаришларга, шунингдек, шахслар учун қулайлик даражасини ошириш имкониятига олиб келади. Ҳаётнинг бугунги анъанавий шакллари – тиббий хизматдан, таълимдан тортиб молиявий хизматларгача – рақамли форматга ўтмоқда, бу эса дизайнга кўра уларни яхшироқ, қулайроқ ва кенг фойдаланишга имкон беради.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ягона йўли – бу ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини рақамлаштиришдан иборат бўлади. Юқори технологияли саноат маҳсулотларини ишлаб чиқиш Саноат 4.0 концепциясида келтирилган янги технологияларни қўллаш йўлидаги муҳим қадамдир. Бу нафақат мураккаб маҳсулотларнинг моделларини, балки маҳсулотнинг ҳаёт айланишининг бир қисми бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари, тизимлари, манбалари ва бошқа элементларни ҳам рақамлаштиришни ўз ичига олади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони;

2. Юдина Т.Н. Осмысление цифровой экономики //Современность: хозяйственные алгоритмы и практики: сборник статей/под ред. Ю.М. Осипова. М.; Тамбов: Издательский дом ТГУ им. Г.Р. Державина, 2016;

3. В Южной Корее строят «умный» город http://www.econet.ru/articles/125848-v-yuzhnoy-koreestroyat-umnyy-gorod;

4. Цифровизация жизненного пространства стала мегатрендом нашего времени. Интервью М.Романова [Электронный источник] http://sk.ru/news/b/articles/archive/2015/10/27/cifrovizaciya-zhiznennogo-prostranstva-stalamegatrendom-nashego-vremeni.aspx;

Ибрагимов А.И. *– ОБМ тингловчиси*

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Бозор муносабатларининг тобора эркинлашуви жараёнида кичик корхоналарнинг хўжалик юритиш, мулкчилик шакли ҳамда бухгалтерия ҳисобининг ўзгариши уларнинг молиявий аҳволини баҳолаш ва таҳлил қилишга ёндашувга таъсир қилмай қўймади. Молиявий аҳволни таҳлил қилиш ҳар бир хўжалик юритувчи субъектга зарурдир, чунки фаолият кўрсатиши бевосита даромадлилиги ва тўловга қобилиятини сақлаб қолиши билан боғлиқдир.

Кичик корхона молиявий аҳволи корхона маблағларининг ташкил топиш манбалари ҳаракати, уларнинг мақсадли сарфланиши ва молиявий маблағларнинг тўғри тақсимланиши, шунингдек, кичик корхонанинг ҳар доим тўловга қобилиятлилиги акс эттирувчи ўзаро алоқадор кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади.

Молиявий аҳволни таҳлил қилиш учун керак бўлган асосий маълумот манбаси кичик корхона бухгалтерия балансидир, яъни корхонанинг молиявий ҳолатини ҳисобот даври бошига нисбатан ўзгаришидир. Республика Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган корхона балансининг янги шакли олдингисидан шу билан фарқ қиладики, у корхона мажбуриятлари ҳақида аниқ маълумот олишга имкон беради ва шу билан бир вақтнинг ўзида корхонанинг

ўз маблағлари миқдорини ҳисоблаш чиқиши учун қулайдир. Бу билан баланс моддаларини таҳлилга тайёрлаш учун ўзгартиришлар киритиш муаммоси ҳал қилинди дейиш мумкин. Ушбу услуб бўйича биз турли маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган учта кичик корхоналар молиявий аҳволининг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида таҳлил қиламиз.

Таҳлилни ташкил қилиш механизмини батафсил кўрсатиб бериш мақсадида қуйидаги кичик корхоналар маълумотларига таяндик: электр анжонлари ишлаб чиқарадиган “Миниаккумулятор” кичик корхонаси. Ушбу корхоналар моливий ҳолатини таҳлили юзасидан бухгалтерия баланси моддаларин таркибий гуруҳлаш орқали корхона активларини соф қийматини аниқлаб олиш лозим. Яъни устав капитали ва бошқа активлар ўртасида алоқадорлик ва мулкни сақлашни таъминлаш мақсадида тизимли бухгалтерия ёзувлари асосидаги аналитик ишларни амалга ошириш талаб этилади. Керакли ўзгартиришлардан сўнг биз кичик корхонанинг аналитик балансига эга бўламиз. Аналитик балансни таркибий, динамик ўзгаришлари аниқлаш орқали корхона молиявий аҳволи ва унинг ўзгаришига умумий баҳо берамиз.

1-жадвал

“Миниаккумулятор” кичик корхонасининг мулки таркиби таҳлили[1]

(минг сўм)

АКТИВ				**ПАССИВ**			
Мулк таркиби	**Давр боши**	**Давр охири**	**Мутлоқ оғиш**	**Мулк таркиби**	**Давр боши**	**Давр охири**	**Мутлоқ оғиш**
Мулк	14021	84608	70587	Мулк	14021	84608	70587
Иммобилизация қилинган маблағлар	8371	28019	19648	Ўз маблағлари манбалари	12383	32631	20248
Тез кўчувчи маблағлар	5650	56589	50939	Қарзга олинган маблағлар	1638	51977	50339
Заҳиралар ва харажатлар	3721	36971	33250	Узоқ ва ўрта муддатли кредитлар	-	-	-
Дебиторлик қарзлар	1378	19270	17892	Қисқа муддатли кредитлар	366	38206	37840
Пул маблағ-лари ва қимматли қоғозлар	551	348	-203	Кредиторлик қарзлар	1272	13771	12499

Жадвал маълумотлари ҳисобот даврида корхона мулки 70587 минг сўмга ёки 503,4 фоизга ошганлигини кўрсатади. Унинг таркибий ўзгаришлари ҳам турлича бўлган. Жумладан иммобилизация қилинган маблағлари эвазига 19648 минг сўмга ёки 234,7 фоизга ўсишга (уларнинг солиштирма улуши 26,6 фоизга камайган), тез кўчадиган маблағлар эвазига корхона мулки 50939 минг сўмга ёки 1001,57 фоизга ошган (мувофиқ тарзда уларнинг солиштирма улуши 26,6 фоизга ошган). Тез кўчадиган маблағлар таркибида заҳира ва харажатлар

[1] Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган

ўсиши 33250 минг сўмга ёки тўққиз мартага (солиштирма улуши 17,2 фоизга) ошганлигини дебиторлик қарзлари 17892 минг сўмга ёки 1298,4 фоизга (солиштирма улуши 12,9 фоизга) ошганлигини, пул маблағлари ва қимматли қоғозлар моддаси бўйича 203 минг сўмга камайишни ёки 36,8 фоизга (солиштирма вазнда 3,5 фоизга) камайганлигини кўриш мумкин.

Пассив бўйича таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики, ҳисобот даврида корхона мулкининг манбаси ўз маблағлари ҳисобига 20248 минг сўмга ёки 163,5 фоизга ошган, қарз маблағларнинг улуши эса 49,7 фоизга ошган. Қарз маблағлариниг ошиши қисқа муддатли кредитлар ва қарз маблағлари ҳисобига 42,5 фоизга, кредиторлик қарз ҳисобига эса 7,2 фоизга ортган. Ҳисобот даврида жами қарзга олинган маблағлар миқдори 50339 минг сўмга ёки 3173,2 фоизга ошган: хусусан, қисқа муддатли кредитлар ҳисобига 37840 минг сўм ёки 10338 фоизга, кредиторлик қарз ҳисобига 12499 минг сўмга ёки 982 фоизга ошган ўсиш кузатилган.

Юқоридаги жадвал маълумотларига асосан корхона бухгалтерия балансининг актив ва пассив моддаларини таркибий ўзгаришларини таҳлил баҳолаш мумкин.

Таҳлил қилинаётган корхона бўйича таркибий ўзгаришлар таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки асосий ўзгаришлар қарзга олинган маблағлар ўсиши ҳисобига рўй берган. Лекин бу ҳолат корхонанинг молиявий аҳволини, молиявий мустақиллигини, барқарорлигини тушириб юбориши мумкин ва шундай бўлди ҳам. Жами манбалар таркибида қарзга олинган маблағлар 71,3 (53,6 + 17,7) фоизни ташкил этган ҳолда корхонанинг моливий мустақиллигини тасаввур қилиш қийин.

Ҳисобот даврида корхонанинг жами манбаларида ўз маблағларининг ўсиши 28,7 фоизни ташкил қилган. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, корхона маблағларининг ташкил топиш манбаларининг 72,2 фоиздан ошган қисми айланма маблағларга; шулардан 47,1 фоиз заҳираларга ва харажатларга, 25,1 фоиз - пул маблағларига, ҳисоб-китоблар ва бошқа активларга.

Бундан ташқари “Миниаккумулятор” кичик корхонаси бўйича ҳисобот даври балансидаги ўзгаришларни хўжалик фаолияти молиявий натижаларидаги ўзгаришларга таъсирини ҳам баҳолаш лозим.

Масалан, баланс жамисини маҳсулот сотишдан тушган тушум билан солиштирамиз. Бунинг учун эса иккита коэффициентни ҳисоблаймиз:

1. Маҳсулот сотишдан тушган тушумнинг ўсиш фоизи (**K**n).

2. Ҳисобот даври бўйича ўртача баланс қиймати (**K**b).

Бизнинг ҳолатимизда **K**n = - 29,8 фоиз; **K**b = -24,7 фоиз, яъни **K**n < **K**b. Бу шундан далолат берадики, “Миниаккумулятор” кичик корхонаси молиявий маблағлари ўтган даврга қараганда камроқ самара билан ишлатилган.

Жадвал маълумотлари бўйича корхона жорий активларини унинг ташқи мажбуриятлари билан солиштирганда, корхона тўловга қобилиятли деган хулосага келиш мумкин. Яъни жорий активлар ташқи мажбуриятлардан йил бошига 4012 минг сўмга (5650 - 1638), йил охирига 4612 минг сўмга (56589 - 51977) ортиқ бўлган. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, таҳлил қилинаётган

корхонада жорий активларнинг йил бошига 65,6 фоизи (3721/5650 х 100фоиз) ва йил охирига 65,3 фоизи (36971/56589 х 100фоиз) заҳиралар ва харажатларга тўғри келади, бу эса корхонанинг ҳақиқий тўловга қобилиятини акс эттирмайди, чунки бозор иқтисодиёти шароитида ушбу товар-моддий бойликлар сифат ва бошқа тасниф белгилари бўйича ноликвид маблағлар қаторига ҳам кириб қолишлари мумкин.

Юқридаги маълумотларга асосан корхонада айланма капитал кўрсаткичини ҳисоблашимиз мумкин:

$\mathbf{O}_к$ = 4612 - 4012 = 600 минг сўм.

Айланма капиталнинг 600 минг сўмга ошишига қарамасдан ҳисобот даврида корхонанинг мажбуриятларини тез бажариш имконияти пасайган. Бу айланма капитални қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати билан аниқланади. Бу ерда эса оптимал нуқта бўлиб бир бирликка тенг кўрсаткич ҳисобланади. Йил бошига ушбу нисбат 2,45 (4012/1638) га тенг эди, йил охирига келиб ушбу нисбат 0,088 (4612/51977) га тенг бўлган, яъни йил бошида корхона барча мажбуриятларини тўлашга қобилиятли эди, йил охирига келиб тўловга қобилиятсиз бўлиб чиққан.

Кичик корхоналар мулкининг таҳлили шуни кўрсатдики, айланма маблағларни шакллантиришда деярли узоқ муддатли кредитлар қатнашмайди. Шу билан бирга таҳлил қилинаётган корхона раҳбарлари бозорнинг ўзаро алоқадорлик асосий принципи - минимум ўзнинг ва максимум қарз капиталидан фойдаланишдан келиб чиқадилар.

Кўриб чиқилган таҳлил услуби кичик корхоналар кўламида амалий жиҳатдан ташкил қилинишида жуда оддий ва энг самарали деб ҳисоблаймиз. Бу усулдан ортиқча иқтисодий билимларни талаб қилмасдан, мулк шакли ва фаолият туридан қатъий назар барча кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектларида оддийгина ташкил қилиш, фойдаланиш ва иқтисодий самарасини дарров сезишлари имконияти жуда катта. Ушбу таҳлил усули корхона кўлами, шунингдек унинг алоҳида олинган фаолият турлари бўйича ҳам таҳлилий маълумотларни чиқариш имконини беради. Таҳлил маълумотларига агарда эҳтиёж бўлса даврийлик нуқтаи назаридан ҳам эркин ёндошиш мумкин, унинг оперативлигини исталганча кучайтириш мумкин. Бу усул кичик корхоналарда таҳлил ишини Давлатимиз ва Ҳукумат раҳбарларимиз талаб қилаётган даражага чиқаришнинг реал имкониятини яратади.

Каримов К.Н. *– ОБМ тингловчиси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ

Иқтисодиёт глобаллашувининг янгича шароитида иқтисодий ривожланишнинг асосий белгиси ишлаб чиқаришнинг технологик усули ва уларнинг бутун жамият иқтисодий салоҳияти таъсиридаги ўзгаришлар

ҳисобланади. Кўпчилик замонавий тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, бугунги кунда рўй бераётган инновацион ўзгаришлар нафақат жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ўзгартиради, балки ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тизимидаги марказий бўғинни ҳам ифодалайди. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлаганидек, "..мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир".

Инновацион ривожланиш концепциясига кўра, техника ва технологиялардаги инновацияларнинг ҳар бир янги авлоди ижтимоий ҳаётдаги ўз таъсир доирасини кенгайтиради. Агар XX асрнинг ўрталарида ҳукмронлик қилган технократик тенденциялар ва технологик детерминизм назариялари "технологик оқилоналик", технологияларнинг шубҳасиз фойдали эканлиги ва уларни амалга ошириш учун тадбиркорлик эркинлиги зарурлиги ҳақидаги тасаввурларга асосланган бўлса, инновацион ривожланишнинг замонавий назариялари ижтимоий ва ташкилий ўзгаришлар концепциялари билан жуда боғлиқдир. Технологик ўзгаришлар илмий тадқиқотлар йўналишларида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда ўзгаришларга олиб келади, кўплаб ижтимоий ва ташкилий-бошқарув инновациялари юзага келишига сабабчи бўлади. Барча даражадаги инновацион тизимлар учинчи мингйилликда иқтисодий ўсишнинг янги модели шаклланишида ҳукмрон ғояга айланади. Уларнинг асосий таркибий қисмлари сифатида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида юзага келадиган, келиб чиқиши, янгилик даражаси, предметли-мазмунли тузилиши, иқтисодий жараёнларга таъсири бўйича фарқланувчи инновациялар намоён бўлади.

Инновацион сиёсат доирасида саноат корхоналарида самарали институционал ва технологик ўзгаришларни рағбатлантириш, саноат компанияларининг тадқиқотчилик йўналишидаги корхона ва ташкилотлар билан интеграциялашувига хизмат қилиш, корпоратив фан ва ишланмаларнинг ривожланишини рағбатлантириш йўли билан инвестицион рискларни максимал даражада камайтириш вазифаси турибди.

Корхоналарни инновацион ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш қуйидагиларга имкон беради:

- янги ёки такомиллаштирилган технологиялар, маҳсулотлар, асбоб-ускуналар, материаллар ва ҳ.к. жорий қилиш ҳисобига маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаш;
- инновацион маҳсулот ҳажми улушини инновацион фаол корхоналар маҳсулотлари умумий ҳажмининг 20%игача етказиш, яъни Европа кўрсаткичларига яқинлашиш;
- фан-техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида қўшимча иш ўринлари яратиш;
- ИТТКИ ва инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги схемаларини жорий қилиш ҳисобига инновацион соҳага қўшимча ресурслар жалб қилиш;

- зарурий инновацион инфратузилма (технопарклар, инновацион-технологик марказлар, кичик инновацион-технологик корхоналар ва б.), инновацион фаолият субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари яратиш ва ривожлантириш;
- инновацион фаолият қатнашчиларининг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий асослар шакллантириш;
- инновацион соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимлари яратиш;
- инновацион фаолият қатнашчиларини ахборот билан қўллаб-қувватлаш ва инновацион лойиҳаларни бошқариш тизимлари яратиш;
- корхоналар инновацион фаоллигини оширишни таъминловчи, самарали фаолият юритувчи, бозорга йўналтирилган инновацион тизим яратиш;
- янгиликлар киритиш асосида ишлаб чиқаришда жадал таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- маҳсулот (товар, хизмат) рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш;
- ички ва ташқи бозорларда саноат ва фан-техника маҳсулотларини янада силжитиш учун шароитлар яратиш;
- инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорлик ва тармоқлараро кооперация илғор тажрибалари ва устунликларидан максимал даражада фойдаланиш.

Бинобарин, келгусида мамлакатимиз миллий инновацион тизимини тўлиқ шакллантириш ва инновацион фаолиятни янада жадаллаштириш мақсадида қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

-инсон капитали ва тадқиқотлари компоненти бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатларни ошириш ҳамда технология- лар трансферини янада ривожлантириш;

-бизнеснинг жозибаси компоненти бўйича хорижий компаниялар томонидан молиялаштириладиган (GERD) кўрсаткичларни янада яхшилаш ҳамда АКТ хизматларини кенгайтириш;

-фан ва технологиялар натижалари компоненти бўйича билимларнинг оммалашувини бундан-да ошириш ва тараққий эттириш;

-ижодий натижалар компоненти бўйича интернет ижодкорлиги ҳамда мобиль иловаларни яратишни такомиллаштириш.

-иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ва ҳудулар кесимида ўрта ва узоқ муддатли инновацион ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

-инновацион фаолиятни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси “Инновацион фаолияти тўғрисида”ги қонунни янада такомиллаштириш ва унда инновацион фаолият иштирокчиларини тўлиқ фаолият олиб боришлари учун қулай бўлган, яъни тўғридан-тўғри нормаларни киритиш. Технологиялар трансфери, венчур фондлар ва

компанияларни фаолиятини тартибга солувчи зарур меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

-истиқболли инновацион лойиҳа таклифларини шакллантириш, уларни чуқур таҳлил қилиш, баҳолаш, танлаб олиш, экспертиза қилиш, шунингдек, лойиҳаларни амалга оширишнинг барча цикларида сифатли ташкил этишни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ҳузурида махсус тузилмаларнинг ташкил этиш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш;

-технологиялар трансфери тизими фаолиятини яхши йўлга қўйилган энг илғор мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, инновацион тизими инфратузилмаси корхоналари сифатида, мамлакатда бизнес-инкубаторлар, технопарклар, технологиялар трансфери агентликлари, венчур компаниялари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни мувофиқлаштириш ҳамда қўллаб - қувватлаш бўйича республика ва ҳудудлар миқёсида ягона масъул давлат бошқарув органни белгилаш. Инновацион инфратузилманинг барча объектларига эга бўлган миллий инновацион тизмни шакллантиришни тезлаштириш;

-мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари, илмий -тадқиқот ташкилот ва муассасаларининг иқтисодиётнинг базавий тармоқлари билан инновацион ҳамкорликларини янада фаоллаштириш мақсадида йирик хўжалик юритувчи субъектлар қошида инновацион ишланмаларни синовдан ўтказадиган лабораториялар ташкил этиш. Олий таълим муассалари ҳузурида жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда кичик инновацион корхоналарни ташкил этишни тезлаштириш;

-мамлактимизда фаолият кўрсатаётган махсус иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган корхоналарнинг янги инновацион лойиҳаларга бўлган талабларини қондириш, инновацион корхоналар билан кооперацион алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида уларга хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган юқори технологиялар маркази (технопарк) ташкил этиш.

Юқорида қайд этилган таклифларни амалга оширилиши мамлакатда инновацион фаолиятни янада фаоллаштириш, илмий ҳажмдор ишланмаларни ишлаб чиқариш жараёнида жорий этиш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони 07.02.2017 й. N ПФ-4947. "Халқ сўзи", 2017 йил 8 февраль

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 29.12.2020й.

3. Ризаев Н. Глобал инновацион индекс: Ўзбекистон учун бу қандай аҳамиятга эга? // Халқ сўзи газетаси, 28.01.2021.№19.

4. Акабирова Д.Н. Инновационная стратегия (уч.пос.) – Т.:Иқтисодиёт, 2011г. – 352 стр.

5. Санто Б. Инновация как средство экономического развития: Пер. с венг./ Общ. ред. и вступ.ст. Б.В.Сазонова. – М.: Прогресс, 1990. – 296 с.

6. Водачек Л., Водачкова О. Стратегия управления инновациями на предприятии: Сокр. пер. со словац. / Авт.предисл. В.С. Рапопорт. – М.: Экономика, 1989. – 167с.

7. Лапин В.Н. Социальные аспекты управления нововведениями // В сб.: Проблемы управленческих нововведений и хозрасчётного экспериментирования. Всероссийская научно-практическая конференция–Таллин, 1981. – 23 с.

Каримов Б.И. *– ОБМ тингловчиси*

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ АСОСИ СИФАТИДА

Янги Ўзбекистон Стратегиясида: “Иқтисодий сиёсатимизнинг асосий тамойилларидан бири-ҳар бир фуқаро бой бўлса, давлат бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса-мамлакат фаровон бўлади”-деб, таъкидланади. Бундан ташқари, мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат қилиш ва тадбиркорлик ҳисобидан даромад топиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини, ташаббусларини рўёбга чиқариш-барча бўғиндаги давлат органларининг бирламчи вазифаси эканлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда [3].

Covid-19 пандемияси билан боғлиқ инқирознинг тезкор ривожланиш тавсифига эга эканлиги бир қатор олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган муаммоларни пайдо қилмоқдаки, бунинг натижасида эҳтимолли йўқотишларни баҳолаш фавқулодда мушкул вазифа ҳисобланади. Мазкур муаммолар билан боғлиқ бўлган ҳолда пайдо бўлувчи бир қанча саволларга жавоб излаб топиш талаб қилинади.

Замонавий Ўзбекистон иқтисодиёти модернизациялашган иқтисодиётга таянади. Бундай иқтисодиётни шакллантириш учун ундаги давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлан-тиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллабай тизимидан фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.08.2021 йилдаги “Ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 504-сон қарори қабул қилинди. “Маҳаллабай” ишлаш асосида “оғир” маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича “Андижон тажрибаси”ни республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам татбиқ этиш учун давлат улушига эга

бўлган тижорат банкларига $100 млн эквивалентидаги маблағлар ажратилади. Қабул қилинган ҳужжат билан “маҳаллабай” ишлаш йўналишининг асослари белгилаб берилган:

- маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни (ихтисослашув йўналишларини) аниқлаш ва тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш;
- аҳолининг доимий даромад манбаларини янада кўпайтириш, оилавий тадбиркорликни ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятини янада кенгайтириш чораларини кўриш;
- маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги бўлган ташаббускорларни бизнес асосларига ўқитиш;
- хонадонларда томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, даромадлилигини янада ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуна ва хом-ашё билан имтиёзли кредитлар асосида таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш жараёнларини ташкил этиш учун “етакчи” тадбиркорлик субъектларини бириктириш;
- тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш ва фаолиятини мониторинг қилиб бориш, ишлаб чиқарадиган маҳсулоти (хизмати) бозорини топишига ёрдам бериш.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сурамиз:

1. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадлари базасини кенгайтириш мақсадида йирик тадбиркорларни маҳаллаларга бириктириш амалиётидан кенг фойдаланиш талаб қилинади.
2. Аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш марказлари фаолиятини янада жонлантириш, ҳар битта катта маҳаллада, ёки аҳоли сони нисбатан кам бўлган иккита-учта маҳаллада бундай марказлар фаолиятини йўлга қўйиш.
3. Таълимнинг ҳар қандай босқичида плагиатга қарши курашиш, жамиятда унинг ҳар қандай кўринишига муросазиз муносабатни шакллантириш.
4. Жамиятда камбағалликка сабаб бўлувчи коррупция, сифатсиз инфратузилма, кўрсатилаётган турли хил ижтимоий хизматлар сифатининг пастлиги, атроф-муҳит ва ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатувчи экологик омиллар ва шу кабиларни чуқур таҳлил қилиш асосида камбағалликка қаршиш курашиш борасида илмий асосланган дастур ва режалар ишлаб чиқиш.
5. Кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш ҳисобига қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш масалаларини ҳал этиш.

6. Ёшларни арзон уй-жойлар билан таъминлашда ипотекали кредитлаш имкониятларини янада кенгайтириш, ажратилаётган ипотека кредитларининг фоиз ставкаларини ҳудудлар кесимида қайта кўриб чиқиш.

7. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг айниқса ёшлар ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш.

8. Ўзбекистонда аҳоли ўртасида “намойишкорона истеъмол” даражаси ҳаддан ташқари юқори ҳисобланади. Бу энг аввало, йиллаб йиғилган маблағлар эвазига серҳашам тўйлар қилиш, қимматбаҳо машиналар сотиб олиш, чиройли телефон ва автомобил рақамларига жуда катта маблағлар сарфлаш кабиларда кўринади. Буларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолисининг иқтисодий хулқ-атвори “камбағаллик фалсафаси” устига қурилганлигини кўрсатади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, аҳоли кенг қатламларининг иқтисодий фикрлашини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

9. Ёшларнинг касб-ҳунар ва олий таълим билан қамраб олиниш даражасини ошириш ва бунда асосий эътиборни меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларни замонавий ва истиқболли касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича ўқитишга қаратиш.

10. Иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари, айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида кооперация алоқаларини изчил йўлга қўйиш.

11. Инсон капитали сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш.

12. Билимлар иқтисодиётини шакллантиришга алоҳида урғу бериш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

13. Жамият ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида рақамли технологияларнинг тобора изчил жорий этиб борилишига эришиш ва шу кабилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. – www.uza.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони// www.lex.uz

3. Ш. Мирзиёев Янги Ўзбекистон Стратегияси.-Тошкент: ”O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналиш-лари тўғрисида”ги ПФ-29-сон фармони– www.uza.uz

5. Бердиев Ғ.И. Миллий иқтисодиётда уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Зиё нашриёти, 2021 йил. 184 бет.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314 сонли “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Умумий овқатланиш ва туризм соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшича чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 августдаги ПҚ-5239 сонли “Қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги ПФ-6307 сонли “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПҚ-5243 сонли “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги ПҚ-5233 сонли “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-29-сон Фармони

Мусирмонова М.Н. *– ОБМ тингловчиси*

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ

Турли муаллифлар э-тижорат аслида нима эканлиги ҳақида бир хил нуқтаи назарга эга эмаслар. Кўпчилик электрон тижоратни онлайн харид қилиш билан тенглаштиради. Шу билан бирга, электрон тижорат ва электрон тижорат турли хил нарсалардир. Электрон тижорат – «бу ўзаро боғланган компютерлар тармоғи (ҳатто Интернетга уланмаган бўлса ҳам) орқали амалга ошириладиган ҳар қандай транзаксия бўлиб, бу мулк ҳуқуқи ёки жисмоний товар ёки хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказишга олиб келади» . У 30 йилдан ортиқ вақтдан бери мавжуд ва Интернет орқали биринчи сотувлар фақат 1995 йилда амалга оширилган. Интернет-тижорат электрон тижоратнинг фақат бир қисмидир ва у камайиб бормоқда.

Банк сектори узоқ вақтдан бери универсаллашув йўлида ривожланиб бормоқда. Банк хизматлари соҳасида электрон тижоратнинг динамик ривожланишининг асосий, энг долзарб, муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали биз мижознинг ўз мижозлари учун фойдали бўлган ма’лумотларни олишдан манфаатдор эканига амин бўлдик. хизматларнинг

барча турларини бир жойда. Хизматлар ва маълумотларни улар учун қулай бўлган барча усулларда олиш ҳам муҳимдир. Интернетнинг жорий этилиши банкка сезиларли “оммавийлик” беради. Хорижий ҳамкорлар билан яқиндан ҳамкорлик қилган банкирлар йирик компаниянинг хориждаги интернет-ахборот тугунининг манзили кўрсатилмаган визит картаси анчадан буён “нопок” бўлиб қолганини англаб етди.»

1. Электрон бозорда ўз фаолиятини бошқаларга қараганда эрта бошлаган банк ахборот технологиялари соҳасида катта тажрибага эга бўлди ва келажакда бошқа электрон бозорларда энг нуфузли ва нуфузли ҳисобланади.

2. Интернет тармоғининг жорий этилиши банкка мижозларга электрон хизмат кўрсатиш тизимлари ишини яхшилаш, мижозга ўз ҳисобини бошқариш ва зарур ма’лумотларни олиш ёки муайян операцияни бажаришда қўшимча қулайликлар яратиш имкониятини беради.

3. Энг сўнгги электрон чакана банк хизматларига талаб анча пастлигича қолаётган электрон чакана банкнинг реал рентабеллиги ва рентабеллиги. Электрон тўлов тизимлари келгусида электрон чакана хизматлар кўрсатган банкларга яхши “дивидендлар” беради, улар ўзларининг операцион харажатларини камайтиришга, пул муомаласи таннархини сезиларли даражада камайтиришга эришадилар.

Интернет даражасида иқтисодиёт ёъқдан, ўз-ўзидан кичик, аммо жуда мустаҳкам ривожланган. Эркин бозордаги эркин тадбиркорлик асосий янгилик эди.

Эндиликда мамлакатда биринчи марта нефт ва газни бирлаштиргандан кўра муҳимроқ бўлган янги экспорт манбасини яратиш орқали ўз даромадини топишнинг реал имконияти пайдо бўлди ва буни минимал харажат ва максимал самарадорлик билан амалга ошириш мумкин. Ва бу манба янги иқтисодиёт бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида гапирар эканмиз, бугунги кунда қуйидаги вазифаларни ҳал этишда чакана банк хизматларини ривожлантиришга таяниш зарурлигини та’кидлаймиз:

1. Республикасининг замонавий тижорат банкларининг технологик жиҳозларини зудлик билан янгилаш ва модернизатсия қилиш ;

2. Ҳуқуқий базани шакллантириш муносабати билан банк ходимлари ва мижозларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш зарур;

3. Електрон тижорат соҳасида турдош касблар уйғунлиги бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш зарур;

4. "Интернет-банкинг" тизимини жорий этиш, яъни. мижоз ва банк ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ва маълумот алмашиш онлайн ;

5. Нақд пул айланмасини камайтириш мақсадида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарали автоматлаштирилган тизимини яратиш.

Турғунмирзаев А.Ш. *- ОБМ тингловчиси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИБЕР-СУҒУРТАНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Энг янги рақамли технологиялар ва дастурларга таянган замонавий иқтисодиётнинг ривожланиши иқтисодиёт ва унинг тармоқларини ривожланиш суръатини ошириш, иқтисодиёт субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларни оптималлаштириш, таннархни пасайтириш орқали даромад миқдорини ошириш ва шу каби юқори самарадорлик кўрсаткичларини таъминлашга хизмат қилади.

Кибер суғурта бу махсус йўналишлар суғурта корхоналар ва бундай корхоналар учун хизмат кўрсатувчи жисмоний шахсларни интернетдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган маҳсулот хатарларва умуман олганда боғлиқ бўлган хатарлардан келиб чиқади ахборот технологиялари инфратузилма, ахборот махфийлиги, ахборотни бошқариш мажбурияти ва шу билан боғлиқ фаолият. Бундай хусусиятга эга бўлган хатарлар одатда анъанавий тижорат мажбуриятлари сиёсатидан чиқариб ташланади ёки ҳеч бўлмаганда анъанавий суғурта маҳсулотларида аниқ белгиланмаган. Кибер-суғурта полиси томонидан таъминланадиган маълумотлар зарар этказиш, товламачилик, ўғирлик, хакерлик ва бошқа зарарларга қарши биринчи томонни қамраб олиши мумкин. Хизмат ҳужумларини рад этиш, компанияларга, масалан хатолар ва камчиликлар, маълумотларнинг сақланмаганлиги ёки туҳмат туфайли келиб чиқадиган, бошқаларга этказилган зарарни қоплаш учун жавобгарликни қоплаш ва бошқа имтиёзлар, шу жумладан доимий хавфсизлик аудити, воқеадан кейинги жамоатчилик билан алоқалар ва тергов харажатлари ва жиноий мукофот маблағлари.

Кўпгина мамлакатларда кибер суғурта бозори бошқа суғурта маҳсулотларига нисбатан нисбатан кичик бўлганлиги сабабли, унинг пайдо бўлаётган кибер таҳдидларга умумий таъсирини аниқлаш қийин. Кибер таҳдидлардан одамлар ва корхоналарга таъсири, шунингдек, суғурта маҳсулотлари томонидан таъминланадиган ҳимоя доирасига нисбатан анча кенг бўлганлиги сабабли, суғурта компаниялари ўз хизматларини ривожлантиришда давом этмоқдалар.

Суғурталовчилар кибер-зарарлар учун тўловни амалга оширар экан ва кибер таҳдидлар ривожланиб, ўзгариб борар экан, суғурта маҳсулотлари тобора мавжуд IT-хавфсизлик хизматлари билан бирга сотиб олинмоқда. Дарҳақиқат, суғурталовчилар учун кибер-суғурта маҳсулотларини таклиф қилиш учун андеррайтер мезонлари ҳам ривожланиш босқичида ва андеррайтерлар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун АТ хавфсизлик компаниялари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Хавфсизликни тўғридан-тўғри яхшилаш билан бир қаторда, кенг миқёсли хавфсизлик бузилган тақдирда, кибер-суғурта жуда фойдали. Суғурта йирик зарарлардан қутулиш учун мукаммал молиялаштириш механизмини

тақдим этади, бу эса корхоналарнинг нормал ҳолатга келишига ёрдам беради ва давлат ёрдамига эҳтиёжни камайтиради.

Ва ниҳоят, суғурта киберхавфсизлик хавфини адолатли тақсимлашга имкон беради, бунда мукофотларнинг нархи ушбу хатарлардан кутилган зарар миқдорига мос келади. Бу хавфнинг потенциал хавфли концентрациясини олдини олади ва эркин сайр қилишнинг олдини олади. Ахборот технологиялари деярли барча замонавий корхоналарнинг ажралмас томони бўлиб, алоҳида маҳсулотга бўлган талаб фақат мавжуд маҳсулот турларидан замонавий технологиялар билан боғлиқ бўлган ўғирлик ва зарарни чиқариб ташлаган атайлаб кўламли машқлар туфайли юзага келади.

Брюс Шнаер, мавжуд суғурта амалиётлари "Тўфон ёки ёнғин" моделига мос келади, деб тахмин қилди[1] аммо кибер ҳодисалар ушбу воқеа турларининг бирортаси томонидан моделлаштирилмаган кўринади, бу эса андеррайтерлар учун хавфни камайтириш учун кибер суғурта доирасини янада чеклашига олиб келди. Ҳодиса тури билан боғлиқ бўлган зарар, ҳодисаларни таснифлаш билан боғлиқ стандартларнинг этишмаслиги ва "саноатнинг энг яхши амалиёти" самарадорлиги билан боғлиқ далилларнинг этишмаслиги[2].

Суғурта, асосан статик таваккалчилик асосида ишончли актуар маълумотларга асосланади. Ҳозирда уларнинг мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак, ушбу маҳсулотларни харидорлари ҳам ўзлари хоҳлаган қиймат натижаларига эришишлари эҳтимолдан йироқ эмас. Бозорга нисбатан бундай нуқтаи назар, стандарт истиснолар натижасида "Суғурталовчи деярли ҳар қандай маълумот бузилишига мурожаат қилишлари мумкин" деган вазиятга олиб келадиган бозорнинг ҳозирги ҳолатида акс этади[3].

Кибер суғурта - бу хатарларни бошқариш усули, бу орқали тармоқ фойдаланувчиси хатарлари суғурта компаниясига ўтказилади, бунинг эвазига ҳақ эвазига, яъни суғурта мукофоти олинади. Интернет-провайдер, булутли провайдер, анъанавий суғурта ташкилотлари потенциал кибер суғурталовчиларга мисол бўлиши мумкин. Кибер-суғурта тарафдорлари, кибер-суғурта мижозларнинг ўзига тегишли мудофаа мажбуриятларини юклайдиган ва шу билан кибер-маконни янада мустаҳкам қиладиган суғурта шартномаларини тузишга олиб келади, деб ҳисоблашади. Бу эрда "ўзини ҳимоя қилиш" атамаси тармоқ фойдаланувчисининг ўз тизимларини антивирус ва спам-дастурий таъминот, хавфсизлик деворлари, хавфсиз операцион тизимлардан фойдаланиш ва бошқалар каби техник эчимлар орқали хавфсизлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини назарда тутади. Кибер суғурталовчилар, фойдаланувчилар (жисмоний шахслар, ташкилотлар), сиёсатчилар ва хавфсизлик дастурий таъминотини этказиб берувчиларнинг иқтисодий рағбатлантириши билан мос келадиган бозор эчими бўлиши керак. Яъни кибер суғурталовчилар тегишли равишда нархланган мукофот пули эвазига фойда олишади, тармоқ фойдаланувчилари биргаликда суғурта сотиб

[1] https://www.schneier.com/blog/archives/2018/04/cybersecurity_i_1.html
[2] https://www.wired.com/story/cyberinsurance-tackles-the-wildly-unpredictable-world-of-hacks/
[3] https://www.businessinsurance.com/article/20150515/NEWS06/150519893

олиш ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш механизмларига сармоя киритиш орқали потенциал йўқотишларни бартараф этишга интилади, сиёсатчилар тармоқ хавфсизлиги умумий ўсишини таъминлайдилар ва хавфсизлик дастурий таъминот сотувчилари. кибер суғурталовчилар билан иттифоқ тузиш орқали ўз маҳсулотларини сотиш ҳажмининг ўсишини бошдан кечириш[1].

Кибер-суғурта бозорларининг мавжудлиги бўйича олиб борилаётган ишлар кам. Улардан Леларге ва Болотнинг асарлари, Пал, Голубчик, Псоунис ва Ҳуи, Жонсон ва Шеттй. Ушбу асарлар биринчи навбатда кибер-суғурта иштирокисиз интернет фойдаланувчиларининг эркин юриш хатти-ҳаракатлари ҳақида фикр билдиради. Леларге ва бошқалар ва Шетти ва бошқаларнинг асарлари интернет-фойдаланувчиларни хавфсизликка тегишли маблағларни жалб қилишда рағбатлантиришда кибер суғуртанинг афзалликларини акс эттиради, аммо уларнинг асарлари чекланган бозор турларига бағишланган. Леларге ва бошқалар ўз ишларида ахборот ассиметриясини моделлаштирмайдилар. Шеттй ва бошқалар кибер-суғурта бозорлари ахборот ассиметрияси шароитида самарасиз эканлигини исботлайдилар. Жонсон ва бошқалар ўзларини суғурталаш ва бозор суғуртасини биргаликда мавжудлиги фойдаланувчилар томонидан суғуртанинг турли турларини қабул қилишдаги ролини муҳокама қиладилар. Яқинда Пал ва бошқлар қисман ахборот ассиметрияси ва ўзаро боғлиқ хатарлар шароитида кибер суғурта бозорларининг самарасизлигини исботладилар ва премиум дискриминация остида самарали бозорларнинг (тартибга солинадиган ва тартибга солинмаган) мавжудлигини кўрсатдилар.

2014 йилдан бошлаб кибер суғурта мукофотлари ҳажмининг 90% Қўшма Штатлардаги таъсирни қоплаган. Гарчи камида 50 та суғурта компаниялари кибер-суғурта маҳсулотларини таклиф қилсалар ҳам, ҳақиқий ёзувлар бешта андеррайтерлар гуруҳида тўпланган. Кўплаб суғурта компаниялари ушбу қамров бозорига киришга иккиланиб қолишди, чунки кибер таъсир қилиш учун ишончли актуар маълумотлар мавжуд эмас. Ушбу актуар маълумотларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш, таъсирланганларнинг киберҳужумлари тўғрисида этарли маълумот эмас[2]. Бироқ, 2017 йилда зарарли дастурий таъминот билан боғлиқ муҳим воқеадан сўнг, Рескитт Бенскисер киберҳужум молиявий кўрсаткичларга қанчалик таъсир қилиши ҳақида маълумот эълон қилди ва баъзи таҳлилчиларнинг фикрича, компаниялар кибер-ҳодисалардан олинган маълумотлар билан шаффофроқ бўлиш тенденциясига эга.

Кибер суғурта мукофотлари 2015 йилда тахминан 2 миллиард доллардан 2025 йилга келиб тахминан 20 миллиард АҚШ долларигача ўсиши кутилаётганда, суғурталовчилар ва қайта суғурталовчилар андеррайтерлик талабларини такомиллаштиришда давом этмоқдалар. Бозорнинг этук эмаслиги ва стандартлаштиришнинг этишмаслиги бугунги кунда

[1] Pal, Ranjan; Golubchik, Leana; Psounis, Konstantinos; Hui, Pan. “Кибер суғурта тармоқ хавфсизлигини яхшилайди: бозор таҳлили”. IEEE INFOCOM, 2014.
[2] Veysi, Sara “Кибер хатарлари қоплайдиган суғурталовчилар учун маълумотлар кам”. Бизнес суғуртаси. 2015.

андеррайтинг кибер маҳсулотларини суғурта дунёсида қизиқарли жой бўлишига олиб келади. Сизда нафақат стандартга эришишга ва бугунги суғурталанганларнинг эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилаётган суғурта бозори, балки сиз, шу билан бирга, тез ривожланаётган марузиет ландшафтига ва имкониятларига эга бўласиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Veysi, Sara “Кибер хатарлари қоплайдиган суғурталовчилар учун маълумотлар кам”. Бизнес суғуртаси. 2015.
2. Pal, Ranjan; Golubchik, Leana; Psounis, Konstantinos; Hui, Pan. “Кибер суғурта тармоқ хавфсизлигини яхшилайди: бозор таҳлили”. IEEE INFOCOM, 2014.
3. https://www.wired.com/story/cyberinsurance-tackles-the-wildly-unpredic table - world-of-hacks/
4. https://www.businessinsurance.com/article/20150515/NEWS06/150519893
5. https://www.schneier.com/blog/archives/2018/04/cybersecurity_i_1.html

Атажанов А. А. *–*
Самостоятельный соискатель Высшей школы судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан

СУДЕБНЫЕ ИСКИ, СВЯЗАННЫЕ С ПРИМЕНЕНИЕМ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Принятием указа Президента Республики Узбекистан «О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «год развития науки, просвещения и цифровой экономики» [1] 2 марта 2020 года вопрос развития цифрового сектора национальной экономики в Узбекистане можно сказать был поднят до государственного уровня.

Начались осуществляться широкомасштабные меры по внедрению электронного документооборота, развиваются электронные платежи и совершенствуется нормативно-правовая база, созданная в области электронной торговли. В то же время цифровая экономика, работающая на информационно-технологических платформах, ускоренно развивается.

Базовой причиной расширения цифрового сегмента экономики является рост трансакционного сектора [2], который в развитых странах составляет свыше 70% национального ВВП. К этому сектору относят: государственное управление, консалтинг и информационное обслуживание, финансы, оптовую и розничную торговлю, а также предоставление различных коммунальных, персональных и социальных услуг. Чем больше степень диверсификации и динамики экономики, тем больший объем уникальных данных циркулирует внутри страны и вне ее и, соответственно, тем больше информационного трафика порождается внутри национальных экономик.

В постановление Президента о развитии цифровой экономики и е-правительства долю цифровой экономики в ВВП Узбекистана планируется увеличить в 2 раза к 2023 году, а долю электронных госуслуг — довести до

60% к 2022-му. Данным нормативным актом предусмотрено ускоренное формирование цифровой экономики с увеличением ее доли в валовом внутреннем продукте страны к 2023 году в два раза. Постановление также предусматривает развитие «цифрового предпринимательства» с увеличением объема услуг в этой сфере к 2023 году в три раза и доведением их экспорта до 100 млн долларов [3].

Новым этапом развития в сфере стало подписание Президентом Указа «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» от 5 октября 2020 года. Цель принятия документа - успешный переход на цифровую экономику с учетом современных реалий. Ведь сегодня доля цифровой экономики в ВВП в стране составляет 2,2 процента.

Для достижения повышения доли услуг ИКТ в ВВП важно решить следующие задачи:

обеспечить правовую базу для перехода на цифровую экономику, например, путем принятия Стратегии и «дорожной карты»;

создать институциональные основы (то есть механизмы реализации Стратегии) в виде соответствующих структур и процедур для координации, исполнения, мониторинга, контроля и оценки принимаемых мер;

обеспечить мобилизацию ресурсов для финансирования предусмотренных в Стратегии мер, причем важное значение имеет укрепление сотрудничества с международными и зарубежными парт-нерами;

принять меры по обучению и подготовке высококвалифицированных кадров для цифровой экономики, а также по подготовке населения к условиям цифровой экономики [4].

В условиях перевода экономики на цифровые рельсы безусловно будут увеличиваться споры, связанные в сфере цифровой экономики. Надо признать, что традиционным судам будет трудно защищать интересы бизнеса из-за отсутствия как правовых механизмов, так и необходимых компетенций для разрешения цифровых споров.

Развитием цифровой экономики будут возникать споры, возникающие из сделок, предполагающих автоматического исполнения, в том числе с использованием информационных систем на основе распределенного реестра (блокчейна); споры, возникающих при выпуске, учете и обращении цифровых прав, удостоверяющих имущественные требования, и споров по сделкам, совершенным с использованием и (или) в отношении цифровых финансовых активов.

Анализ судебных споров в зарубежных странах показал, что на данный момент отсутствуют специализированные судебные и административные органы, которые занимались бы исключительно рассмотрением дел, связанных с отношениями, возникшими в условиях цифровой экономики.

Между тем, по прогнозам экспертов, к 2025 году будет замечен существенный рост подобных дел, в связи с этим традиционные судебные и административные органы не смогут эффективно и быстро разрешать такие

споры в виду отсутствия должной экономической, технической и правовой компетенции.

С учетом того, что Республика Узбекистан реализуют комплексные меры по активному развитию цифровой экономики, а также широкому внедрению современных информационно-коммуникационных технологий во все отрасли и сферы очевидной представляется необходимость правовые механизмы по рассмотрению спорам в сфере цифровой экономики.

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 02 марта 2020 года №УП 5953.
2. Sujatha V., Pavani N., Radhika P. Analysis Of Spam Detection On Social Networks // Jardcs. 2020. V. 12. №02. P. 896-903. https://www.jardcs.org/abstract.php?id=4449
3. Постановление Президента Республики Узбекистан от 28 апреля 2020 года №ПП4699.
4. Указ Президента Республики Узбекистан от 05 октября 2020 года №УП 6079.

Валиев Д. *– ОБМ тинловчиси*

БАНК МУАССАСАЛАРИ ТОМОНИДАН ЭЛЕКТРОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Компьютер тизимлари самарадорлигини ошириш ва тармоқ технологияларининг мукаммаллаштирилиши янги иқтисодий фаолият тури - электрон тижоратнинг шаклланишига олиб келди. Электрон тижорат - тижоратнинг ўзига хос тури бўлиб, ахборот технологияларини ишлаб чиқариш, савдо ва маҳсулотлар ва хизматларни тақсимлаш жараёнларига маълум маънода тадбиқ қилиш орқали амалга оширилади.

Интернет тармоғининг ривожланиши ва амалий қўлланиши нуқтаи назаридангина иқтисод соҳасида юз берган жараёнларни акс эттиради. Шубҳасиз, миллий, шахсий ва корпоратив компьютер тармоқларининг ягона Интернет тармоғига бирлашиши электрон тижоратнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатди.

XXI асрбошида электрон тижоратни ахборот, телекоммуникацион технология ва тизимларни қўллаш орқали тижорат жараёнларни амалга ошириш деб тушуниш керак.

Аммо тижорат жараёнларнинг бир қисми инновацион технологияларни ишлатмасдан амалга оширилмоқда. Бу эса "тижорат" ва "электрон тижорат" тушунчаларини мустақил категориялар сифатида ажратишга имкон беради, лекин улар орасидаги фарқ аста-секин йўқолиб бормоқда.

Бугунги кунда чет эллик ва мамлакатимиз экспертлари ахборот технологияси конвергенциясига ҳозирги даврда энг долзарб ҳисобланган турли маҳсулот сотиш каналлари, дистрибюция тизимлари ва турли товарлар ҳамда хизматлар категорияси синоними деб қарашмоқда.

Шу туфайли яқин келажакда электрон тижоратдан кенг кўламда маҳсулот сотиш билан бирга ахборот технологиялари бўйича ҳам мижозлар эҳтиёжини тўла қондирилишини ташкиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Компьютер технологиясининг доимий ривожланиб бориши унинг электрон тижоратда ҳар бир соҳада ишлатилишига олиб келмоқда ва унинг келажаги порлоқлиги намоён бўлмоқда. Ҳар қандай банк муассасаси, ўз мижозларига кенг кўламда маҳсулотлар ассортименти таклиф қилар экан, табиийки, у турли хил саволлар ва баъзи маълумотларга дуч келади. Компьютер телефониядан фойдаланадиган электрон тижорат тармоқларда бир неча филиалларга эга бўлган банк муассасалаир бу тармоқ орқали ўз вазифаларини жамлаб, уларни бир схемага жойлаштириб, шу маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни бир база орқали бошқара олиш имкониятига эга бўладилар.

Автоматлаштирилган банк тизимига эга бўлган банк муассасаси электрон тижорати компьютер телефония тармоғи уларга қуйидаги қулайликлар яратади:

- мижозларга аввалдан тайёрлаб қўйилган овозли маълумотни етказиш ёки маълумотлар базасидан тезкорлик билан маълумотлар тайёрлаб бериш;
- оператор орқали ёки автоматик режим бўйича телефон орқали тўлиқ ёки чегараланган ҳолда мижоз ҳисоб рақамини бошқариш;
- мижозларга маълумот, реклама ахбороти ва ҳисоб рақамлари бўйича маълумотлар беришни автоматлаштириш;
- пул ўтказиш операциялари таннархини пасайтириш;
- маълумот ва реклама ахборотлари параметрларини тезкорлик билан ўзгартириш.

Компьютер телефонияни Интернетга киритилиши банк муассасаси хизматчиларини турли хил саволлардан иборат синовлардан осонлик билан ўтказиш имконини беради. Бу эса вақтинчалик ишга ёлланувчи ишчиларга инструктаж бериш учун вақт кетказмаслик имконини беради. Сўровлар статистикаси эса аввалдан тайёрланган мезонлар бўйича автоматик тарзда йиғиб олинади.

Компьютер телефония технологияси Шимолий Америка ва Ғарбий Европада шиддат билан ривожланиб бормоқда. Datamonitor[1] берган маълумотга қараганда, АҚШда бу соҳада мижозлар чақириқлари бўйича ишлаш бугунги кунда 34%, Ғарбий Европада эса ундан ҳам кўпроқ йилига 44% га ошиб бормоқда.

Электрон тижорат тармоқларига уяли алоқанинг кириб келиши (ёки ҳаракатли алоқа) унда ишбилармонлик ёки тижоратнинг икки томонлама ҳаракатли ва самарали юритилишини таъминлайди. Бу алоқанинг электрон тижоратда техник жиҳатдан амалга оширилиши Интернет алоқаларида протоколлар ва ҳаракатли алоқани бирлаштириш орқали амалга оширилади.

[1] https://www.comparably.com/competitors/datamonitor-vs-globaldata - маълумотларидан фойдаланилган.
[2] https://www.dnb.com/business-directory/company-profiles.statista - маълумотларидан фойдаланилган.

Ҳатто ҳозирги кунда уяли телефонлар, шунчаки, 2 киши ўртасида симсиз алоқа вазифасинигина ўтамайди. Аппарат эслаш қобилияти, турли операцияларни бажарувчи мўъжазгина экрани билан компьютерларнинг энг биринчи кашф қилинган турларига яқинлашиб қолган. Булардан ташқари, уяли алоқанинг қисқа маълумотлар, тасвирлар узатувчи турлари ҳам мавжуд[2.2015].

Электрон тижоратнинг уяли алоқа сектори шиддат билан ривожланиб бормоқда. АҚШ, Япония ва Ғарбий Европада Интернетнинг уяли хизматидан фойдаланувчилари сони бошқаларидан сон жиҳатидан анча устун.

Барча уяли алоқадан фойдаланувчи мижозлар электрон почталардан фойдаланишни режалаштирмоқдалар. Электрон тижорат тезкорлик билан ривожланмоқда ва унга уяли тижоратнинг кириб келиши ундан фойдаланувчилар сонини ва имкониятини тобора ошириб бормоқда.

Шундай қилиб, электрон тижорат бизнеснинг янги шакли сифатида ўз тижорат жараёнларини ривожланган ички ва ташқи техник инфраструктураси билан стандартлаштирган тизимлаштирилган банк муассасаси ва ташкилотлар асосида шаклланиб бормоқда.

Интернетнинг жадал ривожланиши ва абонентлари сонининг кескин ўсиши анъанавий бозорларни онлайн тижорат ёки электрон тижорат деб аталадиган ноанъанавий бозорга ўзгартирмоқда. Ҳозирда истеъмолчилар ва тадбиркорлар учун барча сегментдаги маҳсулот ва хизматларни қамраб оладиган жаҳон электрон тижорат бозорларида арзон ва қулай усулда сотиб олиш ва сотиш иконияти пайдо бўлди.

Statista GmbH компаниясининг интернетдаги нашрига кўра, электрон чакана савдо ҳажми 2017 йилдаги 2,3 триллион АҚШ долларидан 2021 йилда 4,48 триллион АҚШ долларига кўтарилди[2].

2020 йилда Business.com Media, Inc. компанияси эса дунёнинг 10та энг йирик электрон тижорат бозорларини аниқлади ва уларнинг йиллик онлайн савдо ҳажми қуйидаги рақамларни ташкил этди: Хитой – 672 миллиард АҚШ доллари, АҚШ – 340 миллиард, Буюк Британия – 99 миллиард, Япония – 79 миллиард, Германия – 73 миллиард, Франция – 43 миллиард, Жанубий Корея – 37 миллиард, Канада – 30 миллиард, Россия – 20 миллиард, Бразилия – 19 миллиард АҚШ доллари[1].

Мамлакатимизда электрон тижоратни амалга ошириш жараёнларининг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда, яъни 2019 йилда жами товар айланмаси

259 417,2 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 319 969,9 млрд.сўмни ташкил этган шундан жами электрон савдонинг кўрсаткичи 93 322,8 млрд.сўмни ташкил этган, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 120 451,1 млрд.сўмни ташкил этмоқда, бу эса тармоқни янада ривожланаётганлигини кўрсатиб турибди[4].

[1] https://www.business.com/ -мамълумотларидан фойдаланилган. [4]https://www.stat.uz/uz/-маълумотларидан фойдаланилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, электрон тижорат мамлакатнинг ички ва ташки савдо хажмларини янада ортишида асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, ҳар бир мамлакатда бўлгани каби электронлаш тизимни жамиятга тобора кириб келиши банк муассасасининг харидор билан бевосита муносабатда бўлиши имкониятини пайдо қилади ва ўз навбатида ўз мижозларини географиясини кенгайтириш имкониятини вужудга келтиради, яъни банк муассасаси учун электрон тижорат фойдасини қуйидагича кўрсатиш мумкин: электрон тижорат бозор чегараларини кенгайтиради. Банк муассасаси ҳатто катта бўлмаган сармоя билан мижозларга глобал кўламда хизмат кўрсатиши мумкин, электрон тижорат ахборотни олиш, қайта ишлаш ва сақлаш кечикишларини камайтиради. Шу билан административ харажатларни камайтиради, электрон бизнес банк муассасаларига тор доира мутахассислигида фаолият юритишга имкон беради, электрон тижорат захиранинг камайиши хисобига қўшимча харажатларни сезиларли пасайтиришга имкон беради. Мижознинг аниқ сўровидан сўнг ишлаб чиқариш бошланади, электрон тижорат умумийлаштирилиши буютмага асосан ишлаб чиқаришга имкон яратади. Бу билан банк муассасасининг рақобат қилиш имкониятларини оширади, бизнес жараёнларнинг тезлашиши банк муассасасининг барча ишчилари унумдорлигини сезиларли даражада оширишга имкон беради, вақтнинг реал кўламида интерактивлик мувофиқликнинг мумкинлиги. Интернетда алоқа икки томонлама бўлиб, реал вақтда юз беради ва ахборот тизимлари мувофиқлиги билан таъминланади. Бу маркетинг қарорларини қабул қилишда принципиал жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Бу хусусиятлар маркетологга реал вақтдакўпгина муаммоларни (масалан, нарх белгилаш) ҳал қилишга имкон беради, электрон тижорат технологиялари мижозлар билан ўзаро алоқаларни оперативлигини оширишга, мижозларнинг катта сони билан бир вақтнинг ўзида ишлаш имконияти, мижозлар билан паралелл мулоқот қилиш имкониятигайўл очиб беради, бундан ташқари ҳамкорликлар имкониятларини кенгайтириш, таъминотчилар ва мижозлар билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатиш, ахборотдан эркин фойдаланишни кенгайтириш в.ҳ.ларни фойдага киритиш мумкин.

Электрон тижорат истеъмолчиларга қуйидагича фойда келтиради: истеъмолчига қулай бўлган ихтиёрий вақтда, танаффусларсиз ва дам олиш кунларисиз 24 соат хизмат кўрсатиш; товар, таъминотчилар, нархлар, сифат параметрлар танловини кенгайтириш; тўлиқ ва ўз вақтида ахборот олиш имконияти; таклифларни тақсимлаш ва бошқа истеъмолчилар билан ахборот алмашиниш имконияти ва бошқалар.

Электрон тижорат жамият учун ҳам маълум бир фойда келтиради: уйда ишлаш имконияти, уйдан туриб харид қилиш транспорт оқими ва у билан боғлиқ муаммоларни камайтириши мумкин, нисбатан арзон нархларда маҳсулот сотиб олиш имконияти фуқаролар ҳаёти сифатини оширади, қишлоқ ерларида яшовчилар йирик шаҳарларда яшовчилар билан бирдек товар,

хизмат ва ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятига эга, электрон тижорат турли ижтимоий хизматлар, масалан, таълим билан таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М.С. Якубов, Д.Б. Юлдашев Модернизация экономики на основе электронной коммерции. Ахборотнома № 2 (14), 2013. Ўзбекистон Республикаси бош прократурасининг олий ўқув курслари ахборотномаси. 39-43 б.
2. https://www.comparably.com/competitors/datamonitor-vs-globaldata.
3. https://www.dnb.com/business-directory/company-profiles.statista
4. https://www.business.com/

Жўраев К.М. *- ОБМ тингловчиси*

ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚАРИШ ОРҚАЛИ ТАННАРХНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-Фералдаги ПФ-4947-сонли Фармонига асосан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” ишлаб чиқилган. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, харакатлар стратегиясининг бир қисми хисобланади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун хар бир худуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салохиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш. Макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, ЯИМ нинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инстураментлардан фойдаланган холда пул кредит сиёсатини янада такомиллаштириш. Иқтисодиётда давлат аралашувини камайтириш, хусусий мулк хуқуқини химоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохатларни давом эттириш мқсадга мувофиқлиги алохида таъкидланган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар хар бир корхона фаолиятида иқтисодий самарадорликка эришиш мухим хисобланади ва бунга эришиш учун корхонанинг узоқ муддатли стратегияси ёки бизнес режаси мавжуд бўлади. Хар бир корхона рахбари, нафақат рахбари балки шу корхона билан боғланган хар бир ходим унинг молиявий ҳолати, истиқболдаги режалари билан қизиқади ва умуман бу корхонани келажакда нималар кутаяпти деган саволлар билан қизиқади. Бошқарув хисобини ташкил этиш ва юритиш ана шу каби саволларга аниқ ва исталган пайтда жавоб беришга хизмат қилиши лозим. Бунинг учун албатта корхонада ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган бир қатор кўрсаткичлар миқдори хақидаги маълумотлар талаб қилинади.

Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилган тайёр махсулотларни сотиш ва кўрсатилган хизматларни бажарилишдаги харажатларни хисобга олиш ва ташкил этиш, хисоб ишларини юритиш мухим вазифалардан хисобланади.

Харажатларни бошқариш орқали таннархни шакллантиришнинг бир нечта замонавий усуллари мавжуд:

- АВС костинг. Ушбу усулда хар бир ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархни тўғри ва аниқ хисоблашга қаратилган. Анъанавий усулда маҳсулот таннархини ҳисоблашда маҳсулотлар барча ресурсларини ишлаб чиқариш хажмига мутаносиб равишда сарфлайди, шунинг учун устама харажатлар барча маҳсулотларга «Ихтиёрий» асосда тақсимланади. Натижада маҳсулот таннархи бузиб кўрсатилади. Ҳар бир алохида маҳсулотга сарфланадиган ресурсларни аниқ ўлчамайди. АВС костинг бундай хатоларга йўл қўймайди ва қарор қабул қилишда мухим усул ҳисобланади.

- Таргет костинг. Таргет костинг мижозга йўналтирилган. У муайян мижозларнинг нархга, сифатга ва функционалликка бўлган талабларидан бошланади. Таргет костингнинг "ғояси" - жамоа маҳсулот ва жараён ишланмасини ишлаб чиқиш бўйича ўз сайъ ҳаракатларини маҳсулотнинг функционаллиги ва керакли (исталган) хусусиятларига таъсир қилмасдан, мақсадли харажатларга тенг ёки ундан паст бўлган кутилаётган харажатларни берувчи лойихаларни топмагунига қадар давом эттиришдан иборат.

Автомобилни лойихалашда биринчи навбатда бозор талабларини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш лозим. Ундан сўнг мухандислик гурухи ишлаб чиқаришдаги техник томонларни таҳлил қилади. Автомобилнинг функционал қийматини ошириши лозим, лекин таннархни кўтармаган холатда. Ишлаб чиқариш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш ва кераксиз функциялардан воз кечиш лозим.

- Кайзен костинг. Кайзенни хисоблашнинг асосий хусусиятларидан бири, хом ашёдан чиқинди чиқишини бартараф этиш ҳисобланади. Кайзен костинг харажатларни камайтириш учун АВС костинг билан бирга қўлланилади. Кайзен консепциясига асосан қўшимча қийматга эга бўлмаган масалан кўчириш, сақлаш, текшириш фаолият турлари, харакатлар ёки даврийлик вақтини қисқартириш ва сифатини яхшилаш мақсадида жараён ёки маҳсулотни реинженерингдан ўтказиш, ёки қайта лойихалаштириш орқали олиб ташланиши мумкин.

- Лайф сайкл костинг. Бу маҳсулотнинг хаётийлик даври давомида харажатларни бахолаш ва тўплаш жараёни. Ушбу костингда маҳсулот ишлаб чиқаришни лойихалаштириш, уни ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан воз кечиш (тугатиш) харажатларини хисобга олган холда маҳсулот бахосини аниқлашда қўлланилади. Лайф сайкл костинг режалаштириш ва ишлаб чиқариш харажатлари юқори бўлган, ёки ишлаб чиқаришни тугатиш харажатлари юқори бўлган маҳсулотлар учун қўлланилиши мумкин. Бу костинг узоқ муддатли лойиҳалар учун қўллаш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз.

- Стандарт костинг. Бунда ишлаб чиқариш жараёнидаги оғишишларни таннархга таъсири ва буни ҳисоблашнинг мухимлигини ўргатади. Стандарт костинг бўйича таннархларни хисоблашиш режа ва хақиқат оралиғидаги оғишишларга боғлиқ.

Умумий хулоса қилганда махсулот таннархини шакллантиришда харажатларни бошқариш, назорат қилиш мухим омил хисобланади. Фойда миқдорининг ўсиши, имкон қадар харажатларнинг камайиши, сотиш хажмининг ортиши мухим хисобланади. Бир нечта турдаги махсулот ишлаб чиқаришда ва уни сотиш жараёнида таннархни тўғри ташкил этиш бевосита корхонанинг молиявий натижасига таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

2. Kaplan R., Steven R. Anderson. Переосмысление Activity-Based Costing (2005)

3. *Аткинсон Э.А., Банкер Р.Д., Каплан Р.С., Янг М.С.* Управленческий учёт. — М.: Издательский дом «Вильямс», 2005

Жўраев Қ.М. *- ОБМ тингловчиси*

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҲАРАЖАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида бошқарув ҳисобининг аҳамияти юқори. Иқтисодий тармоқнинг ҳар бир бўғинида ҳаражатларни бошқариш, режалаштириш, шакллантириш ва назорат қилиш жараёни орқали самарали қарорлар қабул қилиш лозим.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, корхона ва ташкилотларнинг ички бошқарув тизимида менежерларнинг ахборотларга бўлган эхтиёжини айнан бошқарув ҳисоби тизими таъминлайди. “Ривожланган мамлакатларда фирма ва компаниялар бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги иш вақти ва ресурсларнинг 90 фоизини бошқарув ҳисобини йўлга қўйиш ва юритишга, қолган 10 фоизини эса молиявий ҳисобга сарфлашади”.

Бошқарув қадимда пайдо бўлиб келган. Ҳар бир даврнинг кичик , ёки катта даражада бошқарувчилари бўлган. Қадимда бошқарув асосан куч ишлатар тизим орқали ташкил этилган ва бошқарилган. Бошқарув ҳисоби фан сифатида XX асрга келиб шаклланди.

Бошқарувни фан сифатида шаклланишига ўзининг катта хиссасини қўшган шахслардан бири бу Эмерсон ҳисобланади. Эмерсон бошқарувнинг 12 тамойилини тузиб чиққан ва бунинг ортидан бошқарув назариясида анча танилган. Унинг назариялардан бири Бошқарувни тўғри ташкил қилиш бўлган. У ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда юқори самарадорликка эришишнинг асосий сабаби кам ҳаражат эвазига эришилади деб ҳисоблаган.

Бошқарувни ташкил қилиш борасида муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган ва умуман бошқарув фанининг фан сифатида шаклланишида Анри Фойлнинг хам хизматлари катта. Унинг бошқарув фанидаги улкан хиссаси бошқарув тушунчасига аниқ таъриф берган, яъни **“Бошқариш – корхонада мавжуд бўлган барча ресурслардан максимал даражада фойдаланган ҳолда корхонани мақсадлар сари етаклашдир”.**

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни шакллантириш учун, балки солиқ ҳисобини юритиш ва солиқ имтиёзларини қўллаш учун ҳам ҳаражатларни тўғри таснифлай билиш муҳим. “Маҳсулот (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган) қўллаган холда ҳаражатларни таснифлаш” зарур.

Низомда хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахсларнинг, шунингдек юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларини аниқлашнинг ягона методологик асослари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби белгиланган. Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида ҳаражатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган холда ишлаб чиқилган.

4 та асосий ҳаражатлар гуруҳи мавжуд:

1) Ишлаб чиқариш жараёнига, товарлар ишлар хизматлар таннархига бевосита алоқадор бўлган, таннархни ҳисобга олувчи счётларга кирадиган ҳаражатлар.

2) Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар. “Улар қуйидагиларни ўз ичига олади”:

- “Банклар ва бошқа молиявий ташкилотларнинг кредитлари бўйича фоизлар”;
- “Лизинг бўйича фоизларни тўлаш ҳаражатлари”;
- “Чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс тафовутлари ва зарарлар”;
- “Сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳ.к.) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарар” лар;
- “Ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ ҳаражатлар” ҳамда “молиявий фаолият бўйича бошқа ҳаражатлар”, шу жумладан қимматли қоғоз бўйича салбий дисконт.

3) Фавқулотда зарарлар – “хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ходисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари ҳаражатлар” моддалари. Муайян табиий офатлар, зилзилалар ва ҳ.к. натижасида кўрилиши мумкин;

4) Ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни ва таннархни шакллантириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ойлик ҳаражатлари ҳам

мавжуд. Бундай ҳаражатларга сотиш ҳаражатлари, маъмурий ҳаражатлар ва бошқа оперцион ҳаражатлар киради.

Ҳар қандай иқтисодий таҳлил ўтказишда ёки бошқарув ҳисобини юритишда коммуникациянинг ўрни муҳим. Жараённи ахборотларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бизга керакли хом ашё қаерда? Тайёр маҳсулотни сотишда қайси бозорларни эгаллаш керак? Бозордаги талаб ва таклиф холати қандай? Ва х.к. ахборотлар тўпланиши лозим. “Бошқарув ҳисоби ахборотларини шакллантиришда ишлаб чиқариш фаолияти муҳим ўрин тутади. Унда ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркиби, ўзгариши, уларни жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобини ташкил этиш, ҳаражатлар ҳисоби ва таннарх калкуляциясини юритиш, сарфланган ҳаражатлар бўйича оғишишларни ҳисобга олишни амалга оширади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхонанинг асосий мақсади фойда олишдир. Ушбу мақсадга эришишнинг ўз чегаралари бор. Булар корхонанинг ишлаб чиқариш ҳаражатларининг миқдори ва ишлаб чиқарилган товарларга бўлган талаб билан чагараланади. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари фойдани асосий чегараловчиси ва шу вақтнинг ичида таклиф ҳажмига таъсир этувчи асосий омилдир.

Фойда товар баҳоси билан уни ишлаб чиқариш учун кетган ҳаражатлар ўртасидаги фарққа тенг бўлади. Муайян баҳо шароитида кўпроқ фойда олиш учун ҳаражатларни камайтириш зарур. Шу сабабли, корхоналар тежамли иш тутиб ҳаражатни пасайтиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун ишлаб чиқарувчилар ресурслардан максимал фойдаланиши, илғор техника ва технологияни, меҳнатни илмий ташкил қилишни ишлаб чиқаришга жорий қилишга мажбур бўладилар. Баҳо яна бир тақсимлаш вазифасини бажаради. Маълумки корхоналарнинг олган даромади товарнинг нархига боғлиқ. Муайян ҳаражатлар қилинган шароитда баҳони қийматга нисбатан пастга ва юқорига ўзгариши фойдани ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳар хил тақсимланишига олиб келади. Бунинг натижасида бир хил ишлаб чиқарувчиларни даромадлари ўсади”, бошқа ишлаб чиқарувчилар эса товар сотишдан зарар кўрадилар.

Бошқарув ҳисоби корхона фаолиятини тезкор ва истиқболли бошқаришда асосий ўринлардан бирини эгаллаши, халқаро стандартлар талабларига тўлиқ мос келиши, ҳаражатлар ва маҳсулот таннархини бошқариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш лозим.

Ризаев А.У. *- ОБМ тингловчи*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШСАМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ФАН ВА АГРОХИЗМАТЛАР ТИЗИМИ

Маълумки сўнгги йилларда республикамиз аграр соҳасида илм-фан-

ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, қишлоқ хўжалигига хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш, соҳада замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш йўналишида изчил ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги "Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида" ги ПФ-6159-сонли фармони ҳамда 2021 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4975-сонли қарори билан Қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ҳамда агрохизматлар кўрсатишнинг узвий тизимини ўзаро боғлайдиган Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Миллий марказ) ташкил этилди.

Миллий марказ тизимида 2021–2022 йилларда Республика агрохизматлар маркази, Қорақалпоғистон ва вилоятлар агрохизматлар марказлари, 2022 йилдан бошлаб эса, босқичма-босқич қишлоқ туманларида туман агрохизматлар марказлари ташкил этилади. Ушбу марказларда 100 дан ортиқ агрохизматлар кўрсатилади ҳамда "даладан истеъмолгача" тамойили асосида халқаро сифат стандарти ва сертификатлари жорий этилади.

Миллий марказ тизимидаги илмий тадқиқот институтларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги дорлзарб йўналишларда, хусусан илғор тажрибалар ва илм-фан натижаларини амалиётга жорий этиш, оммалаштиришга қаратилган йўналишларда 2020 йилда Давлат илмий-техник дастурлари доирасида 135 та лойиҳа (ш.ж: 15 та фундаментал, 110 та амалий ва 10 та инновацион лойиҳалар) бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Илмий лойиҳаларни бажариш натижасида жами 1393 та илмий мақолалар чоп этилган, (шундан 167 таси хорижий), 25 та патентлар олинган (2019 йилда 22 та патент олинган, 113,6%), 63 та илмий тавсиялар ишлаб чиқилиб, хўжаликларга етказиб берилган.

Тизимдаги илмий-тадқиқот институтларида 2020 йил якуни билан янгидан яратилган 7 та ғўза навлари вилоятлар бўйича районлаштирилди ҳамда 7 та ғўза навлари истиқболли деб топилди. Нав муаллифлари томонидан ушбу навлар бўйича бирламчи уруғчилик тизими йўлга қўйилди.

Сабзавот экинларининг бозорбоп, инсон саломатлиги учун қимматли, витаминларга бой, ГМО дан тўлиқ ҳоли бўлган, 7 та навлари ва 2 та дурагайлари давлат реестрига киритилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналишида амалга оширилган тадбирлар натижасида 2020 йилда жами 101,8 минг га (140%, 2019 йилга нисбатан 29,3 минг гектарга кўпроқ) қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиб кетган ерлар қишлоқ хўжалиги муомаласига қайтарилган. Шу жумладан фойдаланишдан чиққан 67,5 минг гектари (172%) суғориладиган ерлар ва 34,3 минг гектари (102%) лалми ва яйлов ер майдонлари ҳисобланади.

Агар ушбу маълумотларни ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида -12 минг гектар, Самарқанд вилоятида -9,2 минг гектар, Жиззах вилоятида -18,6 минг гектар, Қашқадарё вилоятида -12 минг гектар, Тошкент вилоятида 10,8 минг гектар, Сурхондарё вилоятида - 7,1 минг гектар, Навоий вилоятида - 5,1 минг гектар, Хоразм вилоятида - 4,2 минг гектар, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида -3,3 минг гектардан, Фарғона вилоятида - 2,7 минг гектар, Наманган вилоятида -2,5 минг гектар ва Андижон вилоятида - минг гектар майдонлар қайтадан фойдаланишга киритилган.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш давомида давлат бюджетидан йўналтирилган 358,4 млрд сўмлик маблағлар ҳисобидан 54,3 минг га ерлар фойдаланишга киритиш учун 780 километр ирригация-мелиорация объектлари қурилиган ва реконструкция қилинган, 76 дона насос агрегатлариўрнатилиб, 171 дона тик қудуқлар қазилган.

Қайтадан муомалага киритилган қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига қўшимча равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишитириш имконияти яратилди. Хусусан, фойдаланишга киритилган ер майдонларининг 6,3 минг гектарига озуқа экинлари, 5,7 минг гектарига шоли, 4,8 минг гектарига дуккакли экинлар, 2,7 минг гектарига мойли экинлар, 2,7 минг гектарига сабзавотлар, 1,7 минг гектарига полиз экинлари, 44 гектарига картошка, 1,6 минг гектарига пахта, 1,1 минг гектарига ғалла ва 5 минг гектарига бошқа экинлар экилган. Шунингдек, 5,1 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 3,7 минг гектар майдонда токзорлар ва 557 гектарда тутзор барпо этилган.

Хусусан, республика бўйича 2020 йилда жами 49,5 минг гектар (2019 йилга нисбатан 131 фоизга ёки 11,7 минг гектарга кўпроқ) экин майдонларида сув тежамкор технологиялар жорий қилинган. Шундан 43 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими, 2,2 минг гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш тизими ва 4,3 минг гектар пахта майдонларида дискрет суғориш усуллари жорий этилган.

Жанубий Корея давлатининг KOPIA маркази лойиҳаси доирасида шоли кўчатини экиш машинаси ва ускуналари ҳамда Корея селекциясига оид 6 та шоли навлари республикамиз шароитида тажриба-синовдан ўтказилди.

Жорий йилда амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар якунлари билан эришиладиган натижалар ва режалар сифатида қуйидаги масалаларни эътиборо қиқлиш мумкин:

- янгидан яратилган ва ноананавий ҳамда сабзавот, полиз экинларининг йўқолиб бораётган маҳаллий навлари бирламчи уруғчилигини, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш йўналишидаги кўчатчиликни йўлга қўйиш бўйича илмий тадқиқотлар давом эттирилиб, ҳудудлар бўйича экинлар жойлашувини эътиборга олиб, экинлар навларининг юқори авлодли уруғликларини тайёрлаш ҳажми 5600 тоннадан, 2021 йилда 6600 тоннага етказиш устида тадқиқотлар давом эттирилади;

- Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда Қибрай туманидан

ажратилган 25 га майдонда узумнинг винобоп 8 селекцион навлари кўчатчилиги йўлга қўйилиб, 750 минг дона юқори сифатли винобоп узум кўчатлари тайёрланади ҳамда амалиётга буюртма асосида жорий қилиниши етиштириладиган маҳсулотларнинг экспортбоплиги ошишига хизмат қилади;

- қишлоқ хўжалиги ривожланиши муаммолари ечимига қаратилган илмий лойиҳаларни бажаришга хорижий инвестицияларни жалб қилиш доирасида бажариладиган илмий лойиҳаларга хорижий инвестиция миқдорини 350 минг доллардан 2021 йилда 495 минг долларга етказилиши натижасида илм-фаннинг нафақат моддий техник базасини балки натижадорлигини ошириш кўзда тутилмоқда;

Хорижий илмий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига хорижий тажрибаларни республика иқтисодиётига тадбиқ қилиш доирасида:

- Германиянинг GIZ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда меваларнинг 200 тага яқин навлари интродукция қилинган бўлиб, олиб келинган олма, гилос, нок, беҳи ва олхўрининг клон пайвандтагларидан 2021 йилда 840 минг дона интенсив типдаги кўчатлар тайёрланади;

- соҳа олимлар томонидан яратилган ғўза навлари экин майдонларида Хитой Қишлоқ хўжалиги Фанлар Академияси билан эришилган келишувга биноан тажриба тариқасида Хитойнинг IP технологияси асосида томчилатиб суғориш тизими ўзлаштирилади ва кейинчалик тажриба натижаларини кенг майдонларда жорий қилиш амалиёти ҳаётга тадбиқ қилинди;

- Белоруссия Миллий Фанлар академияси тизимидан 8 та картошка навлари, Россия Давлат Федерал илмий-тадқиқот бюджет муассасаси – “Сабзавотчилик Федерал илмий маркази” дан олиб келинган сабзавотларнинг

43 та нав намуналари, Қозоғистон мева-сабзавот илмий-тадиқиқот институтидан олиб келинган помидорнинг 10 та нав намуналари тажриба синовлари амалга оширилади. Кейинчалик шу асосда маҳаллий картошка навлари яратиш устида илмий тадқиқотлар давом эттирилади;

- қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини ҳудудлар табиий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда диверсификациялаш бўйича илмий тадқиқотлар кенгайтирилади. Жумладан, ички ва ташқи бозорларда харидорбоп ноанъанавий сабзавотлардан - кольраби карами, қизил бош карам, брюссел карами, баргли карам, поррей пиёз, шнит пиёзи, рак-чоя, хитой калеси, якон, руккола, бошли салат каби экинлар бирламчи уруғчилиги 15-20 фоизга кенгайтирилади;

- шоличилик соҳасида Вьетнам, Жанубий Корея, Хитой, Япония давлатлари билан манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ҳисобига хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда шолининг тупроқ шўрланишига чидамли бўлган 10-15 та навлари интродукция қилиниб, маҳаллий шоли навларини яратиш устидаги тадқиқотлар амалга оширилади ҳамда маҳаллий селекция ютуқлари кўламини кенгайтириш масалалари кўзда тутилмоқда.

Ушбу тадбирлар қишлоқ хўжалигининг бозорга йўналтирилганлиги

даражаси ошириб, бу ўз ўрнида илм-фан соҳасига ҳам ижобий таъсир қилади.


Ходжиматов Б.З. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ИШСИЗЛАРНИИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ БОРАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг ижтимоий сиёсати фақат жамият аъзоларининг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат бўлмасдан, балки мавжуд ишчи кучларининг иш билан бандлигини таъминлашни ҳам ўз ичига олади.

2022 йилда йилда иш ўринлари ва бандликка эҳтиёж параметрлари ишчи кучига талаб ва таклиф балансига таъсир кўрсатувчи демографик ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш омилларининг таҳлили, шунингдек ишчи кучи бозорида ҳақиқий тенденцияни ўрганиш асосида аниқланган.

Прогнозларга кўра, 2022 йилда демографик омилларнинг ишчи кучи бозорига сезиларли ва бевосита таъсири сақланиб қолади (расм).



Ишчи кучи бозори ривожланишининг истиқбол кўрсаткичлари (2022 йил)[1]

Маълумотларга кўра, 2022 йилда ишчи кучи ресурслари сони – 18,5 млн. кишини, шундан иш билан банд бўлганлар сони 13,4 млн. кишини, уларнинг ўсиши тегишли равишда – 1,3 ва 2,3 фоизни ташкил этади.

Айниқса, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган ва ўзига хос аҳоли таркибига эга бўлган республикамизда ишчи кучининг иш билан бандлик масаласи энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ушбу масалани ҳал этиш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. **Биринчидан,** кенг фаолият турлари, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорликни

[1] 2022 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

кенгайтириш учун шароит яратиш. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмол молларини, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни фаол ривожлантиришни рағбатлантириш. **Иккинчидан,** хизмат соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий-маиший хизмат ва қурилиш бўйича хизмат турларини янада кенгайтириш. Бунда ҳам қишлоқ жойларда хизмат соҳасини ривожлантиришга устунлик берилади. **Учинчидан,** қишлоқда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиб, шу орқали янги иш жойларини очиш, янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш. Бу вазифаларни амалга ошириш учун республикамизда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш бўйича ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда. **Тўртинчидан,** ишдан бўшаган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этишни тубдан ўзгартириш. Бунда ишдан бўшаётган ва ихтисоси бўлмаган шахсларга қисқа даврда, бозор иқтисодиётига ҳамда иқтисодиётнинг ўзгариб бораётган тузилишига мувофиқ келувчи касбкорни ўргатишга эътибор қаратиш. Шу мақсадда махсус маслаҳат ва ўқув марказлари, бизнес мактабларнинг кенг тармоғини янада ривожлантириш кўзда тутилади. **Бешинчидан,** вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган ишчи кучларини давлат томонидан ишончли равишда ижтимоий ҳимоялаш. Бу сиёсат уларнинг ўта зарур эҳтиёжларини қондириш ва кафолатли тирикчилик манбаларига эга бўлишга қаратилади.

Мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги самарадорлигини таъминлаш учун давлатнинг бандлик сиёсатининг қуйидаги йўналишларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир:

- оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналарни ривожлантиришни жадаллаштиришни таъминлаш;
- мазкур мақсадларда микрокредитлаш тизимини рағбатлантириш;
- йирик саноат корхоналари ва нисбатан кичикроқ бўлган ишлаб чиқариш корхоналари билан касаначиликни кенгайтириш асосидаги кооперацияни ривожлантириш имкониятларидан кенг қамровли фойдаланиш;
- маҳаллий хомашёни пухта қайта ишлашга ва тайёр, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил ва озиқ-овқат қайта ишлаш саноатининг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантириш;
- хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бандлик соҳаларини кенгайтириш масалаларини ҳал этишга эътиборни кучайтириш;
- ишсизларни касбий ўқитиш ва жамоат ишлари тизимларини такомиллаштириш билан шуғулланадиган хизматлар ишини фаоллаштириш.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш манбаи бўлган иш билан бандлик даражасининг янада ошишига, аҳолининг ижтимоий муҳофазасининг кучайишига янада кенг йўл очиб беради.

Turdiyev U. *– OBM tinglovchisi*

YOQILG'I QUYISH SHAHOBCHALAR FAOLIYATIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY QILISHNING IQTISODIY SAMARADORLIGI

Avtomatlashtirilgan ish joyi (AIJ) - foydalanuvchiga ma'lumotlarni ishlab chiqish va aniq muammoli sohada boshqaruv vazifalarini avtomatlashtirishni ta'minlovchi axborot, dasturiy va texnik resurslar majmui sifatida namoyon bo`ladi. Avtomatlashtirilgan ish joyini yaratish axborotni jamlash, saqlash va ishlab chiqish bo`yicha asosiy operatsiyalarni hisoblash texnikasiga yuklanishini, iqtisodchiga esa qo`ldagi operatsiyalarni bir qismini va boshqaruv qarorlarini qabul qilishda ijodiy yondoshishni talab qiluvchi operatsiyalarning bajarilishini ko`zda tutadi. Shaxsiy texnika esa foydalanuvchi tomonidan ishlab chiqarish - xo`jalik faoliyatini, vazifani yechishni borishida ayrim parametrlarning miqdorini o`zgarishini nazorat qilish, hamda joriy vazifalarni echish va boshqaruv vazifalarini tahlil qilish uchun avtomatlashtirilgan axborot tizimlariga dastlabki ma'lumotlarni kiritishda qo`llaniladi.

Idoralarning asosiy faoliyati qaror qabul qilish maqsadida axborotni qayda ishlashdir. Turli darajadagi idoralarda tashkilot siyosati shakllanadi va shu erdan rahbariyat kundalik operatsiyalarni amalga oshiradi. Idorada bo`linmalardan, tashqi muhitdan axborot yig`iladi, yig`ilishlar, uchrashuvlar o`tkaziladi, qarorlar qabul qilinadi. Chunki idora boshqaruv ishini tashkil etish shakli bo`lib, uning ishini takomillashtirish boshqaruv apparati ishining samaradorligini oshirish shartlaridan biridir.

Har qanday boshqarish apparatida inson asosiy elementlardan biri hisoblanadi va bu apparat faoliyatini turli vositalar va kadrlar bilin ta'minlash katta mablag`larni talab qiladi. Masalan, Angliya Milliy hisoblash markazining ma'lumotlariga qaraganda, boshqarish apparatining harajatlari firma harajatlarining 45-50 foizini tashkil qiladi, shundan: menejerlar – 46 %, mutaxassislar - 33 %, kotibalar - 7 %. Izlanishlar natijasida boshqarish apparati xodimlari ish vaqtlarining taqsimoti aniqlanadi. Masalan, rahbar 60 % vaqtini suhbat, uchrashuv va boshqa tadbirlarni o`tkazishga, mutaxassislar – 33 %, xodimlar – 12 %, kotibalar – 6 % sarflaydilar. Qolgan vaqtni esa ma'lumotlar bilan ishlashga sarflaydilar.

Boshqarish apparatida 30 dan ortiq ish turlari mavjud bo`lib, unda hujjatlarni qayda ishlash asosiy hisoblanadi. Ish turlari ichida quyidagilarni ajratib ko`rsatish mumkin; korxona ichida va boshqa tashkilotlar bilan aloqa o`rnatish, axborotni izlash, jamlash, va qayda ishlash, ma'lumotlarni tahlil qilish va echimini topish, tashkiliy faoliyatini boshqarish, xizmat ko`rsatish va boshqalar. Umumiy holda boshqarish apparatining xizmatlarini uch turga ajratish mumkin; hujjatlar bilan ishlash, aloqa o`rnatish va qaror qabul qilish. Shu sababli ham, zamonaviy axborot texnologiyalari yuqoridagi ishlarni samarali amalga oshirishga yordam beradi. Buning uchun, eng avvalo, aqliy mehnatga asoslangan vazifalarni avtomatlashtirish lozim va «qog`ozsiz» texnologiyani joriy qilishga asos solmoq kerak, natijada ish

vaqtining 15% ni tejash imkoniyati tug`iladi. Boshqarish apparati faoliyatini avtomatlashtirish uchun birinchi navbatda, hujjatlar bilan turli ishlarni bajaruvchi tizimlar lozim, ya'ni «qog`ozli» faoliyatini «qog`ozsiz» elektron tizimga aylantirish kerak.

Elektron tizimning asosiy xususiyati - matnlar bilan ishlash harajatlarini kamaytiradi. Masalan, kartotekalarni elektron fayllar bilan almashtirish natijasida ma'lumotlarni ishlash harajatlari 60% ga kamayadi, elektron aloqani o`rnatish natijasida yana 40% harajatlarni iqtisod qilish mumkin. Buning uchun boshqarish apparati zamonaviy texnika vositalari bilan ta'minlangan bo`lishi kerak. Bundan 15-20 yil ilgari boshqarish apparati mexanik yoki elektron mashinalari, telefon, teleks va fotonusxa oluvchi qurilmalar bilan ta'minlangan edi. Hozirgi kunda esa quyidagi texnik vositalar bilan ta'minlangan; kompyuter, dasturiy vositalar, chop qilish qurilmasi, «kseroks» turidagi nusxa olish, faks jo`natish, tele anjuman o`tkazish va boshqa bir qator vositalar. Buning natijasida axborotni qidirish, matnni tahrirlash va boshqa vazifalarni bajarish harajatlari kamaydi. Axborot qisqa vaqtlarda turli masofadagi foydalanuvchilarga etkazilmoqda. Demak, boshqaruv sohasi xodimlari (hisobchilar, kredit bank tizimi mutaxassislari, rejachilar va h.k.) faoliyati hozirgi vaqtda rivojlangan texnologiyalardan foydalanishga qaratilgan. Boshqaruv vazifalarini tashkil qilish va amalga oshirish ham boshqaruv texnologiyasining o`zini, ham axborotni ishlab chiqishning texnik vositalarini tubdan o`zgartirishni talab qiladi, ular orasida shaxsiy kompyuterlar asosiy o`rinni egallaydi. Ular borgan sari kiruvchi axborotni avtomatik qayda ishlash tizimlaridan boshqaruv xodimlarining tajribasini joylash, eng samarali iqtisodiy qarorlarni tahlil qilish, baxollash va tanlash vositalariga aylanmoqdalar.

Lokal boshqaruvning kuchayishi tendentsiyasi o`z ketidan axborotni hisoblash texnikasi vositalarini markazlashmagan holda qo`llash va foydalanuvchilarning bevosita ish joylarini tashkil qilishni takomillashtirish bilan taqsimlangan holda ishlab chiqishni olib keladi.

Avtomatlashtirilgan ish joyining boshqaruv faoliyatini ratsionalizatsiyalash va intensivlash uchun vazifalarning ba'zi bir guruhlarini bajarilishini ta'minlash uchun qurol sifatida yaratiladi. Axborot-ma'lumotnoma xizmatini ko`rsatish avtomatlashtirilgan ish joyining eng oddiy shakli bo`ladi. Bu vazifa u yoki bu darajada har qanday avtomatlashtirilgan ish joyiga xos bo`lsa ham, uni amalga oshirishning xususiyatlari ko`proq foydalanuvchining kategoriyasiga bog’liq.

Avtomatlashtirilgan ish joyini mahalliylashtirish u bo`yicha kelib tushgan axborotni darxol operativ ishlab chiqishni amalga oshirishga, ishlab chiqish natijalarini esa foydalanuvchining talabi bo`yicha kerakligicha saqlashga imkon beradi.

Boltaboyev X.A. *- OBM tinglovchisi*

NEFT OMBORLARIDA YONILG'INING TABIIY YO'QOTISHLARINI KAMAYTIRISH TADBIRLARINING IQTISODIY SAMARADORLIK (SHAXRIXON NEFT BAZASI MISOLIDA

Zamonaviy neft xo'jaligi – neft omborlarini, tarqatish punktlarini, qo'zg'almas va qo'zg'aluvchan tarqatish vositalarini hamda markaziy neft bazalaridan neft maxsulotlarini tashuvchi vositalarni o'ziga jamlagan murakkab material-texnik ta'minlash sistemasidir

Neft xo'jaliklarini tuzilishi mavjud usullarni va tashish, saqlash hamda tarqatish vositalarini bir-biriga qay darajada bog'liqligiga bog'lik.

Mashina-traktorparkining ekspluatatsion ko'rsatkichlari ko'pchilik hollarda neft xo'jaligining to'g'ri tashkil etilishiga bog'liq bo'ladi. Neft xo'jaligining vazifasi neft maxsulotlarini o'z vaqtida keltirish, taminlash saqlash va sarflash, to'gri zapravka (FYOTSH qurish) qilish va ularni hisobga olish dan iborat. Qishloq xo'jalik korxonalari neft xo'jaliklari neft maxsulotlarini tashish, qabul qilish, saqlash va zapravka qilish uchun inshoatlar kompleksi va uskunalar bilan jihozlangan bo'limdan iborat. Neft xo'jaligi zimmasiga quyidagi masalalar yuklanadi: neft maxsulotlarini keltirish planlarini tuzish va ularni realizatsiya qilish; bazalar, ta'minlash tashkilotlaridan har xil neft maxsulotlari olish; neft maxsulotlarini xo'jalik ombori va mashinalar zapravka qilinadigan joylarga tashish; yonilg'i va moylarni xo'jalik ehtiyoji uchun yetarli miqdorda saqlash va ularning sifatini nazorat qilish; neft maxsulotlarini tarqatish va hisobga olish; ishlatilgan moylarni yig'ish va ularni regeneratsiya qilishga topshirish; uskuna va moslamalarni ishlatish va ularga texnik xizmat ko'rsatish; yong'in xavfsizligini ta'minlash va mehnatni muhofazalash talablari hamda normalariga rioya qilish; neft maxsulotlari miqdori va sifatining yo'qolishiga qarshi tadbirlar ishlab chiqish hamda ularni ishlab chiqarishda qo'llash.

Markaziy neft ombori neft maxsulotlarini saqlash uchun mo'ljallangan. Bu yerda traktorlar va avtomobillarni zapravka qilish statsionar postliri ham tashkil qilinadi (2.1. rasm). Neft omborlari neft maxsulotlari: dizel yonilg'isi, benzin, kerosin va moylarni qabul qilib olish, saqlash va tarqatishga mo'ljallangan.

Neft omborlari ilmiy tadqiqot institutlarda ishlab chiqilgan tipaviy loyihalar bo'yicha qurilishi kerak. Sig'imi 40, 80, 150, 300 va 600 m3 li neft omborlari variantlari ishlab chiqilgan.Neft bazalar neft maxsulotlarini saqlash tarqatish boyicha 3 bosqichga bolinadi va shunga asosan toifalanadi.

1- 100000 dan yuqori bolgan umumiy hajm

2- 20000 dan 100000 gacha bolgan umumiy hajm

3- 20000 gacha bolgan umumiy hajm

Shaxrihon neft bazasi 3- tipdagi bazalar toifasiga kiradi. Shaxrixon neft maxsulotlarini etkazib berishda 3 tumanga xizmat korsatadi.Bundan tashqarishi 80 dan ortiq tashkilotlar bilan shartnoma asosida ish yuritib keladi.

Iqtisodiy korsatkichlarni yangilash maqsadida hozirda bir qator neft bazalarni raqamlashtirish ishlari olib borilmoqda. Misol tariqasida “Kuchluk neft bazasi”MCHni olishligimiz mumkin.Zamonamiz shiddat bilan rivojlanayotganini inibotga olgan xolda neft baza omborlarida saqlanayotgan maxsulotni bazaviy texnologiya orqali tabiiy yoqolishi,rezeruarlarning qaysi texnik jihozlarida kamchilik vujudga keladigan bolsa,kompyutorlashgan baza orqali korib turish yolga qoyildi. Neft baza tasarrufidagi rezeruarlarga qoshimcha KDM-150 rusumdagi nafas olish klapnlari qoyilib, toyingan buglarni tashqariga chiqarib ma’lum qishmini yana sig’imga qaytarish orqali tabiiy yoqolishni ma’lum miqdorda kamaytirishga erishiladi.Sig’im sinfonlari avtomatik ravishda o’-o’zini qayta texnik korikdan o’tkazish hususuyatini o’zida mujassam etgan.Sovutish tizimini ham quyosh batariyalari orqali ishga tushirish va sigimning no iqlimiy sharoitlarda ham rezeruar ichidagi maxsulotning temperaturasini o’rtacha muhum haroratda ushlab turishga erishilindi.Rezeruar ning yong’inga qarshi ximoyalash tizimi barpo etildi.Yani bundagi tizim Favqulotda vaziyat yuzaga kelgan hollalda avtomatik tarzda ishga tushadi hamda yonginni oldini olish uchun kerakli vaqt davomida pena yordamida maxsulot yonishligining oldi olinadi. Xlopushkalar eng zavonaviy turlari qoyilgan bolib yoqilg’ining rezeruar ichida doimiy aylanma harakatga kelishini taminlab sig’im devorlarida terlashlarning oldi olinib,sig’imning yaroqlilik muddatini uzaytirishga olib keladi.Bunday texnologiya orqali rezeruardagi maxsulotlarni har kuni o’lchashga zaruriyat qolmaydi, avtomatik kompyutorlar sig’imdagi maxsulotlarni harorati, sifati, solishtirma og’irligi, undagi tabiiy yo’qolish ko’rshatkichi va bir qator qulayliklarni o’zida mujassam etganligi sababli maxsulotning har kuni sigim qopqoqlari ochilib tabiiy yoqolish bo’lishini oldini oladi.Hozirgi kunda ushbu texnologiya joriy etilgan neft bazalarda tabiiy yoqolishlarni iqtisodiy samaradorligi 30% ga kamayganligini inobatga oliningan holda kelgusida ommaviy tarzda neft baza omborlarida saqlanayotgan maxsulot rezeruarlariga joylashtirish reja qilingan.

Tajribalarning ko’rsatishicha, neft maxsulotlari xo’jalikka markazlashtirilgan tarzda yetkazib turilsa va qishloq xo’jalik korxonalariga keladigan yo’llar qoniqarli holatda bo’lsa, u holda bir yilda iste’mol qilinadigan neft maxsulotlari Q ning 8…10 foizi miqdorida zapas Qzga ega bo’lish yetarlidir. Yo’llar qoniqarsiz holatda bo’lganda Qz= (0,15…0,2) Qyil zapasga ega bo’lishi kerak. Neft maxsulotlari zapasi ortgan sari uni aralash yo’qotishlari ortib boradi.

Ходжиматов Б.З. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИШЧИ КУЧИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2021 йилда йилда иш ўринлари ва бандликка эҳтиёж параметрлари ишчи кучига талаб ва таклиф балансига таъсир кўрсатувчи демографик ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш омилларининг таҳлили,

шунингдек ишчи кучи бозорида ҳақиқий тенденцияни ўрганиш асосида аниқланган.

2021 йилда Ўзбекистонда иш ўринларига эҳтиёж бўлмаган аҳоли сонининг 4,5 млн.кишига етиши кутилади[1]. Республикада ишчи кучи ва бандликка эҳтиёж ишчи кучи бозорида ишчи кучини биринчи маротаба таклиф этаётган шахслар (коллежлар, олий ўқув муассасалари ва бошқа таълим муассасаларини битирувчилари), шунингдек ишга жойлашишга муҳтож банд бўлмаган аҳоли (иш ва даромад манбаига эга бўлмаган шахслар қайтиб келган мигрантлар ва бошқалар) ҳисобидан шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йилнинг 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатдаги реал камбағаллик ҳолатига баҳо бериб, *“Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак”*[2]*, деб таъкидлаб ўтдилар.*

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги фармони ҳамда қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

Ўзбекистон Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилди.

Бундан ташқари, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш бўйича тизимни ишлаб чиқиш, барча идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сон қарорига асосан “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тўғрисида” НИЗОМ ишлаб чиқилди. Унга асосан янги ташкил этилган вазирликнинг камбағалликни қисқартириш борасидаги вазифалари қуйидагилар этиб белгиланди:

– иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таҳлил қилиш ва таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия

[1] 2021 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури маълумотлари асосида тузилган.
[2] https://www.pv.uz/uz/news/tadbirkorlikni-rivozhlantirish-va-kasbga-tajerlash-orali-kambaallikni-kamajtirish-choralari-belgilandi

ташкилотлари билан камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

– Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги билан биргаликда инсон капиталини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ҳозирги кунда коронавирус пандемияси келтириб чиқариши мумкин бўлган иқтисодий инқироз даврида камбағаллик даражаси янада ортиб кетиши мумкин. Бу ҳақда Жаҳон банкининг раҳбари Дэвид Малпасс маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, “бу йил жаҳон иқтисодиётини “чуқур рецессия” кутмоқда.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, мамлакатда камбағалликни қисқартириш бўйича тавсиявий характердаги қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик.

– камбағалликни даражасини аниқлаш учун миллий даромаднинг аҳоли жон бошига улуши, аҳоли даромадлари ва харажатлари каби бир қатор кўрсаткичлардан ташқари, аҳолининг уй-жой ва бошқа моддий бойликлар билан таъминланганлик даражаси, яшаш қиймати, натурал даромадлар, давлат томонидан ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга қатилган чора-тадбирлар билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларни ҳам киритиш керак. Бунинг учун миллий хусусиятларни ҳисобга олган камбағаллик даражасини аниқлашнинг медологиясини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш зарур;

– камбағаликка олиб келувчи алкоголизм, гиёҳвандлик, қиморбозлик, одам савдосига қарши кескин курашиш;

– аҳолини ижтиомий муҳофаза қилиш аҳолида боқимандалик, дангасалик ҳиссини уйғотиши керак эмас. Шунинг учун ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳолини манзилли равишда қўллаб-қувватлаш;

– аҳолини тадбиркорликка қизиқтириш, ўқитиш, уларни тадбиркорлик соҳасидаги билимларини ошириш мақсадида телевидения орқали ўз соҳасида улкан муваффақиятларган эришган етакчи тадбиркорлар орқали мастер-класслар ва суҳбатлар ташкил этиш, тадбиркорликни талқин этувчи фильмларни кўпроқ намойиш этиш ва бошқалар.

Ризаев А.У. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ


Қишлоқ хўжалиги мамлакатдаги устувор тармоқлардан бири бўлиб, ялпи ички маҳсулотда 28.2% улушга эга ҳамда мамлакат меҳнат ресурсларининг 27% бандлигини таъминлайди (ЎзСтат, 2020). Мустақиллик йиллари мобайнида қишлоқ хўжалиги тизимида қатор йутуқларга эришилди. Жумладан, экинлар ҳосилдорлиги оширилди ва қишлоқ хўжалик

маҳсулотларининг экспорт салохияти кучайтирилди. 2019 йилда Ўзбекистон ташқи даромадлари таркибида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти улуши 9,8% ни ташкил қилган (ЎзСтат, 2020). Қишлоқ хўжалик тармоғи йиллик 21 миллион тоннадан ортиқ мева ва сабзавотларни этиштириш салоҳиятига эга бўлсада, ҳозирги кунда 1.5 миллион тоннасигина экспорт қилинмоқда (ЎзСтат, 2019). 2020 йилда сақлаш ва қайта ишлашимкониятлари етарли эмаслиги сабабли, жами етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг атиги 15% қайта ишланган ва 30% йўқотишлар кузатилган (ЎзСтат, 2020).

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажми 2019 йилда 2017 йилга нисбатан икки баробарга ошди (ЎзСтат, 2020). Мамлакат экспорти ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, яъни пахта (9%), сараланган мевалар (2,3%) ва узум (1,7%) улушга эгадир (ЎзСтат, 2019). Мамлакат экспортидаги асосий ҳамкор давлатлар: Россия Федерацияси, Хитой, Қозоғистон, Туркия ва Қирғизистон. Қ/х импортидаги асосий ҳамкор давлатлар: Россия Федерацияси, Хитой, Жанубий Корея, Қозоғистон ва Туркия ҳисобланади.

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон 140 дан ортиқ давлатлар билан савдо алоқаларига эга ва 45 мамлакат билан савдо шартномаларини имзолади.

2020 йилда мамлакат Евросиё Иқтисодий Иттифоқининг кузатувчисига айланди ва Ўзбекистон ҳали ЖСТга аъзо бўлмаса-да, мамлакат қўшилиш бўйича керакли ишлар олиб бормоқда.



1-расм. 2017-2020 йилларда Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти қиймати,минг АҚШ долларида[1]

Юқоридаги 1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йилда 2020 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми кўпроқ бўлган ва 2018 йилда мевалар экспорти ҳажми бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан анчагина йўқори бўлганганлигини

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг йиллик тўпламлари маълумотлариасосида муаллиф ишланмаси

кўришимиз мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2020 йилдаги экспорт ҳажмидаги камайишлар бевосита COVID-19 пандемияси билан ҳам боҳлиқдир. Чунки, бутун дунё мамлакатлари бўйлаб ўрнатилган карантин чекловлари нафақат мамлакат миллий иқтисодиётига балки халқаро савдо айланмасига ҳам салбий таъсири кўрсатди.

I. Қишлоқ хўжалиги тизимидаги асосий муаммолар. Республика қишлоқ хўжалигидаги жорий муаммоларни қуйидагича тавсифлашимиз мумкин:

- Сув ресурслари танқислиги;
- Ерларнинг шўрланиши ва деградацияси;
- Мева-сабзавот терминаллари, совутгичлар билан таъминланган логистика марказлари ва қайта ишлаш корхоналарининг етишмаслиги;
- Замонавий қадоқлардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва сотиб олиш муаммолари;
- Доимий мижозлар ва барқарор етказиб берувчиларнинг етишмаслиги;
- Улгуржи ва савдо тизимини молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар;
- Нархларнинг ўзгарувчанлиги.

II. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар. Қишлоқ хўжалиги соҳасини барқарор ривожлантириш мақсадида ҳукумат «2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги янги қарорни қабул қилди.

Асосий мақсадлари қуйидагича:

- аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;
- соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш;
- давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш;
- тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш;
- қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;
- қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш;
- тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш.

Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ислоҳотлар. Ўтиш даврида иқтисодиёти даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайтаишлаш ва экспорт қилиш соҳасида бир қатор сиёсий ва таркибий ўзгаришлар юз берди. 2017-2018 йилларда ушбу соҳага жами қиймати 740.1 миллион

АҚШ долларида сармоя киритилиши билан 434 та лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар қуйидаги йўналишларга қаратилган:

- 163 та лойиҳа мамлакатда мева-сабзавот ва узумни қайта ишлашга

йўналтирилган;

- 39 та лойиҳа мамлакатда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашгайўналтирилган;
- 159 та лойиҳа экспорт учун мева ва сабзавотларни сақлаш ва сақлаш терминалларини совутгичлар билан жиҳозлашга йўналтирилган;
- 36 та лойиҳа маҳсулотларни қадоқлаш имкониятларини кучайтиришгайўналтирилган;
- 37 та лойиҳа қандолат, алкоголсиз ичимликлар ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича

Экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича ислоҳотлар. Президентнинг “Экспортни молиялаштириш ва суғурталаш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармонига мувофиқ 2019 йилда экспорт қилувчиларга қуйидаги имтиёзлар берилди.

- Экспорт қилувчилар даромад ва кўшилган қиймат солиқларидан озод қилинди;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида барча турдаги транспорт ҳаражатларининг 50% давлат субсидияси асосида қоплаб берилади;
- Янги турдаги ишлаб чиқариш техникаларини хориждан олиб киришда давлат божларидан озод этилади;
- Халқаро стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимларини жорий этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг минтақаларида ўтказиладиган бизнес-семинарларда, тренингларда, савдо миссияларида ва бизнес-форумларда қатнашиш ҳаражатларини қоплаш.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспортини ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Натижада Ўзбекистон дунёдаги 80 дан ортиқ мамлакатларга консерваланган ва қуритилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни бошлади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон маҳсулотларининг асосий импортчилари Хитой, Жанубий Корея, Индонезия ва МДҲ давлатлари ҳисобланади. Шунга қарамасдан, соҳада хали ҳам қатор камчиликлар ва ечилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд.

Turdiyev U. *– OBM tinglovchisi*

YOQILG'I QUYISH SHAHOBCHASI FAOLIYATIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI TATBIG'INING JORIY HOLATI

Shahobcha ishlab chiqarish faoliyatini rivojlashntirishga qaratilgan dasturiy tizimlar ushbu ishda eng zamonaviy texnologiyalardan foydalanishga harakat qilindi. Bunga misol sifatida hozirda dunyo bo'ylab keng qo'llanilayotgan Java tili, bu til o'zining tushinarliligi, ko'p funksionalligi, axborot texnologiyalarining barcha sohalarida qo'lanilishi (universalligi) bilan boshqa tillardan farq qiladi va ommalashgan.

Java texnologiyasi o'ta sodda, xavfsizlikni yuqori darajada ta'minlab bera oladigan, kuchli, to'la obyektga yo'naltirilgan dasturlash tili bo'lib, muhit (platforma)ga bo'liq bo'lmagan holda ishlaydi. U bilan xatto eng kichik qurilmalarga ham dasturlar yozish mumkin. Java texnologiyasi to'laligicha Java Virtual Machine(JVM) ga asoslangan. JVM ning vazifasi tarjimonlik ya'ni, dastlab biz yozgan *.java fayl kompilyator yordamida bayt kodga o'giriladi va JVM yordamida esa mashina tiliga o'giradi.

- Havfsizlik (ishonch yuq kodni havfsiz ishga tushirish).
- WORA - Write Once, Run Anywhere (portable).
- Hotirani havfsiz boshqarish
- Tarmoqga dasturlash
- Ko'p oqimli (Multi-thread) dasturlash
- Class lar alohida fayllarda saqlanadi va kerak bo'lsa ishlatiladi
- Dinamik ravishda imkoniyatini oshirish va kengaytirish.
- Java texnologiyalari.

Java SE (Java Standart Edition) - serverda, shaxsiy kompyuterda desktoplarda ishlovchi dasturlar, appletlar yaratish uchun ishlatiladi. Bu texnologiya yordamida yaratilgan dasturlar deyarli barcha Operatsion tizimlarda ishlay oladi(Windows NT, Macintosh,Linux va Solaris). Shu bilan birga JavaSE boshqa Java turlarining asosi hisoblanadi.

Java EE (Java Enterprise Edition) - Java texnologiyalari orasida eng keng tarqalgan turi hisoblanib unda asosan serverda ishlovchi dasturlar yaratiladi, masalan ko'p foydalanuvchili web-saytlar yaratishda keng qo'llaniladi va asosan internetda ishlovchi dasturlarda qo'llaniladi. Java SE ni Java EE dan eng asosiy farqi Java EE o'z tarkibiga Java SE ni olibgina qolmay shu bilan birga ko'pgina boshqa qo'shimcha kutubxonalarni (odatda *.jar) ham o'z ichiga oladi ya'ni: JavaMail, Servlet, JSF(Java Server Face) va boshqa ko'pgina internetga asoslangan qo'shimcha kutubxonalar.

Java ME (Java Micro Edition) - Java SE ning ba'zi qismlarini o'z ichiga oladi, JavaME yordamida kichik qurilmalar uchun dasturlar yozish mumkin, masalan, mikrokantrollerlar uchun dasturlar, mobil telefon uchun o'yinlar, dasturlar yaratish mumkin.

Yuqorida aytib o’tganimizdek Java dasturlash tilida kompilyator biz yozgan kodni bayt-kodga o'giradi, odatda kompilatsiyadan o'tgan klasslar *.class qisqartirmasi bilan tugaydi va kompilatsiyadan o'tgan klassni Java Virtual Machine (JVM) ga yuklanadi va bayt-kodli fayllarni interpretatsiya qiladi ya'ni mashina tiliga o'giradi va shu bilan birga undagi kodni imkoni boricha optimallashtiradi.

Ushbu ishda Java EE (Java Enterprise Edition) dan foydalanidi, Java EE Javaning eng ommalashgan kutubxonalari to’plami hisoblanadi ya’ni uning ichiga Java ning barcha kutubxonalari kiradi. Java EE dan foydalangan holda web tizim yaratildi, bundan tashqari Mysql – ma’lumotlar bazasi tili, tomcat - serveri, Html, JS va hozirgi paytda keng qo’llanilayotgan Ajax tillaridan ham foydalandim. Quyida ular haqida va ulardan foydalangan qismlarim haqida qisqacha ma’lumotlar.

Umuman olganda Java tilini ma’lumotlar bazasi bilan bog’lashda Javaning JDBC kutubxonalari va drayveridan foydalaniladi. Ushbu ishda MySQL ma’lumotlar bazasi tilidan foydalangan holda ma’lumotlar bazasi shakllantirildi.

Quyida Java va MySql bog’lanishiga misol ko’rishimiz mumkin:

jdbc.driverClassName=com.mysql.jdbc.Driver
jdbc.url=jdbc:mysql://localhost:3306/notarius?autoReconnect=true
jdbc.username= notarius_user jdbc.password=123

Bu yerda birinchi navbatda ma’lumotlar bazasi bilan bo’g’lanishda ishlatadigan class nomi kiritiladi, men MySql dan foydalanganligim sababli JDBC ning MySQL uchun yozilgan class nomini yozdim. Ikkinchi qatorda ma’lumotlar bazasi joylashgan joy agar o’zimizning kompyuterda bo’lsa localhost, boshqa kompyuterda yoki serverda bo’lsa IP adresi va ishlatilayotgan port orqali ma’lumotlar bazasining nomi yoziladi. Uchinchi va keyingi qatorlarda mos ravishda user nomi va paroli yoziladi bu biz yaratgan ma’lumotlar bazasiga kirish, ma’lumotlarni yozish, tahrirlash, o’chirish va ko’rish imkoniyatlarini beradi.

Баҳромов А.Д. *– ТДИУ, магистр*

АҚШ ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ХАМКОРЛИК ИСТИКБОЛЛАРИ

АҚШ-Хитой иқтисодий муносабатлари АҚШга одатдагидан кўра кўпроқ фойда келтиради тушунилган. Мисол учун, сўнгги маълумотларга кўра, АҚШнинг Хитойга экспорти 2021 йилда 1,8 атрофида қўллаб-қувватланади хизматлар, қишлоқ хўжалиги ва капитал ишлаб чиқариш каби соҳаларда миллион иш ўринлари. Бироқ, билан савдо Хитой, шунингдек, АҚШнинг баъзи саноатларида, хусусан, паст иш ҳақи ишлаб чиқаришда иш ўринларининг йўқ қилинишига олиб келди. Ушбу харажатларга қарамай, маъмурият томонидан икки томонлама камомадга тез-тез еътибор қаратилмоқда. АҚШ-Хитой савдосини ёки унинг бандликка таъсирини баҳолаш учун мазмунли мезон. АҚШ Савдо камомади импортига қўйилган чекловларнинг маҳсули бўлганидан кўра, АҚШнинг паст кўрсаткичларини акс еттиради. АҚШнинг ички инвестиция еҳтиёжларини молиялаштириш учун

чет ел капиталини талаб қиладиган ички жамғарма даражаси ва АҚШ давлат қарзининг ўсиши. Бундан ташқари, савдо тақчиллиги ҳам ҳисобга олинмайди АҚШ ва Хитой компаниялари филиалларининг ҳар бир тегишли бозордаги фаолияти, ҳисоб-китоб АҚШ Хитойга аксинча кўпроқ сотишини кўрсатади.

АҚШ-Хитой иқтисодий муносабатлари муҳим босқичга йетди. Ўтган йил кўрди тит-фор-тат тарифларини ошириш. Ҳозиргача 250 миллиард долларлик Хитой маҳсулотларининг АҚШ импорти бор 10-25 фоизгача бўлган тарифлар билан зарба берди ва Президент Доналд Трумп таҳдид қилмоқда амалдаги тарифларни ошириш ва Хитойдан импорт қилинадиган барча маҳсулотларга қўшимча тарифлар жорий етиш. Хитой бор худди шундай АҚШ импортининг еквивалент миқдорига тарифлар ундирди ва жорий етиш билан таҳдид қилди. Ушбу савдо уруши молиявий бозорларни қўзғатди ва глобал ўсишнинг секинлашишига ҳисса қўшди. 2018-йил ноябр ойида бўлиб ўтган Г-20 йетакчилари саммитида президентлар Трамп ва Си Цзинпин бу масалани ҳал қилишга келишиб олдилар. Савдо келишмовчилигини 90 кун ичида - 2019-йил 1-мартгача, гарчи бу муддат яқинда бўлса ҳам кенгайтирилган. Ушбу икки томонлама кескинликни кучайтирган АҚШ хавотирлари ўзига хос савдодан келиб чиқади. Хитойнинг иқтисодий моделига хос бўлган амалиётлар тизимли равишда ўйин майдонини фойдасига айлантиради. Хитой компанияларининг маҳаллий ва жаҳон миқёсида. Муайян савдо масалалари бўйича тараққиёт талаб етилади. Хитой ЖСТ мажбуриятларини бажариши ва таъсир қилиши мумкин бўлган муайян ислоҳотларни амалга ошириши керак иқтисодиёт устидан давлат назорати соҳалари бўйича. Бундан ташқари, янги савдо қоидаларини ҳал қилиш керак эди. Хитойнинг иқтисодий амалиётлари унинг ЖСТ мажбуриятларида, жумладан, каби соҳаларда қамраб олинмайди. Давлат корхоналари, маълум субсидиялар ва рақамли савдо. Бу муаммолар ҳам кучайиб бораётган бир даврда юзага келади. Хитой миллий хавфсизлик хавф-хатарлари, хусусан, технология билан боғлиқ хавотирлар кириш. Бу масалаларнинг барчаси АҚШ-Хитой икки томонлама музокараларининг мураккаблигини таъкидлайди шунингдек, ўйиндаги қозиқлар. АҚШ ва Хитой ўртасидаги келишмовчиликларни мазмунли тарзда ҳал қилиш вақт талаб етади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг савдо стратегиясининг глобал мувофиқлаштиришни таъминлашга йўналтирилган халқаро савдо ташкилотларини яратиш учун ҳаракатлар бошланди. Ушбу ҳаракатдан биринчи навбатда халқаро савдодаги улуши 40% атрофида бўлган АҚШ манфаатдор бўлиб, ташқи савдодаги нормал ҳолатларнинг бузилишидан аввалом бор улар жиддий зарар кўрар эди. Халқаро савдо ташкилотини яратиш бўйича мунозаралар АҚШ ва урушдан кейинги Европа мамлакатлари ўртасидаги кескин тортишувлар шароитида бўлиб ўтди. Бу тортишувлар, хусусан, иштирокчи давлатлар эга бўлган овозлар улуши билан ҳам боғлиқ эди. “Бир мамлакат – бир овоз” тамойилини ёқловчи европача ёндашувга тескари равишда АҚШ кўпроқ овозга эга бўлиш ғоясини кўтариб чиқди. Халқаро савдонинг ҳамма иштирокчилари учун ягона қоидалар ва жорий

қилинган янги меъёрларни назарда тутувчи савдо ташкилотининг ташкил қилинилиши халқаро савдо тўсиқларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этди.

ЖСТ қуйидаги функцияларни бажаради:

– келушувларни жорий этиш ва назорат қилиш;

– ўзаро музокараларни олиб бориш учун форумларни ташкил қилиш;

– низоларни ҳал қилиш;

– турли мамлакатларнинг савдо сиёсатини амалга ошириш тўғрисида ахборот бериш;

– глобал иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда мамлакатлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

– ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам бериш. Халқаро савдони эркинлаштириш ва адолатлилигини таъминлаш ЖСТнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бундан ташқари бугунги кунда, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси АҚШ ва Хитойни тарифлар урушини бас қилишга чақиряпти, акс ҳолда ўзаро тортишувдан жаҳон иқтисодиёти зарар кўриши айтилаётир.

Унда айтилишича, ўтган ҳафта АҚШ қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги силкиниш бу ҳафта Осиё ва Европа бозорларига ҳам тарқалди. Америка тадбиркорлик институти эксперти Дезмонд Лехменнинг айтишича, сармоядорлар ташвиши асосли. “АҚШ Федерал захира тизими фоиз ставкаларини кутилганидан кўпроққа кўтаришга мажбур энди, шу каби гаплар қулоққа чалинди. Бу эса сармоядорларни хавотирга солмоқда. Хитой билан савдо алоқаларидаги мавҳумлик ҳам ўзига яраша салбий таъсир қиляпти”, - дейди Лехмен. Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондининг Балида ўтган қўшма мажлисида АҚШ ва Хитой ўртасидаги тарифлар уруши ҳам муҳокама этилди. Жамғарма ижрочи директори Кристин Лагард таранглиқни туширишга чақирмоқда. “Ҳисобларимизга кўра, савдо алоқаларидаги таранглик келаси икки йилда дунё ялпи ички маҳсулотининг салкам бир фоизга қисқаришига олиб келади.

АҚШ-Хитой иқтисодий муносабатлари муҳим чорраҳада турибди. учун мустаҳкам асосни ишлаб чиқиш ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар қўллаб-қувватлаган ҳолда иккала иқтисодиёт учун ҳам манфаат талаб қилади

Бозорга асосланган ечимларнинг АҚШ қадриятлари ва қоидаларга асосланган муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди халқаро иқтисодий архитектура. АҚШ ва Хитой уларни ҳал қилиш йўлларини топа олмади келишмовчиликлар АҚШнинг Хитойдан ажралиб чиқиши учун баҳслашаётганларнинг қўлини мустаҳкамлайди, билан ҳар икки давлатга олиб келадиган барча харажатлар.

Ушбу сиёсат баёнида таъкидланганидек, АҚШ ва Хитой ўртасида мураккаб иқтисодий муносабатлар мавжуд АҚШ учун фойда ва харажатларни ўз зиммасига олган бўлса-да, кўплаб АҚШ ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари бор муносабатлардан миллиардлаб доллар даромад олди. Бу

пайдо бўлаётган ташвишларга нима сабаб бўлади Тизимли равишда Хитой иқтисодиётида давлатнинг роли янада муаммоли ўйин майдонини маҳаллий ва глобал миқёсда хитойлик бизнес фойдасига айлантиради. Бундан ташқари,

Хитойнинг саноат сиёсатидан фойдаланиши ва давлат корхоналарини назорат қилиш ва кенг тарқалган субсидияларни тақдим етиш. Хитой ўз еътиборини қаратгани сабабли АҚШ учун янада катта ташвиш уйғотди муайян технологияларда ҳукмронлик қилиш ва АҚШ раҳбариятини сиқиб чиқариш. Давом етаётган кибер ўғирлик билан бир қаторда АҚСҲ технологиялари ва интеллектуал мулки бўйича ушбу иқтисодий амалиётлар АҚШнинг миллий хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 11-б.

2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 64-б.

3. Потапов М. Вступление КНР в ВТО: условия присоединения и последствия для китайской экономики// Внешнеэ¬кономическая модель развития стран Восточной Азии. -М.: Международные отношения, 2004. С. 88.

4. Энрю Берг и Энн Кригер. Что будет означать вступление в члены ВТО для Китая и его торговых партнеров? //Финансы и развитие, №3, выпуск 39, 2002. С. 10.

5. Бутрин Д., Нетреба П., Сапожков О. Обязательства длительного срока хранения. //Коммерсантъ, №238, 20.12.2011. С.

6. Овчинников Р., Полякова Ю. Вступление в ВТО должно снизить ценқ. // Известия, 19.12.2011.

7. www.wto.org 8. htpp://www.china.org.cn/russian/31516.htm 9. http://www.russian.xinhuanet.com/russian/2009-01/15/content_800925.htm

Махмудходжаев А.Ю. *– Зам. дир. – Нач. управления департамента, Минфин РУз,*

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ФИНАНСИРОВАНИЯ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

В последние годы активизировалась деятельность системы здравоохранения, связанная с поиском партнеров для делового сотрудничества за рубежом в целях улучшения качества медицинских услуг. Она осуществляется в форме совместной работы, либо посредством привлечения ученых и специалистов из других стран для совместного решения тех или иных проблем, сложившихся в медицине в условиях пандемии.

Постепенно распространяется и обучение в государственных образовательных учреждениях, перешедших на самофинансирование. Как правило, это вузы, техникумы, колледжи, которые могут существовать на

рынке в силу своего гибкого, избирательного отношения к направлениям специалистов. У государственного сектора есть шансы и возможности занять определенную нишу в системе здравоохранения. При этом важно наличие в нем высококвалифицированного кадрового потенциала, методического и материально-технического оснащения, а также необходима устойчивая правовая база его функционирования.

В Законе Республики Узбекистан «О здравоохранении» приводятся источники финансирования системы здравоохранения республики (си. рис. 1).




Рис. 1. Основные источники финансирования здравоохранения

В Узбекистане развитие социальной сферы осуществляется в общем русле социально-экономических реформ, и поэтому соответствует их этапам и стратегической направленности. Являясь на протяжении всех лет одним из ключевых инструментов государственной социально-экономической политики, государственный бюджет в условиях инновационного развития экономики направлен на реализацию приоритетных задач социального развития, обеспечивая стабильно высокий уровень долгосрочных инвестиций в развитие здравоохранения. Расходы на социальную сферу, в том числе на здравоохранение населения, имеют высокий удельный вес в структуре расходов бюджета. Более 75% всех расходов на социальную сферу непосредственно нацелены на развитие инновационно-инвестиционного потенциала. То есть, преимущественно, на образование, здравоохранение, спорт, культуру и науку.

Одной из стратегических целей развития системы здравоохранения является использование зарубежного опты в реформировании многопрофильной деятельности с целью достижения лучших международных стандартов. При этом необходимо одновременно сохранить и приумножить отечественные традиции научной мысли и систему формирования

медицинского научно-кадрового потенциала страны. Ориентация здравоохранения на международный стандарт по оказанию услуг позволяет решать такие проблемы, как унификация вузовских дипломов, преодоление национальной изоляции в вопросах подготовки кадров и лечения пациентов. Многоуровневая переориентация здравоохранения способна осуществлять не только подготовку специалистов на стыке разных направлений медицинских услуг, но и обеспечить рынок труда специалистами разного профиля и расширить возможности быстрой переквалификации кадров.

Часто улучшение состояния здравоохранения обеспечивается полномочиями государства. Для формирования подобной государственной позиции немало причин: аргументация приверженцев классического государства всеобщего благосостояния в пользу государственного вмешательства, политико-экономическое обоснование вмешательства в сектора, имеющие ключевое значение для общества и др. Правительства демонстрируют осознаваемую ответственность, финансируя, представляя и регулируя медицинские услуги, влияющие на качество здравоохранения. Эти услуги могут быть самых разнообразных видов и направлений: строительство медпунктов и укомплектование их персоналом, субсидирование, кредитование и предоставление грантов и т.д. На здравоохранение, взятое вместе с образованием, приходится около 1/3 общей суммы государственных бюджетных расходов.

Уровень здоровья прямо влияет на отношение человека к окружающей среде. Население, когда оно образованно, более грамотно относится к своему здоровью, лучше применяет профилактические меры, чаще ведет здоровый образ жизни, умеет вовремя распознавать заболевание, оказать себе первую помощь, обратиться к квалифицированной медицинской помощи. Более грамотное население имеет также лучшие условия занятости, доходов, а значит, и возможности для оплаты своевременных и высококвалифицированных медицинских услуг.

Распространение рыночных механизмов повлечет за собой реструктуризацию всех сфер оказания медицинских услуг с вовлечением рынка амбулаторной и больничной помощи, инструментальной диагностики и терапии, лабораторных услуг и лекарственного обеспечения. Это создает основы для динамичного развития всего сектора медицинских услуг, который впоследствии может оказаться достаточно привлекательным объектом для инвестиций. К тому же, имеется ряд объективных предпосылок. Наиболее важной из них является высокая концентрация традиционных инвестиций в нефтегазовой отрасли и сфере телекоммуникаций. Такая перенасыщенность ведет к необходимости поиска крупных и динамично развивающихся объектов для капиталовложений. Этим объектом может стать сфера оказания медицинских услуг, имеющая огромный потенциал развития, с точки зрения стабильно растущих государственных ассигнований и развивающейся частной медицины.

Инвестиции в здравоохранение Узбекистана могут реализоваться путем создания частных вертикально интегрированных структур, объединяющих в себе функции медицинского страхования и предоставления медицинских услуг. Прототипом данной схемы может явиться американский медицинский консорциум «Kaiser Permanent», характеризующийся миллиардными оборотами, высоким уровнем рентабельности и низкими сроками окупаемости проектов. Данная модель отличается большим охватом потребителей и широким ассортиментом услуг.

Внедрение таких инвестиционных моделей в городах Республики при непосредственной финансовой поддержке бюджета позволит достаточно быстро обеспечить возврат инвестиций и получать существенный прирост капитала. Следует отметить, что в результате внедрения Госпрограммы реформирования здравоохранения, безусловно, ожидается восстановление и расширение инфраструктуры государственных медицинских объектов. Их эксплуатация, без крупных капвложений в строительство, позволит значительно снизить риск инвесторов.

Важно отметить, что рынок медицинских услуг является относительно независимым от колебаний цен на энергоносители и от общих экономических тенденций. Следовательно, можно ожидать, что частная инвестиционная деятельность в сфере здравоохранения будет характеризоваться стабильностью и динамичным ростом. Ее результатом могут стать мобилизация внутренних ресурсов, прозрачность и повышение качества медицинских услуг, а также постепенное снижение бремени бюджетных расходов на здравоохранение.

Вместе с тем, государство могло бы сыграть ключевую роль в данном процессе путем стимулирования инвестиций в сферу здравоохранения за счет предоставления льгот по налогообложению и других преимуществ.

Все проводимые мероприятия по реформированию системы здравоохранения направлены на совершенствование системы управления инвестициями, размещаемыми в данной сфере с целью концентрации бюджетных средств, кадрового и научно-технического потенциала на приоритетных направлениях сферы здравоохранения.

Иманова У.Б. *– ДСҚ хузуридаги*
Фискал Институт, таянч доктарант

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАР МАНБАИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ (СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Тадқиқотларимиз давомида таъкидлаганимиздек, маҳаллий бюджетлар давлатнинг муҳим функцияларини молиявий таъминлашда бюджет тизимидаги энг муҳим бўғинларидан биридир, шу нуқтаи-назардан давлатнинг жамият олдидаги функцияларини кенгроқ таъминлашда маҳаллий

бюджетлар даромадларини ошириш зарур ва долзарбдир. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари манбаи, энг аввало, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти, ҳусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот, аҳоли бандлик даражаси, ишлаб чиқариш корхоналари сони ва уларда яратиладиган маҳсулот (иш, хизматлар) кўлами кабиларга боғлиқдир. Чунки маҳаллий бюджет даромадлари бевосита мазкур ишловчилар ва ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар томонидан тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисобига шаклланади.

Маҳаллий бюджетлар даромадлар манбаини кенгайтириш йўналишларини белгилашда ва асослашда маҳаллий бюджетлар даромадлари ўзгаришларига таъсир қилувчи солиқлар ва мажбурий тўловлардан тушумларни олиниш манбаларини тадқиқ этиш ва уларнинг ўзгаришларини маҳаллий бюджетлар даромадларининг ўзгаришлари билан боғлаган ҳолда таҳлил қилиш зарурдир. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотимизнинг мазкур қисмида Сурҳондарё вилояти маҳаллий бюджети даромадлари кўламига ҳудуднинг бир қатор иқтисодий кўрсаткичлари ўзгаришлари таъсири таҳлилини амалга оширишни зарур деб ҳисоблаймиз. Бунда эконометрик таҳлил усуллари ва моделлаштиришни амалга оширамиз.

1-жадвал

Сурхондарё вилоятининг маҳаллий бюджет даромадлари (МБД), иқтисодиётда банд аҳоли сони (ИБ), асосий капиталга инвестициялар (И), корхоналар сони (КС) маълумотлари[1]

Йиллар	Маҳаллий бюджет даромадлари (МБД) (млрд.сўм)	Иқтисодиётда банд аҳоли сони (ИБ) (минг киши)	Асосий капиталга инвестициялар (И) (млн.сўм)	Корхоналар сони (КС) (дона)
2007	94,4	696,6	288,2	10436
2008	129,3	722,4	344,3	12302
2009	196,5	752,1	511,8	12945
2010	264,0	784,4	655,3	12367
2011	351,6	817,7	802,9	12105
2012	413,9	843,0	980,3	12559
2013	514,9	871,2	1371,0	11649
2014	571,7	901,5	1509,1	14036
2015	699,1	930,8	1843,6	12259
2016	835,5	961,5	2142,4	12207
2017	969,8	991,7	3551,0	13003
2018	1 052,1	984,0	7240,6	13719
2019	1 657,1	1024,2	11835,1	15172
2020	1 605,7	982,0	9923,0	19220

Манба: Маҳаллий бюджет даромадлари кўрсаткичлари Молия вазирлигининг тегишли ҳисоботларидан, қолган кўрсатқичлар маълумотлари Давлат статистик қўмитасининг расмий сайтидан олинди.

Таҳлил учун ҳудуднинг бир қатор иқтисодий кўрсаткичларини, иқтисодиётда банд аҳоли сони (ИБ), асосий капиталга инвестициялар (И), корхоналар сони (КС) кабиларнинг 2007-2020 йиллардаги кўрсаткичларини танлаб олдик.

[1]Тадқиқотчи томонидан умумлаштирилди.

Ҳудуднинг иқтисодий ҳолати ва кўрсаткичларнинг ўзгаришларига оид дастлабки хулосаларни чиқариб олиш мақсадида 1-жадвалда кўрсаткичларнинг тасвирий статистикасини шакллантирамиз.

2-жадвал

Сурхондарё вилояти иқтисодий кўрсаткичларининг тасвирий статистикаси

Кўрсаткичлар	МБД	ИБ	И	КС
Ўртача	668,26	875,94	3071,3	13141
Медиана	543,3	886,35	1440	12463
Минимум	94,4	696,6	288,2	10436
Максимум	1657,1	1024,2	11835	19220
Стандарт четланиш	505,92	108,58	3784,1	2078,8
Вариация	0,75707	0,12395	1,2321	0,15819
Асимметрия	0,80764	-0,2627	1,4178	1,8383
Эксцесс	-0,4165	-1,273	0,49873	3,4099

Изох: Ҳисоб-китоблар Гретл дастурий мажмуасида амалга оширилди.

Тасвирий статистикада кўринишича, 2007-2020 йиллардаги вилоят маҳаллий бюджети даромадаларининг минимум кўрсаткичи 94,4 млрд.сўмни, максимуми 1657,1 млрд.сўмни, ўртачаси эса 668,26 млрд.сўмни ташкил этган ҳолда, бандлар сонининг минимумуми 696,6 минг кишини, максимуми 1024,2 минг кишини, бандларнинг ўртача сони эса 875,94 минг нафарни ташкил этган. Вилоятга 2007 йилда энг кам инвестиция оқими (288,2 млн.сўм) кириб келган бўлса, 2019 йилда энг кўп инвестиция (11835,1 млн.сўм) киритилган, инвестиция ҳажмининг ўртачаси 3071,3 млн.сўмни ташкил этади. 2007-2020 йилларда вилоятда ўртача 13141 та корхона фаолият юритган. 2020 йил давомида эса энг кўп 19220 та корхона фаолият юритган.

Назарий фикрлашимиз бўйича иқтисодиётда бандлик даражасининг ошиши бир томондан даромад солиғи тўловчилар сонининг ошишигаб пировардида, мазкур солиқ бўйича тушумларни ошишига, иккинчи томондан эса аҳолининг даромадлари ошиши ҳисобига истеъмолнинг ортишига, пировардида, эгри солиқлардан тушумларни ортишига сабаб бўлади. Инвестициялар кўламининг ортиши эса, бевосита асосий фондларнинг янгиланиши ва ортишига сабаб бўлади, натижада ишлаб чиқариш ҳажми ортади, бу ўз навбатида маҳаллий бюджетга тушумларни кўпайига олиб келиши мумкин. Корхоналар сони ҳам ўз навбатида иш ўринларининг ортиши ва рақобатга ижобий таъсир қилади натижада маҳаллий бюджетлар даромадларининг ортишига сабаб бўлиши мумкин.

Мазкур келтирган гипотезаларимизни асослаш учун, дастлаб маҳаллий бюджет даромадлари ва келтирилган омиллар кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаб оламиз. Бирор кўрсаткичнинг ўзгаришига бошқа омилларнинг таъсири қанчалик даражада кучли ёки кучсиз эканлигини аниқлаш мақсадида корреляцион таҳлилни амалга оширамиз. Корреляция коэффициенти бирор омилнинг бошқа бир омилнинг ўзгаришига қанчалик даражада таъсир кўрсатишини ифодаловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, у -1 ва 1 оралиғида ўзгаради. Агар кўрсаткич 0 ва 1 оралиғида бўлса, омил белги

натижавий белги ўзгаришига тўғри, -1 ва 0 оралиғида бўлса, омил белги натижавий белги ўзгаришига тескари таъсир кўрсатишини ифодалайди. Коррелция коэффициенти қанчалик 1 ёки -1 яқин бўлса, боғлиқлиқ шу даражада кучли бўлади. Таҳлилларни давом эттириш учун омилларни танлашда коррелция коэффициентининг 0,7 дан юқори ёки -0,7 дан кичикларини танлаб олишимиз зарур, чунки мазкур ҳолда омиллар натижавий белгига кучли таъсир кўрсатаётганлигини ифодалайди.

3-жадвал

Сурхондарё вилоятининг маҳаллий бюджет даромадлари (МБД), иқтисодиётда банд аҳоли сони (ИБ), асосий капиталга инвестициялар (И), корхоналар сони (КС) кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция коэффициентлари

МБД	ИБ	И	КС	Омиллар
1,0000	0,9027	0,9464	0,7850	**МБД**
	1,0000	0,7509	0,5735	**ИБ**
		1,0000	0,7885	**И**
			1,0000	**КС**

Изох: Ҳисоб-китоблар Гретл дастурий мажмуасида ҳисоблаб чиқилди.

Маҳаллий бюджет даромадлари (ДМБ)нинг билан иқтисодиётда бандлар сони (ИБ), ҳудудга киритилган инвестициялар (И) ва вилоятдаги корхоналар сони (КС) ўртасидаги корреляция коэффициенти мос равишда 0,9027, 0,9464 ва 0,785 га тенг ҳамда улар ўртасида ўзаро мултиколлениарлик мавжуд эмас. Маҳаллий бюджет даромадалари ҳажмининг ўзгаришига иқтисодиётда бандлар сони ва ҳудудга киритилган инвестициялар ҳажмининг боғлиқлиги жуда кучли ва тўғри боғланишда. Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, мазкур омилларни регрессион таҳлилларни амалга ошириш мумкин.

Таҳлилнинг мазкур босқичида танлаб олинган омилларининг маҳаллий бюджет даромадлари (МБД) ҳажмига таъсирини ифодаловчи моделлаштиришни амалга оширамиз. (4-жадвал).

4-жадвал

Сурхондарё вилоятининг маҳаллий бюджет даромадлари (МБД) ўзгаришларига иқтисодиётда банд аҳоли сони (ИБ), асосий капиталга инвестициялар (И), корхоналар сони (КС) кўрсаткичлари таъсирининг эконометрик модели

Омиллар	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Р-қиймат	Ишончлилик даражаси
const	−1759,13	282,697	−6,223	<0,0001	***
ИБ	2,07681	0,263413	7,884	<0,0001	***
И	0,0686888	0,0100674	6,823	<0,0001	***
КС	0,0302306	0,0147742	2,046	0,0679	*
Боғлиқ ўзгарувчи ўртачаси		668,2571	Стандарт оғиш		505,9166
Қолдиқлар квадратлари йиғиндиси		46284,05	Стандарт хатолик		68,03238
R-квадрат		0,986090	Мослашган R-квадрат		0,981917
F(3, 10)		236,3007	Р-қиймат (F)		1,40e-09

Логорифмик ҳақиқатга яқинлиги	−76,58961	Акаике мезони	161,1792
Шварц мезони	163,7354	Ханна-Куин мезони	160,9426
Rhoпараметри	−0,092278	Дарбин-Уотсон статистикаси	1,973373

Изох: Ҳисоб-китоблар Гретл дастурий мажмуасида ҳисоблаб чиқилди.

Мазкур моделнинг индуктив таҳлилига кўра, юқоридаги моделнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилиги ифодаловчи кўрсаткич (*F-статистика*) 0,05 дан кичик, шу сабабли ҳам мазкур модел статистик жиҳатдан аҳамиятли, мустақил ўзгарувчилар иқтисодиётда бандлар (ИБ), инвестициялар (И)ва корхоналар сони (КС)нингбоғлиқ ўзгарувчига таъсирини кўрсатувчи коэффициентлар ҳам 0,1 дан кичик ва статистик жиҳатдан аҳамиятлидир.Тузилган тенгламанинг детерминация коэффициенти (Мослашган R-квадрат) 0,9819 га тенг бўлиб, моделимиздаги омиллар натижавий белгининг ўзгаришининг 98,19 фоизини тушунтириб бера олади. Дарбин-Уотсон статистикасининг 5 фоизлик аҳамият даражасидаги статистик жадвал асосида ҳисобланганда автокорреляция бўлмаслик шарти 1,78<DW<2,22ҳисобланди. Дарбин-Уотсон статистикасининг керакли оралиқда эканлиги автокорреляция муаммосининг йўқ эканлигини англатади.

Моделнинг интерпретацион таҳлили.

$$МБД = -1759,13+2,0768ИБ +0,0687И-0,0302КС +e \quad (1)$$

Бу ерда:

МБД – Маҳаллий бюджет даромадлари;

ИБ –Иқтисодиётда банд аҳоли сони;

И –Асосий капиталга инвестициялар;

КС –Корхоналар сони;

е – ҳисобга олинмаган омиллар.

ИБ нинг олдида турган коэффициент (2,0768) – бошқа омиллар ўзгармас бўлганида, бандлар сонининг 1 (бир) бирликка кўпайиши(камайиши), маҳаллий бюджет даромадларининг 2,0768сўмга кўпайиши(камайиши)га олиб келишини билдиради. И нинг олдида турган коэффициент (0,0687) – бошқа омиллар ўзгармас бўлганида, асосий капиталга инвестицияларнинг1 (бир) сўмга кўпайиши (камайиши), маҳаллий бюджет даромадларининг0,0687 сўмга кўпайиши(камайиши)га олиб келишини, КС нинг олдида турган коэффициент (−0,0302) – бошқа омиллар ўзгармас бўлганида, корхоналар сонининг 1 (бир) тага кўпайиши (камайиши), маҳаллий бюджет даромадларининг 0,0302 сўмга кўпайиши (камайиши)га олиб келишини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Данченко М.А. Налогообложение: Электронньш учеб. - 11ир://11с.1ш.ги/\\л\л\7ир1оас1Т11а1од/раде6.111п11.
2. Журов А.В. Налоговье льготь как стимул развития бизнес-ангельского инвестиро- вания: опьт России, США и стран Европь // Вопрось государственного и муниципально- го управления. - 2010. - №1. - С. 89-97.
3. Пакова О.Н. Налоговье стимуль и их регулятивньй характер // Вестник

СевКавГТУ. Серия «Экономика». - 2013. - №3. - С. 11-23.
4. Гребенникова В.А., Кузнецова Ю.И. Анализ инвестиционно-инновационной актив- ности российских предприятий в условиях экономической нестабильности / Новая наука: Современное состояние и пути развития. - 2016. - №4-1. - С. 93-100.

Abdusalimov F.F. *– TDIU magistranti*

BANK XIZMATLARI SIFATINI YANDA OSHIRISHDA MARKETINGDAN SAMARALI FOYDALANISH

Bugungi kunda bank tizimi respublika iqtisodiyotining jadal rivojlanayotgan segmentlaridan biri bo‘lib, bu sohadagi asosiy ko‘rsatkichlar, ya’ni aktivlar, kapital darajasi, kredit qo‘yilmalari va investitsiyalar hajmining o‘sish sur’atlarini yaqqol namoyon etadi. Mamlakatimizda bank tizimini mustahkamlash va sifat jihatidan takomillashtirish muhum ahamyat kasb etadi.Shuningdek, tijorat banklarining iqtisodiyotning harakatlantiruvchi kuchi sifatida maydonga chiqishi va ularni yirik investisiya institutlariga aylantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Banklarning marketing faoliyati asosan bozordagi ulushini kengaytirishga yanada universalashishga, yangi bank xizmatlarini joriy qilishga, filiallar tarmog‘ini kengaytirishga, xizmat ko‘rsatish sifatini oshirishga yo‘naltiriladi.Marketing xizmati banklarning barcha tarkibiy bo‘linmalari ishlari asosiga quriladi. Marketingni tijorat banklari boshqaruviga kiritish faoliyat strategiyasi va taktikasi mezonlari tizimi yuzaga kelishining boshlanishiga hamda bozorni o‘rganish va rivojlantirish choralarini aniqlashga olib keladi. Marketingni joriy qilish daromad o‘sishi va bank faoliyati xatari kamayishiga imkoniyat yaratadi. Marketingning zarurligi bozorda rivojlanayotgan bank faoliyati jarayonlari adekvatligini qo‘llab-quvvatlash mexanizmi bilan aniqlanadi. Tijorat banklarining sarmoyaviy faoliyatini kengaytirish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, shuningdek, mamlakatimiz iqtisodiyotiga mahalliy va xorijiy sarmoyalarni jalb etishni maqsadga muvofiq deb bilamiz.

Bank marketing-bu bank muassasidan to so‘nggi iste’molchigacha bank xizmati barcha yo‘lida qulaylik yaratishni ta’minlashdir.Bank marketingining maqsadi – kapital bozori talablariga moslashish uchun zarur sharoitlar yaratish, bozorni o‘rganish, raqobatbardoshlikni va foydalilikni oshirish bo‘yicha tadbirlar tizimini ishlab chiqishdan iborat. Zamonaviy bank xizmatlarida marketing bank tomonidan mijozlarning ehtiyojlarini qondirish va xizmat ko‘rsatish davomida bankka daromad keltiruvchi texnik usullar majmuasidan foydalanishdan iborat.

Bugungi kunda bank faoliyatini erkinlashtirish sharoitida banklararo raqobatning kuchayishi va uning takomillashuvi zaruriyatga aylanib bormoqda. Bank faoliyatida raqobatning bir necha turi bo‘lib, har biri bankning innovatsion ehtiyojini rivojlantirishga va yangi bank xizmatlarini kiritishda o‘z xissasini qo‘shadi. Bank mahsulotlarining raqobatbardoshligi haqida gap ketganda biz uning innovatsion harakterini tushunamiz.Ba‘zi xizmatlar muhim parametrlar bilan farq

qiladi va ko‘rinishli raqobat paydo bo‘ladi. Masalan, minimal yoki maksimal depozit miqdori va muddati bilan. Mijozlarga ko‘rsatiladigan bank xizmatlarining sifati asosida raqobatning predmetli ko‘rinishi yuzaga keladi. Masalan, axborotni ishonchli ximoyalash, bank o‘zining ishonchliligi, operatsiyalarning tezligi va xodimlarning tezkorligi va malakasi. Banklararo raqobat kurashi sharoitida raqobatbardoshlik muhim ahamiyat kasb etadi. Raqobatbardoshlik – bu raqobatga chidamli bo‘lish, unda g‘olib kelib qobiliyatiga ega bo‘lishdir.

Bank xizmatlari sifatini yanada oshirish uchun banklarni sarmoyaviy faolyati kengaytish kerak. Ya’ni banklarda mahaliy va xorijiy investorlarni jalb qilish kerak bo’ladi.Bank xizmati sifatini oshirish uchun quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir.

-tijorat banklarining umumiy kapitalini yanada oshirish va belgilangan parametrlarni bajarish yuzasidan zarur chora-tadbirlarni amalga oshirish;

- tijorat banklari aktivlarining, shu jumladan kredit portfelining yanada o‘sishi va sifatini ta’minlash maqsadida bank risklarini chuqur omiliy tahlil qilish va baholashning aniq mexanizmlarini joriy etish;

-banklarda investitsiya loyihalari ekspertizasi sifatini oshirish, shu jumladan ekspertiza tartib-taomillarining shaffofligini ta’minlash va barcha mumkin bo‘lgan omillar va risklarni hisobga olish bo‘yicha samarali choralar ko‘rish.

-banklarning uzoq muddatli resurslarini ko'paytirish uchun yangi turdagi bank depozitlari, depozit sertifikatlari va korporativ obligatsiyalarni joriy etish va mavjud turlarini ularning shartlari, miqdori, valyuta turlari va to'lov usullari bo'yicha yanada takomillashtirish;

Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev tomonidan taklif etilgan 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar samaradorligini yanada oshirish, davlat va jamiyat taraqqiyotini yuksaltirishga xizmat qiladi. yangi darajaga. Shuningdek, u liberallashtirishga qaratilgani ta’kidlandi. Tadbirda pul-kredit siyosatini yanada takomillashtirish, soliq yukini kamaytirish va soliqqa tortish tizimini soddalashtirish, sug‘urta xizmatlarining yangi turlari, xorijiy investitsiyalar va kreditlarni jalb etish hamda ulardan samarali foydalanishga oid ma’ruzalar tinglandi. Ayni paytda mamlakatimizda innovatsion texnologiyalarni qo‘llash bilan bir qatorda masofaviy bank hisobvaraqlarini boshqarish tizimlaridan (bank-mijoz, internet-banking, mobil banking, SMS-banking) foydalanuvchilar soni ortib bormoqda. Zamonaviy bank xizmatlari zamonaviy shart-sharoitlarga asoslangan bo'lib, o'z mijozlariga to'g'ridan-to'g'ri qonunlar va Internet va mobil aloqa orqali o'rnatilgan maxsus direktivalar asosida xizmat ko'rsatadi. Bunga misol qilib, mamlakatimizda internet-banking va SMS-banking rivojlanganini ko‘rsatish mumkin.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, davlatimiz rahbari tomonidan mamlakatimiz bank tizimini rivojlantirishga qaratilayotgan alohida e’tibor qaratilmoqda.Mamlakatimizda yaratilgan qulay makroiqtisodiy sharoitlar tufayli bank tizimini rivojlantirish va isloh qilishda ijobiy natijalarga erishilmoqda. Bank xizmatlar sifatini oshirishda quyidagi takliflari berishimiz mumkin.

-Mavjud va kelajakdagi bank xizmatlari bozorida yangi xizmatlar turlarini amaliyotga kiritish bo‘yicha qisqa va uzoq muddatli maqsadlarni belgilab olish;

-Amaliyotga yangi bank xizmat turlarini kiritish va ular yuzasidan bank nazoratini olib borish bo‘yicha dasturni ishlab chiqish.

-Bank kredit risklarini boshqarish uchun mustahkam ishlab chiqarishni ta‘minlash va bu borada ko’p uchraydigan kamchiliklarni bartaraf etish.

-barcha tijorat banklarida marketing boshqarmalari va bo‘limlari tashkil etilgan va ularni malakali mutaxassislar bilan ta‘minlashda marketing xizmatlari va ular faoliyatini takomillashtirishga ahamiyat berish;

-mamlakatimizda yangi bank xizmatlarining joriy etishda, marketing xizmatini faollashuvi va keng tarmoqli bank infratuzilmasining yaratilayotganligi natijasida tijorat banklarining mijozlari bilan ishlishni va boshkaruv faoliyatini tugri tashkil etishga erishish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhxati

1. 2020-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida 2020-yil 20-martdagi PF-5992-sonli Farmoni;

2. 2020-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi 2020-yil 2-martdagi PF-5953-sonli Farmoni;

3. A.A.Azlarova, M.M.Abduraxmanova “Bank marketingi va menejmenti” O‘quv qo‘llanma TDIU 2019;

4. A. Meidan, ‘The Roles of Marketing Management in Banking’, Quarterly Review of Marketing 2018.

5. Lex.uz.

6. Uzbekistan2035.uz

Суюнов Д.Х.- *ОБМ, кафедра мудири, и.ф.д., проф*
Юлдашев Э.А.*-БТОМ тингловчиси*

УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИНГ МОЛИЯВИЙ БОШКАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида аҳолининг уй-жой билан таъминланишнинг ўртача даражаси киши бошига ўртача 30-50 м^2 ни ташкил этиб, Норвегияда бу кўрсаткич - 74 м^2, АҚШда - 65 м^2, Швецияда - 43 м^2, Францияда -35 м^2, Россияда - 23 м^2, ҳатто Японияда ҳам аҳолининг зичлиги ва демографиянинг ўсиши билан ҳар бир аҳолига 31 м^2 га тўғри келади. БМТ тавсиясига кўра эса киши бошига тўғри келадиган уй-жой майдони 30 м^2 дан кам бўлмаслиги талаб этилади[1]. Шунингдек, уй-жойларга кўрсатиладиган

[1] https://studme.org/274416/matematika-himiya-fizik/ Изучение жилого фонда и жилищных условий населения: система показателей, методы анализ.

хизматлар (ижара ҳақлари, газ, электр энергия, сув, мебеллар сотиб олиш ва мол-мулкни таъмирлаш)га сарфланадиган харажатлар ҳажми эса уй эгаларининг белгиланган солиқларни тўлагандан кейин оила тасарруфида қоладиган умумий даромаддаги улуши орқали ифодаланади. Жумладан бу кўрсаткич Латвия ва Грецияда 26%, Италияда 24%, Япония, Мексика ва Швейцарияда 22%, Франция, Канада ва Исроилда 21%, Австралияда 20%, АҚШда 19%, Чили, Норвегия ва Жанубий Кореяда 16%, Россияда 11% ни ташкил этмоқда[1].

Бугунги кунда мамлакатмимзда бу соҳада тегишли хуқуқий база шаклланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрда “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги ЎРҚ-581 сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелда “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5017-сонли Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2900-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 январда “Тошкент шаҳрининг уй-жой коммунал инфратузилмасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 январдаги “Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги 67- сонли қарорлари мавжуддир.

Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида давлатнинг устувор вазифаларидан бири бу аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришга эришиш, фуқароларнинг юқори сифатли яшаш шароитлари билан таъминлаш, уларнинг даромадлари, эҳтиёжлари ва имкониятлари доирасидаги ёндошувга асосланган оқилона сиёсатни юритиш ҳисобланади. Давлатнинг аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда унга юқори даражадаги сервис хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ сиёсатининг муваффақияти бажарилиши кўп жиҳатдан аҳолининг реал даромадларининг ўсишига, инфляциянинг сезиларли пасайтирилишига, уй-жой кредитлари нархлари ва аҳолининг узоқ муддатли банк депозитларига бўлган ишончини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон амалимётида аҳолининг уй-жой эҳтиёжларини қондирилишининг турли шаклларидан жумладан, ўз уйлари, хусусий ижарага олинган уйлар, кооператив уйлар, нотижорат (ижтимоий) уйлар каби форматларидан самарали фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Мазкур соҳада ҳам мамлакатимизда сўнги йилларда жадал сурьатларда ислоҳотлар амалга оширилиб, аҳолини арзон уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондирилишига, соҳада ҳуқуқий иқтисодий жабҳалардаги кенг ислоҳотларни амалга оширилишига эришиб келинмоқда. Жумладан, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ўрнатишга эришилиши; кўп

[1] https://studme.org/274416/matematika-himiya-fizik/ Изучение жилого фонда и жилищных условий населения: система показателей, методы анализ.

хонадонли уйлардан ва туташ ободонлаштириш ҳудудларидан фойдаланиш жараёнининг қайта кўриб чиқилиши ва ҳуқуқий баҳо берилиши; уй жой фондини сақлаш бўйича махсус тизимлар фаолиятининг қайта кўриб чиқилганлиги; кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати тўлиқ мониторингга олинишига эришилганлиги; кўп қаватли уй-жой фондларни сақлаш, фойдаланиш талаблари ва харажатларини аниқлашнинг аниқ тартиблари ишлаб чиқилганлиги; уй-жой фондларига туташ ерларни санитария ҳамда гигиена меъёрларига мувофиқ сақлашга эришилаётгани; кўп қаватли уй-жой фондларини мавсумий фойдаланишга ўз вақтида ва сифатли тайёрлашга эришилгани; кўп қаватли уй-жой фондларини бошқариш органларининг ҳисобини ва улар фаолиятининг ҳисоботларини юритишлари учун ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этилаётгани; кўп қаватли уй-жой фондларини бошқарувчи органларнинг мулкий муносабатларининг қонуний асослари қайта кўриб чиқилиб, тизимнинг шаффофлигига эришилгани каби ҳолатларни келтиришимиз мумкин.

Уй-жой фонди бу - инсон яшаш учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан уйлар, квартиралар, хизмат турар жойлари, махсус уйлардан (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлардан) иборат бўлган фонд. Уйларда жойлашган савдо, маиший ва носаноат йўналишидаги ўзга эҳтиёжларга мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар уй-жой фондига кирмайди[1].

Уй-жой фонди хусусий ва давлат уй-жой фондларидан иборат бўлиб, уларга қуйидагилар киради. Хусусий уй-жой фонди қуйидагилардан ташкил топади:

- фуқаролар мулки бўлган уй-жой фонди (якка тартибда уй-жой, хусусийлаштирилган, қурилган ҳамда олинган квартиралар ва уйлар, уй-жой қуриш ҳамда уй-жой фондига қарашли уйлардаги бадаллари тўлиқ тўланган квартиралар, фуқаролар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда мулк қилиб олинган квартиралар ва уйлар);

- тижоратчи ташкилот бўлган ва тижоратчи ташкилот юридик шахсларнинг мулки бўлган ва уларнинг маблағлари ҳисобидан қурилган ёки аукционда ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган уй-жой фондидан ташкил топади.

Давлат уй-жой фондлари қуйидагилардан ташкил топади:

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджетга тушган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича бошқа тушумлар ҳисобидан барпо этилган муниципал уй-жой фонди;

- давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг тўла хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида бўлган идоравий уй-жой фонди;

[1] Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 15.11.2019 й., 03/19/584/4025-сон; 28.09.2020 й., 03/20/638/1333-сон)

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан барпо этилган, шунингдек хусусий, муниципал, идоравий уй-жой фондидан олиб уларнинг балансига берилган, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган тоифалари учуй хусусийлаштириш ҳуқуқисиз ижара шартлари асосида фойдаланиш учун берилган аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди.

Тураржойларнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киритилади: якка тартибдаги уй-жойлар; кўп квартирали уйлардаги квартиралар; бошқа иморатларда жойлашган, алоҳида кадастр паспортига эга ва яшашга мўлжалланган хоналар ва ўзга турар жойлар киради.

Кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасидаги давлат назорати қуйидагича амалга оширилади:[1]

Уй-жой соҳасида бошқарув объектлари - кўп квартирали уй-жой фонди хусусийлаштиришга қадар соҳадаги бошқарув объектига шаҳар (туман)нинг давлат уй-жой фонди кўп хонадонли уйлардаги тураржой хоналари ва умумий фойдаланиш жойлари, шунингдек, уй-жой фондига туташ ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш объектлари бирлиги сифатида киратилган эди.

Тураржой фондларга оид алоҳида бошқарув объектига, шунингдек, белгиланган чегарадаги ер майдони, унда жойлашган объектлар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементлари киради.

Уй-жой соҳасида мол-мулкни бошқариш мақсадлари - Уй-жой соҳасида мулкдорлар ўз ҳохишига ва мақсадлари йўлида ўзларига тегишли бўлган мулкка эгалик қилиши, фойдаланиши ва уни тасарруф этишлари мумкин,[2] шунингдек, уй-жой фонди техник ва санитария ҳолати бўйича давлат томонидан белгиланган қоидалар, меъёрлар ва стандартларга риоя қилинишини мажбурий таъминлаш орқали мулкни бошқариш мақсадларини белгилаши мумкин.

Уй-жойни бошқариш мақсадлари бу - мулкдорлар манфаатлари ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, улар ҳар хил бўлади. Бу турдаги мақсадларга қуйидагилар киради:

-хонадон ичидаги меъёрий яшаш шарт-шароитларини таъминлаш;

-хонадондаги қулай яшаш шарт-шароитлар билан таъминлаш;

-мол-мулкнинг мавжуд ҳолатини сақлаш ва умирбоқийлигини ошириш;

-мулкнинг конструктив ва муҳандисликнинг айрим қисмлари ҳолатини яхшилаш ва унинг бозордаги нархини ошириш;

-мул-мулкни ёки унинг айрим қисмларини янгилаш, замонавийлаштириш ёки реконструкция қилиш;

-ресурсларни тежаш тадбирлари орқали умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш харажатларини камайтиришга ва (ёки) кейинги давр учун коммунал хизматлари тўловларини камайтиришга эришиш;

-тураржойларда яшаш хавфсизлигини таъминлаш ва ҳокозо.

[1] https://lex.uz/docs/106136
[2] https://lex.uz/docs/111189

Тураржой соҳасида мулкни бошқариш усуллари бошқарув мақсадларига эришиш, мулкчилик шаклига кўра турли усулларда амалга оширилиши мумкин:

а) хусусий уй-жой фондлари (тураржой, нотураржой)ни бошқариш бевосита ушбу мулкдорлар томонидан амалга оширилади;

б) давлат уй-жой фондининг турар-жойлари ва хоналарини бошқариш ваколатли орган ёки бошқарувчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

в) кўп қаватли уйда жойлар мулк эгаларининг умумий мулкларини бошқариш қуйидагича амалга оширилиши мумкин[1].

Уй-жой фондини бошқариш фаолияти - уни сақлаш ва таъмирлаш билан боғлиқ фаолиятнинг бир қисми бўлиб, у бошқарувдан ташқари хизмат кўрсатиш, мавжуд техник ва санитария ҳолатини сақлаш, таъмирлаш, тиклаш ҳолатларини яхшилаш, ҳамда тураржойда яшаш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементларидан фойдаланиш ва сақлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Уй-жой фонди мулкдорига қуйидаги вазифалар юкланади:

-уй-жой фондининг сақланишини таъминлаш ва уй атрофини зарур даражада сақлаш, ушбу мақсадларга мўлжалланган харажатларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш;

-уй-жой фондини, яшаб турган шахсларни ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва паспорт- ҳисобга олиш ишларини юритиш;

-уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш ҳамда коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича тегишли пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузиш, ушбу ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўланишини таъминлаш.

Уй-жой мулкдори ушбу функцияларни ўзи бажаришга, ёхуд бошқарув функциясини шартнома асосида ихтисослаштирилган бошқарувчи ташкилотга (ёки буюртмачи хизматига) беришга ҳақлидир.

Уй-жойлар мулкдорлари ширкатлари мулкдорларнинг улушли мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича ҳуқуқлари амалга оширилишини, ширкатнинг ҳар бир аъзосининг унинг мулки ҳисобланган тураржой ва нотураржой бинолар умумий майдони ҳажмига мутаносиб равишда мулк эгаларининг умумий фойдаланиладиган жойларга хизмат кўрсатилиши ва уларни тузатиш ҳаражатлари орқали маблағ билан таъминлаши лозим бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, уй-жой ва уни молиявий бошкариш муаммоси, уни ҳал этиш учун муҳим шартларни талаб қиладиган кўплаб элементларга эга. Бу муаммоларни ҳал этишнинг асосий усулларини таъкидлаб ўтамиз:

- уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек капитал таъмирлаш учун турли хил молиялаштириш манбаларини излаш ва жалб қилиш (уй-жой қурилишининг давлат дастурлари ва лойиҳаларини тайёрлаш

[1] ttps://www.lex.uz/acts/l 11189.

ва амалга ошириш, уй-жой фондини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун бошқарув компаниялари фондларини яратиш; инвесторлар, қурилиш компаниялари, корхоналар ва ташкилотларни жалб қилиш);

- аҳолининг кенг қатламларини уй-жой билан таъминлаш (аҳолига уй-жой сотиб олишда реал ёрдам кўрсатиш, уй-жой бозорини ривожлантириш ва уй- жой фондидан самарали фойдаланиш, уй-жой хизматларини кўрсатиш учун яхши шароитлар яратиш, уй-жойларни кредитлаш тизимини ривожлантириш) шу жумладан ипотека кредитлари);

- аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш (аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган гуруҳларини манзилли қўллаб-қувватлаш тизимларини тайёрлаш ва амалга ошириш, бепул ёки иқтисодий жиҳатдан оптималлаштирилган шаҳар уйларини бериш масаласини кўриб чиқиш ва бошқалар);

- қулай яшаш муҳитини шакллантиришга, юқори сифатли ва ҳар томонлама ривожланишни, шу жумладан ободонлаштиришни, намунавий лойиҳалардан якка лойиҳага ўтишни ривожлантиришга оид меъморий, режалаштириш ва қурилиш ёндашувларини такомиллаштириш);

- уй-жой фондининг сифатини яхшилаш (уй-жой фондини реконструкция қилиш ва таъмирлаш сифатини сезиларли даражада яхшилаш, энергияни тежаш, уй-жой коммунал хизматларининг сифатини яхшилаш).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Федорова Н.Н. Состояние и проблемы реализации реформы ЖКХ Экономические и организационно-административные аспекты обеспечения;: диального развития Тверского региона. - Тверь : Пирамида XXI, 2007. - С. 52 - 60.

2.Черняк В.З.Жилищно-коммунальное хозяйство: развитие, явление, экономика [Электронный ресурс] :учебник / ИнфоФонд, 2009.

3.Игнатов В. Г.[и др.]. Экономика социальной сферы : учеб, пособие /2-е изд., доп. и расшир. М.; Ростовн /Д:Мар Т,2005.527с.У49 - Э40.

4.Ясин Е.Г.Нерыночный сектор:структурные реформы и экономический рост. М. : Фонд "Либеральная Россия", 2003. - 87, [1] с. У9(2Рос)-Я81.

5.Савин К.Н. Проблема российского ЖКХ - отсутствие цивилизованного бизнеса и баланса интересов // Стандарты и качество. 2011. № 12. С. 74—76.

6.www.worldbank.org - Жаҳон банки сайта.

7.Ўзкоммунхизмат агентлиги сайта.www.mjko.uz - Ўзбекистон уй-жой

***Умрзақов Х.А.** – ОБМ тингловчиси*

КИЧИК БИЗНЕСЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТНИ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Шуниси эътиборлики, 2017-йилларнинг бошларида Ўзбекистондаги иқтисодий кичик бизнес Ўзбекистон иқтисодиётини қўллаб-қувватлаган ва ўз

вақтида янги бозор шароитларига мослашган, ўзининг мослашувчанлигини намойиш етган, "яшовчанлик" истеъмолчиларни товарлар ва турли хизматлар билан таъминлаган [1,с. 9].

Кичик бизнес маълум даражада жамиятдаги ижтимоий барқарорликнинг кафолати ҳисобланади, чунки пировардида ўрта синфнинг шаклланиши ва ўсишига ёрдам беради, унинг йўқлиги жамиятда қутбланиш ва қарама-қаршиликнинг кучайишига олиб келади.

Эҳтимол, шу сабаблардан бири учун кичик бизнес турли интизом соҳаларидаги тадқиқотчиларнинг еътиборидан маҳрум емас. Сўнгги пайтларда кичик бизнесга нисбатан давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича кўплаб таклифлар киритилмоқда.

Шунга қарамай, ҳозирги инқирозли иқтисодий ва сиёсий вазиятда кичик бизнес ва давлат ҳокимияти органларининг самарали ўзаро ҳамкорлиги масаласи долзарблигича қолмоқда, бунда асосий еътибор нафақат йирик капитал, балки кичик капитал билан ҳам мулоқотда бўладиган конвергент платформани топишга қаратилган. фойдали бизнес имкониятлари топилади.

Давлат, назарий жиҳатдан, кичик бизнеснинг иқтисодиёт учун аҳамиятини билади, лекин амалда ҳамма нарса оддий емас.

Шундай қилиб, кўпинча бизнес истиқболларини белгилайдиган баъзи қонунлар тўсатдан бошқалар билан алмаштирилади ёки тизимли ёндашув йўқлиги сабабли вазиятни яхшилашга қодир емас.

“Ўтган йиллар мобайнида олиб борилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, хусусий бизнес ривожини қўллаб-қувватлашга қаратилган қарийб 2 мингта қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бизнес йўлидаги кўпгина маъмурий тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

33 та фаолият тури бўйича 114 та лицензия ва рухсатномалар бекор қилиниб, рухсатнома олиш процедуралари соддалаштирилди ва уларнинг берилиш муддати ўртача 2 баробар қисқартирилди. Кераксиз текширувлар бекор қилинди, нақд пул, валюта ва хом ашё айланмаси билан боғлиқ чекловлар олиб ташланди.

Бу борадаги ишлар яхшилангани муносабати билан Жаҳон банки ўз рейтингидаги Ўзбекистоннинг ўрнини тизимли равишда ошириб борди. Doing Business 2020 ҳисоботида эса давлатимиз рейтинги 7 поғонага яхшиланиб, 69-ўринга кўтарилди, бу эса мамлакатга 20 та энг яхши ислоҳотчи-давлатлар рўйхатига кириш имконини берди.

Худди шу гап Heritage Foundation томонидан The Wall Street билан ҳамкорликда ишлаб чиқиладиган Иқтисодий эркинлик индексига ҳам тегишли бўлиб, унга кўра Ўзбекистон сўнгги йилларда 2018 йилдаги 152-ўриндан 2021 йилда 108-ўринга кўтарилган. Тўрт йил давомида ўсиш 44 та позицияни ташкил этди.

Пандемия давридаги қийинчиликларга қарамай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиш суръатини намойиш этди. Масалан, 2016 йилда рўйхатга олинган кичик корхоналар сони 278 мингтани ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 503 мингтага етди. Агар 2016 йилда

улардан 258 мингтаси фаол ишлаган бўлса, 2021 йилда бу фаоллик 475 мингта корхонага тегишли бўлди. Агар 2016 йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони қарийб 28 мингта бўлса, 2021 йилда улар 95 мингтага етди. Умуман олганда, сўнгги беш йил ичида тадбиркорлар сони деярли уч баробар ортиб, айни дамда 1,5 миллион нафарни ташкил этади, уларнинг корхоналарида эса 5 миллионга яқин киши меҳнат қилади.

Шунингдек, «Янги Ўзбекистон стратегияси» сайловолди дастурида кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам муҳим эътибор қаратилган. Маъмурий тўсиқларни қисқартириш, бизнесни кредитлаш шарт-шароитларини енгиллаштириш бўйича тегишли ишлар давом эттирилади.

Банклар ресурсларни қайси валютада жалб этишидан қатъи назар, тадбиркорларни сўмда кредитлаш механизмлари жорий этилади. Иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтган тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари сақланиб қолади, хизмат кўрсатувчи корхоналар учун солиқ имтиёзлари муддати узайтирилади. Бизнес учун солиқ юки имкон қадар пасайишда давом этади, бу кейинги бўлимда батафсилроқ кўриб чиқилади. Бундан ташқари, туман ва шаҳарларда тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи бир қанча мавжуд тузилмалар негизида Тадбиркорлар кенгаши ташкил этилади”[1].

“Президентнинг янги дастури, энг аввало, олиб борилган ва режалаштирилган ислоҳотларнинг изчиллиги ва кетма-кетлигини намоён этмоқда. Яъни бошланган ислоҳотлар давом этади ва чуқурлаштирилади, бу шубҳасиз ва зарур. Чунки илгари белгиланган ислоҳот мақсадларига бир 5 йиллик президентлик муддатида эришиш имконсиздир. Айнан шу йўналишлардаги ислоҳотларни давом эттириш эса белгиланган мақсадларга эришишни кафолатлайди”[2].

Яна шуни айтиш жоизки, олиб борилган ислоҳотлар натижалари таҳлили уларнинг юқори самарадорлигини кўрсатмоқда. Ислоҳотларнинг қисқа ва ўрта муддатли мақсадлари изчил амалга оширилиб, белгиланган мезонларга эришилди. Ўзбекистоннинг кўплаб халқаро рейтинглардаги ўрни жадал юксалиб бораётгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Пировардида, шуни айтиш керакки, ислоҳотлар бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани боис изчил амалга оширилмоқда. Бунга мисол тариқасида давлат мулкини хусусийлаштиришга ёндашувни келтириш мумкин. Уни хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит мавжуд бўлмаганда ёки инвестиция салоҳияти паст бўлганида амалга ошириш ўта мулоҳазасиз иш бўларди. Бироқ ислоҳотларнинг биринчи босқичида бунинг учун шароитлар яратилди ва иккинчи босқичда хусусийлаштириш ислоҳотларнинг долзарб йўналишига айланди.

Буларнинг ҳаммасини, шунингдек ислоҳот олиб бориш борасида мамлакатда тўпланган тажриба ва ваколатларни инобатга олган ҳолда, янгиланган сайловолди дастурида баён этилган иккинчи босқич ислоҳотлари

[1] https://review.uz/oz/post/strategiya
[2] Иқтисодий шарҳ» журнали №10 (262) 2021

динамик тарзда ва муваффақиятли равишда амалга оширилади, деб ҳисоблаш мумкин.

Президентимиз томонидан белгиланган вазифаларга эришиш имконли. Бунинг учун барча дастлабки шарт-шароитлар олдинги олиб борилган ислоҳотлар давомида яратилган. Шунингдек, бунда зарур бўладиган барча ресурслар – моддий, молиявий, инсон капитали тўпланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон Стратегияси”/ Тошкент 2021.
2. https://review.uz/oz/post/strategiya
3. Иқтисодий шарҳ» журнали №10 (262) 2021
4. Урғу ўрнида/Стратегик йўналишлар
5. Обид Ҳакимов, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори
6. Высоков В.В. Малый бизнес: предпринимательский всеобуч: научно-практическое пособие. Ростов н/Д.: Рост. гос. экон. ун-т. (РИНХ), 2010.
7. Информационно-аналитические материалы по результатам социологических опросов и мони-торинга административных барьеров при развитии малого и среднего предпринимательства в РО. 2013 г.

Суюнов Д.Х. *- ОБМ кафедраси мудири и.ф.д., проф.,*
Нишонов Х.Х. *- ОБМ тингловчиси*

КОРХОНАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ САМАРАЛИ БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Жаҳонда кечаётган молиявий – иқтисодий танглик кўплаб ривожланган мамлакатларни дастлаб инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш ва кейин уни босқичма-босқич тугатиш чораларини амалга оширишга ундади. Шу туфайли хорижий мамлакатларда молиявий – иқтисодий инқирозлар юз бериши эҳтимолини аввалдан билиш ва корхоналарни истиқболда барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, 2020 йилда Францияда ҳаракатдаги корхоналарнинг 1,3 фоизи (55,7 мингтаси), Германияда 0,4% (ёки 20,7 мингтаси), Италияда 0,2% (12,3 мингтаси), Хитойда 0,2% (8,4 мингтаси), Россия Федерациясида 7,7% (13,5 мингтаси) банкрот бўлган[1]. Банкрот бўлган корхоналар сонининг тез ўсиши Болгария (114,3%), Словения (32,4%), Греция (27,3%) ва Чехияда (21,5%) қайд этилган[2]. Банкрот бўлган корхоналар иқтисодини қайта тиклаш миллий қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда турли рискларни камайтириш усулларини ҳисобга олишни талаб этади.

[1]Статистика банкротства. (Электронный ресурс): https://vawilon.ru/statistika-bankrotstva/ 12.11.2020).
[2]Статистика банкротства. (Электронный ресурс): https://vawilon.ru/statistika-bankrotstva/ 12.11.2020).

Ўзбекистонда ислоҳотлар даврида иқтисодий ночор корхоналарнинг банкротлиги аломатларини мониторинг қилиш, молиявий соғломлаштириш, судгача санкция ва банкротликни амалга ошириш механизмлари яратилди ва амалиётга жорий этилди. Шунга қарамасдан бозор рақобати шароитида самарадорлиги паст ва иқтисодий ночор корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг молиявий – иқтисодий инқирозга учраши эҳтимоли сақланиб қолмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] белгиланган вазифаларидан келиб чиқиб, корхоналарни инқирозга қарши бошқариш механизмларини такомиллаштириш, уларни амалга ошириш йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармонидаги[2] “.....инфратузилмаларни халқаро стандартларга мослаштириш, корхоналарни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш” каби вазифааларни белгиланиш мавзунинг долзарблигини билдиради.

Корхонанинг инқирозга юз тутишида учта давр ажратилади. Инқироздан олдинги давр баъзан у (дастлабки инқироз) ёки яширин инқироз деб номланади, кейингиси иккинчи давр кескин инқироз даври ва учинчи давр сурункали инқироз даврига ажратилади. Корхонадаги инқироз стратегик инқироздан бошланади. Бунга аниқ ва етарли даражада ривожланган стратегик бошқариш тизимининг мавжуд эмаслиги сабаб бўлади. Стратегик инқирознинг чуқурлашуви таркибий инқирознинг пайдо бўлишига олиб келади.

Кескин инқироз даври ликвидлилик (таъминланганлик) инқирозидан бошланади. Корхонанинг кредиторлар олдидаги қарзлари ошиб, ликвидлилик кўрсаткичлари ёмонлашади. Агар ҳеч қандай чора кўрилмаса, у ҳолда ликвидлилик инқирози корхона ҳолатининг вақтинчалик ёмонлашувидан унда тўлов қобилиятининг йўқотилишига олиб келиши мумкин. Тўловга ноқобиллик вақтинчалик ва сурункали турларга бўлинади. Биринчи ҳолат тўловлар муддатлари келган вақтда дебиторлик қарзлари тўлиқ қайтарилмаганлиги сабаб кредиторлар билан ҳисоб-китоблар учун пул маблағларининг мавжуд эмаслиги ёки етишмаслиги туфайли юзага келади, сурункали инқироз вақтида эса корхона ўз активларидаги мол-мулкнинг етишмаслиги сабаб мудатли мажбуриятларни бажара олмайди. «Тўловга ноқобиллик» тушунчаси «ликвидлиликнинг пасайиши» тушунчасига яқин бўлиб, айрим муаллифлар ҳатто уларни бир хил, деб ҳисоблашади.

Сурункали инқироз даври, корхонада инқироз ривожланишининг бирин-кетин келадиган еттита босқичини ўз ичига олади. Булар: стратегик

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 1-ИЛОВА ЎзР Қонун Ҳужжатлир тўплами 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

[2].Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ”2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғриисда”ги ПФ-60-сонли Фармони.

инқироз, таркибий инқироз, ликвидлилик инқирози, вақтинчалик тўловга ноқобиллик, тўловга ноқобиллик, ночорлик, банкрот бўлиш. Корхонада инқироз босқичлари алмашувининг ушбу чизмаси бошқарув инқирозининг аста-секин молиявий инқирозга, сўнгра эса иқтисодий-ҳуқуқий инқирозга ўтишини акс эттиради.

Инқироз бу жараён эканлиги боис, уни турғун ҳолат сифатида қабул қилмаслик лозим, бу жараён. Корхонанинг нормал ривожланиши тезда номақбул ривожланишга олиб келиши ва корхонани ёки унинг фаолият кўрсатишини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлган турли ҳолатларда кечиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Инқирозни эскини бузиш ва янгини ривожлантиришга йўналтирилган ҳодиса сифатида кўриб чиқувчи назариялар уни ижобий тарзда қабул қилади. Шунинг учун бундай назарияларга инқироз билан курашиш эмас, балки тизимни янги муносабатларга мос келувчи таркибий ўзгартириш асос қилиб олинган. Шундай қилиб, банкрот бўлган корхоналарни тугатиш – бозор механизми самарали ишлашининг зарур шарти деб қабул қилинган. Бироқ, банкрот бўлишнинг олдини олиш, корхоналарнинг узоқ вақт мобайнида тараққий этишини таъминлаш – янада муҳимроқ вазифа ҳисобланади.

Инқирозга қарши бошқариш, деб номланувчи чора-тадбирлар тизими айнан ушбу вазифани ҳал этишга қаратилган. Бугунги кунда олимларнинг инқирозга қарши бошқаришга доир кўплаб ишлари мавжуд бўлиб, уларда инқирозга қарши бошқаришнинг моҳияти турлича талкин этилган. Бироқ, олимларнинг ишларида инқирозга қарши бошқаришга таалуқли қуйидаги умумий белгилар мавжуд: корхонани умумий инқироз шароитида бошқариш; корхонани банкрот бўлиш бўсағасида бошқариш; банкротлик суд тартиботлари доирасидаги фаолият; инқирозга қарши бошқаришга нисбатан тизимли ёндашув, бунда инқирозга қарши бошқариш инқирозни дастлабки ташхис қилишдан тортиб то уни бартараф этиш усулларигача бўлган тадбирлар мажмуи сифатида кўриб чиқилади.

Корхонани инқирозга қарши бошқариш жараёнининг мазмуни ҳақидаги умумий тасаввур И.А.Бланкнинг ишида келтирилган бўлиб, унда мазкур бошқаришнинг қуйидаги асосий босқичлари кўрсатилган: (1) молиявий инқироз аломатларини эрта аниқлаш мақсадида корхона молиявий ҳолатининг доимий мониторингини амалга ошириш; (2) корхонанинг инқироздан олдинги молиявий аҳволини ташхис қилиш чоғида молиявий инқирознинг олдини олишга доир тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш; (3) инқирознинг бошланишини ташхис қилиш чоғида молиявий инқироз параметрларини идентификациялаш (бирхиллаштириш); (4) инқирозга олиб келувчи омилларни тадқиқ этиш; (5) корхонанинг инқирозни бартараф этиш имкониятларини баҳолаш; (6) корхонани барқарорлаштириш ишининг корхонанинг инқироз ҳолати кўламларига мос келувчи йўналишлари (усуллари, механизмлари)ни танлаш; (7) корхонани молиявий инқироздан олиб чиқиш комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; (8) корхонани молиявий инқироздан олиб чиқиш дастурининг амалга

оширилишини назорат қилиш; (9) корхона томонидан инқирознинг салбий оқибатлари бартараф этилишига доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир муаллиф ўз ишида олдинга қўйилган вазифага қараб кўриб чиқилаётган атаманинг у ёки бу томонини очиб беришга интилади. Шу билан бирга, турли нуқтаи назарлар ичида И.К.Ларионов, Н.И.Брагин, А.Т.Алиев кабилардан иборат муаллифлар жамоаси инқирозга қарши бошқариш тушунчасини тўлиқроқ очиб берган. Улар инқирозга қарши бошқаришни иккита маънода кўриб чиқишади. Кенг маънода, инқирозга қарши бошқариш – бу инқирозга қаршилик кўрсатиш нуқтаи назаридан иқтисодиётнинг у ёки бу даражасида хўжалик юритиш объектини тизимли бошқариш. Тор маънода эса, инқирозга қарши бошқариш – бу одатда тўлов қобилиятининг йўқотилишида намоён бўлувчи инқироз ҳолатига тушиб қолган алоҳида корхонага нисбатан қўлланиладиган ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари тизими бўлиб, бунда тўлов қобилиятининг йўқотилиши давомли бартараф этилмайдиган хусусиятга эга бўлган ҳолларда, унга банкротлик тартиботи орқали барҳам берилади. Тор маънодаги инқирозга қарши бошқариш учун корхонанинг молиявий ночорлиги фактини аниқлаш катта аҳамиятга эга, бунда молиявий ночорликни расмий аниқлаш қонун йўли билан тартибга солинади.

Инқирозга қарши бошқариш – бу инқирозни бартараф этиш мақсадида бошқарувчи субъектнинг объектга муайян усуллар ёрдамида таъсир этиши. Инқирозга қарши бошқариш объекти сифатида ташкилотлар (корхоналар, фирмалар, компаниялар), тармоқлардаги инқироз ҳолатлари кўриб чиқилади.

Инқирозга қарши бошқариш субъектлари жумласига корхона ва ташкилотлар мулкдорлари, менежерлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, кредиторлар, махсус тайёрланган инқироз-менежерлар (банкротлик суд тартиботларида – арбитраж бошқарувчилар) киради.

Инқирозга қарши бошқариш функцияси объектга нисбатан олдини олиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини оқилона ва самарали қўллаш, кам йўқотишлар билан янада ривожланиш учун янги шароитларни яратиш орқали уни хўжалик юритишнинг янги шароитларига мослаштиришдан иборат. Шуни ҳисобга олганда, инқирозга қарши бошқаришнинг асосий тамойили – инқироз хавфларини эрта аниқлаш, объект ҳолатининг, унинг рақобат мақоминининг ёмонлашуви мумкинлигидан далолат берувчи белгиларни ўз вақтида пайқаш мақсадида корхонанинг ички ва ташқи муҳтининг доимий мониторингини амалга ошириш зарур. Шуларни ҳисобга олиб инқирозга қарши бошқаришнинг умумий модели ишлаб чиқилган. Таклиф этилган модель корхона бақувват бўлиб, бозорда муваффақиятли фаолият кўрсатган, ижобий иқтисодий ва молиявий натижаларга эга бўлган шароитда ҳам инқирозга қарши бошқариш инқироз ҳолатларининг олдини олишга қаратилган бўлиши ғоясини ўзида акс эттирган.

Инқирозга қарши бошқаришнинг энг лўнда таърифини В.Паттерсон берган деб хисоблаш мумкин: инқирозга қарши бошқариш – бу салбий вазият

юзага келганида зудлик билан қўлланилиши лозим бўлган ҳаракатлар дастури. Я.Митрофф инқирозга қарши бошқаришни компания учун таҳдид солиши мумкин бўлган турли хилдаги инқирозлар ва кучларни изчил ўзаро боғлиқ равишда баҳолаш сифатида таърифлайди. И.Кислихинанинг фикрига кўра, ушбу турлар инқирозни прогноз қилиш, олдини олиш ва бартараф этиш, деб номланади. Инқирозга қарши бошқаришнинг мазкур хиллари огоҳлантирувчи (олдини олувчи) ва реактив (ташқи таъсирга жавоб бера оладиган) турлар, деб номланади. Инқирозга қарши бошқаришнинг реактив турини таҳлил қилиш – ушбу ҳолатни тушунишга нисбатан тор, лекин шундай бўлса-да, энг тез-тез учрайдиган ёндашув.

Шунингдек, инқирозга қарши бошқаришни қарздор ташкилотни молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш мақсадида унга нисбатан қўлланиладиган инқирозга қарши тартиботларни амалга ошириш шакллари ва усуллари йиғиндиси сифатида таърифловчи ёндашув ҳам мавжуд. Бошқа ҳолатларда инқирозга қарши бошқариш арбитраж суд томонидан тасдиқланган арбитраж бошқарувчилар фаолияти билан боғланади. Бундан ташқари, инқирозга қарши бошқариш категориясининг яна бир неча ғоят турли талқинлари мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Инқирозга қарши бошқариш – бу: эҳтимол тутилган молиявий ва бошқа таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда бутун бошқарув тизимини ислоҳ қилишга доир тезкор чора-тадбирлар тизимидир деган фикрлар ҳам бррдир.

Шундай қилиб, инқирозга қарши бошқариш – бу корхонани бошқаришнинг ялпи, тизимли хусусиятга эга бўлган ва бизнес учун номақбул ҳолатларнинг олдини олиш ёки бартараф этишга йўналтирилган бошқарув тизими бўлиб, унда муайян тарзда инқироз хавфини олдиндан кўриш, унинг аломатларини, муаммоларнинг пайдо бўлиш сабабларини, эҳтимолий истиқболларни, инқирознинг салбий оқибатларини камайтириш чора-тадбирларини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳамда инқироз омилларидан корхонани кейинги ривожлантириш учун фойдаланиш вазифаси қўйилади.

Инқирозга қарши бошқаришнинг мақсадлари ва вазифалари асосланган. Бироқ, бу унчалик ҳам тўғри эмас, чунки мақсад – бу объектнинг келгусидаги исталган (кўнгилдаги) ҳолати, вазифалар эса – бу олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун амалга ошириш зарур бўлган тадбирлардир. В.Я.Горфинкель инқирозга қарши бошқаришнинг умумий мақсадини яқинлашиб келаётган инқирознинг қайтариб бўлинмайдиган хавфини ташкилот учун энг кам йўқотишлар билан бартараф этишдан иборат, деб ифодалади. Н.Ю.Круглова инқирозга қарши бошқаришнинг ҳар бир турига мос келадиган аниқ мақсадларни ажратган ҳолда, уни янада чуқур таҳлил қилган.

Инқирозга қарши бошқаришнинг мақсадини белгилаб берувчи турли фикрлар мавжуд.

(1).Инқирозга қарши бошқаришнинг мақсади инқироз ҳолатига олиб келувчи энг хавфли йўлларни бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни биринчи навбатда амалга оширишдан

иборат.

(2).Инқирозга қарши бошқариш ҳатто корхона тушиб қолган мураккаб вазиятда ҳам қийинчиликлардан корхона учун энг кам йўқотишлар билан чиқиб кетиш имконини берувчи бошқарув ва молиявий механизмларни жорий этиш мумкин бўлишига эришиш мақсадини кўзлайди.

(3).Т.Уоллес инқирозга қарши бошқаришнинг учта мақсадини ажратади: инқирозни имкон қадар тезроқ бартараф этиш; зарарларни чеклаш; компанияга бўлган ишончни тиклаш.

(4).К.Хамфрис инқирозга қарши бошқариш олдига қўйилган иккита асосий мақсадни ажратади:

воқеаларни зарарлар ёки инсон ҳамда моддий ва моддий активлар учун бошқа салбий натижаларни камайтирадиган тарзда бошқариш;

ходимлар, мижозлар, акциядорлар ва компаниянинг атрофидагиларда компанияга, унинг менежментига ва корпоратив менежментга бўлган ишончни сақлаб туриш учун ушбу аудиторияларнинг ҳар бири билан доимий алоқани узмаслик.

(5).Инқирозга қарши бошқаришнинг мақсадларига энг батафсил таърифни Г.Хэд берган. Унинг фикрига кўра, инқирозга қарши бошқариш инқироз ҳолатига компания келгусида инқироздан олдинги даражани имкон қадар тўлиқ тиклаш учун эҳтиёж сезаётган ресурсларни сақлаб қолиш мақсадида ташкилот фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, унга раҳбарлик қилиш ҳамда ташкилот фаолияти ва активларини бевосита компания инқироз натижасида йўқотишларга дуч келишидан олдин, ўша вақтда ва ундан кейин назорат қилиш орқали мувофиқлаштирилган, самарали жавоб беришга йўналтирилган.

Юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги муайян вазифаларни бажариш зарур:

инқироздан олдинги ҳолатларни прогноз қилиш; ташкилот фаолияти ривожланаётган ҳаётий цикл босқичини аниқлаш ва ташкилотнинг инқирозга учраётганлиги белгиларини ўз вақтида пайқаш;

инқироз ҳолатлари шароитида бошқариш воситалари ва усулларини аниқлаш;

инқирознинг салбий оқибатларини заифлаштириш;

инқирозга олиб келувчи сабабларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш усулларини излаб топиш;

бошқариш технологияларини табақалаш ва инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш;

ходимлар селекциясини ишлаб чиқиш ва низолар сабабларини тадқиқ этиш;

инқирозга қарши тадбирларнинг самаралилигини асослаш ва ҳ.к.

Таъкидлаш лозимки, инқирозга қарши бошқариш – анча тор тушунча.

Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, инқирозга қарши бошқаришга нисбатан мавжуд ёндашувларни иккита белги бўйича туркумлаш мумкин – назарий жиҳатдан ишлаб чиқилганлик даражаси ва олди олинганлик

даражаси. Олди олинганлик даражаси бўйича инқирозга қарши бошқаришнинг мазмунини таърифлашга нисбатан иккита асосий ёндашувни ажратиш мумкин. Энг кенг тарқалган биринчи ёндашувда инқирозга қарши бошқариш дейилганда корхонада инқирозга йўл қўймасликни эмас, балки воқеаларнинг инқироз сценарийиси бўйича ривожланишининг олдини олишни ўз олдига мақсад қилиб қўядиган бошқариш тушунилади. Иккинчи ёндашувга мувофиқ инқирозга қарши бошқариш корхонани инқироз ҳолатидан чиқариш ва кейинчалик инқирознинг бошланишига йўл қўймаслик мақсадида самарали менежментни йўлга қўйишга йўналтирилган менежмент воситалари ва усулларининг йиғиндиси сифатида талқин этилади.

Корхонада инқирозга қарши чоралар дастурини инқирозга қарши жамоа амалга ошириши кераклиги ҳақидаги қоида умумий тарзда эътироф этилган. Бу – махсус инқирозга қарши фирма, вақтинчалик жамоа, таркибий бўлинма. Р.Махонининг фикрича, ҳозирги шароитда эҳтимолий чақириқларга тайёр бўлиш учун раҳбар инқирозга қарши жамоани шакллантириши даркор. Биринчи навбатда, мазкур жамоа компанияга таҳдид солиши мумкин бўлган барча хавф-хатарларни таҳлил қилиши зарур. Иккинчи вазифа – ушбу хавф-хатарларни бартараф этишга доир инқирозга қарши режани ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, мазкур режа компания раҳбариятини ва унга жалб этиладиган барча тузилмаларни қўллаб-қувватлайди. Эрик Ко инқирозга қарши жамоаларнинг ролини қуйидагича таъкидлайди: у тезда қарорлар қабул қилиш учун анча кичик, лекин асосий ходимларни қўшиб олиш учун анча катта бўлиши лозим. К.Чени инқирозга қарши жамоага нисбатан қўйиладиган талабларни шундай таърифлайди: у тезда қарорлар қабул қилиш учун анча кичик, лекин асосий ходимларни қўшиб олиш учун анча катта бўлиши керак.

К.Листернинг фикрига кўра, инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишда риоя қилиш зарур бўлган учта асосий шарт мавжуд бўлиб, бунда қуйидагилар белгилаб берилиши лозим: инқирозга қарши жамоага ким аъзо бўлади; асосий ҳаракатлар ва инқироз бошланган тақдирда уларнинг бажарилиши учун жавобгарликни тақсимлаш; жамоанинг ҳар бир аъзоси умумий ташкилий режалар ва бўлинма ичидаги режалар билан танишиб чиққанлигига ишонч ҳосил қилиш.

А.Г.Грязнованинг фикрича, инқирозга қарши бошқариш тизими қуйидаги асосий тамоилларга асосланади:

1. Корхона молиявий фаолиятидаги инқироз ҳолатларини эрта ташхис қилиш. Корхонада инқироз ҳолати юзага келганлиги корхонанинг фаолият кўрсатишига таҳдид солишини ва у корхона мулкдорларининг катта йўқотишлари билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, инқирознинг юзага келиши эҳтимоли, уни бартараф этиш имкониятларидан ўз вақтида фойдаланиш мақсадида, энг дастлабки босқичлардаёқ ташхис қилиниши керак.

2. Инқироз ҳолатлари тасирига жавоб беришнинг муддатлилиги. Юзага келган ҳар бир инқироз ҳолати нафақат ҳар бир янги хўжалик циклида кенгайиш тенденциясига эга, балки у билан бирга кечадиган янги ҳодисаларни

келтириб чиқаради. Шунинг учун инқирозга қарши механизмлар қанчалик эрта қўлланилса, корхонада тикланиш имкониятлари шунчалик катта бўлади.

3. Корхонанинг ўз молиявий барқарорлигига аниқ таҳдиднинг даражасига мос жавоб қайтариши. Қўлланилаётган банкрот бўлиш хавфини бартараф этиш механизмлари тизимининг асосий қисми молиявий харажатлар ёки йўқотишлар билан боғлиқ. Бунда ушбу харажатлар ва йўқотишлар даражаси корхона банкрот бўлиши хавфининг даражасига мос келиши керак. Акс ҳолда кутилган натижага эришилмайди (агар механизмлар таъсири етарли бўлмаса) ёки корхона ғоят катта ҳажмдаги харажатларга дуч келади (агар механизмлар таъсири ортиқча бўлса).

4. Корхонани инқироз ҳолатидан чиқариш ички имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш. Банкрот бўлиш хавфига қарши курашда корхона фақат ички молиявий имкониятларни назарда тутиб иш кўриши керак.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда корхонани инқирозга қарши бошқаришнинг асосий кичик тизимлари таркиби бўйича қуйидагиларни таклиф этилади:

-Маънавий ва жисмоний эскиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришнинг техник-технологик параметрларини баҳолаш билан бирга корхонанинг молиявий аҳволини ташхис қилиш кичик тизими. Корхонада инқироз ҳолатларини эрта ташхис қилиш жуда муҳим бўлиб, бу унга тез ва кам йўқотишлар билан инқирозга қарши таъсир кўрсатиш имконини беради. Эҳтимол тутилаётган инқироз ҳолатларини прогноз қилиш янада самаралироқ ҳисобланади, бу олдини олиш чораларини кўриш ва умуман инқироз жараёнларини четлаб ўтиш имконини беради.

- Умуман корхона фаолиятининг соҳасига ва муайян маҳсулот турларига нисбатан инқирозга қарши маркетинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишни ўз ичига олувчи маркетинг кичик тизими;

-Ходимларни бошқариш кичик тизими (кадрнинг бир қисмини янгилашни, ходимлар малакасини оширишни, ходимларни бошқариш тизимини ўзгартиришни, янада самарали рағбатлантирувчи омиллар ва санкцияларни ишлаб чиқишни, меҳнат интизоми ва айниқса технологик интизомни яхшилашни, меҳнат жамоасида қулай ижтимоий-руҳий муҳитни яратишни назарда тутади).

-Корхонани тугатиш бўйича ташкилий-бошқариш чора-тадбирлари кичик тизими, у нормал хўжалик юритиш шароитида фақатгина имконият сифатида мавжуд бўлади. Бироқ, агар корхона банкрот бўлиб, уни соғломлаштиришнинг имкони бўлмаса, мазкур кичик тизим потенциал кичик тизимдан реал кичик тизимга айланади. Ушбу кичик тизим фаолият кўрсатишининг асосини корхонанинг мол-мулкини бозор нархлари бўйича сотиш ва унинг қарзларини қонун билан белгиланган навбатма-навбатликка мувофиқ сотишдан тушган тушум ҳисобидан қайтариш ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, корхона инқироз ҳолатини олдиндан идентификациялаш инқирозга қарши бошқаришнинг асосий концепцияси ҳисобланади ва у ўз навбатида, қонун йўли билан инқирозга қарши тартибга

солиш жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар доираси билан солиштирилганда ҳаракатлар эркинлигига ва инқирозга қарши тартиботларнинг кенг танловига эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Seymour, Mike. Crafting a Crisis Communications Plan // Directors & Boards Summer 1991, v15n4, p. 26-29

2. Stevens, Michael. Crisis, What Crisis? // Marketing, Aug 27, 1992, p. 26-27.

3. Wilson, Steve. Planning for a crisis // Chemical Engineering, Jan 1993, v100n1, p. 125-128.

4. Bruce E. J., Fine C. H. 2004. Technology Road-mapping: Mapping a Future for Integrated Photonics. Invited Tutorial. http://www. hbs. edu/ units/ tom/ seminars/ 2004 / fi ne-5-Tech_Rdmap.pdf.

5.Антикризисное управление предприятием. http://www.macro-econom.ru /economs-362-1.html.

6.Ерохина Е.А. Теория экономического развития: системно-синергетический подход. Сайт: orel.rsl.ru/nettext/economic/erohina/1-2.html - 85k.

Азаматов Ш.Д. *– ОБМ тингловчиси*

ИНВЕСТИЦИЯ БЎЛИМИ ВА ИНВЕСТОРЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАР: МУАММО ВА ИМКОНИЯТЛАР

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий – техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди.

Капиталнинг мамлакатлараро кўчиб юриши кенгайган шароитларда инвестиция фаолияти, бир томондан, миллий, иккинчи томондан, халқаро инвестиция муносабатларини миллий ва халқаро ҳуқуқ тизими асосида тартибга солиш йўли билан амалга оширилишини талаб этади. Инвестиция фаолиятини тартибга солишдаги халқаро тажрибаларни ҳисобга олиш, чет эл инвесторларига инвестициялашнинг барча турлари ва шаклларида миллий тартиботни бериш янада қулай инвестиция муҳитини яратади ва чет эл инвестицияларининг кириб келишини тезлаштиради [1].

Инвестиция муносабатларини давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

Ҳозирги даврда инвестиция муносабатлари капиталларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш борасидаги муносабатларни қамраб олади ва нафақат миллий иқтисодиёт доирасида, балки халқаро иқтисодиёт даражасида ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш жараёнларини акс эттиради.

Маълумки, инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам қамраб олади. Давлат ҳаражатларини молиялаштириш учун турли даражадаги бюджетларга зарур маблағлар тушумларини таъминлашга қаратилган фискал вазифанинг бажарилиши, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Тартибга солиш функциясини ишлатилиши давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида айрим тармоқларга инвестициялар оқимларини бошқариши билан амалга оширилади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг турли соҳаларида капитал жамғарилиши жараёнларини кучайтириш ёки сусайтириш, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтириш ёки қисқартириш йўллари билан тартибга солиш функцияси фойдаланилади. Солиқларни тартибга солиш макроиқтисодий жараён ва пропорцияларга таъсир этишига қаратилади. Солиққа тортишда имтиёзлар, асосан, микроиқтисодиётга қаратилган ва иқтисодий субъектлар манфаатларини ҳисобга олади. Юқорида кўриб ўтган функциялар солиқ ставкалари миқдорини ўзгартириш, имтиёзлар ва санкциялар (жазо чоралари) қўллаш, солиқ кредитлари бериш, тўлов муддатларини кечиктириш ва бошқа йўллар билан амалга оширилади [2].

Халқаро тажриба чет эл инвестициялари оқимларини ҳарид қобилияти юқори бўлган мамлакатлар ва минтақаларга интилишини кўрсатади. Чет эл инвестициялари таклифи шу маҳсулотни ўз мамлакатида ишлаб чиқариб, сўнгра истеъмолчи мамлакатга экспорт қилишдан кўра пировард маҳсулотни экспорт қилиш ўрнига истеъмолчи мамлакатга чет эл инвестицияларини киритишнинг манфаатли, нафлироқ бўлишига боғлиқ. Шу сабабли инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатнинг солиқ тизими бу ҳолатни ҳисобга олиши ва имтиёзлар бериши ёки солиққа тортиш даражасини сақлаган, лекин унинг тузилмасини алмаштирган ҳолда чет эл инвестицияларини солиқдан озод қилиш керак. Чет эл инвестициялари киритувчиларига ва минтақаларга киритиш мақсадларига қараб, ҳар бир муайян ҳолда қўшимча у ёки бу солиқ имтиёзлари ва кафолатлари берилиши мақсадга мувофиқдир. Жамғариш ва инвестициялашни рағбатлантириш мақсадларида инвестициялар бўйича солиқ кредитининг турли шаклларини кенгроқ ишга солиш талаб этилади [3].

Инвестицияларни рағбатлантиришнинг муҳим тадбирларидан бири жадаллаштирилган аморитизация ҳисобланади. Жаҳон амалиётида амортизация ажратмаларининг турли усуллари қўлланилади: эскиришни бир текисда ҳисоблаш (straight line); йиллар йиғиндиси усули (sum-of years digits); икки марта камайиб борувчи қолдиқ усули (double-declining balance); фойдаланиш бирлиги усули (units of production). Амортизацияни ҳисоблашда талаб қилинадиган усулдан оқилона ва омилкорлик билан фойдаланиши корхоналар учун молиявий воситаларнинг катта қисмини, агар бу маблағлар инвестицияларга йўналтириладиган бўлса, фойда солиғига тортилишдан озод қилиш имкониятларини яратади. Бундай шароитда

фойдадан молиялаштириладиган инвестициялар учун имтиёз олиш заруратига ўрин қолмайди.

Жадаллаштирилган амортизация усуллари инвестицияларни рағбатлантиради, чунки солиққа тортиладиган даромадни, демак, солиқлар суммасини анча қисқартириш имконини яратади. Бундан ташқари, инфляция мавжуд бўлган шароитларда бу усуллар ҳисобланган амортизацияларнинг жорий қийматини сақлаш имкониятини беради, уларни бир текисда ҳисоблаш усулида эса жорий қийматни сақлаб қолиб бўлмайди. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, инфляция мавжуд бўлган шароитларда амортизация нормасини инфляциянинг истиқболланган даражасини ҳисобга олиб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Турли мамлакатларнинг тажрибалари тасдиқлашича, жадаллаштирилган амортизация:

- капитал жамғарилишини тезлаштириш (чунки яширилган фойданинг жами суммаси капитал қўйилмаларга кетади);

- асосий капиталнинг янгиланишини жадаллаштириш, муайян даражада уни инфляциядан бехатар қилиш ва рақобатбардошликни кўтариш;

- инвестицияга йўналтириладиган фойдани солиққа тортишдан қонуний равишда озод қилиш имкониятларини беради.

Бугунги кунда иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатлар фақат капитални эмас, балки ишлаб чиқаришни ҳам ўз мамлакати чегараларидан четга чиқаришни афзал кўрадилар. Шубҳасиз, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун тегишли солиқ имтиёзлари, чет эллик инвесторларнинг мулкчилик ҳуқуқини кафолатлаш, фойдани олиб чиқиб кетиш шартларини белгилашда, чет эллик инвесторларнинг мулкини баҳолаш, солиққа тортиш, даромадларни тақсимлаш, инфратузилмани барпо қилишда ва божхона сиёсатини олиб боришда имтиёзлар зарур. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш бўйича реал амал қиладиган механизмлар бўлмаса чет эл капитали оқимининг кўпайишига умид боғлаб бўлмайди [4].

Қонун ҳужжатларида чет эллик инвесторларга уларнинг давлат бошқарувининг ваколатли органлари билан тузадиган концессия шартномалари асосида табиий ресурсларни қидириш, фойдаланишга тайёрлаш ва фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини жорий қилиш учун концессиялар бериш назарда тутилган.

Мамлакатимиз қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган фаолиятнинг ҳамма соҳалари ва турлари бўйича концессия берилиши мумкин.

Инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва асосий муаммолардан бири чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни республика минтақалари бўйлаб бир текис жойлаштиришдир. Алоҳида диққат ва эътиборни жалб қиладиган муаммо республика ҳудуд ва туманларини ривожланишидаги нотекисликни қисқартириш масаласидир. Бу ТТЧИ ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни мамлакат минтақалари бўйлаб жойлаштиришга йўналтирилган рағбатлантирувчи тадбирларни талаб қилади.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини, глобал билимларни олиш, солиқларнинг тартибга солиш ролини

такомиллаштириш, рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бундаги асосий вазифа – чет эллик шерикларга капитал қўйишнинг самарали йўналишларини таклиф қилишдан, ўзаро манфаатли соҳаларни белгилашдан, улар ишончини қозонишдан, инвесторлар ҳуқуқлари кафолатлари ва уларни ҳимоя қилишнинг реал механизмларини амалга оширишдан иборат. Инвестиция муҳити инвесторларнинг инвестиция рискларини баҳолаш асосида чет эл инвестициялари кириб келишига қулайликлар яратиши керак. Чет эллик инвесторлар қабул қилувчи мамлакатдаги инвестиция муҳитини, унинг хавфсизлиги, сиёсий рисклар даражаси ва уларнинг суғурталаниши, инвестициялаш мақсадларига мувофиқлиги, иқтисодиётнинг бошқаларга қараганда қулайлиги нуқтаи назаридан баҳолайдилар. Мамлакатга хос риск даражаси (қарзлар масаласи, импорт ва экспорт баланси, ҳукуматнинг барқарорлиги ва бошқалар), маҳаллий шароитнинг қўшни мамлакатга нисбатан устун томонлари муҳим ўринда туради. Инвестицияларни рағбатлантириш тадбирлари (импорт хом ашёга божхона божларини бекор қилиш, корпоратив солиқни қисман ёки бутунлай бекор қилиш, солиқлар бўйича имтиёзлар), экспорт саноати районлари, эркин савдо зоналари, божхона божлари амал қилмайдиган зоналарнинг бўлиши ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эга. Инвестиция сиёсати нисбатан катта бўлмаган ва ихчам корхоналар, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган бўлиши керак. Шундай қилиш керакки, истеъмолчи учун танлаш имконияти, ишлаб чиқарувчилар учун иқтисодий мусобақада ва инвестицияларнинг молиявий таъминланишида тенг шароитлар бўлсин.

Эндиликда ҳудудлар ва тармоқларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар кўламини кенгайтириш, уларни амалга оширишда қатъий назорат механизмини ўрнатиш учун янги тизим ташкил этилиши маълум қилинди. Унга мувофиқ:

Биринчи – вилоят ҳокимлари ҳар ҳафтада биттадан туман ёки шаҳарга бориб, элчилар билан алоқа ўрнатган ҳолда, у ерга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш чораларини кўради. Худди шундай тармоқ раҳбарлари ҳам ҳар ҳафтада битта вилоятга бориб, ўша жойдаги корхоналари билан бирга амалдаги лойиҳаларни бажаришни жадаллаштириш ва қўшимча инвестиция лойиҳалари бўйича ишни ташкил этади. Зарур ҳолларда маҳаллий раҳбарлар ва тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишни ўргатади. Бош вазир ва унинг ўринбосари элчилар иштирокида ҳудудлар ва тармоқларга жалб қилинган хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолатини мунтазам муҳокама қилиб боради. Натижаларига қараб, ҳокимлар ва тармоқлар раҳбарлари рағбатлантирилади ёки уларга нисбатан иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида жарима қўлланади.

Ҳудудларга бириктирилган республика идоралари раҳбарлари вилоят ҳокимлари ва элчилар билан биргаликда ҳар бир туман (шаҳар)да тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳолатини ўрганиб, уларнинг ижросини жадаллаштириш бўйича аниқ чоралар кўради. Шунингдек, қўшимча лойиҳалар бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва хорижий инвесторларни жалб қилади.

Иккинчи –Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ҳудудлар ва тармоқларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича таклифларини умумлаштириб, самарадорлигини баҳолайди ва ягона электрон “онлайн” базани шакллантиради.

Учинчи – Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ҳудудларга бириктирилган элчилар ягона электрон базага киритилган лойиҳаларга хорижий инвесторларни жалб қилади.

Тўртинчи – Вазирлар Маҳкамаси саралаб олинган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторлар билан тегишли келишувларни расмийлаштириш чораларини кўради ва ижросини назоратга олиш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлайди.

Сирдарё вилояти Боёвут туманида 2021 йил 1 февраль ҳолатига кўра ягона давлат регистри маълумотларига кўра ҳорижий инвестициялар иштирокидаги корҳоналар сони 5 тани ташкил этади. Туманда тўғридан тўғри инвестициялар жалб қилишга кенг имкониятлар яратилмоқда.

Туман шимолий ғарбий қисмида 23 км булган М34 йўлининг чап тарафида хозирда ЭИЗ(эркин иқтисодий зона) ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Бу ўз навбатида чет эл инвесторларига инновацион лойихаларни жалб қилган холда, ишлаб чиқариш корхоналари ва заводлар борпо этишга қулайлик яратади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни чет давлатга экспорт қилишни осонлаштиради.

Боёвут тумани худудида туристик зоналарни ташкил қилиш мумкин бўлган 2 та йирик канал мавжуд бўлиб, барча саноат тармоқларини йулга кўйиш иконият лар бор. Ундан ташқари Султон Ховуз табиий кўл хавзаси мавжуд бўлиб, мавсумий овчилик хамда дам олиш маскани барпо этишга шароитлар мавжуд.

Тумандан Жанубий Мирзачўл (Саркисов) канали оқиб ўтган бўлиб, суғориладиган ерларнинг асосий қисми шу каналдан суғорилади.Туманда жами 31,7 минг га. қишлоқ хўжалиги ерлари мавжуд бўлиб, шундан 1,5 минг га. заҳирадаги бўш турган ерлар, 0,7 минг га. боғдорчилик йўналишидаги ерлар, 0,6 минг га. чорвачилик ерлари, 12,6 минг га. пахта майдонлари ва 11,8 минг га. ғалла майдонларини ва ташкил этади.Туманнинг доимий аҳолиси бугунги кунда 127.2 минг киши бўлиб, шундан 4900 нафарини ишсизлар ташкил этади. Ишсизлик даражаси 2020 йил сўнгига кўра 11,3 фоиз. Аҳолининг ўртача ойлик маоши 1112,0 минг сўм. Туманнинг жанубий-ғарқбий қисмидаги Султон Ховуз кўли худуднинг қирғок бўйлари соф тупроқдан иборат бўлиб пишган ва декоратив гиштлар, сопол идишлари таёрлаш учун мос келади. Ҳозирги кунда ушбу ҳудудда 2 та ғишт зоводи фаолият олиб бормоқда. Шунингдек яна 2 та лойиҳа ташабусскори томонидан йиллик қуввати 70,0 млн дона бўлган лойиҳалар амалга оширилади.Туманнинг табиий иқлими қуёшли бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун қулайдир.

Боёвутнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, туманнинг ҳозирги кундаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш

кўрсаткичлари, инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги талаб даражасида эмас.

Шу сабабли ҳам туманнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестициялар хажмини ошириш мақсадида, туманнинг кучли ва кучсиз томонлари, барқарор ривожланиш имкониятларива ривожланишга салбий таъсир кўрсатувчи омил(таҳдид)ларни чуқур таҳлил қилиш талаб этилади.Туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлилидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, туманнинг инвестицияларни жалб қилиш бўйича қуйидаги кучли ҳамда кучсиз томон ҳамда имкониятлари мавжуд.

Бизнинг фикримизча, туманнинг кучсиз томонларидан энг асосийлари бўлиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

Биринчидан, Республика бўйича хорижий капиталлар энг юқори даромад олиш имконияти бўлган (ёқилғи-энергетика мажмуи) тармоқларига жойлаштирилмоқда, бу йўналишда Боёвут туманида инфратузилма умуман мавжуд эмас. Бундан ташқари, экологик жиҳатдан хавфсиз чет эл корхоналари барпо этиш бўйича туманнинг инвестициявий аниқ Дастури мавжуд эмас.

1-жадвал.

Боёвут туманини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг SWOT-таҳлили

Кучли томонлар:	**Заиф томонлар:**
-Ресурс ва хомашё базаси ва базавий инфратузилманинг мавжудлиги - Давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш - Рақобатнинг мавжуд эмаслиги -Инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятининг етарлича қўллаб-қувватланиши - Малакали ишчи-ходимлар ва муҳандислар -Ҳудудда ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилувчи кластерларнинг ташкил этишга урғу берилиши ва бу борада дастлабки интилишлар ижобий натижа бераётганлиги	-Маҳаллий ишлаб чиқаришларнинг етарлича рақобатбардош эмаслиги -Ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқлари энергия сиғимининг етарлича юқорилиги ва ишлаб чиқарувчиларнинг экстенсив омилларга эътибор қаратишлари -Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонининг камлиги -Инвестицияларни жалб қилиш борасида етарлича тажрибанинг мавжуд эмаслиги -Халқаро молия бозори ва инвестицияларни жалб қилиш соҳасида малакали мутахассис кадрларнинг етишмаслиги -Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцион алоқаларнинг етарлича йўлга қўйилмаганлиги -Мамлакат олий таълим муассасалари ўртасида “тадбиркорлик университети” ғоясининг кенг ёйилмаганлиги - Юқори технологияли маҳсулотларни импорт ва экспорт қилишга тўсиқ бўлувчи божхона тартиби
Имкониятлар:	**Хавф-хатарлар:**
-Хорижий мамлакатларда маҳаллий маҳсулот ва хизматларга талабнинг ортиб бориши -Давлат томонидан хорижий инвестиция-ларни жалб этиш борасида кенг имкониятларнинг тақдим этитлаётганлиги	-Жамиятда ҳануз коррупцион унсурларнинг сақланиб қолаётганлиги -Хорижий техника ва технологияларни жалб қилишга тобора катта эътибор қаратилиши асносида маҳаллий илмий-тадқиқот

-Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорига интилиши асносида уларда илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришга бўлган мойилликнинг ортиб бориши -Инвестицион муҳитнинг яхшиланиши асносида хорижий инвесторлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига қизиқишининг ортиб бориши	натижаларини амалиётга жорий этишнинг назардан четда қолиши - Жамиятда инвестициялар ва инновацияларни қабул қилиш даражасининг пастлиги -Етакчи иқтисодиёт тармоқларида монополизмнинг сақланиб қолаётганлиги - Иш ҳақи даражасининг пастлиги - Замонавий инфртазулима тармоқларининг етарлича ривожланмаганлиги

Мамлакатда очиқ иқтисодиёт сиёсати олиб борилаётганлиги, инвесторлар учун кўплаб имтиёзларнинг мавжудлигига қарамасдан, хорижий инвестиция иштирокида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хажми ҳамон пастлигича қолмоқда.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича мутаносиб жойлашиши бу барча худудларда хорижий инвестицияларнинг бир ҳилда тақсимланишини назарда тутмайди, балки худудларнинг табиий, мехнат ва бошқа иқтисодий ресурслари салоҳиятидан янада оқилона фойдаланишда хориж капиталининг иштирокини таъминлашни мақсад қилиб қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликда инновацион ривожланиш йуналишлари. –Т: Фан ва технология, 2018, 232 бет.
2. Аюпов Р.Х. , Балтабаева Г.Р. Узбекистонда инновацион иктисодиётни шакллантириш муаммолари ва ечимлари. –Т: Иктисод-молия, 2015, 144 бет.
3. Вахобов А.В., Хожибақиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.-Т.: “Молия”, 2010 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. – Т.: «Маънавият», 2018. 112–113-бетлар.

***Суюнов Д.Х.** – ОБМ кафедраси мудири, и.ф.д.,проф.,*
***Тўйчиев А.Н.** – ОБМ тингловчиси*

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитларида мамлакатларининг иқтисодий ривожланишига кичик бизнес субъектлари фоаолиятини инновацион ривожлантиришнинг таъсири ортиб бормоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг 2021 йил якунлари маълумотларига кўра, “Европадаги кичик корхоналарнинг учдан бир қисми ўзининг инновацияларини ишлаб чиқмоқда: Швециянинг 55%, Германиянинг

48%, Финляндиянинг 40% кичик корхоналари инновацион тавсифдаги кичик корхоналар ҳисобланади”[1]. Тадқиқотлар кўрсатадики, кичик бизнес (КБ) корхоналарининг илмий тадқиқотга қилинган сарфлари самарадорлиги йирик корхоналардагидан тўрт баробар юқори”[2]. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш кичик бизнес субъектлари фаолиятида инновацион фаолликни ошириш орқали инновацион ривожлантиришни талаб этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 2021 йил якунларига кўра, кичик бизнес (бизнес)нинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 54,9 фоизни ташкил қилди. Ҳудудлар кесимида унинг энг катта улуши Жиззах (вилоятда яратилган умумий қўшилган қийматнинг 81,2 фоизи), Сурхондарё (77,3 фоиз) ва Бухоро (75,4 фоиз) вилоятларида кузатилди. Кичик бизнес (тадбиркорлик)нинг энг кам улуши Навоий (27,1 фоиз) ва Тошкент (46,8 фоиз) вилоятларида қайд этилди[3].

Дастлабки маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ЯҲМ 2021 йилга нисбатан 7,4 фоизга ўсиб, 26 250,7 миллиард сўмни ташкил этди. ЯҲМ ўсиши вилоят иқтисодиётининг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги каби асосий тармоқларида – 103,7 фоизга (ЯҲМ таркибидаги улуши – 28,8 фоиз), саноатда – 107,4 фоизга (26,7 фоиз), қурилишда – 110,5 фоизга ижобий ўсиш сур’атлари билан боғлиқ. % (8,5%) ва хизматлар 109,7% (36,0%) ташкил қилмоқда. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 6,0 фоизга ўсди ва 13558,6 минг сўмни ташкил этди.

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида кичик ва ўрта бизнесни инновацион ривожлантиришда инновацион маҳсулот яратиш ғоясидан бошлаб то уни моддий кўринишда ишлаб чиқиш, амалиётга жорий қилиш, инновацион маҳсулотни тижоратлаштириш ва оммавий равишда ишлаб чиқариш жараёнларида имитацион инновациялардан фойдаланиш масалаларини самарали амалга ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, янги ғояни инновацион маҳсулотга айлантиришда мухим роль ўйнайдиган бизнес-инкубаторларни ва технопаркларни самарали ташкил этиш, уларга хизмат кўрсатувчи инфатузилмани тўлиқ элементлари билан яратиш, молиялаштириш ва инновацион маҳсулотни тижоратлаштириш бўйича маркетинг хизматини ташкил этиш, миллий ва халқаро миқёсдаги илмий салоҳиятдан фойдаланиши мумкин бўлган технопарклар тармоғини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Инновация лотин тилидан таржима қилганда, янгилик, янгилик киритиш, илмий ва ижодий фаолиятнинг пировард натижаси деган маъноларни англатади, унинг янги маҳсулот, янги хизматлар, ишлаб чиқаришнинг технологии даражасини оширишга қаратилган модернизацияда

---

[1] Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) // [Электронный ресурс]. - http:www.cnn.com/2020/POLITICS/03/16/obama.small.business/index.html

[2] Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А., Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса. //Вопросы инновационной экономики Том 9, №2, Апрель-июнь 2020 с 449-464.

[3] Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг 2021-йил якунлари бўйича ҳисоботлари тўплами.

ифодаланишини кўрамиз ва ундан амалий фаолиятда фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги вақтда “инновация” тушунчаси (innovation инглиз. – янгилик) инновацион фаолиятнинг- пировард натижаси сифатида қаралади ва у бозорда сотиладиган янги ёки такомиллашган маҳсулотда ўз ифодасини топади ёки амалиётда фойдаланиладиган янги ёхуд такомиллашган технологик жараён сифатида намоён бўлади.

“Инновация” тушунчаси “ихтиро” ва “кашфиёт” тушунчаларидан фарқ қилади. Инновация амалиётда қўлланилади, кашф қилиш илгари маълум бўлмаган янги илмий маҳсулот, ихтиро янги прибор, механизмлар, инструментлар, технология, ускуна ва ҳоказоларни ўз ичига олади ва улар амалиётда қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги мумкин. Шумпетер фикрича агар улар бизнес томонидан амалиётда қўлланиладиган бўлса, уларни инновацияга киритиш мумкин.

“Инновация” тушунчаси австриялик иқтисодчи Джозеф Шумпетер томонидан таклиф қилинган, тизимлаштирилган ва у ҳозирги иқтисодиёт фанида қўлланилмоқда. У қуйидагича тизимлаштирилган:

1. Янги турдаги машина ва технологиялардан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш ва бозорни янги ёки такомиллашган маҳсулот билан таъминлаш.
2. Янги хусусиятга эга бўлган товарни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.
3. Хўжалик фаолиятида янги турдаги хомашёлардан фойдаланиш.
4. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги шаклларини ўзлаштириш.
5. Янги товарлар, хизматлар ва бозорларни шакллантириш.

Айтиш керакки, И.Шумпетер инновацион ва тадбиркорлик фаолиятлари ўртасида кучли алоқа борлигини аниқлаган. У тадбиркорликни инновацион фаолиятнинг асосий элемента деб ҳисоблаган. Тадбиркор янги турдаги ускуна ва технологияларни ўзлаштиришда рискка боради. Иқтисодчи Б.Сантонинг фикрича, инновация шундай ижтимоий-техник- иқтисодий жараёнки, унда ғоя ва ихтиролардан амалиётда фойдаланиш орқали буюмлар ва технологиялар яратиш мумкин ва улар фойда ва қўшилган қиймат олиб келиш имкониятига эгадир. Ф.Никсон айтишича, инновация техник, ишлаб чиқариш ва тижорат чора-тадбирлари йиғиндиси бўлиб, у бозорда янги товарлар, яхшиланган саноат жараёнлари ва ускуналарининг бўлишига олиб келади. С.Кук, П.Майерс фикрича, инновация ғоядан то бозорда сотиладиган тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ жараёндир.

Жаҳон тажрибасида Осло ва Фраскати раҳбарияти томонидан инновацияга берилган таъриф сақланиб қолган ва шу таърифга кўра, ихтиро фаолияти натижалари ва унинг ихтиро фаолиятига қўшган ҳиссаси статистикасини йиғишнинг стандарт методологияси аниқланган. Раҳбарият маълумотларига кўра, инновация янгиликларни киритишнинг пировард натижаси сифатида ифодаланади ва бундан мақсад бошқарув объектини ўзгартириш ва ижтимоий, иқтисодий, экологик, илмий-техник ёки бошқа турдаги самарага эришишдир.

Инновация тушунчасига Россия Федерацияси олимлари томонидан ҳам жуда кўп таърифлар берилган. Масалан, С.Б.Валдайцев инновацияни махсус ишлаб чиқилган янги технология асосида янги маҳсулот ишлаб чиқариш линиясини ўзлаштириш ва шунга кўра мавжуд таклиф билан истеъмолчилар эҳтиёжи даражасидаги маҳсулотни бозорга чиқариш деб қарайди. Ю.В.Яковец фикрича, инновация ишлаб чиқаришдаги сифат ўзгариши бўлиб, у ускуна ва технологияга ҳам, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш мумкинки, “инновация” ишлаб чиқариш, ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга нисбатан анча кенг маънога эга, у инсоннинг бутун ҳаётий фаолиятини қамраб олади, шунингдек, инсоннинг ҳаётини енгиллаштиради ва фаровонлигини оширади. Инновацияни аниқлашнинг асосий мезонлари қуйидаги тартибда бўлади: илмий асосланган янгилик, амалий аҳамияти, амалга ошириш мумкинлиги, тижоратлаштириш (бозор талабини қондириш имконияти).

Шундай қилиб, инновацияни барча иқтисодий агентларнинг ишлаб чиқариш ва тижорат масалаларини ҳал этиш воситаси деб қараш мумкин. Иқтисодий агентларнинг инновацияга қизиқиши шу билан боғлиқки, улар инновацион фаолиятнинг пировард натижаларини сотишдан олинадиган фойдадан ўз улушини олиш ҳисобланади.

“Инновация” таърифига юқорида келтирилган ёндашувларни умумлаштирган ҳолда унинг қуйидаги муҳим бўлган хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

-инновация янги ёки такомиллашган маҳсулот, ускуна, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш усули;

-амалий фаолиятда қўлланилиши ёки бозорда сотилиши мумкинлиги;

-инновациялар ижтимоий, иқтисодий, экологик, илмий-техник ёки бошқа самарага эришишни таъминлаши;

- аниқ бир корхона, миллий иқтисодиётнинг маълум бир тармоги ёки тармоқлар мажмуаси, ҳудудлар ва миллий иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келиши.

Илмий тадқиқотимиз нуқтаи назаридан қараганда, “инновация” деганда, кичик бизнес субъектлари (КБС) томонидан янги ёки такомиллашган ускуна, технология, товар, хизматлар, бошқарув усуллари ва бошқа янгиликларни яратиш жараёнлари бўлиб, булар, ўз навбатида, ишлаб чиқариш, бошқарув, тижорат ва бошқа жараёнларнинг сифати, самарадорлигини оширишга, КБС рақобатбардошлиги, экспорт салоҳияти ва тижоратдан олинадиган фойдани оширишга олиб келиши тушунилади.

Инновацияларни яратиш ва тарқатиш жараёни инновацион жараён сифатида қаралади. Уни соддалаштирилгаа ҳолда инновацион занжир, яъни бир-бири билан боғлиқ босқичлар шаклида ифодалаш мумкин бўлади. Инновацион жараённинг биринчи босқичида фундаментал, амалий илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишланмалари базасида янги ғоялар шаклланади. Иккинчи босқичда янгиликлар яратилади, бу ерда инновацион

маҳсулотнинг тажриба нусхаси яратилади, у синов экспериментидан ўтказилади, инновацион маҳсулот лойиҳаси ишлаб чиқилади, янги маҳсулот ўзлаштирилади (освоение) ва серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Инновацион жараённинг учинчи босқичида инновацион маҳсулот тарқатилади. Инновацияни тарқатишда маркетинг хизмати муҳим роль

Тадбиркорлар рановациоа жараён босқичларрнрнг ҳар бирида мустақил фаолият юритиши мумкин, чунки бозор шароитида янги билимлар, тажриба-конструкторлик ишланмалари, инновацион товарлар ва хизматлар товар ҳисобланади ва улар бозорга чиқарилиши мумкин. КБС ривожланиши ва рақобатбардошлиги фақат янги билим, илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишланмалари билан белгиланмайди, балки инновациялардан унумли фойдаланиши билан ҳам белгиланади.

Инновацияни инновацион фаолиятнинг натижаси сифатида қараш мумкин. Инновацион фаолият - инновацияларни яратиш, ўзлаштириш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият.

Инновацион фаолият ўзига хос ишлаб чиқарувчи куч бўлиб, фан-техника, моддий ишлаб чиқариш ва бизнеснинг интеграциялашувига олиб келади.

Инновацион фаолиятнинг асосий турларига қуйидагиларни киритиш мумкин:-фундаментал ва амалий тадқиқотлар;-илмий изланиш ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (НИТКИ);- патентлик фаолияти, лицензиялаш, ноу-хау;- инновацион маҳсулотни сертификациялаш ва стандартлаштириш;- инновацион фаолиятни инвестициялаш, инвестицияни жалб қилиш; -янги ғоя ва ечимларни қидириш, инновацион лойиҳаларни жорий қилиш ва молиялаштириш бўйича шерикларни топиш; -маркетинг ва инновацион маҳсулотни сотиш бозорларини аниқлаш, янги истеъмолчиларни излаш; инновацион фаолият учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашдир.

Шундай қилиб, инновация ва инновацион фаолият КБС, йирик корхоналар, ҳудудлар ва миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий механизмларидан бири ҳисобланади ва қуйидагича классификация қилинади

Технологик инновациялар инновацион фаолият натижаси бўлиб, улар бозорга киритилган янги ёки такомиллашган маҳсулотда ва хизматларда ёхуд амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги ёки такомиллашган жараён ва ишлаб чиқариш усулида ўз ифодасини топади.

Маҳсулот инновацияси - янги ёки такомиллашган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган маҳсулот.

Технологик янги маҳсулот - мобил алоқа телефонлари, ноутбук, компьютер ва ҳоказо.

Технологик такомиллашган маҳсулот - ишлаб чиқарилаётган маҳсулот компонентларини янги самарали компонентлар билан алмаштирилган маҳсулот (масалан, компьютерлардан Pentium II ва Pentium III, механик ва электрон соат).

Янги ёки такомиллашган маҳсулот бутунлай янги технологияга асосланган бўлиши ёки мавжуд технология билан бириккан ҳолда бўлиши

ёхуд тадқиқот ва ишланмаларнинг натижасига асосланган бўлиши мумкин. Лекин маҳсулот бозор учун янги бўлмасдан корхона учун янги бўлиши мумкин.

Инновацион жараён янги ёки сезиларли даражада (значительно) такомиллашган ишлаб чиқариш усулини ўзлаштириш (освоение) бўлиб, маҳсулотни узатиш усулини ўз ичига олади.

Янги ёки сезиларли даражада такомиллашган маҳсулот ишлаб чиқариш усули - ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришлар, асосий ишлаб чиқаришда янги ишлаб чиқариш ускуналаридан, янги дастурий таъминотдан фойдаланиш, товар ишлаб чиқаришда янги технологияни жорий қилиш.

Маркетинг инновацияси - маркетингнинг янги ёки такомиллашган усули бўлиб, у дизайнда, товарларни қадоқлашдаги муҳим ўзгаришларни, товарларни кўргазмаларда тақдимот қилиш ва бозорга чиқаришдаги самарали ўзгаришларни ўз ичига олади. Янги нарх стратегиясини ишлаб чиқиш.

Ташкилий инновация - амалиётда синалган бизнесни олиб боришнинг янги усули, янги иш ўринларини яратиш, ташқи алоқалардаги ҳамкорликни такомиллаштириш.

Инновацияларнинг бундай кенг туркумланиши КБ учун катта аҳамият касб этади. Биринчидан, самарали инновация турини танлаш имкониятига эга: иккинчидан, ишлаб чиқариладиган товарга инновациянинг қайси тури қандай таъсир қилишини баҳолаш мумкин; учинчидан, корхонанинг инновацион стратегиясини белгилашда вақт ва самарадорлик бўйича аниқ инновацияларни танлаб, улардан фойдаланиш мумкин; тўртинчидан, инновация турига кўра бизнесни бошқариш усулини танлаш, яъни инновацион менежментнинг мақсади, вазифасини аниқлашга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) // [Электронный ресурс].

2.Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А., Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса. //Вопросы инновационной экономики Том 9, №2, Апрель-июнь 2020 с 449-464.

3. Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг 2021-йил якунлари бўйича ҳисоботлари тўплами.

4.Rogers, Everett M. Diffusion of innovations.Rev. ed. of: Communication of innovations. 5th ed.1971. - P. 40-46.

5.European Private Equity Activity. Statistics on Fundraising, Investments & Divestments (2014) [Электронный ресурс] // Invest Europe. — URL: http://www.investeurope.eu/media/385581/2014-european-private-equity-activity-final-v2.pdf (дата обращения: 22.02.2018).

6.Puck D. Hegeman, Roger Sorheim, Why do they do it? Corporate venture capital investments in cleantech startups, Journal of Cleaner Production, Volume 294, 2021,126315, ISSN 0959-6526,. jclepro. 2021. 126315. (https://www.sciencedirect.com/ science/article/pii/S0959652621005357)

7.www.tm.uz - Инновацион технологиялар маркази.

Суюнов Д.Х.- *ОБМ кафедраси мудири и.ф.д.,проф.,*
Нурматов И.И.-*ОБМ тингловчиси****.***

ХОРИЖИЙ КАПИТАЛ ИШТИРОКИДАГИ КОРПОРАТИВ КОРХОНАЛАРДА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИГА ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИР АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитларида замонавий компанияларнинг энг муҳим рақобат афзалликларидан бири бу самарали менежмент тизимидир. Рационал тарзда ташкил этилган бизнес бошқаруви, инновацион жараёнларнинг тезлиги кўплаб компанияларга динамик тарзда ривожланишига ва етакчи мавқега эга бўлишига имкон беради.

Жаҳон иқтисодиёти ва бизнесининг бугунги ривожланиш босқичи глобаллашув жараёнлари билан тавсифланади. Халқаро компаниялар жаҳон бозорида устунлик қилишга ҳаракат қиладилар. Буларнинг барчаси бизнесни бошқариш учун янги ёндашувларни талаб қилади. Ҳозирги кунда компаниянинг фаолият соҳаси бир мамлакат ёки минтақа эмас, балки деярли бутун дунё жуғрофиясини қамраб олади. Бошқарув халқаро миқёсга айланиб бормоқда ва уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти - бизнесга глобал ёндашувни уни инвестиция киритувчи мамлакатлар шароитларига мослаштириш зарурати билан амалга оширишдан иборатдир.

Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг муваффақияти учун ҳал қилувчи омиллардан бири бу шерик танлашдир. Ҳамкорларнинг салоҳияти режалаштирилган корхонанинг асосий мақсадларига жавоб бериши, уларнинг асосий хусусиятлари бир-бирини тўлдириши керак. Ҳамкор компаниялар ва уларнинг раҳбарлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида қурилиши керак. Ишончсизлик сабаблари шахсий ва ташкилий даражада коммуникация соҳасида юзага келадиган муаммолар, компаниянинг уйғунлигининг йўқлиги сабабли миллий ва маданий хусусиятлар билан боғлиқ шахсий манфаатлардаги фарқлар бўлиши мумкин.

Компанияларнинг манфаатлар мувозанати муаммоси ҳал этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Компания капиталлашувда тенг иштирок этганда, улар ўртасидаги зиддият эҳтимоли энг юқори бўлади, чунки бу ижро этувчи ҳокимиятга ўзига хос босим ўтишига олиб келади. Компаниялар бир-бирига ишониб топширилганда, уларнинг ҳар бири ресурслар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга интилади. Компаниялар шу каби бизнес манфаатларига эга бўлиши ва бир-бирини тўлдирадиган жойларга алоқадор бўлиши керак. Шу ҳудудга мансуб компаниялар технологияга, ҳамкорларнинг ишлаб чиқариш тизимларига, бозорларга ва ҳоказоларга киришдан фойдаланишга умид қиладиган иттифоқ тузишади.

Агар корхона қўшма корхонанинг умумий мақсадларига ва қўшимча узоқ муддатли мақсадларга эга бўлса, фаолият муваффақиятли бўлади. Бир

фирма дунё бозорига йўналтирилган бўлса, иккинчиси эса фақатгина ички бозор учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса, уларнинг стратегик мақсадлари зиддиятли эканлиги равшан. Халқаро корхоналарни ташкил этувчи компанияларнинг ҳажми, улардан бири лойиҳада устунлик қилиш учун муҳим ресурслардан фойдаланган ҳолда ва унинг натижаларини ўз фойдасига йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу шерик кичик компаниянинг манфаатларига зиддир.

Халқаро корхона муваффақиятининг муҳим омилларидан бири лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини, лойиҳада иштирок этаётган манфаатларни, лойиҳа натижаларидан умидворлигини, лойиҳада шахсий иштирокининг узоқ муддатли истиқболга эга бўлишига таъсирини ўз ходимларининг изоҳлашда келишувидир. Ушбу масалалар юзасидан жиддий фарқлар мавжуд бўлганда, кўп жиҳатдан можаролар туғилишига олиб келади.

Халқаро бизнесда турли хил ишга олиш имкониятлари мавжуд. Улар:

– маҳаллий компаниялар томонидан вақтинча ўтказиладиган ходимлар бўлиши мумкин;

– чет эл компаниялари томонидан вақтинча ўтказиладиган ходимлар; лойиҳа вақтида контракт бўйича жалб қилинган маҳаллий ходимлар;

– лойиҳа вақтида шартнома асосида жалб қилинган хорижий компания мамлакатдаги ишловчилар;

– учинчи мамлакат ходимлари лойиҳа муддати учун шартнома асосида ишга ёлланади.

Ходимларнинг манфаатларини фарқлаш улар орасидаги низоларнинг пайдо бўлишига таҳдид солмоқда, чунки улар компания учун турли хил ташкилий ва маданий қадриятларни келтириб чиқаради. Бунга йўл қўймаслик учун:

– қарор қабул қилишда шахсларнинг иштирокини ошириш ёки чеклаш учун тузилган тизимли устуворликлар ва структуралар жадвалларини;

– бошқарув услуби;

– компания ва унинг бош компаниялари ўртасидаги алоқа тизими;

– мотивация, мукофот, жазо тизими;

– менежерлар, мутахассислар ва оддий ходимлар ўртасидаги муносабатлар, турли ёш ва гендер гуруҳлари ўртасидаги муносабатлар ўрнатилади.

Ташкилий маданиятни бошқаришда ташкилотнинг ўзгаришларига эҳтиёжни тушуниш, лойиҳани ва якуний натижаларни баҳолаш бўйича режалар муҳим рол ўйнайди.

Юқорида айтилганларга асосланиб, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона муваффақиятида менежментнинг омил сифатида рол ўйнаши жуда муҳимдир. Шу билан бирга, халқаро корҳонада бошқарув тушунчаси муайян қарорлар қабул қилиш билан чегараланмайди. Бундай корхона раҳбарияти корхонанинг умумий мақсадларига эришиш учун иккала

томоннинг аниқ вакили бўлишини назарда тутади, шунинг учун халқаро корхона бошқарувининг асосий мақсади икки томоннинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро манфаатли натижаларга эришишдир.

Иштирокчи давлатларнинг ҳар бирининг алоҳида ҳолатининг маданий, ижтимоий ва психологик мазмунидаги фарқни, ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда бошқариш жараёни ташкил қилиниши керак. Кўп нарса ташкилотнинг юқори даражали менежментининг шахсий ва профессионал фазилатларига боғлиқ. Бунинг учун лойиҳанинг ташкилий тузилмаси ва лойиҳа бошқаруви ушбу тузилмаларнинг амалга оширилишига энг қулай бўлмоғи лозим деган хулосага келиш мумкин.

В.Лерманнинг машҳур қонунида шундай дейилган: «Ҳар қандай техник муаммони етарли вақт ва пул билан ечиш мумкин» ва Лерман шундай хулоса қилади: «Ҳеч қачон вақт ёки пул етарли бўлмайди».

В.Лерманнинг натижалари бўйича лойиҳага асосланган фаолиятни бошқариш усули ишлаб чиқилганлиги муаммони бартараф этиши мумкин. Ушбу бошқарув методологияси фаолиятнинг турли соҳаларига кенгайтирилиши ва самарадорлигини оширишнинг исботидир. Шу билан бирга, уни хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани бошқариш учун қўллаш воситалари каби айрим модификациялари ва қўшимчаларни талаб қилади: пул чекловларини бошқариш учун лойиҳанинг молиявий режасини (бюджетини) шакллантиришда фойдаланилади ва ишларни давом эттириш учун бюджет ва харажатлар назорат қилинади. Ишни бажариш учун заруп ресурсларини қўллаб-қувватлаш керак, инсон ва моддий ресурсларни бошқариш учун махсус усуллар мавжуд (масалан, жавобгарлик матрицаси, ресурсни юклаш диаграммаси ва ҳ.к).

Белгиланган лойиҳа натижаларига чеклашларни бошқариш учун сифатнии бошқариш усуллари қўлланилади. Қиёсий таҳлил қилиш учун молиявий, иқтисодий, тижорат, ташкилий, экологик, рискларни таҳлил қилиш лозим ва ҳ.к.

Лойиҳани бошқариш самарадорлиги ҳақида гапирганда, лойиҳанинг ўзи корхонанинг алоҳида қисми эмаслигини таъкидлаш керак. Ҳар қандай лойиҳа якуний натижага эришиш учун амалга оширилади - саноат корхонаси доирасида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва корхонанинг максимал фойда олшини таъминлаш. Шу нуқтаи назардан, лойиҳани бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги корхонанинг якуний ҳисоботида маълум фойда кўринишида акс эттирилиши мумкин. Бироқ, исталган натижага эришиш учун ҳар бир лойиҳа самарали бўлиши керак.

Акциядорлик жамияти кўринишидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона мисолида бошқариш самарадорлигини кўриб чиқамиз. Бундай корхона самарадорлигини аниқлаш ички воситалардан фойдаланиш билан тавсифланади. Бу юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва белгиланган вақтда керакли истеъмолчига етказиб беришдир. Самарали лойиҳа муайян муаммо пайдо бўлиши билан юзма-юз келади, уларнинг ечими корхона ёки ташкилотнинг ривожланишига туртки беради. Агар лойиҳани

амалга оширишда тўғри қадам қўйилса, аввало, одатда, лойиҳанинг иқтисодий жиҳатдан самарадор (иқтисодий жиҳатдан самарасиз) эканлиги аниқланади. Шундай қилиб, самарали лойиҳалар корхонанинг ривожланишини таъминлаш учун катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб, иқтисодий сабабларга кўра, аввалдан бошланиши мумкин бўлган барча лойиҳалар самарали деб баҳоланиши керак.

Лойиҳанинг самарадорлиги унинг рентабеллигини таъминлаш ёки оширишни ўз ичига олади. Агар тенг пул маблағлари (маблағлари) ҳисобига тенг пул ёки пул бўлмаган натижага эришилмаса, лойиҳа самарали ҳисобланади. Шу билан бирга, лойиҳа пул маблағлари ёки монетар бўлмаган натижаларга минимал пул маблағлари билан эришиш мумкин бўлса ҳам самарали ҳисобланади. Инвестициялар самарадорлигини ёки натижаларини аниқлаш учун пул бўлиши керак. Агар инвестициялар ва натижалар (киритиш, чиқиш) пуллик хусусиятга эга бўлмаса, лойиҳанинг самарадорлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин эмас.

Лойиҳа харажатларнинг пул жиҳатларида самарадорлигини аниқлашда лойиҳани бошқариш харажатлари ҳам эътиборга олинади. Ушбу харажатлар режалаштириш, ижро этиш, мониторинг ва бошқариш харажатларига (рақам) бўлиниши мумкин. Буюртма миқдори ортиб бораётганлиги сабабли бошқарув харажатлари мутлақ даражада ортади, бироқ улар фоизга тўғри келади. Лойиҳа учун юқори даражадаги буюртмалар берилса, фоизларнинг нисбати бўйича бошқариш харажатлари деярли ҳеч қандай рол ўйнамайди.

Мақбул самарага эришиш учун лойиҳаларни бошқариш харажатларига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ айрим муаммоларни бартараф этиш керак. Ушбу муаммоларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

– дастлабки режаларни аниқлаш ва амалга ошириш;

– лойиҳа учун жуда кам вақтнинг белгиланишиси;

– лойиҳанинг махсус бўлимларидан реал бўлмаган харажатларнинг кўрсатилиши;

– белгиланган муддатларга риоя қилмаслик;

– қарорлар қабул қилишда мақсадларга эришишга эътибор қаратилмаслиги;

– лойиҳа билан боғлиқ қўшимча учрашувлар;

– малакали ходимлар билан ишлаш;

– сифатсиз ва етарли бўлмаган лойиҳа ҳужжатлари;

– лойиҳани амалга ошириш жараёнида режаларни ўзгартириш.

Шундай қилиб, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг муваффақияти ва ривожланишидаги асосий омил раҳбарларни бошқаришни такомиллаштириш имкониятларини топиш ва улардан фойдаланиш доимий ва ижодий ёндашувни талаб этувчи фаолиятдир.

Бугунги кунда ташкилотнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини, хусусан, халқаро ташкилотни инсон омили белгилайди. Шу сабабли, сўнгги йилларда инсон капитали харажатлар сифатида эмас, балки тўғри ишлатилиши керак бўлган корхона активлари сифатида кўриб чиқилмоқда.

Менежерларнинг бугунги кундаги фаолиятларида ижтимоий-иқтисодий ва психологик бошқарув усуллари анъанавий маъмурий усуллардан устунлик қилмоқда. Ушбу услублар ҳар қандай халқаро менежер учун мезбон мамлакат ижтимоий-маданий хусусиятларига ва маданиятлараро бошқарувга мажбурий йўналтирилганлиги билан белгиланади. Кўпчилик менежерлар норасмий бўлган алоқалар ва одамлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларига ҳамма вақт ҳам бирламчи аҳамият бермайдилар. Япон бошқарувчиси Акио Морита шундай деди: "Бизнинг компаниямизга ташриф буюрганлар, кўпгина хорижликлар Европада ва АҚШда бўлгани каби бир хил технология, ускуна ва бир хил хом ашёни ишлатиб, юқори сифат даражасига эришганимиздан ҳайратдалар. Улар сифатни машиналар эмас, балки одамлар томонидан таъминланишини тушунишмайди"[1].

Ривожланган бозор иқтисодиётида инсон ресурсларини бошқариш "ходимлар билан ишлаш" концепциясидан кўра муҳимроқдир. Янги шароитда кадрлар бошқаруви фалсафаси, кадрлар бошқарувининг таниқли классик вазифаларини бажариб, корхона ривожланишининг асосий стратегик концепциясига мос келиши керак.

Ходимларни бошқариш корпоратив ривожланиш концепциясининг ажралмас қисми эмас, балки у билан органик равишда бирлаштирилади. Ушбу сиёсат иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва режаларига, корхонанинг асосий мақсадларига эришиш, бозор мустақиллиги ва молиявий мувозанатни сақлаш, ўзини-ўзи молиялаштиришни ривожлантириш, инновацион тренд, мезбон мамлакатнинг ижтимоий-маданий хусусиятларини мажбурий ҳисобга олиш ва бошқаларга йўналтирилиши лозим.

Шу сабабли, ходимларни бошқаришнинг функционал соҳасида ташқи инвестициялар иштирокидаги корхоналар раҳбарларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

– ҳар бир қабул қилувчи мамлакатда маданий муҳитни чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш, унинг мезбон мамлакатдаги ва умуман, компаниянинг ўзи фаолият кўрсатиш ва ривожлантириш бўйича стратегик, тактик ва тезкор қарорлар қабул қилишда ўз имкониятларидан фойдаланиш;


– ходимларнинг шахсий потенциалини максимал даражага кўтариш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ичидаги ўзаро муносабатларидан индивидуал гуруҳларнинг имкониятларини ва маданиятлараро таъсирларни кучайтириш мақсадида, ўз мамлакатида ва мезбон мамлакатларда кўп миллатли гуруҳларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Ғарб бошқаруви тушунчасида, корхона муайян вазифани амалга оширадиган муайян ҳаракатни амалга ошириш воситаси сифатида намоён бўлади. Керакли операциялар мажмуи тавсифланади ва бу операциялар натижага эришиш учун самарани оптималлаштиришда энг кичик имкониятни

[1] Морита А. Сделано в Японии. История фирмы « Сони» /пер . с англ.; при участии Э . Рейнголда и М . Симомуры ; общ .ред . и вступ . ст . А .Ю. Юданова. М .: Прогресс, 1993. 224 ст.

ҳам ҳисобга олган ҳолда синхронлаштирилади. Синхронлаштириш ишчиларнинг саъй-ҳаракатларининг процессуал тартибга солиниши билан амалга оширилади (1-расм).

Бир вақтнинг ўзида ишни янада эркин ва ижодий қилиб, миллий маданият хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қаттиқ назоратни амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда, ходимни мунтазам равишда бошқариб туриш ва назорат қилиш зарур.



1-расм. Чет эл инвестицияси иштирокидаги компания бошқарув стратегиясига таъсир этувчи омиллар[1].

Жадвал замонавий компанияларнинг бошқа, чет эл маданиятини билиш эҳтиёжларини кўрсатади. Ушбу жадвални иқтисодчи М. Таиб яратган бўлиб, у хорижий маданиятни яхши билиш компаниянинг ташқи муҳит ва унинг ички фаолияти билан ўзаро боғлиқлигини белгилайди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳар доим ўзлари фаолият кўрсатаётган мамлакатларнинг хусусиятларига мос келадиган бошқарувга муҳтож. Муаммолар компаниянинг фаолиятининг географик тарқалиши билан бошланади: йиғилишлар, учрашувлар, келишувларга эришиш, манфаатларни мувофиқлаштириш учун зарур вақт, турли мамлакатлардаги меҳнат

[1] Муаллиф ишланмаси.

шароитлари билан боғлиқ техник масалаларни ҳал қилиш ва ходимларни бошқариш.

Ходимларнинг иш унумдорлиги, ғайрати ва ижодий салоҳияти энг муҳим рақобат афзалликлари эканлиги анчагина ошиб бормоқда, бу эса асосан корхона ривожланиш стратегиясининг муваффақиятини белгилайди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун бу муаммони бизнес муҳитининг кўп маданиятли табиати билан мураккаблаштирмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида ишлайдиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни бошқариш бошқа ривожланаётган мамлакатларда синовдан ўтган кадрларни бошқариш усулларини қўллайди:

– биринчи навбатда, компаниялар томонидан иш ҳақи бўйича махсус тизимлар (миллий компаниялар билан таққослаганда юқори иш ҳақи сиёсати) жорий этилади;

– иккинчидан, бошқа бўлимлар вакиллари билан биргаликда ишлайдиган ва тажрибани ошириш учун хизмат сафарларини таъминлайдиган хорижий бўлинмалар ходимларининг малакасини ошириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқади;

– учинчидан, акциялар эгалик қилиш орқали ходимларни компания раҳбариятига жалб қилиш;

– тўртинчидан, улар мезбон мамлакатнинг ёш потенциалига таяниб сиёсатни амалга оширадилар;

– бешинчидан, улар турли хил ижтимоий имтиёзлар тақдим этадилар.

Қисқача қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, олиб борилган эмпирик тадқиқотлар бизга чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар раҳбариятида қуйидаги асосий камчиликларни ажратишга имкон берди:

– мезбон мамлакат аҳолисининг маданий идентификациясини ҳисобга олган ҳолда, компания ходимларининг обрўсини шакллантиришга ёндашувнинг сустлиги;

– менежерлар томонидан ходимларни бирлаштирувчи ёндашувдан ташқари ёки ходимларнинг малакасини ўзаро маданий хусусиятлар асосида ўзаро муносабатларини ҳисобга олмасдан баҳолаш, иш ҳақи, иш ҳақини ошириш функцияларининг бажарилиши;

– маҳаллий аҳоли маданий характеристикалари бўйича бошқарув тушунчаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда раҳбарлар ва ходимларини еарли даражада жалб қилинмаганлиги;

– келажакка йўналтирилган кадрлар бошқарув усулларининг заиф тақсимоти ва интеграциялашуви;

– хорижий менежерларнинг мезбон мамлакат тилида билимининг этишмаслиги;

– ходимлар билан "қайта алоқа каналлари" ни заиф ишлатиш, миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, компания ва унинг таркибидаги барча бўлинмаларда юзага келадиган муаммоларни аниқлашга имкон беради.

Бахромов А.Д. *- ТДИУ, магистри*


США и Китай: взаимовыгодное сотрудничество или противостояние Ташкентский государственный экономический университет

В первые десятилетия XXI века система международных экономических отношений характеризуется кардинальными изменениями, происходящими как на глобальном, так и на региональном уровнях. «Современная экономическая ситуация и прогноз ее развития характеризуются устойчивой тенденцией перераспределения экономической мощи в масштабах глобальной экономики, появлением новых игроков мирового масштаба, при том, что потенциалы лидеров существенно различаются по отдельным финансовым, экономическим, социальным параметрам». Ускорение развития Китая, повышение конкурентоспособности китайской экономики сопровождается нарастающей ее вовлеченностью в мирохозяйственные связи. Китайско-американские торгово-экономические отношения на текущий момент играют возрастающую роль не только в экономиках двух стран, но и в мировой экономике в целом.

Исторические аспекты взаимодействия. Процесс сближения, активизации экономических отношений относится к периоду конца 60-х - начала 70- гг. гг. XX века. В июне 1972 г. состоялся первый визит в Китай Госсекретаря США Г. Киссинджера. В 1975 г., в Пекине была открыта американская «миссия связи», которую возглавил Дж. Буш-старший а в мае 1978 года по инициативе демократической администрации президента США Дж. Картера в Пекин прибыл Помощник президента США по национальной безопасности Збигнев Бжезинский. Эти действия можно считать началом установления и нормализации дипломатических отношений между США и Китаем. В декабре 1978 г. в Пекине было подписано коммюнике об установлении дипломатических отношений между странами, начиная с 01.01.1979 г. Тем не менее, несмотря на активное развитие дипломатических и торговых связей между США и Китаем, уже в конце 1980-х годов можно было наблюдать экономические и политические дисбалансы, усилившиеся в последующие годы. Многие специалисты такое положение дел связывают с «углубляющимся противоречием между закрепившимся после окончания холодной войны особым положением США как государства, претендующего на положение господствующей силы во всей Восточной Азии, и стремлением Китая утвердиться в роли регионального лидера» [5]. Как отмечает С.М. Труш, «сложившиеся в прошлом политико-стратегические конфигурации, условия ценообразования и режим контроля над ключевыми сырьевыми зонами мира коренным образом не устраивают Китай. Это делает его очевидным разрушителем глобального status-quo, энергичным реформатором международной системы. На волне западного кризиса и ползущей рецессии Китай активнее выдвигает свои критерии «гармоничного» мира и

«ответственного» поведения. Подобная активность прослеживается практически во всех направлениях китайской внешней стратегии: в растущем присутствии на рынках и финансовых биржах США, ЕС и Японии, в валютном споре с США, в завоевании приоритетного партнерства с АСЕАН, в энергичной экономической дипломатии в других регионах мира (в Центральной Азии, Африке, Латинской Америке, на Ближнем Востоке), в амбициозной космической программе, в расширении китайского культурно-гуманитарного присутствия в мире, в территориальных спорах по периметру своих границ». Согласно данным Главного таможенного управления Китайской народной республики*, 2014 год закончился по импорту-экспорту подшипников качения с положительным сальдо. Общий объем экспорта из Китая составил 5 657 299,8 тонн подшипников качения в натуральном исчислении и $4,92 млрд. в денежном. Импорт с января по декабрь в страну составил 2 042 546,9 тонн или $3,7 млрд. Разница между импортом и экспортом составила 3 614 752,9 тонн или $1,22 млрд. Основными странами, куда экспортировались подшипники из Китая, оказались: США, Индия, Германия, Южная Корея, Япония. В пятерку стран происхождения импортируемой продукции вошли: Япония, Германия, Таиланд, США, Франция. Как Китай, так и США призваны со стратегическим подходом и по соображениям интересов на долгосрочную перспективу быть ответственными перед историей и народами двух стран. Речь идет о следовании верному направлению развития двусторонних отношений, активизации диалога и контактов при уважении коренных интересов двух народов и народов всех стран мира. Рассчитываем на встреченные шаги Вашингтона в пользу возвращения двусторонних связей в правильное русло на основе координации, сотрудничества и устойчивости. Призываем к укреплению международного сотрудничества по борьбе с коронавирусной пандемией. Эпидемия – общий враг человечества, она не знает границ и не выбирает национальностей, ее можно победить только с помощью солидарности и сотрудничества, которые представляют собой мощнейшее орудие в этой борьбе. Китай поддерживает мировое антивирусное взаимодействие под руководством ВОЗ в целях скорейшей победы над пандемией. Китайский народ от всей души надеется на скорую стабилизацию эпидемиологической обстановки в США, чтобы потери американского народа были максимально минимизированы. Настойчиво призываем отдельных американских политиканов незамедлительно прекратить политизацию и дискредитацию на тему пандемии, перестать попытки выставлять Китай крайнем. США должны брать на себя обязательства как мировая держава, сообща с международным сообществом продвигать глобальное противоэпидемическое сотрудничество ради жизней людей. Нужно взаимно уважать коренные интересы и основные озабоченности друг друга. Настоятельно требуем от американской стороны осторожно и взвешенно вести себя и прекращать вмешательство во внутренние дела Китая под предлогом вопросов Тайваня, Сянгана, Тибета и СУАР, которые затрагивают суверенитет, территориальную целостность и

другие жизненно важные интересы Китая. В ответ на любые поступки и высказывания США, ущемляющие ключевые интересы нашей страны, мы предприняли и будем предпринимать самые решительные и адекватные контрмеры. Решимость Китая защищать свои национальные интересы, суверенитет, безопасность и интересы развития остается куда твердой и не подвергается никаким колебаниям.



Основные страны-импортеры китайских подшипников качения

Следует расширять многогранное взаимовыгодное сотрудничество. Рассчитываем на создание благоприятных условий путем уплотнения взаимодействия с американскими партнерами для выполнения торговой сделки первой фазы. Будем как и прежде поощрять и поддерживать обмены и сотрудничество между нашими народами в области образования, культуры, спорта, науки и технологии, молодежи, СМИ и т.д.

Ханбабаев М.Р. *– ОБМ тингловчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Кредитлар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра энг юқори салмоқни эгаллайди. 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитлар энг юқори салмоқни эгаллади ва 74,2 фоизни ташкил этди. Шу сабабли, тижорат банкларининг кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш тижорат банки фаолиятини барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш бўйича бой ижобий тажриба тўпланган. Ушбу тажрибани ўрганиш ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятларига баҳо бериш республикамиз амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда давлат тижорат банкларининг кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар сифатида, фикримизча, қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Давлат тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини паст эканлиги.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан берилган кредитларнинг 31,9 фоизини саноат корхоналарига берилган кредитлар ташкил этди1. Бу эса, Миллий банк кредит портфелининг диверсификация даражасини паст эканлигини кўрсатади. Чунки, халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган мезонга кўра, тижорат банки кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисми битта тармоқ ёки соҳада тўпланиб қолмаслиги керак.

2. Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг юқори эканлиги тижорат банкининг кредит портфелини сифатини паст эканлигидан далолат беради. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини банк активларига нисбатан даражаси 2,8 фоизни ташкил этди.

3. Давлат дастурлари доирасида берилган, лекин қайтмаган кредитларни тижорат банкларига қайтариб берилмаганлиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ- 3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига ҳар йилги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантиришда хорижий молия институтларига, чет эл ва маҳаллий тижорат банкларига берилган кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатларига хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар қисмида тегишли маблағларни шакллантириш мажбурияти юкланган эди4. Аммо, ҳозирга қадар мазкур талаб бажарилмади. Балки, ушбу талабнинг бажарилмаганлиги Давлат бюджетини дефицит билан бажарилаётганлигидир. Аммо, давлатда Давлат бюджетидан бошқа пул манбалари ҳам мавжуд.

Фикримизча, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Давлат тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш учун, биринчидан, иқтисодиётнинг алоҳида олинган битта тармоғига берилган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғининг чегаравий даражасини (20 %) банкларнинг Кредит сиёсатида йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даража сифатида белгилаб қўйиш керак;

иккинчидан, чакана кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг 35 фоиздан кам бўлмаган даражасини таъминлаш керак.

2. Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражасини таъминлаш учун, биринчидан, кредит рискини баҳолашнинг стандартлашган ёндашувини банк амалиётига босқичмабосқич жорий қилиш лозим; иккинчидан, кредит рейтингига эга бўлмаган мижозларга берилган кредитларнинг риск даражасини баҳолашда асосий эътиборни уларнинг пул оқимининг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражасига қаратиш керак.

3. Ҳукумат кафолати асосида берилган, лекин қайтмаган кредитларни тижорат банкларига қайтариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган талабнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори // ҚҲММБ:07/17/3270/0004-сон.25.09.2017 й.
2. Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. И.ф.н. дисс. авторефер. – Тошкент, 2009 й. – 18 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. “Тижорат банклари жамланма баланси”. www.cbu.uz.

Нормурадов Б.К. *– ОБМ тингловчиси*

ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТРОН ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТЕНДЕРЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИШДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ СТАВКАЛАРИ БИЛАН БОҒЛАШНИНГ МУҲИМЛИГИ

Ҳозирги кунда мавжуд давлат харидлари электрон платформалари божхона органлари ягона ахборот алмашинув тизимлари билан уйғунлаштирилмаганлиги сабабли, электрон “Энг яхши таклифларни танлаш” (Танлаш) ва “Тендер”лар эълон қилишда чет эл юридик шахслари ва маҳаллий етказиб берувчиларнинг бир лот учун нарх ва етказиб бериш шартларини белгилашларида тенгликни тўлақонли таъминлашнинг имкони йўқ. Эълон қилинган лот учун мавжуд электрон тизим божхона божлари, божхона расмийлаштируви жараёнидаги сертификатлаштириш харажатлари ва бошқа божхона тўловларни ҳисобга олмайди. Бу ҳолат йирик ишлаб чиқарувчиларда Танлаш ва Тендерлар ғолибларини аниқлашда ва шартномалар тузиш жараёнларида қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Амалдаги қонунчиликка кўра Танлаш ёки Тендер ғолиби бўлган маҳаллий етказиб берувчилар буюртмачи билан фақат миллий валютада шартнома имзолай олади. Демак, шартнома ҳажми товарларни етказиб бериш билан боғлиқ бўлган товарларни сертификатлаштириш, буюртмачи давлатидаги белгиланган манзилгача ташиш ва “Импорт” божхона режимига расмийлаштириш харажатларини ҳам ўз ичига олиши шарт. Лекин худди шу Танлаш ёки тендерда норезидент иштирокчи ғолиб бўлса, у фақатгина Танлаш ёки Тендер хужжатларида белгиланган етказиб бериш шарти бўйича товарларни етказиб бериш мажбуриятини олади холос.

Масалан, Буюртмачи Танлаш ёки Тендер эълон қилишда маҳаллий муқобили йўқ, чет давлатда ишлаб чиқариладиган товарнинг умумий бошланғич қийматини 10 000 (ўн минг) АҚШ долларида киритди. Ушбу лот учун етказиб бериш шартини DAP Тошкент (Инкотермс-2010) сифатида белгилади. Иштирокчилар қуйидагича нарх ва етказиб бериш шартлари бўйича иштирок этишди:

А иштирокчи (Япония) – товар учун 9600 АҚШ доллари билан;

Б иштирокчи (Россия) – товар учун 9800 АҚШ доллари билан;

В иштирокчи (Ўзбекистон) – 9900 АҚШ доллари эквивалентидаги сумма билан;

Г иштирокчи (Ўзбекистон) – товар учун 9970 АҚШ доллари эквивалентидаги сумма билан, бинар кўринишдаги файлда изоҳ қолдириб, DDP етказиб бериш шартида ўз таклифларини киритишди.

Товар учун шартли равишда 10% божхона божи, 0% акциз солиғи, 15% ҚҚС ва 2% сертификатлаштириш харажатлари мавжуд.

Божхона қонунчилигига кўра:

$$Q \equiv (Bq + Bb + \mathrm{A}) \times 0.15$$

Бу ерда *Q –ҚҚС, Bq – товарнинг божхона қиймати, Bb – божхона божи, A – акциз солиғи.*

Шунга кўра иштирокчиларни бир хил шартлар бўйича таққослашда қуйидаги натижаларга эришамиз:

А иштирокчи бўйича товарнинг шартнома ва божхона қиймати – 9600 $. Божхона ва бошқа харажатлар – 2736 $. Буюртмачи учун товарнинг умумий келиб тушиш қиймати – **12336 $**.

Б иштирокчи бўйича товарнинг шартнома ва божхона қиймати – 9800 $. Божхона ва бошқа харажатлар Россия давлати билан халқаро шартнома мавжудлиги сабабли – 1666 $. Буюртмачи учун товарнинг умумий келиб тушиш қиймати – **11466** $.

В иштирокчи бўйича товарнинг шартнома ва божхона қиймати – 9900 $. Божхона ва бошқа харажатлар – 2821,50 $. Буюртмачи учун товарнинг умумий келиб тушиш қиймати – **12721,50 $**.

Г иштирокчи бўйича товарнинг шартнома қиймати – **9970 $.** Божхона ва бошқа харажатлар иштирокчи изоҳига кўра шартнома қийматига киритилган.

Натижа – Энг юқори қиймат белгилаган **Г иштирокчи** аслида энг паст қиймат таклиф этмоқда ва аксинча энг паст қиймат таклиф этган **А**

иштирокчи билан шартнома тузилган тақдирда товарнинг қиймати деярли энг юқори бўлиб қолади.

Лекин, электрон харидлар платформасида Танлаш ва Тендерларнинг тижорат қисми автоматик тарзда таққосланиши, тизим бинар кўринишдаги файлларда қолдирилган изоҳларни ўқий олмаслиги ва чет эллик иштирокчилар учун божхона божи ва бошқа божхона тўловларини ҳисобга олмаслиги сабабли автоматик тарзда А иштирокчини ғолиб деб топади ва ўзгармас баённома шакллантиради. Ушбу баённома Танлаш ёки Тендер иштирокчиси ва буюртмачи ўртасида шартнома имзолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Агарда тизим тўртинчи иштирокчини товарнинг қийматни нотўғри шартда киритган деб топса ҳамки (ваҳолангки бунинг хозирда техник жиҳатдан иложи йўқ) тизим томонидан ғолиб сифатида А иштирокчи белгиланади ва буюртмачи барибир зарар кўради.

Шу ўринда 2-вариантни кўриб чиқамиз:

2-вариантда қолган иштирокчилар ўзгаришсиз, В иштирокчи (Ўзбекистон) эса товар қийматини 9100 $ миқдорида белгилади.

Бунда **В иштирокчи** бўйича товарнинг шартнома ва божхона қиймати – 9100 $. Божхона ва бошқа харажатлар – 2593,50 $. Буюртмачи учун товарнинг умумий келиб тушиш қиймати – **11693,50 $** га тенг бўлади.

Тизим эса В иштирокчини автоматик тарзда ғолиб деб белгилайди.

Лекин, бу ҳолатда ҳам Г иштирокчи энг кам қиймат таклиф этмоқда ва агарда у қийматни нотўғри киритганликда айбланиб, Танлаш ёки Тендердан четлаштирилган ҳолатда эса Б иштирокчи энг паст қиймат таклиф этаётган бўлади.

Бу каби ҳолатлар буюртмачи учун зараралидир! Бу фақат электрон харидлар платформаси божхона органлари тизимлари ёки тарифлари билан уйғунлаштирилмаган ҳолатдаги вазиятларнинг бор йўғи 2 та варианти холос. Шу сабабли ҳам, электрон харидлар платформалари божхона электрон тизимлари ёки тарифлари билан уйғунлаштирилиши шартдир.

Йирик ишлаб чиқарувчилар томонидан мураккаб ёки алоҳида хусусиятларга эга бўлган товарлар ёки хизматлар учун танлаш ва тендерлар эълон қилишда эса муаммолар янада кўпаяди ва кенгаяди. Натижада кўриладиган зарар салмоқлироқ бўлади ва ушбу зарарга қўшимча равишда муаммоларни бартараф этиш учун янада кўпроқ вақт талаб этилади.

Буларга мисол қилиб кўп марта фойдаланиладиган таралар учун Танлаш ёки Тендер эълон қилишда нархларни, улар учун ижара қийматларини белгилашдаги имконсизликларни; ишлаб чиқаришни кенгайтиришда харид этиладиган янги ишлаб чиқариш ускуналарининг ўрнатиш, тест қилиш, ишга тушириш харажатларини алоҳида (божхона тўловларига тортилмайдиган қисм сифатида) белгилашдаги муаммоларни; йирик объектлар ва ускуналарга ноаниқ муддат билан (масалан 1-3 ҳафта ёки бир йилда 3-4 марта қабилида) хизмат кўрсатиш учун тариф қийматлар асосида харидларни амалга

оширишдаги қийинчиликларни ва йирик ишлаб чиқарувчилар харид жараёнларида учрайдиган бошқа бир қанча ҳолатларни келтириш мумкин.

Амалиёт натижасида ўрганилган ва юқорида келтирилган муаммолар харид тизимларини янада такомиллаштиришни ва уларни харидлар билан бевосита ва билвосита алоқадор бўлган бошқа электрон тизимлар билан, хусусан божхона тизими билан уйғунлаштириш ниҳоятда зарур эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги №ЎРҚ-684 – сонли қонуни. Тошкент ш., 22.04.2021 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. Тошкент ш., 22.04.2016 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги №160 – сонли қарори. Тошкент ш., 06.04.2022 й.

Раупов Ж.Р. *– ВШБ, слушатель*

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ БИЗНЕС-ПРОЦЕССОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

XXI век ознаменовался стремительным развитием цифровых технологии, без которых сегодня сложно представить будущее сфер жизнедеятельности общества или отраслей экономики. Нынешние потребители, заказчики предпочитают получать качественные товары и услуги максимально быстро,в минимальной отдаленности и наличием выбора оплаты любыми формами.

Появление интернета ускорило развитие глобального рынка цифровых технологий, все вокруг нас меняется быстро, прогресс идет, на смену одним технологическим решениям приходят другие в дополненном и обновленном варианте. Цифровой трансформации подвержены почти все отрасли, полученные результаты удивляют, о таком мы раньше и не представляли. Вначале появились простые вебсайты, соединяющие продавца и покупателя, после этого цифровые процессы стали развиваться быстрее. Стало усиливаться взаимодействие компаний с клиентами и соответственно выросли объемы информации обработкой которых занялась команда специалистов. Благодаря этому обмену данными появились цифровые сети.

В последние годы частные предприниматели, компании и предприятия большинства стран оптимизируют расходы, повышают прибыльность, налаживают экспорт, улучшают качество производимой продукции, реализуемых товаров и услуг с помощью цифровых технологии. К тому же

последние события в мире, особенно пандемия COVID-19 показала важность и необходимость цифровой трансформации бизнес-процессов.

По прогнозам экспертов, к 2023 году мировой объем ВВП более чем наполовину будет обеспечиваться компаниями, осуществившими цифровую трансформацию. Это свидетельствует о масштабе вклада цифровой трансформации в повышение эффективности деятельности компаний и, соответственно, обеспечение экономического роста. В таких условиях цифровая трансформация бизнеса становится одним из ключевых факторов выхода из кризисного положения: по оценкам экспертов, 60% предприятий в мире уже внедряют стратегии, основанные на цифровизации и цифровой трансформации [1].

Цифровая трансформация является одним из важных элементов общей стратегии трансформации бизнеса. Она серьезно влияет на итоговый результат проекта трансформации. Каждый бизнес индивидуален, благодаря оптимально подобранным технологиям, опыту сотрудников, эффективно осуществляемым процессам и операциям предприятие сможет за короткое время адаптироваться к сложностям, максимально быстро и качественно удовлетворять различные потребности клиентов.

С годами бизнес-процесс приобретал решающее значение в формировании и развитии каждой организации и предприятия. От грамотной и оптимально подобранной бизнес-модели зависит успешное развитие компаний.

В моделировании любого бизнес-процесса должно быть описание действий или шагов, логически следующими друг за другом. Однозначно бизнес-процесс без описания существовать не может, представьте вы добились определенных результатов в чем-то, но не можете охарактеризовать как все было, какие факторы и в какой степени оказали влияние.

Зарубежные компаний приступили к осуществлению цифровой трансформации своих бизнес-процессов после 2000 года. Успешная практика преобразовании дала предприятиям позитивные эффекты, это улучшение в менеджменте, обновлении операционных процессов, повышение качества сервиса, усиление клиентоориентированности, сокращение времени доставки товаров и оказание услуг, сокращение расходов, появление условий для создания новых видов товаров и услуг, расширение возможностей для постоянного развития персонала всех уровней, изменения в сторону роста финансовых показателей, повышение спроса на акций и другие.

Результаты исследования показали, что с практической точки зрения гибкие методы Agile, Scrum и платформенные решения являются оптимальными методологиями цифровой трансформации бизнес-процессов. Применение данных методов позволит индивидуальным предпринимателям, компаниям, предприятиям и государственным организациям Узбекистана сориентировать деятельность на нужды потребителей, получить значительный экономический эффект, а также укрепить свою позицию на рынке.

Литература:
1. По данным информационной базы Statista. Digital Economy Compass 2020. URL: https://www.statista.com/study/83121/digital-economy-compass/.
2. Hanna N. A role for the state in the digital age. Journal of Innovation and Entrepreneurship 7, 5 (2018). URL: https://innovation-entrepreneurship.springeropen.com/articles/10.1186/s13731-018-0086-3/ (дата обращения: 10.02.2022).
3. Fenwick N (Forrester). Digital business: transformation, disruption, optimization, integration and humanization. URL: https://www.i-scoop.eu/digital-transformation/digital-business/ (дата обращения: 18.03.2022).
4. Кинзябулатов Р. Что такое бизнес-процесс и описание бизнес процесса. [Электронный ресурс]. URL: https://habr.com/ru/post/342448/ (дата обращения: 20.03.2022).
5. Kraus S., Jones P., Kailer N., Weinmann A., Chaparro-Banegas N., Roig-Tierno N. 2021. "Digital Transformation: An Overview of the Current State of the Art of Research," SAGE Open, vol. 11(3), pages 21582440211, September.

Шарипов Ш.Ш. *– ОБМ тингловчиси*

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда асосий пойдевор – инсон омили, унинг интеллектуал салоҳияти билан узвий боғлиқ.

Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёд. Бу – аҳолининг қарийб 55 фоизини ташкил этади. Замон талабларини илғаш ва амалга ошириш, соҳа ва тармоқларни олға бошлашда бу жуда катта таянч, бебаҳо хазинадир.

Ўтган давр мобайнида ёшларга, шу жумладан, хотин-қизларни бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун бир қатоп имтиёзлар, преференциялар ва имкониятлар яратиб берилди.

Хусусан, ўтган йиллар давомида ёшларга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи 20 дан ортиқ қонун, мамлакатимиз Биринчи Президентининг 30 дан ортиқ фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 га яқин қарорлари қабул қилинди.

Шу ўринда, 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда амалга оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги **“Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори билан ёшларга оид давлат сиёсатини “маҳаллабай” амалга ошириш орқали ёшлар билан ишлашнинг вертикал тизими амалиётга жорий этилди.

Ҳозирги кунда, республика бўйича жами **9 349 та** маҳаллада **Ёшлар етакчиси** штат бирлиги жорий этилди. Мазкур тизим орқали ёшлар билан мулоқот қилишнинг янгича янги механизмлари, усул ва воситалари ишлаб чиқилди.

Энг асосий мақсад сифатида – "Жамиятда ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмайди" тамойили асосида, ёшларнинг эҳтиёжлари, талаб ва истаклари, уларнинг таклиф ва ташаббуслари устувор аҳамиятга эга бўлиши белгилаб олинди.

Бугун Ўзбекистонда ёшларнинг ҳаётий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилмоқда. Ёшлар муаммолари давлат сиёсати даражасида **"маҳаллабай" механизм** асосида ҳал этилмоқда.

Маҳалладаги ёшлар етакчилари тавсияси асосида ёшларга бериладиган **13 та** ёрдам турлари белгилаб берилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналишининг молиялаштириш манбаси сифатида маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи миқдорида маблағларни ҳар чоракда "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиш белгилаб берилди.

Шу ўринда ёшларнинг жамиятдаги энг фаол қатлам экани, уларнинг ижтимоий сафарбарлиги юксаклиги ҳам Давлат ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш зарурлигини белгилаган омиллардан бири бўлмоқда. Ёшлар онгини эгаллаш ҳар доим ҳам долзарб бўлган.

Ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини яратиш, уларнинг муаммолари ва қизиқишларини ўрганиш, улар билан амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг кўламини кенгайтириш ҳамда ҳар бир ёш билан индивидуал ишлаш мақсадида "**маҳаллабай**" асосда "**Ёшлар баланси**" шакллантирилади.

Ёшлар баланси асосида **Ёшлар дафтари,** Етакчининг **кунлик, хафталик, ойлик иш режалари**ни қамраб олган **Ёшлар дастурлари** ишлаб чиқилади.

Етакчилар томонидан биринчи босқичда **таълим ва меҳнат билан қамраб олинмаган** (уюшмаган) 16-30 ёш оралиғидаги **ёшлар** хатловдан ўтказилиб, 5 муҳим тоифа *(бандлик, таълим, оилавий, ижтимоий ва саломатлик ҳолатлари)* асосида **"Ёшлар баланси"** шакллантирилмоқда.

Бунинг натижасида, маҳаллаларнинг ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш тоифалари (***қизил, сариқ, яшил***), ёшларнинг ижтимоий ҳолати ва муаммоларини аниқ белгилаш орқали ёшлар етакчилари томонидан маҳалла кўрсаткичини яхшилашга қаратилган алоҳида "маҳаллабай" **Ёшлар дастурлари** ишлаб чиқилади.

Ёшлар дафтари – ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси бўлиб, "Ёшлар дафтари"га туман (шаҳарлар)даги

ҳар бир сектор кесимида маҳаллабай “Ёшлар дафтари”га **16 ёшга тўлган** ва **30 ёшдан ошмаган** ёшлар киритилади.

Йил бошидан “Ёшлар дафтари”га **83 минг 446 нафар** ёшлар киритилиб, “Ёшлар баланси” якунлари бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар дафтарга тўлиқ қамраб олинади.

Бугунга қадар, дафтардаги **2 минг 673 нафар** ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, талабаларнинг контракт тўловлари ва муддатли сафарбарлик чақируви резерви бадалини қоплаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиб, субсидия ажратиш орқали меҳнат қуроллари билан таъминлаш учун **жамғармалар** ҳисобидан қарийб **30 млрд. сўм** маблағлар йўналтирилди.

“Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган **234 минг**та кунлик тадбирлар ўтказилиб, **7,4 млн нафар** ёшлар қамраб олинмоқда.

Ёшлар бандлигини таъминлаш, ёшларга оид статистик маълумотларни онлайн режимда автоматлаштириш мақсадида вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда – “Ёшлар дафтари” электрон платформаси яратилди.

Бугунги кунда, платформа **8 та** давлат органлари ва ташкилотларининг **16 турдаги** ахборот ресурсларига интеграция қилиниб, унда **8,4 млн нафар** ёшлар (0-30ёшдаги) тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилди.

Шу ўринда рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар ҳақида тўхталадиган бўлсак, **иқтисодиёт ва жамият**нинг "рақамлаштириш" жараёни (инглиз тилида – digitization яъни, рақамлаштириш, баъзан эса digitalization яъни рақамлаштирилиши маъносини билдиради.) ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, терминологияга аниқлик киритиш керак. Энг кенг маънода "рақамлаштириш" жараёни одатда рақамли технологияларни кенг қўллаш ва ассимиляция қилиш ташаббуси билан бошланган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришни англатади. ахборотни яратиш, қайта ишлаш, алмашиш ва узатиш технологияларидир[1].

Рақамли иқтисодиёт тушунчасига бир қатор таърифлар берилган. Жумладан, иқтисодиёт фанлари доктори, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В.Иванов "Рақамли иқтисод - ҳақиқатимизни тўлдирадиган виртуал муҳит" - деб таъриф берган.

Томск давлат университетининг профессори, Р. Мешчеряковнинг фикрича "рақамли иқтисод" атамасига иккита ёндашиш мавжуд деб ҳисоблайди. Рақамли технологиялар асосида иқтисодиётнинг ва электрон товар ва хизматлар эксклюзив домен тавсифловчи рақамли иқтисодиёт: биринчи ёндашув "классик" деб номланиб, классик мисоллар - телетиббиёт, масофавий таълим, дори-дармонларни сотиш (фильмлар, телевизорлар, китоблар ва бошқалар). Иккинчи ёндашув: "рақамли иқтисод" илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқаришдир.

[1] Данное определение приводится, в частности, экспертами UNCTAD (The Transformative Economic Impact of Digital Technology,http://unctad.org/meetings/en/Presentation/ecn162015p09_Katz_en.pdf)

М.Л. Калужский рақамли иқтисодиёт - иқтисодий интернет фаолияти, шунингдек, шакллари, усуллари, воситалари ва уни амалга ошириш алоқа муҳитидир деб таърифлаган.

Манбаларда келтирилишича “Рақамли иқтисодиёт” иқтисодиётнинг бундай тури маълум даражада амалда ишлайдиган турдаги модель ҳисобланади. Рақамли иқтисод - бу ишлаб чиқариш комплекси, инсон учун ҳаёт ва қулайликни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган ишлаб чиқариш тизими бўлиб, у ерда маълум бир кибер-жисмоний(киберфизическая) тизим пайдо бўлади.

Фикримизча, рақамли иқтисодиёт бу ишлаб чиқариш комплекси инсонлар учун қулайликларни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган виртуал муҳит бўлиб, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш тизимидир. Шунингдек, рақамли иқтисод расмийлаштирилиши мумкин бўлган барча нарсани қамраб олиши мумкин, яъни мантиқий схемаларда намоён бўлади. Ҳаётнинг ўзи эса бу "нарсаларни" ишлаб чиқариш, тарқатиш, алмаштириш ва истеъмол қилиш тизимига айлантиришга имконият яратади.

Ёшлар бандлигини таъминлашда рақамли технологияларидан самарали фойдаланиш орқали ёшлар билан ишлаш йўналишидаги муаммо ва вазифаларни тезкорлик билан тизимли равишда ҳал этишга эришилади.

Аҳоли, айниқча ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи давлатнинг асосий функционал вазифаси, барқарорлигини таъминлаш шарти ҳисобланади, мазкур тизимни рақамлаштириш орқали меҳнат унумдорлиги оширилади.

“Рақамли иқтисодиёт” меҳнат унумдорлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Бундай иқтисодиётда, биринчидан, рақамли технологиялар ходим малакасининг тақдим этилаётган иш жойига тўлиқ ва аниқ мувофиқ бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга, у ишсизликни камайтиради, чунки ходимга ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ўзи учун иш топиш муддатини кескин қисқартиради. Буни АҚШнинг иш кучига талаб ва унинг таклифига ихтисослашган “Linkedin” платформаси мисолида кўриш мумкин. Ушбу платформада бугунги кунда мамлакатнинг 130 млн.фуқароси рўйхатдан ўтган. Бу, айниқса ўз мутахассисликлари учун маҳаллий бозорларда талаб катта бўлмаган йирик шаҳарлардан олисдаги ҳудудларда яшовчи иш қидираётганларга қўл келади. Улар ўз меҳнат фаолиятларини масофада туриб амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Рақамли технологиялар аввал меҳнат бозорида мавжуд бўлмаган касб ва мутахассисликларни ҳам яратди. Уларга рақамли маркетинг, маълумотлар базасини таҳлил этиш ва хусусий маълумотларни ҳимоя қилиш, Интернет-блогер ва бошқа кўпгина замонавий ихтисосликларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда дунёда пешқадам Буюк Британияда эса у ҳозирнинг ўзида миллий ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизига етди. Рақамли иқтисодиёт технологик ва бизнес жараёнлари, ишлаб чиқариш,

логистика ва тайёр маҳсулотларнинг савдосини рақамлаштиришни назарда тутади. Мамлакатимизда 2020 йилнинг ўзида транспорт, геология, таълим, архив каби соҳаларни тўлиқ рақамлаштириш белгиланган ва бу борадаги ишлар жадал олиб борилмоқда. Замонавий инфратузилмага эга бўлган “IT-парк”лар ҳам фикримиз далилидир.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан контактсиз алоқа шаклларини янада ривожлантириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янги версияси, Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш виртуал қабулхонаси “business.gov.uz” портали ишга туширилгани рақамли иқтисодиёт ривожи йўлдаги муҳим қадамлардир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш (виза қўйиш) учун, шу жумладан бир вақтнинг ўзида кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасини ўтказиш ва тезкор жўнатиш учун вақтни ва меҳнат ресурсларини сезиларли даражада тежаш мақсадида ягона электрон тизими “project.gov.uz” жорий этилгани ҳам қувонарли.

Ютуқлар билан бирга муаммолар мавжуд, қилинадиган ишлар кўп, Президент Ш.Мирзиёв таъкидлаганидек[1], “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”.

Хулоса ўрнида, “Рақамли тенгсизлик тенгсизликларнинг дояси” бўлиб турган бир пайтда иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамлаштириш жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш, иқтисодий равнақ топиш, аҳолига қулайликлар яратишнинг асосий шартидир.

Қувонарлиси, бу мамлакатимизда асосий кун тартибидаги масала. Рақамлаштириш борасида Ўзбекистон дадил одимлар билан илдамламоқда.

Абдуллаев Ғ. *– ОБМ тингловчиси*

КИМЁ САНОАТИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Кимё саноати Ўзбекистон ишлаб чиқариш саноатининг асосий сегментларидан биридир, чунки кўплаб тармоқлар унинг маҳсулоти истеъмолчилари ҳисобланади: кимё, қурилиш, транспорт, ёқилғи-энергетика комплекси ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь кунидаги маърузаси., https://uza.uz/uz/posts/2020-yil-ilm-marifat-va-raqamli-i-tisodiyetni-rivozhlantirish-24-01-2020

ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Германия, Хитой ва бошқалар) кимё саноатига қаторига қўшиш бўйича оҳирги 5 йилда сезиларли ишлар қилинмоқда. Кимё ва нефт-кимё маҳсулотлари бозорида мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадида янги устунликларни шакллантириш ҳамда рақобатдошлик даражасини босқичма-босқич ошириш мақсадга мувофиқ.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш, маҳаллийлаштириш доирасида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига тармоқ импорт ҳажми қисқартирилади. Маҳсулотлар таннархини пасайтиришга доид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хусусий бизнесининг келишилган ҳаракатлари зарур, бу эса давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмини қўллаш орқали самарадорликка мумкин бўлади.

Маълумки, ҳар қандай лойиҳанинг барча эҳтиёжларини қондирадиган оптимал модели мавжуд эмас - ҳар бир модел маълум бир лойиҳа, мамлакат, минтақа ва бошқаларнинг хусусиятларига мос равишда мослаштирилиши керак. ДХШ шаклларининг ҳар бири, лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, муайян вазиятга қараб, бир ёки бир нечта қўшимча функциялар билан тўлдирилиши мумкин.

Кимё саноатига нисбатан ДХШ механизмини кўриб чиқсак, у нафақат кимё саноатини самарали ривожлантириш, зарур бўлган инвестиция ресурсларини, хусусий капитални жалб қилиш воситаси, балки уни давлат ва хусусий тузилмалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарали усули сифатида ҳам тушуниш керак.

Кимё саноатини ривожланиши молиявий ва иқтисодий асосларга боғлиқ бўлиб, кимё саноатида амалга оширалаётган инвестиция лойиҳалари табиий газни чуқур қайта ишлаб юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилганлиги ва бугунги кунда энергоресурсларнинг чегараланганлиги сабабли хорижий инвесторларни жалб қилишда қийинчиликлар кузатилмоқда.

Иқтисодий-ижтимоий, мудофаа, экологик хавфсизлиги муҳимлиги сабабли кимё саноати бошқаруви ва молиялаштиришнинг махсус объекти ҳисобланади. Шу сабабли, хусусий инвесторларни фақат бозор механизмлари доирасида жалб қилиш имконияти масалани бир оз мураккаблаштиради.

Хусусий, шу жумладан, хорижий инвесторлар томонидан ДХШ лойиҳаларини молиялаштиришга, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, лойиҳаларни узоқ муддат қоплаш муддатлари, рисклар, ўртача рентабеллик даражаси, хизматлар ва маҳсулотлар нархларини чегараланиши давлат томонидан белгиланади. Давлат, ўз навбатида, бюджет даромадларининг чегараланганлиги сабабли капитал киритиш даражаси паст. Шунинг учун кимё саноатини янада ислоҳ қилишнинг асосий ҳаракатлантирувчи ғоялари соҳа учун молиявий ва сармоявий имкониятларни ошириш, тарифларни тартибга солишда мослашувчанликни ошириш ва фаолиятнинг шаффофлигини ошириш режалаштирилган.


Хусусий мулк иштирокида иқтисодий қарорларни қабул қилиш бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг ушбу сегментини молиялаштиришни янада

эркинлаштирди. Шу туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш тури ва ҳажмини оширишга хусусий сармоялар чет эл капитали оқимини ошириш жадал ривожланишига туртки бўла олади.

Шунинг учун, ДХШ асосида молиялаштириш манбаларидан кенг фойдаланиш талаб этилади. ДХШ - бу ўз активлари ва мулкий ваколатларини тўплайдиган, харажатлар ва хатарларни тақсимлайдиган ва натижаларни баҳам кўрадиган инновацион ва инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун давлат, тижорат фирмалари ўртасида давлат-хусусий фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими сифатида таърифланиши мумкин.

ДХШ - бу инфратузилма объектларини қуриш ва улардан фойдаланиш мақсадида бизнес соҳаси ва жамоат ҳуқуқини шакллантириш ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг анъанавий механизмлари асосида вужудга келган замонавий ўзаро таъсир услуби, деб таъкидлаш мумкин. Бундай шерикликларнинг хусусияти ҳар бир иштирокчининг умумий лойиҳага қўшган индивидуал ҳиссасининг синергетик таъсири билан тавсифланади.

Бир томондан, молиявий ресурсларни тақдим этиш, касбий тажрибадан фойдаланиш, самарали ва замонавий бошқариш қобилияти, бизнес соҳасидаги ташкилотлар томонидан бозорга йўналтирилган ва инновацион қарорлар қабул қилиш қобилияти мавжуд.



1-расм. Кимё саноатида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг умумий схемаси

Бошқа томондан, мулкдорнинг ваколатлари, имтиёзлар ва кафолатлар, хусусан солиқлар бўйича, шунингдек молиявий ва моддий ресурсларнинг зарур миқдори давлат томонидан таъминланади.


ДХШнинг кўп кузатиладиган асосий афзалликлари сифатида кўрсатилаётган хизматлар даражасининг ўсиши, ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган инфратузилма лойиҳалари сонининг кўпайиши, давлат ресурсларини тақсимлаш самарадорлигини ошириш, илгари мавжуд бўлмаган хизмат кўрсатиш даражаси, инновацион ечимларни фаол тарзда амалга ошириш, пул оқимларининг шаффофлиги, давлат харажатларини камайтириш ва бюджет тушумларини ортишини келтириб ўтиш мумкин.

Ишлаб чиқариш зарурлиги ва ижтимоий стратегик лойиҳаларини тўлиқ хусусийлаштиришнинг иложи мавжуд эмаслиги сабабли, ДХШ механизми ушбу соҳаларда алоҳида аҳамият касб этади.

Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда, ДХШ лойиҳалари хусусий шерик эмас, балки биринчи навбатда жамоатчилик томонидан ташаббус қилинади ва имтиёз шартлари ёки ҳаёт цикли шартномалари кўринишида амалга оширилади.

“Ўзкимёсаноат” АЖнинг ДХШни шакллантиришда концессия принциплари бўйича тақсимлаш схемаси 2-расмда келтирилган.

Кимё саноати лойиҳалари хусусий молия бозори имкониятларидан ёки лойиҳанинг даромад салоҳиятидан ошиб кетиши мумкин бўлган катта капитал харажатларни талаб қилади. Шу билан бирга, ички бозорда нарх-наво, айниқса минерал ўғитлар учун мақбул даражада сақланиши керак ва шунинг учун лойиҳанинг молиявий барқарорлиги учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.



2-расм. Кимё саноатида ДШХ асосида лойиҳаларни амалга оширишнинг истиқболли йўналишлари

Хулоса, тармоқда самарали ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш тармоқ иқтисодиётни барқарорлаштиришга, сифатли, арзон ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали мамлакат аҳолиси турмуш даражасининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4992-сон қарори
2. Акобиров С.О. Теоретико-методологические основы механизма государственно-частного партнерства // Известия СПбГЭУ. 2015. №5 (95).
3. Габдуллина Э.И. Оценка эффективности проектов ГЧП как механизма взаимодействия власти и бизнеса в регионе // Современные проблемы науки и образования. – 2012. – № 2.

Кобилов Р.Ш. *– ВШБ, Слушатель*

НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ ПРОЕКТНОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

В последние годы за счёт приведения в соответствие законодательной и нормативной базы с мировыми нормами, а также за счёт проводимых реформ в области налогообложения и банковской деятельности, улучшается инвестиционный климат и увеличивается объём инвестиции в проекты разных сферах экономики.

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан

ПП-72 от 30 декабря 2021 года “Об утверждении Инвестиционной программы Республики Узбекистан на 2022-2026 годы и внедрении новых подходов и механизмов по управлению инвестиционными проектами” на осуществление инвестиционных проектов в период с 2022 по 2026 годы запланировано привлечь 2 025,2 трлн. сумов централизованных и нецентрализованных источников. Из них примерно 17% (338,8 трлн. сумов) приходится за счёт кредитов и займов местных коммерческих банков, что является довольно низким показателем по сравнению с другими странами.

В целях обеспечения новых инвестиционных и инфраструктурных проектов необходимыми финансовыми ресурсами, местные организации должны обращаться к внешним методам финансирования. Учитывая, что финансовая сфера Узбекистана в основном опирается на банковскую систему как в Германии, развитие банковского сектора Республики и её стабильность должно открыть широкий доступ к различным методам внешнего финансирования.

Методами внешнего финансирования являются:

1) Акционерное;
2) Кредитное финансирование;

3) Лизинг;
4) Бюджетное финансирование;
5) Смешанное финансирование (комбинация разных способов финансирования);
6) Проектное финансирование.

Каждый из перечисленных методов имеют свои достоинства, однако последний из них является довольно новым способом осуществления финансирования для Узбекистана и должен найти широкое применение в скором времени.

Суть проектного финансирования заключается в том, что источников денежных средств для возврата ранее полученного финансирования является денежный поток самого проекта т.е. инвестор получит доход только тогда, когда проектом генерируется прибыль, в противном случае он теряет вложенный капитал. В основном метод проектного финансирования применяется для финансирования капиталозатратных, больших проектов, когда один коммерческий банк не может обеспечить все финансовые средства необходимые для проекта.

При проектном финансировании создается проектная организация, которая отвечает за реализацию проекта. Обычно она не имеет ни финансовую историю и ни имущества для залога. Сумма предоставляемых кредитов составляет примерно 70-80% от всего финансовых затрат, что ставит кредитора в сложное положение, т.к. основной риск лежит на его плечах. Эта особенность проектного финансирования требует от кредитора проведение тщательного анализа проекта не только с финансовой точки зрения (внутренняя норма доходности, срок окупаемости, чистая приведённая стоимость) но и экспертизы всех других аспектов, которые создают риски.

Для проведения экспертизы технико-экономических обоснований проектов, в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 20 февраля 2018 года ПП-3550 утверждено Положение о порядке разработки, проведения комплексной экспертизы и утверждения предпроектной и проектной документации инвестиционных и инфраструктурных проектов. В соответствии с данным Положением экспертизе подлежат нижеследующие показатели проекта:

1) Маркетинговые;
2) Технико-технологические;
3) Экологические;
4) Институциональные;
5) Архитектурно-строительные;
6) Финансовые;
7) Экономические;
8) Социальные.

Делая небольшое заключение можно сказать, что несмотря на то, что проектное финансирование является новым методом финансирования для Узбекистана оно найдет широкое применение в финансировании

крупномасштабных инфраструктурных и инвестиционных проектов. Для этого необходимо создать соответствующие условия в правовом и банковско-финансовом секторе экономике.

Суюнов Д.Х., *- и.ф.д, проф., ОБМ кафедра мудири,*
Нурматов И.И.*- ОБМ тингловчиси*

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда ҳар қандай ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг салмоғи ва улардан қанчалик даражада самарали фойдаланаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “26-мақсад: Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш»[1] масалалари алоҳида белгилаб берилган.

Дарҳақиқат, хорижий инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан қуролланиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг илғор усулларини жорий этиш, фан-техника ютуқларини ҳамда инсон капитали имкониятларини кенгайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти турли мулкчилик шаклидаги тузилмалардан иборат эканлигини инобатга оладиган бўлсак, улар фаолиятини ташкил этишнинг замонавий ташкилий-иқтисодий механизмларини жорий этиш билан боғлиқ тадқиқот ишларини олиб бориш иқтисодиётнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда, жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, етакчи давлатлар илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

“Инвестиция” атамаси лотин тилидаги «инвест» сўзидан келиб чиққан бўлиб “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш”, “капитал қўйилмаси” маъносини беради. Кенг маънода инвестиция маблағни кўпайтириб ва қайтариб олиш

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони

мақсадида капитални сафарбар этишни билдиради. Кўпгина ҳолларда «инвестиция» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. Инвестиция дейилганда, барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестиция киритишдан асосий мақсад даромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишдир.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2021йилда 104 457,3 млрд. сўм (доллар эквивалентида 9,8 млрд. АҚШ долл.) ёки 2020 йилга нисбатан 105,2 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 42,7 % ни ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 39 879,4 млрд. сўмни ва мос равишда хорижий кредитлар 64 577,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган.



1-расм. Ўзбекистон иқтисодиётида киритилган инвестициялар ҳажмида хорижий инвестицияларнинг улуши, %[1].

Хорижий инвестициялар – бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган

[1] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

барча мулкий, молиявий, интеллектуал бойликларидир. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида “Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади”[1].

Чет эл инвестициялари дейилганда, чет мамлакатларнинг миллий иқтисодиётга моддий, молиявий ва номоддий кўринишидаги муддатли қўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади. Бу қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: қўшма корхоналарни ташкил қилишда ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармоядорларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан қимматли қоғозларни, шунингдек, заём ва кредитлар олиш.

Хорижий инвестициялар ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради. Хорижий инвестициялар қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматли қоғозларни сотиб олиш, йер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришда жуда катта ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари:

– молиявий активларни сотиш ва сотиб олинишини ташкил этиш;

– 100 фоиз мол-мулк хорижий инвесторларга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;

– улуши қўшилиб қатнашиши орқали қўшма корхоналарни ташкил этиш;

– консессия ва лизинг шартномаларини тузиш;


– тендерлар эълон қилиш;

– эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;

[1] “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 609-1-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1998 йил 30 апрель. Манба - www.lex.u

– йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шўъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш.

Ўзбекистонда Давлат инвестиция дастурини амалга ошириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида умумий инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга йўналтирилди.



2-расм. Ўзбекистон иқтисодиётида киритилган хорижий инвестицияларнинг тармоқлар кесимида ўзлаштирилиши[1].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган.

Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини (жумладан, имтиёзларни бериш) амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

– ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

– республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

– республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юритиш;

[1] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

– маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш[1].

Мамлакат иқтисодиётига хориж сармояси, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш тақозо этилмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, хорижий сармоянинг иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларда, ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация жараёнини жадаллаштиришда фаол иштирок этишига эришиш зарур. Салоҳиятли хорижий шериклар билан яна ҳам фаол ва изчил иш олиб бориш, улар билан ҳамкорликда дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган янги-янги қўшма корхоналар тузиш лозим.

Фуркатов Ф.Ф. *– ОБМ тингловчиси*

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИЛҒОР ЖАҲОН ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Хорижий тажрибани ўрганиш шундан далолат берадики, давлат иқтисодиётида таркибий ва сифат ўзгаришларни мунтазам равишда фаол амалга ошириш мўҳим ўрин эгаллаб келган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш керакки, инвестицияларни бошқаришда қуйидаги принципларга асосланиш зарур:

1. Лойиҳа маҳсулотининг маҳсулоти (товар)нинг стратегик тақдири, бозорбоплигига катта аҳамият бериш;
2. Ресурсларнинг қатъий чекланганлиги шароитида ёрдамни алоҳида тармоқларга эмас, балки инвестицион аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг эскиларидан воз кечиш ва янгиларига эга бўлишга қаратилган тадбирларини қўллаб-қувватлаш;
3. Ҳар бир устувор йўналиш давлат дастури асосида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак;
4. Устувор тармоқ ва ишлаб чиқаришларга инвестициялар жойлаштиришни рағбатлантириш зарур.

Инвестиция лойиҳаларини бошқаришда чет эл мамлакатларининг тажрибасини, хусусан, ЮНИДО (Унитед Индустриал Девелопмент Организатион) тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш зарур. “Бунда лойиҳанинг асосий ғояси ва шарт-шароитлари, бозор таҳлили ва маркетинг стратегияси, лойиҳанинг ресурслар билан таъминланганлик даражаси, инвестиция обектининг жойлашиш жойи, қурилиш майдони ва атроф-муҳит, лойиҳалаштириш ва технологиялар, корхонани ташкил қилиш

[1] Бекмуродов Ш., Ғафуров У.В., Тухлиев Б.К., “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг самарали иқтисодий сиёсати” (ўқув қўлланма), Тошкент – 2009.

ва устама харажатлар, меҳнат ресурслари, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнини режалаштириш, молиявий таҳлил ва инвестицияларни баҳолаш ишларига жиддий эътибор бериш лозим”[1].

Инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришнинг жаҳон тажрибасида лойиҳани амалга ошириш йўлида юзага келадиган, бошқа кўринишлар билан биргаликда бўлгандаги ўзгартиришлар кўпинча лойиҳани омадсиз якун топишига ёки бўлмаса унинг умуман амалга ошмаслигига сабабчи бўлади. Масалан, Генерал ассоунтинг оффисе ташкилотининг маълумотларига кўра АҚШнинг 940 та фуқаролик ва ҳарбий лойиҳалари таҳлили шуни кўрсатадики, лойиҳалар бўйича ўзгартиришлар, шу билан бирга инфляция, ва иш хақининг ошиши лойиҳа қийматининг ўртача 75% га ошишига сабаб бўлган. Ҳозирда лойиҳадаги ўзгартиришларнинг салбий натижаларидан бири битмаган курилиш ҳажмининг ўсишидир. Россия Федератсияси давлат кўмитасининг статистик маълумотига кўра, 1994 йил 275 обектдан давлат федерал эҳтиёжлари учун 84 таси эксплуататсия қилинган, шулардан 45 обектга тўлалигича, қолган 39 тасига эса қисман қувват киритилиши амалга оширилган[2].

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестициялари кириб келишини таъминловчи қонунчилик базаси яратилган. Дарҳақиқат, ҳар қандай давлат ташқи дунёдан ажралган ҳолда, жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг этакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш ва ишлаб чиқаришни модернизатсиялашда инвестицияларни бошқаришнинг халқаро тажрибаларига таянмоғи ва ундан миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон тажрибалари кўрсатишича, инвестиция лойиҳаларининг самарали бошқарувига эришилишида инвестицион стратегия муҳим ўрин эгаллайди. Сабаби, лойиҳа бўйича инвестицион стратегиянинг тўғри белгиланиши лойиҳанинг бошқарув самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир этади.

Инвестициявий стратегия лойиҳаларни бошқаришнинг молиявий ва стратегик жиҳатларининг уйғунлашуви бўлиб, лойиҳа тараққиётининг узоқ истиқболдаги бош йўналишини ифодалайди. Стратегия молиявий бошқарув муаммолари қўйилишига стратегик ёндашув ва ушбу муаммоларни эчишга дастурий-мақсадли ёндашувни бирлаштиради.

Лойиҳа бўйича фойдани ўстириш даражаси ва динамикасига кўра инвестицияй стратегиянинг қуйидаги турлари фарқ қилади: тез ўсиш стратегияси; барқарор ривожланиш стратегияси; молиявий соғломлаштириш стратегияси.

Инвестициявий стратегия корхона фаолиятининг умумий жиҳатлари билан мувофиқлашуви лозим:

---

[1] Хўжамқулов Д.Ю., Исмаилов Д.А. Инвестиция лойиҳаларини бошқариш. Ўқув қўл. – Т.: ТДИУ, 2019. – б. 148.

[2] Ишмуҳамедов А.Э., Хайдаров М.Т., Муҳамеджанова Г.Я. Лойиҳа бошқаруви. –Т.: ТДИУ, 2005. 111-б.

а) инвестицион стратегия корхона низомидаги асосий мақсадларга мос келиши керак;

б) инвестицион стратегия корхона умумий ривожланиш стратегиясига ҳамда унинг алоҳида йўналишларига мос келиши зарур;

в) корхона инвестицион стратегияси унинг алоҳида бўлимлари ва соҳалари бўйича ташкил этилган молиявий жавобгарлик марказлари ҳамда даромадлар ва харажатлар бюджетлари истиқболидаги тахминларига зид келмаслиги лозим;

г) инвестицион стратегия корхона кучи билан амалга ошадиган ва назорат қилина оладиган бўлиши, яъни корхонанинг кутилаётган имкониятларига мос келиши лозим;

д) инвестицион стратегия корхона молиявий фаолиятининг эволютсион хусусиятини сақлаб қолиши лозим;

э) инвестицион стратегия корхона молиявий фаолиятининг бош муаммоларини ҳал этишга қаратилиши зарур.

Инвестицион стратегия таркибий қисмлари ички боғланишга эга бўлади: а) инвестицион стратегия молиявий мақсадлар, уларга эришиш воситалари ва даражаларининг яхлит тизимидир; б) инвестицион стратегия турли функтсионал элементларнинг корхона фаолиятини таъминлашга қаратилган биргаликдаги ҳаракатидир; в) инвестицион стратегия риск даражасини баҳолаш билан узвий боғликдир; г) инвестицион стратегия корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда даромадлар ва харажатлар бюджети ҳақидаги маълумотлар асосида ташкил этилади ва амалга оширилади; д) инвестицион стратегия корхона туб вазифаларининг мазмунан ва шаклан ифодаланишидир.

Инвестицион стратегия ташқи муҳит билан мувофиқлашуви лозим: а) инвестицион стратегия ташқи муҳит имкониятларини ҳисобга олиши лозим; б) инвестицион стратегия макроиқтисодий қонунларга ҳамда микроиқтисодий талабларига асосланмоғи зарур.

Умуман, корхона инвестицион стратегиясининг танланиши мустаҳкам ҳисоб-аналитик таъминотга асосланмоғи лозим. Корхона томонидан танланган инвестицион стратегиянинг ҳисоб-аналитик асосланиши жараёни молиявий таҳлил якунларига кўра амалга оширилади.

Корхоналар рақобатбардошлигини бошқаришнинг муҳим асосларидан бири молиявий таҳлилдир. Яқин вақтларгача мавжуд иқтисодий адабиётларда рентабеллик (сотиш ҳажмига нисбатан, активлар қийматига нисбатан ва ҳ.к.), қарз (қисқа муддатли ва умумий), ликвидлилик (тўловга лаёқатлилик) ва айланувчанлик (ишлаб чиқариш заҳиралари, айланма маблағлар айланиш тезлиги, фонд қайтими) каби коеффитсиентларни ҳисоблаш асосидаги таҳлилнинг стандарт услуби ёритиб келинди.

Бизнинг фикримизча, молиявий таҳлилнинг стандарт услуби ҳозирги кунда қатор камчиликларга эгадир. Жумладан, хорижий адабиётларда 200 дан ортиқ молиявий коеффитсиентлар таҳлил этилаётир, улардан 100-150 таси кичик корхоналар учун менежментнинг компютерлаштирилган тизимидан

фойдаланилмоқда, ушбу кўрсаткичларни қайта ишлаш ва таҳлил этишнинг 20-30 та усуллари қўлланилмоқда. Ҳисоб тизимининг ҳамда компютерлаштириш тарққиётининг ҳолати бизнинг корхоналаримиз шароитида фақатгина 5-7 та молиявий коеффитсиент ва уларни қайта ишлашнинг 2-3 хил усулидан фойдаланилаётганлигини баҳолайди. Бу эса, ўз навбатида, корхона молиявий ҳолатини ҳар томонлама обектив баҳолаш учун кифоя қилмайди.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосланган таҳлил оператив бўла олмайди, чунки бунда корхонининг келгуси тараққиёт истиқболлари эмас, балки фақат ўтган даврдаги молиявий фаолияти (ўтган йил, квартал, ой ҳисобот маълумотлари) баҳоланмоқда. Асосий муаммо, шундаки, рентабеллик ва ҳ.к.лар ҳақидаги бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари корхонада пул оқимлари, мажбуриятларни ўз вақтида тўлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятлари, корхона фаолияти умумий молиявий натижаларига ҳар қайси бўлинма ёки соҳанинг улушлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди.

Баъзан, корхона юқори рентабелли бўлган шароитда ҳам унинг тўлов айланмасида камомад кузатилиши, яъни товар моддий бойликлар заҳиралари, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳамда ортиқча харажатлар туфайли тўловга лаёқатсиз бўлиб қолиши мумкин. Бухгалтерия маълумотлари асосидаги стандарт молиявий таҳлил ўта мураккаб қайта ҳисоблашларни талаб этадики, унинг услуби оддий муҳосиб ва менежерлар учун мушкул ҳисобланади. Сир эмаски, кўпчилик корхона раҳбарлари бухгалтерия балансини унинг туб мазмунини тушуниб этмай имзолайдилар ва солиқ инспектсияларига топширадилар. Бундан ташқари корхоналарнинг асосан кўпчилигида молиявий таҳлил билан махсус таклиф этилган маслаҳатчилар шуғулланадилар, уларнинг хизматлари ўта қиммат бўлиб корхона келгуси тараққиёт таҳминларини ишлаб чиқиш имконини бермайди.

Корхона фаолиятининг ташқи истеъмолчилар учун эмас, балки корхонанинг ўзида мукаммал бошқарув қарорлари қабул қилиш учун асосланган молиявий таҳлилнинг янги контсептсияси нафақат бухгалтерия ҳисоби маълумотларига, балки даромадлар ва ҳаражатлар бюджети маълумотларига, яъни молиявий режалаштириш ва ҳисоб тизимининг реал вақт режимида компютерлаштириш натижасида олинадиган оператив молиявий маълумотга асосланмоғи лозим.

Корхона инвестицион стратегиясини танлашда молиявий таҳлилнинг ҳисоб-аналитик таъминотининг методологик асосини комплекс, тизимли ва ҳолатли стратегик таҳлилнинг дастурлаштириш моделлари иштирокидаги усули ташкил этади. Шунга кўра, корхонада стратегик молиявий бошқарувнинг таркибида стратегик таҳлил муҳим ўрин эгаллайди.

Шундай қилиб, корхона томонидан танланадиган инвестицион стратегия аналитик хусусият касб этиши, инвестицион стратегияни танлаш мезони сифатида эса соф фойда, шаклланган буюртмалар портфели, ликвидлилик ва молиявий риск даражаларининг ҳисобга олиниши лозим.

Корхоналарда молиявий тартибга солиш жараёнини ўрганиш унинг алоҳида элементлари биргаликдаги амал қилиши нуқтаи назаридан бу фаолиятни амалий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда янада аниқлаштириш ҳамда корхона инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишда қарорлар қабул қилишнинг алгоритмини тузишга имкон беради (3.1-расм).



3.1-расм. Корхоналар инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишда бошқарув қарорларини қабул қилиш алгоритми [1]

Қарор қабул қилиш алгоритми қуйидагиларни ўз ичига олади: маълумотларни йиғиш; ташқи чеклашлар ва рағбатлар тизими таъсирини

[1] Назарий маълумотлар асосида ишлаб чиқилди.

ҳисобга олиш; корхона ички тафтиши (аудити)ни ўтказиш ва корхонага ташқи ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг таъсирини баҳолаш орқали корхона стратегик мақсадларини икки ёқлама назорат қилиш; корхонага алтернатив стратегияларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш учун корхона соф фойдасининг абстракт-мантиқий имитатсион модели ва инвестицион стратегияси матритсаларидан фойдаланиш; стратегик молия режаси кўринишида аниқ бир стратегияни танлаш ва амалга ошириш.

Биз таклиф этган корхона инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишнинг алгоритми бозор муносабатларининг келгуси тараққиётига асосланган бўлиб, тугалланган аҳамият касб этмайди ва келгусида янада аниқлаштирилиши ва такомиллаштирилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хўжамқулов Д.Ю., Исмаилов Д.А. Инвестиция лойиҳаларини бошқариш. Ўқув қўл. – Т.: ТДИУ, 2019. – б. 148.
2. Ишмуҳамедов А.Э., Хайдаров М.Т., Муҳамеджанова Г.Я. Лойиҳа бошқаруви. –Т.: ТДИУ, 2005. 111-б.
3. Корпоративные финансы: Учебник для вузов / Под. ред. М.В.Романовского, А.И.Востроknутовой. Стандарт третьего поколения. – СПб.: Питер, 2021. – 592 с.
4. Гераськин Михаил Иванович. Модели инвестиционного планирования: учебное пособие / М.И. Гераськин, О.А. Кузнецова. – Самара: Издательство Самарского университета, 2020. – 100 с.

Сулаймонов З.А. – *ОБМ тингловчиси*

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда амалиётда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида кўплаб муаммолар учраб турибди. Ушбу муаммолар шахсан Юртбошимиз томонидан ҳам таъкидланиб келинмоқда ва соҳа мутассадиларига бу борада зарур масалаҳатлар ва кўрсатмалар берилмоқда. Жумладан, 2021 йил 4 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда янги лойиҳаларни ўз вақтида бажариш ва аввал ишга тушганларини тўлиқ қувватга чиқариш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Охирги йилларда фойдаланишга топширилган 442 та лойиҳа паст қувватда ишлаётгани қайд этилди. Жойида ўрганилганда, уларнинг 238 тасида хомашё ва бозор топиш, 115 тасида кредит, 35 тасида инфратузилма билан

боғлиқ муаммолар борлиги аниқланган[1].

Вилоят ҳокимларига ушбу корхоналар муаммоларини ҳал этиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига йил якунига қадар 139 та йирик ва 3 мингта ҳудудий лойиҳаларни ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир сўм инвестиция иқтисодиётга натижа бўлиб қайтиши, халқимиз манфаатига хизмат қилиши кераклигини таъкидлади. Шу боис лойиҳалар бўйича кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ва келгусида натижа бериши қатъий назоратга олинди. Саноат лойиҳаларида асосий эътибор замонавий, рақобатбардош, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Шу боис улар учун илғор хорижий технологиялар харид қилинган. Йиғилишда жорий йилда импорт қилинган 270 дан ортиқ ускуна ҳали ўрнатилмагани кўрсатиб ўтилди. Бунга сабаб бўлаётган жараёнларни соддалаштириб, ускуналарни тезроқ фойдаланишга киритиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда инвестицион фаолиятни ривожлантириш устувор вазифа эканлиги ҳолатида мазкур соҳа тараққий этишини таъминлаш жараёнида юзага келаётган умумий муаммоларни аниқлаш ва уни бартараф этиш бош масаладир. Инвестиция фаолиятини тараққиётига салбий таъсир этувчи омиллар сифатида, энг аввало, марказлаштирилган тузумдан сақланиб қолган бюрократик тизим, бошқарув соҳасида ўз мансабини суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳали ҳам мавжудлиги, инвестицияларни молиялаштиришда ҳужжатлаштириш жараёнларининг узоқ давом этиши лойиҳаларнинг амалга оширилиши графигига салбий таъсир этиши, мамлакат миллий валютаси - сўмнинг эркин айирбошланиш жараёнининг сустлиги, хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолияти натижасида олган даромадларининг эркин айирбошланадиган валюталарга алмаштиришда юзага келаётган қийинчиликлар, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредит олишдаги қийинчиликлар, инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертизасида тадбиркорларнинг малакаси ва тажрибаси этишмаслиги, инвестиция лойиҳалари бизнес-режасидаги маълумотларнинг этарли асосланмаганлиги, маҳсулотлар бўйича маркетинг тадқиқотларининг пухта олиб борилмаслиги, хориж бозорлари ҳақидаги маълумотларнинг этишмаслиги, кредит олишдаги гаров муаммоси кабиларни эътироф этиш мумкин.

Ҳозирги кунда тижорат банклари, инвесторлар ва инвестиция лойиҳасида иштирок этувчи бошқа иштирокчилар инвестиция лойиҳасини баҳолашда бир қанча муаммоларга дуч келишади. Албатта асосий муаммо бу инвесторларнинг энг юқори даромад келтирувчи, риски юқори бўлган ишлаб чиқариш тармоғига йўналтириладиган инвестиция лойиҳаларидан кутиладиган самарадорликга ишончининг камлиги ҳисобланади. Инвестиция лойиҳаси самарадорлигини баҳолашда кўпроқ қуйидаги муаммоларни

[1]https://uza.uz/uz/posts/investiciya-loyihalarining-samaradorligi-korib-chiqildi_317658?q=%2Fposts%2Finvesticiya-loyihalarining-samaradorligi-korib-chiqildi_317658.

киритиш мумкин: янги техника ва технологияларнинг кўрсаткичлари ёки техник иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси хақидаги маълумотларнинг аниқ ёки тўлиқ эмаслиги; ишлаб чиқариш-технологиявий рисклар(асбоб ускуналарнинг бузилиши, ишлаб чиқариш нуқсонлари яроқсизлиги ва бошқалар); бозор конъюнктураси, нарҳ, валюта курси ва бошқаларнинг ўзгариб туриши; лойиҳа иштирокчиларининг ҳаракати, манфаъти ва мақсадининг ноаниқлигидир.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг кўп йиллик амалиёти мобайнида лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида техник-иқтисодий асосномани комплекс экспертиза қилувчи банклар тўқнаш келаётган қатор муаммолар мавжуд. Уларни умумий тарзда қуйидагича гуруҳлаш мумкин: инвестиция лойиҳасини экспертиза қилиш босқичида юзага келувчи муаммолар; инвестиция лойиҳаси бўйича молиялаштиришни очиш босқичида юзага келувчи муаммолар; амалда ишлаётган инвестиция лойиҳалари бўйича муаммолар.

Инвестиция лойиҳасини экспертиза қилиш босқичида юзага келувчи муаммолар қуйидагиларда намоён бўлади. Лойиҳа экспертиза босқичида тадбиркорлар ва инвесторлар ҳалигача лойиҳа бўйича сифатсиз ва ишончли бўлмаган ахборотларни тақдим этишмоқда. Улар билан бирга ТИАни ишлаб чиқувчилар (лойиҳачи ташкилотлар, молия институтлари) кузатилиши мумкин бўлган рисклар ва уларни пасайтириш, маҳсулот экспорти, ишлатилиши кўзда тутилган хом ашё бўйича маълумотларни, маркетинг тадқиқотларини пухта ишлаб чиқмаган. Бу ҳол лойиҳани кўриб чиқиш муддатини узайишига олиб келади. Бу муаммони ҳал этишда аниқ тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим ўрин тутади, яъни Товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар палатаси кўмаги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги бўлинмалари, «Ўзнвестлойиҳа», молиялаштирувчи банклар ёрдами ҳамда Ҳокимият билан биргаликда амалиётга қуйидагиларни ўзида ифодаловчи ҳудудлар бўйича аборот-таҳлилий маълумотлар базаси тизимини ишлаб чиққан ҳолда татбиқ этиш лозим деб ҳисоблаймиз: ҳудуднинг (раён, шаҳар) умумиқтисодий кўрсаткичлари; меҳнат, моддий хом ашё, ишлаб чиқариш ресурслари мавжудлиги; ҳудуд бўйича кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожининг салоҳияти; турли хилдаги маҳсулотлар ва хизматларнинг ички бозор маркетинги; ҳудуднинг экспорт имкониятлари.

Юқоридаги маълумотларнинг тўла ҳажмда бўлиши салоҳиятли инвесторлар ва банкларга лойиҳа бўйича қарор қабул қилишни тезлашишига олиб келади. Бундан ташқари, ташқи бозорни ўрганиш мақсадида амалий ёрдам сифатида махсус ихтисослашган маркетинг компанияларини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бу компаниялар фақат маслаҳат-кўмак вазифасини бажариб, тадбиркорларга ўз амалий тавсияларини бериши лозим бўлади. Инвестиция лойиҳаларида маркетинг харажатларини ҳисобга олишнинг алоҳида аҳамиятли томони шундаки, унга қилинган харажатлар таркиби ва миқдорини таҳлил этиш харажатларнинг тўғри ташкил этилганлигини ва ўтказилган тадқиқотларнинг самарадорлигини аниқлашга имкон беради. Зеро,

ижобий натижаларни аниқлаш учун керагича қилинган ҳар қандай маркетинг харажатлари келгусида қўшимча харажатларнинг амалга оширилишининг олдини олиш билан бирга қўшимча фойда келтириши билан ҳам ўз самарасини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги секторида лойиҳаларни амалга оширишдаги муаммолар, яъни экин мйдонлари ўзгариши ҳисобига хом ашё таъминоти танқислиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари борасидаги нарх сиёсати ва ҳ.к. Мазкур муаммони ҳал этишда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар бўйича қабул қилинган қонунчилик тадбирларини амалга оширишни тезлаштириш ўз самарасини беради, деб ҳисоблаймиз.

Тадбиркорнинг кредит олиши учун кўплаб кераксиз ҳужжатлар ва рухсатномалар кетидан ойлаб юриб вақт ва пул кетказишларига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг ҳал этилиши учун талаб қилинувчи ҳужжатлар сонини кескин қисқартириш ва фақат зарур ҳужжатлар рўйхатини тузиш лозим. Шунингдек, кредит олишда фоиз ставкаларини бўйича имтиёзларни кенгайтириш ва шу каби тадбирларни амалда қўллаш фойдадан ҳоли эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хорижий инвестиция иштирокида инвестиция лойиҳаларининг барча ҳужжатларини, шу жумладан техник-иқтисодий асосини сифатли ва талаб даражасида ишлаб чиқувчи профессонал лойиҳа инжиниринг компанияларининг саноқли эканлиги ва яхши ривожланмаганлиги, уларнинг малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги, кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини халқаро молия институтлари томонидан молиялаштиришда қарз олувчининг лойиҳа умумий қийматида 25% ни ташкил этадиган ўз маблағларининг этишмаслиги, хорижий валютада олган кредитларини ва унинг фоизларини қатъий валютада қайтаришлари шартлиги, лойиҳаларни тижорат банкларда экспертизадан ўтказиш жараёни мураккаблиги, кичик корхоналарнинг хорижий валютадаги кредитларни олишларида кредит фоизларининг юқорилигидан, корхоналарнинг бизнес-режаларини ишлаб чиқишдаги тажрибасизликлари, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш баҳоси юкорилиги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги асосий муаммолардандир.

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларнинг комплекс экспертизасида молиявий-иқтисодий ишларидаги муаммоларни умумлаштириб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

− инвестиция лойиҳаси (маҳсулотлар бозори) бўйича маркетинг изланишларининг чуқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончсизлигига салбий таъсир этиши.

− баъзи ҳолларда, Ўзбекистон фуқаролари ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳужжатларни соҳталаштириш, олдиндан хорижий шериклар билан келишилган ҳолда жисмонан ёки маънавий эскирган ва замон талабларига мутлақо жавоб бермайдиган техника-технологияларни олиб келаётганликлари ёҳуд уларнинг нархларини ошириб юбораётганликлари.

− инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида кўзланган

даромаднинг (лойиҳа бўйича пул киримлари) ўз вақтида келиб тушмаслик рискининг мавжудлиги ва бундай рискларнинг омиллари ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотни сотиш билан, харидолар билан ўзаро ҳисоб-китоблар билан, бозор конъюнктурасининг ўзгариши ёки мавсумий тебранишлар билан боғлиқ бўлиши.

− инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилиш ишларининг холисона бўлмаслиги ва бу ҳолат лойиҳанинг келгуси тақдирига салбий таъсир этиши;

− амалиётда инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишда билим ва тажрибаларнинг тўлиқ эгалланмаганлиги ва ўзлаштирилмаганлиги; инвестиция лойиҳаси самарадорлигини баҳолаш ишлари фақат банклар ва айрим саноқли ташкилотлар томонидан олиб борилиши, бошқа манфаатдор субъектларнинг эса ҳали бу янгиликни қабул қила олишга мос билим ва тушунчалари йўқлиги ва укувсизлиги.

− инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишда чет элда ишлаб чиқилган услубиётлардан кўр-кўрона фойдаланишлик ва ўзимизнинг ички ва миллий хусусиятларимиз кабиларга кўпроқ эътибор берилмаслиги; хом ашёни этказиб бериш ва маҳсулотларни сотиш бозорларида маркетинг тадқиқотларнинг тўлиқ ва хақиқий олиб борилмаслиги.

− инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишда малакали ва ёш мутахассисларнинг этишмаслиги, уларга бўлган бироз эътиборсизлик; айрим лойиҳаларда хақиқий бўлмаган, лекин яхши натижалар берувчи рақам ва кўрсаткичларнинг кўрсатилиши.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишдаги муаммолар қаторида инвестицион лойиҳаларнинг инвестиция олди фазасида бажариладиган техник-иқтисодий асосномасини (ТИА) талаб даражасида ва лойиҳага таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва тайёрлаш бош масаладир. сўнгги йилларда инвестицион лойиҳаларни сифатли тайёрлаш, яъни уларнинг ТИАлари пишиқ-пухта ишлаб чиқиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари ҳам ТИАларни сифатини кўтариш борасида махсус тавсиялар ишлаб чиқмоқда. Шундай бўлса ҳам ҳозирги қадар инвестицион лойиҳаларнинг ТИАларини тайёрлашда кўпгина муаммолар мавжуд. Инвестицион лойиҳаларнинг ТИАларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш масалалари ҳам, фикримизча, ТИАларни ишлаб чиқишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни самарали ҳал этиш йўли билан амалга оширилади.

Инвестицион лойиҳаларни комплекс экспертиза қилиш маълум кетма-кетликларда, яъни уч босқичда амалга оширилиши ва ҳар бир лойиҳа ҳар бир босқичда пухта таҳлилдан ўтиши мақсадга мувофиқдир. Одатда, объектни ишга туширишнинг биринчи босқичининг ўзидаёқ тўлиқ лойиҳа қувватига эришишни режалаштирган инвестиция лойиҳаларининг аксарият қисми нореал ҳисобланади. Сабаби, турли хил технологик, ишлаб чиқариш ва тижорат қийинчиликлари оқибатида (сотиш ҳажмининг тушиб кетиши, хом

ашё ва ишчи кучи таъминотидаги номувофиқликлар ва ҳ.к.) лойиҳалар ишлаб чиқилган режаларига мос келмай қолишлиги мумкин. Айниқса, бундай ҳолат лойиҳа қувватининг биринчи йилининг ўзидаёқ тўлиқ ўзлаштирилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларида кузатилиши мумкин. Чунки, аксарият ҳолларда, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ишларида айрим муаммолар юзага келиши мумкин. Шу сабабдан лойиҳа режасини ишлаб чиқишда уни лойиҳанинг тўлиқ қувватига эришишини инвестиция объектини ишга туширган вақтнинг учинчи-тўртинчи йилларига келиб, йирик ва мураккаб лойиҳаларда эса 4-7 йиллар ичида ўзлаштиришга мослаштиришга ҳаракат қилинади. Одатда, бундай режалаштириш соҳа, лойиҳа хусусиятларидан, ишлаб чиқаришнинг турларидан, бозор ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади ва маҳсулотнинг узлюксиз ва максимум имкониятлар билан сотилишига қаратилган бўлади. Лойиҳалардаги бу ва бошқа жиҳатлар улар ичидан энг самаралисини танлашда зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқариши сабабли тўғри қарор қабул қилиш муаммоси ҳар доим долзарб масала ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилиш сифатини оширишга кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

5. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019-йил 25-декабр.
Астанакулов О.Т. Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертатсияси Автореферати. – Т.: ТМИ. 2020. – 82 б.
6. https://uza.uz

Норкулов С.Т. *– ОБМ тингловчиси*

КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Корхоналар фаолиятини барқарор ривожланишини таъминлаш, шу жумладан, транспорт корхоналари фаолиятини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида **и**қтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш, барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш макроиқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини

таъминлашнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган[1]. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарнинг, шу жумладан, транспорт корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тизимли таҳлил қилиш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Республикамиз корхоналарининг фаолиятини тизимли таҳлил қилиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб, транспорт корхоналарининг транспорт хизматлари бозоридаги рақобат устунлигини тизимли таҳлил қилишни такомиллашмаганлиги ҳисобланади.

Бугунги кунда транспорт корхоналари рақобатдошлигини баҳолашдаги муаммоларнинг асосийларидан бири - уларнинг, мижозларнинг, шунингдек, инвесторларнинг корхона мавқеи ва имкониятларини баҳолаш бўйича замонавий услубий таъминот билан етарли даражада таъминланмаганлигидир.

Юқори даражадаги риск шароитида маркетинг дастурларини бундай услубий таъминотсиз амалга оширишда кўзда тутилган натижаларга эришиш мумкин эмас. Шунинг учун транспорт корхоналари ҳолатини баҳолаш бўйича услубий таъминотни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланиб, бу транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарга капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш ва рақобатдош транспорт хизмати бозорини шакллантиришни таъминлайди.

Транспорт корхоналарида тезкор ликвидлилик коэффициенти, молиявий маржа, мутлақ ликвидлилик коэффициентлари бўйича меъёрий талаблар бажарилмаётганлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– корхоналарда тезкор ликвидлилик коэффициенти бўйича меъёрий талабнинг бажарилмаганлиги қисқа муддатли инвестицияларни мавжуд бўлмаганлиги билан ва қисқа муддатли инвестицияларни юқори ўсиш суръатига эга бўлгани ҳолда, пул маблағлари миқдорини кескин камайганлиги билан изоҳланади;

– корхоналарда молиявий маржа коэффициенти бўйича меъёрий талабнинг бажарилмаганлиги корхонанинг кредитлар ва қарз маблағлари жалб қилиш амалиётининг такомиллашмаганлигии билан изоҳланади;

– корхоналарда мутлақ ликвидлилик бўйича меъёрий талабнинг бажарилмаганлиги 2020 йилда 2019 йилга нисбатан пул маблағлари миқдорининг кескин камайганлиги ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади;

– корхоналарда ликвидлилик коэффициентлари бўйича меъёрий талабларнинг бажарилмаслиги уларнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг узлуксизлигини таъминлашга тўсқинлик қилади.

Фикримизча, транспорт корхоналарининг транспорт хизматлари бозоридаги рақобат курашидаги устунлигининг тизимли таҳлилини такомиллаштириш мақсадида транспорт хизматлари бозоридаги

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

рақобатдошликка таъсирнинг омилли моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, транспорт корхоналарида активларнинг рентабеллик даражасини ошириш мақсадида, биринчидан, молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар миқдорини ошириш йўли билан соф фойда миқдорини кўпайтириш керак; иккинчидан, соф фойданинг ўсиш суръати билан активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим; учинчидан, маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархини камайтириш орқали асосий фаолиятдан олинадиган фойда миқдорини кўпайтириш керак; тўртинчидан, инновацион техника ва технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш кўламини кенгайтириш орқали асосий воситаларнинг активлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш зарур.

Транспорт корхоналари фаолиятининг таҳлили кўрсатдики, ушбу корхоналар 2020 ва 2021 йилларда молиявий фаолият бўйича харажат қилгани ҳолда, молиявий фаолиятдан умуман даромад олмаган. Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиявий фаолиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратадилар ва бунинг натижасида молиявий фаолиятдан катта миқдорда даромад оладилар.

Корхоналар молиявий фаолиятни ривожлантириш мақсадида ўзларининг жорий ҳисобрақамидаги бўш пул маблағларини бошқа эмитентларнинг оддий акцияларига ва облигацияларига инвестиция қиладилар. Бунинг натижасида дивиденд ва фоиз кўринишида молиявий даромад оладилар.

Карабаев Ж.Х. *- ОБМ тингловчиси*

КОРХОНАДА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хўжалик юритишнинг бугунги амалиёти шуни кўрсатадики, бошқарувнинг самарали механизмларидан фойдалана олмайдиган корхоналар бозорда фаол рақобат курашига кириша олмайдилар. Бунинг асосий сабабларидан бири, уларнинг ўзгарувчан бозор шароитига мослашишнинг усуллари ва стратегияларининг назарий ва услубий асослари билан етарли даражада таъминланмаганликларида деб ҳисоблаймиз.

Бозор ҳар қандай корхона олдига тегишли вазифаларни белгилаб олиш ва шунга мос қарорларни қабул қилиш талабини қўйиб, улар корхона мақсадларини ўзгартириш ва ёки уларга эришиш воситаларини танлаш билан боғликдир. Сабаби, корхоналар доимий равишда ташқи муҳит таьсирида бўлиб, унга тескари алоқалар воситасида мослашиб боришига мажбурдирлар.

Хўжалик юритиш фаолиятини бошқариш тизими бир бири билан ўзаро боғланган кўплаб элементлар мажмуидан иборат бўлиб, ушбу элементларнинг ҳар бири умумий натижага эришишда маълум даражада таъсир кўрсатади. Элементларнинг бир биридан айри ҳолда эмас, балки биргаликдаги таъсири

синергетик самарани юзага келтириши бошқариш тизими ва унинг ташкил этувчи элементларини тизимли ёндашув асосида ўрганишни тақозо этади. Бунда бошқарув тизимининг техник, технологик, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий ва психологик жиҳатлари ўзаро алоқадорликда кўриб чиқилади.

Корхона бошқарув тизимини замонавий менежментнинг умумэътироф этилган функцияларига монанд равишда маълум бир босқичларда ўзига хос функцияларни бажариш жараёнлари халқаси сифатида кўриб чиқиш мумкин (1-расм).

Ушбу жараённи қуйидаги мантиқий кетма-кетликдаги босқичлар кўринишида тасаввур қилиш мумкин:

1) корхонани барқарор ривожлантиришининг талаб даражасига эришишни режалаштириш;

2) тизим фаолиятини ташкил этиш;

3) бошқариш жараёни иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш;


4) рағбатлантириш –бошқариш жараёнига жалб этилган ходимлар меҳнатини рағбатлантиришни назарда тутади;

5) бошқарув тизими фаолиятини назорат қилиш ва унинг самарадорлигини таҳлил қилиш.

Режалаштириш функцияси стратегик даражада корхона стратегиясини ишлаб чиқиш; ушбу стратегияга мувофиқ равишда турли омиллар кўплиги таъсирини ҳисобга олган ҳолда бошқарув сиёсатини ишлаб чиқиш; бошқарувтизими самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш; белгиланган чора-тадбирлардан кутилаётган самарадорлик билан биргаликда хавф-хатарни режалаштиришни ҳам қамраб олади.Тезкор бошқарув даражасида эса маҳсулот етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш бозори ҳолати устидан мониторинг олиб бориш, истеъмолчилар томонидан маҳсулот ёки хизматлара қўйиладиган сифат кўрсаткичлари тизимига доимий равишда аниқлик киритиб бориш; корхона молиявий режасини шакллантириш, уни бажариш жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда ижросини назорат қилиш амалга оширилади.

Бошқарув тизимини ташкил этиш – бошқарувнинг барча поғонасида иштирокчилар таркибини шакллантириш, уларнинг функционал вазифа, мажбурият ва жавобгарликларини тақсимлаш; иштирокчилар фаолиятини меъёрлар, низомлар ва ички ахборт тизимини йўлга қўйиш орқали мувофиқлаштиришни мужассамлаштиради.

Мувофиқлаштириш жараёни танланган стратегик мақсадларга эришиш учун давлат бошқарув органлари, таъминотчилар, истеъмолчилар, банк-молия, бюджет муассасалари каби иштирокчилар билан корхонанинг тегишли бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятини мувофиқлаштириш, юзага келувчи турли хил кутилган ва кутилмаган муаммоларни ҳал қилишни назарда тутади.



1-расм. Корхона бошқарув фаолиятининг функционал схемаси

Назорат қилиш энг муҳим функциялардан бири бўлиб, бошқарув тизимида тескари алоқани таъминлайди. Ушбу функция ҳисобга олиш, таҳлил ва назорат тадбирларини мужассамлаштириб молия-хўжалик фаолияти натижалари, техник-иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш; истеъмолчилар талаби ва истакларини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш; барқарорлк динамикаси ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш асосида режада белгиланган ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш учун талаб этиладиган барқарорлик даражасини назорат қилиб боради ва бошқарув қарорларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминлайди.

Бошқарув фаолияти натижаси умумий тизим сифатига боғлиқлиги сабабли бошқарувчи ва бошқарилувчи тизим манфаатлари, муаммолари, мақсади ва вазифаларини тўғри белгилаб олиш бошқарув фаоляти самарадолигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бошқарув тизимини такомиллаштирмасдан унинг самарадорлигини ошириш мумкин эмас, чунки:

- янги бозор шароитларида эски ташкилий шакллардан фойдаланиш самара бермаслиги мумкин;
- ташкилий механизмни такомиллаштириш комплекс ёндашувни талаб этиб, ҳамма вақт ҳам унинг техникавий таъминоти ташкилий омиллар билан етарли даражада боғланмайди;
- тизимни ташкил қилиш тўпланган тажрибадан ташқари, ташкилий лойиҳалашнинг илмий усулларига ҳам таяниши керак;
- бошқарув механизмини такомиллаштириш ва янгича ташкилий тизимларни шакллантириш бошқарув ходимлари малакасини ҳам мос равишда оширишни талаб этади.

Бошқарувда қўлланиладиган технологиялар ҳам унинг самарадорлигини таъминлашда ҳал этувчи омиллардан бири сифатида юзага чиқиб,

корхонанинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқада бўлиш даражасини ва унинг ўзгаришига қай даражада тез мослашиш қобилиятини ифодалайди.

Корхона бошқарув тизими қай даражада самарали фаолият юритаётганлигини аниқлаш самарадорлик мезонлари, ушбу мезонларни тавсифловчи кўрсаткичларнинг мукаммал тизимини шакллантириш ва уларни баҳолаш услубларидан фойдаланиш заруриятини туғдиради. Улар:бошқарув механизмни қуришнинг ёндашув ва услубиятини ишлаб чиқиш; тизимни ташкил этувчи элементларни таҳлил этиш ва унинг самарадорлигига таъсирини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш; элементларнинг ўзаро алоқадорлиги ва уларнинг комплекс таъсирини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш; бошқарувнинг ахборот таъминоти ҳамда уни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш каби масалаларни қамраб олиши мумкин.

Ушбу санаб ўтилган масалалар корхона бошқарувининг самарали ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишнинг ўзига хос қоидалари сифатида тизимнинг амал қилиш чегаралари ва унинг таркибий элементлари тузилишини аниқлашда, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Колесников А.М., Видякина В.А. Особенности системы стратегических управленческих решений на малом предприятии //Вестник Ленинградского государственного университета им. А.С. Пушкина. 2013. Т. 6. № 1. С. 69-76.
2. Муравьёв А. и др. Малый бизнес. Санкт-Петербург.: 2008; Накатников В.М. Организации предпринимательской деятельности. Ростов н/Д: Феникс, 2004.

Эрматов Ғ.Х. *- ОБМ тингловчиси*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БОШҚАРИШ ЖИҲАТЛАРИ

Саноат корхоналари самарали фаолият юритиши ва ривожланиши учун улар маълум бир даражадаги инновацион салоҳиятига эга бўлишлари зарурдир. Бу эса мазкур салоҳиятни баҳолаш ва бошқаришга услубий ёндашувни амалга оширишни долзарб масалалардан эканлигини кўрсатади.

Саноат корхонаси инновацион салоҳиятини шакллантириш бенчмаркинг асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ташкил этиш ва бошқарув фаолиятига оид жараёнларини энг мувваффақиятли фаолият юритаётган корхоналар билан солиштирган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида CWOT таҳлил асосида саноат корхонасининг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш, ундан сўнг талаб этиладиган рақобатдошлик даражасини таъминлаш учун зарур бўлган инновацион салоҳиятини шакллантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишга қўл келади.

Бунда қуйидаги тамойилларни ҳисобга олиш лозим:

1. Комплекслилик тамойили. Маълум замон ва маконда саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқаришнинг ресурс асосларини таъминлаш, корхонанинг мўлжалланаётган даромад ёки фойда олишини амалга оширишни кўзда тутмоғи лозим.

2. Мутаносиблик. Яъни корхона ва унинг инновацион маҳсулотлари ҳажми инновацион салоҳият имкониятидан юқори бўла олмайди. Уларга максимал даражада эришиш салоҳият заҳираларидан мумкин қадар тўлиқ фойдаланиш орқали таъминланади.

3. Корхона талаб этиладиган инновацион салоҳияти стратегик даражада таъминланса, тактик даражада корхонанинг жорий инновацион даражаси таъминланади ва унга рақобат устунликларини шакллантириш асосида эришилади.

4. Мазкур концепция корхона ва унинг маҳсулоти инновациявийлик даражасини баҳолаш, ҳолатини мониторинг қилиш ва истиқболда прогнозлаш қилиш имкониятини бериши лозим.

Корхонанинг инновацион салоҳиятини ошириш билан боғлиқ бошқарув қарорлар қуйидаги икки йўналишда қабул қилиниши мумкин:

- маҳсулотларнинг рақобат устунликларини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот баҳосини мувофиқлаштириш ҳисобига корхона даромадини ошириш билан амалга оширилади;

- инновацион салоҳиятини шакллантириш, ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш жараёни узлуксиз амалга оширилиб, пировард натижада сезиларли самарадорликка эришилмаса, корхонани ривожлантириш стратегияси қайта бошидан кўриб чиқилади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий қўшилган қиймат бир томондан ходимлар, иккинчи томондан эса – технологик воситалар томонидан яратилади. Демак инсон омили ҳам бу ерда муҳим рол ўйнар экан, уларнинг рақобатдошликни бошқариш борасидаги замонавий бозор талаб этадиган кўникма ва билимларга эга эмаслиги кархонанинг истиқболда ривожланишига тўсқинлик қилади. Шу муносабат билан, корхона инновацион салоҳиятини шакллантириш механизми ва унинг самардорлигини баҳолашнинг пргогрессив усулларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ташкилот рақобатдошлигини шакллантириш жараёнида бошқарув тизимининг мақсади инновацион салоҳиятдан фойдаланишни мумкин қадар оширишдан иборатдир.

Биринчидан, бошқарув тизими корхона салоҳиятини шакллантириш, ундан оқилона фойдаланиш ва тўлдириб туришни амалга оширади. Иккинчидан, корхона салоҳияти – ўзаро динамик алоқадор локал салоҳиятлар, яъни корхонанинг муваффақиятли фаолияти ва ривожланишини таъминловчи тузилмалар имкониятларининг йиғиндисидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, корхона инновацион ривожланиш даражаси биринчи навбатда инновацион салоҳиятига нисбатан таққослама, яъни нисбий баҳодир. Агарда инновацион салоҳияти тўғрисида етарли маълумотга эга бўлинмаса, корхона рақобатбардошлиги тўғрисида сўз юритиш мушкулдир.

Корхона инновацион ривожланиш даражасини баҳолаш, корхона инновацион салоҳияти тўғрисидаги қатор кўрсаткичлардан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради ва ушбу кўрсаткичларнинг қай даражада руёбга чиққанлигини ифодалайди.

Уларни баҳолаш жараёнида корхонанинг муайян вақт мобайнидаги кўрсаткичларни таққослаш ва уларнпи тезкор назорат қилиш имкониятини беради. Бу эса, саноат корхонаси ва маҳсулотининг инновациявийлик даражасини баҳолашнинг меъзонларини тўғри танлай олиш зарурий масалалардан бири эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Саноат корхонаси инновацион ривожланиш даражасини мажмуавий баҳоси кўрсаткичи сифатида мазкур корхонанинг инновацион салоҳиятидан қай даражада фойдаланиш ҳолатини тавсифловчи – инновацион салоҳиятидан фойдаланиш индекси таклиф этилади[1].

$$\boldsymbol{I_{rsf}} = \sum_{i=0}^{n} a_i \frac{x_i}{x_i'} \qquad (1)$$


Бу ерда: $\boldsymbol{I_{rsf}}$- инновацион салоҳиятидан фойдаланиш индекси; x_i – локал инновацион салоҳияти; x_i' – локал инновацион салоҳиятидан фойдаланиш даражаси; a_i- локал инновацион салоҳиятининг вазни - $\sum a_i = 1$, экспертлар томонидан аниқланади.

Инновацион салоҳиятдан фойдаланиш индексини аниқлашнинг бу усули ёрдамида корхонанинг инновацион имкониятларини, кучли ва заиф томонларини аниқлаш, унинг фаолиятини такомиллаштириш йўлларини топиш, корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларини таҳлил қилиш ва шу билан бир пайтда бозордаги илғор корхоналарнинг тегишли кўрсаткичларини ҳам таққослаб баҳолаш мумкин.

Замонавий шароитларда корхоналар инновацион салоҳиятларини ривожлантириш борасида кўплаб имкониятларга эгадирлар. Уларни излаш, энг мақбулларини танлаш ва амалиётга татбиқ қилиш бундай салоҳиятни бошқаришнинг самарали механизми амал қилишини талаб этади.

Ушбу стратегия мақсадлар, стратегиянинг устувор йўналишлари, уларга эришишни таъминловчи корхонанинг ташкилий-иқтисодий моделини ифодалаб, узоқ муддатли истиқболда корхонанинг бозорда рақобат устунликларига эришишини таъминлаши лозим (1-расм).

[1] Муаллиф ишланмаси.



2-расм. Саноат корхоналари инновацион салоҳиятини бошқариш механизми

Фикримизча, инновацион салоҳият ва ундан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг самарали услубларини қўллаш, корхонанинг узоқ муддатли стратегияси ва инновацион фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ самарали қарорлар қабул қилишга асос бўлади. Шу муносабат билан корхона иннвацион салоҳиятини шакллантириш механизми ва унинг натижавийлигини баҳолашни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Катькало В. Организационные факторы конкурентных преимуществ фирм // Вестник СпбГУ Серия «Менеджмент». - 2003. - Вып. 3.
2. Попов В.Л. Управление инновационными проектами: учебное пособие / Под ред. проф. М.: ИНФРА-М, 2012. 336 с.

Косимов С.К. *– ВШБ, слушатель*

ВОЗМОЖНОСТИ СОВЕРШЕСТВОВАНИЯ УПРАВЛЕНИЯ ПРОЕКТОМ ИННОВАЦИОННОГО РЕШЕНИЯ МОДЕРНИЗАЦИИ РЕДУКТОРА ПОСТОЯННОГЫХ ОБОРОТОВ ВОЗДУШНОГО СУДНА

Транспорт является одним из основных отраслей экономики Республики Узбекистан. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы отмечено, что, развитие единой транспортной системы во взаимосвязи со всеми видами транспорта, создание условий для возможности осуществления ежедневных поездок на рейсовых транспортных маршрутах между крупными городами является одним из обязательный условий ускоренного развития национальной экономики и обеспечения высоких темпов роста[1]. А это обуславливает необходимость выявления актуальных проблем, связанных с развитием деятельности транспортных компаний, в том числе, авиационных предприятий. В свою очередь, стабильное развитие транспортных компаний напрямую зависит от качества принятых инновационных решений.

Авиационные ЭГ разделяются на магистральные, аварийные, резервные и специальные и при этом Магистральные генераторы являются основным источником электроэнергии на борту и используются на протяжении всего полета ЛА.

При установке авиационных ЭГ на коробке агрегатов авиационного двигателя максимальные геометрические размеры ЭГ ограничиваются размерами мотогондолы, которую разработчики летательных аппаратов стремятся сделать минимальной для повышения аэродинамической эффективности ЛА.

В настоящее время к авиационным ЭГ нового поколения предъявляются следующие дополнительные требования:

–высокая перегрузочная способность, что обусловлено возможными пиковыми нагрузками на систему электроснабжения ЛА, которые возникают при выполнении полетного задания;

–работа магистральных и резервных авиационных ЭГ не должна зависеть от наличия на борту постоянного тока или других источников электрической энергии;

–устойчивость к механическим воздействиям.

Общая имитационная модель оценки эффективности многопрофильного инвестиционного проекта состоит из следующих этапов: формирование базы данных по каждому профилю на основе исследования рыночных аналогов; использование нелинейных функций Затраты-Доход; формирование инструментальной основы имитационной модели как системы функций Затраты-Доходпо каждому профилю; формирование вариантов структуры инвестируемого капитала; оптимальное распределение инвести-ционных

[1] Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»//www.lex.uz

ресурсов с учетом эффективности каждого профиля, решение задачи оптимизации; анализ и оценка инвестиционного риска проекта.

Нами разработаны следующие научные предложения, направленных на совершенствованию управления проектом инновационного решения модернизации редуктора постоянных оборотов воздушного судна:

1.Необходимо повысить эффективность и минимизировать потерь в редукторах постоянных оборотов воздушного судна путём создания ЭМПЭ с АММ, совместного использования с шлихтованием постоянных магнитов на вихревые токи установку ферромагнитного пазового клина.

В ЭМПЭ с ВПМ с магнито проводом статора из кобальтовых или кремниевых сплавов пытаются варьировать между частотой перемагничивания и потерями. В ЭМПЭ с АММ данная проблема отсутствует ввиду более низких потерь, данная проблема отсутствует ввиду более низких потерь, частота выбирается из условий достижения минимальной удельной массы в ЭМПЭ.

2.Обеспечить стабилизацию напряжения систем генерирования электроэнергии путем совершенствования преобразовательную технику СУ СГЭ за счет новых топологий, разработку алгоритмов интеллектуальных преобразователей, способных управлять авиационными ЭГ по встроенным математическим моделям и не измеряемым параметрам.

Абдурашидов А.А. *– ВШБ, слушатель*

КОМАНДА ПРОЕКТА, ЕЕ ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ В КОРПОРАТИВНОМ УПРАВЛЕНИИ

При организации работы над проектом необходимо решить две главные задачи: сформировать команду проекта и организовать ее эффективную работу.

Команда проекта — одно из главных понятий в теории управления проектами. Она представляет собой группу сотрудников, непосредственно работающих над осуществлением проекта и подчиненных руководителю последнего. Так как именно команда проекта обеспечивает реализацию его замысла, поэтому она выступает основным элементом структуры проекта. Эта группа создается на период реализации проекта и после его завершения распускается, в редких случаях приступает к новому схожему проекту.

Команда формируется следующим образом. Ведущие участники проекта заказчик и подрядчик – создают собственные группы, которые возглавляют руководители проекта, соответственно, от заказчика и подрядчика. Эти руководители подчиняются единому руководителю проекта. В зависимости от организационной формы реализации проекта, руководитель от заказчика или от подрядчика может являться руководителем всего проекта. Руководитель проекта во всех случаях имеет собственный аппарат

сотрудников, осуществляющих координацию деятельности всех| участников проекта.

Суть команды — в общем, для всех ее членов определяется наличием некого назначения (миссии), в которое верят все члены команды и которое стремятся эффективно реализовать.

Для команды проекта необходимо наличие у ее членов комбинации взаимодополняющих навыков, которые составляют три категории:

- технические или функциональные, т. е. профессиональные навыки;
- навыки по решению проблем и принятию решений;
- навыки межличностного общения.

Команда — это самостоятельный субъект деятельности, который может быть рассмотрен с точки зрения свойств, процессов, параметров, характерных для социальной группы. Основные характеристики команды: состав, структура, групповые процессы, организационно-культурная среда команды проекта, организационная культура, срок действия группы, координация работы группы и ожидаемый результат работы проектной группы.

Следует выделить такие основные принципы формирования команд, как:

1.Инвесторы должны рассматривать персонал как главный фактор успеха реализации проекта: возрастает роль личности работника, знание его мотивационных установок, умение их формировать и направлять в соответствии с задачами, стоящими перед организационной структурой управления проектом.

2.Система управления персоналом проекта должна обеспечивать: соответствие персонала целям и миссии проекта; эффективность системы работы с персоналом, выбор адекватных критериев оценки результатов работы с персоналом; сбалансированность персонала по определенным группам профессиональной деятельности и социально-психологических характеристик; структуру интересов и ценностей, господствующих в группах персонала управления, их влияние на отношение к труду и его результаты; ритмичность и напряженность деятельности, определяющие психологическое состояние и качество работы; развитие интеллектуального и творческого потенциала персонала.

3.В управлении человеческими ресурсами приоритет отдается психологическим факторам, мотивации и стимулированию человеческой деятельности, т.к. деятельность команды проекта отличается осознанностью, целеполаганием, требованиями мотивации и самореализации. Эффективность применения человеческого ресурса при неправильном использовании снижается более быстрыми темпами, чем в случае с другими видами ресурсов, а вложения в человеческий ресурс дают больший эффект, чем в другие виды ресурсов. Процесс взаимодействия между организацией и человеческим ресурсом является двусторонним.

4.Важным аспектом управления проектными группами является стимулирование творческого труда. Практика показывает, что наиболее эффективным методом является самомотивация и большое значение имеет оптимальное соотношение указаний им команд, поступающих сверху, и решений, принимаемых коллективно и самостоятельно участниками проекта.

При реализации проекта специфика управления командой заключается в том, что она, как правило, не является традиционной самостоятельной организацией.

Модель процесса формирования команд включает описание задачи, рабочей структуры, индивидуальных характеристик, командных характеристик, командных процессов, процессов формирования команд, изменений в команде, командной деятельности, индивидуальных изменений.

Методы формирования команды проекта. Различают четыре основных подхода к формированию команды: целеполагающий; межличностный; ролевой; проблемно-ориентированный.

Следует выделить пять активных рабочих ролей, или ключевых функций, которые имеют решающее значение для успеха проекта: Генерация идей, Предпринимательство, или «борьба за идею», руководство проектом, информационный контроль и поддержка и инструктаж участников проекта. Отсутствие исполнения одной или нескольких функций приводит к тому, что организация становится неспособной эффективно реализовать проект.

Перечисленные ключевые функции:

- являются уникальными и требуют особых умений;
- выполняются чаще всего крайне ограниченным числом сотрудников, что придает каждому из них исключительную значимость. Если один из них уйдет, найти замену ему будет чрезвычайно трудно;
- большинство из них не может выполняться людьми, недавно принятыми на работу.

Примерный состав команды и требования к менеджерам проекта. Наличие общих принципов управления проектом и достаточно типизированных этапов его реализации и жизненного цикла дает возможность определить в обобщенном виде примерную структуру команды проекта.

Для обеспечения успешности проектов руководство должно определить, в каких конкретно проектах и мероприятиях, в какой степени и какой форме оно должно принимать прямое участие. В крупных организациях топ-менеджмент не может участвовать во всех проектах, однако некоторыми из них должны руководить лично или найти способ, явный или символический, оказания и проявления управленческой поддержки.

Литература:

1. Герасимов В.В., Чередникова Л.Е. Управление проектами: задачи, методы и инструменты. Учебное пособие. Новосибирск, 2017.
2. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Методологические аспекты влияния информационного общества на инновационное развитие экономики.

Монография. Ташкент: Фан ва технологиялар. 2016. – 134 с.
3. Венделева М.А. Информационные технологии в управлении: Учебное пособие/ М.А. Венделева, Ю.В. Вертакова. - Люберцы: Юрайт, 2016. - 462 с.

Саидий Б.Б. *- ВШБ, слушатель*

АСПЕКТЫ УПРАВЛЕНИЯ ПРОЕКТАМИ В СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЕ В УЗБЕКИСТАНЕ (НА ПРИМЕРЕ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ УЗБЕКИСТАНА)

Проблема изучения состояния здоровья населения, а также обеспечение эпидемиологической безопасности питьевого водоснабжения, в настоящее время имеет большое государственное значение.

Основным законом, регулирующим общественные отношения по обеспечению санитарно-эпидемического благополучия и радиационной безопасности населения Республики Узбекистан, является Закон

«О санитарно-эпидемиологическом благополучии населения», принятый 26 августа 2015 года, №ЗРУ-393, который закрепляет право человека на благоприятную окружающую среду и иные связанные с ним права и гарантии их реализации. В целях организации системной работы для реализации питьевого и бытового водоснабжения, а также для иных нужд населения, на основании действия Закона Республики Узбекистан «О воде и водопользовании», предоставляются водные объекты, качество воды которых соответствует установленным санитарно-гигиеническим требованиям и государственным стандартам. Кроме того, в республике действуют Санитарные нормы, правила и гигиенические нормативы №0355-18.

«Санитарно-гигиенические требования к содержанию, устройству и организации режима работы дошкольных образовательных учреждений в Республике Узбекистан», направленные на охрану здоровья детей дошкольного возраста при осуществлении деятельности по их обучению и воспитанию в дошкольных образовательных организациях (ДОО) и устанавливают санитарно-эпидемиологические требования к размещению, территории, зданию, помещениям и оборудованию, воздушно-тепловому режиму, естественному и искусственному освещению, водоснабжению и канализации, режиму образовательной деятельности, санитарному состоянию и содержанию, а также регулярному соблюдению санитарных правил.

Вопросы обеспечения безопасности питьевого водоснабжения и профилактика заболеваний водной этиологией рассматриваются и на межгосударственном уровне. При тесном сотрудничестве и поддержке международных и иностранных правительственных и неправительственных организаций принимаются меры по охране состояния здоровья населения путем улучшения доступа к безопасному водоснабжению и санитарным удобствам. Так, в национальном Докладе по целям развития тысячелетия, подготовленном совместно с Правительством и Представительством ООН в

Узбекистане, одной из изложенных целей и задач Цели Развития Тысячелетия (ЦРТ), адаптированные к местным условиям и потребностям страны, являлась «обеспечение экологической устойчивости», которая включала одну из поставленных задач по увеличению доли городского и сельского населения, имеющего доступ к чистой питьевой воде и условиям санитарии. Протокол по проблемам воды и здоровья, инициированный Европейской экономической комиссией Организации Объединенных Наций и Европейским региональным бюро ВОЗ, является первым международным юридическим документом, направленным на защиту здоровья и благополучия людей, в котором задачи профилактики и снижения распространенности заболеваний, связанных с водой, связываются с устойчивым и рациональным использованием водных ресурсов в Европейском регионе.

По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) неблагоприятные условия окружающей среды обусловливают от 25 до 33% заболеваний, 7% из которых связано с неудовлетворительным качеством питьевой воды. Качество питьевой воды является предметом постоянной и объективной оценки с целью своевременного выявления степени загрязнения воды, потребляемой населением, а также принятия мер по повышению качества воды в централизованных системах и децентрализованных источниках питьевого водоснабжения.

Заболевания, связанные с водой, по-прежнему являются одной из основных проблем здравоохранения в мире. От диарейных заболеваний каждый год умирает около 2 млн. человек, это − главным образом дети в развивающихся странах. На них приходится 17% смертей детей в возрасте до пяти лет, при этом расчетная срединная величина составляет 3,2 эпизода на ребенка в год. 94% этого бремени заболеваний можно отнести к окружающей среде, что включает небезопасную воду, отсутствие канализации и низкий уровень гигиены. Кроме того, серьезные вспышки таких заболеваний, как холера, тиф и гепатит А, могут возникать в результате загрязнения питьевой воды фекалиями.

Вопросам выявления и расследования вспышек, переносимых водой заболеваний уделяется повышенное внимание. Вполне вероятно, что большинство болезней, вызываемых загрязненной водой, не приобретает характера эпидемий. Установление того, что эти болезни связаны с водой, − трудная задача. Большинство систем наблюдения за диарейными заболеваниями не позволяет провести различие между болезнями водного происхождения и болезнями, вызываемыми другими причинами. Неадекватная и устаревающая инфраструктура с низким уровнем базовых услуг по обеспечению качественным водоснабжением и безопасной санитарией является одной из основных причин отсутствия гигиенической приверженности взрослого и детского населения. Хотя во многих населенных пунктах республики имеется хороший охват водоснабжением (70-96%), услуги предоставляются не на должном уровне зачастую из-за неэффективной работы, перебоев подачи воды (4-8 часов), низкого давления и некачественных

трубопроводов, что создает риск для здоровья и оказывает непропорциональное воздействие на женщин и бедные слои населения. Непоступающая вода оценивается примерно в 40%. Охват канализацией городах и сельских регионах составляет 13-37%. Сбор твердых отходов не является всеобщим (52%), и они вывозятся на открытые свалки. Официальные программы по сокращению и переработке отходов еще не созданы. Существует необходимость модернизации инфраструктуры советского периода с использованием современных решений для повышения операционной эффективности, эксплуатации и обслуживания (Э&О), управления активами, а также внедрения мер по обеспечению водоснабжения, санитарии, гигиены и здоровья (ВСГ+З) в учебно-воспитательных учреждениях и общественных местах с целью содействия улучшению здоровья детского населения, повышению их благосостояния и обеспечению устойчивого развития систем водоснабжения и санитарии, а также для решения проблемы распространения инфекционных заболеваний, связанных с водой и COVID-19.

Известно, что детские образовательные учреждения выполняют социальную функцию центра учебно-воспитательной работы в жилой среде, что обуславливает ее открытый характер для активного приобщения детского населения, общественности и семьи к воспитанию детей и привития санитарно-гигиенических навыков и привычек, формированию устойчивого отношения в отношении безопасного водоснабжения и санитарии.

В связи с вышеизложенным, основной целью настоящей работы явилось изучение условий и уровня обеспеченности ДОО качественной питьевой водой и безопасной санитарией, с акцентом на выделение ключевых направлений профилактики по предупреждению развития эпидемических рисков и усовершенствования комплекса мер социально-гигиенической направленности, связанных с механизмом передачи возбудителей инфекций, связанных с водой и «грязными руками».

Использованная литература

1. Закон Республики Узбекистан «О воде и водопользовании» №837-XII от 06.05.1993.
2. Закон Республики Узбекистан «О санитарно-эпидемиологическом благополучии населения» №ЗРУ-393 от 26.08.2015 г.
3. Государственный стандарт Узбекистана O'zDSt 950:2011 «Вода питьевая. Гигиенические требования и контроль за качеством».
4. Платонова О.И., Токарев А.А. Воспитание основ здорового образа жизни у детей дошкольного возраста в условиях ДОУ //Актуальные вопросы современной педагогики: Матер. II Междунар. науч. конф.- Уфа, 2012.
5. АБР. Узбекистан: Проект по развитию водоснабжения в Западном Узбекистане. Региональное технико-экономическое обоснование. - 2017. – 72 с.
6. ВОЗ/ЮНИСЕФ. Водоснабжение, санитария, гигиена и утилизация отходов в связи с распространением вируса ТОРС-КоВ-2, являющегося возбудителем COVID-19 //Временные рекомендации. - 2020. – 15 с.

Достов Н.Н. *– ОБМ тингловчиси*

КОРХОНАЛАРДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Инсон ресурсларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш корхоналар фаолиятини барқарор ривожланишини таъминлаш имконини беради. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш макроиқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган1. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида инсон ресурсларини бошқариш тизимини замонавий инновациялар асосида такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Инновацияларни самарали бошқариш корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади ва у биринчи навбатда, корхоналарда маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Янги маҳсулотларга нисбатан инновацион стратегиянинг йўналишларини танлаш бир қатор омилларга боғлиқ бўлса-да, ушбу омиллар ичида иккитаси – корхонанинг технологик имкониятлари ва рақобат курашидаги позицияси жуда муҳим ҳисобланади.

Корхоналарда инновацияларни бошқаришнинг асосий масалалардан бири бўлиб, инновацион фаолиятнинг самарадорлигини аниқ ва тўғри баҳолаш ҳисобланади ва корхоналарда инновацион фаолиятнинг тўрт турдаги самарадорлиги мавжуддир (иқтисодий самарадорлик; илмий-техник самарадорлик; ижтимоий самарадорлик; экологик самарадорлик).

Инновацион фаолиятни баҳолашдаги мураккаблик қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– айрим инновацияларнинг даромадлилигини кечиктирилган стратегик мазмунга эга эканлиги;

– инновацион фаолиятни ноаниқлик ва юқори риск мавжуд бўлган шароитда амалга оширилиши.

Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики:

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

* 2019-2021 йилларда Ўзбекнфтгаз компаниясининг соф фойдаси миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, компаниянинг инсон ресурсларини бошқариш имкониятини кенгайтиради.

* “Ўзбекнефтгаз” МХКда 2021 йилда иш ҳақи харажатлари миқдори 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, инсон ресурсларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

* Таҳлил қилинган давр мобайнида Ўзбекнефтгаз компаниясида иш ҳақи харажатларининг ишлаб чиқариш ва маъмурий харажатлар ҳажмидаги салмоғи ўчиш тенденциясига эга бўлган.

Корхонада персонални баҳолаш унинг бизнес мақсадлари ва корхона стратегияси нуқтаи назаридан сифатини баҳолашнинг имконини беради. Персонални баҳолаш – персонални бошқариш тизимининг турли босқичдаги фаолиятида ўтказиладиган жараён бўлиб, турли мақсадда амалга оширилади.

Персонални доимий аттестацияси қуйидаги имкониятларни беради:

– ходимларнинг билими, кўникмалари ва сифатини аниқлаш ва баҳолаш;

– ходимнинг кучли томонларини аниқлаш, баҳолаш ва ривожлантириш;

– ходимнинг ожиз томонларини аниқлаш ва биргаликда уларни йўқотиш бўйича ишлаш;

– ўқитишга эҳтиёжни, эҳтимолий шикоятларни, интизом муаммоларини аниқлаш.

Кадрлар менежментининг мавқеи ортиб бораётган замонавий шароитда кадрлар менежменти масалаларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлади:

– инсон ресурсларини бошқаришда стратегик жиҳатларнинг кучайиши;

– ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи ресурси – ходимни жалб қилиш, уни ўқитиш ва ривожлантириш билан боғлиқ капитал қўйилмаларини иқтисодий мақсадга мувофиқлигининг тан олиниши;

– корхона ва унинг бўлинмалари раҳбарларининг инсон ресурсларини бошқариш жараènида иштироки.

Фикримизча, персонални самарали меҳнат фаолиятига мотивациясини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– дастурни ишлаб чиқиш, меъёрий таъминот, раҳбарларга маслаҳат бериш;

– заҳира билан ишлашни ташкил қилишда иштирок этиш;

– ходимларни тайèрлаш дастурларини ижтимоий-руҳий жиҳатларини таъминлаш;

– самарали меҳнатни камайтирувчи муаммоларни аниқлаш, ташкилий бошқарувни такомиллаштириш, ходимларнинг қониқишини ўрганиш;

– баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, аттестацияларнинг ташкилий ва услубий жиҳатларини таъминлаш;

– меҳнатни баҳолашда умумий ёндашувларни, умумий қадриятларни, тааллуқлилик ҳиссини шакллантиришда кўмаклашиш.

Абдураҳмонов А.А. *– ОБМ тингловчиси*

“САНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Тижорат банкларида кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари бир қатор хорижий ва мамлакатимиз олимларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган ва кредит портфели тушунчасини унинг моҳиятига берилган таърифларда ифодаланган. Улар ўз тадқиқотларида кредитларнинг маълум бир мезонлар асосида туркумланишига, шу билан бирга кредит рискларига алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредит операцияларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш тижорат банклари самарали фаолиятининг гаровидир.

Юқорида ўрганилган ҳолатларга асосланиб, ЎзСҚБ кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари юзасидан изланишлар олиб борилишини долзарб деб ҳисоблаймиз.

Банкнинг актив операциялари ичида кредит асосий ўринни эгаллайди ва банк даромадининг салмоқли қисми ҳам айнан мазкур операциялар орқали олинади. Шу сабабли банк кредит портфелининг қандай шаклланиши банк фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Банк кредит портфелини самарали бошқариши учун, энг аввало унинг кредитлаш жараёни самарали ташкил этиш зарур.

Қонун ҳужжатларида банк кредит портфели мунтазам равишда таҳлил ва мониторинг қилиниши кўрсатиб ўтилган. Ушбу тадбирн кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиёсатига ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларига, гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш, кредитлашга доир ваколатларни тақсимлаш, қонунчилик меъёрларига риоя қилишга мувофиқлигини таъминлашга эътибор қаратилиши лозим.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, банк хизматлари оммабоплигининг оширилишини ва банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий вазифаларидан бири эканлиги белгилаб қўйилган.

1-жадвал

Тижорат банклари активлари сифатининг таснифланиши[1]

Тижорат банклари активлари сифатининг таснифланиши	Муддати ўтган кунлар	Яратилиши лозим бўлган захира	Фоизларни ҳисоблаш
Стандарт	0	1%	балансда
Субстандарт	0	10%	балансда
Қониқарсиз	1-89	25%	“Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида
Шубҳали	90-179	50%	
Умидсиз	180 ва кўп	100%	

Жадвалда “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 2696-сонли Низом асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Сифати “стандарт” деб таснифланган активлар қайтарилишида муаммолар кузатилмайди. Бунда асосий қарз суммасининг ва фоизларининг ҳеч қандай қисми муддати ўтган ёки шартлари қайта кўриб чиқилмаган бўлиши лозим. Асосий қарз суммаси ёки фоизлардан муддати ўтган ва шартлари қайта кўрилган активлар сифати “стандарт” деб таснифланиши мумкин эмас.

Банки захира капитали таркибида сифати “стандарт” деб таснифланган активлар учун қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг бир фоизи миқдорида стандарт активларга яратиладиган захира шакллантириши лозим.

Тижорат банки сифати “субстандарт” деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг ўн фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозим.

Асосий қарз ва фоизлар бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлиб, унинг муддати 90 кундан ошмаган бўлса, у қониқарсиз деб таснифланади.

Тижорат банки сифати “қониқарсиз” деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг йигирма беш фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозим.

Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, активларнинг сифати “шубҳали” деб таснифланади:

-“қониқарсиз” активларнинг ҳеч бўлмаганда бирорта кўрсаткичи, шунингдек айрим бошқа салбий тавсифлари мавжуд бўлса (бозорда осон сотиладиган таъминотнинг мавжуд эмаслиги ёки таъминланмаган активларнинг мавжудлиги ёхуд қарз олувчининг банкрот деб эълон қилиниши);

-яқин келажакда активнинг қисман тўланиш эҳтимоли мавжуд бўлса;

[1] Азларова А.А. Тижорат банкларида кредит портфелини самарали бошқариш масалалари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил

Асосий қарз ва фоизлар бўйича 90 кундан ортиқ лекин, 180 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса у ҳолда ушбу актив шубҳали деб таснифланади ва активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг эллик фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозим.

Асосий қарз ва фоизлар бўйича 180 кундан ортиқ кунга муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса, ушбу активлар “умидсиз” деб таснифланади.

Бугунги кунда ЎзСҚБ кредит қўйилмалари етарли даражада диверсификацияланган бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари фаолияти билан боғлиқ хатарлар мўътадил даражада шаклланган.

Хусусан, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига банкнинг кредит қўйилмаларининг 25,4 фоизи қурилиш ва энергетика соҳаси, 21 фоизи нефть ва газ саноати, 18,1 фоизи муҳандислик хизмати, 18,1 фоизи кимё саноати ва 23,6 фоизи бошқа соҳалар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзсаноатқурилишбанк кредит портфели таркибида 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига муаммоли кредитлар қолдиғи 1386,0 млрд. сўмни ташкил этиб, жами кредит қўйилмаларидаги улуши 2,8 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, кредит портфеллари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилган ва натижада аниқланган муаммоли кредитлар бўйича активлар қайта таснифланган (2-жадвал).

2-жадвал

Саноатқурилишбанк кредит портфелининг таснифланиши

Кредит таснифи	2019 йил				2020 йил			
	жами кредитлар, млрд. сўм	улуши, фоизда	яратилган захира, млрд. сўм	улуши, фоизда	жами кредитлар, млрд. сўм	улуши, фоизда	яратилган захира, млрд. сўм	улуши, фоизда
Стандарт	41229,0	89,5	15,3	10,0	44483,5	90,7	145,0	12,1
Субстандарт	4468,4	9,7	369,0	55,3	4021,7	8,2	695,0	58,1
Қониқарсиз	138,2	0,3	45,0	6,7	343,3	0,7	103,5	8,6
Шубҳали	92,1	0,2	61,0	9,1	98,1	0,2	65,5	5,5
Умидсиз	92,1	0,2	91,0	13,6	147,1	0,3	188,5	15,8
Жами	46065,9	100,0	667,0	100,0	49044,6	100,0	1197,5	100,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики банк томонидан ажратилган кредитларнинг 90,7 фоизи “стандарт”, 8,2 фоизи “субстандарт”, деб таснифланган активлар ҳисобига тўғри келганлигини ҳамда сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган кредитлар қолдиғи 1,2 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, ажратилган кредитлар бўйича яратилган захиралар умумий миқдори 1,4 трлн. сўмни ёки банкнинг жами кредит портфелининг 2,4 фоизини ташкил этиб, ўтган йил бошига нисбатан 1,8 баробар кўпроқ захиралар шакллантирилган.

Банкнинг кредит портфелини бошқаришнинг пировард мақсади ушбу портфелнинг риск, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичларининг оптимал даражасига эришиш ҳисобланади.

Фикримизча, кредит портфелини самарали бошқаришда қуйидаги бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарур:

- банк активлари сифати устидан доимий, таъсирчан мониторинг олиб бориш, банк активлари билан боғлиқ муаммоли ҳолатларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва бартараф этиш механизмини мустаҳкамлаш;

- банкда активларни кенг диверсификация қилиш, кредит портфелини соғломлаштириш орқали таваккалчиликларни самарали бошқаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб уларга зарур ўзгартиришлар киритиб бориш;

- банк тизимига оид қабул қилинган қарорлар ҳамда кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ижросини ташкил қилиш асосида кредитлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаш, ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишини назорат қилиш;

- муаммоли кредитларни бошкаришнинг янги усулларини шакллантириш;

- активлар сифатини таъминлашни назорат қилиш, бунда кредит портфелида яхши кредитлар улуши 90 фоиздан кам бўлмаслиги, муддати ўтган кредитлар миқдорини минималлаштириш, кредит портфели таркибининг тасдиқланган кредит сиёсатига мослиги (соҳалар, ҳудудлар ва муддати бўйича) каби масалаларни назорат қилишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). www.lex.uz.

2. Азларова А.А. Тижорат банкларида кредит портфелини самарали бошқариш масалалари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил.

Абдуллаев Д.И. *– ОБМ тингловчиси*

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШДА БАНК КРЕДИЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳиятидан имкон қадар тўлароқ фойдаланиш, унинг рақобатдошлигини ошириш, сифат жиҳатидан такомиллаштиришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари муҳим ўрин тутади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш – саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт шаклида харид қилиш орқали қўлланилувчи деталлар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хомашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёнидир. Айни пайтда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар,

бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш имконини беради.

Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши қуйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;
- маҳаллий хомашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўрсатилаётган молия¬вий хизматлар, жумладан, ажратилаётган кредитлар ҳажмининг жадал суръатларда ошишида ўз аксини топмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жадал ривожланишида, ҳудудларда ресурс тежамкор ишлаб чиқаришни молиявий қўллаб-қувватлаш ва маҳаллийлаштириш учун тижорат банклари кредитларидан самарали фойдаланиш мамлакатимиз иқтисодиётида тобора муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан амалга оширилаётган микромолиялаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг кўламдаги ишлар яққол кўзга ташланади.

“Ўзмиллийбанк” АЖ ва унинг тасарруфидаги филиалларида сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимиз томонидан Пул муомаласини тартибга солиш ҳамда кичик бизнес ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ҳамда экспорт салоҳиятини янада ошириш, маҳаллийлаштириш жараёнларнм самарали амалга ошириш борасидаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида комплекс банк хизматларини кўрсатишни давом эттириб, Банк фаолиятининг асосий йўналишларида ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Ўзмиллийбанк кредит қўйилмалари тақсимоти бўйича кўрадиган бўлсак, 2020 йилда инвестицион кредитлар ҳажми 84 фоиз бўлган бўлса, 2021 йилда 88 фоизни ташкил этгани ҳолда ўсиши кузатилган.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг кредит қўйилмалари динамикаси келтирилган бўлиб, унга кўра 01.01.2015 йилда соҳалар бўйича йўналтирилган кредитлардан ташкил топган ҳолда жами бўлиб, 3672165 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 01.01.2021 йилга келиб, 13022120 млн.сўмни ташкил этгани ҳолда ўсиш кузатилган.

“Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўрнатилган режага асосан бир қатор саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва маҳаллийлаштиришга боғлиқ бўлган йўналишларда кредитлар ажратилди.

Кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2022 йил 1 январь холатига 180 385,4 млн. сўм кредитлар ажратилиб, белгиланган режа 103,5 фоизга бажарилди. Филиаллар қирқимида режа тўлиқ бажарилган.

Кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари хисобидан Микрокредитлар 2022 йил 1 январь холатига 18 100,4 млн. сўм кредитлар ажратилиб, белгиланган режа 119,7 фоизга бажарилди. Филиаллар қирқимида режа тўлиқ бажарилган.

“Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан кредит ресурслари турли муддатларга жойлаштирилди. Бунда асосий эътибор фаол кредит тарихига эга, ўз бизнеси соҳасида барқарор ва ишончли ўрин эгаллаган, таъминочилар ва харидорлар билан яхши алоқа ўрнатилган иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва ташкилотларига қаратилди.

2022 йил 1 январь ҳолатига банкнинг йиғма баланси (барча валюталарнинг сўмдаги эквиваленти ҳисобида) суммаси 793 676 216 668.32 сўмни ташкил этади. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига бўлимда жами 66 017 та мижозларга хизмат кўрсатилган.

Умуман олганда ушбу даврда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам банк тизими, халқаро андозаларга мос келувчи замонавий банк назорати ва банклар фаолиятини тартибга солиш механизми вужудга келтирилди.

Urolov B. *– OBM tinglovchisi*

KORPORTATIV XARIDLARNI AMALGA OSHIRISHNIRNG LOGISTIK TIZIMI

Ishlab chiqarish uchun tovarlar va materiallarni sotib olishni boshqarishning eng muhim elementi joriy rejaning bajarilishini monitoring qilishdir, uning mohiyati xarid qilishning amaldagi holatining rejalashtirilganidan og‘ishlarini aniqlashdir. Amalda, ko‘pincha ushbu muhim boshqaruv funksiyasining bajarilishini faqat tovarlar va materiallarni sotib olish davri yakunlanganda kuzatiladi, ya’ni. “Faktdan

keyin”, nazorat natijalaridan foydalanishning yagona imkoni mavjud bo‘lganda: ularni kelajakda ko‘rib chiqish lozim.

Biz tovar-moddiy zaxiralarni xarid qilishni rejalashtirish samaradorligini oshirish uchun boshqaruvning ushbu shakli uni amalga oshirishning operatsion usullari bilan to‘ldirilishi kerak deb hisoblaymiz. Bu nazorat operatsiyalarini o‘tkazish, ularni nafaqat oxirida, balki hisobot davrida ham bajarishni anglatadi. Operatsion nazoratni tovarlar va materiallarni iste’mol qilish uchun ishlab chiqarish ehtiyojlari, shuningdek to‘lovlar va mahsulotlarni berish kalendar jadvallari bilan birgalikda xaridlar limiti qoldig‘ining haqiqiy holatiga qaratish tavsiya etiladi.

Nazorat natijalarini tahlil qilish jarayonida aniqlangan kamchiliklarning yo‘l qo‘yilish darajasi aniq belgilanishi, ularning paydo bo‘lish sabablari va "aybdorlari" aniqlanishi kerak, ular korxonaning moddiy resurslarini boshqarish bo‘yicha boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun ma’lumot bazasini tashkil qilishi kerak. Xaridlarning samaradorligini oshirish uchun tovar-moddiy zaxiralarni xarid qilish jarayonining asosiy ko‘rsatkichlari to‘plamini ishlab chiqish tavsiya etiladi. Biz quyidagi ko‘rsatkichlarni kiritish kerak deb hisoblaymiz:

• xarid shartnomasini amalga oshirish xarajatlari, shu jumladan vaqt sarfi va xarajatlar;

• kontragent tomonidan y berish jadvaliga rioya qilinishi;

• buxgalteriya narxlari, nomenklaturasi va yetkazib berish hajmidagi o‘zgarishlar;

• tovarlar va materiallarni sotib olish uchun javobgarlik markazlarining ma’muriy va yordamchi xodimlarga sarflanadigan xarajatlar;


• omborlarning har kvadrat metri uchun saqlash zaxiralarini o‘rnatish, tushirish va saqlash xarajatlari;

•transport va xarid xarajatlari va boshqalar.

Ta’kidlash joizki, inventarizatsiyani rejalashtirishni optimallashtirish nafaqat rejalashtirilgan funksiyani bajarish, balki umuman korporativ boshqaruv samaradorligini oshiradi..

Keskin bozor raqobati sharoitida ishlaydigan zamonaviy korxona xarid jarayonini tahlil qilishga alohida e’tibor berishi kerak, chunki uning uzluksiz ishlashi va samaradorligi xarajatlarni sezilarli darajada pasaytirishni ta’minlaydi. Xarid qilish jarayoniga bevosita ta’sir ko‘rsatadigan vosita ularning chegarasini belgilaydigan xarid qilish byudjeti (rejasi) hisoblanadi. Belgilangan xaridlar limitiga rioya qilish nafaqat materiallardan foydalanish xarajatlari, balki moddiy boyliklar zaxiralari hajmi bo‘yicha ham ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Taqdim etilgan bog‘liqliklardan kelib chiqib, har bir aniq omilning xarid hajmini shakllantirishga ta’sirini aniqlash mumkin. Logistika tizimining xarid jarayonlari uzluksizligining asosiy shartlaridan biri bu jarayonlarni tashkil etishdir. Tashkilotni takomillashtirish yuqorida ko‘rib chiqilgan tashkiliy tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish bilan hal eьtilishi mumkin.



1-rasm. Korportativ xaridlarni amalga oshirishnirng logistik tizimi

Korxonada xaridlar jarayonining shaffofligi asosliligi, shu jumladan, mahsulotlarning sifat va narx bo‘yicha belgilangan parametrlarga muvofiqligini hisobga olgan holda xaridlarni, shuningdek moliyaviy resurslardan samarali foydalanilishi to‘g‘risida audit tizimi faoliyati tashkil etiladi.

SHunday qilib, xarid jarayoni korxona yoki tashkilotning maqsadlariga erishishda asosiy rollardan birini o‘ynaydi. Agar xarid qilish funksiyasi bajarilmasa yoki unga etarlicha e’tibor berilmasa, korxona kerakli xom ashyoni kerakli vaqtda va tayyor mahsulotni raqobatdosh va nazorat qilinadigan narxda ololmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Мизиковский И.Е. Процессно-ориентированное моделирование трансформации затрат промышленного предприятия // Аудит и финансовый анализ. 2011. № 3.

2. Кузнецов К.В. Конкурентные закупки: торги, тендеры, конкурсы: Издательство: Питер: 2005. – 228 с.

Собиров О. *– ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Акциядорлик жамиятларида (АЖ) корпоратив бошқарув тизими фаолият шаффофлигини оширишга, акциядорлар ва инвесторлар билан ишончли ва самарали муносабатларни яратиш ва сақлашга қаратилган. Ахборотни ошкор қилишнинг юқори даражадаги шаффофлиги ва тўлиқлигини таъминлаш жамият учун энг муҳим устувор йўналишлардан биридир. Кўпгина ҳолларда акциядорларни назорат қилиш турли хил мотивлар ва устуворликларга эга, менежмент билан муносабатларни ўз услубида ўрнатади, баъзи ҳолларда бошқарувда фаол иштирок этади, бошқаларда - фақат асосий

қарорлар устидан назоратни кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши орқали амалга оширади.

Корпоратив бошқарув тамойиллари ва усулларини жорий этишнинг аҳамияти ҳақида гапирганда, қуйидаги ижобий натижаларни келтириш мумкин [3]:

- АЖ жозибадорлигини ва акциядорларнинг қизиқишини ошириш;
- акциялар қийматининг ошиши ва жалб қилинган капитал нархининг пасайиши;
- акцияларнинг номинал қиймати бирлигига жалб қилинган капитал ҳажмининг ўсиши; дивидендлардан тежаш имконияти (акциядорлар бозор қийматининг ўсиши ҳисобига фойда кўришади);
- АЖ ва унинг акциядорларининг фойдали ва барқарор ривожланиши манфаатлари учун оператив самарадорлик ва капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; компания ва мамлакат обрўсини ошириш.

Барча корпоратив бошқарув тизимлари тўрт асосий принцип атрофида қурилади: ҳалоллик, ҳисобдорлик, жавобгарлик, ошкоралик.

АЖ корпоратив бошқарув тузилмасига қуйидагилар киради:

• АЖнинг юқори бошқарув органи бўлган акциядорларнинг умумий йиғилиши;

• АЖ фаолиятига умумий раҳбарлик ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини белгилашни амалга оширадиган кузатув кенгаши;

• жорий фаолиятни кундалик бошқаришни амалга оширадиган ижро этувчи орган.

Корпоратив бошқарувни ҳар хил табиатдаги бир-бирига боғланган механизмларнинг мураккаб мажмуаси сифатида қараш мумкин: ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий, мотивацион, ижтимоий-психологик, уларнинг ҳар бири ўзига хос жамият фаолиятига таъсир шакллари ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув доирасида инвесторлар менежерлар фаолияти устидан қандай қилиб назоратни амалга ошириши, шунингдек менежерлар корхона фаолияти натижалари учун инвесторлар олдида қандай жавобгар бўлишлари аниқланади. Тегишли корпоратив бошқарув тизими инвесторларга менежмент ўз сармояларини молия-хўжалик фаолияти учун оқилона фойдаланаётганига ва шу билан инвесторнинг капиталдаги улуши қийматини ошираётганига ишонч ҳосил қилишга имкон беради[2].

Корпоратив бошқарув тизимининг самарали қурилиши корпоратив муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги низоларни минималлаштириш ва уларнинг манфаатларини қондириш даражасини максимал даражага кўтариш ва индивидуал корпоратив мақсадларга эришиш шароитида корпорация ривожланишининг барқарорлигини таъминлаши мумкин[1].

Корпоратив бошқарувни ривожлантириш ҳар бир компаниянинг стратегик мақсадидир. Ушбу мақсадга эришиш компанияга нафақат ўз имиджини яхшилашга ва манфаатдор томонларнинг тахминларини ва тартибга солиш талабларини қондиришга, балки ўз жараёнларида иқтисодий

самарадорликни оширишга ва компаниянинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин

Тадқиқотларимиз натижалари мамлакатимиз корхоналарида корпоратив бошқарувни янада ривожлантиришнинг айрим йўналишларини ишлаб чиқишга имкон берди:

• акциядорлик жамиятлари фаолиятида давлат идоралари, акциядорлар ва менежмент ўртасидаги вазифалар ва ваколатларни аниқ чегаралаш;

• халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини амалга ошириш;

• акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, акциядорлик жамиятларининг очиқлиги ва ошкоралигини ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг халқаро стандартларини жорий этиш учун қулай шароитлар яратиш;

• акциядорлик жамиятлари фаолиятини стратегик бошқариш ва назорат қилишда акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ролини ошириш;

• қимматли қоғозлар бозорини, айниқса иккиламчи бозорни янада ривожлантириш, унинг ахборот-техник базасини мустаҳкамлаш.

Юқорида келтирилган таклифларни амалга ошириш натижасида акциядорлик жамиятлари ўзларининг устав фондларига чет эл капиталини кенг жалб қилишлари мумкин, натижада корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини фаол жорий этиш, акциядорлар учун қулай шароитлар яратиш корхонани стратегик бошқариш ролини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Basyuk A.S., Prokhorova V.V., Kolomyts O.N., Shutilov F.V., Anisimov A.Y. Administration management in the innovation cluster // International Review of Management and Marketing. 2016. Vol. 6. № 6. P. 180-184.

2. Исаев Д. Корпоративное управление и стратегический менеджмент: информационный аспект. Litres, 2019.

3. Турсунов Г. Важность корпоративного управления АО в современном развитии экономики страны // Бизнес-эксперт, 2017. № 3.

Умаров А.А. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ТАЪЛИМ ВА ИЖТИМОИЙ МАДАНИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТИЗИМИДАГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ УСУЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун

муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.[1] Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини кенгайтириш, соҳага босқичма-босқич тиббий суғурта тизимини жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида:

Информационный портал автоматически определяет среднюю стоимость ремонта и общий объем ремонтируемых внутригородских дорог по каждому району (городу), исходя из параметров районного (городского) бюджета.

Порядок формирования предложений по ремонту внутренних дорог на основе общественного мнения через информационный портал:

1. Общественное мнение через информационный портал формируется на основе предложений, внесенных непосредственно гражданами;

2. В процессе подачи предложений и голосования через информационный портал могут участвовать только совершеннолетние граждане;

3. Граждане могут ежегодно выдвигать только одно предложение на ремонт внутренних дорог и голосовать только за одно предложение. Гражданам запрещается голосовать за внесенное ими предложение.

4. Внесение предложений по ремонту внутренних дорог осуществляется гражданами путем выбора одной из соответствующих внутренних дорог в Реестре внутренних дорог, представленном на информационном портале.

5. Внесение предложения через информационный портал осуществляется путем регистрации непосредственно на портале.

6. Предложения, представленные в каждом районе и городе, сортируются сверху вниз на основе наибольшего количества голосов, поданных за них.

7. Предложения-победители автоматически определяются в последовательности с учетом стоимости реализации предложений в пределах не менее 50 процентов средств, выделенных на ремонт территориальных внутренних дорог в параметрах районных (городских) местных бюджетов.

8. В случае если стоимость реализации предложений, признанных победителями в последовательности, составляет менее 50 процентов средств, выделенных на ремонт внутригородских территориальных дорог в параметрах местного бюджета соответствующего района (города), победителем признается и очередное предложение в последовательности, не превышающее в параметрах местного бюджета соответствующего района (города) стоимости средств, выделенных на ремонт внутригородских территориальных дорог.

9. Величина средств, выделенных на предложения, признанные победителями, уточняется при расчете на основании проектно-сметной документации. При этом не допускается превышать 5 процентов от начальной стоимости предложения, которая определяется на основании проектно-сметной документации, по стоимости которой признается победитель. На основании проектно-сметной документации, если стоимость реализации

предложения превышает 5 процентов от стоимости первоначального предложения, проектно-сметная документация будет пересмотрена.

10. В случае, если ремонт внутренних дорог, указанных в объявленном победителем предложении, будет предусмотрен в текущем году в рамках соответствующих постановлений Президента Республики Узбекистан, правительства или программ развития за счет других источников, на информационный портал Министерства финансов Республики Каракалпакстан, главных финансовых управлений хокимията областей и города Ташкента загружаются документы, являющиеся основанием для финансирования данного предложения за счет других источников, и данное предложение автоматически исключается из списка победителей на информационном портале, в этих случаях информационный портал переформатирует список победителей в соответствии с последовательностью.

11. Выигрышные предложения регистрируются в реестре внутренних дорог и не имеют возможности повторно подать заявку в течение следующих трех лет.

Основной целью данных процессов, исходя из предложений широкой общественности, является систематическое устранение имеющихся недостатков и проблем на внутренних дорогах, а также обеспечение открытости и прозрачности в расходовании бюджетных средств.

Список литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисидаги ЎРҚ-657–сонли Қонуни *https://lex.uz/docs/5186044?query=2021*;
2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисидаги ЎРҚ-742–сонли Қонуни https://lex.uz/docs/5801127;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ–3917-сон “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори https://lex.uz/docs/3879197;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори https://lex.uz/docs/5370805;
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги ҚҚ-213-IV-сон қарори https://lex.uz/docs/5411557;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 сентябрдаги ПҚ-5250-сон “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори https://lex.uz/docs/5651405;

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги ҚҚ-213-IV-сон қарори https://lex.uz/docs/-5848112;
8. Иқтисодиёт назарияси- Академик М. Шарифжоджаев илмий таҳрири остида тўлдирилган 2 нашр, Тошкент 2005 йил;
9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий веб-сайти (www.mf.uz) https://www.mf.uz/uz/;
10. Ўзбекистон Республикаси Очиқ бюджет ахборот портали (www.openbudget.uz/ www.ochiqbudget.uz) https://www.openbudget.uz/;
11. Иқтисодий таълимотлар тарихи маърузалар матнидан- А.исломов, Э.егамов Тошкент 2009 йил;
12. “Бозор пул кредит” Олий илмий-амалий иқтсодий журнали 2021 йил ноябрь ойидаги сони (ISSN 2010-6580)
13. Илмий амалий журнал “Молячи маълумотномаси блютени” 2021 йил 4 чоракдаги 120-сон.
14. Илмий амалий журнал “Молячи маълумотномаси блютени” 2022 йил 1 чоракдаги 121-сон.
15. Citizens’ Panel. (2018). involve.org.uk. Available from https://www.involve.org.uk/resources/methods/citizens-panel;
16. Falanga, R. (2018). The National Participatory Budget in Portugal: Opportunities and Challenges for Scaling up Citizen Participation in Policymaking. Hope for Democracy: 30 years of Participatory Budgeting Worldwide, 447–466. Available from https://doi.org/978-989-54167-0-7 (Accessed 1 May 2021);
17. Kang, Y.K. and Min, S.Y. (2013). Public Participation in the Budget Process in the Republic of Korea. Worldbank.org. Available from https://doi.org/http://documents.worldbank.org/curated/en/178151523259318780/Public-participation-in-the-budget-process-in-the-Republic-of-Korea (Accessed 30 April 2021);
18. Public Participation and the Budget Cycle: Lessons from Country Examples | PFM-KIN. (2014). Pfmkin.org. Available from https://www.pfmkin.org/node/315 (Accessed 1 May 2021).

Норкулов С.Т. – ОБМ тингловчиси

КОРХОНАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАВСИФЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ

Корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг шартларидан бири бўлиб, ушбу саноат корхоналари фаолиятининг барқарор ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашни баҳолаш масаласи хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинган ҳамда тегишли

хулосалар, тавсиялар шакллантирилган.

Россиялик иқтисодчи олим Л.Колпакова мақсадли дастурлаштириш методологиясини қўллаш асосида озиқ-овқат маҳслуотларини ишлаб чиқариш соҳасида инновацион технологик жараёнларни баҳолаш методикасини ишлаб чиққан.

Унинг хулосасига кўра, ҳар қандай технология турли кўрсаткичлар билан тавсифланади ва мезонлар сифатида $f_1, f_2, \ldots, f_m$,ни олади. Мазкур мезонларнинг ҳар бирида Х эҳтимолий қарорларни максималлаштириш лозим, деб ҳисоблайди.

Л.Колпакова мақсадли режалаштириш методологиясига мувофиқ, R^m чегаравий кенликда U кўплик идеал векторларни беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бунда $U \cap Y = \varnothing$ тенглик мавжуд бўлиб, Y кўплик эҳтимолий векторларни англатаид, яъни $Y = f(X)$.

Бундан ташқари, R^m чегаравий кенликда $\rho=\rho(y,z)$ рақамли функцияси берилган бўлиб, ушбу функция *y и z* векторлар жуфтлигининг ҳар бирида *y ва z* векторлар ўртасидаги масофани таққослайди.

Мақсадли дастурлаштириш методига мувофиқ, шундай $x^* \in X$ қарори танланадики, униг учун қуйидаги тенглик бажарилиши керак:

$$\inf_{y \in U} \rho(f(x^*), y) = \min_{x \in X} \inf_{y \in U} \rho(f(x), y)$$

Мазкур тенглик $f(x^*)$ вектор энг яхши x^* қарорга мос келишини англатади ва у кўплик идеал векторлардан минимал эҳтимолий масофада бўлиши керак.

Бундай шароитда метрикани танлаш қуйидаги параметрик оиладан амалга оширилади:

$$\rho_a^{(s)}(y,z) = \left(\sum_{i=1}^{m} a_i \left| y_i - z_i \right|^s \right)^{1/s},$$

Бу ерда:$s \geq 1$ и$a=(a_1,\ldots, a_m)$; $a_i>0$ длявсех$i=1,2,\ldots, m$.

Хусусий ҳолатда, яъни технологиялар 2 та параметр билан $s=2$, и$a_i=1$, $i=1,2,\ldots, m$таққосланганда мезонлар тенг кучли бўлади:

$$\rho^{(2)}(y,z) = \sqrt{(y_1 - z_1)^2 + (y_2 - z_2)^2}\ .$$

Л.Колпакова технологик жараён вариантининг самарадорлигини 4 та мезон бўйича аниқлашни таклиф этади:

$$\rho^{(4)}(y^{(i)},0) = \sqrt[4]{\bar{y}_1^{\,4} + \bar{y}_2^{\,4} + \bar{y}_3^{\,4} + \bar{y}_4^{\,4}}$$

бу ерда $\bar{y}_i$ − мезонларнинг модификациялашган миқдорларидир[1].

И. Ансофф стратегияни ташкилот ўз фаолиятида риоя этадиган қарорларни қабул қилиш учун қоидалар тўплами сифатида таърифлаган. Унинг концепциясига асосан корхонанинг умумий стратегияси ресурслардан қандай фойдаланиш кераклигини белгилайди, бозорлар, ривожланиш йўналишлари, рақобат

[1] Колпакова Л.Г. Анализ и совершенствование эффективности гибких технологических процессов производства пищевых продуктов в условиях многоассортиментного выпуска. Дисс. на соиск. уч.ст. к.э.н. – Санкт-Петербург, 2009. – С. 9-10.

устунликлари, кутиладиган синергияни қайд этади[1].

Озиқ-овқат саноти корхоналари фаолиятининг барқарорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, Молиявий левераж коэффициенти ҳисобланади.

Молиявий леверж коэффициенти хўжалик субъектининг ўз маблағлари билан таъминланганлигини кўрсатади.

Молиявий леверж = Ўз маблағлари : Жами қарз мажбуриятлари.

Ушбу коэффициентининг максимал меъёрий даражаси 0,25 қилиб белгиланган. Бошқача айтганда, хўжалик субъектининг 1 сўмлик ўз маблағига 4 сўмгача қарз мажбурияти тўғри келиши керак.

Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида, шу жумладан, Францияда молиявий левераж коэффициенти директив кўрсаткич сифатида белгиланган. Ўзбекистонда эса, молиявий левераж коэффициенти бўйича корхоналарга норматив белгиланмаган.

Озиқ-рвқат саноти корхоналариларнинг ўз маблағларига қуйидагилар киради: устав капитали; фойда ҳисобидан шакллантирилган захиралар; қўшилган капитал; соф фойда; ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси.

Хўжалик субъектининг устав капитали унинг оддий акцияларини сотиш йўли билан шакллантирилади. Фойда ҳисобидан шакллантириладиган захиралар эҳтимолий йўқотишларни қоплашга мўлжалланган. Қўшилган капитал корхонанинг оддий акциялари билан имтиёзли акцияларининг бозор баҳоси билан номинал қиймати ўртасидаги фарқдир. Янги чиқарилган акциялар номинал қийматида эмас, балки бозор баҳосида сотилиши керак. Янги акция чиқариш учун қарорни акциядорларнинг умумий йиғилиши қабул қилади.

Ўзбекистон амалиётида корхоналарнинг соф фойдаси қуйидаги тартибда шаклланади: Маҳсулоларни сотишдан олинган тушумдан маҳсулот таннархини айириб ташласак **ялпи фойда** келиб чиқади. Ялпи фойдадан давр харажатларини айириб ташласак, у ҳолда **асосий фаолиятнинг фойдаси** келиб чиқади.

Давр харажатларига қуйидагилар киради: сотиш харажатлари; маъмурий харажатлар; бошқа операцион харажатлар; келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари.

Ялпи фойдага молиявий фаолиятдан олинган даромад қўшилиб, ундан молиявий фаолият бўйича харажатлар айириб ташланса, **умумхўжалик фаолиятининг фойдаси** келиб чиқади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга қуйидагилар киради: дивидендлар; фоиз шаклидаги даромадлар; узоқ муддатли ижара ёки лизингдан олинган даромадлар; валюта курси фарқи кўринишида олинган даромадлар; молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари.

Молиявий фаолият бўйича харажатларга қуйидагилар киради: фоиз

[1] Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. - СПб: «Питер», 1999.-416 с.; Ансофф И. Стратегическое управление: пер. с англ. - М.: Прогресс, 1999.-С. 117.

шаклидаги харажатлар (корхона чиқарган облигациялари учун тўаланадиган фоизлар, олган кредитлари учун тўланадиган фоизлар ва бошқалар); узоқ муддатли ижара ёки лизинг бўйича фоиз шаклидаги харажатлар; валюта курси фарқидан зарарлар; молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар (сотиб олинган қимматли қоғозларнинг бозор баҳосини пасайиши ва бошқалар).

Умумхўжалик фаолиятининг фойдасига фавқулоддаги фойдани қўшиб, ундан фавқулоддаги зарарни айириб ташласак, у ҳолда **даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда** ҳосил бўлади. Ушбу фойдадан даромад (фойда) солиғи суммаси айириб ташланса, у ҳолда **ҳисобот даврининг соф фойдаси** ҳосил бўлади.

Ҳисобот даврининг соф фойдасидан тўланган дивидендлар суммасини айириб ташласак, **ўтган йилнинг тақсимланмаган фойдаси** ҳосил бўлади.

Дивидендлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тўлаанади. Агар акциядорлар умумий йиғилиши соф фойдани тўлиқ, яъни 100% дивиденд сифатида тўлаш тўғрисида қарор қабул қилса, ўтган йилнинг тақсимланмаган фойдаси юзага келмайди.

Озиқ-овқат саноти корхоналарининг қарз мажбуриятларига қуйидагилар киради: давлат бюджети олдидаги солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик; сотиб олинган хом-ашё ва материаллар бўйича кредитор қарздорлик; тижорат банкларидан олинган кредитлар бўйича қарздорлик; корхона чиқарган қимматли қоғозлар бўйича қарздорлик; ишчилар олдидаги меҳнат ҳақи бўйича қарздорлик; векселлар бўйича қарздорлик.

Корхоналар товарларни кредитга сотганда қарздорлик тижорат вексели билан расмийлаштирилади. Векселда кўрсатилган сумма фоизи билан тўланади.

Озиқ-овқат саноти корхоналарининг ликвидлилигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири – тезкор ликвидлилик коэффициентидир. Тезкор ликвидлилик коэффициенти корхона ликвидли активларини жорий пассивларга атқисмлаш орқали аниқланади. Ушбу коэффициентнинг энг паст меъёрий даражаси 1,0 га тенг.

Ликвидли активлар: пул маблағлари; дебитор қарздорлик; юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар.

Пул маблағларига қуйидагилар киради: кассадаги нақд пуллар; корхонанинг банкдаги ҳисобрақамларидаги пул маблағлари; ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича банкда депонент қилинган пуллар.

Проф. А.Бурхановнинг фикрига кўра, саноат корхоналарининг барқарорлигини билвосита тавсифловчи кўрсаткичлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: инфляция даражаси; миллий валютанинг қадрсизланиш (девальвация) суръати; давлат бюджети дефицити даражаси; давлат қарзи даражаси.

Халқаро валюта фонди экспертларининг тавсиясига кўра, инфляциянинг йиллик даражаси 3 фоиздан ошмаса, бу мўътадил инфляция ҳисобланади. Миллий валютанинг йиллик қадрсизланиш суръатининг 10 фоизга етиши ва ундан юқори бўлиши молиявий инқироз белгиси ҳисобланади.

Халқаро амалиётда давлат бюджети дефицити даражаси ва давлат қарзи даражаси кўрсаткичлари бўйича Маастрихт шартномасида кўзда тутилган меъёрий даражалар ва мезонлар қўлланилади.

Халқаро амалиётда қабул қабул қилинган таснифга кўра, компанияларнинг умумий пул оқими пул маблағлари кирими билан пул маблағлари чиқими суммаси ўртасидаги фарқ суммасидир.

1-жадвал

Корхоналарда пул маблағлари кирим ва чиқим элементлари[1]

Пул маблағлари кирим элементлари	**Пул маблағлари чиқим элементлари**
Таҳлил қилинаётган давр мобайнида олинган фойда	Дебитор қарздорлик ва товар-моддий захираларга қўшимча маблағлар жойлаштириш
Асосий воситаларга ҳисобланган амортизация ажратмалари	Солиқлар, фоизлар, дивидендлар, бўнаклар тўлаш;
Дебитор қарздорлик ва товар-моддий захираларига жойланган маблағларнинг бўшаб қолиши	Пеня ва жарималар тўлаш;
Кредитор қарздорлик миқдорининг кўпайиши	Банклардан олинган кредитларни тўлаш
Тижорат банкларидан кредитлар олиш	Тижорат кредитлари бўйича асосий қарз суммаси ва фоизларни тўлаш
Акциядорлик капитали ва бошқа пассивлар суммасининг ошиши	Кредитор қарздорлик миқдорининг камайиши
Молиявий грантлар жалб қилиш	Акциядорлик капитали суммасининг камайиши

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, корхоналарда пул оқимининг кирими ва чиқими аниқ элементлардан ташкил топган. Корхоналарнинг ижтимоий ривожланишини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади: корхона ходимларининг даромадлари миқдорининг ошиши; меҳнат хавфсизлиги даражасининг ошиши; иш ўринларини кўпайиши; меҳнат шароитларини яхшиланиши; ходимларнинг умрини узайиши; ходимларни касалланиш даражасини камайиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Колпакова Л.Г. Анализ и совершенствование эффективности гибких технологических процессов производства пищевых продуктов в условиях многоассортиментного выпуска. Дисс. на соиск. уч.ст. к.э.н. – Санкт-Петербург, 2009. – С. 9-10.
2. Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. - СПб: «Питер», 1999.-416 с.; Ансофф И. Стратегическое управление: пер. с англ. - М.: Прогресс, 1999.-С. 117.
3. Банковское дело. Учебник. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 360-361.

[1] Банковское дело. Учебник. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 360-361.

Норкулов С.Т. – ОБМ тингловчиси

ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

Транспорт хизматлари соҳаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича қуйидаги аниқ вазифалар белгиланган: Тошкент шаҳри ва ҳудудларда жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш; шаҳарлараро ва шаҳар атрофи темир йўл қатновлари жозибадорлигини ошириш; транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш ва автомобиль йўллари тармоғини жадал ривожлантириш; транспорт соҳасида ташқи савдо учун “яшил коридорлар” ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажмини 15 миллион тоннага етказиш[1].

Эътироф этиш жоизки, транспорт вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикаси транспорт тизимини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси” юзасидан тегишли қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, барча манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда 2019 йил 4 сентябрда хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган. Ўз навбатида Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 14 декабрь куни мазкур қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига келишиш ва тасдиқлаш учун киритган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 2 мартда тасдиқланган давлат дастурига мувофиқ Стратегия лойиҳаси 2030 йилгача ўзгартирилган.

Ҳозирги вақтда мутахассислар логистика ривожланиш стратегияси ва LPI рейтингини ошириш чораларини ишлаб чиқиш устида ишламоқдалар. Айни пайтда темир йўл тармоғининг йирик станциялари ва узелларига ташриф буюриб, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг логистика салоҳиятини ўрганиш ишларининг дастлабки босқичлари амалга оширилди. Бундан ташқари, “DB Engineering & Consulting Gmbh” (Германия) компанияси билан қуйидаги йўналишларда ишлар режалаштирилган:

1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг транспорт бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш, молиявий барқарорлигини ошириш.
2. Темир йўл транспорти самарадорлигини ошириш, тариф сиёсатини такомиллаштириш, юк ташишни ривожлантириш.
3. Транспорт ва логистика хизматларини такомиллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, давлат-хусусий шерикчилик (ГЧП) механизмини жорий этиш масалаларини ўрганиш.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортини рақамлаштириш даражасини ошириш.

5. Йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш.

“DB Engineering & Consulting Gmbh” компанияси билан тузилган шартнома асосида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун "Йўл харитаси" тайёрланиб, “DB Engineering & Consulting Gmbh” компанияси билан келишилди. Шунингдек, 2022 йилнинг 7 май куни “DB Engineering & Consulting Gmbh” компанияси раҳбарияти билан видеконференция форматида, 12 май куни Транспорт вазирлигида “DB Engineering & Consulting Gmbh” компаниясининг масъул ходимлари иштирокида “Йўл харитаси”даги масалалар юзасидан музокаралар олиб борилди ҳамда ишларни жадаллаштириш бўйича 19-26 май кунлари ҳисобот учрашуви ўтказилди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида хизматлар ва транспорт хизматлари ҳажми[1]

Кўрсаткичлар	**2019 й.**	**2020 й.**	**2021 й.**
Хизматлар – жами, млрд. сўм	190 352	218 853	283 301
Шу жамладан: Транспорт хизматлари, млрд. сўм	53 576	53 772	67 418
Транспорт хизматларининг жами хизматлар ҳажмидаги улуши, %	28,1	24,6	23,8

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматларнинг умумий ҳажми ва шу жумладан транспорт хизматларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, биринчидан, хизматлар соҳасини ривожланиб бораётганлигидан далолат беради; иккинчидан, транеспорт хизматларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2019-2021 йилларда республикамизда транспорт хизматларининг жами хизматлар ҳажмидаги улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, транеспорт хизматларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.


Эътироф этиш жоизки, республикамизда транспорт тармоғи таркибида юк ташиш бўйича автомобиль транспорти муҳим ўрин тутади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамизда, умумий юк ҳажмида умумфойдаланиш автомобиль транспорти корхоналари томонидан ташилаётган юк ҳажми улуши йилдан йилга камайиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Уларнинг ўрнини асосий рақобатчи сифатида хусусий ва якка тартибдаги ташувчилар эгаллаб бормоқда. Улар ихтиёридаги транспорт воситалари сони умумфойдаланиш автомобиль транспорти корхоналарига нисбатан икки баробарга ортиб кетган. Бунинг асосий сабаби бўлиб, тармоқ корхоналари автомобиль паркининг асосий қисмини ўртача юк кўтариш қобилиятига эга универсал автомобиль транспорти воситалари ташкил этади ва бугунги кунга келиб бундай автомобиллар хизматига тижорат талаби

[1] Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

пасайиб бормоқда.


1-расм. Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати, фоизда[1]



1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, республикамизда 2019-2021 йилларда транспорт хизматлари ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари кузатилган. Айниқса, 2021 йилда ушбу ўсиш суръати жуда юқори бўлган. Бу эса, транспорт хизматларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Ўз навбатида, транспорт хизматлари ҳажмининг юқори ўсиш суръатларига эга эканлиги юк ташиш ва одамларни ташиш ҳажмини параллель равишда ўсаётганлиги билан изоҳланади. Хусусан, ишлаб чиқариш ҳажмини коронавирус пандемиясидан кейинги даврда тикланаётганлиги, ички туризмни ривожланаётганлиги транспорт хизматлари ҳажмини ошишида муҳим ўрин тутмоқда.

Бироқ, транспорт логистикаси нуқтаи-назаридан Ўзбекистон ноқулай жойлашган. Дунёда сув йўлига чиқиш учун камида иккита давлатни ҳудудини босиб ўтадиган атиги иккита давлат мавжуд – Ўзбекистон ва Лихтенштейн. Сув транспорти эса, дунёда энг арзон транспорт ҳисобланади.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати, 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, фоизда[2]

2-расм маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари ичида энг юқори салмоқни автомобиль транспорти эгаллайди. Ундан кейинги ўринларни эса, қувур транспорти ва темир йўл транспорти эгаллайди.

[1] Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

[2] Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

Улар асосан автомобиль транспорти тизимида фаолият юритиб, транспорт-логистика хизматлари кўрсатишда уларнинг улуши сезиларли даражада ортганлигини қайд этиб ўтиш мумкин. Бу каби корхоналар сонининг ошиб бориши билан рақобат кураши кучайиб, хизмат кўрсатиш сифати ортиб бормоқда.

Сўнгги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатини изчиллик билан амалга оширилаётганлиги уларнинг транспорт тизимидаги фаолиятининг ривожланишига ҳам замин яратади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини жадал ривожланишини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сонли "Мамлакатимизда транспорт-коммуникациялари, замонавий телекомуникация тизимларини ривожлантириш, муҳандислик-инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Хусусан, мазкур Қарорда 885 минг километрлик темир йўлларини электрлаштириш, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясининг паркини тубдан янгилаш, Андижондан Қўнғиротгача, Самарқанддан Термизгача, Қаршидан Шаҳрисабзгача бўлган йўналишларда қарийб 2700 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва қайта қуриш каби аниқ вазифалар белгиланган[1].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сонли "Мамлакатимизда транспорт-коммуникациялари, замонавий телекомуникация тизимларини ривожлантириш, муҳандислик-инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида"ги қарори. Қонунчиликдаги ўзгаришлар. www.gov.uz.
3. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сонли "Мамлакатимизда транспорт-коммуникациялари, замонавий телекомуникация тизимларини ривожлантириш, муҳандислик-инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида"ги қарори. Қонунчиликдаги ўзгаришлар. www.gov.uz.

Komilov Y.N. *- Bank moliya akademiyasi tinglovchisi*

O'ZBEKISTONDA IQTISODIYOT SUBYEKTLARINI KREDITLASH VA ULARGA XIZMAT KO'RSATISH SOHASIDAGI ZAMONAVIY BANK MAHSULOTLARINING HOLATI VA TAHLILI

Innovatsiya sohasi O'zbekiston Respublikasining milliy iqtisodiyotini rivojlantirish va globallashuv tendensiyalarini oshirish sharoitida raqobatbardoshligini ta'minlashning asosiy yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. "O'zbekiston Respublikasini 2019-2021-yillarda innovatsion rivojlantirish strategiyasi" da qayd etilgan: "O'zbekiston Respublikasining jadal rivojlanishining sharti fan va texnika yutuqlarini keng qo'llash bilan iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy va boshqa sohalarda zamonaviy innovatsion texnologiyalarni jadal joriy etishdir. Mamlakatimiz davlat va davlat hayotining barcha sohalarini jadal sur'atlar bilan rivojlantirish, mamlakatni jahon sivilizatsiyasi yetakchilari safiga tez va yuqori sifatli yutuqlarni ta'minlaydigan zamonaviy innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalar asosida olib borayotgan islohotlarni yaqindan qo'llab-quvvatlashni talab etadi. Shu bilan birga, tahlillar modernizatsiya qilish jarayonlarini innovatsion rivojlantirish, diversifikatsiyalash, ishlab chiqarish hajmining oshishi va ichki va tashqi bozorlarda raqobatbardosh mahsulotlarning tovar aylanmasini kengaytirish bo'yicha etarli ish olib bo'linmaganini ko'rsatdi. Ushbu kamchiliklar mamlakatning jadal sur'atlar bilan innovatsion rivojlanishiga to'sqinlik qilmoqda, investitsiyalarni, iqtisodiy o'sishni va davlat va jamiyat hayotining boshqa sohalarini jalb qilmoqda." Hujjat bilan, shuningdek, 2030 yilgacha O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasi va maqsadli ko'rsatkichlarini amalga oshirish bo'yicha "Yo'l xaritasi" tasdiqlandi. Shu munosabat bilan milliy iqtisodiyotning barcha soha va segmentlari, shu jumladan, bank sektorining innovatsion rivojlanishini ta'minlash dolzarb bo'lib qoladi. Bank sektorida davlatning mavjud ustuvor mavqei, banklarning turli davlat dasturlari va korxonalarini moliyalashtirish uchun vositachi sifatida faol ishtirok etishi quyidagi tizimli xavf va qiyinchiliklarga olib keldi:

–Jahon bankining "Doing Business" reytingida past natijalar, bu yerda O'zbekiston "Kredit olish" bo'limida 67-o'rinda turadi;

–zamonaviy sanoat talablariga muvofiq yirik tijorat banklarini transformatsiya qilishda orqada qolish, korporativ boshqaruv standartlari, axborot texnologiyalari, aktivlar va javobgarlikni boshqarishning zamonaviy usullari, mijozlar bilan aloqalarning amaliy qo'llanishida orqada qolish;

–an'anaviy "taraqqiyot banklari" funksiyalarining holati bilan banklar tomonidan qisman amalga oshirish, davlat ishtirokidagi ustuvor dasturlar, sohalar va korxonalarga bozor ko'rsatkichlaridan past bo'lgan stavkalarda kreditlar berish. Xorijiy valyutada imtiyozli uzoq muddatli moliyalashtirishning mavjudligi hosildorlik egri chizig'ining pastligiga olib keladi, bu esa davlat ishtirokidagi korxonalarga qisqa muddatli kreditlar emas, balki uzoq muddatli qarz olishni

arzonlashtiradi va rag'batlantiradi milliy valyutada emas, balki chet el valyutasida qarz olish;

–aktivlar va majburiyatlarni yuqori darajada dollarizatsiya qilishning mavjudligi, yirik korxonalar va iqtisodiyotning ayrim tarmoqlarida kredit va depozitlar kontsentratsiyasi, bu esa banklarni valyuta va kredit risklariga, shuningdek likvidlik riski bilan ta'minlaydi. 2020 yil boshida xorijiy valyutada denominatsiya qilingan kreditlar umumiy hajmning 48% ni tashkil etadi kredit hajmi, va xorijiy valyutadagi depozitlar va mablag'lar depozitlar umumiy hajmining 44% ni tashkil etadi. Eng yirik 10 ta qarz oluvchining ulushi banklar tomonidan davlat ishtirokida berilgan kreditlar umumiy hajmining 36% ni tashkil etadi;

–korporativ mijozlarga xizmat ko'rsatishga banklarning biznes modellarini yo'naltirish, bank bo'lmagan moliyaviy tashkilotlarning rivojlanmagan rivojlanishi, innovatsiyalar va axborot tizimlari tufayli moliyaviy qo'shilishning past darajasi. Natijada, jismoniy shaxslarga berilgan kreditlar umumiy kredit portfelining 19%ini, xususiy kreditlarning ulushi esa 81% ni tashkil etadi, boshqa mamlakatlarda esa bu ko'rsatkichlar odatda teng taqsimlanadi;

–Bank bo'lmagan kredit tashkilotlarini, shu jumladan mikromoliyaviy institutlarni rivojlantrishning yetarli emasligi. Natijada startap tadbirkorlar qatlamini qamrab oluvchi samarali mexanizmlar yaratilmagan, bu esa bank kreditlarini jalb qilishga qodir to‘liq biznesga bosqichma-bosqich "o‘sish" imkonini beradi".

Sog'lom chakana bank iste'molni oshiradi, turmush darajasini, iqtisodiyotni ko'taradi va biznes iqlimini yaxshilaydi. Bunga yaxshi misol, valyuta erkin aylanmasining qonuniylashuvidir. Bu bozorni investorlar uchun shaffof va jismoniy shaxslar uchun ochiq qiladigan juda muhim omildir.Bunday qadamlar jahon sahnasida O'zbekistonning bank sektori ko'rinishini oshirishi mumkin.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qaroriga yo'l ko'rsatsak, sana 23.03.2018 No PP-3620 No PP-3620 No PP-3620 "Bank xizmatlarining mavjudligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida", so'ngra kreditlashni qo'llab-quvvatlash va jismoniy shaxslarga xizmat ko'rsatish sifatini yaxshilashga qaratilgan tashabbuslar bank sektoriga salbiy ta'sir ko'rsatishi kerak. Sektor yanada tushunarli va shaffof bo'lib qolishi kerak, natijada mijozlar moliyaviy mahsulotlardan o'z vaqtida foydalanishlari va yuqori darajada xizmat ko'rsatishlari, xalqaro standartlarga javob beradi. Shunga qaramay, yuqorida aytib o'tilganidek, tartibga solish bo'yicha ham mijozlarning, ham banklarning fikrlarini hisobga olish kerak. Masalan, kreditlash jarayonini avtomatlashtirish, kredit olishning qulayligini oshirish, murojaatni ko'rib chiqishda shaffoflik, xabarnoma berish tizimlari aslida juda muhim jihatlar bo'lib, ularning amalga oshirilishi xizmat ko'rsatish sifatini oshiradi va kredit portfeli hajmini oshiradi. bank sektori o'sishni, mijoz uchun shiddatli kurashni va yangi imkoniyatlarni, shu jumladan raqamli kanallar orqali ishlarni kuchaytirishni kutmoqda.

1-jadval

Tijorat banklarining kreditlari mijozlar o'z mablag'lari hisobidan[1]

	2016	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**
Kreditlar - jami, milliard so'm	32161	50014	52596	110572	167391
Ulardan:					
Jismoniy shaxslarga kreditlar, milliard so'm	5593	7464	10172	14438	24427
Kreditlarning umumiy hajmida ularning ulushi, %	17,4	14,9	19,3	13,1	14,6
Yuridik shaxslarga kreditlar, milliard so'm	26568	42550	42425	96134	142964
Kreditlarning umumiy hajmida ularning ulushi, %	82,6	85,1	80,7	86,9	85,4

Jadvalning yuqoridagi ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, O'zbekiston tijorat banklarining kreditlari umumiy hajmida yuridik shaxslarga berilgan kreditlar sezilarli darajada katta ulushni egallaydi.

2017 yil iyul oyining oxiridan boshlab jismoniy shaxslar overdraft olish imkoniyatiga ega. Onlayn kreditlashni bosqichma-bosqich rivojlantirish boshlandi. O'shanda 9 ta ichki bank o'z B2B mijozlari va boshqa jismoniy shaxslari xodimlariga overdraft taklifini amalga oshirgan. Asosan, kredit bankning plastik kartochkalarida kamida 3 oy davomida ish haqi olganlarga: ish beruvchining roziligi bilan va hujjatlarni taqdim etgandan so'ng berilgan . Foiz stavkasi yiliga 14% dan 30% gacha bo'lgan. Kredit olish uchun barcha hujjatlarni to'ldirish uchun bankka borib, pulning hisob raqamiga kirishini kutishingiz kerak edi. Rivojlanish yo'lidagi keyingi qadam bankka jismoniy safarsiz xizmatlarni ro'yxatdan o'tkazish va olish edi. Foiz stavkasi – 47,9%, imtiyozli davr – 1 kun, maksimal kredit miqdori – 10 000 000 so'm. Mahsulot bugungi kunda ham amal qiladi.

2-jadval.

O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarining kreditlari tuzilishi[2]

	2016	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**
Kreditlar hamma narsa. milliard so'm	32 161	42685	52 596	110 572	167 391
Qisqa muddatli kreditlar, milliard so'm	4 403	4 193	4 244	4 753	8 663
Kreditlarning umumiy hajmida qisqa muddatli kreditlarning ulushi, %	13,7	9,8	8,1	4,3	5,2
Uzoq muddatli kreditlar, bln. so'm	27 758	38 492	48 367	105 819	158 728
Kreditlarning umumiy hajmida uzoq muddatli kreditlarning ulushi, %	86,3	90,2	91,9	95,7	94,8

[1] Jadval muallif tomonidan Internet sayt ma'lumotlari asosida tuziladi www.cbu.uz (O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki).
[2] Jadval muallif tomonidan Internet sayt ma'lumotlari asosida tuziladi www.cbu.uz (O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki).

Jadvaldan ko'rinib turibdiki, uzoq muddatli kreditlar O'zbekiston tijorat banklarining kreditlari umumiy hajmida juda katta ulushni tashkil etadi. Bu tijorat banklarining davlat dasturlarini moliyalashtirish jarayoniga keng jalb etilgani bilan izohlanadi.

Валиева Н.Х. *– ВШБП, старший преподаватель*

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Данная работа представляет собой аналитический и образовательный ресурс в плане как научного исследования, так и языкового образования, и представляет интерес не только для преподавателей, студентов, аспирантов, но и для всех, кто хотел бы углубить свои знания в терминологии.

Мир вступает в цифровую эпоху, которая несет с собой серьёзные вызовы для тех стран, которые не успеют к ней технологически и экономически адаптироваться.[8] Для сохранения своей конкуренто-способности бизнес вынужден как можно быстрее занимать свою нишу в виртуальном пространстве, не дожидаясь установления новых правил игры. [6]

По словам Бо Карлссона, новая или цифровая экономика - это динамика, а не статическая эффективность. «Это больше связано с новыми видами деятельности и продуктами, чем с повышением производительности. Что действительно нового в Новой Экономике, так это широкое использование Интернета, новый уровень и форма связи между множеством разнородных идей и актёров, порождающие широкий спектр новых комбинаций. Есть некоторые измеримые эффекты на производительность и эффективность, но более важные долгосрочные эффекты не поддаются измерению.» [1]

Применение цифровых технологий для реализации товаров и услуг, оказания государственных услуг, образования граждан позволит всему обществу при обрести так называемые цифровые дивиденды, под которыми понимается рост национального благосостояния, материальная прибыль.

Начиная со второй половины XX в, информационные технологии приобретают все более значимую роль в экономическом развитии многих стран мира. Единое информационное экономическое пространство, формирование которого стало возможным благодаря научно-техническому прогрессу, способствует экономическому росту и повышению производительности труда, созданию инновационных рабочих мест и цифровых активов, расширению возможностей и прав граждан, улучшению доступа к глобальным рынкам и повышению конкурентоспособности предприятий, повышению качества государственных услуг и др. [13]

Сегодня новые цифровые технологии, инновационные бизнес-модели проникают во все сферы хозяйственной жизни общества, оказывая влияние на

саму суть экономики, формируя в ней качественные структурные изменения. В результате формируется цифровая экономика, как подсистема экономики традиционной, отличающаяся активным использованием цифровых технологий и оборотом специфических электронных товаров. Уровень развития цифровой экономики тесно коррелирует со страновой конкурентоспособностью, что требует особого внимания государства и бизнеса к ее развитию. [3] Цифровая экономика трактуется как результат трансформационных эффектов новых технологий общего назначения в сфере коммуникации и информации, которые сказываются на всех секторах экономики и социальной деятельности.

Взрывной рост социальных сетей, увеличение количества смартфонов, облегчение широкополосного доступа к интернету, распространение технологий машинного обучения и искусственного интеллекта изменяют современный мир. Цифровая трансформация организаций, как коммерческих, так и некоммерческих (в том числе государственных) - это реакция на развитие и активное распространение по всему миру новых информационных цифровых технологий. [9]

Цифровая экономика имеет два основных направления развития:

Первое – это автоматизация и роботизация существующих бизнес-процессов с целью минимизации участия в них человека, что значительно сокращает издержки производства товаров и услуг и, соответственно, увеличивает прибыль;

Второе - это масштабирование при выходе на интернет-пространство созданной системы управления бизнесом, даже самым маленьким, особенно с возможностью типизации услуг, для его последующего экспоненциального роста без затрат на открытие новых офисов или торговых точек. [5]

В этой новой экономике цифровые сети и коммуникационная инфраструктура обеспечивают глобальную платформу, на которой люди и организации разрабатывают стратегии, взаимодействуют, общаются, сотрудничают и ищут информацию. Совсем недавно «цифровая экономика» была определена как отрасль экономики, изучающая перемещение «нематериальных товаров с нулевой предельной стоимостью» через интернет. [10]

Цифровизация бизнеса, начавшись с локальных внутрифирменных и корпоративных проектов, постепенно приобретает глобальные масштабы, а крупные игроки цифрового бизнеса вышли на первые позиции в мире. Так, Apple, Alphabet, Microsoft, Amazon и Facebook входят в список самых дорогих компаний в мире по рыночной капитализации. Самая дорогая неамериканская компания в этом списке - китайский интернет-продавец Alibaba Group. Помимо этого, сегодня примеры «цифровых экосистем» есть в разных других отраслях и компаниях. [3]

Появление сквозных (охватывающих различные отрасли) цифровых технологий, таких как «большие данные», нейротехнологии и искусственный интеллект, системы распределения реестра (блокчейн), или криптовалюты, квантовые технологии, новые производственные технологии, в том числе 3D-печать, промышленный интернет, компоненты робототехники и сенсорика, технологии беспроводной связи, в том числе 5-поколения, технологии виртуальной и дополненной реальности и другие являются новыми явлениями в экономической жизни, которые как утверждает Ю.Кутбтдинов только предстоит описать, ввести терминологию и создать правовую базу для их регулирования.[5]

Лексика любого языка не бывает статичной, она меняется в ответ на запросы общества, количественно и качественно, испытывая воздействие других языков и приобретая новые формы.[4] Лингвистический аспект (в той или иной сфере) касается исследований языковых проблем, так как язык – это основное средство общения в процессе извлечения знаний.[14] Далее мы рассмотрим несколько терминов, понимание которых необходимо (хотя, безусловно, недостаточно) для адекватного представления терминологии цифровой экономики в рамках общей терминосистемы современного английского языка.

Термин **digital economy** «цифровая экономика» вошел в обиход в начале 1990-х годах. Например, многие научные статьи были опубликованы Центром исследований цифровой экономики Нью-Йоркского университета. Этот термин использовался в названии книги Дона Тапскотта 1995 года «Цифровая экономика: перспективы и опасности в эпоху сетевого интеллекта». [15]

В 1999 г. Нил Лейн, помощник президента США по науке и технологиям, в статье «Развитие цифровой экономики в XXI веке» фактически первым дал определение рассматриваемого явления: «Цифровая экономика – это конвергенция компьютерных и коммуникационных технологий в сети Интернет и возникающий поток информации и технологий, которые стимулируют развитие электронной торговли и масштабные изменения в организационной структуре».

Термин «цифровая экономика» широко применяется как в теории, так и на практике, однако единого мнения относительно его трактовки не существует. Согласно известным утверждениям, сформулированным Стэном Капланом в его методиках анализа рисков, 50% проблем в мире возникают из-за ситуаций, когда используются одинаковые слова для обозначения разных понятий, и столько же появляется потому, что одни и те же понятия трактуются различными словами. [12] Это умозаключение характерно и для сферы цифровой экономики, где зачастую для привлечения внимания к цифровой теме термин «цифровая экономика» широко употребляется журналистами и специалистами применительно к самым различным направлениям цифровизации, в результате чего темп смысловых изменений

постоянно увеличивается и, как следствие, возникает риск размытия границ новой сферы знаний, потери ею своей идентичности и инвестиционной привлекательности. [6]

В своей статье *«Цифровая экономика»: лингвистический и лингвоментальный аспекты* В. В. Волков отмечает, цифровая экономика - это экономика, предполагающая активное использование компьютерной техники и тех способов хранения, обработки и т.д. информации, которые связаны с этой техникой. Опираясь на его исследования становится ясным что цифровая экономика никак не может синонимизировать со словосочитанием компьютерная экономика, поскольку «нельзя определять тип экономики по какому-то одному из технических устройств, хотя бы и воспринимающемуся в некоторый момент времени как наиболее значимое, ср. аналогичные некорректные построения:

- электрическая экономика (в контексте, например, «электрификации всей страны»);
- тракторная;
- станковая (от станка);
- стальная (сталелитейная);
- автомобильная и т.д. экономика.

Экономика - такая сфера жизни, которая включает самые разнообразные компоненты (людей и механизмы, поля и леса, моря и реки, растения и животных), рассматриваемые/используемые в одном из аспектов их существования, но не сводится ни к их совокупности, ни к одному из них в отдельности. Согласно его выводам, *«Цифровая экономика» - понятийный оппозит реальной (производительной) экономики.* [2]

Однако, многие зарубежные исследователи отождествляют цифровую экономику с такими понятиями, как *информационная экономика, экономика знаний, креативная экономика, интернет экономика, сетевая экономика, электронная экономика, новая экономика* и пр. Данные термины зачастую используются как синонимы для обозначения новых феноменов в пост-индустриальной экономике. *Цифровая экономика* появилась как обобщающее понятие, содержащее не только признаки всех перечисленных экономик, но и ряд более общих отличительных черт, характеризующих качественную определенность цифровой экономики.

Г.Г. Головенчик провел анализ многочисленных определений цифровой экономики и суммировал следующее определение: «Цифровая экономика – это система социальных, культурных, экономических и технологических отношений между государством, бизнес-сообществом и гражданами, функционирующая в глобальном информационном пространстве, посредством широкого использования сетевых цифровых технологий генерирующая цифровые виды и формы производства и продвижения к

потребителю продукции и услуг, которые приводят к непрерывным инновационным изменениям методов управления и технологий в целях повышения эффективности социально-экономических процессов.»[3]

Следующим термином характеризующим трансформацию трудовых отношений между работодателем и работником в коммерческих и не коммерческих организациях на основе цифровых технологий является *гиг-экономика.*

Одним из недавно появившихся, но бурно развивающихся сегментов мировой экономики является **gig economy,** которую можно перевести как «сдельная экономика». Сдельная экономика содержит в себе целый ряд измерений, но общей платформой для всех них является принцип краткосрочного найма для выполнения конкретных разовых заказов. При этом **работа носит удаленный характер**, **благодаря использованию интернета и различных приложений.**

Гиг-экономика — явление не новое: фрилансеры существуют уже давно. Так же как и консультанты, временные сотрудники и так далее. Причина, по которой гиг-экономика находится под пристальным вниманием в течение последних нескольких лет, заключается в том, что технологии настолько снизили входные барьеры, что «сдельные работники» стали легко доступны для беспрецедентного числа людей.

Рабочую силу в сдельной экономике составляют **independent gig-workers** или **freelancers – «**независимые» сдельные работники, которые **работают по модели «сам себе босс»** и **contingent workers -** вспомогательные работники**,** работающие на определенную компанию, но на которых не распространяются льготы и соцзащита как на полноценных сотрудников. [7] Некоторые из них являются высококвалифицированными, и этот способ работы является их выбором, некоторые неквалифицированные и не имеют альтернатив.

Гиг-экономика облегчает компаниям доступ к лучшим талантам. Это выгодно обеим сторонам —компании экономят на вознаграждениях работникам и офисных накладных расходах, сотрудничая с человеческими ресурсами, которые им нужны (и, скорее всего, которых не хватает) для конкретного проекта. С другой стороны, фрилансеры могут добавить еще одну компанию в свое портфолио, тем самым укрепив свой авторитет и бренд.

maqsadlariga erisha olmaydi. Shu sababli xodimlarni samarali boshqarmasdan turib ularni faoliyatiga maqsadli yo‘naltirib bo‘lmaydi;

- zamonaviy menejmentda xodimlarga ta’sir etishda ”qamchi” bilan boshqarish tizimi samarali baholanmaydi. Chunki bu usul hozirgi kunda zamonaviy va iste’dodli kadrlarni tashkilotda uzoq muddat ushlab turish imkonini bermaydi. Tashkilotda kadrlar qo‘nimsizligini keltirib chiqarish va ish samaradoligini kamayishiga olib keladi;

- xodimlarni boshqarish samaradorlik va adolatga erishish asosida tashkil etiladi. Agar ularning ikkisidan biri mavjud bo‘lmasa bu jarayonni muvaffaqiyatli amalga oshirib bo‘lmaydi. Xodimlarni boshqarish orqali tashkilotdagi har bir xodimning lavozimi, ijtimoiy kelib chiqishi va jinsidan qat’iy nazar birlashtirish va tashkilotda mehnat unumdorligini oshirishga erishish mumkin. Bu esa har bir xodimga nafaqat tashkilotning ishchisi sifatida balki inson sifatida ham o‘zining chin ko‘ngildan amalga oshirgan mehnati bilan o‘z ulushini qo‘shishiga imkon beradi. Bu adolatli ish tashkil qilish bilan samaradorlikka erishish mexanizmi sifatida tashkilotning barqarorligini ta’minlaydi.

Ma’lumki, korxonalarning ishlab chiqarish byudjeti korxona tomonidan sotilishi ko‘zlangan umumiy mahsulotni hajmini hisoblash asosida shakllantirilib, shu asosda ish vaqti me’yorlaridan foydalangan holda ish vaqti byudjeti chiqariladi. So‘ng har bir mahsulot ishlab chiqarish uchun sarflanadigan ish vaqti rejalangan ish vaqti hajmiga ko‘paytirilib belgilangan davr uchun reja ish vaqti fondi hisoblanib, olingan ish vaqti fondi bir xodimga bo‘linadi va shundan kelib chiqib personalning zarur miqdori aniqlanadi.

Korxonarda personalni boshqarishni rivojlantirish tadbirlarining amalga oshirilishi natijasida ishlab chiqarishga yangi texnika va texnologiyalar kiritilishi bilan mahsulot ishlab chiqarish hajmi va unumdorligi ortadi.

Shuningdek, mamlakatimizda mahalliy iste’mol bozorlarini sifatli tovarlar bilan to‘ldirish, bozordagi zarur muvozanatni ta’minlash, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, ishlab chiqarishni mahalliylashtirish, hozirda iqtisodiyotimiz uchun nihoyatda muhim bo‘lgan bandlik va aholi daromadlarini oshirish kabi muammolarni ijobiy hal etishda muhim vosita vazifasini bajaradi.

Fikrimizcha, ходимларни boshqarish va ulardan samaral foydalanishni bozor munosabatlari tamoyillariga mos ravishda tashkil etish zarur. Buning uchun quyidagi jihatlarga e’tibor qaratish lozim:

-xodimlar mehnatining har bir jarayoni, uning ko‘lami va ketma-ketligi aniq puxta ixtisoslashtirilishiga erishish;

-korxonada har bir mehnat turini qat’iy vaqt oralig‘ida taqsimlanishini tashkil etish;

-korxonalarda boshqaruvchi bilan boshqariluvchi mas’uliyatini aniq belgilash va vazifalarini to‘g‘ri taqsimlashga erishish va shu kabilar.

Bugungi kunda iqtisodiyot tarmoqlarida olib borilayotgan modernizatsiyalash jarayonlari mavjud personalni boshqarish tizimini izchil yangilashni talab etmoqda. Personalni boshqarishning barcha darajalarining tarkibi va mohiyatini tubdan takomillashtirish iqtisodiy tizimni isloh qilishning hal qiluvchi omillaridan biri bo‘lib, personalni boshqarish hisoblanadi. Shu sababli personal korxonaning asosiy resursi, butun tashkilotning muvaffaqiyatini belgilovchi asosiy omil sifatida ko‘rilmoqda.

Korxonarda personalni boshqarishni rivojlantirish tadbirlarining amalga oshirilishi natijasida ishlab chiqarishga yangi texnika va texnologiyalar kiritilishi bilan tarmoq korxonarida ishlab chiqarish hajmi va mehnat unumdorligi ortadi.

Fikrimizcha, personalni boshqarish va ulardan samarali foydalanishni bozor munosabatlari tamoyillariga mos ravishda tashkil etish zarur. Buning uchun quyidagi jihatlarga e’tibor qaratish lozim:

- xodimlar mehnatining har bir jarayoni, uning ko‘lami va ketma-ketligi aniq nuxta ixtisoslashtirilishi shartligini ta’minlashga erishish;

-korxonada har bir mehnat turini qat’iy vaqt oralig‘ida taqsimlanishini tashkil etish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Базаров Т.Ю. Технология центров оценки дляа государственных служащих. Проблема конкурсного отбора. - М.: ИПК ГС, 2005.

2. Казарян И.Р.,Ткачук Е.К. Обзор зарубежных моделей управления персоналом// Универсум/ Экономика и юриспруденсия: электрон. Научный журнал 2018 г. №7(52).

3. Колесникова О., Донецкий А. Управление трудовыми ресурсами: учебное пособие 2010 -128 с.

Шаропов М.К. *– ВШБП слушатель*

АНАЛИЗ МЕТОДОВ ОЦЕНКИ РИСКОМ В КРУПНЫХ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Необходимое условие эффективности любой экономической системы - экономическая свобода, которая предполагает наличие у экономического агента (производителя, потребителя) определённой совокупности прав, гарантирующих ему автономное, самостоятельное принятие решений. Но экономическая свобода является источником неопределённости и риска, так как свободе одного экономического агента сопутствует одновременно и свобода других.

Большинство предприятий являются самостоятельными хозяйствующими субъектами, что с одной стороны, означает возможность определять свою стратегию, а с другой стороны, отсутствие обязательств у государства по предоставлению поддержки в случаях аварий, забастовок и иных трудностей.

Особенность классификации рисков промышленных предприятий

Несмотря на то, что в современной экономической литературе существует множество взглядов на проблему риска, что порождает разнообразие определений понятия «риск», предложенных различными авторами, можно сформулировать три типа определения данной категории:

• риск — это вероятность отклонения от запланированных результатов (потери или дополнительные прибыли);

• риск — это неопределенность, поддающаяся качественной и/или количественной оценке;

• риск — это действие наудачу в ситуации неопределенности в надежде на положительный результат.

Применительно к производственной сфере риск определяют как возможность потери части ресурсов и/или недополучения доходов по сравнению с уровнями и значениями, рассчитанными исходя из предпосылок о наиболее рациональном использовании ресурсов и принятого сценария развития рыночной конъюнктуры.

Промышленный риск — это риск, возникающий при любых видах деятельности, связанных с производством продукции, ее реализации, товарно-денежными и финансовыми операциями, маркетингом, коммерцией, осуществлением социально-экономических и научно-технических проектов.

Составление системы классификационных признаков риска дает понимание его природы, позволяет установить структурные характеристики, и разрабатывать мероприятия, позволяющие снижать уровень риска по результатам его оценки.

Особенностью классификационных рисков промышленных предприятий является ее условность, поскольку сложно провести жесткий раздел границ между видами рисков, поскольку все они находятся во взаимосвязи, изменяя и дополняя друг друга, имеют смешанных характер, могут быть составной частью друг друга.

Уровень риска может оцениваться на основе следующего алгоритма:

УР = ВР*РП,

где УР - уровень соответствующего риска;

ВР - вероятность возникновения данного риска;

РП - размер возможных финансовых потерь при реализации данного риска.

Таким образом, метод определения вероятности потерь, которое позволяет произвести приблизительную оценку общего объема рисков для промышленного предприятия.

Промышленное предприятие, осуществляя свою деятельность может отказаться от реализации того или иного решения, связанного с рисками, причем данные метод применимы в отношении значительных рисков как на стадии предварительной проработки решения, так и в процессе деятельности, как корректирующее воздействие в случае не санкционированного роста рисков.

На сегодняшний день существует большое количество методов минимизации риска, представленные различными учеными.

К основным способам минимизации рисков относят: распределение риска по разным агентам, страхование риска, осуществление самострахования рисков, организация диверсификации производства, лимитирование, осуществление альтернативного планирования, создание гибкой структуры производства, создание резервных фондов, мониторинг информации, обучение и тренировка персонала, применение гибких технологий, уклонение от риска.

Современные условия хозяйствования, в которых функционируют промышленные предприятия, приводят к необходимости совершенствования системы учета риска, основой которой является классификация риска.

Промышленными рисками предприятий следует считать риски, возникающие в процессе хозяйственной деятельности предприятий основных отраслей промышленности, которые могут иметь характер крупных, особых или рисков стихийных бедствий.

Рассмотренные методические рекомендации анализа и оценки риска позволят построить эффективный механизм предупреждения риска, ориентированный на решение проблем стабилизации и развития производственных предприятий, могут использоваться в качестве инструментария в процедуре принятия и реализации решений при управлении производством.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Долгачева И.Н. Управление экономическими рисками в сфере контейнерных перевозок: дис. на соиск. уч. степ. канд. экон. наук. - М., 2014.
2. Ковалева О.Б. Модели оценки и прогнозирования рисков. / О.Б. Ковалева // «Автомобиле - и тракторостроение в России: проблемы и перспективы развития и подготовка кадров»: материалы 77-й международной научно-технической конференции ААИ/ МГТУ «МАМИ», Москва, 2012, с. 36-40.
3. Бартон Т., Шенкир У., Уокер П. Риск-менеджмент. Практика ведущих
4. компаний.: Пер. с англ.-М.: Издательский дом «Вильямс», 2008.- 208 с.
5. Грачева М.В. Риск-менеджмент инвестиционного проекта. М.:ЮНИТИДАНА, 2009.
6. Дамодаран А. Стратегический риск-менеджмент. Принципы и
7. методики. М.: Издательский дом «Вильямс», 2010

Юсупов А.А. *– ОБМ тингловчиси*

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛИШТИРИШ ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

(“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти мисолида)

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш ва сўнгги йиллар ичида мамлакатни модернизация қилиш натижасида иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Натижада иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича устувор вазифани амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш, иқтисодиётнинг реал сектори жалб этувчанлигини оширишни ҳамда капиталнинг тармоқлараро кўчиб ўтиш жараёнларини фаоллаштиришни талаб этмоқда.

Хозирги ахборот коммуникация технологиялари ривожланган замонда техник томондан хизмат кўрсатиш сифати юқорилаб бормоқда. Масалан, мамлактимизда банк, суғурта молия, уяли алоқа, рақамли телевидения ва шу каби соҳаларда хизмат кўрсатиб келаётган корхоналар замонавоий ахборот технологияларининг имкониятидан унумли фойдаланиб мижозлар учун қулай ва сифатли бўлган хизматларни кўпайтириб бормоқда. Мижозларга хизматларни кўрсатиш жумладан турли хилдаги тўловларни қабул қилиш хизматини электрон тарзда амалга ошириш имкониятини берувчи мобил илова дастурлари жорий этилмоқда ва бу ўз навбатида муҳим рол ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4400-сон Қарори билан, микромолиялаштириш қонунчилигини яхшилаш, унинг энг яхши амалиётларини, шу жумладан масофадан туриб хизмат кўрсатиш имкониятларини жорий этиш, кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, аҳолида ҳаддан ташқари қарз юки шаклланишининг олдини олиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини, молиявий оммабопликни ошириш ва мазкур хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш республикада микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш вазифалари белгилаб берилди.

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти томонидан бугунги кунда мамлакат ҳудудларида хат ва почта жўнатмалари билан бир қаторда товарларни етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ўз инфратузилмасига эга бўлган муҳим соҳа ҳисобланади.

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти мамлакатимизнинг почта алоқаси миллий оператори сифатида республика миқёсида 2 мингга яқин почта алоқаси объектига эга бўлиб, барча аҳоли пунктларини қамраб олган. “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти ўзининг почта алоқаси

объектлари орқали мамлакат ҳудудларида анъанавий почта хизматлари ва қўшимча ҳамда шартномавий хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Лекин шу билан бирга, “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти тармоғини ривожлантириш ва кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштириш бўйича етарлича чоралар кўрилмаганлиги натижасида Умумжаҳон почта иттифоқининг Почта ривожланиши глобал индекси рейтингида қониқарсиз ўринда бўлиб келмоқда.

Охирги йилларда республикамиз почта алоқаси хизмати миллий оператори ҳисобланган “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамиятининг фаолиятида унинг асосий кўрсаткичларининг кескин ёмонлашуви, ислоҳотларнинг олиб борилиши ва рақамлаштиришга ўтишнинг сустлиги, соҳа ривожланишда дунё мамлакатларидан ортда қолаётганлиги, почта алоқаси хизматлари кўрсатилишининг паст даражада эканлиги, республика ва соҳа раҳбарияти, мутахассисларнинг ташвишига сабаб бўлди.

Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти фаолиятини жиддий қайта кўриб чиқишни талаб этади. Бунда, бирламчи вазифа молиявий барқарорликка эришиш, пировард мақсад эса янги хизматларга таянган рақобатбардош тизим яратиш учун трансформацияни амалга оширишдир.

Хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматларини ривожлантириш:

- Ягона миллий тизим негизида давлат органларининг фуқаролар билан ёзишмаларини етказиб беришнинг ягона миллий тизимини яратиш;

- қишлоқ жойлардаги алоқа бўлимларида базавий давлат хизматлари кўрсатишни ташкил этиш;

- курьерлик хизматини такомиллаштириш, логистика тизимини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш, транспорт таъминотини кучайтириш;

- ахборот технологиялари негизида краудворкинг модели бўйича курьерларни ёллаб, ишлатиш механизмини жорий қилиш.

Электрон тижорат бозоридаги фаолиятни ривожлантириш.

- тўлов тизими ахборот тизимини яратиш (шу жумладан, мобил илова) ва тўлов оператори лицензиясини олиш;

- аутсорсинг асосида банклар учун хизмат кўрсатиш (банк карталарини пул маблағлари билан тўлдириш, жисмоний шахсларни идентификация қилиш, банк карталаридаги маблағларни нақдлаштириш, жисмоний шахсларга банк томонидан кредит бериш тўғрисида аризаларни қабул қилиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш, юридик шахсларга ҳисоб рақами очиш, юридик шахсларни банк томонидан кредит бериш тўғрисида аризаларни қабул қилиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш, кредитларни сўндириш бўйича тўловларни қабул қилиш, юридик шахслардан банк депозитига маблағ жалб қилиш, юридик шахслар кунлик савдо тушумини қабул қилиш, юридик шахсларга нақд пул бериш);

- нақд пул етказиб бериш (cash distribution) хизматини ривожлантириш;

- суғурта полислари сотиш хизматини такомиллаштириш;

- пул ўтказмалари хизматини, шу жумладан қўшни мамлакатлардан, такомиллаштириш.

Берилган таклифларни амалга ошириш механизмлари.

Ахборот технологияларини кенг жорий этиш.

АКТ инфраструктурасини такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- 3000 дона компьютер техникаси, 500 дона кўп функцияли ускуна (принтер) харид қилиш;
- алоқа бўлимларининг тармоққа уланиш даржасини 100 фоизга етказиш;
- курьерлар ва хабарчилар учун 4300 дона мобил қурилма харид қилиш;
- сервер қурилмаларини харид қилиш, дата-марказ ташкил этиш.

2021 йилларда қуйидаги ахборот тизимлари жорий этилади:

- интеграллашган ягона бухгалтерия тизими;
- тўловларни қабул қилиш ва пул ўтказмаларининг интеграллашган ахборот тизими (мижозлар ва ходимлар учун мобил илова билан);
- почта жўнатмаларини қабул қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, курьерлик хизматлари ягона ахборот тизими (ходимлар учун мобил илова билан), уни УПИ IPS тизими билан тўлиқ интеграциясини таъминлаш;
- давлат органларининг фуқаролар билан ёзишмаларини етказиб беришнинг ягона миллий тизими;
- миллий маркетплейс (мобил илова билан);
- фулфилмент марказлари учун омборхонани бошқариш (WMS) ва мижозлар билан муносабатлар (CRM) тизимлари.

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти томонидан кўрсатилаётган почта алоқаси ва бошқа хизматларни такомиллаштириш, сифати ва оммабоплигини ошириш ҳамда шу йўл билан корхона даромадларини яхшилаш ва келгусида корхонани рақобатбардош корхонага айлантириш учун, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва почта алоқаси хизматларини кўрсатишни тўлиқ автоматлаштириш ҳамда ривожланган ҳориж мамлакатларнинг почтаси тажрибасидан келиб чиқиб молиявий хизматларни кўрсатишни йўлга қўйиш лозим бўлади.

Натижада молиявий барқарор, ўртача иш ҳақи мамлакат бўйича ўртача иш ҳақидан паст бўлмаган, иқтисодий самарадор, хизматлар турлари ва сифати юқори бўлган рақобатбардош ташкилот шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрда “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4921-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни

сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 637-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 18 апрелда 2219-сон билан рўйхатга олинган “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш” Қоидалари.
5. Корнилова, Э. В. (2015) Почта шартномаларининг молиявий лойихалаштирилиши. КноРус.
6. И.Дун, (2011) Почта тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш механизми сифатида: Почта, Инвестициялар, Молиялаштириш. LAP LAMBERT Academic Publishing.
7. Ковалев, В. В. (2016) Почта : молиявий, бухгалтерия, тахлилий ва хукукий жихатлар. Проспект.
8. Жулиан Росе, Стивен Бассетт. (2019) Почта ва активларни молиялаштириш А дан З гача. Иккинчи нашр. UK Book Publishing.
9. www.lex.uz
10. www.vedomosti.ru
11. www.ziyonet.uz
12. www.pochta.uz

Alimov A.A. **-** *OBM tinglovchisi*

BOSHQARUVDA KPI TIZMINI JORIY ETISH VA UNING ASOSIY KO‘RSATKICHLAR TIZIMI

Raqobat rivojlanib borayotgan hozirgi zamonaviy bozor iqtisodiyotida inson resurslaridan samarali foydalanish ahamiyati tobora oshib bormoqda. Bu borada tashkilot (idora, muassasa va korxona) va xizmatchilar faoliyati samaradorligini baholashga alohida e’tibor qaratish lozim. Bu borada xalqaro tajribada davlat xizmatining samaradorlik ko‘rsatkichlari KPI - Key Performance Indicator – Eng muhim samaradorlik ko‘rsatkichlari orqali baholanib kelinadi.

Har bir korxona yoki tashkilot KPI tizimini amaliyotga tadbiq etish uchun quyidagi algoritmga amal qilish kerak bo‘ladi:

1. KPI tizimini tatbiq etish bo‘yicha puxta reja ishlab chiqish;
2. KPI tizimini tadbiq etish bo‘yicha huquqiy asosni yaratish;
3. KPI tizimi bo‘yicha avtomatlashtirilgan dastur yaratish ;
4. KPI tizimini amaliyotga tatbiq etish ;
5. KPI tizimi samaradorligini monitoring qilish.

Ushbu tizim faqatgina ma’lum bir vaqt mobaynida, ya’ni davr ichida yuqori samara berishini hisobga olish kerak. Shu sababli, tizimni doimiy monitoring qilib, kerak bo‘lsa eng muhim ko‘rsatkichlarni yangilab borish talab etiladi.

Shuningdek, KPI yuqori samara berishi qo‘lga kiritilgan natija bilan ketgan resursga ham alohida e’tibor qaratish lozim.

Faqat natijani orqasidan quvib, sarflanayotgan resurslarga e’tibor qaratilmasa, natijani beradigan resurslarsiz qolib ketish mumkin. Aksincha, faqat resurslarni tejash bilan ham yuqori natijani qo‘lga kiritish mumkin emas.

Ya’ni, yuqori samaradorlik kutilgan natija va minimal sarflangan resurslarning o‘zaro bog‘liqligi natijasida yuzaga keladi. Shu sababli natijadorlikni ham, samaradorlikni ham hisobga olish kerak, ular o‘rtasida doimo balansni ushlab turish kerak.

Natijalar va ko‘rsatkichlarning barchasi faqat o‘lchanadigan ko‘rsatkichlar bilan o‘rnatilishi mumkin, odatda KPI-Keu ishlash ko‘rsatkichlari deb nomlanadi, bu quyidagicha tarjima qilinadi "asosiy ishlash ko‘rsatkichlari".

Yuqoridagilarga asoslanib, maqsadni belgilash bilan bir vaqtda korxona oldiga qo‘yilgan KPI ning uchta quyi tizimini ajratish mumkin (bu maqsadning o‘ziga xos o‘lchov birligi xisoblanadi):

1) prinsip ko‘rsatkichlari – faoliyatning belgilangan normalari va tamoyillariga muvofiqligini ko‘rsatadigan ko‘rsatkichlar, natijalarga erishish vositalari – faoliyat sohasini cheklaydigan ko‘rsatkichlar.

2) ishlash ko‘rsatkichlari – erishilgan ijtimoiy-iqtisodiy ko‘rsatkichlarni belgilaydigan ko‘rsatkichlar: foyda, korxona qiymati, mahsulot va boshqalar., hamda reytinglardagi o‘rnatilgan o‘rinlari.

3) samaradorlik qiymati o‘rsatkichlari - korxona holatini, uning salohiyatini, samaradorligini tavsiflovchi ko‘rsatkichlar.

KPI tizimi bo‘yicha yuqori samaradorlikka erishish uchun quyidagilarga amal qilish tavsiya etiladi:

1. KPI ko‘rsatkichlari sonini aniq belgilash.
2. KPI ko‘rsatkichlarini to‘g‘ri tanlash.
3. Xodimlarga sharoit yaratish.
4. Umumiylik.
5. Shaffof tizim.
6. Rag‘batlantirish.
7. Doimiy monitoring o‘tkazish. O‘z vaqtida ko‘rsatkichlarga ta’sir etuvchi tashqi omillarni aniqlash va ularni bartaraf etish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Shuningdek, vaziyatga qarab ko‘rsatkichlarni o‘zgartirib turish ham mumkin.

Foydlanilgan adabiyotlar:

1. Маслов Е.В. Управление персоналом предприятия. - М.: Москва - Новосибирск, 2008.
2. Эгамбердиев Ф.Т., Нишонова Д.Б. "Раҳбарлик услубларининг асослари" Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2017, 9 сон.
3. Якокка Ли. Карьера менеджера: деловой бестселлер. Минск: Парадокс, 2011. 210 с.

Мирзаев С.А. *– ОБМ тингловчиси*

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ҲУДУДЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳон амалиётида ҳудудларнинг барқарор ривожлантириш, уларнинг иқтисодий ҳамда экологик тизимларининг ўзаро самарали уйғунлигида қаралмоқда. Хусусан, мамлакатлар ривожланиши бевосита ҳудудлар барқарорлигига боғлиқ бўлиб, мазкур масаланинг ижобий жиҳатлари инновацион иқтисодиётни кенгайтириш асосида ресурслардан оқилона ҳамда самарали фойдаланишни ўз ичига олмоқда. Жумладан, иқтисодиётда ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри ташкил қилиш, соҳа давомийлиги ва ўсишини таъминлаш ресурслар мавжудлигига боғлиқ. Бу эса, ҳудудларнинг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий ва экологик тизимларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган бошқарув қарорларининг самарали амал қилиши билан боғлиқдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йил 25 сентябрда «Барқарор ривожланиш мақсадлари» консепцияси қабул қилинган.[1] Ушбу концепция доирасида барқарор шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойлари, масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш, денгиз ва қуруқликдаги экотизимни асраш, иқлим ўзгаришларини олдини олиш каби иқтисодий тизимларни бошқариш самарадорлигини ифодаловчи муҳим мезонларга эътибор берилган.

Жаҳонда иқтисодий тизимларни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари, хусусан, ҳудудлар иқтисодий тизимларининг институционал жиҳатларини тадқиқ этиш, улар ривожланишини самарали бошқариш асосида ташкил қилиш, ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш муносабатларини бошқариш, ҳудудларни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ҳозирги кунда жаҳонда ҳудудларнинг иқтисодий тизимларини бошқариш самарадорлигини услубий жиҳатларини такомиллаштириш, улар барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда мезонларни таснифий жиҳатларини ишлаб чиқиш, бошқариш самарадорлигининг омиллар асосидаги иқтисодий-математик моделлаштиришнинг замонавий усулларини қўллаш бўйича устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Янги Ўзбекистонда иқтисодий тизимларни барқарор ривожлантириш, уларни бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, етакчи соҳа ва тармоқларни кенгайтириш, бунда, тежамкор ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ҳудудларда мавжуд

1.Преобразование нашего мира: повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года (принята резолюцией 70/1 Генеральной Ассамблеи от 25 сентября 2015 года) // https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N15/291/92/PDF/N1529192.pdf.

ишлаб чиқариш омилларининг самарали ва оқилона бандлигини таъминлашга, улардан фойдаланишда замонавий бошқариш усулларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудудларнинг иқтисодий тизимларини бошқаришни ривожлантириш, шу йўналишда инвестицион-инновацион фаолиятни кенгайтириш мақсадида институционал ўзгаришлар такомиллаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қайтадан ташкил этилди.



Иқтисодий тизим ва уни барқарор ривожланишини бошқариш жараёни.

Шунингдек, мазкур қўмита зиммасига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш каби муҳим вазифа юклатилди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳудудлар иқтисодиётини мувозанатли ривожлантириш, уларда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳит ҳавфсизлигини таъминлаш,

ресурстежамкор фаолият турларини кенгайтириш, экологик барқарорликни таъминлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди[1]. Шу билан бир қаторда ҳозирги кундаги коронавирус пандемияси шароитида иқтисодий тизимларни барқарор ривожланишининг аҳамияти янада муҳим ҳисобланмоқда. Пандемия сабабли юзага келган чекловлар иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилмоқда ва улар таъсирини камайтиришда бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва иавсиялар ишлаб чиқиш зарур.

Иқтисодий тизим бу ўзаро боғлиқ тузилмаларнинг (иқтисодий ва экологик) умумий мақсадга эришиш учун ўзаро таъсирли жараёни бўлиб, тизим ҳаракати мазкур боғланиш асосида ривожланади. Иқтисодий тизим билан боғлиқ тадқиқотларни кўрсатишича, мазкур масала макродаражада ўрганилиши билан бирга, ҳудудий даражада (маъмурий-ҳудудий бирликлар, ёки уларнинг гуруҳи ва минтақалари ёки бошқа белгилари бўйича таснифий бирликларидан) ҳам таҳлил этилади.

Хулоса ўринда, Иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланишини таъминлашда тизимларни бошқаришга таъсир этувчи гуруҳ омиллари ва мавжуд омиллар таъсир даражаларини инобатга олиш зарур ҳисобланади. Омилларнинг таъсир даражаси бўйича ички ва ташқи омилларга бўлиш мумкин. Ташқи муҳит омилларга иқтисодий тизимларнинг географик ҳолати, сиёсий ва маънавий-маърифий муҳит, фан-техника тараққиёти, макродаражада иқтисодий тизимларни ташкил этувчи компонентлар, ички муҳит омилларига иқтисодий тизимларни самарали бошқаришга бевосита боғлиқ бўлган шарт-шароитлар яъни табиий ресурслар, демографик ҳолат, экологик маданият, жамият бошқаруви, ишлаб чиқаришнинг экологизациялашуви, экологик инвестиция ҳолати кабилар киради.

Адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” ги ПҚ-4702 сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й.
2. “2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2015 йил 5 майдаги ПК-2343-сонли Қарори.
3. “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сонли Қарори.
4. А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашр). ТДИУ. –Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. - 424 б.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

5. Экономический рост и инновации: теория, практика и моделирование // Колл. авт. Под общий редакции С.Чепель. –Т.: 2010; Форрестер Д. Мировая динамика / пер. с анг. М.: ООО Изд-во АСТ: СПб.: Terra Fantastica, 2003.

Алимбаев Х.Х. *– ОБМ тингловчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИТЛАРИ

Бугунги кунда Республикамизда иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилаётган банк кредитлари ҳажмининг ошиши, банк кредитларидан фойдаланаётган турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидаги мижозлар миқдори кўпайиши ва банклар томонидан берилаётган кредитларни оқилона жойлаштириш ва улар самарадорлигини ошириш, берилган кредитлар ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ундириб олишни таъминлаш банклар кредит портфели устидан доимий кузатиб бориш асосий иши деб талаб қилинмоқда.

Тижорат банкларининг кредитлари иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, улар фаолиятини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш,кредитлаш ҳажмларининг мўтадил ўсишига амал қилиш ва кредитлашнинг фақат бозор шартлари асосида амалга оширилишига эътибор бериш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Шуниси аҳамиятлики, ушбу стратегияда етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган ва заиф қатламларда давлат иштирокини кучайтириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, республика ягона молия тизимининг ўзаро тўлдирувчи қисми сифатида нобанк кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш бўйича олиб бориладиган ишлар белгилаб берилган.

Тижорат банкларида кредит фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари бир қатор хорижий олимларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган ва кредит портфели тушунчасини унинг моҳиятига берилган таърифларда ифодаланган. Масалан америкалик иқтисодчилар Крис Ж. Барлтон, Диана Мак Нотон кредит портфели - бу кредитларни туркумлашни ўз ичига олади деб таърифлашади [13]. Шунингдек, Н. Соколинская “кредит портфели қиска ва узоқ муддатли кредитлар йиғиндисидан иборат” деб таърифлайди [15]. Бу таърифда асосий эътибор кредитнинг муддатига

қаратилган бу ҳолат кредит портфелининг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Чунки, банк томонидан берилган кредитларнинг муддатини белгилаб қўйилиши ва унга риоя қилиниши фақат кредит портфелининг сифатини аниқлашда муҳим омил бўлиши мумкин. Россиялик машҳур иқтисодчи олим О.И.Лаврушин “кредит портфели тушунчаси банк ишида одатда бир ёки бошқа банкнинг кредитлари йиғиндиси тушунилади” деб таъриф беради[12]. Шу билан бирга у банкда кредит портфелини шакллантириш ва уни таҳлилини олиб бориш тижорат банкининг стратегия ва тактикасини аниқ ишлаб чиқиш имконини бериб, мижозларни кредитлаш имкониятини оширади деб ҳисоблайди. Жумладан, Кредит амалиётида бошқаришда бевосита кредитлашга доир, жумладан кредит аризасини кўриб чиқиш, кредит бериш, мониторинг қилиш, кредитни сўндириш жараёнлари билан боғлиқ мутахассислар юридик нормалар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йўриқномалари ва бошқа меъёрий ҳужжатларига, шунингдек тижорат банкларни кредитлашга оид ички меъёрий ҳужжатларига амал қилишлари лозим.

Кредитлаш амалиёти мазмуни қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- Кредитлаш амалиётининг мақсади ва стратегияси;
- Ваколатлар даражаси ва масъулиятни тақсимлаш;
- Кредит турлари;
- Кредитларнинг тўпланиши;
- Кредитларни тўлаш;
- Қарздорларга доир молиявий ахборот;
- Гаров таъминотига нисбатан қўйиладиган талаблар;
- Кредит мониторингига нисбатан қўйиладиган талаблар;
- Фоиз ставкалари;
- Боғлиқ шахслар билан бажариладиган операциялар;
- Кўзда тутилмаган холатлар моддалари (балансдан ташкари моддалар);
- Кредит портфелини аудит қилиш;
- Банк Бошқаруви ва Кенгашига тақдим этиладиган ҳисоботлар.

Кредитлаш амалиёти банк фаолияти турларига қараб мазмуни ва тузилмаси жихатидан фарқ қилади. Мазкур бўлим банк мақоми ва у жойлашган манзилдан қатъий назар кредитлаш амалиётида акс эттирилиши лозим бўлган умумий масалалар рўйхатини белгилаб беради. Бунда кредитлаш амалиётининг йўналишларида берилаётган кредитларнинг ҳажми ва шакли, киска ва узоқ муддатли кредитлар ўртасидаги нисбат, молиявий ахборотларни таҳлил этиш жараёни, кредит портфели ҳамда маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар акс эттирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Т.: Фзбекистон, 1996 йил 25 апрел.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони. 2017 йил 7 февраль.
3. Фзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ№5296 фармони. 2018 йил 9 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3270 сонли қарори.
5. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Т.: Фзбекистон. 2017 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 й. 22.12.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 3620 қарори. 2018 йил 23 март.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастури 2017 йил 12 сентябрь.

Матфозилов И.Р. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ АЖ ЭКСПОРТ ЮКЛАР ҲАЖМИНИ ОШИРИШНИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-6096 сонли фармони ҳамда 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортини ривожлантириш концепция лойиҳасига кўра темир йўл транспортида ташувларни такомиллаштириш ва жамият фаолиятидаги носоҳавий йўналишларни хусусийлаштириш режалаштирилган. Ҳаракатланувчи таркибга локомотивлар, юк вагонлари, локомотивли йўловчи вагонлари, кўп агрегатли ҳаракатланувчи таркиб, шунингдек, турли хил махсус ҳаракатланувчи ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, йўловчи, юк ва махсус мақсадли таркибларга бўлинади Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида транспорт хизматлари аҳамиятининг ортиши аҳоли транспорт ҳаракатчанлигини ошириб иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратади. Кучли рақобат туфайли темир йўл компаниялари бошқа транспорт турлари, хусусан автомобиль ва ҳаво йўллари компаниялари билан рақобатга киришмоқда. Жаҳон банки


маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатлар ЯИМдаги транспорт секторининг улуши ўртача 8% ни ташкил этмоқда. Gartner Research ташкилоти томонидан маълум қилинган ҳисоботда 2021 йилда транспорт хизматлари соҳасидаги компаниялар даромадларининг ўртача 11,4% ни маркетинг харажатларига сарф этган.

Халқаро транспорт хизматлари бозорида муросасиз рақобат кечаётган бир пайтда истеъмолчиларнинг йўловчи ташиш хизматлари бозоридаги кўрсатилаётган хизматлар сифатига, умаман замонавий транспорт бозорига, хизматлар турларига, йўловчи ташиш хизматларидан фойдаланиш жараёнидаги қулайликка бўлган эҳтиёжларига кўра уларнинг талабларини қондиришни тақазо этади.

Бозор иқтисодиёт тизимига ўтиш темир йўлларнинг юқори талабларга жавоб беришида ҳамда уларни яхши ҳолатда сақланишида техника ва механизмлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратди. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига 2000-йилдан бошлаб янги темир йўлларни қуриш, таъмирлаш ва соз ҳолатда сақлашга техникаларнинг янги моделларини жалб қилиш бошланди. Улар юқори самарадорликка эга бўлган австриянинг «Плассер ва Тойрер» фирмасининг RM-80 русумли шағал (балласт) тозаловчи, «Дуоматик» 08-32 русумли темирйўл панжарасини кўтариш, суриш ва йўлни теккислаш учун, SSP-110 русумли шағал (балластни) тақсимловчи, ДГС-62 русумли йўлларни динамик стабиллаштирувчи, АРТ-500 русумли релсларни пайвандловчи, ЕМ-120 русумли йўл холатини текширувчи машиналари, «Жейсмар» фирмасининг шпалларни алмаштирувчи мошиналари, юк кўтариш дрезиналари ва бошқа турли йўл таъмирлаш ишларни бажарувчи мошина ва ускуналар билан таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Глобаллашув тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг маркетинг фаолиятининг устувор йўналишлари истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларга, товар ва хизматларни илгари суришда маркетинг дастурларини илмий асослашнинг муҳимлигини белгилаб беради.





2022 йил учун юк айланмаси прогнози, млрд тн-км	2022 йил учун юк ташиш прогнози, млн. тонна
- маҳаллий қатнов 11,56 - импорт 3,6 - экспорт 2,91 - транзит 6,77	- маҳаллий қатнов 59,0 - импорт 18,0 - экспорт 11,5 - транзит 9,5

Қўшни давлатлар билан контейнер ташувлари мувозанатланмаганлиги айрим муаммоларга сабаб бўлмоқда. Барча қўшни мамлакатлар контейнерда ташувларга тааллуқли савдо номувозанатлигига эга, бунда бўш контейнерлар ортга, Хитой-Европага жўнатилади ёки денгиз портига қайтиб кетади, бўш контейнерларни ташиш учун махсус тарифлар мавжудлигига қарамасдан, бу ҳолат темир йўл транспортида нархи қиммат олисга ташувни англатади. Шу сабабли контейнер операторлари, хусусан, кема қатнови жамиятлари Ўзбекистонга ташув учун контейнерларни истамасдан беришади, чунки бу уларни бир муддат муомаладан чиқариши мумкин. Шу муносабат билан, ташувларнинг мувозанатланмагани ҳамда назорат қилишнинг қийинлиги биргаликда, кема қатнови жамиятлари одатда Марказий Осиё(дан)га ташувлар учун паррон коносамент таклиф қилмаслигига олиб келади. Айрим кема қатнови жамиятлари одатда молиявий депозит билан таминланган қайтиб бериш масъулиятини оладиган бошқа транспорт ташкилотларига ўз контейнерларини берадилар. Депозит миқдори ва юкланадиган хавфлар кўпинча кўтариб бўлмайдиган даражада баланд бўлади, шу туфайли контейнерлардан кўпинча юклар тушириб олинади. Ножисмоний тўсиқларга қарамасдан йил мобайнида 70 000 тага яқин контейнер ишланади.

Рақобат шароитида компаниялар товар ва хизматларини ҳаридорларга тақдим қилишнинг янги усулларини топишга, ҳаридорларни янада кўпроқ маълумотларга эга бўлишлари учун маркетинг коммуникацияларидан самарали фойдаланишга эътибор беради. Маркетинг коммуникацияларидан самарали фойдаланиш корхона ва фирмалар тижорий фаолиятининг ўсишига, умумий даромадларининг ортишига, бозордаги ўрнини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Корхона ва фирамалар тижорий фаолиятига самарали таъсир кўрсатади, чунки улар мақсадли сегментларнинг ҳиссиётига таъсир этади ва ҳаридларни рағбатлантиради. Корхона ва фирмалар томонидан тақдим қилинаётган товар ёки хизматларга мақсадли бозор сегментларида ижобий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантиришга маркетинг коммуникацияларидан фойдаланиш орқали ҳам эришилади.

Корхонанинг бозор билан ўзаро мақсадли муносабатидир. Ушбу таъриф маркетингнинг моҳиятидан ташқи ва ички муҳитнинг ўзаро таъсирини ҳисобга оладиган, корхонада маркетинг ҳаракатлари тизимини, унинг стратегияси ва тактикасини, бошқарув қарорлари иерархиясини ва фаолиятнинг таърифларини ҳисобга оладиган яхлит бошқарув тушунчаси сифатида келади.

Хулоса Рақобат муҳитида транспорт корхоналари хизматларни реклама қилишнинг самарали тизимлари ва усулларини излашга, йўловчиларни ахборот хабардорлигини оширишда маркетинг коммуникацияларининг ролини оширишга алоҳида эътибор беришади. Ушбу муҳим муаммонинг ечими тижорий фаолиятининг ўсишига, умумий даромаднинг кўпайишига ва транспорт корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради.

Бозорни мақсадли сегментлаш асосида ишлаб чиқилган йўловчиларга қулай вақтларда поездлар жадвалини ва таркибини тузишга, хизматлар сифатини ошишига, хизматлардан бир марта фойдаланган йўловчининг яна шу транспорт туридан фойдаланиш истагини яратишга қаратилиши лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги «Бухоро – Мискин темир йўл линиясини қуриш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2827-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3217-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сонли фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5647-сонли фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштиирш чора-тадбтрлари тўғрисида»ги ПҚ-4230-сонли қарори.

Мирзаев С.А. *– ОБМ тингловчиси*

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

Ҳозирги вақтда иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланишини баҳолашда асосий ва кенг миқёсли фойдаланиладиган иккита услубий ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашувда қуйидаги кўрсаткичлар тизими эътиборга олинади: иқтисодий, экологик, ижтимоий. Ушбу ёндашувдан Бирлашган Миллат Ташкилоти, Европа ҳамдўстлиги, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар фойдаланади. Ушбу барқарор ривожланишнинг кўрсаткичлар тизими биринчи марта Рио-де-жанейро шаҳрида (1992 йил) атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича БМТ саммитида кун тартибига киритилган эди. Шундан сўнг БМТ комиссияси томонидан кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва кўрсаткичларнинг мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди.

Иккинчи ёндашувда интеграл индекслардан фойдаланилади ва бунда иқтисодий, ижтимоий ва экологик кўрсаткичлар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни баҳоланади. Интеграл индексларда иқтисодий ва экологик натижаларнинг ўртача қиймати аниқланади. Олинган натижалар стандартлаштирилади (меъёрий кўрсаткичларга қиёсланиб) ёки ҳудуднинг энг яхши кўрсаткичига қиёслаб ўрганилади.

Шундай бўлсада, барқарор ривожланишини баҳолашда таснифланган ёндашувлардан ташқари бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд, буларга масалан, АҚШлик олим Д.Форрестер томонидан таклиф этилган “дунё динамик модели”да ўзаро боғлиқ бешта кўрсаткични ҳисобга олинади. Улар: ер шари аҳолиси сони, капитал қўйилмалар (табиий ресурсларни шакллантирувчи, иқтисодиёт ривожланиш даражасини ифодаловчи), қайта тикланмайдиган ресурсларни ишлатиш, атроф-муҳитни ифлосланиши (табиат томонидан қайта ишланмайдиган кишилар ҳаёт фаолиятидаги чиқиндилар) ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш. Брайн Бойд томонидан экологик ҳолатларни вужудга келишида табиатнинг тарихий ҳодиса ва воқеалари замирида пайдо бўлишлиги билан баҳолайди. Австралиялик олим Андрюв Бенан томонидан иқтисодий-экология тизимларни баҳолашда ҳудудларда шаклланган урф-одат ва анъаналарга боғлиқ ҳолда амалга оширилишини фалсафий ёндашади. Шарқий Осиё олимлари томонидан ҳудудларнинг кучли ва кучсиз томонлари ҳамда мавжуд имкониятларини инобатга олган ҳолда баҳолашни, бунда саноат экологияси ва ихтисослашув даражаларидан келиб чиққан ҳолда тактик ва стратегик имкониятларни сафарбар қилишга ёндашган.

Шунингдек, Е.Л.Кузина тадқиқотларида иқтисодий тизимларни бошқариш жараёнларини моделлаштириш ўрганилган. Ишда муаллиф атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун иқтисодий-математик усуллардан фойдаланган. Моделнинг кўриниши фуйидагича:

$$\text{Пр (У)оос} = (S1 - S2) - (\text{К}/n1 + \text{Э}/n2 + P) \quad (1.3)$$

Бунда: Пр (У)оос – табиатни муҳофаза қилиш учун амалга оширилган чора-тадбирлар натижасидаги фойда (яширин фойда); S1, S2 – табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари қўллангунгача ва қўллангандан кейинги атроф-муҳитга фойдаланувчилар сабаб таъсир қилувчи омиллардан кўриладиган зарар; К – табиатни муҳофаза қилувчининг табиатни асраш чора-тадбирларига киритган капитал қўйилмалари; *n1* – табиатни муҳофазасини амалга оширишнинг улар самарадорлиги ўзгармас ҳолдаги кафолатланган муддати; Э – табиатни муҳофаза қилишни амалга оширишга мос эксплуатацион харажатлари; n2 – табиатни муҳофаза чора-тадбирларини амал қилиш муддати; Р – атроф-муҳит ифлосланиши учун тўловлар ва бошқа унга салбий таъсирлар[1]. Муаллиф ушбу усулда экологик ҳолатга ҳамда уни яхшилаш бўйича амалга оширилган инвестицияларга асосий эътиборни қаратмоқда. Одатда, иқтисодий кўрсаткичларни ўзгартиришга ёки технологик жараёнларни ўзгартиришга, яъни такомиллаштиришга киритилган капитал қўйилмалар ҳам ресурс тежамкор ишлаб чиқаришни юзага келтиради. Шу билан бирга, мутахассисларни жалб этиш ёки улар малакасини ўзгариши ҳам ҳудди шундай ижобий ўзгаришларни юзага келтиради. Мазкур ҳолатни ҳисобга олган ҳолда тенгликдан фойдаланилса, баҳолаш усулини комплекс амалга ошириш имконини беради.

